

## СЎЗБОШИ

Инсоният вужудга келибдики, заифлар, ногиронлар, қариялар, болалар, беморлар, боринги, барча ёрдамга муҳтожлар тўғрисида ғамхўрлик қилиб келади. Бу ғамхўрлик турли тарихий босқичларда турли шаклларда намоён бўлган. Ибтидоий одам қўлга киритган ўлжасининг бир қисмини ўзи яшаётган ғордаги бемор ва ногиронларга олиб келиши инсоннинг инсон тўғрисида ғамхўрлик қилишининг дастлабки кўриниши эди.

Бутун тарих давомида одамларнинг бир-бирларини ўлдириши, қириши, азоблаши, хўрлаши билан бир қаторда ўзаро ғамхўрлик қилиши, ёрдам бериши, эъозлаши ва хурмат қилиши ёнма-ён мавжуд бўлиб келди. Хайриятки, бу тамойиллардан иккинчиси устун келди ва инсоният тараққиёт сари юз тутди. Агар биринчи тамойил устун келганда, инсоният инкирозга юз тутиши ва умуман йўқ бўлиб кетиши мумкин эди.

Авваллари заифлар, ногиронлар, қариялар, болалар ва умуман муҳтожларга ёрдам алоҳида шахслар ва гуруҳлар томонидан кўрсатилган бўлса, XIX аср охирларидан бу функцияни давлат ташкилотлари ўз зиммаларига ола бошлади. Муҳтожларга кўмак беришни асосий вазифа сифатида белгилаб олган давлат ташкилотлари, муассасалари билан бир қаторда нодавлат ташкилотлар ҳам пайдо бўла бошлади. Муҳтожларга ёрдам бериш учун махсус тузилган ана шундай ташкилот ва муассасаларнинг пайдо бўлиши муҳтожларга кўмак бериш жараёнининг институционаллашувини англатар эди. Бу жараённинг оқибатларидан бири эса янги касбнинг, муҳтожларга ёрдам кўрсатишни касбий асосда амалга оширувчи мутахассисларнинг майдонга келиши бўлди. Бу мутахассислик ижтимоий иш номи билан атала бошлади.

XIX аср охиридан бошлаб дунёнинг кўпчилик мамлакатларида ижтимоий иш ва ижтимоий педагогика бўйича мутахассислар олий ва ўрта махсус ўқув юртларида кўплаб тайёрлана бошлади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин таълимнинг бу соҳаси яна ҳам кенг қулоқ ёзди.

Собиқ шўролар тузумида муҳтожларга ёрдам кўрсатиш билан шуғулланадиган ногиронлар уйи, қариялар уйи, болалар уйи, қабул қилиш-тақсимлаш муассасалари анча миқдорда ташкил этилган бўлса ҳам, ижтимоий иш ва ижтимоий педагогика бўйича мутахассислар олий ёки ўрта махсус ўқув юртларида махсус тайёрланмади. Юқорида санаб ўтилган муассаса ва ташкилотларда фан ва ишлаб чиқаришнинг турли соҳалари бўйича ихтисосликка эга бўлган шахслар ишлар эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки кунларданок кам таъминланган оилалар, ногиронлар, қариялар, етим-есирларни қўллаб-қувватлашга

алоҳида эътибор берила бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг қатор Фармонлари, ўнлаб ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, 1997 йилнинг “Инсон манфаатлари йили”, 1998 йилни “Оила йили”, 1999 йилнинг “Аёллар йили”, 2001 йилни “Оналар ва болалар йили”, 2002 йилнинг “Қарияларни кадрлаш йили”, 2004 йилнинг “Меҳр ва мурувват йили”, 2005 йилнинг “Сихат - саломатлик йили”, 2006 йилнинг эса “Ҳомийлик ва шифокорлар йили” деб эълон қилиниши мамлакатда ижтимоий соҳага қанчалик катта эътибор берилаётгани далилидир.

Ҳар қандай касб одамларнинг эҳтиёжларига жавоб тариқасида вужудга келади, лекин ана шу “жавоб”нинг шаклланиши баъзан қисқа, баъзан эса жуда узок вақт давом этиши мумкин. Масалан, информатика бўйича мутахассисларга талаб кейинги бир неча ўн йилликлар давомида вужудга келди. Бу ихтисослик бўйича мутахассислар 20-30 йил давомида бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда кўплаб тайёрланди.

Ижтимоий хизматга талаб минглаб йиллар аввал вужудга келди. Лекин, бу соҳа мутахассисларини махсус тайёрлаш XIX аср охири ва XX аср ибтидосида бошланди. Шўролар тузуми ўзининг инсонпарварлиги билан ҳар қанча мақтанса ҳам, амалда инсонпарварлик яққол намоён бўладиган соҳа – ижтимоий хизмат бўйича мутахассислар тайёрлашга киришмади ҳам. Бунинг оқибатида кўрсатилаётган ижтимоий хизмат сифати бўйича шўролар тузуми ва унинг харобаларида вужудга келган мамлакатлар Ғарб мамлакатларидан анча орқада қолиб кетди.

Ўзбекистонда ижтимоий хизмат ва умуман ижтимоий соҳага қадимдан катта эътибор бериб келинган. Қарияларни ҳурматлаш, етим-есирларнинг бошини силаш, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш халқимизнинг азалий қадриятларидан ҳисобланади. Ислом дини халқимизнинг бу қадриятларини яна ҳам юксакроқ кўтарди. Асосий эътиборни синфга ва жамоага қаратиб алоҳида инсонни менсимаган шўролар даврида эса бу қадриятлар хира тортди. Истиқлол эса халқимизга қадимий қадриятларни қайтариб берди.

Ўзбекистонда ижтимоий таъминот бўлимлари, меҳрибонлик уйлари, ногиронлар уйлари, турли жамғармалар ва ижтимоий хизмат кўрсатувчи бошқа кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлар мавжуд. Айни пайтда, мамлакатимизда ўзига хос институт-маҳалла томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизмат шакллари ҳам мавжудки, у бошқа мамлакатларда учрамайди.

Ижтимоий хизматни янги-касбий даражага кўтаришга халақит бераётган муаммолардан бири ижтимоий хизматчи касби бўйича махсус тайёргарликдан ўтган мутахассисларнинг жуда озлигида. Бу касб бўйича олий ёки ўрта-махсус ўқув юртларида ихтисослик олганлар сони соҳада банд бўлганлар умумий миқдорининг бир фоизини ҳам ташкил қилмайди. Бу муаммони ҳал қилиш бўйича

дастлабки қадамлар ташланди. 2004-2005 ўқув йилида Тошкент Давлат Маданият институтида “Ижтимоий иш” ихтисослиги бўйича мутахассис тайёрлайдиган бўлим очилди. 2005-2006 ўқув йилида эса шундай бўлимлар Самарқанд Давлат университети ва Фарғона Давлат университетида ҳам иш бошлади. Навбатдаги ўқув йилида яна бир қатор ўқув юртларида шундай бўлимлар очиш мўлжалланмоқда.

Ижтимоий иш ихтисослиги бўйича кадрлар тайёрлашни кенгайтириш йўлидаги тўсиқлардан бири – шу йўналишдаги ўқув-услугий адабиётлар, дарслик ва қўлланмаларнинг йўқлиги. Мамлакатимизда бу тўсиқни бартараф этишга ҳам киришилди. Тошкентдаги Маданий антропология жамияти ҳамда Болаларни ижтимоий мослаштириш маркази фаоллари ана шундай адабиётларни тайёрлаш ва таржима қилишни бошлашди. Бу хайрли ишга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳомийлик қила бошлади. Бу ишни амалга ошириш учун маслаҳатчилар миллий гуруҳи тузилди ва иш бошлади.

Бино даҳлиздан бошлангани сингари, ҳар бир фан унга “Кириш”дан бошланади. Шунинг назарда тутиб, Ижтимоий ишга кириш қўлланмасини таржима қилишга қўл урилди. Дунёдаги университетларда фойдаланиладиган ана шундай қўлланмалар орасидан Москвалик олим-профессор С.В.Тетерскийнинг кўлингиздаги китоби танлаб олинди. Бу қўлланма тилининг соддалиги, ижтимоий иш бўйича жаҳонда ва Россияда тўпланган назарий ишланмалар ва амалий тажрибани лўнда ва тушунарли ифодалаб бериши, мавзуларни ёритишда замонавий педагогик технологиялардан унумли фойдаланиши билан ажралиб туради. Қўлланма ибтидосида ундан қандай фойдаланиш тўғрисида йўриқнома ҳам берилган.

Қўлланманинг ютуқларидан яна бири унда талабалар ёши, тажрибаси ва билимларини назарда тутган ҳолда амалий топшириқлар ва таҳлил қилиш учун таклиф этилаётган қизиқарли ва айти пайтда анча мураккаб вазиятларнинг келтирилишидир. Қўлланма талабалар ва уларнинг муаллимларига маъқул келади, деган умиддамиз.

Қўлланмани ўзбек тилига таржима қилишга ҳомийлик кўрсатган ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбариятига, хусусан, Шима Баркин хоним ва Камолова Гўзал хонимларга ташаккур билдиришни бурчимиз, деб биламиз. Шу билан бирга, таржимада яқиндан ёрдам кўрсатган Маданий антропология жамияти ва Болаларни ижтимоий мослаштириш Маркази раҳбарларига, маслаҳатчилар миллий гуруҳи аъзолари С.А.Охунжонова, М.Ҳ.Ғаниева хонимларга, профессорлар М.Қ.Қуронов, М.Б.Бекмуродовларга, Ҳ.Йўлдошевга, лойиҳа координаторлари Л.Э.Ким ва М.Х.Карамян хонимларга чуқур миннатдорчилик билдираамиз. Таржимани амалга оширган ижодий гуруҳ

аъзолари ва техник муҳаррир Р.Ш.Рустамова хонимларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Абдуллажон Бегматов,  
таржима илмий муҳаррири,  
профессор

## ҚЎЛЛАНМА БИЛАН ҚАНДАЙ ИШЛАШ КЕРАК?

---

“Тийинлардан сўмлар таркиб топгани каби, билим ҳам ўқилган нарсаларнинг зарраларидан ташкил топади”.

В. И. Даль

“Замонавий инсон, олтин заррачаларини кумлар орасидан қидириши керак бўлган олтин изловчи ҳолатида, Ҳимолайдай кутубхоналар олдида туради”.

С. И. Вавилов

Ижтимоий-педагогик таълимнинг биринчи босқичида билим олишга киришиб, Сиз XXI асрдаги энг ижодий ва энг оммавий касб – “ижтимоий иш” билан танишишни бошлайсиз, бу касб ташаббускорлар, чин кўнгилли, яхши ниятли ва жасур инсонларни бирлаштиради. Дарс давомида сизда пайдо бўлаётган муаммоларни мустақил ечишга ва мавжуд бўлган қийинчиликларни енгиб ўтишга, ўзингизнинг кучингизга ишонишга тўғри келадиган шароитларда ҳаракат қилишга ўрганасиз. Сизга атрофингизни ўраб турган ҳаётни яхшилаш учун ўз ҳиссангизни кўшишга, зиддиятларни ҳал қилиш усуллари эгаллашга, давлат, тижорат ва жамоат муассасалари ва ижтимоий соҳа ташкилотлари тизимида ишлаб туришга тўғри келади. Машғулотлардаги жамоавий ўйин шакллари сизнинг гуруҳингизда яхши микроклимни яратишга, сизда ўзингизга ишонч ҳосил қилишга ёрдам беради.

Асосий матнни ўқиб чиқишдан олдин ушбу машғулотда нима тўғрисида гап кетиши ва бу ҳақда қандай қилиб қизиқарли сўзлаб бериш мумкинлигини олдиндан билишга ҳаракат қилинг, сиз бу мавзу тўғрисида олдин ўқиган ёки эшитганларингиздан нималарни билишингизни эслаб кўришга ҳаракат қилинг.

Ўқиш — мустақил ижод учун асос. Самарали ўқиш ўқилган матндан фойдали ахборотни ола билиш ва уни келгусида ишлатиш учун эслаб қолиш қобилиятини англатади. Ўқиш тезлиги ўқиш кўникмаларини эгаллаш даражасининг асосий кўрсаткичи ҳисобланиб, у бир минутда ўқиб чиқилган сўзлар миқдори билангина эмас, балки ўқиб чиқилганларни ўзлаштириш сифати билан ҳам аниқланади. Одатда, мактаб битирувчиларининг ўқиш тезлиги минутига 100-120 та сўзни ташкил этади, бу мутахассислар томонидан секин суръат сифатида баҳоланади.

Бир дақиқа давомида нотаниш матнни ўқиб чиқишга ҳаракат қилиб кўринг. Сўзлар сонини сананг.
--

Самарали ўқиш кўникмаларини ривожлантириш учун ўқиш тезлигини сезиларли даражада пасайтирадиган ўртача, махсус ўқитилмаган ўқувчига хос бўлган асосий камчиликларни билиш муҳим. (О. Я. Гойхман бўйича) :

1. Ўқиб бўлинган нарсаларга кўзнинг ўринсиз қайтишлари (оддий ўқувчида ҳар 100 та сўзга 10-15 та қайтиш тўғри келади).
2. Кичик кўриш майдони, яъни қараш вақтида кўзлар кўрадиган ҳарфлар сони (одатда, 10-15 ҳарф, яхши тайёрланган одамлар эса, кўзлари билан бутун саҳифани қамраб олишлари мумкин).
3. Ўқиладиган матнни ичдан айтиб туриш.
4. Кейинги сўзларни олдиндан топиш кўникмасининг йўқлиги.
5. Ўқишнинг мослашувчан дастури, яъни аниқ бир мақсадга мувофиқ ва аниқ бир қоидалар бўйича ўқиш алгоритмининг йўқлиги.

Бу камчиликларни енгиб ўтиш имконини берадиган турли усуллар ишлаб чиқилган. Матнни маънавий бўлакларга бўлиб ва уларда матнни тушунишни осонлаштиришга хизмат қиладиган таянч маънавий бандларни ажратишга ҳаракат қилиб кўринг.

Матн устида ишлаш кетма-кетлиги қуйидагича:

1. Ҳар бир хатбошида таянч (асосий) сўзларни ажратингки, улар асосий ахборотни ташийдиган сўзлар ёки сўз бирикмалари бўлсин.

2. Таянч сўзлардан маънавий қаторлар, яъни таянч сўзлар ва сўз-боғловчилардан иборат жумла тузинг. Натижада, хатбошининг зичлаштирилган маъноси ҳосил бўлади.

3. Маънавий қаторларни таҳлил қилиб матннинг асосий маъносини аниқланг (матн бошланғич ҳажмининг 25% дан ортиқ бўлмаслиги керак).

Матн бўйича ишбилармонлик ўйинлари, тренинглари (машқлар)ни, ижодий топшириқларни бажариш Сизга қуйидагилар учун имкон беради :

— турли ҳаётий ва касбий ролларда бўлиш; бошқа одамнинг шахсиятидаги ноёбликни текшириш, бошқа одамни унинг камчиликлари билан бирга идрок қилиш, унинг нуқтаи назари мавқеига тура билиш;

— қисилишларни, комплексларни олиб ташлаш, ролларни алмаштириш техникасини эгаллаш; бўшашишни ўрганиш, мушаклар орқали рухий ходисаларни узатиш, нур таратиш, энергияни нурли қабул қилиш — ўзини мукамал сифатли инсон сифатида ҳис қилиш;

— воқеаларни олдиндан кўра билиш ва тақдим қилинганни ҳақиқийси билан солиштира билиш.

Имконият бўлса, тенгдошларингиз ёки қариндошларингиз гуруҳида “вазият” бўлимидаги ҳаётий ва ижтимоий муаммоларни ўйнаб кўринг, уларни ечиш вариантларининг иложи борича кўпроқ сонини топинг. Ижтимоий педагогик амалиётни ўтиш жараёнида сизга ўнлаб шундай вазиятлар билан тўқнашишга тўғри келади. Тахминан қуйидаги шаклда уларни муваффақиятли ечиш вариантларини жамланг :

## ВАЗИЯТЛАРНИ ЕЧИШ

### **Вазият**

1924 йилда туғилган уруш фахрийси, II гуруҳ ногирони, Саратов шахрида яшайдиган А. П. Федотов капитал таъмирлаш ва нафақасини кўпайтиришда ёрдам бериш илтимоси билан ижтимоий хизматга мурожаат қилди.

#### *Муаммолар:*

1). Уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси томонидан уруш фахрийси, II гуруҳ ногирони фойдаланаётган хонадонда капитал таъмирлашни ўтказиш имконияти.

2). Унинг нафақасини ошириш.

#### *Ечим:*

1). Россия Федерацияси Уй-жой кодексининг 145-моддасига мувофиқ, шаҳарларда давлат уй-жой жамғармасини таъмирлаш (қайси муассасага тегишли бўлишидан қатъий назар) умумий таъмирлаш-қурилиш хизмати томонидан амалга оширилмоқда. Давлат уй-жой жамғармасини капитал таъмирлаш ҳаражатларини молиялаштириш масаласи 149-моддада акс эттирилган: таъмирлаш уй-жойдан фойдаланиш ташкилотлари маблағлари ҳисобига, бу маблағлар етишмаган ҳолларда давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилади. Шундай қилиб, Федотов А. П. ўзининг хонадонини Уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси (УЖФБ) томонидан ва тўлиқ улар ҳисобидан капитал таъмирлаб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

2). Саратов вилояти губернаторининг “Нафақаларни тўлашнинг вақтинчалик тартиби тўғрисида”ги 19.05.98 даги 612-сонли фармойишига биноан, минтақадаги нафақа қонунчилиги маҳаллий қонунчилик билан



мослаб турилади. 7 та навбат мавжуд. 1998 йилнинг майидан бошлаб нафақаларни тўлаш тартиби фармойиш иловасига биноан нафақахўрлар тоифаси ва олинаётган нафақа миқдорига боғлиқ равишда амалга оширилади. Федотов А.П. уруш фахрийси бўлганлиги сабабли 6-навбатдан 5-навбатга ўтиш ва 1050 рублгача миқдорда нафақа олиш ҳуқуқига эга.

Фойдаланилган ҳужжатлар:

РФ фуқаролик кодекси, РФ Уй-жой кодекси, нафақа қонунчилиги, минтақавий меъёрий ҳужжатлар.

---

## **Вазият**

Ижтимоий хизматчига Иванова П. А. мурожаат қилди. Унинг ўғлини армияда мажруҳ қилишди: умуртқа поғонасидаги ўсимта синдириб туширилган, умуртқа поғонасида чурра пайдо бўлган, буйрак ҳам ишдан чиққан. Тиббий комиссия уни хизматдан озод қилган. Иванова П. А. иккинчи боласини ҳарбий хизматга жўнатмаслиги мумкинми?

*Муаммолар:*

- 1) Армиядаги низомга нолойиқ муносабатлардан жабрланувчини даволаш;
- 2) айбдорларни жазолаш;
- 3) кичик ўғилнинг хизматга чақирилишини орқага суриш.

*Ечим:*

Иванова П. А. катта ўғли учун суғурта ҳақи олиши керак: у хизматни ўтаган қисмга мурожаат қилинса, у ердагилар барча ҳужжатларни расмийлаштириб ҳарбий комиссариатга юборишади. Ўғлини калтаклаганлар жавобгарликка тортилиши керак. Унинг кичик ўғли армияда хизмат қилмаслиги мумкин эмас, чунки армияда хизмат қилишдан фақат яқин

кариндошлари ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида ҳалок бўлганларгина озод этиладилар.

Фойдаланилган ҳужжатлар:

РФ нинг “Ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуни ;

РФ нинг “Ҳарбий хизматчининг мақоми тўғрисида”ги Қонуни.

Амалий машғулотларни бажариш ўқитувчилар ва педагог-мураббийлар томонидан қўйиладиган маълум талабларга мос равишда амалга оширилиши керак. Амалиёт вақтида олинган тажрибани бир-бири билан ўртоқлашиш лозим (қуйидаги амалий усулларни қўллаган ҳолда: яккама-якка, тандем, жуфтлик, гуруҳ, биргаликда ишлаш ва бошқалар), педагоглар билан биргаликда амалий топшириқнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботни тузиш керак. Сизнинг барча амалий фаолиятингиз дастур бўйича амалиёт ўтишнинг асосий ҳужжати ҳисобланган ижтимоий-педагогик кундаликда қайд қилиниши лозим (амалиёт тўғрисида батафсил – “Ижтимоий-педагогик амалиётни ўтказишга тавсиялар” бўлимида).

Мустақил назорат учун саволларга жавоблар билимларни мустаҳкамлаш, предметни эгаллашга ижодий ёндашишга, кўпроқ керакли маълумотларни олишга; амалиётга, имтиҳонга, якуний ишни (лойиҳани) ҳимоя қилишга тайёрланиш имконини беради.

Машғулотни (айниқса, амалиёт билан боғланган) рефлексия – ички ўзини-ўзи баҳолаш, гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўзини-ўзи таҳлил қилиши билан тугатиш тавсия этилади. Рефлексия – инсоннинг бутун ҳаётида, фикрларида ва ҳиссиётларида қатнашадиган қалбининг меҳнатидир. Ҳар бир машғулотнинг хулосаларини чиқаришда рефлексия педагогнинг “бугунги машғулотда нима ёқмади?”, “Нима ёқди?” саволлари билан бошланади. Кейин ҳар бир ўқувчига ўзининг ички ҳолати тўғрисида фикр билдириш имконини бериш керак (буни умумий даврада бажариш самаралироқ): “мен ўзимни тўлиқ намоён қила олдими, ўзимни яхши томондан кўрсата

олдимми, буни қилишимга нима халақит берди? Мен янги билимларни олдимми, бирорта янги нарсани ўргандимми. Кейинги сафар нимани ўрганишни хоҳлар эдим?”.

---

## **Психолог Игор Викторович Вачковнинг маслаҳатлари**

Ўқув курсининг ҳар бир машғулоти бир ёки бир нечта машқлар билан таъминланган, уларнинг кўпчилиги муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган ёки юқори синфлар учун психологик тренингларда ишлатиладиган маълум ўйинларнинг модификациялари ҳисобланади.

*Абрамова Г. С.* Введение в практическую психологию.- М.: Международная педагогическая академия, 1994.

*Большаков В. Ю.* Психотренинг: Социодинамика. Упражнения. Игры. – СПб.: “Социально-психологический центр”, 1996.

*Вачков И. В.* Введение в тренинговые технологии // Вачков И. В. психологическое сопровождение выбора профессии / Под ред. Л. М. Митиной.- М.: Московский психолого-социальный институт, Флинта, 1998.

Введение в практическую социальную психологию / Под ред. Ю. М. Жукова.- М.: Смысль, 1996.

*Захаров В. П.* Практические рекомендации по ведению групп социально-психологического тренинга: Методические указания. – Л.: ЛГТУ, 1990.

*Захаров В. П., Хрящева Н. Ю.* Социально-психологический тренинг: Учебное пособие. –Л.: Изд-во ЛГУ, 1989.

Игры – обучение, тренинг, досуг... / Под ред В. В. Петрусинского: В 4 кн. – М.: Новая школа, 1994.

*Козлов Н. И.* Лучшие психологические игры и упражнения.- Екатеринбург: АРДЛТД, 1997.

*Коротаева Е. В.* Хочу, могу, умею! Обучение, погруженное в общение. – М.: КСП, ИП РАН, 1997.

*Макшанов С. И., Хрящева Н. Ю.* Психогимнастика в тренинге: каталог. Ч.1. –СПб., 1993.

*Марасанов Г. И.* Методы моделирования и анализа ситуаций в социально-психологическом тренинге.- Киров, 1995.

*Прутченко А.С.* Трудное восхождение к себе: Методические разработки и сценарии занятий социально-психологических тренингов. –М.: Российское педагогическое агентство, 1995.

*Ситников А. П.* Акмеологический тренинг: Теория. Методика. Психотехнологии. – М.: Технологическая школа бизнеса, 1996.

*Цукерман Г. А., Мастеров Б. М.* Психология саморазвития: задача для подростков и их педагогов. – Рига: ПЦ “Эксперимент”, 1995.

Таклиф этилаётган машқлар ўқув курси материални ўзлаштиришда ҳамда самарали мулоқот қилиш кўникмаларини, бўлғуси ижтимоий ишчиларга ва ижтимоий педагогларга керак бўладиган шахсий сифатларни ривожлантиришда ўқувчиларга ёрдам беришга қаратилган. Шахсни шакллантиришнинг муҳим шарти бўлган ўзини-ўзи англаш ривожига ёрдам берадиган ўйинларга алоҳида эътибор берилган. Баён этилаётган машқларни бажариш учун мутахассис психолог бўлиш шарт эмас. Бу масалани психологик тренинглarda қатнашиш ва/ёки ўқитишнинг фаол усулларини ишлатиш тажрибасига эга бўлган педагоглар еча олишлари мумкин. Кўпгина машқлар жуда батафсил баён этилган ва керакли изоҳлар билан таъминланган. Психологик ўйинларнинг таклиф этилаётган тўплами тугал ва яқуний ҳисобланмайди. Ўқитувчи ўзининг хоҳишига биноан уни тўлдириши мумкин.

Ижтимоий ишни ўқув предмети сифатида ўзлаштириш ўқувчилардан ривожланган эслаб қолиш қобилиятлари ва кўникмаларини талаб қилади.

Агар фойдали маслаҳатларни билса ва ишлатса, хотирани мақсадга мувофиқ ривожлантириш мумкин:

1. Эслаб қолишга киришилганда ўз олдига узоқ вақт, яхшиси доимий эслаб қолиш мақсадини қўйиш керак. Ахборотни узоқ вақт сақлашга установка ўрнатиш яхшироқ эслаб қолиш учун шароитларни таъминлайди.

2. Диққат - хотиранинг тиғидир: у қанчалик ўткир бўлса, излари шунчалик чуқур бўлади. Истак, қизиқувчанлик, янги билимларни олишга эҳтирос қанчалик юқори бўлса, шунчалик яхши эслаб қолинади.

3. Ёдлаб олишни инкор қилган маъқулроқ ва матнни эслаб қолиш учун маънавий эслаб қолишга таяниш керак: 1) тушуниш керак; 2) мантиқий кетма-кетликни ўрнатиш керак; 3) материални қисмларга бўлиб чиқиш ва унинг ҳар биридаги “таянч ибора” ёки “асосий бандни” топиш керак; 4) айнан уларни эслаб қолиш ва улардан “Ишорат белгиси”, мўлжаллар каби фойдаланиш керак.

4. Агар бирорта топшириқни бажаришда узилиш бўлса, у муваффақиятли бажарилган топшириқларга нисбатан яхшироқ эсда қолади.

5. Беш марта овоз чиқармай ўқишдан кўра, яхшиси икки марта овоз чиқариб ўқиган яхшироқ.

6. Берилган ўқув материални “янги излар” бўйича такрорлаш яхши, айниқса, уйқудан олдин ва эрталаб.

7. Ёд олишда “чекка қоидасини” инобатга олиш зарур: одатда, ахборотнинг боши ва охири яхши эслаб қолинади, ўртаси эса хотирадан “тушиб қолади”.

8. Ўқишнинг ҳақиқий онаси такрорлаш эмас, балки қўллашдир. Ёдланаётган материалдан фойдаланиш, у билан ишлаш имкониятлари қанчалик кўп топилса, эслаб қолиш шунчалик чуқур ва ишончли бўлади.

9. Баъзида эслаб қолишнинг сунъий усуллари – мнемотехникадан фойдаланиш қулай. Масалан, маъносиз “так-эр –нинг хир –о – ни шит - э”

бўғинлари тўпламини сунъий равишда тузилган “Эртакнинг охирини эшит“ гапига бирлаштириб эслаб қолиш мумкин.

Ўтилган материални мустаҳкамлаш ва кўрсатилган қоидаларни яхши эслаб қолиш учун ўқувчиларга ўқитувчи бу қоидалардан ушбу дарсликнинг бирорта матни устида ишлашда фойдаланишни таклиф этиши мумкин.

Педагогика фанлари номзоди Наташа Алексеевна Катаева томонидан таклиф этилган якуний (синов) машғулотлар шакли.

Синф иккита тенг гуруҳга бўлинади. Ҳар бири 10 минут давомида рақиб командага 15 та мавзули саволлар тайёрлайди. Навбати билан командалар бир-бирига саволлар ва жавоблар берадилар. Педагог жавоб бераётганлар ва сўраётганлар фаоллигини кузатади, ҳар бир ўқувчининг билимлар даражасини белгилайди, нотўғри ва ноаниқ саволларни ажратади. Иккала команданинг фаол иштирокчиларига баҳолар қўйгандан кейин педагог ўзини етарлича кўрсата олмаган ўқувчилар билан яккама-якка савол-жавоб ўтказади.

Якуний амалий машғулотлар ва уларда ўтказиладиган синовларни ижтимоий соҳанинг амалдаги хизматчилари: ижтимоий ходимлар, педагоглар, психологлар, милиционерлар, журналистлар, врачлар, жамоа бирлашмаларининг етакчилари ва бошқалар қабул қилиши самарали ҳисобланади.

# 1-МАШҒУЛОТ

## ИЖТИМОЙ ИШ КАСБ СИФАТИДА

---

“Ҳақиқий муваффақият — бу ўзинг яхши кўрадиган ишда ҳаётг йўлингни топишдир”.

Дэвид Макколоу

“Инсон бўлиш — бу масъулиятни ҳис қилишдир. Сенга боғлиқ бўлмаганга ўхшаб кўринадиган қашшоқлик олдида уятни ҳис қилишдир. Дўстлар эришган ҳар бир ғалабадан ғурурланишдир. Ўз ғиштингни қўйиб, дунёни қуришга ёрдам бераётганингни англашдир”.

А .Сент-Экзюпери

Касб чуқур умумий ва махсус тайёргарлик ва ишлаш тажрибаси натижасида эгалланган махсус билимлар ва амалий кўникмалар тўпламига эга инсоннинг фаолият, машғулот туридир.

Касб ривожланишининг мантиқи шундаки, улар бошланишда одамларнинг маълум бир талабларидан пайдо бўлади. Кейин амалий тажрибани йиғиш ва уни чуқур мулоҳаза қилиш амалга оширилади. Касбий фаолиятнинг назарий базаси шакллантирилади. Кадрларни тайёрлаш масаласи ҳал қилинади. Мутахассиснинг амалий фаолиятига илмий асослар берилади, бу ташқаридан, касбий журналлар, монографиялар, ўқув-услубий адабиётларнинг пайдо бўлишида акс этади; касбий ташкилотлар яратилади.

Турли шакллар ва номлар билан аталадиган ижтимоий хизматчининг касби турли тарихий ва турли маданий-тарихий даврлардан буён маълум. Ижтимоий ишнинг биринчи марта тилга олинishi эрамиздан аввалги 1750 йилга тааллуқлидир. Бу вақтда Бобилда адолат кодлари – фуқаролик актлари яратилган бўлиб, улар одамларни ўз яқинини севишга, камбағаллар тўғрисида қайғуришга чорлайди. Қадимги Грецияда ижтимоий иш

“филантропия” (юнон тилидан таржима қилинганда “инсониятга нисбатан муҳаббатни ифодалаш” маъносини билдиради) сифатида маълум бўлган, Римда эса– “халқ анъанаси” сифатида. Қадимги инклар ёрдам бериш жараёнини “минка” деб, маъжусий славян қабилалари “слепня” деб таърифлаганлар. Россияда ижтимоий иш 1864 йилдаги ер ислохотларини ўтказиш даврида пайдо бўлди, лекин у пайтда бу ном билан аталмаган эди. Ижтимоий хизматчиларнинг эътиборини кўрларга, камбағалларга, қаровсиз болаларга, зотсиз ва бошпанасиз ёши катта одамларга қаратиш бўйича функцияларни махсус вакиллар бажарганлар. Бу фаолиятнинг муваффақияти, бошқа исталган ҳар қандай фаолиятдаги каби, одамларнинг билимларига, ҳаётий тажрибасига ва касбий маҳоратига боғлиқ эди.

XX асрда СССРда ижтимоий хизматчиларнинг вазифаларини коммунистик партия ва касаба уюшмаси вакиллари ҳамда ижтимоий соҳанинг турли муассасалари хизматчилари бажарганлар. Ижтимоий ишга касб сифатида ўқитиш Россияда XX асрнинг 80-йиллари охирларида бошланди. Ўшандаёқ турли муассасаларга бўйсунушига боғлиқ равишда кўплаб ихтисосликка эга бўлган янги интеграциялашган касб-“ ижтимоий иш“ пайдо бўлди.

Ижтимоий хизматчиларни касбий тайёрлашнинг биринчи дастурлари XIX аср охирида Амстердамда, кейин Берлинда, Лондонда пайдо бўлди, бу ижтимоий ишнинг касбий даражага ўтишини англатарди; бунда ижтимоий ташхис қўйишда ва ижтимоий иш усуллари ва воситаларини танлашда умумий ахлоқий мезонларга эмас, балки илмий асосланган касбий ёндашишга амал қилинади. Ижтимоий кўмак натижаси инсоннинг ўзини ҳам, ижтимоий муҳитнинг ҳам ўзгаришлари ҳисобланадиган тадбирлар мажмуи ҳисоблана бошлади. Бутун XIX аср давомида ижтимоий хизматчилар томонидан асосий тезис, яъни инсоннинг ижтимоий ҳасталикларини даволаш учун шахснинг имкониятлари ва унинг ижтимоий



муҳитини, энг аввало унинг оиласини эркинлаштириш ва ривожлантириш, юксалтириш кераклиги ҳақидаги бош тезис қарор топди.

Россияда “ижтимоий педагог” касбининг пайдо бўлиш тарихи диққатга сазовор. 1989 йилда халқ таълими бўйича СССР Давлат қўмитаси СССР Педагогика фанлари Академияси қошида педагогика фанлари номзоди В. Г. Бочарова раҳбарлигида Муваққат илмий тадқиқот жамоаси “Мактаб-микрорайон” МИТЖ тузди. МИТЖ ва унинг юзлаб тажриба майдонлари ишининг натижаларидан бири микрорайонларда ишлашга мўлжалланган, собеслар ( аҳолини ижтимоий таъминлаш бўлимлари)га муқобил тарзда – “ижтимоий педагог”, деб аталган янги касбни асослаш бўлди. Шундай қилиб, таълим тизими 1991 йилдан бошлаб нафақат фаолиятининг мазмуни бўйича, балки номи бўйича ҳам “ўзининг” ижтимоий хизматчисига эга бўлди.

Жаҳон амалиётидаги замонавий ёндашиш ижтимоий иш ижтимоий ўзгаришларни амалга ошириш йўналтирилган фаолият шаклларида бири эканини аниқ-равшан тушунишда. Шу нуқтаи назардан ижтимоий иш жамиятдаги ижтимоий катаклизмларни ва зиддиятларни қатъий тўхтатиб турадиган восита ҳисобланади ва унга жамият ва давлат қанчалик кўп маблағ ажратса, у шунчалик самаралироқ бўлади. Демак, жамиятнинг катта қисмини олдиндан тайёрламасдан ва розилигини олмасдан ижтимоий қайта тақсимлашга йўғрилган замонавий Россияга тадбиқ қилинса, ижтимоий хизматларнинг жадаллик билан ривожланиши, ижтимоий ишга жамоат бирлашмаларини, хайрия жамғармаларини, ижодий ва касбий иттифоқларни, конфессияларнинг қўшилиши сиёсий масала ва айна пайтда миллий хавфсизлик соҳасидаги устувор йўналишлардан биридир.

Бизнинг мамлакатимизга ижтимоий иш амалиётида, унинг пайдо бўлишидан бошлаб ҳозирги вақтгача, ижтимоий педагогиканинг асосий, ҳал қилувчи рол ўйнаши хосдир. Бунда “ижтимоий педагогика” тушунчаси “мактабдаги ижтимоий иш” тушунчасига тенг эмаслигини тушунтириш муҳим. Ижтимоий педагогика ёки социумдаги педагогик муносабатлар аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати учун илмий асос сифатида

кўрилади. Бу социумдаги муносабатларга ташхис қўйиш, уларни аниқлаш ва педагогик мақсадга мувофиқ таъсир этиш имконини беради.

Ижтимоий иш ва ижтимоий педагогика муаммоларининг кўлами катта ва ўзида ҳаётий вазиятларнинг жуда кўп қирраларини ва турли ёшдаги ва ижтимоий ҳолатдаги одамларнинг коллизияларини мужассамлаштиради.

Қуйидаги учтагина мисол ёрдамида ҳозирги кун ижтимоий педагоглари ва ижтимоий хизматчилари нима ишлар билан бандлигини тасаввур этиш мумкин.

## **1-мисол**

76-уйни текшириб чиқилганда тезкор психологик-педагогик ёрдамга муҳтож оила аниқланди. Тўлиқ оила (ота-она)да – учта фарзанд бор. Катта ўғил Рустам, 7 ёш, - ногирон. Онасининг гапи бўйича, шу ўғли билан меъёрдаги муносабат оғирлашган: “У мени ҳам, отасини ҳам, ўзининг укаларини ва сингилларини ҳам танимайди, бошини ушлаб тура олмайди, гапира олмайди. Уйда носоғлом вазият, кичик болалар кечалари алаҳсирайдилар, унинг тўсатдан бақариши ёки кулгисидан уйғониб кетадилар. Мен кечалари ухлай олмайман, асабий бўлиб қолдим, болаларимиз ҳам худди шунақа бўлиб ўсмоқдалар. Қийналиб, ҳамма “ҳа” ва қарши“ларни тарозига солиб, ўзимизнинг кичик болаларимиз манфаатларини инобатга олиб, биз эрим билан Рустамни ногиронлар уйига беришга ва унинг олдига мунтазам бориш туришга қарор қилдик. Тиббиёт кўригидан ўтдик, хужжатларни тўплادик, ва ўшандан бери олдинга бир қадам ҳам силжимадик. “Жой йўқ”. Менинг уйим чиқиб кетиб бўлмайдиган катта катакка айланди. Менинг бу жаҳаннамдан чиқишимга ёрдам беринг – чунки, мен нафақат Рустамни, балки бошқа боалаларимни ҳам йўқотиб қўйишим мумкин...”

Ижтимоий хизматчи биринчи навбатда қайси муассасалар билан алоқа ўрнатиши лозим?

Бу оила билан қандай режа асосида иш олиб бориш керак?

---

## 2-мисол

Боланинг гапидан:

“Тушунасимиз, улар мени нарса каби бўлишарди. Уларнинг ҳеч бири ҳеч қачон, бирор марта ҳам мендан орзуларим тўғрисида сўрамадилар. Мен ким билан яшашни хоҳлайман? Улар тўғрисида мен қандай фикрдаман? Умуман уларни ўйлайманми, ўзи? Тўрт йил олдин, улар эндигина ажрашганларида, менда танлаш имкони йўқ эди: бири менинг отам, - иккинчиси эса онам эди. Мен, албатта, биз бирга яшашимизни, ҳаттоки, бирга бўлмаса ҳам яшашимизни истар эдим... сиз тушунасимиз, ўшанда нима бошланганини. Охир-оқибат, менинг олдимга отам келишига рухсат бермаганлиги учун онамни ёмон кўриб қолдим. Мени ҳар доим бувим кутиб олар ва мактабдан олиб кетар эди, баъзида онам буни қўшнидан илтимос қилар эди. Мен бувим билан сайр қилар эдим, у банд бўлганда эса – уйда битта ўзим беркиниб ўтирардим. Менда ҳеч қачон ўз шахсий уйимнинг калити бўлмаган. Шунда мен отамнинг олдига кетишга қарор қилдим, чунки мен унга керакман, деб ўйладим, лекин кейин мен унга онамга қарши курашда қурол кабигина керак эканимни тушундим. Менимча, уларнинг кўзлари бир-бирига нафратлари туфайли кўр бўлиб қолган.

Энг даҳшатлиси менга ҳеч ким ёрдам бера олмаганидир. Ахир уларнинг менда ҳақи борлигини барча тан оларди. Буюмга ҳуқуқи борлиги каби. Улар, худди шу тарзда дала ҳовлини ва машинани бўлишдилар ва мени ҳам шунинг учун бўлишлари мумкин”.

Болага биринчи навбатда қандай ёрдам керак?

Ижтимоий хизматчи боланинг отаси ва онаси билан мулоқот қилишда ижтимоий ишнинг қайси усул ва шаклларидадан фойдаланиши лозим?

Ижтимоий хизматчи қайси мутахассислар билан доимий алоқада иш олиб бориши керак?

---

### 3-мисол

СПИД (ОИТС) юққан болаларни барчадан яширадилар. Сир сақлашга интилиб, ота-оналар баъзида ҳатто берилиши лозим бўлган имтиёзлардан ҳам воз кечадилар.

Беш ёшли қиз, онаси жон-жаҳди билан район бўйича “тез ёрдамни” чақириш учун телефон қидириб топгунга қадар хасталик хуружидан бўғилиб қолаёзди. Қўшниларига телефон қилгани кира олмайсан ва мабодо кирсанг, ташхисни овоз чиқариб айта олмайсан. Касал боласи бор кўпчилик оилаларда ҳозиргача телефон йўқ.

Бугун, одатда, қармоғида иккита боласи бор, улардан бири ОИТС билан касал бўлган кўпчилик оналар ногиронлик бўйича нафақада ва ёрдам пули ҳисобига яшайди.

ОИТС билан касалланган оилалар билан мулоқот қилишда ижтимоий хизматчи олдида пайдо бўладиган асосий муаммо нима?

Бу оилаларнинг муаммоларини ечишда ижтимоий хизматчи амалга оширадиган ҳаракатлар нимадан иборат бўлиши керак?

Ижтимоий хизматчи қайси мутахассислар билан мулоқотда ишлаши керак?

“Ижтимоий хизматчи”, “ижтимоий педагог” ва “ижтимоий иш бўйича мутахассис” касблари Россиянинг давлат ҳужжатларида, 1991 йилнинг март-апрел ойларида расмий равишда рўйхатга олинган бўлиб, улар инсон ва жамиятнинг қуйидаги ижтимоий муаммоларини ечиш учун ташкил этилган:

— ижтимоий ва психологик зиддиятлар, инқирозлар, стрессли вазиятлар;

— ҳиссий ва руҳий муаммолар;

- муҳтожлик ва қашшоқлик;
- ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик;
- зўравонлик ва дискриминация;
- ирқий ва миллий муаммолар;
- жинойтчилик ва қонунбузарлик;
- ишсизлик ва касбий мослашиш;
- ногиронлик ва ёлғиз қариллик;
- уй-жой муаммоси;
- восийлик, васеълик, фарзандликка олиш;
- ота-она шафқатсизлиги ва бошқалар.

Ижтимоий иш бошига кулфат тушган одамларга ёрдам бериш билангина чегараланади, деб ўйлаш нотўғри. Шу билан бирга у ижтимоий назоратнинг энг нозик воситаларидан бири ҳамдир. Ғамхўрлик қилиш ва назоратнинг функциялари ўртасидаги зиддият, ёрдамнинг ҳар қандай турида назорат қилиш элементларининг муқаррар мавжуд бўлиши – ижтимоий хизматчилар ҳар доим тўқнаш келадиган дилеммалардан биридир. Бу дилемма яна битта жиддий муаммо билан, яъни: ижтимоий хизматчи биринчи навбатда кимнинг манфаатларини ифодалайди – давлатнингми, иш берувчинингми, миждознингми ёки умуман жамиятнинг?-деган масала билан ҳам боғлиқ. Касбий кадрлар тизими нуқтаи назаридан, ижтимоий хизматчи энг аввало миждоз манфаатларини ундан кейин – жамият ва ундан ҳам кейин эса - ўзининг ташкилоти ва давлат манфаатларини ифодалаш керак. Устуворликларнинг бундай тизимини ҳаётга тадбиқ этиш ҳар доим ҳам энгил кўчмайди. Кўпинча ижтимоий хизматчига ҳамкасбларининг кўллаб-қувватлаши ва умуман касбий ҳамжиҳатликка таянган ҳолда улар учун курашишга тўғри келади.

Бугун кунда “ижтимоий иш” касбига кўплаб ва турфа мутахассисликлар кўлами мос келади: ижтимоий педагог-психолог; этнолог; ижтимоий ҳуқуқшунос, эколог, валеолог, ижтимоий аниматор, геронтолог,

янада торроқ мутахассисли ижтимоий хизматчилар (қочқинлар, ногиронлар, “хатар гуруҳлари” билан иш олиб борадиган мутахассислар, тиббий ижтимоий хизматчи ва

Педагог ўқувчиларга (Н. В. Самоукиннинг “игры, в которые играют” китоби бўйича...) жадвални тўлдиришни таклиф этади: чап устунда – “ижтимоий иш” касбининг мутахассисликлари, ўнгда эса – ушбу мутахассислик томонидан инсонга қўйиладиган талаблар.

Ўқувчилар икки гуруҳга бўлинади, ҳар бири жадвални педагог билан биргаликда унга алоқадор барча саволларни муҳокама қилиб, тўлдиради. Бундан кейин ҳар бир гуруҳ иккита ўқувчини танлайди. Улар учун мос келадиган мутахассисликни аниқлайди, бу мутахассисликнинг хосусиятларини баён этади, танланган ўқувчиларнинг шахсий хосусиятларини тақдим этади ва мутахассисликни танлаш тўғри амалга оширилганини исботлайди.

бошқалар) ёки маълум муассасаларда (мактабдаги, ишлаб чиқаришдаги ижтимоий хизматчи), микромуҳитнинг махсус соҳаларидаги (қабилдаги, қишлоқдаги ижтимоий хизматчи; ҳарбий соҳадаги ижтимоий хизматчи; фавқулодда вазиятлардаги ижтимоий иш; ижтимоий ишни ташкил этиш).

Ижтимоий ишнинг асосий мақсади — фаровонлик тўғрисида қайғуриш ва шахсинг, оиланинг, жамиятнинг имкониятлари ва қобилиятларини меъёрдаги ижтимоий фаолиятга йўналтиришдир. Ижтимоий педагоглар, ижтимоий хизматчилар одамлар бахтли бўлиши, ўзларининг ҳаётидан (оиласидан, ишидан, маълумотидан, соғлиғидан, маошидан, уй-жойидан, дам олишидан ва ш.ў.) кўнгли тўлиши учун барча зарур нарсаларни бажарадилар.

Мақсадга эришиш йўлари:

— мижоз билан танишиш (жамият ҳам, ижтимоий гуруҳ ҳам, инсон ҳам “мижоз” бўлиши мумкин), вазиятни баҳолаш;

— имкониятларни аниқлаш, муаммоларни, мухтожликларни дифференциациялаш;

— муаммоларни ечишда ёрдам бериш, имкониятларни амалга ошириш;

— кузатиш ва ғамхўрлик қилиш.

— Ижтимоий ишнинг ўзига хос қадрияти:

— яқинларига нисбатан муҳаббат, қайғуриш, ҳамдардлик;

— бефарқ бўлмаслик;

— миждознинг ички салоҳиятига, вазиятни ўзгартириш имкониятига ишонч;

— ёрдам бериш ва қурбон бериш истаги;

— билимларни жамлаш;

— тажрибага эга бўлиш;

— ижтимоий иждод.

Ижтимоий педагог, ижтимоий хизматчи, миждозга ёрдам бера туриб, қуйидаги функцияларни бажаради (В. Г. Бочарова бўйича):

— ташхис қўйиш – мутахассис “ижтимоий ташхис” қўяди, психологик ва ёшга оид хоссаларни, инсоннинг қобилиятларини ўрганайди, унинг манфаатлари оламига, мулоқот доирасига, унинг ҳаёти шароитларига кириб кетади, нисбий ва салбий таъсирларни, муаммоларни аниқлайди;

— ташкилий - мутахассис у ёки бу фаолиятни амалга оширади, дам олишнинг мазмунига таъсир кўрсатади, ишга жойлашишга, касбий йўналишга ва мослашишга ёрдам беради, ўсмирлар ва ёшлар ташкилотлари фаолиятини марказлаштиради, миждозни тиббий, таълим, маданий, спорт, ҳуқуқий муассасалар ва хайрия ташкилотлари билан ўзаро таъсирига таъсир ўтказади;

— прогностик - мутахассис микрорайон ва маълум бир микросоциумнинг ижтимоий ривожланиш жараёнини дастурлаштириш ва олдиндан айтиб бериш бўйича ижтимоий ишда қатнашадиган турли институтларнинг фаолиятида иштирок этади;

— огоҳлантириш – профилактик ва ижтимоий-терапевтик – мутахассис салбий таъсирлар олдини олиш ва бартараф этишнинг ижтимоий-ҳуқуқий, юридик ва психологик механизмларини ҳаракатлантиради ва уларда ўзи ҳам

катнашади, мухтожларга социотерапевтик ёрдамни ташкил этади, жамиятда ҳуқуқларнинг ҳимоясини таъминлайди, ўсмирларга ва ёшларга ижтимоий ва касбий ўзини-ўзини аниқлаш даврида ёрдам кўрсатади;

— ташкилий-коммуникатив – мутахассис кўнгилли ёрдамчиларнинг, аҳолининг ижтимоий ишга, биргаликда меҳнат қилиш ва дам олишга, хизмат бўйича ва шахсий мулоқотларга киришишига кўмаклашади, ахборот тўплайди ва турли ижтимоий институтлар ўртасида, уларнинг мижоз билан ишлашида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўяди;

— кўриқлаш-ҳимоя қилиш – мутахассис мижозларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий меъёрларнинг барча мажмуини ишга солади, мижозлар ҳуқуқига нисбатан бевосита ёки бавосита ғайри қонуний ҳаракатларга йўл қўяётган шахсларга нисбатан давлат томонидан мажбурлаш ва юридик жавобгарлик чоралари қўлланилишига ёрдам кўрсатади.

Ижтимоий ишни ташкил этиш ва бошқариш соҳасида банд бўлган хизматчи ижтимоий ёрдамнинг турли хил муассасалари билан ишлаши, турли кўринишдаги ижтимоий ишлар олиб боришига тўғри келади. Турли муассасаларда ижтимоий ёрдам ташкилотчиларининг ишида ўзига хосликлар ҳам мавжуд бўлиб. Улар аввало ижтимоий ишнинг қуйидаги йўналишларида намоён бўлади: а) оилага ёрдам бериш; б) экстремал вазиятларда ва “хатар гуруҳлари” билан ишлаш; в) соғлиқни сақлаш тизимида ишлаш; г) таълим соҳасида ишлаш; д) бандлик хизматларида ишлаш.

Тегишли хизматларнинг ходимлари сифатида, ижтимоий хизматчилар ва ижтимоий педагоглар ўзларини биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий заиф гуруҳларининг ҳимоячилари деб ҳис қилишлари керак. Ўзининг вазифасини профессионал даражада амалга ошириш учун улар одамларнинг қандай ривожланаётганлари, ўзаро таъсир қилаётганлари, ўзгаришлари, ўқишлари, қийинчилик ва муаммоларга муносабатлари, алоҳида одамларга ижтимоий шарт-шароитнинг таъсир ўтказишини билишлари, шунингдек,



ишонтириш ва мажбурлаш усуллари уларнинг ўз фаолликларини рағбарлантириш йўлида нозик бириктиришни билишлари лозим.

Ижтимоий ишдаги муҳим жиҳат - биз кўпинча бошқа одамлар учун нима кераклигини ҳал қилиш ҳуқуқига эга эмаслигимизни англашга, уларнинг ўзлари мавжуд вариантлардан энг мақбулини танлашга изн беришимизга бўлган ишонч. Одатда, уларнинг мавжуд муқобилликларни англаб етишида, хулқ-атворнинг мавжуд вариантларидан ҳар биринг қиёсий устунликлари ва камчиликларини баҳолашда, қарорларни онгли ва оқилона қабул қилишда ёрдам керак бўлади.

Бундай ёндашув давлат вакиллари одамларнинг ўзини қандай тутишлари лозимлигини зўрлик билан тушунтириш, уларга ёрдам кўрсатиш характерини белгилашда ўзларининг тавсияларини тикиштириш анъанаси билан боғлиқ авторитар ёндашувдан кескин фарқ қилади. Мушкул ахволга тушиб қолган одамларга ўзларининг ҳис-туйғуларини ифодалаш, танглик ҳолатидан чиқиш йўллари топиш, тегишли қарор қабул қилиш ва уни ҳаётга тадбиқ этишда ёрдам бериш учун авторитар иш усулларидан воз кечишдан ташқари ҳар бир одам ўз ҳаётини ўзи муваффақиятли тарзда ташкил этиш ҳуқуқига эгаллиги ва лаёқатлилигига чиндан ишониш ҳам зарур.

Амалий машғулотларнинг бирида “Ижтимоий иш касб сифатида” мавзуси бўйича шаҳарнинг (қишлоқнинг) ижтимоий хизмати вакиллари, ижтимоий соҳанинг раҳбарлари билан учрашув-суҳбатни ўтказиш тавсия этилади. Шуниси муҳимки, суҳбат чоғида “ижтимоий хизматчи“, “ижтимоий педагог” касбларининг қийинчиликлари, касбий ва амалий ўсиш (ривожланиш) масалаларини муҳокама қилиш керак.

Ижтимоий иш касбгина эмас, балки руҳий ҳолат ҳамдир. Баъзи бир мутахассислар унга, бу ишга тегишлилик ва садоқатлилик ҳиссиётларини берадиган сифат каби қарайдилар, усиз азоб чекаётган одамлар билан, баъзида ечилмайдиган муаммолар билан, ўзининг ҳаётида кўп нарсаларни йўқотган одамлар билан мулоқот қилиш мумкин эмас ёки жуда қийин.

Шахсининг касб чўққилари сари ўзини-ўзи ҳаракатлантириши бешта асосий босқичларни (Э. Зеер бўйича) ўз ичига олади:

1) оптация - касбий ва шахсий ниятларни шакллантириш, шахсий-психологик хусусиятларни инобатга олган ҳолда касбни онгли равишда танлаш;

2) касбий тайёргарлик – касбий йўналтирилганлик, касбий билимлар ва кўникмалар тизимини шакллантириш, касбий вазиятлар ва вазифаларни назарий ва амалий ечиш тажрибасини орттириш;

3) касбий мослашиш – касбга киришиб кетиш, янги касбий ролни ўзлаштириш, касбий ўз-ўзини белгилаш, шахсий ва касбий сифатларни шакллантириш, касбий фаолиятни мустақил бажариш тажрибасини тўплаш;

4) профессионаллашув – касбий мавқени шакллантириш, шахсий ва касбий муҳим хоссаларни ва билимларни бириктириш ва мустаҳкам таркибий шаклда уйғунлаштириш, касбий фаолиятни малакали мутахассис сифатида бажариш;

5) касбий маҳорат - касбий фаолиятда шахсиятни намоён қилиш, ўзини-ўзи рўёбга чиқариш.

Ҳозирги вақтда дунёнинг кўпгина мамлакатларида ижтимоий хизматчининг қуйидаги касбий роллари фарқланади (Справочное пособие по социальной работе / Под. ред. А.М.Панова, Е.И. Холостовой. М.: Юристъ, 1997):

— мижозни аниқловчи (Outreach Worker): қийинчиликни бошидан кечираётган ёки таваккалчилик ҳолатида бўлган одамларни ёки одамлар

гуруҳини аниқлайди. Мақсад — муаммоларни яратувчи атроф-муҳит шароитларини аниқлаш, пайқаш;

— баҳоловчи (Evaluator): ахборотни йиғади, одамларни, жамоанинг муаммоларини баҳолайди. Мақсад — ахборотларни йиғиш ва қайта ишлаш;

— ахборот менежери (Data Manager): мижоз тўғрисида олинган маълумотларни таҳлил ва тасниф қилади. Мақсад — ҳаракат учун қарор қабул қилишга кўмаклашиш;

— брокер (Broker): одамларни мижоз муаммоларини ҳал қиладиган хизматларга йўналтиради. Мақсад — ижтимоий хизматларнинг ишини мувофиқлаштириш, одамларга ўзларининг салоҳиятидан фойдаланиш имконини бериш;

— воситачи, буфер (Mediation): низога киришган томонлар: икки одам, одам ва гуруҳ ёки икки гуруҳ ўртасида туради. Мақсад – келишмовчиликларни йўқотиш ва одамларни биргаликда самарали ишлашга ўргатиш;

— сафарбар этувчи (Mobilizer): одамлар гуруҳи ҳаракатини муаммони ҳал қилиш мақсадида ташкил этади. Мақсад - муаммоларни ҳал этиш учун мижозларнинг кучларини бирлаштириш;

— адвокат, ҳимоячи (Advocate): ёрдамга муҳтож одамларнинг ҳуқуқлари учун курашади. Мақсад — хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, мижозларга ёрдам бериш, қонунларга ва ижтимоий ишнинг мавжуд бўлган амалиётига ўзгартиришлар киритиш;

— ўқитувчи (Teacher): инсонларга ахборот ва билимлар беради. Мақсад - инсонларга ўзларининг муаммоларини мустақил ечишларида, билимларини ривожлантиришда ёрдам бериш;

— ахлоқ-одобни тuzатувчи (Behaviour Change): одамлар ёки гуруҳлар ахлоқ-одоб стереотипларига, кўникмаларига ва идрок этишларига

Ўзгартиришлар киритади. Мақсад - мижозни психологик-педагогик томондан кўллаб-қувватлаш;

— ҳамжамиятни лойиҳаловчи (Community Planner): гуруҳларни, агентликларни, хизматларни, ҳукуматларни режалаштиришда, уларнинг фаолият дастурларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда ёрдам беради.

Мақсад — ижтимоий ишни дастурлаш;

— маслаҳатчи (Counsultant): бошқа ижтимоий хизматчиларга ёки хизматларга ёрдам кўрсатади. Мақсад — ижтимоий ишнинг мутахассисларига мижозларнинг муаммоларини ҳал қилишдаги билимларини оширишда ёрдам бериш;

— маъмур (Administrator): муассасага ёки ҳамжамиятга ташкилий ва молиявий ёрдамни ташкил этади. Мақсад — бошқарув қарорлари қабул қилиш.

---

## **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Дунёда ва Россияда ижтимоий иш касб сифатида қачон пайдо бўлган?

Ижтимоий ишга қандай талаб мавжуд, унинг аҳамияти қанақа?

Ижтимоий хизматчи фаолиятининг асосий йўналишларини очиб беринг.

---

## **Вазият**

Москвада иккита фирибгар пайдо бўлди, улар суғурта агентлари кўриниши остида нафақахўрлар ишончига кирадилар ва улардан қимматбаҳо нарсаларини оладилар. Кеча милицияга пойтахтнинг Дружба кўчасида ва

Шарқий округнинг Мосфильм кўчасида яшайдиган 76 ва 80 ёшли жабрланган қарияларнинг қариндошларидан иккита ариза тушди. Уларнинг уйига кечқурун ўзларини ижтимоий суғурта ходимлари деб таништирган иккита нотаниш аёл келди. Битта фирибгар суғурта полисларини олишда ёрдам беришни ваъда қилиб нафақахўрларни суҳбат билан чалғитиб турганда унинг шериги заргарлик буюмларини ўғирлаб кетди.

*Қандай қилиб шунга ўхшаш фирибгарликни четлаб ўтиш мумкин? Ижтимоий хизмат кўрсатиш хизматларидан фойдаланадиган қария одамларга эслатма тузинг. Ижтимоий хизматчи ёрдамчисининг шахсиятини тасдиқлайдиган махсус ҳужжатларни ишлаб чиқинг.*

---

## **Амалий топшириқлар**

Ижтимоий хизматчининг касбий профессиограммасини тузиш ва таҳлил қилиш

Ижтимоий иш объектларига саёҳат

*Ижтимоий хизматчи ҳаётдан бир кун*

**М а қ с а д:** Ижтимоий хизматчи иш кунини ташкил этадиган касбий, маъмурий ва бошқа мажбуриятлар тўғрисида тасаввурларни шакллантириш. Ўқувчилар улар кузатаётган ишнинг мазмунини шарҳлайдилар, ижтимоий хизматчининг малакавий ваколатларини баҳолайди.

Бу топшириқлар ижтимоий хизматчининг иш кунини ташкил этадиган кўп қиррали фаолияти билан бевосита танишиш имконини беради: телефон кўнғироқларига жавоб бериш, иш юритиш билан машғул бўлиш, қаровсиз қолган болаларни ювинтириш, чой дамлаш, режалар, баённомалар тузиш, маъмурий амалларни бажариш ва бошқалар.

---

## **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

### ***“Касбининг муҳим белгилар” машқи***

Ўқитувчи таълим олаётганларга улар ўзлари олдиндан биладиган “ижтимоий иш” касбининг белгиларини айтишни таклиф этади. У уларни доскага ёзади. Кейин, муҳокамадан сўнг, рўйхатга ўқиётганлар томонидан айтилмаган белгиларни қўшиб кўяди ва улардан ҳар бирининг маъносини тушунтиради. Шундан сўнг ўқитувчи ўқувчиларга дафтарларида ҳар бир белгига расм чизишни (“пиктограммалар” услубияти) таклиф этади. Тўртта-бешта энг муҳим белгилар билангина чегараланиш мумкин.

### ***“Буюмлар ўз эгалари тўғрисида ҳикоя қилишади” машқи***

Ҳар бир иштирокчи қўлига севимли ўйинчоқни, ёдгорлик буюминини ёки истаган унга тегишли нарсани олади ва бу предмет номидан ўзининг эгаси тўғрисида ҳикоя қилади (“мен Маринанинг авторучкасиман, мени унга бор-йўғи бир ой олдин совға қилишди, лекин шу вақт ичида у тўғрисида ....ни билдим. Менга ундаги... ёқади”). Предмет номидан гапиришда ижтимоий педагог ва ижтимоий хизматчи касбини танлаш сабаблари баён этилиши, бўлғуси касб учун зурур бўлган сифатларнинг ёритилиши муҳим. Ўқувчилар ўзига ташқаридан қараш тажрибасига эга бўладилар, ўзига умуман бошқа нуқтаи назардан қарашга интиладилар. Ўқитувчи улар учун бу қийин ишда ёрдам бериши керак.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Антология социальной работы: В 5 т. / Сост. М.В. Фирсов.— М: Сварогъ НПФ СПТ, 1994.

*Арнольдov А.И., Бочарова В.Г., Вульфov Б-З. и др.* Социальная педагогика: вопросы теории и практики: Методические материалы.— М: Изд-во Центра социальной педагогики РАО и АСОПиР РФ, 1994.

*Бочарова В.Г.* Педагогика социальной работы.— М.: SvR-Аргус, 1994.

*Бочарова В.Г.* Задачи и перспективы развития социальной педагогики в современных условиях.— М.: ЦСП РАО. 1996.

*Григорьев СИ., Гусякова Л.Г., Ельчанинов ВЛ. и др.* Теория и методология социальной работы.— М.: Наука. 1994.

*Гусякова Л.Г., Кувшинникова В.А., Синцова Л.К.* Сборник задач и упражнений по социальной работе.— М.: Наука, 1994.

Основы социальной работы; Учебник / Отв. ред. П.Д. Павленок.— М.: ИНФРА-М, 1997.

Справочное пособие по социальной работе / Под ред. А.М.Панова, Е.И. Холостовой.— М.: Юристъ, 1997.

Теория и методика социальной работы: в 2 ч. / Под ред. И.Г. Зайнышева,— М.; МГСУ, 1994.

Теория и методика социальной работы: краткий курс. / Под ред. В.И. Жукова — М.: Союз, 1994.

Теория и методика социальной работы — Под ред. П.Д. Павленка.— М.: ГАСБУ, 1993, 1995. Вып.1 — 2.

Теория и практика социальной работы: отечественный и зарубежный опыт: В 2 т. / Под ред. Яркиной Т.Ф., Бочаровой В.Г.— М.— Тула: Изд-во Ассоциации социальных педагогов и социальных работников Российской Федерации, 1993.

*Шмелева И.Б.* Профессиональное развитие личности социального работника в системе подготовки и переподготовки кадров.— Ульяновск: Изд-во филиала МГУ, 1994.

Энциклопедия социальной работы: В 3 т. / Пер. с англ.— М.: Центр общечеловеческих ценностей, 1993-1994.

Журналы: "Социальная работа" (совместное издание АСОПиР и РАО); "Российский журнал социальной работы"; "Вестник социальной работы" (издание РГСИ "Союз"); "Социальная защита"; "Семья в России"; "Вестник психосоциальной и коррекционно-реабилитационной работы".

## 2-МАШҒУЛОТ

### ИЖТИМОИЙ ХИЗМАТЧИНИНГ АХЛОҚИЙ ВА КАСБИЙ КОДЕКСИ

---

“Одамларнинг ҳатти-ҳаракатларини яхшилик ва ёмонликка бўлиш учун битта шубҳасиз белги бор: одамларнинг меҳр-муҳаббати ва бирдамлигини оширса — у яхшилик; душманлик ва парокандаликни вужудга келтирса — у ёмонлик”.

Л.Н. Толстой

“Одам у ёки бу ахлоқий амални бажарса бу ҳали унинг яхши эканини англатмайди; мана шундай амаллар характерининг барқарор белгисига айлангандагина у ҳақиқатан ҳам яхши ҳисобланади”.

Г. Гегель

Ижтимоий иш соҳасида шахсий ва касбий ўзаро муносабатларнинг чегараларини белгилаш қанчалик мураккаб эканини кўрсатувчи бир нечта саволлар берилади:

1. Мижознинг сизга исмингизни айтиб мурожаат қилишига ижозат берармидингиз?
2. Сиз унга исмини айтиб мурожаат қилармидингиз?
3. Сиз мижозга хизмат кўрсатдингиз, энди у сизга қуйидаги амаллар орқали миннатдорчилик билдиришига рухсат берармидингиз:
  - сизга жемпер тўқиб беришга;
  - автомашинангизнинг камчилигини бартараф этишга;
  - хонадонингиздаги электр симларининг шикастланган жойларини тузатишга?



4. Мижозни уйига бориб кўрар экансиз, қуйидагиларга рози бўлармидингиз: - бир пиёла чой ичишга;

— спиртли ичимликлар ичишга;

— овқатланишга?

5. Сиз ўз хизмат хонангиз (офисингиз)да:

— ҳозир бўлган одамлар (хизматчилар, мижозлар) билан шахсий ишларингиз тўғрисида суҳбатлашармидингиз?

— мижозга бир пиёла чой қуйиб берармидингиз?

6. Сиз ўз ҳаётингиз тажрибангизни мижознинг ҳаётингиз тажрибаси билан қиёслаб туриб:

— унинг вазияти тўғрисида ўзингиз ҳис қилаётган туйғуларни айтармидингиз;

— ўзингизнинг иш кунингиз қандай кечаётгани тўғрисида унга маълумот берармидингиз?

7. Мижозингизга уй манзингиз ёки телефон рақамингизни айтармидингиз?

8. Мижоздан тўйга, ўтиришга таклиф тушса, қабул қилармидингиз?

9. Сиз мижозларингизга қарзга пул берасизми?

10. Сиз биринчи учрашувда мижозга қўл бериб сўрашасизми?

11. Мижозингиз хафа бўлса:

— елкасига қўлингизни қўясизми?

— елкасидан кучоқлайсизми?

— тиззасидан ушлайсизми?

12. Сиз мижознинг қуйидаги ғайри-қонуний ҳаракатларига парво қилмасмидингиз: у ишлаётган бўлса-ю, лекин жуда оз маош олаётгани учун ишсизлик нафақаси сўраса;

— мижознинг ўзи электр симини ўғирлик учун мослаштириб олса;

— қидирувда бўлса-ю, милиция ёки суд маҳкамасига келмаса?

Санаб ўтилган вазиятларни театрлаштирилган сахнада “ўйнаб кўринг”.  
Янги роллар ва бошқа ҳолатларни қўшиб вазиятни “мураккаблаштиринг”.

1994 йилда Коломбо шаҳри (Шри-ланка)да Ижтимоий хизматчилар Халқаро федерацияси умумий йиғилишида “Ижтимоий иш этикаси: тамойиллар ва андозалар” номли ҳужжат қабул қилинди. Бу ҳужжат икки қисмдан иборат: “Ижтимоий иш ахлоқий тамойилларининг халқаро декларацияси” ва “Ижтимоий хизматчиларнинг халқаро ахлоқий андозалари”. Бу ҳужжатларнинг қабул қилиниши Федерация томонидан узок йиллар давомида орқага суриб келинди, бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Бу ташкилотга аъзо бўлган юзлаб мамлакатларнинг аъзолари диний ва сиёсий карашлари бўйича жуда хилма-хил. Уларни йўллаган давлатлар ўзларининг тузилиши, бошқарув шакллари, маданияти бўйича хилма-хил бўлиб ўзларининг анъаналарига ва ижтимоий ишнинг шаклланиш тарихига эга. Қизғин мунозаралардан кейин умумий хулосага келишга муваффақ бўлинди, шунинг натижасида мазкур декларациялар дунёга келди.

“Ижтимоий ишнинг ахлоқий тамойиллари декларациясида” қуйидаги тамойиллар баён қилинган:

Ҳар бир одам уникал ходиса бўлиб, унга ахлоқ нуқтаи назаридан эътибор бериш лозим.

Ҳар бир одам ўз эҳтиёжларини қондиришда бошқаларнинг ҳуқуқларига зарар етказмасдан ҳаракат қилиш ҳуқуқига эга ва у жамият фаровонлигини оширишга ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

Ҳар бир жамият, бошқарув шаклидан қатъий назар, ўзининг ҳар бир аъзосини максимум даражада ноз-неъматлар билан таъминлашга интилиши лозим.

Ижтимоий соҳа хизматчилари ижтимоий адолат тамойилларига дохилдир.

Ижтимоий соҳа хизматчиси ўзининг билимларини, кўникма ва малакаларини алоҳида одамлар, гуруҳлар, жамоа ва жамиятлар тараққий этиши учун, шахсий-ижтимоий низоларни ҳал қилиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш учун сарф қилиши лозим.

Ижтимоий иш дискриминацияни рад этиш асосига қурилади. Демак, у мижозларнинг жинси, ёши, миллати, диний эътиқоди, тили, сиёсий эътиқодлари, жинсий йўналтирилганидан қатъий назар амалга оширилади.

Ижтимоий соҳа хизматчилари ҳар бир одам ва ижтимоий гуруҳ ҳуқуқларини, уларнинг мустақиллиги ва шаънини ҳурмат қилар экан, “БМТнинг инсон ҳуқуқлари хартияси” ва бошқа халқаро ҳужжатларга асосланишади.

Ижтимоий иш мижозларнинг дахлсизлигини ҳимоялаш тамойилига асосланади, бунга танлов эркинлиги ва касбий сир, мижознинг ўз ҳуқуқлари ва шахсий делоси моҳиятини тушунтириб беришга бўлган ҳуқуқи ҳам киради.

Ижтимоий хизматчилар касбий сирни сақлайдилар, ҳатто у амалдаги қонунчиликка зид бўлса ҳам. Ижтимоий иш мижознинг иштироки ва у билан ҳамкорликка асосланади. Ижтимоий хизматчилар ўзлари дуч келадиган ҳар қандай мураккаб вазифани ҳал қилишда мижозлар билан ҳамкорлик қилишлари лозим, бунда мижознинг манфаатларини энг яхши усулда ҳимоя қилиш учун ҳаракат қилиш керак. Ижтимоий соҳа хизматчилари хизматларидан фойдаланаётган шахслар ўз муаммоларини ҳал этишда жуда фаол иштирок этишлари лозим. Мижозлар ҳар доим ижтимоий соҳа хизматчиси томонидан ана шу биргаликдаги ҳаракатларининг мақсади ва оқибатлари (хатар ва фойда) ҳақида маълумот олишлари зарур.

Ижтимоий иш мижозларнинг ихтиёрийлиги тамойилига асосланади. Демак, у ҳар қандай мажбурийликни минимум даражага тушириш учун йўналтирилган бўлади.

Иштирокчилардан бир гуруҳининг муаммоларини бошқа гуруҳ муаммолари ҳисобига ҳал қилиш зарурияти туғилганда мажбур қилиш ҳар доим муқобил гуруҳнинг манфаатларини батафсил кўриб чиқиш, ҳар икки гуруҳни тўла эшитиб бўлгандан кейингина тамойил танлашга асосланиши керак. Ижтимоий хизматчилар муқобил гуруҳларнинг ҳар иккисини ҳам

малакали вакиллар билан таъминлашлари зарур. Ижтимоий хизматчилар, шунингдек, ўз мамлакатлари қонунчилигида очик мажбур қилиш имкониятларини минимум даражага туширишлари керак.

Ижтимоий иш ўз фуқароларини эзадиган, терроризм, қийноқлар ва шунга ўхшаш шафқатсиз воситалардан фойдаланадиган бирор шахс, гуруҳ, сиёсий кучлар ёки ҳокимият тузилмаларини қўллаб-қувватлашга мутлақо зид.

“Ижтимоий ишнинг халқаро ахлоқий андозалари”да 5 гуруҳ кўрсатилган: ахлоқий хулқ-атвор андозалари; миждозлар билан ўзаро муносабатлар; агентликлар ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатлар; ҳамкасабалар билан ўзаро муносабатлар; касбга муносабат.

Ахлоқий хулқ-атвор андозалари.

1. Ҳар бир инсон уникал экани, инсон хулқ-атворини ва унга кўрсатиладиган ёрдам характерини белгилайдиган шароитлар уникал эканини тушунишга интилинг.

2. Касбий кадриятларни тадбиқ қилинг, билим ва кўникмаларингизни такомиллаштиринг; касбингиз обрўсини туширадиган хатти-ҳаракатлар қилманг.

3. Шахсий ва касбий имкониятларингизга ортиқча баҳо берманг.

4. Ҳар доим пайдо бўлаётган муаммоларни ҳал қилишда билимларингиз, кўникмаларингиз ва илмий билиш методларидан фойдаланинг.

5. Жамият ҳаётининг сифатини яхшилашга хизмат қиладиган сиёсатнинг асосий йўналишларини ва ижтимоий дастурларни ишлаб чиқишда касбий тажрибангиздан фойдаланинг.

6. Ижтимоий эҳтиёжлар, шахсий, гуруҳ ва жамоа, миллий ва халқаро ижтимоий муаммоларнинг моҳияти ва характерини аниқланг ва уларни тушунтиринг.

7. Ўзингизнинг хусусий шахс сифатида ҳам, касбий уюшма, агентлик ёки ташкилот вакили сифатида ҳам бажараётган ҳаракатларингиз ва установакаларингизни тушунарли шаклда аниқ ва равои изохланг.

Мижозлар билан ўзаро муносабатлар.

1. Мижозларга нисбатан мажбуриятларингизни биринчи ўринга қўйинг, бироқ бошқа одамларнинг ахлоқий установакаларини ҳам ҳурмат қилинг.

2. Мижознинг ўзаро ишонч, сир ва конфиденциалликка, ахборотдан масъулиятли фойдаланишга бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилинг.

Ахборот тўплаш ва уни бошқа шахсларга бериш фақатгина миџознинг манфаатлари йўлида амалга ошириладиган касбий фаолият доирасида юз бериши мумкин, бу ҳаракатларнинг зарурлиги ҳақида миџоз олдиндан огоҳлантирилиши лозим. Ҳеч бир ахборот миџозни олдиндан хабардор қилмай туриб ва унинг розилигисиз бошқаларга берилмайди, бундан миџоз ўз ҳатти-ҳаракатлари учун масъул бўла олмайдиган ва бу ҳаракатлар бошқа шахслар учун жиддий хавф туғдирадиган ҳолатлар мустасно. Миџоз ўзи ҳақида ижтимоий хизматчида мавжуд бўлган ҳар қандай ахборот билан танишиш ҳуқуқига эга.

3. Мижознинг шахсий интилишлари, ташаббуслари ва хусусиятларини кадрланг ва ҳурмат қилинг. Агентлик ва ижтимоий муҳит доирасида ижтимоий хизматчи миџозга ўз ҳатти-ҳаракатлари учун масъулиятли бўлишда кўмаклашади. Бирор сабабга кўра мана шу даражада касбий ёрдам кўрсатилишининг имкони бўлмаса, бу ҳақда миџозга хабар берилади ва у ўз билганича ҳаракат қилади.

4. Мижозга (алоҳида одамга, гуруҳга, жамоага, жамиятга) ўзини намоён қилиши ва шахсий салоҳиятини максимал ривожлантиришда ёрдам беринг, шу билан бирга бошқа одамларнинг ҳам ҳуқуқларини мазкур даражада сақланг. Миџозга хизмат кўрсатиш асосида унинг мутахассис

билан мулоқотларидан ўзининг қонуний истаклари ва фойдасига эришиш учун фойдаланиш зарурлигини тушунтириш ётади.

Агентликлар ва ташкилотлар билан ўзаро муносабатлар.

1. Ижтимоий сиёсатлари, методлари ва амалиёти мижозларга сифатли ёрдам кўрсатиш ва касбий ижтимоий ишни қўллаб-қувватлашга қаратилган агентликлар ва ташкилотлар билан мустаҳкам ҳамкорликда ишланг.

2. Агентлик ёки ташкилотнинг низомдаги мақсадлари ва вазифаларига тўла масъулият билан муносабатда бўлинг; Ижтимоий ишнинг энг юксак андозаларига эришиш мақсадида амалга оширилаётган ижтимоий сиёсатни, унинг услубиёти ва амалиётини ишлаб чиқишга ўз ҳиссангизни қўшинг.

3. Мижоз тақдирига тўла масъулият билан муносабатда бўлинг; ижтимоий сиёсатга, унинг услубиёти ва амалиётига зарур ўзгаришларни тегишли агентликлар ва ташкилотлар орқали киритинг. Барча имкониятлардан фойдалансангиз-у, бироқ ўзгартиришларни киритишнинг имкони бўлмаса, унда юқори ташкилотларга ёки манфаатдор кенг жамоатчиликка мурожаат қилинг.

4. Мижозга ёки жамоага ижтимоий иш самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботни мижозлар, агентлик ва ташкилотлар олдида вужудга келадиган муаммоларни даврий таҳлил қилиш, шунингдек, шахсий фаолиятингизни таҳлил қилиш шаклидаги касбий ҳисобот сифатида тақдим қилинг.

5. Ижтимоий иш ахлоқий тамойиллари ҳаракати, процедураси ва амалиётига зид бўлган ҳаракатларни қилманг.

Ҳамкасабалар билан ўзаро муносабатлар.

1. Ҳамкасбларингиз ва бошқа мутахассисларнинг касбий тайёргарлиги ва амалий фаолиятига ҳурмат билан муносабатда бўлинг, уларга ижтимоий иш самарадорлигига эришишларида қўлингиздан келган ёрдамни беринг.

2. Ҳамкасбларингиз ва бошқа мутахассисларнинг турлича фикрлари ва амалий ёндашувларига ҳурмат билан муносабатда бўлинг, тегишли

инстанцияларда танқидий мулоҳазаларингизни тўла масъулият билан баён қилинг.

3. Ҳамкасабаларингиз, бошқа мутахассислар ва кўнгиллилар орасида бир-бирларини ўзаро мукамаллаштириш ва ўзларини намоён қилиш мақсадида бажарилаётган билимлар, кўникмалар ва ғояларни олишга ва тарқатишга бўлган ҳаракатларга кўмаклашинг.

4. Мижозлар манфаатлари ёки ахлоқ нормалари бузилиши тўғрисидаги ҳар қандай маълумотларни тегишли идораларга етказинг.

5. Ҳамкасбларингизни адолатсиз хуружлардан ҳимоя қилинг.

Касбга муносабат.

1. Касбнинг кадрини, билимлар ва методологиясини ҳимоя қилинг; уларни оммалаштириш ва такомиллаштиришга ўз ҳиссангизни кўшинг.

2. Ижтимоий ишдаги профессионализмни кўтаринг, уни ҳар томонлама такомиллаштиришга ҳаракат қилинг.

3. Касбингизни ўринсиз танқиддан ҳимоя қилинг, касбингиз зарур экани тўғрисидаги ишончни мустаҳкамлаш учун имкони бор ишларнинг барчасини қилинг.

4. Касбингизни, унинг назариялари, усуллари ва амалиётини конструктив танқид қилинг.

5. Янги ва мавжуд бўлган эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган ижтимоий ишнинг янгича ёндашувлари ва усулларини ишлаб чиқишни ҳар томонлама рағбатлантиринг.

Ижтимоий хизматчининг мажбуриятлари:

1) ваъзхонлик қилмаслик, буйруқ бермаслик, таъқиқламаслик. Мижоз шахсининг шаъни ва уникаллигини ҳурмат қилиб уни ҳаракатга, ташаббусга, ижодга ундаш;

2) мижозга қулоқ тута билиш, сабр-тоқат кўрсатиш, муаммо ва вазиятни тушуниш, унинг ўрнига ўзини қўя билиш, назокат ва одоб кўрсата билиш;

3) мулоқотманд бўлиш, очик бўлиш, мижозни “гапиртира билиш”, биргаликда муаммоларнинг ечимини аниқлаш; атрофдагилар учун керакли ва қизиқарли бўлиш;

4) мижоз ва унинг атрофидагилар ўртасида восита, боғловчи халқа бўлиш, мижозга кўрсатилаётган хайрия ёрдами орқали унинг шаъни пастга урилишига йўл қўймаслик;

5) мижоз билан ишлашда норасмий бўла билиш, мижознинг ўз муаммоларини ҳал қилишда маслаҳатчи, кўмакчи вазифасини бажариш; ўзаро муносабатларни тенглик асосидаги диалогга қуриш;

6) доимо инсонпарварлик ва меҳрибонлик нуқтаи назаридан ёндашиш. Мижозни муҳокама қилмаслик ва унга танбеҳ бермаслик; шахс ёки одамлар гуруҳига ғайриинсоний ва дискриминацион ёндашувларнинг олдини олиш; мижозни жисмоний ёки руҳий ўнғайсизликдан, асабийлашишдан, хавфдан ва ҳақоратлардан ҳимоя қилиш;

7) ўз хулқ-атворининг юксак ахлоқий андозаларга мослигини сақлаш, ҳар қандай макрлар, бировларни алдаш, нопок ҳатти-харакатларни истисно қилиш. Доимо фақатгина мижоз манфаатлари йўлида ҳаракат қилиш;

8) ўзига кўмакчиларни топа билиш, ижтимоий ишни ривожлантиришда жамоатчилик кўмагини таъминлаш;

9) фақатгина ўзи ваколатли бўлган доирада иш юритиш, ўз ишининг сифати учун шахсан масъул бўлиш; ташқи таъсир ва босимларга берилмаслик; мижозни қўлланилаётган тадбирлар, унга кўрсатилаётган ёрдам характери, ёзувлар, тўпланаётган маълумотлар ҳақида хабардор қилиш;

10) ўзининг касбий муносабатларидан шахсий мақсадлар йўлида фойдаланмаслик; вазиятларни муҳокама қилиш ва баҳолашда фақат касбий мақсадлар билан иштирок этиш; мижоз ишониб билдирган сирни ҳурмат қилиш ва уни фош этмаслик. Кўрсатилган хизматлар учун ҳақни фақат



қонуний асосларда олиш. Бажарилган иш учун қимматбаҳо совғалар олмаслик;

11) касбий билимлари, маҳорати, малакасини узлуксиз ошириб боришга интилиш. Ўз амалий фаолиятини касбий билимлар асосида ташкил этиш;

12) касбнинг обрўси ва поклигини ҳимоя қилиш ва орттиришга интилиш. Касбий ўзаро муносабатлар ва ўзаро таъсир жараёнида ҳамкасблар ишончига ҳурмат билан қараш, назокат ва адолатни сақлаш. Ким бўлишидан қатъий назар, ҳамкасби ахлоққа зид ҳаракат қилса, унга қарши чоралар кўриш (В. Г. Бочарова).

Одатда, совуққонлик деб баҳоланадиган касбий меъёрларни бузиш ёки хатолар “беғамлик, малакасизлик ёки олдиндан ўйланган ният туфайли касбий меъёрларни бузиш” сифатида баҳоланади. Ижтимоий соҳа хизматчилари махфийликни бузганлари, болалар билан ёмон муносабатда бўлинаётгани ҳақидаги шубҳа тўғрисида хабар бермаганлари, суиистеъмолликлар, сўз билан ҳақоратлаш ёки жисмоний зўравонлик таҳдиди сингари ҳолатларга бефарқлик, хатти-ҳаракатлар ёрдамида ҳақоратлаш, даволаш ёки ахлоқ тузатиш муассасасига хато натижасида ётқизиш туфайли эркинликни чеклагани учун суд томонидан таъқиб қилиниши мумкин.

Малака тавсифи билан белиланган мажбуриятларни бажариш учун ижтимоий педагог ва ижтимоий соҳа хизматчиси ўзининг қуйидаги ҳуқуқларидан кенг фойдаланади:

- миждозларнинг манфаатларини қонун чиқарувчи ва иждоия ҳокимияти органларида ифодалаш ва ҳимоялаш;
- махсус маълумот тўғрисидаги ва лицензияга мос бўлган диплом ёки сертификат бўлгани тақдирда давлат ёки хусусий ижтимоий амалиётни юритиш;
- миждозлар эҳтиёжлари билан боғлиқ маълумотларни тўплаш, аҳоли орасида социологик сўровлар, диагностик тадқиқотлар ўтказиш;

- мижозларнинг ижтимоий ва шахсий муаммоларини ҳал қилиш тўғрисидаги расмий сўровлар ва илтимослари билан жамоат ташкилотларига, давлат муассасаларига мурожаат қилиш;
- ўз фаолияти доирасидаги у ёки бу муаммонинг ҳолати тўғрисида давлат идораларига ахборот бериш;
- ижтимоий ташаббус ва фаоллик кўрсатганлари учун ота-оналар, оилалар, ижтимоий иш волонтерларини тақдирлаш тўғрисида корхоналар ва муассасалар, тижорат тузилмалари ва жамоат бирлашмаларига таклифлар киритиш;
- оиладаги тарбия, ижтимоий ишдаги тажрибани оммавий ахборот воситалари ёрдамида тарғиб қилиш учун фаол иш юритиш;
- муайян ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган жамоат ташаббускорлик ҳаракатларига бошчилик қилиш.

---

### **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Ижтимоий педагог, ижтимоий хизматчи бўлиб ишлаш учун зарур бўлган умумий руҳий сифатлар ва қобилиятларни сананг.

Сиз мижоз билан муносабатларингизни қайси ахлоқий тамойиллар асосига қурасиз?

Ижтимоий соҳа хизматчилари мижозларнинг муаммоларини ҳал қилиш учун қандай ҳуқуқларга эга?

Ижтимоий соҳа мутахассислари жамоасида амал қиладиган асосий ахлоқий қоидаларни ифодалаб беринг.

---

## Вазият

*Қуйида баён қилинадиган вазиятнинг олдини қандай қилиб олиш мумкин эди? “Туғилиши исталмаган” болалар муаммоларини ҳал қилиш тўғрисида нималарни биласиз? Бунда қандай мутахассисларнинг ёрдами зарур бўлади?*

Пойтахтдаги Хамовники тепалигии кўчасида яшайдиган 29 ёшли фуқаро ўзининг 3 ойлик ўғли Алёшани ўлгунча урди. Бола туғилгандан бошлаб у доимо ундан қутилиш истагида эканини гапирар, яқинда болани урган бўлиб, шу кунларда эса ёш она иш билан уйдан чиққанда қотиллик содир этди.

Бола туғилгунига қадар ота-онанинг ҳар иккиси ҳам ўзини тутишда намуна эмас эди. Алексейнинг онаси 18 ёшда. У кўп фарзандли, ароқ дарё бўлиб оқадиган оилада ўсган ва спиртли ичимликларга ёшлигидан ружў кўйган. Қизнинг йигити ўз айби билан оғир оқибатларга олиб келган автофалокатни содир этган ва тергов остида бўлиб улгурган. Бола эр-хотинларнинг ҳеч бирига керак эмас эди ва ҳозиргача ёш аёл туғишга жазм этишининг сабаби аниқ эмас. Бола 15 июлда соғлом ва полвон бўлиб туғилди.

Яқинда қотил хотинини, болага ўзи қараб туришини айтиб, винога юборди, боланинг калласига урди ва устига оғир нарсани бостириб кўйди. Чақалоқ хириллади, нафас олишдан тўхтади. Боланинг ҳалок бўлгани маълум бўлгандан кейин эр ва вино кўтариб келган хотин хонадондан қочишди. Айбловни энди фақатгина отага қўйишса керак, она эса гувоҳ ролини бажаради.

---

## **Амалий топширик**

### *Ижтимоий муассаса қабулхонасидаги кузатув*

Мақсад: ижтимоий хизматларда мижозларнинг қандай қабул қилиниши тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш.

Ўқувчиларга қабулхонада мижоз бўлиб навбат кутиш ва регистратор ишини, мижозларнинг кутишини, кейин эса ижтимоий хизматчи қабулига уларни қандай таклиф қилишларини кузатиш учун таклиф қилади. Ўқувчиларни конфиденциалликни сақлаш тўғрисида огоҳлантирилади. Бу топширик кўпинча амалиётчи-талабаларнинг кўзини очиб қўяди. Бу ҳақда ижтимоий-педагогик кундаликда қуйида келтириладиган парча гувоҳлик беради:”мижозларнинг кутиши кўпинча жуда ноқулай ҳолатда кечади. Хизматчилар уларга кўпинча эътибор бермайдилар. Хизматчилар ўзлари чой ичиб ўтирадилар, мижозларга эса чой таклиф қилмайдилар. Кутиш хоналари йўқ. Мижозлар ўз навбатини кўчада кутадилар. Нафақа бериладиган кунлари муассасада иш кўпаяди, навбат кутувчилар эса кўча бўйлаб қатор туришади. Баъзан қариялар хушдан кетиб қоладилар”.

---

## **Игор Викторовичнинг Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

### *“Ҳаяжон тасвири” машқи*

Таълим олаётганларга ҳаяжон туйғусини чизиқлар ва ранглар ёрдамида ифодалаш топширилади. Расм чизишда акварел бўёғи ёки фломастердан фойдаланиш мумкин. Расм чизишни хавотирли, ҳаяжонли муסיқа билан давом эттириш мумкин. Расм чизиш тугагандан кейин қуйидагича муҳокама бўлади: расм чизаётиб сиз шунга ўхшаш туйғуларни хис қилдингизми? Бу қачон юз берди? Қийин вазиятдан чиқишингизга ким ёки нима кўмак берди? Сиз ўзингиз бирор кишига ҳаяжонни бостиришда кўмаклашганмисиз? Ижтимоий соҳа хизматчиси буни билиши керакми?

### ***“Менинг оқ-қора портретим” машқи***

Таълим олаётганлар ўзларини ва касбий сифатларини тўғри баҳолай олишлари жуда муҳим. Дафтарнинг саҳифаси вертикал чизик билан иккига бўлинади. Чап томондаги бўлакнинг устига “минус” белгиси, ўнг томонга эса очикроқ ранг билан (буни таълим олаётганлар ўзлари танлайди) “плюс” белгиси қўйилади. Иштирокчиларга ўзларида нима ёқмаётган бўлса чап томонга, ўзларидаги ёқимли нарсаларни эса ўнг томонга ёзиш таклиф этилади.

Бу машқ фақат гуруҳ иштирокчиларининг ихтиёри билан муҳокама қилиниши мумкин.

### ***“Сирли кўл” машқи***

Сокин мусика овози таралиб турибди. “Кўзларингизни юминг. Сиз билан кичик саёҳат ўтказамиз. Ўзингизни ўрмон чеккасидаги кичик далада хис қилинг. Атрофда асрий дублар ва сарвиқомат қарағайларнинг шохлари чайқалиб турибди. Оёқ остида — ям-яшил кўкатлар. Дарахтларнинг устидан кушлар шовқини эшитилади. Осмон бўйлаб енгил булутчалар сузиб юрибди. Сиз шошилмасдан ўрмондаги сўқмоқдан кўлга томон бормоқдасиз. Бу оддий кўл эмас. У - сирли кўл. Унинг юзасида одамнинг ташқи кўриниши эмас, балки ички дунёси, характер хусусиятлари акс этади. Бу кўлда инсоннинг ҳатти-ҳаракатлари акс этадики, улар бу шахснинг ким эканини кўрсатади. Кўлга бир қаранг. Қандай акс этмоқдасиз? Кўл юзасида нималар кўринаяпти?... Энди ўша сўқмоқ йўлдан шошилмай саёҳатимиз бошланган далага қайтамиз. Ўрмон билан хайрлашиш учун бирнеча дақиқага тўхтаимиз. Энди ўз синфимизга қайтамиз. Кўзларимизни очамиз. Керишиб оламиз... вассалом.

Ким ўзининг сирли кўлдаги инъикоси тўғрисида сўзлаб беришни истайди?”.

Таассуротлар муҳокама қилинади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

*Бочарова В.Г.* Педагогика социальной работы. .— М.: SvR-Аргус, 1994.

*Бочарова В.Г.* Задачи и перспективы развития социальной педагогики в современных условиях.— М.: ЦСП РАО, 1996.

*Гуслякова Л.Г., Кувшинникова В.А., Синцова А.К.* Сборник задач и упражнений по социальной работе.— М.: Наука, 1994.

*Доэл М, Шадлоу С.* Практика социальной работы / Пер. с англ. яз. под ред. Б. Ю. Шапиро.— М.: Аспект Пресс, 1995.

Обучение практике социальной работы: международный опыт и перспективы / Под ред. М. Доэла и С. Шадлоу.— М.: Аспект Пресс, 1997.

Основы социальной работы: Учебник / Отв. ред. П.Д. Павленок.— М.: ИНФРА-М, 1997.

Права человека и работа в социальной сфере; Пособие для училищ по подготовке социальных работников и для работников социальной сферы.— Женева: Изд-во Центра по правам человека ООН, 1995.

Профессиональная деятельность социального работника: содержание и организация.— М.: Изд-во Института молодежи, 1993.— (Библиотечка социального работника).

Профессионально-этические нормы социальной работы / Под ред. С.А. Беличевой.— М.: Центр Консорциума "Социальное здоровье России", 1993.

Справочное пособие по социальной работе / Под ред. А.М. Панова, Е.И. Холостовой.— М.: Юристъ, 1997.

Социальная работа: Научно-популярный журнал АСОПиР  
И РАО.— № 1(9).— 1997.

*Шмелева Н.Б.* Профессиональное развитие личности социального работника в системе подготовки и переподготовки кадров.— Ульяновск: Изд-во филиала МГУ, 1994.

### **3-МАШҒУЛОТ**

#### **ИЖТИМОЙ ИШНИНГ НОКАСБИЙ ДАРАЖАСИ**

---

“Мактабда кимдир кўлидан ушлаб юрадиган фақатгина тарбия олаётган ўқувчи бўлиши мумкин эмас. Бола қанчалик ёш бўлишига қарамасдан, у кимнидир қўллаб-қувватлаши, кимнингдир тўғрисида қайғуриши, кимнингдир тақдири тўғрисида ҳаяжонланиши керак”.

В. А. Сухомлинский

“Одамлар ичида энг яхсиси бошқаларга кўпроқ фойда келтирганидир”.

Жомий

Ижтимоий иш жамиятда ва нокасбий даражаларда мавжуд бўлади ва амалга оширилади. Уларнинг иккинчисига алоҳида шахслар ва умуман ижтимоий амалиётнинг бир бўлаги бўлган турли кўринишдаги кўнгилли ёрдамлар ва ўзаро қўллаб-қувватлашлар тааллуқлидир. XX юз йилликнинг

80-йилларида кўпчилик мамлакатларда нокасбий ижтимоий ишнинг турли хил кўринишлари кенг пайдо бўлмоқда. Бошланишида ҳам ижтимоий иш энг аввало, ёрдамга мухтож бўлганларга асосланган кўнгилли, филантропик ва хайрия ёрдамлар кўринишида пайдо бўлган.

Россияда, жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий-психологик ҳолатини инобатга олган ҳолда, одамлар манфаати йўлида мослашувчан ва самарали ўзгаришларга қодир бўлган умумий тизимга ҳам касбий, ҳам нокасбий ижтимоий ишнинг барча шакллари ва йўналишларини бирлаштириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Мамлакатнинг ижтимоий сиёсати турли мақсадли установкага эга бўлган учта секторнинг ўзаро ҳаракати нисбатини ушлаб туриш ва барқарорлигини таъминлаш асосига қурилади: 1) давлат сектори, унинг асосий мақсадлари ҳокимиятни ушлаб туриш ва давлатчилик мавжудлигининг асосини ташкил этадиган ижтимоий ресурсларни ишлаб чиқаришни таъминлаш; демократия қарор топган мамлакатларда бу секторнинг фаолияти президент томонидан эмас, ҳукумат томонидан эмас, балки жамиятнинг ҳар бир аъзоси бажариши лозим бўлган қонунлар томонидан аниқланади; 2) тижорат сектори, унинг асосий мақсади яратилаётган ишлаб чиқаришдан ва таклиф этилаётган хизматлардан фойда олиш ҳисобланади; 3) нодавлат (жамоа) сектори, унинг мақсади жамиятнинг ҳар бир аъзосини муносиб мавжуд бўлиш даражасига, моддий фаровонликни тақсимлашда адолатлиликка, давлат қонунларига амал қилиш устидан жамоатчилик назоратига эришиш ҳисобланади;

Секторларга бундай шартли бўлишда оммавий ахборот воситалари-ОАВ (телевидение, радио, газеталар, журналлар) “алоҳида бўлиб” туради. Аслида, оммавий ахборот воситалари, энг аввало, учинчи секторнинг манфаатларини акс эттириши зарур. Лекин, замонавий Россия амалиётида улар ўзларининг мавжуд бўлишини таъминлаётганлар “назорати остида”лар.. ОАВнинг салоҳияти улкан ва ундан ижтимоий ишни ривожлантириш



мақсадларида фойдаланиш – шу соҳа мутахассисларнинг вазифаларидан биридир. Оммавий ахборот воситалари ва учинчи секторнинг ўзаро таъсир шакллари турлича: тадбирларни биргаликда ўтказиш, мунтазам брифинглар ва матбуот конференциялари, реклама ва пресс-релизлар тайёрлаш, теле-, радиокўрсатувларни, газета ва журналларнинг махсус сонларини чиқариш ва ҳ. к.

Машғулотларингиздан бирига (айниқса, амалий машғулотга) маҳаллий ОАВ вакиллари таклиф этинг. Танишинг, учинчи секторни ривожлантириш мақсадида биргаликда ҳамкорлик режасини тузинг. Улар билан ҳар доим алоқада бўлинг. Синфингиз базасида ўз газетангизни яратинг. Маҳаллий нашрларнинг журналистлари унинг кураторлари бўлиши мумкин.

Россиядаги хайрия ишлари тарихи ва дунёда ижтимоий соҳадаги волонтерлик фаолияти тажрибаси жамиятнинг ижтимоий тараққиётида муҳим қурол вазифасини учинчи сектор – турли ижтимоий ҳаракатлар ва бирлашмалар бажаришини кўрсатмоқда.

Россияда учинчи сектор давлат томонидан етарли қўллаб-қувватланмайди, ривожланиши тартибсиз, оммавий ахборот воситаларида етарлича ёритилмайди, лекин охириги вақтларда кўп сонли ижтимоий ҳаракатлар, жамғармалар, ташкилотлар, шу жумладан, катта миқдордаги болалар ва ёшлар жамоа бирлашмалари фаол ташкил этилмоқда ва ривожланмоқда.

Ижтимоий жиҳатдан қимматли волонтерлик (кўнгилли) фаолияти ўз-ўзидан шахсдаги ижобий ўзгаришларни келтириб чиқариши турган гап. Шу жиҳатдан энг самаралиси болалар ва ёшларнинг ижтимоий-педагогик ҳаракати бўлиб, унинг мазмуни, болалар-ўсмирлар ташаббускорлигига ва фаоллигига ижтимоий-ижобий тавсифни беришга интилишидир, ва бунда нафақатгина рухий-ахлоқий гуманитар кадриятларни қабул қилиш ва ўзлаштириш қобилиятига эга бўлган, ишончларига мос келадиган иш кўрувчи одамни тарбиялаш масаласини ечишгина эмас, балки турли

Йўналишли касбий ижтимоий ишнинг бўлғуси мутахассислари ва волонтерларини табиий, юмшоқ воситалар билан шакллантиришнинг келгусидаги масаласини ҳал қилишдир. Ижтимоий-педагогик хусусиятга эга бўлган дастурлардан ва тадбирлардан ўтган болалар ва ўсмирлар шундай ҳам ўзининг келгусидаги касбий ҳаётини ижтимоий иш билан боғлайдилар, руҳий-ахлоқий томондан жиддий ва ижобий ўзгардилар, янада ижодкорроқ ва фаолроқ бўлиб қоладилар.

1995 йилда жамиятнинг муаммоларини биргаликда ҳал қилиш учун мутахассислар (педагоглар, ижтимоий хизматчилар, психологлар, услубиётчилар, врачлар, илмий ходимлар) ва кўнгиллилар (талабалар, юқори синф ўқувчилари) томонидан “Болалар ва ўсмирлар ижтимоий ташаббуслари” (БВЎИТ) Умумроссия жамоат ташкилоти яратилди. БВЎИТ фаолиятининг низомдаги мақсади: болалар ва ўсмирлар жамоат ташкилотларининг ижтимоий ташаббускорларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш; аҳолининг болалар ва ўсмирлар ижтимоий-демографик гуруҳи манфаатлари йўлида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни ва дастурларни амалга ошириш учун шароитлар яратиш. Болалар учун шакллантирилган мақсад – Дўстлик, Шафқат ва Илҳом ёрдамида ўзини ва жамиятни яхши томонга ўзгартириш (“Дўстлик! Шафқат! Илҳом! – Ташкилотнинг расмий шиори, (рус тилидаги) учта сўзнинг бош ҳарфлари иккинчи маънони билдиради – Болалар + ўсмирлар + Катталар бирикмасидир)

Барча жамоат бирлашмаларини бириктириб турадиган умумийликлар бор. Одатда, бу умумийлик фаолиятнинг бирор мақсадга йўналтирилганлиги ва нотижорий хусусияти, ўзини-ўзи бошқариши, қаттиқ иерархиянинг йўқлиги, молиялаштиришнинг кўп каналли манбалари, нафақатгина ўзининг бирлашмалари аъзоларига, балки ён-атрофдагиларга ҳам ёрдам кўрсатишда. Улар аҳолининг маълум гуруҳлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида; ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазифаларни бажариш учун умумий кучларни бирлаштириш; янги ғояларни тадбиқ қилиш; қобилиятларни қўллаб-қувватлаш учун ва шу қабилар мақсадида яратилиши мумкин.

Жамоат бирлашмалари – бу фукароларнинг нотижорат бирлашмалари бўлиб, уларнинг умумий манфаатлари асосида, маънавий ва номоддий (асосий мақсади фойда чиқариш бўлмаган) эҳтиёжларни қондириш учун яратилади, бу Россия Федерацияси фуқаролик кодексининг 50 – ва 117-моддаларида қайд қилинган. Жамоат бирлашмалари фаолиятининг мақсадлари инсон ҳуқуқлари, хайрия, таълим, фан, санъат, физкультура ва спорт, экология ва бошқалардан иборат.

Жамоат бирлашмалари қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий шакллардан бирида яратилиши мумкин: жамоат ташкилоти, ижтимоий ҳаракат, ижтимоий жамғарма, жамоа муассасаси, ижтимоий ҳаваскорлик органи.

Фарқ қилиш мезонлари қуйидагилар: а) фаолият мақсади, б) аъзоларнинг мавжудлиги (йўқлиги), в) бошқарув органлари ва уларни шакллантириш тартиби, г) мулкни бошқариш хусусиятлари.

Жамоат ташкилоти: умумий ижтимоий аҳамиятга молик мақсадларга эришиш учун биргаликдаги фаолият. Фақатгина ташкилотда аъзолик (масалан, скаутлар, пионерлар, димсистлар) кўзда тутилган.

Ижтимоий ҳаракат: ижтимоий, сиёсий ва бошқа ижтимоий фойдали мақсадлар йўлидаги оммавий ҳаракат. Аъзолик йўқ, лекин иштирокчи бор (масалан, “Гринпис” экологик ҳаракати). Жамоат ташкилотидаги каби Олий орган – съезд (конференция ёки йиғилиш). Доимий ҳаракатдаги бошқарув органи биргаликда (идора, кенгаш, ижроқўм ва бошқалар томонидан) сайланади.

Ижтимоий жамғарма: кўнгилли бадаллар ва бошқа қонуний тўловлар асосида мулкни шакллантириш ва бу мулкни жамоанинг фойдали мақсадлари йўлида (масалан, Болалар жамғармаси) ишлатиш учун таъсис этилади. Аъзолар ҳам, иштирокчилар ҳам йўқ, асосийси – шахсий дастурларни ҳам, бошқа нотижорат ташкилотларининг дастурларини ҳам амалга ошириш учун мулкнинг мавжудлиги. Олий органни (одатда, уни Бошқарув деб аташади) умумий йиғилишнинг иштирокчилари сайлашлари

мумкин, таъсисчилар ҳам тайинлашлари ҳам мумкин. Албатта, унинг фаолиятини назорат қиладиган орган – Васийлик Кенгаши бўлиши керак.

Жамоа муассасаси: иштирокчиларнинг манфаатларига жавоб берадиган хизматларнинг (масалан, жамоа кутубхонаси, спорт мактаби, жамоа театри) аниқ бир турларини кўрсатиш учун яратилади. Таъсисчиларни, иштирокчиларни ва муассаса хизматлари истеъмолчиларини алоҳида белгилаш керак. Масалан, кутубхонани жамоа муассасаси сингари 3 та одам таъсис этиши мумкин, унда 10 та одам (иштирокчилар) ишлаши мумкин, кутубхона хизматларининг истеъмолчилари эса барча хоҳловчилар бўлиши мумкин. Жамоа муассасасини таъсисчилар томонидан тайинланган одамлар бошқарадилар.

Ўзингизнинг гуруҳингиз асосида жамоа бирлашмасини тузинг. Одатда, жамоа бирлашмаси андай тузилади? Умумий ғоя остида бирлашган одамлар гуруҳи тўпланади, ёки маслақдошларни тўплайдиган бир бефар бўлмаган одам пайдо бўлади. Ғоя аниқланганидан кейин таъсис йиғилиши ўтказилади. Унинг кун тартиби: бирлашмани яратиш тўғрисида қарор қабул қилиш; низомни тасдиқлаш; бошқарув ва тафтиш органларини сайлаш.

Одатда, Низом тузилиши ўз ичига қуйидагиларни олади:

- номи, мақсадлари, ташкилий-ҳуқуқий шакли;
- тузилмаси, бошқарув ва назорат-тафтиш органлари, фаолият ҳудуди;
- аъзоликка ўтиш ва ундан чиқиш шартлари ва тартиблари, аъзоларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;
- Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тартиби;
- молиялаштириш манбалари;
- кайта ташкил этиш ёки ёпиш тартиби.

Ижтимоий ҳаваскорлик органи: фуқароларнинг яшаш, ишлаш ёки ўқиш жойларида пайдо бўлган ижтимоий муаммоларни биргаликда ечиш учун таъсис этилади. Фаолият ўқиётган ёки ишлаётган кўшнилари (масалан, таълим муассасасининг ётоқхонасидаги талабалар кенгаши)га йўналтирилган. Муайян муаммоларни ечишдан манфаатдор фуқаролар

иштирок этади. Юқори органлар ва ташкилотларга эга эмас, бошқариш сайлов асосида.

Ижтимоий муаммолар билан шуғулланадиган Россиянинг қуйидаги жамоа бирлашмаларидан бири тўғрисида ахборот тайёрланг: Россия ижтимоий педагоглари ва ижтимоий хизматчилари уюшмаси, Россия ижтимоий иш мактаблари уюшмаси, Ижтимоий хизматлар ходимлари уюшмаси, Россия Қизил Хоч Жамияти, Россия Шафқат ва саломатлик жамғармаси, “Болалар ва ёшлар ижтимоий ташаббуслари” Умумроссия жамоа ташкилоти, Бутунроссия ногиронлар жамияти, Бутунроссия карлар жамияти, Бутунроссия кўзи ожизлар жамияти, Бутунроссия хушёрлик ва саломатлик жамияти, “Оила ва саломатлик” уюшмаси, Россия аёллари Иттифоқи, Россия тинчлик жамғармаси, Бутунроссия болалар жамғармаси, “Россия ёшлар иттифоқи” Умумроссия жамоат ташкилоти, “Пионер ташкилотлари иттифоқи – болалар ташкилотлари Федерацияси” Халқаро бирлашмаси, “Ёш Россия” Россия болалар ташкилотлари Федерацияси, ёш ногиронлар ташкилотлари уюшмаси, Россия скаутлари Федерацияси, “2амдўстлик” Россия ўқувчи-ёшлари уюшмаси, Қишлоқ ёшлари иттифоқи. Бу ва бошқа жамоат бирлашмалари тўғрисидаги ўзингизнинг хабарларингизни уларнинг етакчилари “давра столи” шаклида ўйнаб кўринг. Унинг мавзуси – “Жамиятнинг ижтимоий муаммоларини ечишда нодавлат ташкилотлар роли”. Қуйидаги муаммоларни биргаликда кўриб чиқишга ҳаракат қилинг: Аҳолининг муҳтож қатламлари (етимлар, бошпанасизлар, ногиронлар) ва бошига кулфат ( ижтимоий ва руҳий низолар, танглик ва стресс вазиятлари; эмоционал ва психологик муаммолар) тушган одамлар; муҳтожлик ва қашшоқлик, алкоголизм ва гиёҳвандлик; зўрлаш, ота-оналар шафқатсизлиги ва дискриминация; жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар; ишсизлик ва касбий мослашиш. “Давра столи”нинг келишилган резолюцияси ёки ҳукуматга ва фуқароларга мурожаат бўлиши мумкин.

Масалан, баъзи фуқаролар болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун бирлашишни истайдилар. Улар қуйидагиларни таъсис этиши мумкин:

- жамоа ташкилотини, унинг аъзолари қўллаб-қувватлашга муҳтож болаларни қидириш билан шуғулланади, болалар билан ўйнайди, уларга дарс қилишида ёрдам беради; улар билан кўرғазмаларни, спектаклларни, тўгараклардаги спорт машғулотларини бориб кўради; ўқувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича плакатлар чизади ва ёпиштириб чиқади; ташкилот раҳбарлари ва психологик-педагогик кадрлар маърузалар ўқийди,

махсус машғулотлар ўтказди ва бошқалар. Бу каби ишлар доимий ва жамоат ташкилотининг ҳар бир аъзоси учун мажбурий бўлади;

— жамоатчилик ҳаракати, унинг иштирокчилари доимий иш олиб бормасликлари мумкин, аммо ҳаракатнинг умумий тадбирларига: болалар ҳуқуқларининг бузилишига қарши норозилик акциялари, ярмарка ва ким ошди савдоларига қўшилишлари лозим, улардан тушган пуллар, масалан, ўта муҳтож болаларнинг стипендияларига ва бошқаларига сарф қилиниши мумкин ва шу кабилар;

— болалар ҳуқуқларини ташвиқот ва ҳимоя қилиш учун пул йиғиш маълум бир дастурларни - китоб ва журналларни чоп этиш, илмий тадқиқотлар, болалар билан ижтимоий-педагогик ишни молиялаштириш учун жамғарма;

— муассаса, масалан, ўсиб келаётган авлод жамият билан ўзларининг муносабатларини бошқачароқ қуриши учун ҳуқуқий таълим берадиган мактаб (яна бу жамоа кутубхонаси, театр, спорт мактаби ва бошқалар бўлиши мумкин);

— жамоа фаолиятини юритадиган орган, у аниқ бир муассасада (мактаб кенгаши, ота-оналар кенгаши, талабалар кенгаши) ёки одамлар яшайдиган уйдаги болалар ҳуқуқларига риоя қилиш устидан кузатади.

Федерал ва минтақавий даражаларда жамоат ташкилотлари молиявий барқарорлигининг кафолати сифатида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш хизмат қилади.

“Ўсмирлар ва болалар жамоа бирлашмаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳақида”ги Федерал Қонун қуйидагиларни кўзда тутди: 1) жамоат бирлашмалари дастурлари (лойиҳалари) ни амалга оширишга дотация ва ташкилий фаолиятига субсидия ажратиш, давлат грантларини олиш ва бошқалар; 2) давлат мулкидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиш,

солиқ тўлашда энгилликлар бериш; 3) давлат корхоналарининг хизматлари учун тўловлардан тўлиқ ёки қисман озод қилиш, болалар-ўсмирлар жамоа бирлашмалари фаолиятига пул қўшадиган тижорат ташкилотларига солиқ тўлашдаги имтиёзлар; 4) ишлаш учун биноларни ажратиб бериш. Қўллаб-қувватлаш бирлашманинг бошқарув аппаратига эмас, балки аниқ дастурларни амалга ошириш учун кўрсатилади. Федерация субъектлари даражасида ва маҳаллий даражада жамоа бирлашмалари учун солиққа тортиш ва солиқ тўлашдаги энгилликларга бағишланган махсус меъёрий хужжатлар қабул қилиниши мумкин.

Жамоа бирлашмаларига бериладиган хайрия маблағлари – қуйидаги пул суммалари:

бирлашмалар томонидан ўзларининг тадбирларида, жамоа транспортида, кўчаларда йиғиладиган (махсус баённома тузилиб расмий тартибда очиладиган қутиларга тушган);

ҳомийлар маоши ва шахсий жамғармаларидан бирлашмаларнинг ҳисоб-рақамларига ёки манзилгоҳларига ўтказиладиган (уларнинг ишлатилиши тўғрисида тўлиқ ҳисобот олиш шарти билан);

тадбиркорлардан, банкирлардан, тижорат тузилмаларидан.

Пул маблағларидан ташқари, хусусий ҳомийлар жамоа бирлашмаларини қонун томонидан таъқиқланмаган исталган кўринишларда қўллаб-қувватлаши мумкин.

Тижорат фирмаси ҳам ҳомийлик ёрдами сифатида жамоа ташкилоти дастурининг бир қисмини амалга оширишни ўз зиммасига олиши мумкин, масалан, ахборот буклетларини тайёрлаш, ташкилотнинг тузилма бўлимларига тарқатиш (ўзининг рекламаси билан), кино ёки театрда билетларнинг бир қисмини сотиб олиб бериш ва ҳ. к.

Шерикчилик муносабатларини ўрнатиш учун керакли ташкилот ёки одамни топгандан кейин унга қуйидагиларни ўз ичига олган хат юбориш керак:

жамоа бирлашмаси ҳақида қисқа ахборот (номи, қаерда, қачон, ким томонидан, нима учун тузилгани, қандай маблағлар ҳисобига мавжудлиги); қилинган ишлар ҳақида қисқача ҳисобот (резюме); бирлашманинг ўзига хос хусусиятлари, унинг ноёблиги қирралари; ҳамкорлик таклифи, уни амалга ошириш бўйича аниқ ғоялар.

Шерикчиликда барча муносабатларни ҳуқуқий расмийлаштириш жуда муҳимдир, айниқса агар молиявий мажбуриятлар пайдо бўлса; ахборот билан алмашилади ва биргаликдаги қадамлар муҳокама қилинади.

Баъзи бир жамоа бирлашмалари ўзининг фаолият соҳасини кенгайтириш, янги ғояларни тадбиқ қилиш, бино ижарасини, коммунал хизматлар тўлашни таъминлаш учун ўз амалиётида кичик тижорат корхоналари ташкил этадилар. Улар аҳолининг кам таъминланган катламлари учун арзон нархлар бўйича кийимлар, маҳсулотлар, кўчатлар, гуллар (ўз қўллари билан яратиладиган бошқа нарсалар ҳам) савдоси билан, ёки тўлов асосида ўз хизматларини таклиф этиш билан (ўсмирлар учун дискотекалар ва қизиқарли шоулар, репетиторлик, талабнома бўйича ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш, шейпингга ўргатиш, хоналарни, футбол, бейсбол кийимларини безаш, плакатлар ва ёзувлар тайёрлаш, ўз газетасини чоп этиш, матнни компьютерда териш, фоторасмлар олиш, видеосуратга олиш, саёҳатлар уюштириш, хоналарни йиғиштириш ва бошқалар). Одатда, бу “ишлаб чиқаришларда” волонтерларнинг ўзлари ва уларнинг оила аъзолари: кўп болали ва ишсиз ота-оналар, ногиронлар ва нафақахўрлар банд бўлади. Ёрдамга муҳтожларни фаолиятнинг тўла ҳуқуқли иштирокчилари ва ташкилотчилари қилиш – жамоат ташкилотининг асосий вазифаларидан бири.

- фаолларга маслаҳат бериш ва ўқитиш;
- тажриба алмашиш имкониятлари.



“Ақлий хужум”нинг бориши: Бутун гуруҳ билан давра курунг. ар бир иштирокчида ручка ва карточка (чизик билан тенг қисмларга бўлинган, стандарт варақнинг 1/2 бўлакчи зич қоқоз) бўлиши керак. 3 минут ичида ҳар бир иштирокчи карточканинг чап томонига тасаввур этилаётган (ёки ҳақиқий мавжуд бўлган) ижтимоий хизмат олдида турадиган 3 та энг асосий муаммони ёзиб қўяди. Кейин олиб борувчининг буйруқи бўйича ҳар бир иштирокчи ўзининг карточкасини ўнг томондаги қўшнисига беради ва 15 сония ичида битта энг долзарб муаммо рўпарасига кесишган чизик (X-крестик) қўяди. Карточканинг ҳар бири даврани тўлиқ айланмагунгача узатилаверади. Кейин эксперт гуруҳи (2-3 та одам) карточкаларни қайта ишлайди ва энг долзарб муаммони танлайди. Командаларга 10 дақиқа ичида бу муаммони ечиш бўйича иложи борича кўпроқ усулларини ўйлаб топиш таклиф этилади. Энг кўп ечиш йўллари топган команда 10 балл олади, энг қизиқарли йўлни топган команда 5 балл олади, ва муаммонинг энг қувноқ ечимини топган команда ҳам 5 балл олади. Бундан кейин командаларга ёкиб қолган ечимни пантомима билан “ўйнаб кўриш” таклиф этилади. Бошқа команданинг вазифаси – уни топишдир. Шундай ўйин шакллари ни грантга талабноманинг қолган қисмларига ҳам ўйлаб топинг. Талабномани расмийлаштиришни тугатган ва уни манзилга юборган ташаббускор гуруҳни танланг.

Жамоа бирлашмаларига хорижий ёрдам қуйидаги кўринишда кўрсатилади:

- дастурларга грантлар (молиялаштириш ёки жиҳозлар етказиб бериш);
- биргаликдаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш;

Грантга талабнома — жамоа бирлашмаси аъзоларини жамғармалар, банклар ёки бошқа муассасаларга молиявий қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги ёзма илтимосидир. Талабномада бирлашма бирорта долзарб муаммони хал қилишда ўзининг имкониятларини таклиф этади. Баъзи бир хусусий ва давлат грант берувчилари молиявий ёрдам бериш учун махсус ишлаб чиқилган анкеталарни тўлдиришни таклиф этади, ихтиёрий шаклдаги талабнома, одатда, 10-15 та машинада ёзилган матн варағидан ошмайди. Берувчи томон уларга машҳурлик келтирадиган, уларни фойдали жиҳатдан кўрсатадиган лойиҳаларни молиялаштиришдан манфаатдор. Грант берувчиларни Европа Иттифоқи, Европа Кенгаши, ЮНЕСКО; Америка,

Британия, француз, немис кутубхоналари, АҚШ ва Буюк Британияни Савдо палаталари, электрон почта ва ИНТЕРНЕТ, газеталар, журналдаги мақолалар, телевидение, радио, вазирликлар ва муассасалар; корпорациялар, хорижий давлатлар ваколатхоналари, жамғармалари орқали топиш мумкин.

Хорижий жамоа бирлашмалари (уларни нотижорат ташкилотлари – НТТ ёки нодавлат ташкилотлари НДТ деб аташади) қадимий тарихга, ўзини-ўзи молиялаштиришнинг катта тажрибасига, кўнгиллиларни жалб қилиш бўйича давлат билан ҳамкорлик қилиш, маълум бир одамларга ёрдам бериш усулларига эга – уларнинг барча билимлари Россиядаги жамоат бирлашмаларига жуда керак бўлади. Уларни махсус адабиёт, семинарлар ва тажриба алмашиш орқали олиш мумкин.

---

## **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Нокасбий ижтимоий иш нима?

Нокасбий ижтимоий иш билан ким шуғулланиши мумкин?

Жамоат бирлашмалари нима учун керак?

Жамоат бирлашмаларини молиялаштиришнинг қандай манбалари бор?

Жамоат ташкилотларини ким ва қандай қилиб қўллаб-қувватлаши мумкин?

---

## **Вазият**

*Қуйида келтирилган ота-оналарнинг мурожаатини кўриб чиқинг. Чернобил АЭСдаги фалокат оқибатларидан зарар кўрганларга давлат қандай ёрдам кўрсатмоқда? Улар билан ишлашни қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар чегаралаб туради? Бу оилаларни нодавлат жамоа бирлашмалари қандай қилиб қўллаб-қувватлашлари мумкин?*

Чернобил АЭС даги авария бизнинг кичкина шахримизни четлаб ўтмади. Чернобил вайроналарида туғилиб ўсган бутун бошли авлод яқинда катта бўлади.

Чернобил ҳалокатидан кейин бизнинг болаларимиз орасида касалланиш 10 марта ўсди. Чақалоқлардаги юрак пороги мамлакатдаги болаларга нисбатан 6 марта кўпроқ учрамоқда, буйрак патологияси – 10 марта, вегетотомир дистонияси, сурункали пневмония билан касалланиш статистикаси анча юқори. Охирги йилларда шаҳардаги ўлим сони туғилишдан кўпроқ бўлди.

Бизга кўмак керак. Бизнинг болаларни соғломлаштириш, уларнинг бошига тушган уқубатларни енгиллаштириш бўйича илтимосимизга жавоб беришингизни сўраймиз.

*Чернобил АЭСи ва бошқа табиий офатлар натижасида азият чеккан минтақангиздаги, шаҳрингиздаги (қишлоқдаги) аҳоли тўғрисида маълумотларни аниқланг. Муаммоларни таснифланг. Улар мурोजаат қилиши мумкин бўлган ташкилотлар манзилгоҳларини ва ишлаш тартиботларини кўрсатган ҳолда “Жабрланганларга маслаҳатлар”ни ишлаб чиқинг.*

## **Амалий топшириқлар**

*Маҳаллий жамоа бирлашмасига саёҳат.*

*Тўғарак, ижодий, ҳаваскорлар бирлашмаларининг, қизиқишлар бўйича клубларнинг иш услубияти.*

*Жамоавий ижодий ишни ташкил қилиш услубияти.*

*Ўзининг микрорайонидаги фойдали ишларни ўрганиш, халқ байрамларини ташкил қилиш.*

*Ижтимоий ҳимоя қилиш муассасалари ишини таҳлил қилиш.*

**М а қ с а д:** Ижтимоий соҳадаги муассаса ташкил этилиши ва вазифалари билан танишиш.

Муассаса раҳбарлари билан суҳбат, хизматчилар орасида сўров ўтказиш, тузилиши ва йиллик ҳисоботлари билан танишиш керак. Таълим олаётганлар ўз кузатувларини назарий ўқиш билан таққослайдилар. Бу ахборотни бирор мақсадга йўналтирилган ҳолда йиғиш бўйича амалиёт ўтиш имконини беради. Баҳолаш ўқувчиларнинг амалиёт ва назарияни бир бутунликка бирлаштиришларида ёрдам беради.

Одатда, ўқувчилар ташкилот тўғрисидаги фактларни баён қилиб бера оладилар, бироқ уларни танқидий таҳлил қилиш анча мураккаб. Бу ҳолатни қисман ижтимоий ишнинг яхши ёки ёмон амалиёти қандай бўлиши тўғрисидаги билим ва тажрибанинг етарли эмаслиги билан изоҳлаш мумкин, шунинг учун ўқувчиларда танқидий англашилган идрокни ривожлантириш зарур.

---

## **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

### ***“Дўст қидираяпман” машқи***

Бу машқларни энг қадрланадиган инсон хислатлари тўғрисида, дўстлик тўғрисида ва дўстликка муносиб бўлиш учун ўзида ривожланиши керак бўлган хусусиятлар тўғрисидаги баҳслашувни қизитиш сифатида қўллаш мумкин. Бундан ташқари, ундан маънавияти яқин одамлардан жамоа бирлашмаларини тузиш тўғрисидаги суҳбатга ўтиш мумкин.

Олиб борувчининг йўриқномаси:

— Ҳар қандай одам, албатта, ҳақиқий дўстга эга бўлиш тўғрисида орзу қилади. Орангиздан кимгадир омад кулиб боққан ва унинг бундай дўсти бор. Кимнингдир – таниш-билишлари кўп, лекин улар орасидан мағрурлик билан “дўст” деб атай оладиган одам танлаш қийин. Кимдир эса уялувчанлиги ва берклиги туфайли, ўзини ёлғиз сезади ва қайғу билан, унда дўстлар

йўқлигини тан олади. Лекин, ҳар қандай ҳолда ҳам ҳақиқий дўст ҳеч кимга халақит бермайди.

Шу пайтдан бошлаб бепул эълонлар газетасининг муҳаррири бўлиб оламан. У “Дўст қидираяпман” деб аталади. Ҳар бирингиз газетамизга дўст қидириш тўғрисидаги эълонни жойлаштиришингиз мумкин. Бу эълондаги сўзлар сони ва ҳарфлар ўлчамига чеклаш йўқ. Ҳар қандай шакл қабул қилинади. Сиз дўстликка номзодга қўйиладиган барча талаблар рўйхатини, у эга бўлиши керак бўлган сифатларнинг барча тўпламини, ҳамда унинг портретини чизиб беришингиз ва баён этишингиз мумкин. Ўз тўғрингизда гапиришингиз ҳам мумкин. Бир сўз билан айтганда, эълонни қандай хоҳласангиз шундай тузинг. Шунини ёдда тутингки, дўст қидириш тўғрисидаги эълонлар кўп бўлади ва айнан сизнинг эълонингиз диққатни жалб қилиши тўғрисида қайғуришингиз керак.

Қоғоз варағини, фломастерларни олинг – ижод қилинг. Тайёрланиш учун вақт - ўн дақиқа.

Ажратилган вақт тугагач, олиб борувчи эълон варақларини деворларга илиб қўйишни таклиф этади. Уларни имзолаш керак эмас. Гуруҳ иштирокчилари товуш чиқармасдан эълонларни ўқийдилар. Ҳар ким унинг диққатини жалб қилган эълонга қизил айланача чизиш ҳуқуқига эга ва уни берувчи билан боғланишга тайёр. Бундай эълонларни танлашни чеклаш мумкин, масалан, учтагача.

Энди эълон варақларини олиш мумкин. Қаранг-чи, сизнинг эълонингизга кимдир жавоб бердимикан. Сизнинг варақларингиздаги қизил айланалар сонини сананг. Ҳар ким айлана бўйича битта рақамни – ўзига нисбатан танлашлар сонини айтсин.

Мана энди ўйиннинг энг муҳим пайти келади. Олиб борувчи саволларни муҳокама қилишни таклиф этади: энг кўп қизиқ жавоб олган эълон нима билан тавсифланади? Бошқа эълонга жавоб беришингизга нима

халақит берди? (Сўз бир марта ҳам танланмаган, - агар бундайлари бор бўлса – эълонлар тўғрисида кетмоқда).

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

*Американская программа “Большие братья (Большие сестры)” в России: Сборник документов и материалов / Под ред. Л. У. Звонаревой. – М.: ИЦ «Академия», 1999.*

*Алексеева О.* Третий сектор, или Благотворительность для “чайников”. – М.: Изд-во Благотворительного фонда Би-би-си МПМ Лимитед, 1997.

Гражданский Кодекс Российской Федерации. – М., 1997.

Источники финансирования для российских общественных организаций. – М.: Петит, 1995.

*Никитина Л. Е., Тетерский С. В.* Общественные объединения детских и молодёжных социальных инициатив: Сборник документов и материалов. – М.: ЦСП РАО, 1997.

Об общественных объединениях. Федеральный закон от 7 июля 1995 г. / Собрание законодательства РФ 1995, № 21.

О благотворительной деятельности и благотворительных организациях. Федеральный закон от 7 июля 1995 г. / Собрание законодательства РФ 1995, № 33.

О государственной поддержке молодёжных и детских общественных объединений. Федеральный закон от 28 июня 1995 г. / Собрание законодательства РФ 1995, № 27.

О некоммерческих организациях. Федеральный закон от 12 января 1996 г. / Собрание законодательства РФ 1995, № 3.

Права человека и работа в социальной сфере; Пособие для училищ по подготовке социальных работников и для работников социальной сферы.— Женева: Изд-во Центра по правам человека ООН, 1995.

Програма «Большие Братья / Большие Сестры»: стандарты и методики.- Рязань: Пресса, 2000.

*Рамзей Р.* Социальная работа: наука-профессия: К развитию концепции // Социальная педагогика и социальная работа за рубежом.— Социальная работа.— Вып.б.— М., 1991.

## 4-МАШҒУЛОТ

### ИЖТИМОЙ ИШ ИЛМИЙ БИЛИМ СОҲАСИ СИФАТИДА

---

“Фансиз амалиётга берилиб кетган одам рули ва компаси йўқ кемани бошқараётган капитанга ўхшайди, у қаёққа сузаётганини ҳеч қачон аниқ била олмайди”.

Леонардо да Винчи

“Фанни кўпинча билим билан адаштириб кўйишади. Бу чуқур янглишиш. Фан фақатгина билим эмас, балки онг, яъни билимдан тегишли тарзда фойдалана билиш кўникмаси ҳамдир”.

В.О. Куличевский

Фан – воқеликнинг бирор-бир соҳаси ҳақидаги, шу соҳадаги объектив, яъни онгимиздан ташқарида мавжуд бўлган қонунларни ўрганадиган билимлар тизимидир.

Объектив қонуният нима? Бу шундай сабаб-оқибат алоқадорлигики, у қаерда реал объектлар мавжуд бўлса ўша ерда амал қилади ва ҳар доим муайян тарзда (муайян сабаб фақатгина битта ва қатъий белгиланган оқибатни келтириб чиқаради) амал қилади ва унинг ўзгариши мумкин эмас.

Фаннинг бир бутунлиги тўғрисида ёзар экан, Макс Планк, фан ички бир бутунликни ташкил қилади, деган эди. Унинг алоҳида соҳаларга бўлиниши нарсаларнинг моҳиятига эмас, балки инсон билиш қобилиятининг чекланганлигига боғлиқ. Воқеликда физикадан ва химиядан бошланиб биология ва антропология орқали ижтимоий фанларга ўтадиган ягона узлуксиз занжир мавжуд, бу занжирнинг бирон-бир халқасини ҳам узиш мумкин эмас, агар субъектив ирода бўлмаса.

Ҳар бир фан атрофимизда ўраб турган воқеликдан ўзининг инструментарийси ёрдамида тадқиқ қилиниши мумкин бўлган муайян соҳа, жараён ва ҳодисаларни ажратиб олади. Шу соҳадаги жараён ва ҳодисалар фаннинг объектини ташкил қилади.

Объектни мана шундай тушуниш фанларнинг жамини уч катта гуруҳ - табиий, ижтимоий (социал, гуманитар) ва техника фанларига шартли равишда бўлиш имконини беради:

### Фанлар таснифи



Ижтимоий ҳодисалар, жараёнлар ва муносабатларни ўрганар экан, негизига кўра ижтимоий (социал) фан бўлган ижтимоий иш техника фанлари билан ҳам ва (айниқса) (табиий фанлар физиология, тиббиёт, психология, экология) билан ҳам боғланганки, бу унинг интеграцияловчи хусусиятини таъкидлайди. Унинг доирасида ўтказилаётган тадқиқотлар кўпинча унинг табиий ва ижтимоий фанлар (социология, психология, педагогика, ҳуқуқшунослик ва бошқалар) билан ўзаро алоқадорлиги нуқтаи назаридан кўпинча фанлараро хусусиятларга эга бўлади.



Мазмунига кўра ижтимоий-гуманитар, хусусиятига кўра фанлараро ва интеграцияловчи бўлган ижтимоий иш илмий билим соҳаси сифатида ижтимоий фанларнинг ҳам, табиий фанларнинг ҳам уларга хос бўлган амалиётни назарий умумлаштириш ва статистик ҳамда математик тадқиқот усулларида кенг фойдаланиш хос бўлган жиҳатларини бирлаштиради.

Ижтимоий ишнинг илмий мавқеини аниқлаш муаммосига нисбатан кўплаб ёндашувлар мавжуд. Улардан бири бу фанни ижтимоий фаннинг алоҳида соҳаси муаммоси - ижтимоий ривожланишни ўрганишга йўналтирилган амалий фан сифатида тан олишни таклиф қилади. Бошқаси эса мутахассисларни ижтимоий ишнинг фан сифатидаги мавқеини ўз ичига фундаментал ва амалий муаммоларни ҳам қамраб оладиган мураккаброк тузилмаларга эга эканига йўналтиради. Учинчиси эса ижтимоий иш соҳасидаги илмий билимларни инсоннинг ҳаётий кучларини қўллаб-қувватлашга алоқадор бўлган энг муҳим муаммолар ва соҳаларга: тиббий хизмат, таълим, иш билан таъминлаш, жамоа тартибини сақлаш, нафақа хизмати, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш ва бошқаларга бўлиш учун ижозат беради. Ижтимоий ишнинг илмий эмаслиги, унинг назариялари ривожланмаганлиги ҳақида сўзловчи ёндашувлар ҳам мавжуд.

Бу мавзудаги мунозараларни вақт ва ижтимоий иш, умуман ижтимоий тараққиёт соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг ривожланиши ҳал этиши лозим.

Ижтимоий иш ижтимоий жараёнларнинг қонуниятлари ва амал қилиш тамойилларини, уларнинг жамиятдаги шахс фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда психологик-педагогик ва бошқарув омиллари таъсиридаги тадрижини ўраганиди.

Ижтимоий ҳодисалар ва муносабатлар фақат ижтимоий ишнинггина эмас, балки фалсафа, тарих, социология, сиёсатшунослик ва ҳ.к. сингари кўплаб фанларнинг ҳам объектидир. Ҳар бир муайян фан объектни бутунича эмас, балки унинг фақат мазкур фан предметини ташкил қиладиган

хусусиятлар, муносабатлар, қонуниятларнинг муайян қисмини, ўзига хос “кесими”ни ўрганади. Айнан предметнинг мавжудлиги билимнинг мустақил соҳаси бўлган ҳар қандай фаннинг мазмунини белгилаб беради.

Мустақил фан сифатида фақатгина ўзининг тадқиқот ва воқеликни ўзгартириш предметига, шунингдек, қўллайдиган илмий таҳлил усулларининг ўзига хослигига эга бўлган илмий билим соҳасигина тан олиниши мумкин. Предметни тушунишнинг чуқурлашуви, ундаги янги ва янги қирраларнинг очилиши жараёнида мазкур фаннинг фандаги энг муҳим бўлимлар мазмуни тўғрисидаги тасаввурларнинг ўзгариши ҳам юз беради.

Ижтимоий иш илмий асосларининг шаклланиши бутун дунёда узлуксиз мунозаралар жараёнида юз бермоқда. Энг фаол муҳокама қилинаётган муаммолардан бири фан сифатидаги ижтимоий ишнинг предмети, амалий фаолият соҳаси ва ўқув предмети, асосий билим ва кўникмалар ҳажми сифатидаги ижтимоий иш мавқеи ҳақидаги масаладир.

Ҳозирги даврда фан сифатидаги ижтимоий ишни қуриш ва баён қилишнинг умум эътироф этган меъёрлари йўқ, бу эса унинг “ёшлиги”, илмий аппаратининг шаклланиш ва оёққа туриш босқичида экани тўғрисида гувоҳлик беради.

Ижтимоий иш фанининг предмети, ўзига хос хусусиятлари тўғрисида уни бошқа фанлар предметлари, аввало социология, психология, конфликтология, ижтимоий тарих предметлари билан қиёслаб сўз юритиш мумкин.

Ижтимоий иш кўпроқ амалий хусусиятга эга. У фақат назариядан иборат эмас, балки ўз таркибига узвий равишда муайян амалий тажрибанинг маълумотларини ҳам қамраб олади. Ҳаёт билан, аҳоли турли гуруҳлари ва қатламлари ҳаётининг муайян шарт-шароитлари билан мустаҳкам алоқа ижтимоий иш соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг амалий аҳамиятини оширишдаги муҳим шартдир.

Фан сифатидаги ижтимоий ишнинг предмети алоҳида шахс, муайян ижтимоий гуруҳ ёки шахс ҳаётига бевосита алоқадор бўлган ижтимоий жараёнлар ва ижтимоий ҳодисалар, уларнинг психологик-педагогик, иқтисодий ва бошқарув омиллари таъсирида ўзгариш тамойилларидир.

Ижтимоий ишнинг энг муҳим тизим ташкил қилувчи элементларидан бири ижтимоий ишдаги воқеа ва ҳодисалар моҳияти ўртасидаги мустаҳкам, такрорланиб турувчи объектив алоқадорликни ифодаладиган қонуниятлардир. Ижтимоий иш қонуниятларини назарий асослаш ва экспериментал жиҳатдан тасдиқлаш ҳозирги замон олимлари ва тадқиқотчилари олдида турган асосий вазифалардан бири.

Ҳозирги кунда қуйидаги қонуниятлар тўғрисида сўз юритиш мумкин: ижтимоий иш жамиятда юз бераётган жараёнларга одамларнинг эҳтиёжлари, муайян вазият талаблари асосида таъсир ўтказиш бўйича фаолият тури бўлиб, у барча одамларнинг манфаатларига, уларнинг маънавий юксалишларига ва ижтимоий муносабатларнинг янгиланишига, ижтимоий саломатликнинг сақланиши ва реабилитация қилинишига хизмат этади;

индивиднинг шаклланиши “ижтимоий дастур” бўйича – шахснинг ўз ривожига ўзининг фаоллиги ҳал қилувчи рол ўйнайдиган ижтимоий муҳит таъсирида юз беради;

ижтимоий хизматларнинг шаклланиш ва истеъмол қилиш

Ўйлаб топилган “столшунослик” фанининг қандай қонуниятлари бўлиши мумкин? Улар шундай қоидалар бўлиши лозимки, ҳеч кимда уларнинг объективлигига нисбатан шубҳа туғилмасин. Масалан: “Столнинг мустаҳкам туриши унинг оёқлари миқдorigа ва у қандай хом-ашёдан тайёрланганига боғлиқ”. Энди ўз “фанларингиз” қонуниятларини аниқланг.

манбалари ижтимоий детерминациялашга (лотинча *determino*- аниқлайман) хусусиятга эга, яъни улар жамият эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлиб унинг тараққиётидаги тамойилларни акс эттиради.

Ижтимоий иш субъектлари: 1) ижтимоий ёрдам кўрсатаётган ижтимоий хизматчилар, ижтимоий педагоглар; 2) бошқаларни ижтимоий ишга ўргатаётган профессор-ўқитувчилар таркиби; 3) ижтимоий иш ривожланиш ҳолатини қайд этаётган, тўпланган материални умумлаштираётган ва тизимлаштираётган, унинг ривожини прогнозлаштираётган тадқиқотчилар; 4) мамлакатдаги ижтимоий сиёсатни шакллантирадиган ва амалга оширадиган маъмурий-бошқарув хизматчилари.

Ҳар қандай гуманитар фан ўзгарувчан, бир-бири билан чапишиб кетадиган турли-туман ижтимоий **ҳодисалар** (масалан, “одам-одам”, “одам-муҳит” ўзаро таъсирларини; ижтимоий тараққиёт ва бошқалар)ни акс эттиради ва тадқиқ қилади. Бу ҳодисаларни умумлаштирар ва талқин қилар экан, олимлар **тушунчалар** – шу ҳодисанинг хусусиятларини тушунтириб беришга қодир, уни икки хил талқин қилишга йўл қўймайдиган қисқа, бироқ кенг маъноли таърифларни берадилар. Агар тушунча тадқиқотчиларнинг кўпчилигига маъқул келса, у барқарор бўлиб қолади, ва уни **атама** дейдилар. (Тушунча – атамаларга оид муаммолар барча фанларда ҳам учрайди. Улар айниқса фанларнинг шаклланиш ва интенсив ривожланиш даврида кескинлашиб кетади. Масалан, айнан бир хил ҳодисага (масалан, “ижтимоийлашув”, “таълим”, “фаоллик” кабиларга) ўнлаб таърифлар берилади. Баъзан эса бунинг аксича, айнан бир хил атама билан турли тушунчаларни ифодалашади, масалан, “ривожланиш”, “ўқиш”, “тарбия” ва “таълим” тушунчаларининг барини баъзан “таълим” атамаси билан ифодалашади. Худди шунга ўхшаш манзара тушунча-атамалардаги “ноаниқликлар” янги фаннинг ривожланишини, шунингдек, уни ўқув предмети сифатида ўқитишни қийинлаштиради). Ҳодисани илмий изоҳлашнинг “чўққиси” атаманинг энг умумий тушунча, **категорияга** айланиши ҳисобланади. “Ҳодиса – тушунча – атама - категория” ўзгаришлари барча фанларда ҳам жуда узоқ давом этади. Баъзан эса кўплаб баҳслар, мунозаралар, исботлар, такрорланадиган тадқиқотлардан сўнг

фаннинг предметини аниқловчи категорияларни тан олиш учун ўнлаб йиллар керак бўлади.

Ҳозирги кунда ишонч билан айтиш мумкинки, “ижтимоий иш” тушунчаси категория ҳисобланади ва қуйидагиларни ҳам шу жумлага киритиш мумкин (С. И. Григорьевга кўра):

Ижтимоий иш учун махсус ҳисобланмайдиган, бошқа фанлар томонидан ҳам ўрганиладиган ҳодиса ва жараёнларни белгиловчи ўзлаштирилган категориялар. Масалан, ижтимоийлашув, ижтимоий субъектлик, ижтимоий фаолият, ижтимоий фаоллик ва бошқалар.

Биринчи навбатда ижтимоий иш категориялари ҳисобланадиган, бироқ бошқа фанлар томонидан ҳам истифода этиладиган умумий категориялар. Масалан, психосоциал иш, тузилмавий ижтимоий иш, ижтимоий реабилитация ва шу кабилар.

Ижтимоий иш моҳияти (қонуниятлари, тамойиллари, мақсадлари, функциялари, мазмуни)ни ифодаладиган махсус категориялар; ижтимоий иш моҳиятини намоён қиладиган аниқ усуллар (шакллар, методлар, инструментарий, тузилма)ни акс эттирувчи категориялар; ижтимоий ишнинг сифат ҳолатини ифодаловчи категориялар (комплекслик, тизимлилик, самарадорлик, йўналтирилганлик).

Ҳозирги кунда “ижтимоий иш” ва “ижтимоий педагогика”, “ижтимоий ҳимоя” ва “ижтимоий таъминот”, “ижтимоий хизмат кўрсатиш” ва аҳолини “ижтимоий кўллаб-қувватлаш” сингари ҳодиса ва тушунчаларнинг ўзаро муносабатлари, дифференциацияси ва ўзаро боғлиқлиги тўғрисида баҳс ва мунозаралар юритилмоқда.

Шундай қилиб, ижтимоий иш ижтимоий фанлар тизимидаги ижтимоий-гуманитар билимларнинг нисбий мустақилликка эга бўлган янги соҳаси ҳисобланади. Унга интегративлик ва кўпроқ амалий йўналтирилганлик хосдир. Унга шаклланиб бўлган фаннинг барча тузилмавий элементлари, яъни: тадқиқот предмети, тадқиқот предметиға

монанд тушунчалар: тадқиқот предметига хос бўлган қонуниятларнинг аниқланганлиги: ижтимоий ишдаги кўплаб фактлар ва амалий тажрибани тушунтиришга имкон берадиган тамойиллар ва ғоялар тизими ҳам ҳосдир.

---

## **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Сиз фаннинг қандай гуруҳларини биласиз?

Ижтимоий ишнинг илмий билим соҳаси сифатида вужудга келиши ва ривожланишига қандай асосий омиллар таъсир ўтказади?

Ижтимоий ишнинг ўзига хослиги тўғрисида ҳеч бўлмаганда иккита бир-бирини инкор этадиган фикрлар мавжуд. Улардан бири ижтимоий ишда турли фанлар (психология, социология, тиббиёт, ҳуқуқ ва бошқалар) нинг элементлари бириктирилган, у моҳиятига кўра шахс ва жамиятнинг амалий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган фанлараро тузилмадир, деб асослашга ҳаракат қилади. Иккинчиси эса, бу илмий билишнинг мустақил соҳаси, деб ҳисоблайди. Бу ҳар икки нуқтаи назарнинг тўғрилиги ёки хатолигини исботланг.

Ижтимоий ишга қуйида бериладиган таъриф вариантларининг тўғри ёки нотўғрилигини асослаб беринг:

- а) ижтимоий иш – касб;
- б) ижтимоий иш – амалий фан;
- в) ижтимоий иш – фан соҳаси;
- г) ижтимоий иш - ўқув предмети;
- д) ижтимоий иш – ижтимоий фаолиятнинг ўзига хос шакли.

Ижтимоий иш предмети ва объектига таъриф беринг.

---

## Вазият

*Маълумки, эҳтиросли севги ўсмирлик ёшидагилар учун меъёрий ҳолат ҳисобланади. У тўсатдан қандай пайдо бўлган бўлса, шундай ўтиб кетади. Ўсмир севгисининг объекти бўлиб, ашулачи, актёр, спортсмен... бўлиши мумкин. Мана шундай севгидан “азобланаётган” болаларга, уларнинг ота-оналарига қандай ёрдам бериши мумкин? Нима учун ота-оналар ҳам иштирок этадиган “фанатлар клуби”нинг ташкил этилиши ижобий жараён ҳисобланади? Сиз ижтимоий хизматчи сифатида Вера ва унинг онаси билан қандай аниқ тадбирлар ўтказасиз?*

14 ёшли Веранинг онаси А. Н. Карева шундай дейди: “Менинг қизим мана бир йилдирки, шумшайиб юради. Гап шундаки, у севиб қолган. Қандайдир одамни эмас, Дмитрий Маликовни севиб қолган. Севгиси жуда жиддий: ўзининг фанат дугоналари сингари уни кечаси-ю кундузи пойлаб юришдан ташқари, унга ҳар куни хат ёзади ва тушида унинг номини айтиб чиқади. Мен уни бошқа машғулотларга қизиқтиришга уриниб кўрдим, ҳатто чет элга ҳам олиб бордим. Бироқ, ҳеч нарса ёрдам бермаяпти. Қизчам жуда жиддий, ёш болаларга хос бўлмаган тарзда азобланмоқда. Мен ҳатто, ўзим уни ашулачининг олдига олиб бориб, ундан қизим билан учрашишини илтимос қилмоқчи бўлдим. Эҳтимол, менинг қизим руҳан соғлом эмасдир? Маслаҳат беринг, бизга ким ва қандай ёрдам бера олади?”

---

## Амалий топшириқ

Россиядаги ижтимоий иш ва ижтимоий педагогиканинг концептуал асосларини ишлаб чиқаётган илмий муассасалар (илмий тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари илмий кенгаши йиғилишларига ва бошқалар) га бориш.

---

## **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

Ҳар қандай фанни эгаллаш бир қатор илмий тушунчаларни ўзлаштириш билан боғлиқ. Ижтимоий иш сингари фаннинг тушунчаларини муваффақиятли ўзлаштириш мақсадида тафаккурни ривожлантириш бўйича маслаҳатлар ва машқлар тақдим қилинади.

### ***“Тафаккурни ривожлантириш бўйича маслаҳатлар”***

Мияга ортиқча юклама бериш деярли мумкин эмас. Кўпинча уни бекорчиликдан занг босади. Ўз миянгни тез-тез ишлатиб тур.

Агар секин фикр юритсанг, унда сенга тиришқоқлик ва ўжарлик ёрдам беради.

Таҳлил қил! Ўзингни, бошқа одамларни, хатти-ҳаракатларни, вазиятларни, ходисаларни. ҳар доим ўз олдинга қуйидаги саволларни қўй: Нима учун? Қандай? Эҳтимол бошқачароқдир? Бунинг сабаби нимада? Оқибатлари қандай бўлиши мумкин?

Ўз ақлингизга танқидий ва бошқаларнинг ақлига хайрихоҳлик билан муносабатда бўлинг.

Ақлнинг бош хислати диққатни жамлаш қобилиятида. Уни мунтазам машқ қилдириб тур.

Тилинг фикрингдан олдин кетишига йўл қўйма.

Ўқитувчи бу қоидаларнинг барчасини плакатга ёзиб синфга осиб қўйиши керак. Уларнинг ҳар бири билан, масалан, ўқувчилар билан биргаликда ҳар бир қоидадаги энг муҳим таянч сўзларни таҳлил қилиш йўли билан ишланса ёмон бўлмайди. Қоидаларга бағишлаб суратлар чизиш ҳам мумкин. Бу қоидаларни амалиётда мустаҳкамлаб қўйиш учун ўқитувчи бир қатор топшириқлар таклиф қилади.



### ***“Умумийлик-аниқлик” машқи***

Ҳар қандай предмет ва ҳодисага уни бошқа умумийроқ нарсанинг қисми сифатида ёки бўлмаса, хусусият қўшиш билан аниқроқ қилиб тавсиф бериш мумкин. Масалан, “чойнак” сўзини олиб кўрайлик. Агар мен қўлимни юқорига кўтарсам, бу сўзга нисбатан умумийроқ бўлган сўзни айтиш керак. “Идиш” сўзи ана шундай умумий сўз бўлиши мумкин. Агар қўлимни пастга туширсам, қандайдир аниқ хусусиятни, айтайлик, чинни сўзини қўшиш мумкин. Машқ қилиб кўрайлик: айиқ, қайин, скрипка ва ҳ.к. Олдинги топшириқдан маълум бўлдики, умумийроқ тушунчалар (улар тур тушунчалар) ёки камроқ ёки пастроқ даражада умумлаштирилган тушунчалар ҳам мавжуд экан. Масалан, дарахт-ўсимлик турларидан бири. “Дарахт” тушунчаси “ўсимлик” тушунчасига нисбатан тур тушунча ҳисобланади. Бироқ, “дарахт” тушунчаси “олма”, “арча” ёки “терак” тушунчаларига нисбатан умумийроқ ҳисобланади.

### ***“Сочилган сўзлар” машқи***

Сочилган сўзларни рангли кўрсаткичлар билан тур тушунчалардан уруғ тушунчаларига қараб бирлаштиради. Плакатда вараққа “сочилган” сўзлар: “амалий фан”, “дунё тўғрисидаги билимлар”, “ижтимоий иш фанининг категориялари”, “илмий билим”.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

*Бочарова В.Г.* Педагогика социальной работы.— М.: SvR-Аргус, 1994.

*Бочарова В.Г.* Задачи и перспективы развития социальной педагогики в современных условиях.— М.: ЦСП РАО, 1996.

*Бочарова В. Г., Филонов Г. Н.* Научный статус социальной педагогики и ее отношение к практике.- М.: Изд-во Центра социальной педагогики РАО, 1994.

*Григорьев С.И., Гусякова Л.Г., Ельчанинов В.А. и др.* Теория и методология социальной работы,— М.: Наука, 1994.

*Липский И. А.* Методология военной педагогики: структура. Модель, прогноз развития: В 2 ч. – СПб.: - СПВВИУС, 1994.

*Никитин В.А.* Начала социальной педагогики: Учебное пособие.— М.: Флинта, Московский психолого-социальный институт, 1998.

Основы социальной работы: Учебник / Отв. ред. П.Д. Павленок.— М.: ИНФРА-М, 1997.

Социальная педагогика: Теория, методика, опыт исследования.— Свердловск: Изд-во Уральск, ун-та, 1989.

Социальная работа: журнал АСОПиР и РАО. № 1 — 8.— 1992-1998.

Справочное пособие по социальной работе / Под ред. А.М. Панова, Е.И. Холостовой.— М.: Юристъ, 1997.

Теории социальной работы на пути к самоопределению, образованию и практике (Книга для социального работника и социального педагога) / Под ред. СИ, Григорьева.— М.: Изд-во АСОПиР. 1994.

Теория и методика социальной работы: в 2 ч. / Под ред. И Г. Зайнышева.— М.: МГСУ, 1994.

Теория и методика социальной работы: Краткий курс / Под ред. В.И. Жукова — М.: Союз, 1994.

Теория и методика социальной работы / Под ред. П.Д. Павленка,— М.: ГАСБУ, 1993, 1995. Вып.1 — 2.

Теория и практика социальной работы: отечественный и зарубежный опыт: В 2 т. / Под ред. Яркиной Т.Ф., Бочаровой В.Г.— М.— Тула: Изд-во Ассоциации социальных педагогов и социальных работников РФ, 1993.

*Топчий Л. В.* Проблемы подготовки кадров социальных работников в Российской Федерации // Социальная работа. – Вып. 2. – М., 1992.

*Фирсов Г.Н.* Теоретико-методологические основы социальной педагогики.- М.: Изд-во АСОПиР, 1998.

*Фирсов М.В.* Введение в теоретические основы социальной работы (Историко-понятийный аспект).— М.: Изд-во "Институт практической психологии"; Воронеж: НПО "МОДЭК", 1997.

## 5-МАШҒУЛОТ

### ИЖТИМОЙ ИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

“Барча тизимловчиларнинг таассуфини келтириб, воқеликда ҳеч қандай аниқ чизилган чегара ва оралиқлар йўқ”.

А. И. Герцен

Тамойиллар билимларни ташкил қилишнинг муҳим воситаси сифатида қонуниятлар билан бир қаторда – фаолиятнинг муқаррар қоидаларини белгиловчи асосий таянч ғоялар, қоидалар сифатида амал қилади. Тамойиллар билиш ва атроф-борлиқни ўзгартириш жараёнида вужудга келадиган мантиқий хулосаларнинг натижасидир. Тамойиллар, қонуниятлардан фарқли ўлароқ, одамларнинг субъектив хулосалари бўлиши ҳам мумкин.

Ҳар бир фан назарий ва амалий билимлар, назариялар, услуб ва услубият (технология)лар қоришмасидан иборат. Шундан келиб чиқилса, ижтимоий иш фаолиятнинг универсал тури, билимнинг соҳаси сифатида эса у бошқа фанларнинг бутун бир мажмуи билан узвий боғлиқ, ижтимоий иш тамойилларининг бир неча гуруҳини ажратиб кўрсатиш мумкин:

мазмунига кўра: инсонпарварлик; демократизм; қонунийлик; кишилар фаолиятининг муайян шарт-шароитлари билан боғлиқлик; ижтимоий фаолликни рағбатлантириш; ижтимоий адолат; альтруизм; ижтимоий, жамоавий ва шахсий манфаатларнинг уйғунлашуви; ўзини-ўзи таъминлаш; ижтимоий хизматлар соҳасида инсон ва фуқаролар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва уларнинг давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш, фуқаролар учун ижтимоий хизматларга эга бўлишда тенг имкониятларни таъминлаш; хизматларга эга бўлишда фуқароларнинг розилиги; ижтимоий хизматларга эга бўлишнинг очиқлиги; ижтимоий ишда сир сақлаш; ижтимоий хизматнинг барча тур ва шакллари ворисийлиги; адреслилик; соғлиги ва ҳаёти хавф остида бўлган фуқароларга кўмак беришдаги устуворлик; профилактика йўналиши; ижтимоий реабилитация ва адаптацияга кўмаклашув; идоралараро ва фанлараролик; фаолият нуктаи назаридан ёндашув; ижтимоий хизматни ҳудудий ташкил қилиш; аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишда кўнгилли жамоатчилик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва бошқалар;

ташкилий: ижрони назорат қилиш ва текшириш; хизматчиларнинг ваколатлари ва масъулиятлари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бирлиги; умумийлик; комплекслик; воситачилик; ҳамкорлик; ёрдам кўрсатиш ва бошқалар;

психологик-педагогик: комплекс ва дифференциаллашган ёндашувлар; технологик ваколатлилик; фаолликни рағбатлантириш; мақсадга йўналтирилганлик; ҳамдардлик, жозибадорлик, ишонч; ворисийлик; пайдарпайлик; узлуксизлик; миждознинг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш ва бошқалар.

Тамойиллардан баъзи бирларини кўриб чиқамиз.

Инсонпарварлик ижтимоий ишдаги инсонни олий қадрият сифатида баҳолайдиган, унинг фуқаролик шаъни ва ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган,

шахсининг ўз қобилиятларини эркин ва ҳар томонлама намоёниш қилиши учун шароит яратадиган етакчи мақсадли установкадир.

Хизмат йўриқномалари, буйруқлар ва фармойишлар билан тартибга солинадиган расмий муносабатлардан фарқли ўлароқ, ижтимоий хизматчи ва миждоз ўртасидаги норасмий алоқалар, аввало, санкциялаш аҳамиятига эга бўлмаган, шахсий сифатларнинг рухий жиҳатдан мослиги, манфаатларнинг умумийлиги, симпатиялар ва антипатиялар асосида вужудга келади. Ижтимоий ишдаги муносабатларнинг норасмий характери рухий феномен сифатида намоён бўлса ҳам ижтимоий хизматчининг хизмат мажбуриятлари, лавозим фаолиятлари доирасидан четга чиқмайди.

Ижтимоий ишдаги демократизм миждоз билан рухий алоқа ўрнатиш кўникмаларини, мулоқот меъёрлари ва қоидаларига риоя қилинишини, миждоз шахсиятига нисбатан ҳурмат ва эътиборни, унинг шахсий муаммоларини ҳал қилишга ўзини жалб этишни ва ақл кучи, билимлари, ахлоқи, тажрибаси ёрдамида таъсир ўтказишни талаб қилади.

Қонунийлик ижтимоий ишдаги асосий мазмуний тамойиллардан бири сифатида қонунлар ва унга асосланган ҳуқуқий ҳужжатларга барча давлат идоралари, мансабдор шахслар, жамоат ташкилотлари ва фуқаролар томонидан қатъий риоя қилинишини тақозо этади. Меърий-ҳуқуқий ҳужжатлар шундай бир шаклки, унга давлатнинг сиёсати, шу жумладан, ижтимоий сиёсат йўғрилади. Ҳуқуқнинг роли ва мақсади аввало, сиёсатни рўёбга чиқариш учун хизмат қилишдир, бироқ бу ролни ҳуқуқ фақатгина унинг меъёрларига барча томонидан риоя қилингани тақдирда бажариши мумкин. Мана шунда қонунийликнинг бирламчи ва асосий талаби, жумладан, ижтимоий ишдаги қонунийликнинг талаби намоён бўлади.

Ижтимоий ишнинг энг муҳим мазмуний тамойилларидан бири унинг одамлар ҳаёт фаолияти муайян шароитлари билан боғлиқлигидир. Бу тамойилда ижтимоий иш назарияси ва амалиётининг бирлиги намоён бўлади, уни амалга ошириш эса аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг, унинг

хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг илмий асосланган тарзда қўлланиши ва реаллигини таъминлаб беради.

Ҳаёт ҳар доим назариядан кўра бойроқ, кўрсатма ва йўриқномалардан кўра кўп қирралироқдир. Вазиятлар ва ҳаёт фаолиятининг шарт-шароитлари муттасил ўзгариб туриши, ижтимоий гуруҳлар ва шахсларнинг маданият даражаси, маълумоти, жинси, ёши, меҳнат қобилияти ва малакаси, соғлигига кўра турфалиги ижтимоий хизматчилар дуч келадиган ижтимоий муаммоларнинг доимо янгиланиб туриши ва ўзига хос бўлишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам ижтимоий ишнинг шахс ҳаёт фаолияти муайян шароитлари билан боғлиқлиги тамойили, аввало, муайян вазиятни таҳлил қилиш ва баҳолаш, инсоннинг ҳаёт шароитига ижтимоий ташхис қўйишни назарда тутди. Бу тамойил ижтимоий хизматчини ижтимоий вазиятдаги ижтимоий иш мақсадларига эришиш учун бевосита аҳамиятга молик хусусиятларни аниқлашга йўналтиради. У мавҳум назарияларга, қолипларга, инерция ва расмиятчиликка берилиш учун йўл қўймайди.

Ижтимоий ишнинг муҳим ташкилий тамойилларидан бири ижрони назорат қилиш ва текширишдир. Ижтимоий хизматларнинг назорат қилиш-текшириш функцияси алоҳида бир соҳа бўлмасдан унинг ажралмас таркибий қисмидир. Ижтимоий хизматлар ва бошқарув органлари фаолиятидаги назорат қилиш-текшириш фаолиятининг мазмуни давлат томонидан аҳоли турли гуруҳларини ижтимоий муҳофазалаш бўйича белгиланган тадбирларнинг рўёбга чиқарилишини таъминлашдан иборат.

Ижтимоий ишнинг асосий ташкилий тамойилларидан бири ваколат ва масъулият, ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг бирлигидир. Ижтимоий хизматлар ва уларни бошқарув органлари фаолиятини ўрганиш шуни кўрсатадики, уларнинг аниқ фаолият юритишига ҳар бир ижтимоий хизматчи ўз функция ва вазифаларини аниқ билиши орқали эришилади.

Ҳаёт кичик масъулият билан улкан ваколатларнинг бирикиши маъмурий ўзи бўларчилик, яхши ўйланмаган қарорлар қабул қилиш учун

кулай шароит яратишини кўрсатмоқда. Айни пайтда, кадрларнинг катта масъулиятга ва кичик ваколатга эга бўлиши тезкор, қатъий ҳаракат қилишга йўл қўймайди, амалда ижтимоий хизматлар мутахассисларининг ташаббусини бўғади ва масъулиятсизликни келтириб чиқаради. Мана шунинг учун ҳам ижтимоий иш бўйича ҳар бир мутахассиснинг ваколатларига мутаносиб тарзда масъулиятини белгилаш ва уларга юклатилган функционал мажбуриятларнинг аниқ бажарилишини таъминлаш ижтимоий иш самарадорлигининг зарурий шартидир.

Ижтимоий иш назарияси ва амалиётида психологик-педагогик тамойилларга катта ўрин ажратиладики, улар ижтимоий ишнинг шакл ва усулларига, мижозларга кўрсатиладиган таъсир усулларига қўйиладиган талабларни ифодалайди.

Ижтимоий ишнинг мана шу гуруҳга кирувчи аосий тамойилларидан бири комплекс ёндашув тамойилидир. Ижтимоий ишдаги комплекс ёндашув бир томондан ижтимоий иш объектига ўтказилаётган таъсирнинг бир бутунлиги ва ҳар томонламалигини таъминласа, иккинчи томондан, идорачилик, маҳаллийчилик ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишдаги чекланишларга йўл қўймайди ҳамда одамларнинг манфаатлари, эҳтиёжлари, кайфиятларини ўрганишни, уларнинг хулқ-атвори, ўзини-ўзи ҳис қилишларига ўтказилаётган таъсир характерини прогнозлашни; шунингдек, одамларда эҳтиёж ва истаклар, уларнинг касбий масуъллиги, ижтимоий мавқеи, маиший турмуш шарт-шароитлари ва ҳаёт тажрибаси билан боғлиқ бўлган реал шахсларни кўра билишни талаб қилади.

Психологик-педагогик тамойиллар орасида дифференциациялашган ёндашувни алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим. Ижтимоий ишдаги дифференциациялашган ёндашув турли ижтимоий қатламлар, гуруҳлар, касблар ва ёшлардаги моддий ва маънавий қадриятларга ва атрофдаги воқеликка ўзига хос қарашлар ва муносабатларнинг пайдо бўлиши қонуний характерга эга экани билан белгиланади.

Ижтимоий сиёсат инсон манфаатларини қайси шаклда ифода этмасин, одамлар уни фақатгина натижалари рўёбга чиққан тақдирдагина хис қиладилар. Муайян ҳаракатлар билан мустаҳкамланмаган декларациялар ва шиорлар фақатгина уларнинг обрўсини кетказиш усули бўлиб қолади холос. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга йўналтирилган тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан ижтимоий хизматчилар, ижтимоий хизматларнинг бошқарув органлари технологик жиҳатдан ваколатлилигига боғлиқ.

Технологик ваколатлилик – ижтимоий хизматчининг вужудга келаётган муаммоларни ҳал қилиш шароитлари ва технологиясидан чуқур хабардорлиги ва ўз билимларини амалиётга касбий саводхонлик билан амалга ошириш кўникмаси бўлиб, у мунтазам ўқишни ва хизматчиларни қайта тайёрлашни, аниқ ахборотни, бошқарув тизимининг барча бўғинларидаги таҳлилий ва прогнозлаш фаолиятини, ижтимоий иш объектлари тўғрисида чуқур ва атрофлича билимга эгалик, уларнинг таснифи ва хусусиятларини билишни, ижтимоий хизмат мижозлари билан ишлашда ишчанлик ва ташкилийлиликни тақозо қилади.

Ижтимоий-психологик тамойилларнинг энг муҳимларидан бири ижтимоий фаолликни рағбатлантириш бўлиб, у инсонни онгли, манфаатни англаган ҳолда унинг куч-ғайратини сарфлашдаги, қобилиятларини, ахлоқий ва ирода салоҳиятини ижтимоий муҳим мақсадга эришиш йўлидаги фаоллигини оширишга ундайди. Бунда ҳар қандай фаолият турида рағбатлантириш кучининг манбаи бўлиб, манфаатлар ва эҳтиёжларнинг ўзи эмас, балки уларни қондириш даражаси хизмат қилади.

Ижтимоий ишда рағбатлантириш тамойили унинг маънавий-ахлоқий ва моддий шаклларининг бирлиги ва уйғунлаштрилишини; шахснинг индивидуал, касбий, маънавий-маданий ва руҳий хусусиятларини адекват воситалар ва усуллар ёрдамида; инсоннинг ишга, ҳаёт фаолиятининг



ижтимоий қадриятларига муносабатларини баҳолашдаги холислик ва ошкораликни тақозо қилади.

Ижтимоий ишнинг психологик-педагогик тамойиллари жумласига мақсадга йўналтирилганлик тамойили ҳам киради. Ижтимоий хизматчининг доимо диққат марказида турадиган миждозга таъсир ўтказиш мақсади унинг фаолияти хусусиятлари ва усулларини белгилайди, ижтимоий иш мазмуни ва шаклларини олдиндан аниқлаб беради. Мақсадга эришиш ижтимоий хизматчи томонидан амалга ошириладиган ишларнинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги учун мезон бўлиб хизмат қилади. Буларнинг барчаси мақсадга йўналтирилганлик тамойилининг алоҳида мутахассис фаолиятида ҳам, ижтимоий хизматлар тузилмаси фаолиятида ҳам қанчалик муҳим ўрин тутишини кўрсатади.

Мақсадга йўналтирилганлик ижтимоий ишнинг барча тамойилларини бир бутунликка жамлаб иш усули ва шаклларини танлаш жараёнига илмийлик бахш этади.

---

## **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Ижтимоий иш тамойилларининг асосий гуруҳларини санаб беринг.

Ижтимоий иш тамойилларига таъриф беринг.

Ўз ваколатларингиз доираси ва ижтимоий-педагогик амалиётни ижтимоий хизматчининг ёрдамчиси сифатида ўташингиздаги масъулият даражасини мустақил аниқлашга ҳаракат қилинг.

---

## **Вазият**

Ижтимоий хизматчи мана бу болалар тарбияланаётган оилаларга қандай ёрдам кўрсатиши мумкин? Мактаб ўқувчилари билан қандай ишлар олиб бориш зарур? Бу болалар ўқиётган синфлар билан ишлаш зарурати борми? Педагоглар биланчи?

Федя Н., 13 ёшда. Болагилигида кўрқоқлиги билан ажралиб турарди. Масалан, бир куни кечқурун хонага ёлғиз ўзи кираркан, чироқни ёқди ва ёмон ниятли одам йўқмикан деб кроватнинг тагини, шкаф ичини ва орқасини қараб чиқди. Мулоқотда унинг тортинчоқлиги, тобеълиги, ўзига ишонмаслиги, маълум даражада эзилгани ҳам намоён бўлиб туради. Бунга яна боланинг ортиқча кўзғолувчанлигини ҳам қўшиш керак. У асосан ўзига тенгдош қизлар билан дўстлашади. Болалар унга “аммамнинг бузоғи” дай қарашади, унинг характери камчиликлари устидан очик кулишади. У ўз ота-оналари билан бир неча марта бир шаҳардан бошқасига кўчиб ўтди. Янги мактабга у қийинчилик билан мослашар, ҳар доим тенгдошлари томонидан ҳақорат ва камситишларни кутар эди. Шундай бўлиб чиқарди ҳам.

Катя К., 17 ёшда. Ёшлигида қувноқ, ҳаракатчан, тадбиркор қиз бўлиб, тенгдошлари компаниясининг “жони” эди. Мактабда ёмон ўқимасди ва жамоа ҳаётида фаол иштирок этарди. 15 ёшида унинг ўзини ёмон ҳис қилиш давлари бошланди, у ҳамма нарсани асабийлашиб ва ёмон қабул қиларди, ҳеч нарса қилишни истамасди. Ана шундай давлардан бирида ўзининг биринчи муҳаббати предмети бўлган синфдоши билан жанжаллашиб қолди. Бу жанжални у муносабатларнинг узил-кесил тугатилиши сифатида ҳис қилди, бошидан оғир кечинмаларни кечирди ва васваса пайтида ўзини ўлдиришга уринди (уйку дорисининг катта дозасини қабул қилди). Шифохонада ўзини ҳис қилиши яхшилана бошлагандан кейин яна қувноқ ва ҳаракатчан ҳолатга қайтди. Шифохонадан чиққандан кейин икки йил давомида унинг яхши ва ёмон кайфиятлари алмашиб туриши кузатилди. Ёмон кайфият бир-икки ойда пайдо бўлар ва 1-2 ҳафта давом этарди.

Кайфиятдаги тафовутлар аста-секин йўқола борди, бироқ кайфиятнинг даврийлиги сақланиб қолди.

Алёша С., 12 ёшда. У одамови ва ёлғиз, физикага берилган. МДУ ёш физиклар мактабида, ўзидан уч-тўрт ёш катталар гуруҳида шуғулланади, ҳатто шу гуруҳда ҳам жуда кучлилиги сезилиб туради. Ўзининг еттинчи синфида эса у ҳаммадан орқада. Физика дарсларида зерикканидан, кўпинча эса бошқа бирор нарсани ўйлаб ўрнидан туриши ва хиргойи қилиб қаторлар орасида сайр қилиши ҳам мумкин. Барча ўқувчиларни “шайтон телбалари” деган иборадан бошқача атамайдиган ўқитувчи эса унинг ҳатти-харакатларидан ғазабга келади. Боланинг кундалик дафтари эса таҳдидлар, “охирги огоҳлантиришлар” билан тўлиб кетган; Унга “иккинчи йил” ва ҳатто мактабдан ҳайдалиш хавф солмоқда.

---

### **Амалий топшириқ**

Ижтимоий гуруҳ (оила, маҳсуе муассаса, таълим муассасаси, маданий-ҳордиқ чиқариш муассасаси) билан ишлаш.

**М а қ с а д:** Ижтимоий гуруҳлар билан ишлаш учун мўлжалланган дастурларни бажариш усулларига ўргатиш.

Ўқувчилар ана шундай дастурларда иштирок этаётган ижтимоий хизматчилар орасида сўров ўтказишади ва имконият борича, бу дастурлар қандай бажарилаётганини кузатишади. Уларга ҳисоботлар ва дастурлар бўйича қўлланмалар билан танишиб чиқиш таклиф этилади. Кейин улар дастурларнинг мақсадлари, бу дастурлар бажарилиш жараёнида қондирилган эҳтиёжлар тўғрисида ҳисобот тайёрлашлари, ўтказилган тадбирларга ва фаолият тамойилларига баҳо беришлари лозим. Улар ижтимоий хизматчиларнинг нуқтаи назарлари билан танишишлари, дастурларни бажаришга бўлган тўсиқлар, қийинчиликларни аниқлашлари, идеал шароитда дастурларнинг моҳияти қандай бўлишини аниқлашлари керак.

---

## **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

### ***“Ижтимоий иш тамойилларини мен қандай тушунаман” машқи***

Ўқувчилар 4-5 кишилиқ гуруҳларга бўлинадилар ва ижтимоий иш тамойилларини тимсоллар ёрдамида ифодалайдиган расмни жамоа бўлиб тузадилар. Ҳар бир гуруҳ ишининг натижаларини: тушунтиришлар ва изоҳлар берилган расмларнигина эмас, балки тамойиллардан бирини тасвирлайдиган кичкина сахна кўринишларини ҳам намоиш этадилар. Бошқа гуруҳлар эса сахнада қайси тамойил ифодаланганини топишлари лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

*Бочарова В.Г.* Педагогика социальной работы.- М.: SvR-Аргус, 1994.

*Бочарова В.Г., Филонов Г.Н.* Научный статус социальной педагогики и ее отношение к практике.— М.: Изд-во Центра социальной педагогики РАО, 1994.

*Григорьев СИ., Гусякова Л.Г., Ельчанинов В.А. и др.* Теория и методология социальной работы.— М.: Наука, 1994.

Основы социальной работы: Учебник / Отв. ред. П.Д. Павленок.— М: ИНФРА-М, 1997.

Социальная педагогика: Теория, методика, опыт исследования.— Свердловск: Изд-во Уральск, ун-та, 1989.

Справочное пособие по социальной работе / Под ред. А.М.Панова, Е.И. Холостовой.— М.: Юрист, 1997.

Теории социальной работы на пути к самоопределению, образованию и практике (Книга для социального работника и социального педагога) / Под ред. СИ. Григорьева.— М.: Изд-во АСОПиР, 1994.

Теория и методика социальной работы: В 2 ч. / Под ред И.Г. Зайнышева.— М.: МГСУ, 1994.

Теория и методика социальной работы: краткий курс / Под ред. В.И. Жукова — М.: Союз, 1994.

Теория и методика социальной работы / Под ред П Д Пав-ленка.— М.: ГАСБУ, 1993, 1995. Вып.1 — 2.

## **6-МАШҒУЛОТ**

### **ИЖТИМОЙ ИШ НАЗАРИЯЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ**

---

“Фаннинг тарихисиз унинг назарияси йўқ, бироқ фаннинг назариясисиз унинг тарихи тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки бундай вазиятда унинг предмети, аҳамияти ва чегаралари тўғрисида тушунча ҳам бўлмади”.

Н. Г. Чернишевский

Билимларнинг илмий шакллари турфалиги: фактлар, воқеалар ва уларнинг баёни, тизимлаштириш, қонуниятлар ва тамойиллар, белгиланган мақсадга эришишнинг тамойил ва усуллари, гипотезалар, қарашлар тизимлари ҳар қандай фан асосланадиган назарияга бирикади.

Ҳозирги замон фанларининг барчаси фалсафадан ўсиб чиққани туфайли, бошқа кўпгина гуманитар фанларда бўлгани сингари ижтимоий ишда ҳам инсон борлигининг мазмуни, ижтимоий-ахлоқий негизларини асослаб берадиган фалсафий-гуманистик назария муҳим ўрин тутди.

1915 йилда Мери Ричмонд ўзининг “Илмий ижтимоий иш” асарида ижтимоий иш сифатини баҳолаш, ижтимоий хизматчи ҳал қилиши лозим бўлган ижтимоий муаммоларга ташхис қўйиш схемалар йиғиндисини таклиф қилди ва бу ижтимоий ишнинг турли хайрия шаклларига асосланадиган ахлоқий-терапевтик назарияси яратилишига олиб келди. Хайрия ишларини, муҳтожларга ижтимоий ёрдам кўрсатилишини ўрганиш ҳозирги кунда ҳам ижтимоий ишни илмий англаш манбаи ҳисобланади.

20-30- йилларда З. Фрейд ва издошлари томонидан ижтимоий ишнинг психодинамик назарияси олдинги қаторга олиб чиқилди. Бу эса Ғарбдаги кўзга кўринган баъзи мутахассисларга, психодинамик ёндашув ахлоқий-терапевтик анъана, хайрия ишлари ижтимоий ишга жуда кўп ғайри-илмий, тахминий, ноаниқ, фақатгина оддий ақлга асосланадиган нарсаларни олиб кирди, деган фикрлар учун асос берди. Бу эса одамларнинг хулқ-атворини ўзгартириш, уларнинг саломатлигини сақлаш ва реабилитация қилиш қийинчиликлари билан боғлиқ ижтимоий ишнинг кўпгина қийинчиликларини ҳал қилишга имкон бермасди. Ижтимоий ишнинг психодинамик, психосоциал назариялари ҳозирги кунда ҳам фрейдизм ва неофрейдизм ютуқларидан, қисман замонавийлаштириб, қайта изоҳлаб сезиларли даражада фойдаланишмоқда. Айни пайтда, улар инсоннинг ҳаётга чидамлилигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган экан, мустақил хусусиятларга ҳам эга, гарчи улар мазкур муаммолардаги психологик ва ижтимоий-психологик компонентларга урғу беришса ҳам.

50-йилларда аҳолининг ҳаётни сақлашга йўналтирилган хулқ-атвор мафкураси ва амалиётини шакллантиришга кўмаклашадиган, ижтимоий онгни шу йўналишда ўзгартирадиган, давлат ва индивидуал кадриятлар

рўйхатида соғлом ва узок умр қадриятини кўтарадиган, экопсихология ютуқларига (экологик терапия муаммолари, турмушнинг, соғлом турмуш тарзининг шарт-шароитини сақлаш)га асосланган ижтимоий ишнинг валеологик назарияси ривожланди.

Тахминан шу пайтда жамоалар ижтимоий-педагогик имкониятларини таҳлил қилишни ва ижтимоий гуруҳлар билан олиб бориладиган иш, одамга микромуҳит, турар жойида ёрдам кўрсатишни назарий жиҳатдан ўрганадиган ижтимоий ишнинг педагогик назарияси тараққий топди.

XX аср ўрталарида саноати ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида сўл кучларнинг сиёсий устунлиги кучайиб бориши натижасида ижтимоий ишнинг марксча назарияси таъсири оша бошлади. Унинг асосий ғояси шахснинг ўз ва атроф-муҳит муаммоларини ҳал қилишдаги ўзгартирувчан фаоллиги. Бунда ижтимоий адолат тамойилларига қурилган жамиятларда “ҳар бир кишининг эркин ривожланиши ҳамманинг эркин ривожланиши шартидир” тамойилини ўзининг барча фуқаролари тўғрисида давлатнинг ғамхўрлиги сифатида талқин қилиш мумкин.

Айни пайтда, ижтимоий тараққиётнинг социал жиҳатларига эътиборнинг кучайиши ижтимоий иш назариясидаги баъзи жиддий ўзгаришларга, ундаги ҳуқуқий жиҳатларнинг устуворлигига, амалиётда ижтимоий муҳофаза технологияларининг ҳуқуқий пойдевори яратилишига олиб келди. Камбағалларга ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги, ижтимоий кўмак берувчи расмий муассасалар фаолияти тўғрисидаги, ҳуқуқий ва маъмурий таъқиқлар, рухсат бериладиган ҳолатлар тўғрисидаги қонунлар ривожланди. Ижтимоий иш назариясининг ривожига социологлар ва психологлар, педагоглар ва психотерапевтлар сезиларли ҳисса қўшдилар. Ижтимоий ишнинг кўпгина назариялари номланиши социологик, педагогик ва психологик концепциялар билан турдош экани (тизимли, функционал, ролли, ижтимоий-педагогик, ижтимоий-психологик ва ҳ.к.) тасодифий эмас.

90-йилларнинг бошларига келиб, илмий адабиётларда ижтимоий ишни назарий асослаш, уни ижтимоий фаолиятнинг алоҳида тури, ижтимоий ҳодиса сифатида тушунишнинг бир неча моделлари аниқ кўзга ташлана бошлади. Бу моделлардан ҳар бири муайян мазмунни, муҳтожларга ёрдам кўрсатишнинг усул ва шакллари мажмуини, тангликлар профилактикасини кўзда тутди.

Ижтимоий ишнинг шартли назарий моделларини тўрт гуруҳга ажратишади: психологик йўналишдаги; социологик йўналишдаги; ижтимоий-педагогик; комплекс, фанлараро.

Психологик йўналишдаги моделлар кўпроқ психологик билимга одамнинг руҳий мавқеи ва ривожланишидаги қонуниятларга таянади.

Социологик йўналишдаги моделлар ижтимоий тараққиёт қонунларини билишга, жамиятни тузилмаларга ажратишга, ундаги ижтимоий институтларнинг ўзаро таъсирини билишга асосланади.

Ижтимоий-педагогик моделлар социумнинг бутун педагогик салоҳиятидан ҳар бир шахснинг ривожланиши, индивидуал имкониятларини намоён қилишида фойдаланишни кўзда тутди.

Комплекс моделлар биоижтимоий мавжудот сифатидаги инсоннинг ҳаётий кучларини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш муаммоларига бутунлик сифатида ёндашишга йўналтирилади.

---

## **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Ижтимоий иш назарияларини ривожлантиришга бўлган эҳтиёж нима сабабдан вужудга келди?

Ижтимоий иш назариялари ривождаги асосий тарихий даврларни санаб беринг.



XIX аср иккинчи ярмида одамларнинг ижтимоий ва индивидуал ҳаётидаги қайси ҳодисалар профессионал ижтимоий хизматчиларни оммавий тайёрлаш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, “заиф” ижтимоий гуруҳларни қўллаб-қувватлаш муаммолари бўйича илмий тадқиқотларни кенгайтиришни тақозо этди?

Ижтимоий ишнинг ҳозирги замон назарий моделларидан қайсиларини биласиз?

Ижтимоий соҳа бўйича мутахассис ижтимоий ишнинг назарий асосларини (мақсадлари, тамойиллари, қонуниятлари, усулларини) билиши нима учун зарур?

---

## **Вазият**

“Биз эрим билан у қачонлардир заводдан олган хонадонда яшаймиз. У бизники, иккаламизнинг номимизга хусусийлаштирилган (улушларсиз). Қизим турмушга чиқди. У эриникига кўчиб борди, ўғилли бўлди. Ҳозир неварамиз ҳам уйланган, унинг ўғли – бизнинг эварамиз бор. Уларнинг бари қизимизнинг уйида рўйхатдан ўтишган. Қизим ва неварам бизни, ўзларининг бобоси ва бувисини ҳоли-жонимизга қўйишмайди: “Кексайган пайтларингизда сизларга битта хона ҳам етади, бизни рўйхатдан ўтказинг”. Улар бизнинг қаеримизга келишади, хрушчёвкамизгами, кичкина чақалоқ билан-а? Биз энди энагалик ҳам қила олмаймиз. Бизга осойишта ҳаёт керак”.

*Ижтимоий хизматчи низога киришган томонларнинг ҳар бири билан қандай иш олиб бориши зарур?*

---

## **Амалий топширик**

*Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман хизмати тажрибаси билан танишиш ва унинг моделини ишлаб чиқиш.*

**М а қ с а д:** аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш хизматининг назарий моделини ишлаб чиқиш.

Ўқувчилар куйидаги топширикларни бажаришади: аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (муниципал) хизматининг амалдаги моделини тавсифлаш ва таҳлил қилиш (идоравий бўйсунуши, мақсадлари, вазифалари, тузилмаси, мазмуни, иш усул ва шакллари, хизматчилар билан таъминланганлиги, меҳнатга ҳақ тўлаш, хужжат юритиш ва ҳ.к.); аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг муаллифлик назарий моделини ишлаб чиқиш ва тавсифлаш, мавжуд тизимни такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш.

---

## **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

### *“Ақлий ҳужум” машқи*

Ўқитувчи болаларни ақлий ҳужум босқичлари ва ҳар бир босқичдаги энг содда қоидалар билан таништиради: 1) ғоялар яратиш (асосий қоидалар: имкон борича кўпроқ ғоя яратиш лозим, лекин танқид қилиш маън этилади); 2) тизимлаштириш (асосий қоидалар: ўхшаш ғояларни бирлаштириш, ҳар бир ғоядаги ижобий мағизни топиш) энг яхши ғояларни саралаш ва баҳолаш (асосий қоида: четда қолган ғоялар - “мағзи” кўзга ташланмаган ғоялар). Шундан кейин ўқувчиларга куйидаги топширик берилади: аҳолининг бирор тоифаси учун ижтимоий ёрдам хизматининг оригинал моделини яратиш.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

*Бочарова В.Г.* Педагогика социальной работы.— М.: SvR-Аргус, 1994.

*Григорьев С.И., Гусякова Л.Г., Ельчанинов В.А. и др.* Теория и методология социальной работы.— М.: Наука, 1994.

*Никитин В.А.* Начала социальной педагогики: Учебное пособие.— М.: Флинта, Московский психолого-социальный институт, 1998.

Основы социальной работы: Учебник / Отв. ред. П.Д. Павленок.— М.: ИНФРА-М, 1997.

Справочное пособие по социальной работе / Под ред. А.М.Панова, Е.И. Холостовой.— М.: Юристъ, 1997.

Теории социальной работы на пути к самоопределению, образованию и практике (Книга для социального работника и социального педагога) / Под ред. СИ, Григорьева.— М.: Изд-во АСОПиР. 1994.

Теория и методика социальной работы: в 2 ч. / Под ред. И.Г. Зайнышева.— М.: МГСУ, 1994.

Теория и методика социальной работы: краткий курс / Под ред. Б.И. Жукова — М.: Союз, 1994.

Теория в методика социальной работы / Под ред. П.Д. Пав-ленка,— М.: ГАСБУ, 1993, 1995. Вып.1 — 2.

Теория и практика социальной работы: отечественный и зарубежный опыт: В 2 т. / Под ред. Ярковой Т.Ф., Бочаровой ВТ.— М.— Тула: Изд-во Ассоциации социальных педагогов и социальных работников РФ, 1993.

*Фирсов М.В.* Введение в теоретические основы социальной работы (Историко-понятийный аспект).— М.: Изд-во "Институт практической психологии"; Воронеж: НПО "МО-ДЭК", 1997.

## 7-МАШҒУЛОТ

### ИЖТИМОЙ ИШ УСУЛЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

---

“Ижтимоий фанлар кам ривожлангани сабабли инсоният ҳозиргача ижтимоий фалокатлар билан курашишда ожиз ва энергиянинг барча турлари орасида олийси бўлган ижтимоий-психологик қувватдан фойдалана билмайди. Биз тентакни ақли қилиш, жиноятчини ҳалол қилиш, лапашангни иродали мавжудотга айлантириш қобилиятига эга эмасмиз. Кўпинча биз “яхшилик” қаерда-ю, “ёмонлик” қаерда эканини билмаймиз, билган тақдиримизда эса нафсга қарши кураша олмаймиз. Биологик тиббиёт мукамалликдан узоқ бўлса, “ижтимоий-психологик” тиббиёт ҳали зародишда ҳам вужудга келмаган. Шунинг учун ижтимоий фалокатларга қарши кураш инсоният аҳмоқлиги тарихининг ёрқин ифодасидир. Жиноятчиларни биз дор ва қамоқхона ёрдамида тўғри йўлга соламиз, руҳий беморларни соғлом одамни ҳам аҳмоққа айлантириб қўядиган жиннихона ёрдамида даволаймиз; ижтимоий тўлқинланишларни пулемётлар ва қамал қилиш билан, тентакликни эса синф хонасида кўп йиллик аҳмоқлаштириш ёрдамида, очларнинг эҳтиёжини ўлим ёрдамида, бузуқликни фоҳишахоналар ёрдамида даволаймиз”.

..

П. Сорокин

Методлар – мақсадга эришиш йўлида қўлланиладиган амаллар ва операциялар йиғиндисидир. Ижтимоий ишда эса улар бирор-бир мақсадга эришиш муайян (илмий-тадқиқот ёки амалий) масалани ҳал қилиш усулидир.

Илмий тадқиқот усуллари олимлар аниқ маълумотлар олиш учун қўллайдиган амаллар ва воситалар йиғиндиси бўлиб. улардан илмий назариялар ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш учун фойдаланадилар.

Ўзгартириш усуллари, аниқроғи ижтимоий воқеликни ўзгартириш усуллари, бу – ижтимоий хизматчининг миждозга ёки ижтимоий муҳитга муайян вазифаларни ҳал қилиш мақсадида таъсир ўтказиш усулидир.

Фаннинг кучи кўп жиҳатдан воқеликни тадқиқ қилиш ва ўзгартириш усуллариининг мукамаллиги, ишончлилиги, илмнинг мазкур соҳаси бошқа фанлар усулларида пайдо бўлаётган энг янги, илғор методлардан қанчалик тез ва самарали фойдалана олишига боғлиқ.

Илмий тадқиқот усуллариини тасниф қилишнинг турли асослари бор. Масалан, ахборот тўплаш ва уни қайта ишлаш усуллари; эмпирик тадқиқот усуллари ва назарий моделлаштириш усуллари; умумилмий усуллар ва аниқ фанларнинг ўзига хос усуллари тўғрисида гап юритиш мумкин.

Баъзи усуллар кўпинча муайян фанларга тегишли бўлади. Масалан, социометрия, гуруҳ баҳси, ичкаридан кузатиш асосан ижтимоий-психологик тадқиқот усули ҳисобланади.

Ижтимоий ишда илмий тадқиқот усуллари ва услубиятлари мажмуидан фойдаланилади. Қуйидаги кичик гуруҳларни кўрсатиш мумкин:

Умумманткий усуллар: анализ, синтез, умумлаштириш, қиёслаш, моделлаштириш, лойиҳалаш.

Умумилмий усуллар: адабий манбаларни таҳлил қилиш; назарий таҳлил ва ижтимоий-педагогик тадқиқотлар синтези; кузатиш (табиий шароитларда кузатиш, мураккаб вазиятларни моделлаштиришда кузатиш, тестдан ўтказиш жараёнида кузатиш, қўшма тадбирлар жараёнида кузатиш ва ҳ.к.); тажрибани ўрганиш ва умумлаштириш; эксперимент; эксперт баҳолари усули.

Тарихий усуллар: қиёсий-тарихий усул (тарихий жараёнлар қонуниятларини, такрорланиб туришини аниқлаш учун қўлланадиган), генетик усул (ўрганилаётган ҳодисанинг келиб чиқиши, сабаблари ва бошқичларини ўрганиш учун қўлланилади), тузилмавий усул (тизимнинг

алоҳида таркибий қисмлар билан боғланишини аниқлаш учун қўлланилади) ва бошқалар.

Социологик усуллар: анкета сўрови ва интервью; социометрия; мониторинг (ўзгаришлар нуқтаи назаридан вужудга келадиган ижтимоий вазиятларни муттасил кузатиш, бу ўзгаришлар истиқболини прогнозлаш).

Психологик усуллар (бланк ва аппаратура тестлари) (индивидуал ва гуруҳ) тестлари.

Математик статистика усуллари.

Шундай қилиб, тадқиқот манбаи бўлиб ҳужжатлар, китоблар, журналлар, газеталар; мижозлар, ижтимоий, илмий хизматчилар, ўқитувчилар, оилалар ва ҳ.к.; техник-ахборот тизимлари — радио, телевидение, компьютер тармоқлари; муассаса анъаналари, ижтимоий хизматчи иш тажрибаси ва бошқалар бўлиши мумкин.

Агар ўзгартириш методларини тасниф қилишга асос қилиб шахс ёки ижтимоий бирлик хулқ-атвориغا таъсир ўтказиш кўрсаткичларини оладиган бўлсак, уларнинг уч гуруҳини ажратиш мумкин: ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-буйруқ ва психологик-педагогик усуллар.

Ижтимоий-иқтисодий усуллар ўз таркибида ижтимоий соҳа мутахассислари мижозларнинг моддий ва маънавий, миллий, оилавий ва бошқа манфаат ва эҳтиёжларига таъсир ўтказадиган барча усулларни бирлаштиради. Ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжлар ва манфаатларга таъсир ўтказиш методлари натура ёки пул билан ёрдам бериш шаклида; имтиёзлар бериш, бир марта бериладиган ёрдамлар ва компенсациялар шаклида; патронаж ва маиший хизматлар кўрсатиш шаклида; маънавий рағбатлантириш, санкциялар ва бошқалар шаклида қўлланилади.

Ташкилий-буйруқ методлари анланган ижтимоий ва меҳнат интизоми, бурч ва масъулият сингари мотивларга йўналтирилган бўлади. Уларнинг ўзига хос хусусияти тўғридан-тўғри таъсир ўтказишдир, чунки

улар аввало чегараловчи, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади. Усулларнинг бу гуруҳида ташкилий ва буйруқ методлари орасидаги баъзи фарқларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ташкилий методлар ижтимоий хизмат органларининг турли бўғинларида ҳуқуқлар, ваколатлар, мажбуриятларни мустаҳкамлаб қўяр экан, ижтимоий хизмат вазифаларини бажаришга “олдиндан” бошқарув таъсири ўтказиши мумкин. Буйруқ усуллари вазифаларни тезкор бажариш, куч ва воситаларни қайта тақсимлаш, йўл-йўлакай вужудга келадиган вазифаларни ҳал қилиш ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш имконини беради. Ташкилий усуллар билан узвий боғлиқ бўлар экан, улар ижтимоий ишнинг бошқариш органлари тизимига тезкорлик ва ғайрат бағишлайди.

Асосий ташкилий-буйруқ усуллари қуйидагилар: регламентлаш, меъёрлаш ва йўриқ бериш, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, талаб қилиш, танқид ва ўз-ўзини танқид, назорат қилиш, ижрони текшириш ва бошқа методлар.

Регламентлаш ижро учун мажбурий бўлган ташкилий қоидалар (буйруқлар, намунавий низомлар, лавозим йўриқномалари, штат жадвали ва бошқалар)ни ишлаб чиқиш ва амалга киритишдан иборат.

Меъёрлаштириш эса ижтимоий хизматчи фаолиятида мўлжал вазифасини бажарадиган меъёрлар (хизмат кўрсатиладиган мижозлар миқдорининг меъёри, хизмат кўрсатиш вақтининг меъёри ва бошқалар)ни белгилашдан иборат.

Йўриқномалар бериш вазиятини, вазифаларни, пайдо бўлиши мумкин бўлган қийинчиликларни мижознинг нотўғри хатти-ҳаракатлари оқибатларини тушунтиришда, эҳтимолий хатоликлардан огоҳлантириш, хатти-ҳаракатлар тўғрисида маслаҳатлар бериш ва бошқалардан иборат. Ижтимоий ишда йўриқномалар бериш, одатда, мижозга унинг фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган маслаҳатлар, ахборот ва услубий кўмак шаклида бўлади.

Психологик-педагогик методлар мижозга унинг ўзини-ўзи ҳис қилиши ва хулқ-атворини бошқариш мурватларига таъсир ўтказиш орқали бавосита таъсир қилиши билан характерланади.

Шахсий хулқ-атвори кўп жиҳатдан ижтимоий-психологик ҳодисалар: жамоатчилик, гуруҳ фикри, кайфиятлари, диди, истаклари, майллари, мода ва бошқалар билан белгиланади. Мулоқот маҳсули сифатида вужудга келган ижтимоий-психологик ҳодисалар нисбий мустақилликка эга бўлади ва одамларнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатларига тартиблаштирувчи таъсир ўтказади.

Шахс (гуруҳлар) маънавий-ахлоқий ҳолатига ва хулқ-атворига педагогик таъсир ўтказиш мурвати одам онгига муайян ижтимоий вазият ва шарт-шароитлардаги хулқ-атвор тамойиллари ва меъёрларини, барқарор қарашларини шакллантириш манфаатлари йўлида мақсадга йўналтирилган таъсир ўтказишни назарда тутаяди.

Психологик-педагогик методлар жумласига ишонтириш (ижтимоий иш амалиётида турли шаклларда, аввало, тушунтириш, маслаҳат, далилланган тавсиф, мижозга ижобий намуна ва фаол ҳаётий фаолиятда ибрат шаклида намоён бўлади), социологик тадқиқотлар, кузатиш, ижтимоий-психологик ташҳис, уқтириш, маълумот бериш, меҳнат ва турмуш шароитини инсонийлаштириш, меҳнатга жалб этиш ва ижодий имкониятларини намоён қилиши учун имкониятлар яратиш, урф-одатлар, анъаналар ва бошқалардан фойдаланиш кабилар қиради. Бу гуруҳдан мижозлар фаолияти натижасини ўрганиш, ижтимоий терапия (индивидуал терапия, гуруҳ терапияси, меҳнат терапияси, ўзини-ўзи тарбиялаш терапияси, мунозара терапияси, психотерапия, оилавий терапия, ўйин терапияси, социодрама, психодрама ва бошқалар) тазарру усулини кўриб чиқамиз.

Мижозлар фаолияти натижаларини ўрганиш (“таржимаи ҳол усули”) кенг маънода ҳаракатлар натижасини, киритилган ўзгаришларни ҳаёт мавқеидаги, кадриятлар тизимидаги реал силжишларни ўрганишдан



иборатдир. Тор маънода эса, мижозлар фаолияти натижасини ўрганиш муассаса раҳбарлари режалари ва ҳисоботларини, кундаликларни, журналлар ва бошқа ҳужжатларни; фаолият маҳсулотларини (натижаларини): иншолар, техник ишланмалар, кўлбола ўйинчоқлар, кўрғазмали қуроллар, кино- ва видеофильмлар, микро- фото- ксерокопиялар (босма, график, кўлёзма материаллар); масаланинг тарихи ва назарияси бўйича маълумот каталоглари; мавзули картотекалар; магнит тасмасига ёзиб олинган суҳбатлар, маърузалар, мунозаралар (улар қайта тинглаб таҳлил қилиш учун қулай); машинка матнига кўчирилган қоғоз ёзувлари; фотосуратлардан иборат. Буларнинг бари белгиланган вазифаларни бажариш, эришилган натижалар тўғрисида фикр юритиш имконини беради.

Ижтимоий терапия (терапия (юнонча) - ғамхўрлик, қаров, даволаш) – шахсга ёки шахслар гуруҳига ҳиссиётлар, импульслар, фикрлар, муносабатларни тартибга солиш масаласида мунтазам, мақсадга йўналтирилган ёрдам бериш учун бажариладиган тадбирлар (И. Г. Зайнишев).

Терапия қуйидаги функцияларни бажаради: даволаш (мижозга унинг муаммоларини ечишда тиббиёт хизматчилари билан биргаликда ёрдам кўрсатиш); ижтимоий тараққиёт (мижозни фаол гуруҳ фаолиятига қўшиш, мижознинг ижтимоий саломатлигига ижобий таъсир кўрсатувчи “биргаликдаги ривожланиш” жараёнини ташкил қилиш); манфаатларини ҳимоя қилиш (ҳуқуқлари чекланаётганлар ёки жамиятдаги ижтимоий заиф мавқели одамлар эҳтиёжларини тушунтириш). Шундай қилиб, ижтимоий терапия “ижтимоий муолажа” методи сифатида; таълим ва касбий йўналтириш билан боғлиқ таъсир ўтказиш методи сифатида; ижтимоий назорат қуроли сифатида; мулоқот воситаси функциялари сифатида кўрилиши мумкин..

Ижтимоий терапиянинг вазифалари: хулқ-атвори тузатиш, коррекция қилиш; дисфункцияларнинг олдини олиш; меъёргаги тараққиётни таъминлаш; шахснинг ўзини намоён қилишига кўмаклашиш.

Индивидуал терапия муаммолари конфиденциал тарзда ҳал қилиниши лозим бўлган (зўрлашлар, оилавий келишмовчиликлар ва ҳ.к.) миждозларга, яъни гуруҳ терапиясида иштирок этишни истамайдиганларга нисбатан қўлланади. Одатда, бир неча индивидуал машғулотдан кейин миждоз жамоа терапиясига ўтказилади, чунки бу усул анча самаралироқдир.

Гуруҳ терапияси — одамларнинг эмоционал бузилишлар ёки ижтимоий ноқулайликларни бартараф этишида кўмаклашиш учун (ижтимоий хизматчи ёки профессионал терапевт бошчилигида) гуруҳдан фойдаланишни англатади. Одатда, ҳар бир гуруҳ 6-8 кишидан иборат бўлади, машғулотлар давомийлиги эса ҳафтасига 90 минут. Қуйидаги гуруҳлар ташкил этилади: ўқув (билим олиш, ўз фикрини ифодалаш, шахсий муаммоларини муҳокама қилиш); ҳамкорликдаги фаолият (умумий бир иш: спорт билан, театрга бориб муҳокамалар ўтказиш ва бошқалар) билан шуғулланиш; ота-оналар; эркаклар ва аёллар. Психотерапевтик муолажага қуйидагилар киради: релаксация, пантомимик сахналар, “конструктив мунозара”, ролли вазиятларни ўйнаш, биографияни сўзлаб бериш, аноним касаллик тарихини муҳокама қилиш, кўрган тушлари, хаёллари ва тасаввурларини баён қилиш ва бошқалар.

Оилавий терапия ижтимоий хизматчининг бир бутунлик ҳисобланадиган оила аъзолари гуруҳи билан олиб борадиган фаолият. Мутахассис оила аъзоларининг роллари, ўзаро мажбуриятларини ёритишга, уларни юмшоқроқ хулқ-атворга рағбатлантиришга ҳаракат қилади. Бунда оила тарихи эмас, балки гуруҳ аъзоларининг вербал ва новербал ҳатти-ҳаракатларидан фойдаланилади.

Меҳнат терапияси инсоннинг психофизиологик соҳасига -меҳнатнинг тетиклаштирувчи ва фаоллаштирувчи таъсирига асосланади. У одамлар

орасидаги муносабатларни енгиллаштириб, ўртадаги хавотир ва тарангликни, оғриқли туйғуларни енгиллатиб, биргаликдаги меҳнатни ташкил қилиш имконини беради.

Ўзини-ўзи тарбиялаш терапияси ўзини ўрганишни, ўзига баҳо беришни; ўз шахсиятини қайта баҳолашни; ўзини таҳлил қилиш, ўтмишни қайта баҳолаш, индивидуал “психологик тўсиқлар”ни аниқлашни; “МЕН”нинг ёқимли тимсолини яратиш; ўзини ишонтириш, ўзини рағбатлантириш ва ўзига уқтириш усулларида фойдаланиш; фаолият ва мулоқот вазиятлари; кундалик ҳаёт ва фаолиятда эришилган натижалардан фойдаланишни қамраб олади.

Мунозарали терапия гуруҳ аъзоларининг бир-бирлари билан танишиши; мижозлар кутаётган нарсалар ва уларнинг хавотирларини муҳокама қилиш; гуруҳдаги мижозлар кутаётган нарсалар ва гуруҳдаги воқелик ўртасида мавжуд номутаносиблик туфайли вужудга келган тарангликни муҳокама қилиш; гуруҳ раҳбарига нисбатан қаршиликнинг кучайиб бориши; бу қаршиликнинг ўтмишдаги ҳаёт тажрибаси билан боғлиқлиги, гуруҳ раҳбарига муносабат билан боғлиқ, мустақиллик, масъулият ва фаоллик билан боғлиқ бўлган муаммоларни очиш; ечиш лозим бўлган муаммога мос муносабатни шакллантириш, гуруҳ фаолиятида фаол иштирок этиш мотивациясини, гуруҳ анъаналари ва меъёрларига мосликни шакллантириш; гуруҳ ичидаги муносабатлар тадрижини таҳлил қилиш, уни ҳар бир қатнашчи муаммоларини ечиш билан боғлаш; муносабатларни коррекциялаш, нутқларни мустақамлаш; терапия натижаларини муҳокама қилиш, яқун яшаш; рефлексия.

Социодрама — жамоа, гуруҳ терапияси усули. Унинг моҳияти шундаки, ижтимоий гуруҳлар муаммолари ва гуруҳлар ўртасидаги турлича низоли муносабатлар стихияли тарзда ташкил этилган сахналарда муҳокама тақдим этилади. Бунинг натижасида, бир-бирларининг муаммоларини очик

муҳокама қилиш, суриштириш ва мавжуд ижтимоий-маданий тафовутларни драматик йўл билан тасвирлаш натижасида бир-бирларини тушунишга эришилади.

Психодрама - гуруҳ терапиясида қўлланадиган техника бўлиб, унда одам турли ролларни, масалан, ўзининг турли стресс вазиятлардаги ҳолатини тасвирлаши ёки ўзига муқобил ролларни ижро этиши мумкин. Бу эса унга ўз хис-туйғуларига таъсир этиш, хавотирлик ҳолатини бартараф қилиш, турли вазиятларда ўзини тўлароқ қўлга олиш, муаммога бошқа киши нуқтаи назаридан қарашга имкон беради.

Ўйин терапияси мулоқотни енгиллатиш учун қўлланадиган психотерапия шакли. Иштирокчилар вербаллаштириш қийин ёки мумкин бўлмаган турли вазиятлар ва низоларни тасвирлаш учун ўйинчоқлардан фойдаланадилар. Ўйин терапияси кўпинча болаларга нисбатан қўлланади, бироқ баъзи шароитларда катталар билан ишлаганда ҳам у яхши натижалар беради.

Тазарру методи психотерапия шакли бўлиб, у ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқалардаги қийинчиликларни, руҳий стрессларни бартараф қилиш мақсадида қўлланади. Бу усул ижтимоий хизматчининг миждоз билан “яккама-якка” мулоқот қилишини тақозо этади. Кўпчилик динларда кўп асрлардан буён қўлланиб келаётган ижтимоий ишнинг бу усули ўзининг самарадорлигини, жумладан, махсус илмий тадқиқотлар натижаси билан ҳам тасдиқлайди. Ижтимоий иш усуллари таснифи учун таъсир ўтказиладиган одамлар миқдорини асос қилиб оладиган бўлсак, унда ижтимоий ишнинг индивидуал ва гуруҳ шакллари ажратиш мумкин.

Индивидуал ижтимоий иш ижтимоий хизматчилар томонидан индивидларга уларнинг психологик, шахслараро, социоиктисодий муаммоларини улар билан шахсан ўзаро таъсир орқали ечиш йўли билан ёрдам беришга қаратилган йўналиш, қадриятлар тизими, амалиёт туридир.

Гуруҳдаги ижтимоий иш ижтимоий ишнинг шундай шакли ва усулдирки, бир-бирларига манфаатлари яқин бўлган ва умумий муаммоларга эга одамларнинг кичик гуруҳи мунтазам тарзда тўпланиб туради ва умумий мақсадга эришиш учун ҳаракат бошлайди. Психотерапевтик гуруҳлардан фарқли равишда гуруҳдаги ижтимоий ишнинг мақсадлари эмоционал муаммоларни ечишга қаратилган бўлиши шарт эмас.

Ижтимоий ишда фақатгина шу касб учун хос бўлган усуллардан фойдаланилади. Улар жумласига ижтимоий ташхис қўйиш, танглик вазиятларига аралашуш, жамоада иш олиб бориш, кўчаларда иш олиб бориш усуллари киритилади.

“Ижтимоий ташхислар” (1917) китобида Мэри Ричмонд ўзининг иш усули — мижоз шахсиятини ҳам, унинг ижтимоий ҳолатини ҳам баҳолашни кўзда тутадиган ижтимоий ташхис қўйишни тақдим қилган эди. Ижтимоий кўмак унинг томонидан натижаси мижознинг ўзини ҳам унинг ижтимоий теварак-атрофини ҳам ўзгартириб юбориш бўладиган тадбирлар комбинацияси сифатида кўрилади. Ижтимоий тадбирларни Мэри Ричмонд бир-бирини ўзаро тўлдирадиган усулларга бўлган эди: даволашнинг бавосита усули ва даволашнинг бевосита усули. Бавосита усул шахснинг ташқи муҳитига таъсир этиши, бевосита усул эса мижознинг ўзига қарор ишлаб чиқиш учун фаол ҳаракатга ундаш мақсадида таъсир ўтказишидир.

Ҳозирги кунда ижтимоий ташхисларга (И. Г. Зайнишевга кўра) қуйидагилар киритилади:

— зондаж қилиш - ахборот текшируви: инфратузилма, маҳаллий аҳоли сони, таркиби ва тадрижи тўғрисида маълумот тўплаш ва бошқалар;

— ижтимоий-тарихий текширув: мазкур ҳудуднинг ўзлаштирилиши ва унда одамлар яшай бошлаши тарихини, маҳаллий аҳоли таркиби ўзгаришини, унинг машғулотлари ва анъаналарини ўрганиш;

— турли ҳужжатлар, маҳаллий ва марказий матбуотдан олинган мақолалар, электрон ахборот воситаларидан, фуқароларнинг хатлари ва шикоятларидан олинган материалларнинг мақсадли-ахборот таҳлили;

— ижтимоий картографиялаш: аҳоли орасида туғилиш ва ўлим тадрижи ва ижтимоий макондаги тарқалиши ҳаёт сифатининг турли табиий ва ижтимоий омилларга қанчалик боғлиқлигини таҳлил қилиш.

Ижтимоий ташхис қўйиш усулидан фойдаланган ҳолда жойнинг ижтимоий харитасини тузинг. Фуқаролар интенсив келиб-кетадиган, фойдаланилмайдиган, ифлосланган, ижтимоий тарангликлар бор, криминоген, ижтимоий муҳим ҳудудларни аниқланг.

Ижтимоий таранглик вазиятларига аралашув усули (бу усулдан биринчи марта АКШда 1874 йилда, Черков оилада шафқатсиз муносабатга учраган қизчанинг тақдирига аралашганда фойдаланилган бўлиб, бутун мамлакат бўйича болаларга шафқатсиз муносабатда бўлишнинг олдини олиш жамиятлари тузила бошлаган эди.) — ўтиш даври туфайли ёки ҳаётдаги турли вазиятлар сабабли кескин танглик ҳолатида бўлган алоҳида одамлар оилалар ва гуруҳлар билан ишлашда қўлланади.

Жамоада иш олиб бориш усули анъанавий методларни мувофиқлаштириш воситаси бўлиб, фуқароларнинг манфаатлари, эҳтиёжларини қондиришнинг ижтимоий-сиёсий воситаси сифатида кўрилади. Жамоада иш олиб борилганда мижоз шахсий ва ижтимоий муаммоларнинг ўзаро узвий боғлиқлигини англашига эришиш вазифаси кўйилади. У низоли вазиятларни ҳал қилишга қаратилган бирдамлик ҳаракатларида фаол иштирок этиши лозим. Бунда қўлланиладиган усуллар муаммонинг моҳияти ва типини аниқлаш, сабабини таҳлил қилиш, режа ва стратегия ишлаб чиқиш, зарур ресурсларни жалб этиш, лидерларни аниқлаш ва ишга тортиш, жамият аъзолари ўртасидаги муносабатларни уларнинг қийинчиликларини енгиллаштириш мақсадида ривожлантиришдан иборат.

Кўчада иш олиб бориш ижтимоий ишнинг “очиқ” усули бўлиб, у кўчадаги муаммоларга йўналтирилган ва қуйидаги превентив тадбирларни камраб олади:

назоратсиз (маргинал) ёшлар пайдо бўлишининг олдини олиш, айниқса, болалар ва ўсмирларнинг бўш вақтларини ўтказиш давомида йиғилиши пайтида “тасодифан” улар билан мулоқот ўрнатиш йўли билан профилактика қилиш;

кўчадаги ёшлар гуруҳларининг эҳтиёжлари ва алоҳида муаммоларини аниқлаш ва уларга тегишли индивидуал ёки гуруҳ ёрдами кўрсатиш;

гуруҳларнинг миқдорий жихатдан ўсиши олдини олиш, уларнинг парчаланиб кетишига ҳаракат қилиш ва улар фаоллигини унчалик агрессив бўлмаган ишларга йўналтириш;

кўчалардаги гуруҳлардан алоҳида қийин ўсмирларни ижтимоий хизматчиларнинг педагогик оталиғи остида бўлган ёшлар гуруҳларига жалб этиш учун ҳаракат қилиш;

болаларнинг кўчалардаги гуруҳлари учун бинолар излаш, улар билан хордикнинг турли шакллари ва экскурсияларини уларнинг ижтимоийлашуви ёки қайта ижтимоийлашувини тезлаштириш мақсадида ўтказиш;

гиёҳвандлар билан алоқа ўрнатиб, уларни тегишли муассасаларга бириктириб қўйиш;

ўсмирларни ўз тенгдошларига ҳамкорлик ёрдами кўрсатишга тортиш, яъни улар орасидан ижтимоий педагог ва ижтимоий хизматчилар қўнғилли ёрдамчиларини шакллантириш.

Сўнгги пайтларда оғир ҳаётий вазиятларда бўлган фуқароларга ёрдам кўрсатиш учун йўналтирилган одамларни оптимал тарзда ўзгартириш, тартибга солиш усулларини ижтимоий иш технологияси деб аталмоқда (технология юнонча *techne* – кўникма, маҳорат, *logos* – таълимот сўзларидан олинган) ижтимоий иш технологияларидан соҳаси бўйича мутахассислар ижтимоий соҳа бўйича профессионалларни тайёрлашда устувор йўналиш

сифатида фақатгина унинг индивидуал маҳорати, санъати, интуицияси ва шахсий жозибadorлигини эмас, назарий ва амалий тайёргарлигини олдинги планга қўйишади, чунки ижтимоий хизматчи ҳатти-ҳаракатларининг кўпчилиги - технологик фаолият бўлиб, унда маълум элементли муайян тизимлар, операциялар, кўрсаткичлар мавжудки улар янги шароитда осонгина намоён қилиниши ёки такрорланиши мумкин.

Ижтимоий муаммоларни ечиш технологияси (И.Г. Зайнишевга кўра) уч асосий босқични босиб ўтади:

- назарий босқич мақсадли устанoвкани шакллантириш, технологизациялаш предметини аниқлаш, тузилма таркибий элементларини, мижоз қўшилган сабаб-оқибат алоқалари ва муносабатларини аниқлашдан иборат;

- методик босқич мижознинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни олиш йўллари ва усуллари, манбаларини танлаш, шунингдек, уни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш воситалари ва усулларини ўзгартириш фаолияти учун аниқ тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида танлаш;

- процедура босқичи амалий фаолиятни ташкил этиш, ишлаб чиқилган тавсияларни текшириш, таклиф қилинган тавсиялардан фойдаланишдаги камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш ва ҳаракатлар алгоритминини ўрнатиш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этишни кўзда тутати.

Ижтимоий хизматчи фаолияти мақсад, муайян алгоритм (ҳатти-ҳаракатларнинг мантиқий кетма-кетлиги)га, ҳаракатлар андозаси ва меъёрларига, фаолият натижаларини баҳолашнинг объектив мезонларига эга бўлса, унда унинг иши технологияга мос эканлиги хусусида сўз юритиш мумкин.

Ижтимоий иш технологияларини тасниф қилиш масаласи анча мунозаралидир. Бундай таснифлардан бир нечтаси мавжуд. Мисол



тариқасида биз В. В. Богдан ва В. Н. Ивановлар таснифини келтирамиз, унда куйидагилар ажратиб кўрсатилади:

- бошқарув стратегиясини излаш технологияси;
- ижтимоий моделлаштириш ва прогнозлаш технологиялари;
- ахборот технологиялари;
- тадбиқ этиш технологиялари;
- инновацион таълим технологиялари;
- ўтмиш тажриба технологиялари.

Ижтимоий иш технологиялари унинг амалий жиҳатини акс эттиради, ижтимоий хизматлар ва профессионал кадрлар фаолияти самарадорлигини аниқлайди. Технологик жараёнларнинг моҳияти, мазмуни ва намоён бўлишидаги ўзига хосликларни ўзлаштириб олиш мутахассисни касбий тайёрлашдаги зарурий шарт ва асос ҳисобланади.

---

### **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Ижтимоий ишнинг қандай усулларини биласиз?

Ижтимоий иш методларининг моҳияти ва ўзига хос хусусиятларини қандай тушунасиз?

Ижтимоий иш усулларининг қандай таснифларини биласиз? Ижтимоий ишда ахборот тўплашнинг қандай методларидан фойдаланилади?

Ижтимоий хизматчи у ёки бу иш методини танлашига нималар таъсир ўтказади?

Ижтимоий хизматчи фаолиятининг технологизациялашуви шарт-шароитлари қандай?

## Вазият

Қуйида онанинг ҳикояси ва унинг муаммоларини ҳал қилиш йўллари келтирилган. Нима учун бу вазиятдан чиқиш вариантларидан бирортаси ҳам тўғри эмас? Сиз қандай ечим таклиф қилишингиз мумкин? Бу оила билан ижтимоий-педагогик иш олиб боришнинг қайси усуллари ва шакллари энг самарали бўлиши мумкин? Тўлиқсиз оилалардаги болалар билан иш олиб боришда ижтимоий педагоглар нималарни ҳисобга олишлари зарур?

“Ўғлимни мен ёлғиз ўзим тарбиялайман. У отасини ҳеч кўрмаган, бундан кейин ҳам кўрмаса керак. Бола фақатгина аёллар орасида ўсаётгани мени ташвишлантиради: уйда мен ва менинг дугоналарим, болалар боғчасида – энагалар ва тарбиячилар, мактабда ҳам фақатгина аёллар бўлади. У яқинда етти ёшга тўлади, лекин ҳалигача у бирорта эркак билан гаплашган эмас. Шундай шароитда эркакларча характер белгилари шаклланиши мумкинми?”

### *Ечимнинг А варианты*

Ўғли икки ёшга тўлганда, Н. эридан ажралди. У ўғлининг ёнида эркак киши бўлиши учун имкони бор ҳамма нарсани қилди. “Ўғил бола кўз олдида эркакча хулқ-атворнинг намунаси доимо бўлиши керак”, - дер эди у. У уйига кўпроқ эркакларни таклиф қилиш ва ўғли билан таништиришга ҳаракат қиларди. Бола баъзан эркакка ўрганиб ҳам қолар, уни ҳатто “дада” деб атаётган бошлар ҳам эди. Шунинг учун эркак ғойиб бўлгандан кейин бундай айрилиқдан у ғам чекарди, кейинчалик эса бундай ҳолга ўрганиб қолди. Н. эса боласи учун ҳамма нарсани қилаётганини айтиб “оталар” излашда давом этарди.

### *Ечимнинг Б варианты*

“Боланинг отаси бўлмаса, уни ўйлаб топиш керак”, - қарор қилди Е. У кўриниб турадиган жойга машҳур актёрнинг ёшликдаги портретини осиб

кўйди, ҳар оқшом ўғлига мана шу отаси тўғрисида ҳикоялар сўзлай бошлади. Ота бола учун етиб бўлмас идеалга айланди. Бола “отаси тўғрисидаги” ҳикояларни жуда яхши кўрар, унга ҳамма нарсада ўхшашга ҳаракат қиларди.

#### *Ечимнинг В варианты*

“Отанг овоздан тез учадиган самолётни синаш пайтида ҳалок бўлган. Двигатель ишдан чиқди, бироқ у учувчи кабинасини тарк этмади, чунки унинг остида шаҳар ястаниб ётарди”. 70-йилларда оилада отанинг йўқлигини изоҳловчи бундай ҳикоялар Драгунскийнинг “Денис ҳикоялари” тарбиялаган минглаб болаларнинг қалбини ғурур ҳисси билан тўлдириб турарди. Бироқ, вақт ўтиши билан боланинг кўнглида шубҳа пайдо бўлар, кейинчалик эса боланинг кўзи очилар эди. Унинг кўз ўнгида энг яқин одамлари сотқин бўлиб кўрина бошларди.

Бундай эртақларни эрлари ташлаб кетганини тан олишни хоҳламайдиган аёллар тўқиб чиқаради. Шунинг учун улар болаларига сўзлаётган нарсалар кўпинча ўзларини ишонтириш учун, психотерапия қилиш учун тўқиб чиқарилган бўлади. Бироқ, сирлар ҳар доим ошкор бўлади. Ўз боласи билан жиддий сўзлашувдан қочаётган барча аёллар буни ёдларида тутиши лозим.

#### *Ечимнинг Г варианты*

“Отанг – аблаҳ!” Отанинг йўқолишига мана шундай талқин бериш ҳам кўп тарқалган. Бу вариантга ўзини ташлаб кетган эркакдан нафратланадиган ва ўзининг ҳис-туйғуларига ҳамдард излайдиган оналар мойил бўлишади. Кўп йиллар давомида она боласига мана шундай нафратни сингдириб боради. Фарзандининг кўз ўнгида у жаллоднинг қурбонига, заиф ва бегуноҳ айбланган кўзичоққа айланади. Боланинг ҳар қандай хатолари энди тўла қонуний асосда “сендан нимани ҳам кутса бўлади, сен отангнинг

ўзисан”, қабилида талқин қилиниши мумкин. Она олдида айбдорлик ҳисси боланинг унга қаттиқ боғланиб қолишига олиб келади, бу эса у катта бўлганида мустақил етук оила тузиш лаёқатини шубҳа остига қўяди.

---

## **Амалий топшириқлар**

*Болалар норасмий бирлашмаларига кириш услубияти. Болаларнинг қизиқишлари бўйича бирлашмалар фаолиятини аниқлаш ва ташкил қилиш.*

*Вақт бюджетини хронометраж қилиш.*

*Бўш вақтдан оқилона фойдаланишни моделлаштириш.*

*Ижтимоий соҳа муассасаси жамоасининг мажлисида қатнашиш.*

**М а қ с а д:** мажлис олиб боришдаги процедура масалаларини тушуниш ва жамоа аъзоларига ажратилаётган ролни англаш.

Бошқарув, шунингдек, маъмурий қарорлардан ташқари жамоанинг умумий мажлисларини ўтказиш йўли билан ҳам амалга оширилади. Ўқувчиларга ана шундай мажлисга бориб қатнашиш, унинг ўтказилишини, қарор қабул қилаётган шахсларнинг ўзаро таъсирини кузатиш, меҳнат жамоасида ва “норасмий лидер” сифатида ўзини тутаётган алоҳида шахсларнинг ўзини-ўзи бошқаришдаги роли ҳамда жамоадаги маънавий-руҳий иқлим тўғрисида хулоса қилиш тавсия этилади.

---

## **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

Ижтимоий иш усуллари турли-тумандир. Бироқ, ижтимоий ишнинг асосий воситаси ижтимоий хизматчи ва ижтимоий педагогнинг шахсиятидир. Шунинг учун ҳам қуйида келтириладиган машқлар таълим олаётганларнинг ўз шахсиятларини тадқиқ қилишларига йўналтирилган.

**“Ўзини-ўзи таҳлил қилиш” машқи**

Ҳар бир иштирокчи бир варақ қоғоз олади ва уни тўрт қисмга бўлади. Қуйидагича йўриқ берилади: “”Мен кимман?” деган саволга ўнта жавоб бер”. Жавоблар дастлаб мияннга қайси шаклда келса, тезлик билан шундайлигича ёз. Бу жавобларни биринчи устунга ёз. Иккинчи устунга сенинг яқинларинг (аниқ бирор кишини кўрсатиш мумкин) сен тўғрингда мана шу саволга қандай жавоб бериши мумкинлигини ёз. Учинчи устунга мана саволнинг ўзига чап томонингда ўтирган иштирокчи қандай жавоб бериши мумкинлигини ёз.

Қоғозни шундай буклагинки, унинг ичидаги ёзувлар кўринмасин, кейин чап томонингдаги қўшнингга узат. Демак, сен ҳам ўнг томонингдаги қўшнингдан шундай қоғоз оласан. Қоғозни олгач, ундаги бўш устунга “сенга бу қоғозни берган одам ким?” – деган саволга ўн жавоб ёз. Шундан кейин варақлар олиб борувчи томонидан йиғиб олинади ва аралаштириб юборилади. Қоғозлардаги охириги устунда ёзилган тавсифлар навбатма-навбат ўқилади, гуруҳ эса гап ким тўғрисида бораётганини аниқлаши лозим (бу тавсифни ёзган эса жим туради). Гуруҳ мазкур портретга қанчалик кўшилиши ёки кўшилмаслиги муҳокама қилинади. Варақлар кейин иштирокчиларга қайтарилади ва улар ўзи тўрт устундаги жавобларни қиёслашади. Улардаги ўхшашлик ва тафовутни таҳлил қилишади.

Машқ якунида қуйидаги уй вазифаси берилади: ўз яқинларига ўзининг ўн сифати таклиф қилинади ва уларни ўзига берилган тавсиф билан қиёсланади.

### ***“Сиз кимсиз?” машқи***

Бу машқ қайтма алоқани қабул қилиш сифатида ўтказилади. Ҳар бир иштирокчининг орқасига қалин қоғознинг катта варағи ёпиштирилади. Ўйиннинг ҳар бир иштирокчиси ана шу қоғозга “мен кимман?” деган саволга

бериладиган жавобнинг ҳеч бўлмаса биттасини ёзиши керак. Шундан кейин умумлаштирилган тавсифлар таҳлил қилинади ва гуруҳда муҳокама этилади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

*Бочарова В.Г.* Педагогика социальной работы.— М.: SvR-Аргус, 1994.

*Григорьев СМ., Гусякова Л.Г., Ельчанинов В.А- и др.* Теория и методология социальной работы.— М.: Наука, 1994.

*Доэл М., Щадлоу С.* Практика социальной работы / Пер. с англ. яз. под ред. Б.Ю. Шапиро.— М.: Аспект Пресс, 1995.

*Загвязинский В.И., Григорьев СИ., Филонов Г.И., Буль-фов Б.З., Зайцев М.П.* Общие основы методики социальной работы: Пособие в помощь социальным педагогам и социальным работникам— Набережные Челны: Изд-во ИНПО, 1997.

Исторический опыт социальной работы в России: Учебное пособие / Под ред. Л.В. Бадя — М.: Изд-во ЦСП РАО, 1994.

Конспективный курс технологии социальной работы / Под общ. ред. Зайнышева И.Г.— Калуга: Калужский госпедуни-верситет, 1998.

Методология и технология комплексного социально-педагогического проектирования (региональный уровень): Коллективная монография / Под ред. В.И. Загвязинско-го.— Тюмень: Изд-во ТГУ, 1997.

Основы социальной работы: Учебник / Отв. ред. П.Д. Пав-ленок.— М.: ИНФРА-М, 1997.

Профессиональная деятельность социального работника: содержание и организация.— М.: Изд-во Института молодежи, 1993,— (Библиотечка социального работника).

*Рамзей Р.* Социальная работа: наука-профессия. К развитию концепции // Социальная педагогика и социальная работа за рубежом.— Социальная работа.— Вып.6.— М.. 1991.

Российская педагогическая энциклопедия: В 2 т. / Гл. ред. В.В. Давыдов — М.: Большая Российская энциклопедия, 1993.— 608 с— Т. 1 (А — М).— 1993.

Справочное пособие по социальной работе / Под ред. А.М. Панова, Е.И. Холостовой.— М.: Юристъ, 1997.

Теория и методика социальной работы: в 2 ч. / Под ред. И.Г. Зайнышева.— М.: МГСУ, 1994.

Теория и методика социальной работы: Краткий курс / Под ред. В.И. Жукова — М.: Союз, 1994.

Теория и методика социальной работы / Под ред. П.Д. Пав-ленка.— М.: ГАСБУ, 1993, 1995. Вып.1 — 2.

Теория и практика социальной работы: Отечественный и зарубежный опыт: В 2 т. / Под ред. Яркиной Т.Ф., Бочаровой В.Г.— М." Тула: Изд-во Ассоциации социальных педагогов и социальных работников РФ, 1993.

*Торохтий В.С.* Психология социальной работы с семьей.— М.: Изд-во ЦСП РАО, 1996.

## 8-МАШҒУЛОТ

### ИЖТИМОЙ ИШ ВА СИЁСАТ

---

“Сиёсатда эътикод ва эътикодсизлик ўртасидаги чегара жуда назик”.

Роберт Ж. Самуэльсон

“Озгина шабада эсиши билан ҳолатини ўзгартирадиган флюгерга ўхшаш керак эмас”.

Ж. Лондон

Платон, Аристотель, Бэкон, Гоббс, Макиавелли, XVIII аср француз материалистлари, Фейербах, Кант, Гегел ва бошқа фалсафий мактабларнинг кўплаб вакиллари асарларидаёқ сиёсатга давлатни бошқариш санъати, давлат ишларини юритиш, давлатни мамлакат ичкарисида ва ташқарисида тақдим қилиш деб қаралган эди.

Сиёсат ва сиёсий ҳаётга ахлоқий меъёрлар, фан, дин, маданий ва бошқа анъаналар, урф-одатлар таъсир ўтказади. Сиёсат – давлат ҳокимиятини қўлга киритиш, сақлаб қолиш ва ундан фойдаланиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ бўлган фаолият соҳаси.

Сиёсатнинг марказий субъекти давлатдир. Ҳар қандай жамият умумий функцияларга эҳтиёж сезади, уларсиз яшай олмайди. Одамлар шу мақсадда жамиятнинг ичкарисида меҳнат тақсимотининг янги соҳасини, ҳокимият ва бошқарув органларини ташкил қиладилар ва улар ўзига хос манфаатлар орттириб ўзларига ваколат берганларга нисбатан мустақил бўлиб оладилар. Давлат институти шу йўл билан пайдо бўлади. Давлатнинг узвий атрибути ташкилий куч бўлиб, унга ўзининг иродасини рўёбга чиқариш, жамиятда яшаётган одамларнинг хулқ-атвориغا бирор восита: обрў, ҳуқуқ, зўравонлик ёрдамида ҳал қилувчи таъсир ўтказиш имконини беради.



Ҳокимият – кишилиқ жамиятининг зарурий элементи бўлиб, унга бутунлик, бошқарилувчанлик, ташкилийлик ва тартиб бахш этади.

Сиёсат ўзининг тузилмасига кўра, ички ва ташқи сиёсатга бўлинади. Давлат ички сиёсатининг асосий мазмунини мазкур жамиятдаги ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг мавжуд давлат ҳокимиятига муносабати; жамиятдаги ижтимоий гуруҳларнинг узоқ муддатли, барқарор манфаатлари, уларнинг ўзаро муносабатлари ва бошқалар ташкил этади.

Давлатнинг ташқи сиёсатига нисбий мустақиллик хос бўлиб, у халқаро майдонда ижтимоий, миллий ва давлат манфаатларининг намоён бўлишидаги ўзига хослик билан боғлиқ. Ташқи сиёсат муваффақиятининг зарурий шарти давлатнинг халқаро обрўси, унинг халқаро ҳаётдаги етакчи тамойиллар ва жараёнларга таъсир ўтказиш даражаси ҳисобланади. Ўз навбатида ички сиёсат соҳасидаги муваффақиятлар давлатнинг ташқи сиёсатида ҳам ўз ифодасини топади. Унинг халқаро майдондаги кучи, обрўси ва оммавийлигини ўстиради.

Ижтимоий сиёсат давлат ички сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, унинг ижтимоий дастурлари ва амалиётида ўз ифодасини топади ва жамиятдаги муносабатларни аҳоли асосий ижтимоий гуруҳлари манфаатлари йўлида ва шу манфаатлар орқали тартибга солади. Ижтимоий сиёсат келиб чиқишига кўра, барча ижтимоий вазифаларни ҳал қилишнинг белгиловчи моддий асоси бўлган ва бўлиб келаётган иқтисодиётга нисбатан иккиламчидир. Ҳар қандай ижтимоий дастурлар агар улар иқтисодий жиҳатдан таъминланган бўлмаса, улар ҳеч нарсага арзимади. Бироқ, иқтисодиёт ва сиёсатнинг муносабатларини давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсати орасидаги муносабатларга тенглаштириб бўлмайди. Бу ўринда сиёсатнинг ҳар икки тури ўртасидаги ўзаро таъсир алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Унда гоҳ бири, гоҳ иккинчиси етакчилик қилади.

Кишиларнинг эҳтиёжларига ҳар қандай эътиборсизлик, меҳнат, маиший турмуш, ҳордиқнинг ижтимоий жиҳатларига эътиборнинг пасайиши,

одамларнинг қонуний манфаатларини ҳар қандай чеклашлар охир-оқибат ижтимоий адолат тамойилига зид бўлиб, ишлаб чиқаришнинг пасайиши ва жамият ёки минтақада ижтимоий тарангликнинг кескинлашувига олиб келади.

Ҳозирги босқичда ижтимоий сиёсатнинг бош вазифаларидан бири – аҳолини иқтисодиётдаги бозор муносабатларининг салбий оқибатлари таъсиридан ижтимоий ҳимоялаш. Бу аҳоли пул даромадлари ва товар захиралари ўртасидаги мувозанатни сақлаб туришни; фуқароларнинг яшаш шароитларини яхшилаш учун қулай имкониятлар яратишни; аҳоли учун хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, унинг товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар сифатига бўлган талабини қондиришни; аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг моддий базасини кенгайтириш, унинг маълумот ва маданий даражаси ўсишини назарда тутати.

Давлат сиёсатида жамиятдаги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ҳодиса ва фактларнинг, шахс ва жамият ўзаро муносабатларининг, шунингдек, шахслараро муносабатларнинг баҳоси ҳисобланадиган ва шахснинг, гуруҳнинг жамиятдаги роли ва ижтимоий мавқеи орасидаги, фаолият ва унинг муқофоти, меҳнат ва ҳақ, жиноят ва жазо, одамларнинг хизмати ва уларнинг ижтимоий эътироф этилиши ўртасидаги муносабатликни ифодаладиган ижтимоий адолатни таъминлаш муҳим ўрин тутати. Улар ўртасидаги ҳар қандай номунаносиблик адолатсизлик сифатида баҳоланади.

Ижтимоий адолат жойлардаги ижтимоий иш тизими ёрдамида аниқлаштирилиши ва тўлдирилиши лозим. Шундай қилиб, сиёсат ва ижтимоий иш ўзаро боғлиқдир. Ижтимоий иш ижтимоий сиёсатнинг намоён бўлиш усули, шаклидир. Бошқа томондан эса ижтимоий сиёсат ижтимоий ишда рўёбга чиқади. Бироқ, ижтимоий сиёсат ва ижтимоий ишнинг бирлиги уларнинг айнанлигини англатмайди. Ижтимоий иш ўз мазмунига кўра, ижтимоий сиёсатга нисбатан бойроқ, тадрижийроқ, ҳаракатчанроқдир, айти

пайтда, ижтимоий сиёсат ижтимоий ишга нисбатан ҳал қилувчи асос бўлиш билан бирга кўпроқ барқарорликка эга.

Ижтимоий сиёсат – давлат, тижорий тузилмалар ва ноҳукумат жамоат бирлашмаларининг аҳоли зарурий эҳтиёжларини қондириш бўйича амалга ошираётган тадбирларининг мақсадга йўналтирилган тизими.

Давлат сектори ижтимоий сиёсатининг энг муҳим вазифаси куйидагилар орқали ижтимоий ҳаётдаги мувозанатнинг муайян даражасига эришиш: а) табиий офатлар, очарчилик, касалликлар, глобал жараёнларнинг максимал салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича давлат кафолатларини бериш; б) моддий бойликларни қайта тақсимлаш, мамлакатда эришилган турмуш даражасини солиқлар, ҳомийлик ишларини ривожлантириш, тадбиркорликни репрессив воситалар билан биргаликда қўшиб таъминлашга йўналтирилган ташкилий ҳаракатларни мувофиқлаштириш.

Ижтимоий сиёсат жамиятнинг жорий ва истиқболдаги манфаатлари, турли қатламлар, ижтимоий институтлар манфаатлари ўртасидаги зиддиятларни ҳал қилиш, жамиятнинг ижтимоий тараққиёт учун зарурий “тўлайдиган ҳақи”ни пасайтириш ва коррекция қилишга йўналтирилган. Шу муносабат билан ижтимоий сиёсат фаровонликни ривожлантириш, аҳоли турли қатламларини қўллаб-қувватлаш миқёсларидаги устуворликларни белгилашга бевосита алоқадор.

Одатда, ижтимоий сиёсат ижтимоий ишнинг турли шакллари, давлатнинг бир марталик йирик қарорлари ва тадбирлари, шунингдек, ижтимоий (махсус ва комплекс) дастурлари орқали амалга оширилади.

Оқилона ижтимоий сиёсат инсоннинг, демократик жамият фуқаросининг эркин ривожланиши ва шаънига мос турмуш даражасини таъминлайдиган шароитларни туғдиришга қаратилган бўлади. Инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланади. Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини сақлаш, эътироф этиш ва ҳимоя қилиш давлатнинг энг муҳим мажбурияти ҳисобланади.

Ижтимоий сиёсат амалга оширилишида махсус мурватлар мавжуд бўлиб, улар жумласига ижтимоий хизмат кўрсатиш, ижтимоий хизматлар, ижтимоий реабилитация, ижтимоий муҳофаза, ижтимоий ёрдам ва ўзига-ўзи ёрдам кўрсатишлар киради.

Ижтимоий хизмат кўрсатиш - оғир турмуш вазиятига (инсон томонидан шахсан ўзи учун қийин шароит сифатида идрок қилинадиган ёки унинг меъёрий ҳаёт фаолиятини объектив тарзда бузадиган: ногиронлик, ўзига хизмат кўрсатишга лаёқатсизлик, етимлик, қаровсизлик, кам таъминланганлик, низолар ва оиладаги шафқатсиз муносабат, ёлғизлик ва бошқалар) тушиб қолган фуқаролар ва оилаларни ижтимоий-иқтисодий кўллаб-қувватлаш, ижтимоий-маиший, тиббий-ижтимоий, психологик, ҳуқуқий хизматлар кўрсатиш, ижтимоий мослаштириш ва реабилитация қилишга йўналтирилган фаолият. Ижтимоий хизмат кўрсатиш тегишли ижтимоий хизматлар (давлат, муниципал, хусусий ва бошқалар) орқали миждознинг, унинг ҳомийси, восийси ёки бошқа қонуний вакили мурожаати орқали пулли ёки бепул амалга оширилади.

Ижтимоий хизмат кўрсатиш турлари:

моддий ёрдам: пул маблағлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар, санитария ва гигиена воситалари, болаларга қараш предметлари, кийим-кечак, пойафзал, кундалик зарурий предметлар; ногиронликнинг олдини олиш, ногиронлар ва ташқаридан қаровга муҳтож шахсларни реабилитация қилиш учун зарур бўлган махсус нақлиёт ва техника воситалари;

доимий ностационар хизмат кўрсатишга муҳтож бўлган фуқаролар ва оилаларга ижтимоий восийлик: ижтимоий-маиший хизматлар кўринишидаги ёрдам, тиббий ёки бошқа кўмак олишга ёрдамлашиш, болаларга қараш бўйича хизмат кўрсатиш;

ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш лаёқатини қисман ёки тўлалигича йўқотган ва ўзгаларнинг доимий қаровига муҳтож кишиларга стационар

хизмат: ҳаёт фаолияти учун зарурий шароитларни яратиш, тиббий, психологик, ижтимоий характердаги тадбирлар ўтказиш, озиқ-овқат, қаров билан таъминлаш, имконияти даражасида меҳнат фаолияти, дам олиш, ҳордиқни ташкил этиш;

турар жойи ва аниқ машғулоти бўлмаган фуқароларга, шундай ёрдамга муҳтож бўлган қаровсиз болалар ва ўсмирларга вақтинча бошпана бериш;

ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш ва фаол ҳаракатланиш лаёқатини сақлаб қолган фуқароларнинг; оғир ҳаёт шароитига тушиб қолганларнинг кундузги стационарларда бўлишини ташкил этиш;

фуқаролар ва оилаларга ҳаёт фаолиятларини ижтимоий-иқтисодий ва тиббий-ижтимоий жиҳатдан таъминлашда, психологик-педагогик ёрдам, ҳуқуқий муҳофазада маслаҳатлар билан ёрдам бериш;

реабилитация хизматлари: ногирон фуқароларнинг касбий, ижтимоий, руҳий реабилитациясига кўмаклашиш; балоғатга етмаганлар ва ҳулқ-атвори жамият учун хавфли бўлган фуқаролар билан реабилитация ишлари олиб бориш.

Ижтимоий хизматлар - ижтимоий хизмат мижозларига ижтимоий хизмат кўрсатиш турларига мос равишда ёрдам кўрсатиш бўйича ҳатти-ҳаракатлар. Хизматлар пулли ёки бепул бўлиши мумкин. Бепул хизматлар куйидагиларга кўрсатилади:

ёши, ҳасталиги, ногиронлиги туфайли ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш лаёқати бўлмаган фуқароларга ва даромадлари тўрт минимал иш ҳақидан паст бўлган шахсларга;

ишсизлик, табиий офатлар, фалокатлар, авариялар, мажбурий миграциялар туфайли фавқулодда ҳаёт вазиятига тушиб қолган фуқароларга;

балоғатга етмаган етим ва қаровсиз болаларга;

ҳар бир аъзосига олинадиган ўртача даромад тўрт минимал иш ҳақидан паст бўлган оилаларга.

РФ субъектлари давлат ҳокимияти ва ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан бепул хизмат кўрсатиш учун қўшимча асослар белгиланиши мумкин. Давлат ва муниципал ижтимоий хизматларида пулли ижтимоий хизмат кўрсатиш қонунчилик томонидан белгиланган тартибда, хусусий ва бошқа хизматларда мустақил ёки ўзаро келишилган асосда кўрсатилади.

Ижтимоий реабилитация - ижтимоий ролларни бажаришга ахлоқий-руҳий мослаштиришни оптималлаштиришга, жисмоний камчиликларга эга бўлган (ногирон) одамларни ишга жойлашга; жисмоний, руҳий ва ижтимоий функцияларни, одамнинг шахсий ва ижтимоий-меҳнат мавқеини тиклаш, коррекция ёки компенсация қилишга йўналтирилган тадбирлар (ташкилий-меҳнат, ўқув, тиббий-психологик, ижтимоий-педагогик ва бошқалар) тизимидир.

Ижтимоий ҳимоя одамнинг ҳаёти ва фаол мавжудлиги эҳтиёжларини қондириш, ҳаёт шароитининг минимал даражасини кафолатлашга қаратилган тадбирлар ва муассасалар тизими. Ижтимоий ҳимоя ҳар бир одамга унинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун, шу жумладан, меъерий турмуш кечириш учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларни рўёбга чиқариш учун реал имкониятларга яратишга йўналтирилган ижтимоий ва ҳуқуқий кафолатлар йиғиндисига асосланади. Аҳолининг энг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялаш давлат тузилмалари, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмаларининг ижтимоий-сиёсий фаолиятида амалга оширилади. Ижтимоий ҳимоя иш куни давомийлигини қисқартириш, иш ҳақи, пенсия, нафақа, турли ижтимоий тўловлар ҳажмини ошириш, турли йўналишдаги ижтимоий ва психологик хизматларни ташкил қилиш, имтиёзли хизматлар кўрсатиш ва бошқалар билан боғлиқ. Ижтимоий ҳимоянинг йўқлиги ёки заифлиги ижтимоий тарангликнинг ўсишига, эртанги кунга бўлган ишончнинг йўқолишига, норозиликларга, агрессивликка олиб келади.

Ижтимоий ёрдам (қўллаб-қувватлаш) ҳаётининг зарур бўлган муҳим эҳтиёжлари ва фаол турмуш кечириш эҳтиёжини қондиришга муҳтожлик

сезаётган кам таъминланган ижтимоий гуруҳлар, оилалар, алоҳида шахсларнинг қониқарли турмуш шароитларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий ҳимоя шакллари билан бири. Ижтимоий ёрдам турли шаклларда: пул тўловлари, натура кўринишида, хизматлар ва имтиёзлар шаклида муҳтожларга давлат томонидан кафолатланган ва муниципал ва маҳаллий органлари, корхоналар, ташкилотлар, хайрия жамғармалари, хусусий шахсларнинг бадаллари ва бошқалар ҳисобига амалга ошириладиган ижтимоий ҳимоя шаклларига қўшимча тарзда кўрсатилади. Ижтимоий ёрдам кўрсатишда бошқа тамойиллар билан бир қаторда адреслилик ва устуворлик тамойили ҳам муҳим рол ўйнайди.

Ижтимоий ўзига-ўзи ёрдам кўрсатиш – ўзининг турмуш кечириши учун тегишли шарт-шароитни таъминлаш мақсадида алоҳида индивид ёки муайян ижтимоий гуруҳ томонидан қўлланадиган ижтимоий, ижтимоий-психологик ва ижтимоий-педагогик воситалар йиғиндиси.

Изоҳ: Мазкур машғулотнинг мазмуни “Теория и методика социальной работы: Краткий курс / Под ред. В.И.Жукова. – М.: Союз, 1994.” Китобининг тегишли боби мазмунига асосланиб баён этилди..

---

## **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

“Ижтимоий сиёсат” тушунчасига таъриф беринг.

Ижтимоий сиёсатнинг асосий мазмуни нимадан иборат?

Давлат ижтимоий сиёсатининг вазифалари қайсилар?

Ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг қандай мурватларини биласиз?

Ижтимоий сиёсат ва ижтимоий иш алоқадорлигини қандай тасаввур қиласиз?

Ижтимоий иш инсон ва жамиятнинг қайси ижтимоий муаммоларини ҳал қилади?

Ижтимоий хизматчи ва юрист (адвокат) нинг функцияларини қиёсланг (улар ўртасидаги умумийлик ва тафовутларни топинг).

---

## **Вазият**

Мазкур оила давлат ижтимоий ҳимоя тизими томонидан расмий ёрдам олиши мумкинми? Шу оила билан олиб бориладиган иш режасини тузинг.

“Мен жуда оғир аҳволга тушиб қолдим ва ундан қандай қилиб чиқишни билмайман. Кучларим тугади, рухий тушкунликка тушдим ва аянчли аҳволдаман. Ёлғиз ўзим уч болани тарбиялайман, бунинг уддасидан чиқишим ҳам мумкин эди. Бир йил аввал уйимиз ёниб кетди ва ҳозиргача уйсизмиз. Район маъмурияти масаламизни ҳал қила олмаяпти. Ҳозир қариндошларимизникида ижарада турибмиз. Улар бизнинг бошқа турар жой топишимизни сўрашяпти. Ижарага уй олиш имконимиз йўқ, сотиб олишга эса аллақачон кучимиз етмайди. Борадиган жойимиз йўқ. Мен чексиз дарбадарлик ва ҳақоратланишлардан чарчаб кетдим. Бирор киши бизга ёрдам бера олармикан ёки бирор киши қандай яшашимиз мумкинлиги тўғрисида масалаҳат берармикан?”

---

## **Амалий топшириқлар**

Ижтимоий-педагогик амалиёт объектларига:

қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимияти органларига;



оилаларни, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш муассасаларига;

*соғлиқни сақлаш муассасаларига;*

*таълим муассасаларига бориш.*

Кутубхонада ишлаш (“Бизнинг минтақамизда (шаҳар, туман, кўрғончада) олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг ўзига хос хусусиятлари” мавзусида ахборот тайёрлаш).

*Суд ишени кузатиш.*

**М а қ с а д:** судлов тизими тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш; суд хизматчиларининг турли функциялари билан, суд жараёни ёки ишени тергов қилиш билан танишиш, ҳукм чиқарилган ёки назорат остидаги шахсларнинг реакциясини кузатиш.

Ижтимоий хизматчиларнинг кўпчилигига судларда ўзининг хизмат вазибалари доирасида гувоҳлик беришга тўғри келади. Ўқувчиларга суд жараёнини кузатиш учун қуйи суд инстанциясига бориш таклиф қилинади.

---

## **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

### ***“Икки тамаддун учрашуви” машқи***

Мазкур ўйин бўлғуси ижтимоий педагоглар ва ижтимоий хизматчиларнинг сиёсатда инсонпарварлик тамойилларининг афзаллигини тушуниб олишлари учун муҳим. Гуруҳ икки командага бўлинади (бўлиш усуллари турлича бўлиши мумкин). Қуръа ташлаш йўли билан қайси команда аъзолари ерликлар, қайсиниси ўзга сайёраликлар бўлиши аниқланади.

Ердан юборилган космик экспедиция ҳеч ким яшамайдиган сайёрани аниқлади. Унинг қаърида турли-туман фойдали қазилмалар ва хом-ашёнинг стратегик жиҳатдан муҳим турлари тўлиб-тошиб ётарди. Бироқ, ерликлар

билан бир пайтда ушбу сайёрага унинг табиий захиралари билан қизиқиб қолган юқори даражада ривожланган ўзга тамаддун вакиллари ҳам келиб қўнишди. Бир-бирларини пайқагандан кейин ерликлар ҳам, ўзга сайёраликлар ҳам ўзларининг космик кемаларига беркиниб олишди, нейтрон қуроллари ва қўл бластерларини жанговар ҳолатга келтиришди. Бу сайёра ҳар икки тамаддун учун ҳам жуда зарур. Афтидан қуролли тўқнашувни четлаб ўтишнинг иложи йўқ. Энди гап ким биринчи бошлаши, яъни ҳарбий низони бошлаш масъулияти кимнинг гарданига тушишида қолди. Оғир кутиш бошланди.

Айни пайтда, тинч сулҳ тузиш имконияти ҳам мавжуд. Бироқ, кемалар ўртасида алоқа йўқ ва ўз таклифларини баён қилиш учун кемани ташлаб ташқарига чиқиш ва ўз таклифларини олиб борувчи ёки унинг ассистенти ёрдамида узатиш зарур. Ташқарига чиқиш – хатарли: рақиблар худди шундай йўл тутмасдан мухолифларини йўқ қилишлари мумкин. Бу ўйинда сиз ўн юриш ёрдамида нима қилиш лозимлиги тўғрисида қарорга келишингиз лозим. Командаларнинг танловига қараб турли вазиятлар вужудга келиши мумкин, бу вазиятларга баллар ёрдамида берилган баҳо жадвалда келтирилган.

Ерликлар	Ўзга сайёраликлар	Ерликлар	Ўзга сайёраликлар
ўт очиш	ўт очиш	-3	-3
ташқарига чиқиш	ташқарига чиқиш	+3	+3
ўт очиш	ташқарига чиқиш	+5	-5
ташқарига чиқиш	ўт очиш	-5	+5

Жадвалнинг маъноси анча тушунарли: агар ҳар икки команда ҳарбий ҳаракатларни бошласа, уч баллдан йўқотишади; командалардан бири музокара юритиш учун кемадан чиқса, рақиблар эса ўт очиб уларни йўқ қилса, ҳалок бўлганлар беш баллдан айрилади, парламентёрларга ўт очган мерган ўқчилар эса беш баллга эга бўлади; агар ҳар икки тамаддун вакиллари музокаралар йўлини синаб кўрмоқчи бўлишса, унда ҳар иккиси уч баллдан

олади. Яхшиси, командаларни турли хоналарга жойлаштириш. Ҳар бир юриш учун ажратиладиган беш дақиқа давомида командалар қарор қабул қилиши лозим. Агар шу муҳлат давомида команда қарор қабул қила олмаса, унга уч балл жарима солинади. Истаганча овоз бериш мумкин, лекин якуний овоз беришда “қарши” овоз берганлар бўлса, улардан ҳар бири бир баллдан жарима олади. Команданинг қарорини рақибларга олиб борувчи ёки унинг ассистенти беради.

Ўн юришдан кейин ким энг кўп балл тўплаган бўлса, ўша ютган ҳисобланади.

Ўйинчиларнинг мулоҳаза юритиши ва улар танлаган стратегиялар олиб борувчи учун ўнинчи юришдан кейин, ўйинчилар ўзлари якуний баланс чиқарган бланklarини топширганда аён бўлади. Бу ўйиннинг муҳокамаси фавқулудда муҳим аҳамиятга эга, айниқса ҳеч ким ютмагани маълум бўлиб қолса (бундай ҳолат бемалол вужудга келиши мумкин). Бундай вазият жуда ибратли: оз балл тўпланиши ўйинчилар томонидан танланган стратегиянинг хато экани тўғрисида аниқ гувоҳлик беради. Агар командалар бир-бирини алдаш ва уруш йўлини эмас, балки ўзаро ишонч ва оққўнгиллиликка асосланган ўзаро таъсир йўлини танласа, олиб борувчи уларга ўзларининг мунозарадаги асосий фикрларини баён қилишлари учун албатта имкон яратиши лозим.

Муҳокама натижасида қатнашчилар анчагина содда бўлган ҳақиқат: менинг ютуғим – албатта кимнингдир мағлубияти бўладиган бир-бирига қарши ўйиндан ташқари, биргаликда ютиш мумкин бўлган ўйинлар ҳам бор. Айниқса сиёсатда.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

*Битинас Б.П.* Краткий словарь терминов по социальной работе (США) // Социальная педагогика и социальная работа за рубежом.— Вып.1.— М., 1991.

*Бочарова В.Г.* Педагогика социальной работы.— М.: SvR-Аргус, 1994.

*Григорьев СИ., Гусякова Л.Г., Ельчанинов В.А. и др.* Теория и методология социальной работы.— М.: Наука, 1994.

Основы социальной работы: Учебник / Отв. ред. П.Д. Павленок.— М.: ИНФРА-М, 1997.

*Рамзей Р.* Социальная работа: наука-профессия: К развитию концепции // Социальная педагогика и социальная работа за рубежом.— Социальная работа.— Вып.б.— М., 1991.

Современная западная социология: Словарь.— М.: Политиздат, 1990.

Социальная педагогика: Теория, методика, опыт исследования.— Свердловск: Изд-во Уральск, ун-та, 1989.

Справочное пособие по социальной работе / Под ред. А.М.Панова, Е.И. Холостовой.— М.: Юристъ, 1997.

Теория и методика социальной работы: В- 2 ч. / Под ред. И.Г. Зайнышева.— М.: МГСУ, 1994.

Теория и методика социальной работы: Краткий курс / Под ред. В.И. Жукова — М.: Союз, 1994.

Теория и методика социальной работы / Под ред. П.Д. Павленка.— М.: ГАСБУ, 1993, 1995. Вып.1 — 2.

Энциклопедия социальной работы: В 3 т. / Пер. с англ.— М.: Центр общечеловеческих ценностей, 1993.— 1994.

## 9-МАШҒУЛОТ

### ИЖТИМОЙ ИШ ВА ДИН

---

“Хайр-эхсоннинг онаси диндир”.

Э. Эндрюсс

“Эй худо, ўзим ўзгартира олмайдиган нарсани шундайлигича қабул қилиш учун руҳий осойишталик, ўзгартиришим мумкин бўлган нарсани ўзгартириш учун мардлик, бир нарсани иккинчисидан ажратишим учун донолик ато қил”.

Дуо

Ижтимоий ишни ижтимоий адолатсизликка нисбатан жавоб сифатида қабул қилиш анъанаси бор. Бироқ, бу ишнинг илдизлари турли халқларнинг узоқ тарихига, одамлар бошқа одамларнинг тақдири учун ахлоқий мажбурият олган даврларга бориб тақалади. Ижтимоий иш анъаналарининг дунё динларидаги тарихий илдизларини осонгина топиш мумкин: яхудийларда - “тседака”, христианларда - “хайрия”, “закот” эса ислом динининг беш арконидан биридир.

Диннинг (И.Н.Яблоковга кўра) дунёқараш, компенсатор, коммуникатив, регулятив, маданий трансляция ва бошқа функциялари кўрсатилади. Улардан баъзилари амалий ижтимоий ёки касбий фаолият ҳисобланадиган ижтимоий ишнинг мақсадларига мос келади. Бошқаларини эса ижтимоий иш жараёнида ҳисобга олиш зарур.

Дин ўзининг дунёқарашлик функциясини аввало ўзидаги инсонга, жамиятга, табиатга нисбатан мавжуд қарашлари орқали амалга оширади. Дин дунёни тушуниш (дунёни умуман ва ундаги алоҳида ҳодисалар ва жараёнларни) тушунтириш, дунёни ҳиссий қабуллаш (дунёни сезгилар ва

идрокда акс эттириш), дунёни ҳис қилиш (эмоционал қабул қилиш ёки рад қилиш), дунёга муносабат (баҳолаш) ва ҳ.к. Мавжудликка мазмун бағишлаш динга ишонувчилар учун ҳеч бўлмаса тасаввурларида чекланганлик доирасидан чиқиш, ёрқин келажакка, фаровонликка эришиш, азоб-укубат, бахтсизликлар, ёлғизлик, ахлоқсизликдан қутулишга умид бахш этади.

Дин компенсатор функцияни бажарар экан, одамларнинг тасаввурлари, онгини қайта қуришдаги, шунингдек, мавжудликнинг объектив шароитларини ўзгартиришдаги чекланганлиги, ожизлигини тўлдириб туради. Реал мазлумлик “руҳдаги эркинлик” томонидан енгиледи, ижтимоий тенгсизлик айбдорлик, азоб-укубатдаги “тенглик”ка айланади; черковнинг хайр-саховати, меҳрибонлиги, даромадларни қайта тақсимлаши кашшоқларнинг қийинчиликларини енгиллаштиради; бўлинганлик ва ихоталанганлик жамоадаги ва “худо олдидаги биродарлик” билан алмашади; бир-бирларига бефарқ бўлган индивидларнинг шахсиятсиз, моддий муносабатлари худо билан шахсий мулоқот ва диний жамоадаги мулоқотлар билан қопланади. Компенсациянинг руҳий жихати – стресслар олдини олиш, таскин, руҳий лаззат бериш ва бошқалар муҳим аҳамиятга эга.

Дин мулоқотни таъминлар экан, коммуникатив функцияни бажаради. Мулоқот диний ва нодиний фаолиятларда, жумладан, ахборот алмашиш, ўзаро таъсир қилиш, инсоннинг инсон томонидан идрок қилиниши жараёнларида вужудга келади. Диний онг икки аснодаги: 1) диндорларнинг бир-бирлари билан; 2) диндорларнинг илоҳий мавжудотлар (худо, фаришталар, ўлганларнинг руҳлари, азиз-авлиёлар ва ҳ.к.) билан, яъни инсонларнинг ўзаро мулоқотлари - литургия, ибодат, медитация кабиларда идеал медиатр вазифасини ўтовчилар билан мулоқотни тақдим қилади.

Регулятив функция муайян ғоялар, қадриятлар, установакалар, стереотиплар, фикрлар, анъаналар, урф-одатлар ёрдамида фаолиятлар ва муносабатлар, индивид, гуруҳ ва жамоа хулқ-атворини бошқаришдан иборат. Айниқса, меъёрлар тизими (диний ҳуқуқ, ахлоқ ва ҳ.к.), ибрат (тақлид қилиш

учун кўплаб намуналарнинг мавжудлиги), назорат (қоидаларнинг бажарилишини текшириш), рағбатлантириш ва жазолаш (реал ва ваъдадаги фаровонлик) муҳим рол ўйнайди.

Диннинг маданий трансляция функцияси шундан иборатки, дин ўзи маданиятнинг таркибий қисми бўлиши билан бирга унинг муайян катламлари бўлган ёзув, матбаачилик, санъатни баъзи динлар қабул қилган, баъзилари эса рад этган. Диний кадриятларнинг муҳофаза этилиши ва ривожланиши, жамланган мероснинг бир авлоддан иккинчисига ўтиши таъминланган.

Диний анъаналар, бир томондан, юқори баҳо бериш орқали ўзига бино қўйишни чекласа, иккинчи томондан, шахснинг “идеал”ини таклиф қиладики, оддий фуқаролар унга ета олмайдилар, бироқ яқинлашишлари мумкин.

Турли диний таълимотларни таҳлил қилиш жуда фойдалидир, чунки ижтимоий фаолият тури сифатидаги ижтимоий ишнинг илдизлари диний саховат ва диний ахлоққа бориб тақалади. Нариги дунёдаги жаннат лаззатлари фақат ҳалол, тақводор кишиларга, охиратдаги умрбоқийлик эса фақатгина ердаги ҳаётни у ёки бу (конфессия) дин ақидаларига риоя қилиб кечирганларга ваъда қилинган. Яқинларга ёрдам қилиш барча динларда савоб иш ҳисобланиб бу хайрия ишларнинг дин томонидан бошқарилмайдиган норасмий, бироқ жамоатчилик фикри томонидан рағбатлантириладиган ижтимоий иш сифатида вужудга келиши ва ривожланишига кўмак берган. Ибодатхона ва монастирлар хайрия ишлар марказига айланиб, уларнинг фаолияти ҳатто ҳозирги кун нуқтаи назаридан ҳам жуда кенг кўламли бўлган. Ибодатхоналар ўз қавмлари орқали етим-есирлар, қариялар ва ногиронларнинг бошини силаган, бечораҳол одамларга кийим-кечак ва озиқ-овқат тарқатган, баъзан бутун бошлик қишлоқларни очарчиликдан қутқарган, одамларни даволаган, ўқитган, кўнгилдаги яраларга малҳам бўлган.

Дунёвий жамоатчилик ижтимоий ишни ташкил қилишни, унинг мазмуни ва шакллари черковдан ўрганди. Ҳозирги кунда ҳам диний ташкилотлар ўзларининг ижтимоий ишга бўлган таъсирларини йўқотганлари йўқ. Бундан ташқари аҳолининг алоҳида гуруҳлари: болалар, ёшлар, олий ўқув юртлари талабалари, ногиронлар, ҳарбий хизматчилар, маъжусий халқлар ва бошқалар билан ижтимоий иш олиб бориш устувор йўналиш ҳисобланади. Алоҳида конфессиялар ижтимоий соҳа хизматчиларини тайёрлаш бўйича ўзларининг ўқув юртларига эга ва бу ўқув юртларида таълим турли фан соҳалари бўйича энг янги ютуқларга таяниб ташкил этилади. Масалан, Варшавадаги христианлик тарбияси Салезиа институти дунёвий ташкилотларда ишлайдиган ижтимоий педагоглари куйидаги уч йўналиш бўйича тайёрлайди: дезадаптациялашган болалар ва ўсмирлар билан ишловчи мутахассислар, оила ижтимоий педагоглари, ногирон болалар билан ишловчи хизматчилар. Фин протестант черкови эса Финляндия болалари ва қизлари учун христиан уюшмаси (Christian Association for Boys and Girls in Finland - РТК) фаолиятини қўллаб-қувватлаб туради. Унга черковлардан бинолар ажратиш, болаларнинг ёзги лагерларини ташкил қилишда кўмаклашиб молиявий ёрдам кўрсатади.

Ижтимоий ишнинг икки йўналиши-диний ва дунёвий йўналишлар ҳамкорлиги энг илғор ва самарадор технологияларни ишлаб чиқиш ва ҳаракатларни бирлаштириш учун жуда зарур.

---

## **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Динлар ижтимоий иш бўйича қандай функцияларни бажаради?

Сизнинг фикрингизча, ҳозирги замон Россия оилаларида диний анъаналар сақланиб қолганми? Ижтимоий ишда уларни тарғиб қилиш зарурми?



Ижтимоий соҳа хизматчиси ва руҳонийнинг функцияларини қиёслаб кўринг.

---

## **Вазият**

*Сектантлар гуруҳларининг пайдо бўлиши ва фаолият юритиши учун қайси ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тўсиқлик қилади? Ёшлар орасида сектантликнинг тарқалишини профилактика қилиш учун қайси чоралар энг самарали деб ҳисоблайсиз? Сиз яшаётган ҳудудда сектантликнинг намоён бўлиш ҳоллари юз берганми? Қуйида баён этиладиган ҳолатда ижтимоий педагог қандай ишларни амалга ошириши зарур?*

К.Максим болалигидан мистикага берилган бўлиб, сатанистлар сектасига киришни орзу қиларди. Бироқ, у бу шайтонлар ташкилотига фақат қотиллик қилгандан кейингина кириши мумкин эди. У то хотини Ирина қурбонни белгилаб бермагунча бундай ёвузликка журъат этмади. Хотини ўзининг собиқ хуштори, яқиндагина 33 ёшга тўлган А. Юрийни ўлимга ҳукм қилди. Сатанист аёл бу бечорани алдаб ҳовуз яқинига олиб келди, у ерда эса уларни Сатан лақабли Максим кутиб турарди. Шайтон бандалари бечорани ароқ ва спиртга тўйдиришди, унинг ухлаб қолишини кутишди ва ўзларининг қонли маросимларини бошлашди. Улар эгнига қора халат кийиб, бошларига капюшон ёпишди ва махсус тайёрланган пичоқларни чиқаришди. Қурбоннинг билаклари ва бошини инс-жинс белгилари билан безалган тасма билан боғладилар. Тайёргарликларни тугатгач, Сатан ўзининг шогирди билан кўлларига пичоқларни олдилар ва А.Юрийнинг кўкрагига бир неча марта санчдилар. Жасадни ёвузлар ҳовуз ёнидаги ботқоққа ташладилар, уларнинг наздида бу ботқоқлик жаҳаннамнинг даҳлизи эди.

Маросим тугаши билан Максим қилган ишларига тавба қилди. У роҳибликни қабул қилди ва Ярослав областидаги ибодатхоналардан бирида яшай бошлади. Милиция хизматчилари ўша ерда уни қўлга олдилар.

---

## **Амалий топширик**

Ибодатхонага бориш.

Архитектура музейи ва монастирға экскурсия.

---

## **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

### *“Даҳшатомуз суд” машқи*

Бу номни биз ўйинга “Даҳшатли суд” иборасини бироз ўзгартириброк олдик. Жаҳаннамнинг баъзи бир белгиларидан ўйинда фойдаланилса ҳам, даҳшатли жаҳаннам манзарасини бироз юмшатиш ва унга юмористик кўриниш беришга ҳаракат қилдик. Умуман олганда, суд мавзуси машғулотларда жуда яхши самара беради, чунки у иштирокчиларга оддий баҳо бермаслик талабига қараганда кенгроқ доирада қайтма алоқа олиш имконини яратади. Бу “баҳо бермасликдан” бироз чекиниш бўлса ҳам қизиқарли ўйин сифатида ўтгани учун иштирокчилар томонидан яхши қабул қилинади. “Даҳшатлироқ суд” ўйинини бирнеча хил вариантларда ўтказиш мумкин.

Гуруҳ “Қора Прокурор”, “Оқ Адвокат”, “Адолатли Ҳакам” ролларини ижро этиш учун ўз иштирокчилари орасидан обрўлироқларини танлаб олади. Айнан шулар ҳар бир кишининг ютуқ ва камчиликлари, кучли ва кучсиз томонлари тўғрисида сўз юритишади. Гуруҳнинг бошқа аъзолари (фақат ихтиёрий тарзда) баҳоланиш ва судланиш учун “етиб келган руҳларга” айланадилар (бизнингча, “етиб келган руҳ” ибораси “ўлганларнинг руҳи”

иборасидан кўра ҳар ҳолда афзалроқдир). “Қора Прокурор”нинг вазифаси “Ўзининг қозонига” имкон борича кўпроқ одамларни солиш, “Оқ Адвокат”нинг вазифаси эса - аҳолига жаннат боғларини таъминлаш. Уларнинг далиллари қанчалик асосли экани “Адолатли Ҳакам” қарор қабул қилиши учун асос бўлади.

Ижтимоий иш учун зарур бўлган кўникма ва сифатларга алоҳида эътибор берилади. Гуруҳнинг ҳар бир аъзосидан фақатгина салбий томонларни қидириши керак бўлган, гуруҳнинг бошқа аъзоларидан фақат иллат излаши керак бўлган “Қора Прокурор” ролини ўйнаётган ижрочининг қисматини бироз енгиллатиш учун ҳар бир янги “руҳ”нинг ишини кўришда “Қора Прокурор” ва “Адвокат” ролларини алмаштириш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Исторический опыт социальной работы в России: Учебное пособие. / Под ред Л.В. Бадя. - М.: Изд-во ЦСП РАО, 1994.

*Гусякова Л. Г., Кувшинникова В. А., Синцова Л. К.* Сборник задач и упражнений по социальной работе. - М.: Наука, 1994.

*Дружинин В.Н.* Психология семьи. - М.: КСП, 1996.

Путь к вере. - М.: Паломник, 2000.

*Яблоков И.Н.* Основы теоретического религиоведения: Пособие. - М.: Космополис, 1994.

## 10-МАШҒУЛОТ

### ИЖТИМОЙ ИШ ВА ФАЛСАФА

---

“Агар сен шуни истасанг, ўз ҳаётиңни инсоният ҳаётидан ажрата олмайсан. Сен унинг ичида, у билан ва унинг учун яшайсан. Биз барчамиз, оёқлар, қўллар, кўзлар сингари, бир-биримиз билан ўзаро алоқада бўлиш учун яратилганмиз”.

Марк Аврелий

Фалсафани ўрганиш жараёнида назарий ва амалий билимларни интеграциялаш қобилиятини шакллантиришга интилиш, ахборот олиш ва ундан танқидий фойдаланиш, мумтоз фалсафа вакиллари асарларининг мазмунига кириб бориш, қадимги мутафаккирларнинг ғояларини ҳозирги кундаги реал муаммолар билан қиёслашга ҳаракат қилиш лозим.

Фалсафа - илмий билиш методологияси (асоси), табиат, жамият ва инсон тараққиётининг энг умумий қонуниятлари тўғрисидаги фандир. Фалсафий фанлар жумласига логика, эстетика, этика ва бошқалар киради.

Илмий билимлар тизими сифатида ижтимоий иш икки ўзаро боғлиқ бўлимлар: назарий-методологик (билишнинг методологик асослари, қонунлар, илмий аппарат ва бошқалар) ва амалий (умумий назарий қоидаларни амалиётда қўллаш)дан иборат.

Ижтимоий соҳа хизматчиси ўз фаолиятида инсонлар билан, шахслар ва жамоа, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар билан иш юритади. Унинг бутун фаолияти инсонларнинг ўзаро муносабатларини такомиллаштиришга, юксак гуманизм ғояларини ҳаётга тадбиқ қилишга қаратилган. Айнан гуманизм ғояларини ривожлантиришда ижтимоий ишнинг фалсафий муаммолар билан боғлиқлиги намоён бўлади.

Инсонга олий қадрият ва олий мақсад деб қаровчи гуманистик ғоя антик давр файласуфлари томонидан шакллантирилган, кейинроқ Ўрта

асрлар ва Янги даврда рус ва замонавий хорижий ижтимоий фалсафада кенг тарқалган.

Демокрит, Платон, Аристотель, М. Квинтилиан, Т. Мор, Т. Кампанелла, Я.А. Коменский, Ж. Локк, Ж. Ж. Руссо, И. Песталоцци, Р. Оуэн, К. Маркс, Ф. Энгельс, А. Дистерверг, П. Наторп, Дж. Дьюи, Г. Плеханов, В. Ленин, П.Сорокин, Н. Бердяев, П. Лесгафт, П. Каптерев, Н. Пирогов, К. Ушинский ва бошқа кўплаб файласуфлар бизнинг эрализгача ва бизнинг эрада вужудга келган психология, педагогика, ҳуқуқ, иқтисодиёт ва шу жумладан, ижтимоий ишнинг асосчилари ҳисобланишади.

Синфингиз аъзолари орасида буюк файласуфларнинг ролини тақсимланг. (Бунинг осон варианты – тайёрлаб қўйилган карточкаларни тортиб олиш). Файласуфларнинг ижтимоий иш ривожига қўшган қиссалари тўғрисида қисқа ахборот (реферат)лар тайёрланг. Ахборотларни ижодий шаклда: файласуфларнинг “рус самовари” атрофидаги мажлисини ўтказинг. “Россия муаммоларига менинг қарашларим” мавзусида мунозара ўтказинг. Ҳар бир иштирокчи ижтимоий ишни бойитишга қандай қисса қўшиши мумкин? “Ижтимоийлик” ва “биологиклик”дан қай бири инсон тақдиридаги дастлабки асос экани қақидаги Афлотун ва Арасту ўртасидаги бақсда улардан қай бири қақ? Ижтимоий ишнинг мазмуни нимада? Хулқ-атворни коррекция қилишда қайси шакл кўпроқ самара беради: жамоавий шаклми ёки яқка тартибдаги?

Ҳар бир одам олдида бемалол фалсафий деб аташ мумкин бўлган саволлар кўндаланг бўлади: Инсон шахси нима ва унинг ижтимоий ҳаётдаги, тарихдаги роли қандай? Инсон ҳаётининг мазмуни нимада? Ҳозирги жамият ривожланишининг умумий манзараси қандай ва бу ривожланишдаги қийинчиликлар, зиддиятлар, тамойиллар ва истиқболлар нимада? Ҳозирги даврда сайёрамизнинг ижтимоий, маънавий, экологик ҳолатини қандай баҳолаш мумкин? Инсоният олдидаги таҳдидларни қандай бартараф қилиш мумкин? Буюк гуманистик ғоялар ва қадриятларни ҳимоя қилиш зарурми,

зарур бўлса қай тарзда? Ўлим жазоси керакми? Абортларни расман таъқиқлаш мумкинми? Бу фалсафий саволларнинг барчаси ижтимоий ишнинг фалсафаси аввало инсон ва унинг моҳиятига бориб тақалишини кўрсатади.

Ижтимоий ишнинг фалсафий аппарати маданият ва тафаккур шаклларининг қуйидаги универсал категорияларини қамраб олади: инсон, маданият, социум, эркинлик, гуманизм, низо, ижтимоий замон ва макон, ижтимоий фаолият, вазият, ҳаёт, ўлим, субъект ва объект, турмуш тарзи, дунё манзараси, жон, ижтимоий экология ва бошқалар.

---

## **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Ахлоқ ва одоб таърифларини келтиринг. Уларни ижтимоий хизматчи касбий этикаси билан қиёсланг.

Ижтимоий иш - интегратив фан ва идоралараро касб, деган фикрни исботланг ёки рад қилинг.

---

## **Вазият**

*Сиз қуйида келтирилган фикрнинг муаллифига қўшиласизми? Жиноят содир этган кишининг шаъни тўғрисида сўз юритиш мумкинми?*

“Жазолар ичида энг қаттиғига лойиқ бўлган жиноятчини ҳам ҳақорат қилиш, шахсиятига тегиш мумкин эмас, унинг “МЕН”ини пастга урувчи ибораларни қўллаш мумкин эмас. Жазолаш мумкин! Бироқ, қўполлик...”

---

## **Амалий топшириқ**

### *Болалар билан ижтимоий иш*

**М а қ с а д:** Амалиёт таълим олаётганларни “ижтимоий иш” касбининг турли ихтисосликлари билан таништиради, турли соҳалар, йўналишлар, муассасалар, ижтимоий кўмакка мухтож бўлган аҳолининг турли тоифалари билан танишиш учун кенг имкониятлар очади.

Ишни тўғри ташкил қилинса манфаатдор ташкилотлар ва муассасалар билан биргаликда ихтисослашган ижтимоий-педагогик гуруҳларнинг битирувчиларини ишга жойлаш масаласини ҳал қилиш мумкин. Ташкил қилинаётган экскурсиялар, мутахассислар билан учрашувлар, “давра суҳбатлар”, таълим олаётганларнинг ижтимоий хизматдаги ёрдамчилик роли, иш ва хизмат ўйинлари танланган касбни ва унинг ўзига хосликларини чуқурроқ англаш учун имконият яратади.

Қуйидаги болалар билан иш олиб бориш мумкин:

мактабгача ёшдаги (оилада ва мактабгача тарбия муассасасида);

мактаб ёшидаги (оилада, умумтаълим муассасасида, болаларга қўшимча таълим бериш муассасасида, жамоат ташкилотида ва аҳолининг бандлиги хизматида);

ногиронлар билан (оилада аҳолини ижтимоий муҳофазалаш муассасасида, тиббий муассасада);

девиант хулқли (оилада, вояга етмаганлар ишлари бўйича инспекцияда, қабул қилиш-тақсимлаш муассасаларида, тергов изолятори ва колонияларда);

танглик вазиятларига тушиб қолганлар билан (оилада, ижтимоий муҳофаза ва реабилитация муассасасида).

**Вазифалар:**

болаларнинг ҳаёт шароитлари билан танишиш, болаларни кузатиш, бола билан, ота-оналар билан, тарбиячилар билан суҳбат қилиш. Болаларнинг ижодий ишларини (расмларини, ясаган нарсаларини, шеърлари ва бошқаларини) ўрганиш;

маъмурият билан, муассаса педагоглари билан суҳбат;  
болалар, ота-оналар, педагоглар учун анкета ва тестлар танлаш;  
боланинг оиласига бориш, ота-оналар ва қариндош-уруғлари билан суҳбат ўтказиш;

дастлабки ташхис натижаларини амалиёт раҳбари билан ва “давра суҳбати” да муҳокама қилиш;

болалар билан ўйин машғулоти тайёрлаш ва ўтказиш;

ота-оналар билан мавзули мажлисни тайёрлаш;

муайян болага ота-оналари (ёки уларнинг ўрнини босадиганлар) педагоглар, психологлар, ижтимоий хизмат, оилавий ва ёшларнинг бандлик хизматлари мутахассислари, жамоат бирлашмалари ва бошқалар билан ўзаро мулоқот ўрнатишда кўмаклашиш;

болаларнинг, ёшлар ва катталарнинг ижтимоий ташаббусларни ривожлантиришга, ижтимоий лойиҳа ва дастурларни амалга оширишга, уларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда иштирок этишга йўналтирилган турли ижтимоий аҳамиятга оид фаолиятларини ташкил қилиш.

Натижалар:

амалиётни ўташ индивидуал режаси;

боланинг тавсифномаси;

тадбир сценарийси;

ижтимоий аҳамиятга молик дастур ёки лойиҳа;

ижтимоий-педагогик амалиёт кундалиги;

муассаса ривожланишининг истиқболли дастури;

педагоглар ва ота-оналарга тавсиялар;

жамоа бўлиб деворий газета чиқариш.



## **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

Фалсафанинг бўлимларидан бири аксиология-кадриятлар тўғрисидаги фандир. Ижтимоий соҳа хизматчиси учун касбий фаолиятда рўёбга чиқадиган шахсий кадриятларни англаб олиш фавқулодда муҳимдир.

### **“Менинг кадриятларим” машқи**

Ўқитувчи ўқувчиларга қўйидагиларни бажаришни таклиф қилади: “Ўзингизни хазинага тушиб қолдим деб фараз қилинг. Бироқ, бу ердаги сандиқларда олтин ва дуру гавҳарлар сақланмайди. Бу ерга ҳар киши ўзи учун ҳаётда энг қимматли бўлган нарсани келтириши мумкин. Бундай нарсалар масалан, янги плейер, бирор йигит ёки қиз билан дўстлик, онанинг муҳаббати, муҳтожларга ёрдам кўрсатиш, сен ёрдам кўрсатган одамларнинг қувончларини кўриш ва яна бошқа нималардир. Карточкаларга ўзингиз учун қимматли бўлган барча нарсаларни ёзинг ва бу карточкаларни хазинадаги сандиқларга бўлиб жойланг. Энг катта сандиқ - энг азиз нарсалар учун. Кичикроқ сандиқлар эса - кадри уларчалик бўлмаган нарсалар учун”.

Плакатда турли ўлчамдаги сандиқлар чўнтакча шаклида чизилган. Қатнашчилар ўзларининг карточкаларини ана шу чўнтакчаларга жойлайдилар. Кейин умумий муҳокама бошланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Антология социальной работы: В 5 т. / Сост. М. В. Фирсов. - М.: Сварогъ НПФ СПТ, 1994.

*Арнольдov А.И.* Цивилизация грядущего столетия. Культурологические размышления. - М.: Грааль, 1997.

*Григорьев С. И., Гусякова Л. Г., Ельчанинов В. А. и др.* Теория и методология социальной работы. - М.: Наука, 1994.

*Гусякова Л. Г., Кувшинникова В. А., Синцова Л. К.* Сборник задач и упражнений по социальной работе. - М.: Наука, 1994.

Исторический опыт социальной работы в России: учебное пособие / Под ред. Л. В. Бадя - М.: Изд-во ЦСП РАО, 1994.

Основы социальной работы: Учебник / Отв. ред П. Д.Павленок. - М.: ИНФРА-М, 1997.

Справочное пособие по социальной работе / Под ред. А. М. Панова. Е. И. Холостовой. - М.: Юристъ, 1997.

*Филонов Г. Н.* Философские проблемы теории адаптации / Под ред. Г.И. Царегородцева. - М.: Мысль, 1975.

Философский энциклопедический словарь / Н. В. Абаев, А.И. Абрамов, Т.Е. Андреева и др. - М.: Сов. Энцикл., 1983.

Энциклопедия социальной работы: В 3 т. / Пер. с англ. - М.: Центр общечеловеческих ценностей, 1993 – 1994.

## 11-МАШҒУЛОТ

### ИЖТИМОЙ ИШ ВА ТАРИХ

---

“Биринчидан, ҳеч бир ишни сабабсиз ва мақсадсиз бажарма. Иккинчидан, жамиятга фойда келтирмайдиган бирор ишни ҳам қилма”.

Марк Аврелий

“Ўзаро боғланмаган билим парчалари билан тўлдирилган калла ҳаммаёқ бетартиб ва хўжайиннинг ўзи ҳам ҳеч нарсани топа олмайдиган омборга ўхшайди; билимсиз тизим жойлашган мия эса ёзуви бор қутилар жойлаштирилган дўконга ўхшайди, қутиларда эса ҳеч нарса йўқ”.

К.Д. Ушинский

XX асрнинг 60-70-йилларида тарихнинг бошқа ижтимоий фанлар: педагогика, психология, социология, демография, антропология билан яқинлашиши кўзга ташланди. Бу жараённинг натижаси сифатида ижтимоий тарих фани деб аталадиган фан вужудга келди. (С. И. Григорьев).

Ижтимоий ишга нисбатан ижтимоий тарих фани қуйидагича талқин қилиниши мумкин:

жамиятнинг умумий таърифи. Бундай ҳолда ижтимоий иш тарихий тараққиёт, формациялар, тамаддунлар, даврлар, ҳодисалар, давлат қурилишлари, ҳаётни таъминлаш тизимлари вужудга келиши ва алмашуви жараёнида кўрилади;

Конфуцийлик, ҳиндуизм, ислом, христианлик атрофида пайдо бўлган тамаддунлар: хитой, ҳинд, мусулмон, ғарб тамаддунлари конфронтацияси тарихи. Бу ҳолатда ижтимоий иш тамаддунлар мувозанатини таъминловчи қудратли восита сифатида намоён бўлади.

Жамият ижтимоий тузилмаси ривожланиши, эволюцияси, пайдо бўлиши, гуллаб-яшнаши ва йўқ бўлиши, турли ижтимоий қатламлар, ижтимоий гуруҳлар, этнослар, миллатларнинг трансформацияси, ривожланиш тарихи. Бундай ёндашув доирасида ижтимоий иш анча хилма-хил кўринади, чунки жамиятда турли мезонларга кўра, ўзининг фаровонлик даражаси, саломатлиги, яшаш жойи ва бошқаларга кўра фарқланадиган турли қатламлар фарқланади;

Жамиятнинг ижтимоий-маиший соҳаси, ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасалари тизими, аҳолининг ижтимоий-маиший эҳтиёжларини қондириш усуллари ва имкониятларининг ривожланиш тарихи. Кўпинча бундай мавқе жамиятда нисбий мустақилликка эга бўлган, ўзининг тараққиёт мантиқига эга жамиятнинг таркибий қисми, кичик тузилмаси тарихи сифатида далилланади;

бойлик ва камбағаллик тарихи, камбағаллар, қашшоқларни қўллаб-қувватлаш тарихи. Бундай ёндашув ижтимоий хизматчиларни тайёрлайдиган хориждаги олий ўқув юртларида кенг тарқалган. Тўғри, у кўпинча жамиятнинг иқтисодий тарихи муаммолари билан тўлдирилади. Шундай қилиб, ижтимоий тарих амалда ижтимоий-иқтисодий тарих сифатида тақдим этилади;

жамиятнинг бир тизим сифатида, ривожланаётган бутунлик сифатида ҳаётчанлигини таъминловчи ижтимоий институтлар тарихи. Унинг ташкилотлари: соғлиқни сақлаш, таълим, фан, оила, оммавий ахборот воситалари, меҳнат уюшмалари, нақлиёт, черков ва бошқалар тарихи. Бундай ёндашув ижтимоий ишни ўзига хос рол ўйнайдиган, жамият ва инсон билан биргаликда ривожланадиган мустақил ижтимоий институт сифатида кўриш имкониятини беради;

индивид шахсий унсурларининг ижтимоий ўзгаришлар билан биргаликда ривожланиш тарихи. Давр тақозо қилган инсон типи, конкрет-тарихий ижтимоий шарт-шароитлар ва “замонаси қаҳрамонларининг”

мутаносиблиги, шахснинг тарихдаги ролини баҳолаш - бундай ёндашув ижтимоий соҳа хизматчиларига ижтимоий-тарихий контекстни, ижтимоий ишдаги муаммоли масалаларнинг маъноси ва аҳамиятини англаш имкониятини беради.

---

## **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Ижтимоий иш тарихини ижтимоий тарихнинг таркибий қисми, дейиш мумкинми? Мумкин бўлса, унда қайси маънода? Мумкин бўлмаса, нима учун?

Фан сифатида ижтимоий тарих ва ижтимоий ишнинг алоқадорлиги нималарда кўринади?

Ижтимоий тарих ва ижтимоий иш ижтимоий амалиёт сифатида ўзаро қандай мутаносибликда?

---

## **Вазият**

Суд ислохотлари бўйича мутахассис, юридик фанлари доктори, профессор Сергей Вицин “ўғри камоқхонада ўтириши керак”, деган қоидага мутлақо қарши чиқмоқда, агар у профессионал жинойтчи бўлмаса. Унинг фикрича, биз шундай қилиш орқали “жинойтчиликни сунъий тарзда кўпайтириб юбормоқдамиз”.

Профессор “сниккерс” ўғирлаган ўсмирни, коридорда бир кути вермишел билан ушланган ёлғиз онани озодликдан маҳрум этишга қатъиян қарши. Вицин Россия Президенти ҳузуридаги авф этиш масалалари бўйича Комиссия аъзоси сифатида қуйидаги воқеага мурожаат қилади: Смоленск вилоятилик 46 ёшли, ёлғиз ўзи 3 та болани ўстирган Зинаида Ивановна

Родинани 2 қоп омихта ем ва 6 литр сут ўғирлагани учун қамаб қўйишди. Суд ўғирланган маҳсулотларни 100 рублга баҳолаб бева аёлни 4,5 йилга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарди. Бу аёл унинг тақдирига авф этиш бўйича комиссия аралашмагунча 3 йил қамоқда ўтирди.

Сергей Вицин маълумотларига кўра, мамлакатда ўтган йили 570 минг киши қамалган бўлиб, улардан 460 мингтаси ўғирлик учун озодликдан маҳрум этилган. Профессор мамлакат қонунчилигида содир этилганлиги учун қамоқ ва озодликдан маҳрум этиш кўзда тутилмайдиган “жиноий ҳатти-ҳаракат” тушунчаси пайдо бўлиши учун ҳаракат қилмоқда. Унинг фикрича, жарима, зарарни қоплаш ёки шунга ўхшаш жазо чоралари кўрилиши, лекин қамоқхоналарни тўлдирмаслик, шу йўл билан мамлакатдаги қамоқхоналар аҳолисини кўпайтирмаслик чорасини кўриш лозим.

Сиз профессор Вициннинг нуқтаи назарига қандай ёндашасиз? Қамоқхонадаги маҳбусларга волонтерлар қандай ёрдам кўрсатишлари мумкин?

---

## **Амалий топшириқлар**

Аҳолининг турли гуруҳлари билан олиб бориладиган ижтимоий ишни моделлаштириш.

Қуйидаги ижтимоий-педагогик амалиёт объектларига боринг:

ижтимоий хизматларга;

оила ва болаликни ижтимоий қўллаб-қувватловчи марказларга;

танглик марказлари ва ижтимоий бошпаналарга;

ижтимоий реабилитация хизматларига.

---

## **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

### ***“Турли даврлардаги ижтимоий иш” машқи***

Ўқувчилар ҳар бирида 5-6 киши бўлган гуруҳларга бўлинишади ва ўзларига сардор сайлайдилар. Ўқитувчи сардорларга қуйидаги ёзувлар битилган карточкалардан бирини тортиб олишни таклиф қилади: “Тош асри”, “Киев Руси”, “Европадаги ўрта асрлар”, “Америкадаги ёввойи ғарб (XIX аср)”, “XX аср бошларидаги Россия” ва ҳ.к. Ҳар бир жамоа ўзи танлаган тарихий даврга оид ижтимоий иш ҳақида юмористик саҳналар ўйлаб топади ва ўйнаб кўрсатади. Бу ўйинни фақатгина мулоқотнинг новербал воситалари ёрдамида ўйнашни таклиф қилиб бироз мураккаблаштириш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

*Григорьев С. И., Гусякова Л. Г., Ельчанинов В. А. и др.* Теория и методология социальной работы. - М.: Наука, 1994.

Справочное пособие по социальной работе / Под ред. А. М. Панова. Е. И. Холостовой. - М.: Юристъ, 1997.

Теория и методика социальной работы: в 2 ч. / Под ред. И.Г. Зайнышева.— М.: МГСУ, 1994.

## 12-МАШҒУЛОТ

### ИЖТИМОЙ ИШ ВА СОЦИОЛОГИЯ

“Одамга ёндашар экансиз, ҳеч қачон унда яхшиликдан кўра ёмонлик кўпроқ, деб ўйламанг”.

М. Горький

Яхшилаб ўргансангиз, “ёмон одамлар” кўпинча “яхшироқ одам” бўлиб, “яхши одамлар” эса ёмонроқ бўлиб чиқадилар”.

Г. Лихтенберг

Ижтимоий ишдаги назарий билимларнинг кўпчилиги социологик назариялар асосида вужудга келган. Социология жамиятни бир бутун тизим деб оладиган ва ундаги алоҳида ижтимоий институтлар, жараёнлар, ижтимоий гуруҳлар тўғрисидаги фандир.

Ижтимоий ҳаётни тушунтиришга уринишлар антик даврдаёқ (Платон, Аристотел ва бошқалар) юз берган ва бутун фалсафа тарихида давом этган эди. XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб социологияда ишлаб чиқариш ва бошқарувни эмпирик тадқиқ қилиш устувор бўла бошлади, социологиянинг ихтисослашуви бошланди (оила социологияси, шаҳар социологияси, ҳуқуқ социологияси ва бошқалар, жами 40 йўналиш). Социологиянинг бу махсус бўлимлари ижтимоий иш бўйича ҳам, социум типи бўйича ҳам ихтисослашаётган ижтимоий хизматчилар томонидан батафсил ўрганилиши лозим.

Ижтимоий хизматчилар учун энг қизиқарли бўлган социология бўлимларидан бири оила социологияси ва оилага ёрдам кўрсатиш стратегиясини ишлаб чиқишдир. Ёрдамга муҳтож бўлаётган оилаларни социологик гуруҳлаш учун одатда, қуйидагилар асос бўлади: 1) оила аъзоларининг жон бошига олинаётган даромад, бунда минимал турмуш даражасини ҳам ҳисобга олиш лозим; 2) оила қармоғидагилар ва ундаги



болалар сони; ота-оналардан бирининг ёки ҳар иккисининг борлиги ёки йўқлиги; 3) оила аъзоларининг саломатлиги; 4) оила катта ёшли аъзоларининг меҳнатга лаёқатлилиги; 5) турар жой, жамғармалар, ер участкасининг мавжудлиги; 6) оила аъзоларининг жамиятдаги ижтимоий ҳолати, мавқеи ва бошқалар. Турли ёшли оилалар ва бирга яшаш давомийлиги турлича бўлган оилалар турмуш тарзини ўрганиш ижтимоий иш учун ҳам, социология учун ҳам бирдай муҳимдир. Турли хатар гуруҳлари турмуш тарзидаги аномалияларни ўрганиш тўғрисида ҳам худди шу фикрни билдириш мумкин.

“Хатар гуруҳлари” ҳаётининг фаолияти ва экстремал вазиятларини ижтимоий ишда илмий таҳлил қилиш социологик таҳлилга асосланади. Қуйидагилар таҳлил қилинади: ҳаётга таҳдидлар; бошқарув фаолларининг мақсадга мувофиқ қарорлар қабул қилиш ва уларни ижросини назорат қилиш қобилияти; хавфли шароитларда аҳоли турли гуруҳларининг хулқ-атвори, уларнинг ҳаётларига таҳдид тўғрисидаги ахборотга эгаллиги; ҳаётни таъминлаш соҳалари ижтимоий инфратузилмасининг (нақлиёт, алоқа, соғлиқни сақлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ва бошқалар)нинг ривожланиш ва сақланиш даражаси; ижтимоий маконга ва аҳолига келтирилган зарар ва ҳ.к.

Ижтимоий иш соҳасидаги тадқиқотлар социологик маълумотлар ёки ижтимоий воқеликни таҳлил қилиш методларига асосланиб олиб борилади. Хатар гуруҳидан бўлган миқдорларнинг ижтимоий таржимаи ҳолини ёзиб олишда, бундай ҳол ижтимоий иш муаммолари бўйича тадқиқотларда кўплаб учрайди, одатда, социологияда анъанавий тарзда қўлланиб келинадиган интервью, анкеталар, сўров варақалари, архив ҳужжатлари, таржимаи ҳол ва ахборот тўплашнинг бошқа манбаларидаги маълумотлардан кенг фойдаланилади.

Жамоангиз аъзолари ўртасида ижтимоий ишнинг социологик методларини бўлинг. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва қўллашдаги қоидалар тўғрисида қисқа-қисқа маълумотлар тайёрланг. Ҳикоя қилиш пайтида мазкур усулдан ўз гуруҳингизда фойдаланинг. Бундай “тақдимот” натижасида: китоблар, ўқув предметлари, ижрочилар, артистлар, видеоклиплар, гуруҳлар, микрорайон, шаҳар ҳудудидаги мактаблар “хит-парадини” тузиш мумкин; гуруҳ аъзоларини турли ижтимоий кўрсаткичлар: ижтимоий келиб чиқиши, оиласидаги жон бошига даромад, врачга мурожаатлар миқдори, хасталиклар характери ва бошқаларга кўра тасниф қилиш мумкин; гуруҳнинг ҳар бир аъзоси уйқуга, ўқишга, ҳордиққа, ишга, овқатланишга ва бошқаларга сарф қиладиган ўртача вақт миқдорини ҳисоблаб чиқиш мумкин.

---

## **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Социология соҳасидаги билимлар билан ижтимоий иш соҳасидаги аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича амалий вазифаларни ҳал қилиш ўртасидаги боғлиқликнинг асосий маъноси нимада?

Социологик методлардан илмий тадқиқотларда, амалий касбий фаолиятда, сиёсатда қайси мақсадларни кўзлаб фойдаланилади?

---

## **Вазият**

Россия меҳнат вазирлигининг 1998 йилдаги маълумотларига кўра мамлакатда 2 млн ишсиз қайд қилинган эди. Улардан 32 %и - ёшлар. 1998 йилда ўрта махсус ва касбий билим юртларини тугатган ёшларнинг 20 %и ишсиз бўлиб қолди. Бунинг устига иш излаш заруратига биринчи марта дуч келаётган ёшлар ўзларининг имкониятларини холис баҳолай олмайдилар, кўпинча юқорироқ баҳолайдилар: бир ойда 1000 доллардан кам олишга рози бўлишмайди.

*Касбий таълим битирувчиларининг ишсиз қолаётгани сабаби нимада? Токарлар, фрезеровшиқлар, тўқимачиларни сотувчилик, бухгалтер*

ва реклама агенти касбларига қайта ўқитиш керакми? Сизнинг минтақангизда қайси касблар кўпроқ талаб қилинади? Бизнинг давримизда касбий билим юртлири битирувчиларига нисбатан режали давлат буюртмасини жорий қилиш мумкинми? Бу муаммо хорижда қандай ҳал қилинади?

---

## Амалий топшириқлар

### *Социометрик тадқиқот ўтказиш*

Тадқиқот ўтказиш учун таълим олаётганлар жавобларини ёзиш мўлжалланган карточкаларни олдиндан тайёрлаш лозим, уларнинг юқоридаги ўнг томонида ўқувчилар ўз фамилиясини, пастроқда эса ўзлари танлаб олганларнинг фамилияларини навбат бўйича ёзадилар.

Ўқитувчи 3 та саволга жавоб беришни сўрайди, яъни карточкаларга жамоа аъзолари орасидан танлаб олинган 3-5 кишининг фамилиясини ёзишни илтимос қилади. Шунини таъкидлаш зарурки, танлов фақат жамоа аъзолари доирасида чекланган ва фамилияларни навбатга кўра, яъни биринчи навбатда – фалон билан, иккинчи навбатда пистон билан ва ҳ.к.

Жамоадаги ўртоқларингдан қайси бири билан походга боришни истар эдинг?

Жамоа аъзоларидан ким билан кўшни бўлишни хоҳлар эдинг?

Жамоа аъзоларидан кимларни туғилган кунингга таклиф қилишни истар эдинг?

Натижаларни график қайта ишлашнинг бир-бирини тўлдирадиган икки усули бор: социоматрица ва социограмма.

Социоматрица ташқи кўриниши бўйича спорт мусобақаларининг турнир жадвалини эслатади. Вертикал чизиқ бўйича жойлашган рақамлар ёнига ўрганилаётган гуруҳ аъзоларининг барчаси фамилиялари алфавит

бўйича ёзилади, горизонтал чизик бўйича эса фақат уларнинг тартиб рақамлари кўрсатилади. Қаторлар бир-бирини кесиб ўтадиган жойда 1, 2, 3 ва ҳ.к. рақамлар билан синалаётган одам биринчи навбатда кимни, иккинчи навбатда кимни, учинчи навбатда ва ҳ.к. кимни танлагани қайд этилади. Ўзаро бир-бирини танлаганлар доира ичига олинади. Социоматрица турларидан бири қуйидаги жадвалда келтирилган:

“Социоматрица” жадвали

№ т/р	Фамилияси	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1.	А.			1		3				2	1
2.	Б.								2	1	
3.	В.	3				1				2	
4.	Г.	3								1	
5.	Д.		3	1						2	
6.	Е.				2	3				1	
7.	Ж.		1		3			2			
8.	З.		1							2	3
9.	И.	3			2			1			
10.	К.		2						3	1	
Танловлар сони		3	4	2	3	2	4	0	2	7	3
Ўзаро танловлар сони		1	3	1	1	1	2	0	2	1	2

Социоматрица асосида социограмма, яъни социометрик танлашлар харитаси тузилиши мумкин. Бундай харита шит кўринишига эга бўлиб, унда концентрик жойлаштирилган 4 доира бўлади. Биринчи доирада 6 ва ундан ортиқ танловга эга бўлганлар, иккинчисида - 3-5 танловга эга бўлганлар, учинчисида - 1-2 танловга эга бўлганлар жойлаштирилади, тўртинчи доирага эса бир марта ҳам танланмаганлар тушади.

Шундай қилиб, биринчи ва иккинчи доирада жойлашган жамоа аъзолари, гуруҳда яхши мавқени эгаллайдилар, учинчи ва айниқса, тўртинчи доирага тушганлар ноқулай ҳолатда бўладилар. Демак, гуруҳ аъзоси доира марказига қанчалик яқин жойлашса, унинг мавқеи шунчалик баланд бўлади

ва бунинг аксича. Социометрик тадқиқот жамоада коррекция иши ўтказишга имкон яратади. Ўқув-тарбиявий ва шахслараро ўзаро таъсирнинг самарадорлигини назорат қилиш учун қайта-қайта қўлланилиши мумкин.

---

## **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

### *“Траектория танлаш” машқи*

Бу ўйин ижтимоий ва психологик ташхиснинг ғайри-оддий турига киритилиши мумкин. Олиб борувчи фон мусикасини (ўрта суратда) кўяди ва кўйидаги йўриқномани беради:

кўпчилик одамларда бирор-бир мураккаб вазифани ҳал қилиш ҳақида бош қотириш давомида ёпиқ траектория бўйлаб ҳаракатланиш одати бор. Кимдир доира бўйлаб... (кўрсатиб беради... - мазкур ўринда ва кейинги матнда шу вақтда иштирокчилар зарурий ҳатти-ҳаракатларни бажараётганини англатади), кимдир кескин-кескин бурилиб квадрат ёки тўғри тўртбурчак бўйича ҳаракатланишни ... (кўрсатади), кимдир учбурчак тарафлари бўйлаб қадам ташлаётгандай ҳаракатланади... (кўрсатади). Ва ниҳоят, шундай одамлар ҳам учрайдики, улар, биз зигзаг деб атайдиган траектория бўйича ҳаракатланишади... (кўрсатади). Сизга мана шу траекторияларнинг ҳаммасини шу хонада синаб кўриш учун бир неча минут вақт берилади. Траекториялар ўлчамини ўз ихтиёрингиз бўйича кичрайтиришингиз ёки каттайтиришингиз мумкин.

Қатнашчилар хона бўйлаб мусиқа остида ҳаракатлана бошлайдилар (бу машқни, албатта, бино ўлчамлари имкон берадиган вазиятда бажарилади). Олиб борувчи сўзлашувларни юмшоқлик билан тўхтатади, чунки ҳар бир иштирокчи ўзининг ички ҳисларига қараб мослашиши лозим. Одатда, ҳар бир иштирокчи ўзига мос траекторияни танлаши учун 5-7 минут

кифоя қилади. Олиб боровчи иштирокчилардан “доиралар”, “квадратлар”, “учбурчаклар” ва “зигзаглар”га бўлиниб хонанинг турли бурчакларини эгаллашни сўрайди.

- Энди сиз билан бир гуруҳда кимлар тушиб қолганига эътибор беринг. Кимлар худди сиз каби айнан мана шу траекторияни афзал кўради? Афтидан сизларни нимадир бирлаштиради, геометрик шаклларга нисбатан дидларингиз бир хил экан, демак, сизларнинг орангизда қандайдир умумийлик бор. Гуруҳингизда сиз билан бир хил траекторияни танлаган шерикларингиз ўртасида қандай ўхшашликлар бор. Нима учун айнан мана шу шакл сизга кўпроқ ёқади?

Беш минутлик муҳокамадан кейин ҳар бир гуруҳ ўзининг танлови сабабини аслаб беради. Иштирокчилар танланган шакл бошқаларидан қандай афзалликларга эга эканлигини ва уни танлаган одамларни қандай тавсифлаш мумкинлигини тушунтиради. Ҳар бир гуруҳни тинглаб бўлгач, олиб боровчи гуруҳнинг нуқтаи назарини психогеометрия йўналишида ишлайдиган психологлар фикри билан қиёслаб кўришни таклиф қилиши мумкин

***Геометрик шаклларни афзал кўриш асосида  
шахс асосий типларининг қисқача  
психологик тавсифномаси***

**КВАДРАТ.** Квадрат - бу, аввало ҳормас-толмас меҳнаткаш. Меҳнатсеварлик, ғайрат, бошланган ишни охиригача етказиш, ишни яқунлашга имкон берадиган тиришқоқлик, ҳақиқий Квадратлар мана шу сифатлар билан машҳур бўлишади. Чидамлилиқ, тоқат ва изчиллик квадратнинг ўз соҳасида юқори малакали мутахассис бўлишини таъминлайди. Бунга яна ахборотга бўлган узлуксиз эҳтиёж ҳам қўшилади. Квадратлар турли хил маълумотларни коллекция қилишади. Барча маълумотлар тизимлаштирилган, жой-жойига қўйилган... Квадратлар ҳеч

бўлмаганда ўзларининг соҳасида эрудит сифатида шуҳрат қозонадилар. Фикрий таҳлил - Квадратнинг кучли томони Квадратлар тафсилотларга, деталларга фавқулодда эътибор беришади. Квадратлар ҳар доим ҳамма жойда тартиб бўлишини исташади... Саришталик, тартиб-қоидалар ва одобга риоя қилиш энг чўққисига чиқади. Қарор қабул қилиш вақти келганда эса, айниқса статус-қвони йўотиш хавфи бўлган қарорлар қабул қилишни Квадратлар истабми-истамайми узоққа чўзишади. Бундан ташқари, рационаллик, эмоционал қуруқлик ва совуқлик Квадратларнинг бошқа шахслар билан тез мулоқот ўрнатишига ҳалақит беради. Аморф вазиятларда Квадрат бесамар ҳатти-ҳаракатлар қилади.

УЧБУРЧАК. Бу шакл лидерлик тимсоли, кўпчилик Учбурчаклар ўзларининг мақсади мана шунда деб билишади. ҳақиқий Учбурчакнинг энг характерли хусусияти бош мақсадга эътиборни жамлашдир. Учбурчаклар - серғайрат, ҳеч нарсадан қайтмайдиган кучли шахслар, улар ўз олдига аниқ мақсадлар кўйишади ва бу мақсадга эришишади! Учбурчак ўзига жуда ишонган одам, ҳамма нарсада ҳақ бўлишни ҳоҳлайди! Ўзини доимо ҳақ деб билишга ва бошқаларни бошқаришга, фақат ўзи учун эмас, имкон бўлса бошқалар учун ҳам масалани ҳал қилишга кучли эҳтиёж сезадиган Учбурчак бошқалар билан доимо рақобатда ва конкуренцияда бўлади. Ҳар қандай ишдаги етакчи установка бу - ғалабага, ютуққа, муваффақиятга бўлган установкадир. У кўпинча таваккал қилади, қарор қабул қилишда иккиланаётганларга нисбатан тоқатсиз бўлади. Учбурчаклар ноҳақ бўлиб чиқишни жуда ёқтирмайдилар ва ўзларининг хатоларини катта қийинчиликлар билан тан оладилар... Учбурчаклар шуҳратпараст бўлишади. Квадрат учун бажарилаётган ишнинг олий сифатига эришиш асосий мақсад бўлса, у юқори мансаблар, юқори мавқелар, бошқача айтганда, карьерага интилади. “Учбурчак” шаклининг асосий салбий сифати - фақат ўзига йўналтирилган кучли эгоцентризм. Учбурчаклар ҳокимият чўққисига чиқиш учун ахлоқий меъёрларни хурматлаб ўтиришмайди ва мақсадга етиш учун

бошқаларнинг боши устида юриши мумкин. Бу “ипини узган” Учбурчаклар учун хос, уларни ўз вақтида ҳеч ким тўхтатмаган. Учбурчаклар барча ва барчани ўз атрофида айланишга мажбур қилади, уларсиз ҳаёт ўзининг жозибасини йўкотади.

ДОИРА. Бу уйғунликнинг афсонавий тимсоли. Уни ишонч билан танлаган шахс шахслараро яхши муносабатлардан ҳақиқатан ҳам манфаатдор. Доира учун олий қадрият - одамлар, уларнинг яхши ҳаёти. Доира кўпинча ишчи жамоани, оилани жипслаштирадиган “клей” вазифасини ҳам бажаради, яъни гуруҳни барқарорлаштиради... Улар юксак ҳиссиётлилик, ривожланган эмпатия - ҳамдард бўлиш, бошқа одамнинг кечинмаларига эмоционал жавоб бериш хусусиятига эга бўлади... Табиийки, одамлар доирага интилишади. Доиралар одамларни “ўқий олишади” ва бир зумда сохталик ва ёлғонни аниқлашади... Улар тинчликни сақлашга ҳаракат қилишади ва шу йўлда “қатъий” позициядан чекиниб кўпчиликка ёқмайдиган қарорлар қабул қилиши ҳам мумкин. Доира учун шахслараро низога киришдан кўра оғирроқ нарса йўқ. Барча одамлар ўзаро муроса-мадора қилишгандан кўра, доира учун каттароқ бахт йўқ. Шунинг учун Доира билан кимнингдир ўртасида низо келиб чиқса, Доиранинг биринчи бўлиб кечирим сўраш эҳтимоли кўпроқ... Доиралар қатъият билан ажралиб туришмайди, шунинг учун “сиёсий ўйинлар”да улар заиф ва ҳатто кўпинча ўзининг буйруғини ҳам тегишли тарзда бера олмайди. Буларнинг бари кўпинча Доиралар устидан бошқалар ғалаба қозонишига олиб келади, масалан, кучлироқ шахс бўлган Учбурчаклар. Доиралар ҳокимият кимнинг қўлига ўтишидан ҳам ташвишланмайдилар. Бироқ, бир масалада улар жуда қатъийлик кўрсатадилар. Агар ахлоқ ёки адолат бузиладиган бўлса... Улар тафаккуридаги асосий белги - муаммодаги субъектив омиллар (қадриятлар, баҳолар, ҳиссиётлар ва ҳ.к.) ва ҳатто бир-бирига зид бўлган нуқтаи назарлар ўртасидаги умумийликни топиш. Айтиш мумкинки, Доира - табиатан руҳшунос.



ЗИГЗАГ. Бу шакл ижодкорлик ва ижодни ифодалайди, чунки у барча шакллар ичида уникал бўлиб, ягона очик шаклдир... Зигзагнинг тафаккур тарзидаги устувор усул кўпинча синтетик усул ҳисобланади. Мутлақо турлича, ўхшаш бўлмаган ғояларни ўзаро қўшиш ва шу асосда янги, оригинал нарса яратиш - мана Зигзагларга ёқадиган нарса. Доиралардан фарқли равишда, Зигзаглар консенсусдан умуман манфаатдор эмас ва синтезга ўзаро келишув йўли билан эмас, балки низони кескинлаштириш ва бу низо ечимини топадиган янги концепция тузиш йўли билан ҳал қилишга интилишади. Айни пайтда, ўзларининг табиий ҳозиржавоблигини ишга солиб, улар серпичинг, бошқаларнинг янги ечимларга “кўзини очиб кўядиган” бўлишлари мумкин... Зигзаглар яхши ташкиллаштирилган вазиятларда ҳечам самарали ишлаша олмайди. Аниқ вертикал ва горизонтал алоқалар, қатъий белгилар қўйилган мажбуриятлар ва ишнинг доимий усуллари уларнинг ғашига тегади. Улар турли-туманликка ва иш ўринларида юқори даражада рағбатлантиришга эҳтиёж сезади. Улар шунингдек, бошқаларга боғлиқ бўлмасликка интилишади. Шундай ҳолатларда Зигзаг жонланиб кетади ва ўзининг асосий белгиси - янги ғоялар ва янги иш усуллари яратишга киришади... Зигзаглар келажакка йўналтирилган бўлади ва уларни ҳозирги воқелик эмас, балки келгуси имкониятлар кўпроқ қизиқтиради. Буюмлар дунёси бошқалар учун қанчалик реал бўлса ғоялар дунёси Зигзаглар учун шунчалик реалдир... Зигзаглар ўз ғояларининг ҳормас тарғиботчилари бўлиб, ўз атрофидагиларни ҳам мотивациялаш қобилиятига эга. Бирок, уларга сиёсийлик етишмайди: улар ўзларини кўпинча тута олмай қолади, экспрессияга жуда берилган бўлади (“юзингизга бор ҳақиқатни тўкиб солади”), бу эса уларнинг ўз ғояларини ҳаётга тадбиқ қилишларига халақит беради. Бунинг устига улар аниқ тафсилотларни ишлаб чиқишда унчалик кучли эмас (бусиз ғояларни моддийлаштириш мумкин эмас) ва ишни охирига етказишда унчалик қатъий эмаслар (чунки, янгилик йўқолиши билан ғояга бўлган улардаги қизиқиш камаяди).

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

*Григорьев С. И., Гусякова Л. Г., Ельчанинов В. А. и др.* Теория и методология социальной работы,— М.: Наука, 1994.

*Кон И. С.* Социология личности.- М.: Политиздат, 1967.

Краткий словарь по социологии.- М.: Политиздат, 1989.

Основы социальной работы: Учебник / Отв. ред. П.Д.Павленок. – М.: ИНФРА-М, 1997.

*Полонский В.М.* Словарь понятий и терминов по законодательству Российской Федерации об образовании.- М.: МИРОС, 1995.

Современная западная социология: Словарь.-М.: Политиздат, 1990.

Справочное пособие по социальной работе / Под ред. А.М. Панова, Е. И. Холостовой. — М.: Юристъ, 1997.

## 13-МАШҒУЛОТ

### ИЖТИМОЙ ИШ ВА ПСИХОЛОГИЯ

---

“Ҳар бир одам - бутун бир жилд китоб, агар сиз уни ўқишни билсангиз”.

У. Ченнинг

“Яқинларимиз билан улар арзийдиган даражада муомала қилар эканмиз, биз уларнинг ёмонроқ бўлишига кўмаклашамиз. Улар билан арзийдиганидан кўра яхшироқ муомала қилсак, уларни яхшироқ бўлишга мажбур этамиз”.

Гёте

“Психология” тушунчасига тез-тез дуч келиб турамыз. Ҳаётий ходисалар йиғиндиси сифатида психология ҳар бир инсонга таниш. У одамларга ўзларининг сезгилари, тимсоллари, хотира, тафаккур, нутқ, ирода, тасаввур, манфаатлар, мотивлар, эҳтиёжлар, эмоциялар, ҳис-туйғулар ва бошқа кўплаб ходисалар орқали таниш. Асосий рухий ходисаларни биз бевосита ўзимизда учратишимиз мумкин ва бавосита бошқа одамларда кузатишимиз ҳам мумкин. Ҳар бир инсон муайян маънода психолог. Илм-фанни ҳали ўрганмасдан туриб, болалигимизданок “хотира”, “унинг характери ундок”, “сезгир”, “эътиборсиз” сингари сўзларни ишлатамыз, ўзимизга яқин одамларнинг ташқи кўринишлари: ҳаракатлари, юз ифодаларига қараб кайфиятларини аниқлашни биламыз ва бу билимларимиздан мулоқот жараёнида жуда яхши фойдаланамиз. Бироқ,

психология тўғрисидаги бизнинг билимларимиз маиший турмуш даражасида бўлиб, улар тахминий, ноаниқ, баъзан эса нотўғри тушунчалардир, чунки улар тизимлилик, чуқурлик, исботланганлик сингари хусусиятларга эга эмас ва шу сабабларга кўра одамлар билан жиддий иш (ижтимоий-педагогик, ташкилий, муолажа) олиб бориш учун етарли эмас. Одамлар билан ишлаш илмий, яъни инсон руҳияти тўғрисидаги ва унинг у ёки бу вазиятда ўзини қандай тутишини прогнозлаш имконини берадиган аниқ билимларни талаб қилади. Илмий билимлар маиший турмушдаги билимлардан реал сабабларни исботлаш, тажрибада ва мантикий таҳлил йўли билан синаб кўриш учун қулайлиги билан ажралиб туради.

Психология - ҳаётининг фаолиятнинг алоҳида шакли бўлган психиканинг ривожланиш ва ҳаракатланиш қонуниятлари тўғрисидаги фан. Психика шахснинг атрофдаги ташқи дунё билан ўзаро таъсир жараёнида, ана шу дунёни тимсоллар, фикрлар, туйғулар ва хатти-ҳаракатлардаги инъикоси жараёнида вужудга келадиган субъектив оламидир. Бошқача айтганда, инсоннинг хулқ-атвори объектив дунёнинг унга таъсир этишига боғлиқ. Ташқи дунёни акс эттирар экан, инсон табиат ва жамиятнинг қонунларини билибгина қолмай, уларга ўз моддий ва маънавий эҳтиёжларини энг қулай тарзда қондириш мақсадида муайян таъсир ҳам ўтказиши.

XX аср психологияси ўз тадқиқотлари доирасини анчагина кенгайтирди. Ҳозирги замон психологлари инсоннинг шунчаки психикаси билан эмас, балки унинг ривожланиш ва емирилиш

Руҳий соғломлик ҳолати - меъриий ҳолат бўлиб, патология йўқлигини билдиради. Инсон руҳий жиҳатдан соғлом ёки носоғлом эканини билиш учун аввало, меъёр нима, патология нима эканини билиш лозим, яъни ҳазимиз муносабатда бўлаётган одам учун руҳий соғлом одам мезонини билишимиз керак (В. И. Слущкийга кўра):

Альтруистик ҳаётининг ўрнатилган ("Одамлар мен учун эмас, мен одамлар учун"). Фақат мана шундай ўрнатилган одамни бахтли қилиши мумкин.

Чидам, қийинчиликларни, оқирлик, маънавий ва жисмоний азоб-уқубатни енга билиш.

Ақл-идрок, қизиқувчанлик, фаоллик.

Жасурлик, қатъият, кучли ирода.

Киришимлилик, одамларга қизиқиш ва ҳурмат, элементар ахлоқий меъёрларга риоя қилиш.

Яратувчанликка интилиш, ривожланган ҳаёт, тасаввур, ижодга муваббат.

7. Озодликка муваббат, мустақил бўлишга интилиш.

конуниятлари, гуруҳ ва жамият психологияси билан шуғулланади.

Психологиянинг мустақил фан сифатида вужудга келиши, унинг вазифалари ва тақдир тафаккур ва воқеликнинг алоҳида кўриниши бўлган “ижтимоийликнинг” вужудга келиши билан боғлиқ. Психология фан сифатида “ижтимоий фаолият”, “фаровонлик”, “ижтимоий иш”, “ижтимоий хизматлар” ва ҳ.к. тушунчаларнинг ривожини билан параллел тарзда юз берди. Иجتимоийлик, айниқса, XX асрда психологик билимларнинг ҳам объектига айланди. “Иجتимоийлик” ҳодисасининг ривожланишида ҳам психология муҳим рол ўйнади. Психология одамларга ҳаётнинг сермазмун, аҳамиятли бўлишида, ўзларини намоён қилишда, ҳаётини муҳитни оптималлаштиришда, ҳаётини кучларни ривожлантиришда, муҳтожларга ёрдам беришда кўмаклашади.

Иجتимоий ишга ёндашувларнинг кўпчилиги ва уларнинг муқобиллари алоҳида оқимлар сифатида шаклланиш экан, одатда, у ёки бу психологик йўналишларга таянган эдилар. Масалан, психоанализ иجتимоий иш ташхис назариясининг асоси бўлди. Ташхис назарияси эса, ўз навбатида, индивидуал рухий-ижтимоий ишнинг вужудга келишида даракчи вазифасини бажарди.

Психологик билимлар иجتимоий ишга касбий ўргатишда таянч асос вазифасини бажаради.

---

## **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Психология ва иجتимоий иш илмий билиш соҳалари сифатида ўзаро қандай муносабатда бўлади?

Психологик билимларни ижтимоий ишда қўллаш кўлами қандай?

Ижтимоий хизматчи ва психологнинг лавозим вазифаларини қиёслаб кўринг.

---

## Вазият

*Оила олдида турган асосий муаммони аниқланг. Ёрдамнинг қандай шакллари ва усулларини таклиф қилишингиз мумкин? Шу оила билан олиб борадиган иш режасини тузинг.*

“Бундан бир неча йил аввал биз эрим билан болалар уйидаги бир қизчани фарзандликка олдик. Тез орада эрим вафот этди ва мен қизчани ёлғиз ўзим тарбияладим. Ҳамма нарса яхши кечаётган эди, бироқ ўтган йили Света қўшни аёлдан менинг ўз қизим эмаслигини билиб олди. Шу даврдан бошлаб ҳамма нарса чаппасига кетди. Қизим уйдан тез-тез кетиб қола бошлади, менга кулоқ солмай кўйди, бир куни ҳатто захар ҳам ичиб олди, реанимацияда оғир аҳволда ётди. Ҳозир қизим 14 ёшга кираяпти, еттинчи синфни тугатмоқда. Ўқиши ёмон, кўпинча дарсларни қолдириб туради, дискотекага қатнайди, чекади. Бизнинг қариндошларимиздан бирортасини ҳам тан олмайди. Уйга жуда кеч қайтади. Мен уни кутиб ухлай олмайман, ташвишланаман. Нима қилишим керак? Мана шундай муносабатда ва мана шундай нархлар бўлганда яшаш жуда қийин. Атрофимдагилар уни қиз қилиб олганим учун мени қоралашади, мен эса азобланмоқдаман. Муаммоларим қаршисида ёлғиз ўзимман, маслаҳатлашадиган ҳеч бир киши йўқ. Менинг аҳволимни ҳеч ким тушуна олмайди. Илтимос қиламан, ёрдам беринг!”

---

## Амалий топшириқлар

*Ижтимоий-психологик тренинг коммуникатив қобилиятларни ривожлантириш шакли сифатида.*

*Тренингларнинг турлари (коммуникатив, психокоррелятив, хизмат мулоқоти, бошқарув жамоаси).*

*Гуруҳдаги руҳий иқлимни ўрганиш.*

---

## **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

### ***“Менинг портретим гуруҳ кўз ўнгиди” машқи***

Олиб борувчи гуруҳ аъзоларига қуйидаги савол билан мурожаат қилади:

- Орангизда ўзининг психологик портретини кўришни истайдиганлар борми? Бу фақат ютуқлар ва камчиликларни сўзлар воситасида ифодаладиган портрет эмас, балки қиёфангизнинг қоғоздаги реал тасвири.

Одатда, ҳоҳловчилар топилади. Ҳоҳловчи аниқлангандан кейин, унга “харидоргир стул” таклиф қилар экан, олиб борувчи сўзида давом этади:

- Гуруҳнинг бошқа барча иштирокчилари рассомга айланишади. Ҳар бирингизнинг кўлингизда оқ қоғоз ва бир қути фломастер. Ҳар бирингиз болалигингизда одамларни тасвирлашга уриниб кўргансиз. Кимдадир бу уриниш муваффақиятли кечган, кимлардадир эса унчалик муваффақиятли бўлмаган.

Шу пайтда, кимдир расм чизишни мутлақо билмаслиги ва натуршиқни кўрқинчли портрет билан хафа қилишни исмаётганини айтади.

- Майли! Биз натуршиқимизнинг портретини реалистик анъаналар руҳида чизишга ҳаракат ҳам қилмаймиз. Ташқи ўхшашликка интилиш ҳам керак эмас. Аксинча, кўзлар, бурун, оғизни тўғри чизишга уринишдан, кийим

ранглирини ва соч турмакнинг тафсилотларини ифодалашга уринишдан воз кечамиз. Нима учун? Чунки, бундай ишни бажариш учун энг қулай восита - фотоаппарат. Биз эса ўз олдимизга бундан анча мураккаброқ ва қизиқарли вазифа қўйганмиз: ҳар биримиз ўз олдимизда ўтирган одамнинг айнан психологик портретини чизишимиз лозим. Бунинг учун бизнинг ихтиёримизга модернист рассомлар томонидан бериб қўйилган ягона тамойил: “Мен шундай кўраяпман!” тамойилидан фойдаланишимиз мумкин. Бизнинг суратларимиз майли мажозий маънога ва коса остидаги нимкосага эга бўлсин. Эҳтимол, сиз портретини чизаётган одамнинг ички дунёсини тушунишингиздаги ўзига хослик қалбингизда бир қатор ассоциациялар туғдирар ва уларда бу одамдаги муҳим нарса акс этар. Эҳтимол, сиз унинг руҳий қиёфасини қандайдир предмет сифатидаги, эҳтимол, қандайдир нақш, мавҳум чизгилар ёки рангли доғларнинг йиғиндиси сифатида кўрарсиз. Сиз учун ҳеч қандай чеклов йўқ, унинг ички дунёсини чизишда хоҳлаган усуллардан фойдаланишингиз мумкин. Фақатгина машқнинг охиригача сўзлашиш маън қилинишини ёдда тутинг.

Кичик паузадан сўнг олиб борувчи ўз монологини бироз пастрок, сокин оҳангда давом эттирар экан, тегишли кайфият, иштирокчиларда медитатив ижодий ҳолатни келтириб чиқаради. Шу ўринда медитатив мусиқа қўйиш ҳам мумкин, бироқ у “рассомлар”дан бирортасининг ички ҳолатига мос келмаслиги ва унинг “ички резонаторини” издан чиқариш хавфи бор.

- Энди олдингизда ўтирган одамга диққат билан назар ташланг, унинг сиртқи пўстлоғидан ўтиб ичкаридаги сезгир ва нозик унсур-инсон руҳи ичига кириб боринг. Бу одамда у қай аҳволда? Унинг бошқа одам руҳидан фарқи нимада? Бу одамни оламда ягона эканини белгилайдиган хусусиятлар нимада? Бу руҳнинг тимсолини ички назарингиз билан кўриб чиқинг. Бу руҳнинг мусиқасига кулоқ тутинг. Бу руҳнинг шакли ва кўринишини, материални ҳис қилинг. Унинг моҳиятини тушунинг... Ва кўрган нарсаларингизни қоғозга туширинг. Изланинг!



Расм чизиш 10-15 дақиқа давом этади. Олиб борувчи ишни ажратилган вақтдан бир дақиқа олдин якунлаш зарурлиги тўғрисида огоҳлантиради. Шундан сўнг, суратлар иштирокчиларнинг стулларига жойлаштирилади ва барча “рассомлар” “портретларни” биридан иккинчисига ўтиб томоша қилишади. Naturшик ҳам, албатта ўзининг ички қиёфаси тасвирларини кўриш имкониятига эга бўлади.

Аслида машқнинг асосий қисмини шу билан якунлаб, “портрет” чизиш жараёнидаги гуруҳ рефлексиясидаги ҳис-туйғулар муҳокамасига ўтиш мумкин. Муҳокамани турли усуллар билан ташкил қилиш мумкин, масалан: натуршик суратлардан ҳар бирини қўлига олиб улар ўзида қандай ҳис-туйғу уйғотаётгани тўғрисида гапирди, тасвирга талқин беради ва ўзининг “портрет”га қўшилиш ёки қўшилмаслигини баён қилади. “Рассом” муаллиф эса сурат тўғри тушунилгани ёки тушунилмаганини изоҳлайди ва ўзи суратда айнан нимани ифодаламоқчи бўлганини сўзлаб беради. Муҳокамани бошқачароқ ўтказиш ҳам мумкин: “рассомлар”, қўлларида “портретлар”ни тутиб доира бўйича ўз ижоди намунасини рефлексия қилади ва истаса унга изоҳ беради. Naturшик эса ахён-ахёнда савол бериши мумкин. Рефлексиядан сўнг ҳар бир “рассом” “портретни” унда тасвирланган шахсга совға қилади. Муҳокамани ҳис-туйғулар рефлексияси билан чеклаб, суратларга ҳея қандай изоҳлар бермаслик ҳам мумкин, бунда машқ қахрамонига хаёлот учун катта эркинлик берилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

*Арнольдov А.И.* Цивилизация грядущего столетия. Культурологические размышления. - М.: Грааль, 1997.

*Беличева С. А.* Основы превентивной психологии. – М., РИЦ Консорциума “Социальное здоровье России”, 1993.

*Вульфов Б. З., Иванов В. Д.* Основы педагогики в лекциях, ситуациях, первоисточниках: Учебное пособие. - М.: Изд-во УРАО, 1997.

*Григорьев С. И., Гусякова Л. Г., Ельчанинов В. А. и др.* Теория и методология социальной работы. - М.: Наука, 1994.

*Гусякова Л. Г., Кувшинникова В. А., Синцова Л. К.* Сборник задач и упражнений по социальной работе. - М.: Наука, 1994.

*Дружинин В. Н.* Психология семьи. – М.: КСП, 1996.

Теория и практика социальной работы: Отечественный и зарубежный опыт: В 2 т. / Под ред. Ярковой Т.Ф., Бочаровой В.Г.— М." Тула: Изд-во Ассоциации социальных педагогов и социальных работников РФ, 1993.

*Фридман Л.М., Кулагов И.Ю.* Психологический справочник учителя.- М.: Просвещение, 1991.

## **14-МАШҒУЛОТ**

### **ИЖТИМОЙ ИШ ВА ВАЛЕОЛОГИЯ**

---

*“Танага касалликни киритмасликнинг иложи бўлса, уни даволаш не ҳожат?”*

П. К. Иванов

Ижтимоий хизматчининг юқори профессионализи, мустаҳкам соғлиги, оилавий бахти, ижодий умрбоқийлиги, буларнинг бари унинг мутахассис сифатидаги ҳаётини ютуқлари асосидир.

Фақатгина яхши кайфиятга, оптимизмга, руҳий барқарорликка, юқори ақлий ва иш қобилиятига эга бўлган одамгина фаол турмуш кечириб, касбий ва маиший турмуш қийинчиликларини енгиб ўтишга лаёқатли бўлади. Инсоннинг ҳақиқий гўзаллиги жисмоний камолот, интеллект ва саломатликдир.

Инсон саломатлиги, аввало унинг руҳий ва жисмоний сифатлари, оптимал иш қобилияти ва ижтимоий фаоллигининг максимал ҳаёт давомийлигида сақланиш жараёнидир.

Агар инсон танасининг функционал имкониятлари, унинг ташқи муҳитдаги ноқулай омилларга нисбатан барқарорлиги бутун ҳаёт давомида ўзгариб туришини назарда тутсак, унда саломатлик ҳолатини яхшиланиб ёки ёмонлашиб турадиган, яъни заифлашиб ёки мустаҳкамланиб турадиган, шунингдек, ёш, жинс, касбий фаолият, яшаш муҳитига қараб ўзгариб турадиган динамик жараён деб айтиш мумкин.

Инсон саломатлиги биринчи навбатда уни белгилайдиган омилларга боғлиқ. Уларни схема тарзида ифодалайдиган бўлсак, унда қуйидаги 3 тушунчадан иборат шакл вужудга келади: инсоннинг биологик имкониятлари; ижтимоий муҳит; табиий иқлим шароитлари (Б.Н.Чумаковга кўра). Саломатликнинг биринчи даражали масаласи соғлом турмуш тарзи бўлиб, у аҳоли саломатлигини таъминлайдиган омиллар орасида 50-55 % улушга эга.

Экологик омилларнинг инсон саломатлигига ўтказадиган таъсири умуман барча таъсирларнинг 20-25 % ини ташкил қилади. 20 % ни эса биологик (ирсий) омиллар ва соғлиқни сақлаш тизими камчиликлари ва дефектлари зиммасига 10 % улуш тўғри келади. Бу маълумотлар саломатлик ҳолатининг модели сифатида у ёки бу омилларнинг саломатликка, алоҳида аҳоли гуруҳлари, минтақалар, алоҳида шахслар саломатлигига ўтказадиган таъсирни тадқиқ этиш бўйича ўтказилган изланишлар натижасини акс эттиради. Инсон саломатлиги ҳолатига таъсир ўтказадиган барча омилларни билиш саломатлик тўғрисидаги фан - валеологиянинг асосини ташкил этади.

Валеология (valeologia (лотинча соғ бўлиш)) - саломатлик тўғрисидаги фандир. Биринчи марта 1980 йилда И. И. Брехман томонидан таклиф этилган атама жуда долзарб, кенг миқёсли ва ҳозирги кунда ўзини бошқа одамлар билан ишлашга бағишлаган шахслар учун жуда зарур бўлган фанга айланиб бормоқда. Бу аввало, келажакдаги асосий меҳнат фаолиятлари миждозларни ўз соғлигини қандай сақлаш мумкинлиги ва кераклигига ўқитадиган, ўргатадиган, кўникма ва малакалар ҳосил қиладиган ижтимоий соҳа хизматчиларига тегишлидир.

Ҳозирги кунда Россия аҳолиси орасида ўлиш ва касалланиш, турмуш давомийлигининг қисқаришини ўрганиш Россия хавфсизлигига таҳдид туғдираётган аҳоли ўлими муаммосини умуммиллий даражадаги муаммога айлантирмоқда.

Россия аҳолисининг 70% дан ортиқроғи давомий психоэмоционал ва ижтимоий стресслар шароитида яшамокдаки, бу депрессиялар, психозлар, оғир неврозлар ва психосоматик бузилишлар, алкоголизм, гиёҳвандлик, ғайри-ижтимоий портлашларни келтириб чиқаради; алкоголизмнинг ўсиши, айниқса беқиёсдир. Аҳоли жон бошига алкогольли ичимликларни истеъмол қилиш XX асрнинг 90-йиллари биринчи ярмида 2 баравардан ортиқроқ ўсди ва бир кишига 13 литрни ташкил қилади (мутлақ алкогольга айлантириб

ҳисоблаганда). Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) андозаларига кўра, алкоголь истеъмол қилиш 8 литрга етганда вазият хавфли тус олади. Диспансер кузатувиغا олинган сурункали алкоголизм ва алкоголь психозларига гирифтор шахсларнинг миқдори 1995 йилда 1990 йилга нисбатан 5 баравар ўсди; атроф-муҳитнинг ифлосланиши эса, ЖССТ маълумотларига кўра, сайёрамиз аҳолисининг хасталикларидан 30 % ига сабаб бўлган. Айни пайтда Россияда РФ соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотларига кўра, аҳолининг деярли ярми гигиеник талабларга жавоб бермайдиган сув истеъмол қилади. Аёллар, болалар ва ўсмирлар ўртасида чекувчилар сони ортиб бормоқда, тамаки маҳсулотларининг сифати эса пасаймоқда, бу одамларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатиб, беморлар сони ортишига олиб келмоқда; юқумли касалликларнинг, айниқса, ижтимоий ноқулайликлар туфайли келиб чиқадиган касалликлар сони ошиб бораётгани чуқур ташвиш уйғотади. 1990 йилдан 1995 йилгача сил касали билан касалланиш 1,7 баравар, ўлим эса деярли 2 баравар ўсди, захм касалига мубтало бўлиш эса шу давр ичида 33,4 марта, ўсмирлар орасида эса 51 марта ўсди. ОИТС га мубтало бўлганлар сони эса ҳар йили бир неча баравар ортмоқда.

Мактабдаги ўқиш даврида таянч-ҳаракат аппарати хасталигига учраган болалар миқдори 1,5-2 марта, асабий касалликлар – 2 марта, аллергия касалликлар – 3 марта, кўз хасталиклари – 5 марта ўсди. Айниқса, ўқувчиларнинг саломатлиги масаласи янги типдаги мактаб (гимназиялар, коллежлар, лицейлар)да ҳаддан ташқари кўп ўқув юкламалари туфайли жуда ноқулай вазиятни вужудга келтирмоқда. Ўқув йилининг охирида гимназия ўқувчиларида гипертоник реакциялар миқдори 2 баравар ўсмоқда, артериал қон босимининг салбий ўзгаришлари 90 % ни, юқори асабийлашиш кўринишлари 55-83 %ни ташкил қилмоқда. Умумтаълим мактаби битирувчиларидан фақат 10 %и соғлом деб ҳисобланиши мумкин, 50 % и морфофункционал патологияга, 40 % и – сурункали касалликларга эга.

XX асрнинг 90-йиллари бошидан аҳоли ўлимининг кескин кўпайиши ҳозирги кунда Россиянинг ижтимоий-иқтисодий трансформацияси салбий оқибатлари билан боғлиқлигига ишорадир.

Вужудга келган вазиятнинг сабаблари турли-туман: мамлакатнинг XX аср тарихий ретроспективасидаги саноат ва мудофаа салоҳиятини ривожлантиришга ва ижтимоий соҳани қолдиқ тамойили асосида ривожлантиришга йўналтирилгани; аҳоли соғлигини ҳимоя қилишга етарли сарф-харажат қилинмаётгани; экологик вазиятнинг, айниқса саноат экологиясининг ёмонлашуви; Россия учун анъанавий бўлган жамият ва алоҳида шахсларнинг узоқ ва соғлом турмуш қадриятига менсимай қараши, аҳоли катта қисмининг чекиш, алкогольли ичимликларга ижобий муносабати, таълим тузилмаларида болалар ва ўсмирларнинг ҳаётни сақлашга йўналтирилган хулқ-атворини етарли тарбияламаслик, оммавий ахборот воситаларининг соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдаги салбий роли; аҳоли катта қисмининг турмуш сифати кескин ёмонлашуви (ишсизлик, маошларни, нафақаларни, болалар учун ёрдам пулини ўз вақтида тўламаслик, озиқ-овқат маҳсулотлари сифатининг ёмонлашуви, соғлиқни сақлаш, таълим, маданий хизматларга эришишнинг қийинлашиши) ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари билан боғлиқ.

Умрнинг давомийлиги бўйича Россия эркаклари дунёда 135-ўринни, аёллар эса – 100-ўринни эгаллайди. Ғарбий Европадаги эркаклар ва аёлларга нисбатан Россия эркаклари 15-17 йил, аёллар эса 7-10 йил кам умр кўради.

Россия аҳолиси орасида ўлимнинг ўта кўпайиши ва аҳоли соғлигининг ёмонлашуви олиб келган иқтисодий оқибатлар мамлакат меҳнат салоҳияти миқдорининг камайиши ва сифатининг пасайишидир. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолининг вақтидан аввал ўлиши ва ногиронлашуви оқибатида ялпи ички маҳсулотнинг анча қисми олинмай қолмоқда. Меҳнат ресурсларининг кексайиши, улар сафарбарлигининг пасайиши, меҳнат ресурсларига кексалар ва қариялар томонидан боқимандалик юкининг

ортиши ижтимоий таъминот ва меҳнатга лаёқатли бўлмаганларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ўсишига олиб келмоқда.

Мамлакатда аҳолининг ўлими кўпаяётгани оқибатида тўлиқсиз оилалар, бевалар, тул хотинлар, етим болалар сони ортиб бормоқда, бундай оилалардаги камбағаллик, ҳарбий хизматга чақирув ёшидаги шахслар миқдорининг камайиши, аҳолининг умуман камайиши ва зичлигининг пасайиши, айниқса чегара ҳудудларда, Узоқ Шарқ ва мамлакат жанубида, ўзлаштириш учун янги ҳудудларнинг танглиги ва кўшни мамлакатларда аҳолининг ортиқчалиги босими остида юз бермоқда.

Валеология соғлом турмуш тарзини, ҳар бир инсон учун сиҳат-саломатлик қадрияти ўсиб боришини тарғиб қилиш бўйича тадбирлар тизимини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши, касбий ўсиш ва меҳнат даромадлари нуқтаи назаридан ҳам хасталик зарарли эканини тушунтириши лозим.

Айнан мана шу нуқтаи назардан таълим муассасаларидаги болалар ва ёшлар ўртасида гигиеник тарбия ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, чекиш, алкоголизм ва гиёҳвандлик профилактикасига алоҳида эътибор қаратилади; билим юртлиридаги ҳаракатли ўйинлар, жисмоний тарбия, хореография ва шунга ўхшаш фанлар учун ажратилган ўқув соатлари кўпайтирилади.

Ижтимоий ишга валеологик ёндашув алкоголь истеъмол қилиш ва тамаки чекишнинг соғлиқка ўтказадиган салбий таъсиридан ҳимоя қилиш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини беради: алкогольли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини очик ва хуфя реклама қилишнинг барча турларини маън этиш; Россиядаги алкогольли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари бозори устидан давлатнинг ва жамоатчиликнинг самарали назоратини таъминлаш; аҳоли орасида, айниқса ёшлар орасида алкоголизм ва тамаки чекишнинг одамлар саломатлиги ва ҳаётига салбий таъсир ўтказиши тўғрисидаги тарғибот ишларини олиб бориш; алкогольли

ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари акциздан тушадиган даромадларнинг бир қисмини алкоголизм ва тамаки чекишнинг профилактикасига сарф қилиш; аҳоли соғлиғини сақлашга сарфланаётган харажатлар улушини ривожланган мамлакатлардаги даражага (ЯИМнинг 8-9 % ига) етказиш.

Давлат ва жамиятнинг ҳаракатларини ўзаро боғлиқ бўлган икки йўналишга жамлаш зарур. Биринчи йўналиш - аҳоли, ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарларида ҳаётни муҳофаза қилувчи ҳулқ-атвор амалиёти ва мафкурасини шакллантириш, шу йўналишдаги ижтимоий онгни ўзгартириш соғлом ва узоқ умр кўриш қадриятининг давлат ва алоҳида индивидлар қадриятлари тизимидаги ўрнини кўтариш. Иккинчи йўналиш - соғлиқни сақлаш тизимини аҳоли соғлиғини яхшилаш ва ўлимни камайтиришда максимал самара берадиган йўналишларини устивор молиялаштириш, бунда ЯИМдаги соғлиқни ҳимоя қилишга йўналтирилган харажатлар улушини жиддий кўпайтириш кўзда тутилиши лозим.

Ўлимни камайтириш чоралари орасида меҳнат шарт-шароитлари, атроф-муҳитнинг ҳолати устидан назоратни кучайтириш, йўл-транспорт шикастлари профилактикасига йўналтирилган тадбирларга эътиборни кучайтириш муҳим ўрин тутди.

Авариялар, ёнғинлар, бахтсиз ҳодисалар, табиий офатлар, йўл-транспорт ҳодисаларидан шикастланганларга тиббий тез ёрдам кўрсатувчи соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини фаолияти самарадорлигини ошириш зарур. Ҳокимият ва бошқарув органларининг, жамоат бирлашмалари ва аҳолининг биргаликдаги ҳаракати ёрдамидагина Россиядаги демографик танглик бартараф этилишини таъминлаш мумкин.

Юқори синф ўқувчилари ва талабалар учун ҳам валеологиядан хабардор бўлиш жуда муҳим. “Сурункали” тўйиб ухламаслик, меҳнат, овқатланиш режимининг бузилиши, турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган бошқа омиллардаги ўзгаришлар таъсирида асабий-руҳий таранглик ортиб боради.



Эмоционал ва интеллектуал тарангликлар (айниқса, имтиҳонлар даврида) туфайли бош миядаги ахборотларнинг ҳаддан ортиқ кўпайиб кетиши ахборот неврозлари, деб аталадиган хасталикни келтириб чиқаради.

Ақлий ва асабий ҳорғинлик оқибатида келиб чиқадиган бундай патологик ҳолатлар соматик ва вегетатив ўзгаришларни вужудга келтириши мумкин.

Асаб тизимидаги функционал тузилмалар заифлашуви билан боғлиқ бўлган ва кўп терлаш, кучсизлик, иштаҳанинг йўқолиши, тез чарчаш ва асабийлашиш кўринишларида юз берадиган бундай ўзгаришларни ҳар бир киши бошдан кечирган. Шунинг учун кўп ақлий меҳнат қилиш, вақтнинг етишмаслиги ҳаракат фаоллигининг чекланганлиги (ёқтирмаслик ёки ялқовлик туфайли) шароитида жисмоний тарбия ва спорт реабилитация ва (ёшлар учун) оптимал бўлган психофизиологик ҳолатни тиклар экан, сўзсиз профилактик аҳамиятга молик бўлади.

Ўз организмини билиш, унинг ҳаракатларини стимуллашга ўрганиш, асаб-мушак таранглигини, психоэмоционал ҳорғинликни бартараф эта билиш - валеологиянинг вазифалари ана шулардан иборат.

Турли тадқиқотлар реабилитация қилувчи, тикловчи тадбирлар тизимини мақсадга йўналтирилган ҳолда қўллаган одамларда хасталикка чалинишнинг камайиши, жисмоний иш қобилияти ва интеллектуал имкониятлари юксалишини кўрсатди. Ижтимоий ишда бир қатор валеология усуллари қўлланилади, улар орасида энг кўп тарқалгани асаб-мушак таранглигини енгишга кўмаклашадиган аутоген машқ ҳисобланади.

---

## **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Валеология нима?

Валеология ижтимоий иш ривожига қандай таъсир ўтказади?

Ижтимоий ишда валеологиянинг қайси усулларидадан фойдаланилади?

## **Вазият**

*Сизнинг минтақангизда дори воситаларини имтиёзли тақсимлаш муаммоси қай ҳолатда? Қайси ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар бу жараёни тартибга солиб туради? Ўрнидан тура олмайдиган беморларга дори-дармон воситалари етказиб беришни ким ва қандай назорат қилади? Бу муаммони ҳал қилишда волонтерлар қандай ёрдам бериши мумкин?*

Москва вилояти маъмуриятининг бошлиғи чиқарган буйруққа кўра, қандли диабет, сил, онкологик хасталиклар, рухий касалликлар ва гемофилияни даволаш учун тиббий препаратлар сотиб олиш учун бюджетдан махсус маблағлар ажратилган. Энди Москва атрофидаги дорихоналарга фуқароларнинг имтиёзли тоифалари учун белгиланган зарур дори-дармонлар узлуксиз келиб туради.

Авваллари имтиёзли одамларга мутлақо бепул тарқатилиши лозим бўлган бундай дори-дармонлар маҳаллий ҳокимият маблағлари ҳисобига сотиб олинар эди, улар эса ҳар доим ҳам дорихоналар билан ҳисоб-китоб қилишга имконият топа олмас эдилар. Бунинг оқибатида ўзларига тегишли бўлган маблағни ола олмаган дорихоналар ҳаётий муҳим дори-дармонлар ассортиментини қисқартиришни афзал кўрардилар.

Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчидан сотувчига медикаментларни етказиб бериш схемаси анча соддалаштирилган. Авваллари кўп дори-дармонларнинг қиймати олиб-сотувчиларнинг узун тармоғи ва турлича устама харажатлар туфайли бирнеча баравар ошиб кетар эди. Маҳаллий ҳокимиятлар, жумладан, мана шу сабаб туфайли дорихоналар билан тиббий препаратлар учун вақтида ҳисоб-китоб қилиша олмас, имтиёзлилар эса ўзларига тегишли дори воситаларини ола олмас эдилар. Энди Москва атрофидаги поликлиникаларнинг кўпчилигида дорихона киосклари очилади,

уларга медикаментлар бевосита ишлаб чиқарувчидан етказиб келинади, уларнинг нархлари эса анчагина паст бўлади.

## **Амалий топшириқлар**

*Ижтимоий ишининг валеологик жиҳатлари*

**М а қ с а д л а р :** инсон танаси тўғрисидаги билимларни мустаҳкамлаш; жисмоний жиҳатдан ўзини-ўзи мукаммаллаштириш кўникма ва малакаларини эгаллаш; аҳолининг турли ёшдаги гуруҳлари орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш.

Амалиёт ўташ режасини тузиш ва уни яқунлаш. Юқори синф ўқувчилари орасида “саломатлик маданияти” мавзуида сўров (сухбат, интервью, анкета сўрови) ўтказиш.

Соғлом турмуш тарзига бағишланган (20 соатлик) машғулотлар курсини ишлаб чиқиш ва ўсмирлар учун саломатлик дарси ўтказиш.

Кичик мактаб ёшидаги болалар учун “жисмоний тарбия дақиқалари” рўйхатини тузиш ва бошланғич мактаб педагоглари билан очик дарс ўтказиш.

Қаровга муҳтож одамлар билан восийлик иши олиб бориш.

Энг содда таом ва пишириқлар тайёрлаш.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

*Гуслякова Л.Г., Кувшинникова В.А., Синцова Л.К.* Сборник задач и упражнений по социальной работе. –М.: Наука, 1994.

Информационный бюллетень Комиссии по вопросам женщин, семьи и демографии при Президенте Российской Федерации. – 1998. - Вып. 2.

Основы социальной работы: Учебник / Отв. ред. П.Д.Павленок.- М.: ИНФРА-М, 1997.

Социальная защита человека: региональные модели/ Под.ред. В. Г. Бочаровой, М. П. Гурьяновой. – М.: Изд-во АСОРИР РФ, 1995.

Теория и методика социальной работы: в 2 ч. / Под ред. И Г. Зайнышева.— М.: МГСУ, 1994.

*Чумаков Б.Н.* Валеология: избранные лекции. – М.: Российское педагогическое агентство, 1997.

## 15-МАШҒУЛОТ

### ИЖТИМОЙ ИШ ВА КОНФЛИКТОЛОГИЯ

---

“Улар қандайдир жуда мураккаб ва муҳим нарса тўғрисида тортишишди, лекин ҳеч қайси бири иккинчисини енга олмади. Улар ҳеч бир масалада бир-бирининг фикрига қўшилмади, шу туфайли уларнинг тортишуви жуда қизиқ ва интихосиз бўлди”.

М. Булгаков

“Бир-бирларини тушунмаганликлари учун тортиша бошлайдилар, ўзаро тортишаётганлари учун бир-бирларини тушунмайдилар”.

П. Буаст

Ижтимоий иш мутахассиси учун инсонларнинг ўзаро муносабатларида ҳеч қандай сир йўқ. У икки давлат ўртасида нима учун уруш бўлаётганини ва ўртоғи хотини билан нима учун жанжаллашганини яхши тушунади, чунки, Монтен айтганидай, давлатлар ўртасидаги ва қўшнилар ўртасидаги урушларнинг асосида айнан бир хил сабаблар ётади.

Конфликтология деб, ижтимоий низолар, уларнинг сабаблари ва оқибатлари, шаклланиш, давом этиш ва ҳал қилиш мурватлари, уларни оптималлаштириш усуллари тўғрисидаги нисбатан мустақил бўлган фан соҳасига айтилади. Фаннинг бу соҳаси XX асрнинг 70-йилларида социология, ижтимоий психология, менежмент, ижтимоий иш, педагогика ва сиёсатшунослик фанларининг туташ нуқтасида пайдо бўлди. У шахснинг ички низоларидан то инқилоблар ва давлатлар ўртасидаги урушларгача

бўлган жанжалларнинг умумий ва ўзига хос қонуниятлари тўғрисида билим берар экан, инсонлар билан ишлайдиган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишда иштирок этадиган одамлар, шу жумладан, ижтимоий хизматчилар учун ҳам фойдалидир.

Конфликтология ички низоларнинг барча турлари ва шакллари, улар ўртасидаги умумий қонуниятларни ўрганеди, ижтимоий иш эса, аввало шахснинг ичидаги, шахслар ўртасидаги, шахс ва гуруҳ ўртасидаги низоларни ўрганеди. Конфликтология жуда кўп фанлар билан ўзаро боғланган: у сиёсатшунослик билан бирга этнослараро, партияларнинг ичидаги, партиялар ўртасидаги ва бошқа низоларни ўрганеди; менежмент билан биргаликда эса, ташкилий (жамоа ичидаги ва жамоалар ўртасидаги) низоларни ўрганеди. Ҳозирги замон жамиятшунослиги ва инсоншунослиги бўлимларининг кўпчилиги конфликтология назариялари ёрдамида ёритилган.

Бутун эътимомиз — низолардан: атрофдагилар билан, табиат билан, вазият билан, ҳзимиз билан низолардан иборат. Низо маданияти оуидагиларни оамраб олади:

1) низоли вазиятни кенгайтириш эмас, торайтиришга эаракат олиб, фаот низо предмети тўрисида сўз юритиш;

2) хафа олиладиган танбеэлар, мурожаатлар, сўкинишларга йёл оймаклик;

3) фаотгина ҳзининг нуотай назарини баён олишга интилмай, ҳзгани тушунишга эам интилиш;

4) айнан битта вазиятни турлича одамлар турлича англаши ва эис олишини унутмаслик, шунинг учун хотираларни эшлашда низо олиувчи томонларнинг “тувоэлик кўрсатмалари” жиддий фаро олиаетган бўлса эам бир-бирларини “ёлончиликда” айбламасдан, яхшиси тафовутларнинг сабабини аниолашга интилиш, ээтимол низонинг эаоий сабаби мана шундадир;

5) конструктив ёндашишга интилиш, низо сабабини шу йёл билан бартараф этишнинг ээтимолли кўпроо;

6) низога зарур бўлмаса учинчи шахсларни жалб этмаслик: биринчидан, улар асабийлашиш ва уялишни келтириб чиоаради, иккинчидан, уларнинг фикри эар доим холис бўлавермайди;

7) ҳзининг ноэалигини тан ола билиш;

8) агар низо олдиндан маълум сабабга кўра, вужудга келса, уни кечроо муддатга “кўчириш” эаоида келишиб олиш мумкин; Бундай эолларда, одатда, ээтирослар совийди ва тортишув жараёни анча тинч ётади;

9) эеч андай эолда низога болаларни жалб этмаслик.

Келишмовчилик принципиал асосга таянадиган бўлса, уларни эар доим эам эал олиб бўлмайди. Бундан ташоари, ичкиликбозлик, осполлик, эаооратлар ва айниоса, муштумзёрликка нисбатан кечиримли бўлиш мумкин эмас.

Ижтимоий иш шахс ва муҳит ўртасидаги (социум ва микросоциум ўртасидаги мавжуд бўлган ва келиб чиқиши мумкин бўлган низоларни), одамнинг бошқа одамлар билан бўлган ва низоли хусусиятлар, демак, унинг ўзи учун ҳам, атрофдагилар учун ҳам муҳим бўлган ўзаро муносабатларини ўрганади.

Ҳозирги кундаги Россия дунёдаги энг низоли мамлакатлардан биридир. Ижтимоий низолар барча ижтимоий институтлар ва гуруҳлар фаолиятининг хусусиятларини белгилайди, ижтимоий муносабатларга тубдан янгича хусусиятлар бахш этади. Ижтимоий хизматчилар аҳолининг кескин низоли тоифалари (ногиронлар, нафақахўрлар, ишсизлар, қочқинлар ва ҳ.к.) билан иш юритади ва улар ижтимоий тарангликни юмшатишга кўмаклашишлари лозим. Шундай қилиб, ижтимоий иш фанининг мазмуни, объекти, предмети, категориялари ва бошқа илмий атрибутлари конфликтологик хусусиятларсиз тасаввур қилиниши ҳам мумкин эмас. Акс ҳолда унинг реал ижтимоий талаблардан узилиб қолиши, у бажарадиган функция ва вазифалар талқинида бузилишлар юз бериши мумкин.

Ижтимоий ишнинг назарий-методологик муаммоларини конфликтологик нуқтаи назардан кўриб чиқишни инкор этиш унинг талқинларидаги бирёқламаликка олиб келади. Масалан, ижтимоий ишни кўпинча хайрия ишлари, меҳрибонлик, ижтимоий тиббиёт ва унинг бошқа кўринишлари билан тенглаштиришади.

Ижтимоий ишда қуйидаги манфаатларнинг учрашуви юз беради: ижтимоий хизматчи ва миждоз манфаатлари; алоҳида миждоз ва бошқа одамлар манфаатлари; миждозлар гуруҳи; миждозлар гуруҳи ва жамиятнинг бошқа қисми манфаатлари; муассасалар тизими ва миждозлар гуруҳи манфаатлари; кузатувчи (муассаса) ва ижтимоий хизматчилар тизими; профессионалларнинг турли гуруҳлари манфаатлари.

Ижтимоий ишдаги низо сифатида мутахассиснинг шахсий ва касбий кадриятлари ўртасидаги номутаносиблик ҳам кўрилиши мумкин. Оилавий

хизматдаги амалий хизматчининг, айтайлик, абортларга қарши бўлган хизматчи билан шу масалани ёш ҳомиладор киз билан муҳокама қилиш жараёнида қийинчиликлар келиб чиқиши мумкин. Ҳозирги замон тиббиётининг имкониятларини яхши англайдиган клиникадаги ижтимоий хизматчи диний сабабларга кўра ҳаётини сақлаб қолиши мумкин бўлган қон қўйишга қаршилик кўрсатаётган пациентнинг ўзи ҳал қилиши ҳуқуқи билан тўқнашиши мумкин. Ҳар бир алоҳида ҳолатда ижтимоий хизматчи мижоз олдидаги, иш берувчи олдидаги, касби олдидаги, жамият олдидаги мажбуриятларини тарозига солиб кўриши, шундан кейингина қарор қабул қилиши лозим.

Ижтимоий ишнинг баъзи усуллари, масалан, “социодрама” ва “психодрама” сингарилар низоларга тўлиб-тошиб ётади, чунки уларнинг моҳияти ҳаётдаги низоли вазиятларни стихияли ташкил этилган сахналарда ўйнашдан иборат.

Ҳар қандай низо муайян тузилма, соҳа ва динамикага эга. Низоли вазиятнинг тузилмаси иштирокчиларнинг ички ва ташқи мавқеларига, уларнинг ўзаро таъсири ва низо объектига боғлиқ. Иштирокчиларнинг ички мавқеида мақсадлар, манфаатлар ва мотивлар ажратиб кўрсатилади; бу мавқе низоли вазиятга бевосита таъсир ўтказади, бироқ у “кадр ортида” бўлади, кўпинча у низо жараёнида тилга олинмайди. Ташқи мавқе эса низога киришганларнинг нутқида, фикрларида, нуқтаи назарларида, истакларида намоён бўлади. Низо соҳаси ишга ёки шахсиятга алоқадор бўлиши мумкин. Низонинг хизмат соҳасидан четга чиқиши ва шахсиятли низога айланишининг олдини олишга интилиш лозим. Низонинг тадрижи уч босқичдан ташкил топади: ўсиш; намоён бўлиш; пасайиш. Низони ҳал қилишнинг энг қулай пайти пайдо бўлиш босқичидир. Низони “блокировка” қилишнинг энг самарали усули уни коммуникатив аснодан предметли-фаолият асносига кўчиришдир.



Ижтимоий низолар шундай сифат ва миқдор кўрсаткичларига эришдики, энди ижтимоий портлаш ва жамиятимизнинг вайрон бўлиш эҳтимоли вужудга келди. Шунинг учун ижтимоий иш муаммоларини конфликтологик таҳлил қилиш долзарб ва жуда муҳимдир.

---

## **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Халқаро, миллатлараро, динлараро, давлатлараро ижтимоий низолар таркибига доимо шахсий, одамлар орасидаги низолар ҳам қўшилган бўлади. Ўзи билан ўзининг низоси кам учрайдиган ҳолми? Сизнинг фикрингизча, улардан қайси бирини ҳал қилиш қийинроқ?

Сизнинг фикрингизча, одамлар ҳеч қандай низоларсиз ҳамжамиятда турмуш кечиришлари мумкинми? Низосизлик бўлиши мумкинми? Тортишувда ким ҳақлиги аниқланадими ёки ҳақиқат? Авлодлар ўртасидаги низолар объектив заруриятми ёки бизнинг умумий тарбиясизлигимиз маҳсулими? Низога кўпроқ қайси ҳолатлар олиб келади: турлича қарашларми ёки турлича вазиятлар?

Бизнинг ҳаётимизда турлича низолар оз бўлмаган. Сиз улардан қайси бири билан фахрланасиз (агар шундай сўзни ишлатиш мумкин бўлса)? Қайсиларидан ҳижолатдасиз? Сиз нимани афзал кўрасиз: бошқа одамлар билан вужудга келиши мумкин бўлган низони четлаб ўтишними ёки уни “ғалабагача” олиб боришними?

Ижтимоий иш моҳиятини англашга конфликтологик ёндашувнинг фойдасига хизмат қиладиган барча далилларни санаб ўтинг.

Амалий фаолият олиб бораётган ижтимоий хизматчи учун қандай конфликтологик билимлар зарур?

---

### **Амалий топширик**

*(“Ижтимоий педагогика ва ижтимоий иш асослари” ўқув қўлланмаси (тузувчи А. В. Пяненко) материалларидан фойдаланилди).*

*Нижний Новгород шаҳрида жиноятчилик даражаси бу шаҳардан бор-йўзи 40 км масофада жойлашган Дзержинск шаҳридагига нисбатан нима учун анча кам?-саволига мутахассислар жавоб беришида фойдаланган маълумотларни таҳлил қилинг. Бу маълумотларни ўз микрорайонингизга нисбатан ҳам қўланг. Ташкилий жиноятчилик билан қандай кураш олиб бориш лозим? Унда ижтимоий хизматчининг роли қандай?*

<p><b>Нижний Новгород</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- тарихий марказ;</li> <li>- инфратузилма, ҳордик чиқариш соҳаси юксак даражада ривожланган;</li> <li>- узоқ тарихга эга анъаналари бўлган порт шаҳри;</li> <li>- минтақалараро иқтисодий ва маданий алоқаларнинг кенглиги;</li> <li>- авлодларнинг табиий алмашинуви, чекланган демографик тараккиёт;</li> <li>- талабалар ва интеллигенция вакиллари сонининг кўплиги;</li> <li>- аҳолида руҳий хасталиклар даражаси ўртача;</li> <li>- ғаразли жиноятлар кўпроқ;</li> <li>- яхши ташкил этилган мафия, йирик миқёсдаги лидерлар мавжуд.</li> </ul>	<p><b>Дзержинск</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ёш саноат шаҳри, 50-йилларда химиклар томонидан қурилган;</li> <li>- маданий ҳордик чиқариш паст даражада;</li> <li>- бундай анъаналарнинг йўқлиги;</li> <li>- бундай алоқалар мавжуд эмас;</li> <li>- демографик ривожланишнинг тасодифийлиги, туб жой аҳолининг йўқлиги, ўсмирларнинг оталари ва боболари кўпинча жинойий ўтмишга эга;</li> <li>- талабалар ва зиёлилар оз;</li> <li>- аҳоли орасида руҳий хасталиклар даражаси юқори;</li> <li>- жиноятларнинг асосий тури - безорилик;</li> <li>- мамлакат миқёсидаги лидерлар йўқ.</li> </ul>
--	---

---

## **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

### ***“Ўзгарувчан мавқели суҳбат” машқи***

Баён қилинаётган машқ бўлғуси ижтимоий соҳа хизматчисига кўпинча ташқи низоларнинг асосий сабаби бўладиган ички низоларни хал қилишга ўргатади. Бу машқни бажариш учун қандайдир жиддий ҳаётий

муаммоларни олиш шарт эмас. Биринчи сафар (вазифа машқни намойиш қилишдан иборат бўлганда) ўртача мураккаблик ва ўртача муҳимликдаги вазият билан чегараланса бўлади. Бундай усулнинг бошқа баъзи усуллардан фарқи шундаки, қатнашчилар кўпчилик олдида ўзларининг муаммолари тўғрисида сўзлаб ўтирмайдилар, чунки машқ яқка тартиб ўтказилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

*Григорьев С. И., Гусякова Л. Г., Ельчанинов В. Л. и др.* Теория и методология социальной работы.— М.: Наука. 1994.

*Дружинин В. Н.* Психология в семье. — М.: КСП, 1996.

*Доэл М, Шадлоу С.* Практика социальной работы / Пер. с англ. яз. под ред. Б. Ю. Шапиро.— М.: Аспект Пресс, 1995.

*Мудрик А. В.* Социальная педагогика.- М.: Изд-во МПГУ, 1990.

Основы конфликтологии: Учебное пособие / Отв. ред. В. Н. Кудрявцева. - М.: Юристъ, 1997.

Основы социальной работы: Учебник / Отв. ред. П.Д. Павленок.— М.: ИНФРА-М, 1997.

Справочное пособие по социальной работе / Под ред. А. М. Панова, Е. И. Холостовой.— М.: Юристъ, 1997.

## 16-МАШҒУЛОТ

### ИЖТИМОЙ ИШ ВА ИЖТИМОЙ ИНФОРМАТИКА

---

“Аниқ фанлар шундай аталишига сабаб уларнинг аниқлиги эмас, балки бу фанлар бўйича олимлар ўз фикрларининг аниқ эмаслик даражасини билишларида”.

А. А. Любишев

“Биз ҳали ҳам жуда автоматлармиз, ёки автоматлар унчалик мукамал эмас”.

В. Л. Леви

Ижтимоий информатика ахборот тизимларининг турли амалий соҳалари: персонални бошқариш, муайян вазиятларда иш юритиш, муассаса жамоалари маданиятини ривожлантириш, беморларга турар жойларда қараш, оналар учун таътилларни режалаштириш, танглик ҳолатларига аралашув дастурларини тузиш ва бошқаларда қўлланилади.

Ижтимоий ишдаги ахборот хизматлари турлича, яъни ахборот, маслаҳат, маълумотнома, ҳуқуқий кўмак, ахборотни сақлаш ва узатиш, миждозлар танлаш, тест ёки социологик тадқиқот натижаларини қайта ишлаш ва талқин қилиш, ахборот манбаларига кириш, касбий тайёргарлик, ёрдамчи хизматлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Ижтимоий хизматлар томонидан аҳолига компьютер техникаси воситасида кўрсатилаётган ва моҳиятига кўра кўплаб ташқи хизмат тизимларини ўзаро боғлаб турадиган ахборот-маълумот хизматлари ҳамма учун очиқ ва мурожаат усули (ёзма, телефон орқали, шахсий учрашувда ёки автомат жавоб берувчи воситасидаги мулоқот)дан қатъий назар, бепул бўлиши лозим.

Бундан ташқари ахборот-маълумот хизматлари тизими режалаштирувчи, сиёсий ва тадқиқот мурвати бўлиб, у тамойилни аниқлаш, камчиликлар, кўрсатилаётган хизматларнинг ноадекватлиги ва самарасизлигини кўрсатиш қобилиятига эгадир.

Ижтимоий информатика ахборот технологияларига нисбатан билимлар, кўникма ва мавқелар бирлиги бўлиб, бўлғуси касбда ўқувчилар ундан фойдаланишига тўғри келади.

Ижтимоий информатика компьютерни ўрганиш ёки компьютерда ишлаш малакаларини ўрганиш билан чекланмайди, ижтимоий информатика ахборот тўғрисидаги фандир. Ижтимоий ишлар ахборот сўров воситасида тўпланди ва компьютерда қайта ишлаб чиқилади, ёки яна ҳам эҳтимоллироғи шундаки, алоҳида мижозни ўрганиш орқали олинади. Видеотехника ёрдамида маълумотлар тўплаш алоҳида шахсга нисбатан ўтказилган текширишлар ҳақида ҳисоботга қўшимча материални таъминловчи жуда фойдали восита.

Ижтимоий хизматчининг касбий фаолияти видеотехника ёрдамида жуда самарали ўрганилиши мумкин. Видеокамера ёрдамида осонлик билан муҳраб кўйиш мумкин бўлган реал хулқ-атвор ижтимоий хизматчи ва мижоз ўртасидаги барча муносабатлар тизимини ривожлантириш учун яхши йўналиш вазифасини бажаради.

Бироқ, ижтимоий соҳага технологик янгиликлар тадбиқ этилаётган даврда бойлар ва камбағаллар ўртасидаги тенгсизлик кучайиб бораётган бўлса, янги технологияларни биринчи бўлиб идрок қилаётганлар жамиятнинг юқори қатламларига хос эканликларидан ажабланмаса ҳам бўлади. Ижтимоий тузилманинг энг қуйи қисмида жойлашган шахслар бундай технологияларнинг маҳсулотларидан ҳеч қачон фойдалана олмасликлари мумкинлигига ҳам ажабланмаслик керак. Ачинарли воқелик шундан иборатки, энг камбағал ва энг оз маълумотга эга бўлган, янги технологияларга энг кўп эҳтиёж сезаётган одамлар унга ҳеч қачон етиша

олмасликлари эҳтимоли жуда юқори. Ижтимоий ишда ахборот ёки компьютер технологияларидан фойдаланишга оид адабиётларга шунчаки кўз югуртириш уларнинг асосий кўпчилиги компьютер технологияларида дастурлар ва бошқа ахборот тизимлари билан ишлаш, янги технологияларни хизматчилар ва талабаларни менежментга ва бошқа касбий кўникмаларга ўргатишда қўлланишдан, ҳамкасабалар билан мулоқотда фойдаланишдан иборат эканини кўрсатади. Мижозлар компьютер технологиясидан қандай фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги мақолалар оз, ҳуқуқ ва ахборот демократияси ҳақидаги мақолалар эса ундан ҳам оз. Компьютерларга ва дастурларга киришнинг эркинлиги ахборот демократиясининг зарурий қисмидир, бироқ афтидан, унинг ўзи етарли эмас. Янги технологиялардан, айниқса улар мураккаб бўлса, фойдаланишга ўргатиш ижтимоий муваффақиятнинг муҳим таркибий қисмидир.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни бошқариш органларида компьютер техникасидан фойдаланиш уларнинг иш сифатини яхшилаш, мижозларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишда вақтни иқтисод қилиш имконини беради. Масалан, Москвада қуйидаги компьютерлаштирилган ахборот тизимлари ишлаб турибди: “Имтиёзлар-маълумотномалар”, улар фуқароларнинг алоҳида тоифаларига бериладиган имтиёзлар тўғрисида маълумот олиш имконини беради; “мурожаат-ҳисоб-китоб” тизими фуқароларнинг нафақа, имтиёзлар, ижтимоий-маиший хизмат масалалари бўйича ёзма мурожаатлари ҳақидаги маълумотларни жамлайди; “архив” – вафот этган, чет элга кетиб қолган, турар жойини ўзгартирган, нафақанинг бошқа турига ўтган нафақахўрларнинг фамилиялари ва манзиллари тўғрисидаги маълумотларни жамлайди; “нафақахўр – нақлийёт” – ногиронларни транспорт воситалари билан таъминлаш, транспорт хизмати ва бензин учун компенсациялар бериш ҳақидаги маълумотларни ифодалайди; “нафақахўр - маълумотнома” – нафақа ёки ёрдам пулларининг, компенсация тўловларининг миқдори ҳақида ахборот олиш имконини беради.

Ижтимоий ишга ўргатишнинг ҳозирги Россия тизими энг янги ахборот технологиялари (компьютерлар, видео, оммавий ахборот воситалари)дан фойдаланиш истагини ҳосил қилмайди, бу педагогларнинг улардан кўрқиши туфайли эмас, балки бу воситалардан самарали фойдаланиш қобилиятлари мавжудлигига ишонмаслик туфайли вужудга келади.

Молиявий ва инсоний ресурсларни кўплаб харажат қилиш орқали юз берса ҳам, ахборот технологияларидан фойдаланиб ёндашиш таълим жараёнини индивидуаллаштиришга, бутун ўқув курси жараёнида ўқувчиларнинг фаол иштирок этишига ёрдам беради.

Ижтимоий хизматчиларнинг ахборот технологияларидан фойдаланишга қаршилик кўрсатиш ҳоллари мавжудлигини эътироф ва бартараф этиш, бу воситалардан фойдаланиш ахлоқий мезонлари ва конфиденциаллиги ҳимоясини таъминлаш ҳам зарур.

---

## **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Ижтимоий хизматчига замонавий ахборот технологиялари нима учун зарур?

Қандай қилиб компьютер технологияларининг ҳамма учун очиқлигини таъминлаш мумкин?

Ижтимоий хизматчи фаолияти самарадорлигини бегилайдиган қандай мезонларни сиз алоҳида кўрсатган бўлар эдингиз?

---

## **Вазият**



“Мана бир неча йилдирки, мени бахтсизликлар таъқиб этмоқда - олдин эрим фожиали ҳалок бўлди, ҳали ўзимга келиб улгурмаган ҳам эдимки, отам ва онам бирин-кетин қаттиқ бетоб бўлиб қолишди ва ҳаётдан кўз юмишди. Биз кичкина қизчам билан ёлғиз қолдик. Қизим жиддий хасталикка йўлиққан ва биз уни даволаш учун бошқа мамлакатга кетишимиз зарур. У ерда бизнинг қариндошларимиз бор, улар ўз мамлакатларида бизни доимий турар жой билан таъминлашлари мумкин. Фуқаролик тўғрисидаги масала ҳам кўп ўтмай ҳал бўлади. Бироқ, мушкуллик шундаки, даволаш учун зудлик билан катта миқдордаги пул топишим керак. Бунча пулни оладиган жой йўқ. Эҳтимол хонадонимни сотиш керакдир? Бироқ, ҳозирча биз шу хонадон рўйхатидан ўтганимизни сақлаб туришимиз зарур. Бизга ёрдам бериши мумкин бўлган ташкилотлар борми? Нима қилайлик, маслаҳат беринг”.

---

### **Амалий топшириқ**

Компьютер билан ишлаш: энг янги компьютер дастурларини, жамлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишни, интернетга чиқишни ўрганиш.

---

### **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

#### *“Ижтимоий шахматлар” машқи*

Сиз шахмат ўйнашни севасизми? Орангизда ҳатто гроссмейстер билан ҳам баҳслаша оладиган ажойиб ўйинчилар топилса керак. Яхши, унда сиз билан ҳозир шахмат ўйнаймиз ... Сиз ҳайрон бўлманг, шахмат тахталарини излаб атрофга алангламанг. Бизга улар керак бўлмайди, чунки бизнинг шахматларимиз мутлақо бошқача. Бундай шахматларни фақатгина бизнинг машғулотларимизда ўйнаш мумкин. Айтгандай, бунинг учун шахмат

доналари қандай ҳаракатланишини билиш ҳам зарур эмас. Сизларнинг барингиз шахмат доналарига айланасиз. Ҳар бирингиз столда ётган карточкалардан бирини оласиз ва унда ёзилган шахмат донаси номини ва рангини ўқийсиз, масалан, “қора рух” ёки “оқ фарзин”. Карточкани кўрсатиш ва сиз қандай шахмат донаси эканингизни бирор кишига айтишингиз мумкин эмас.

Гуруҳ аъзолари навбатма-навбат карточкалардан олишади. Олдиндан партия бошида шахмат доналарининг жойлашиши кўрсатилган плакатни тайёрлаб қўйса яхши бўлади. Роллар тақсимлангандан кейин йўриқнома давом этади.

Бизнинг хонамиз шахмат тахтасига айланади. Унда доналарни худди ўйин бошланишида бўладигани сингари жойлаштириш лозим. Доналарни тахтага тўла жойлаштириш ҳақида ҳеч қандай билимга эга бўлмаганларнинг плакатга мурожаат қилишларини сўрайман. Сизнинг вазифангиз тегишли тартибда ва имконият борида тезроқ жойлашиб олиш. Бошқача айтганда, ҳар бир киши чекига тушган рол бўйича дўстлари орасида ўз ўрнини топиши керак. Қайси доналар – оқларми ёки қоралар тезроқ ва хатосиз сафга тизилишади. Мен хонамизнинг қайси томони оқлар, қайси томони қора доналар томонидан эгалланишини ҳам айтмайман. Буни сизлар ўзларингиз ўзаро келишиб ҳал қилинг. Сиздан қоидаларга аниқ риоя қилиш талаб этилади. Улар нималардан иборат? Энг муҳими, сиз бир-бирингиз билан фақат новербал тарзда мулоқот қилишингиз мумкин. Қоғозда ёки ҳавода сизни ифодалайдиган дона ёки рангни билдирадиган сўзларни ёзиб кўрсатиш маън қилинади. Ўзингизнинг рангингизни ифодалайдиган оқ ёки қора предметларни кўрсатиш ҳам мумкин эмас. Барча нарса тушунарли бўлса, унда бошладик!

Иштирокчилар олдида турган вазифалар унчалик осон эмас. Бир томондан қараганда, жамоалар ўртасида мусобақа кетмоқда, иккинчи томондан эса, иштирокчиларнинг ҳеч бири ўз жамоаси аъзоларидан

бирортасини ҳам билмайди. Ўйин иштирокчилари вазиятни ва шериклари билан мулоқотни ҳал қилиш учун қандай усулларни ўйлаб топаётганларини кузатиш фавқулудда қизиқ. Имконият бўлса, юз бераётган воқеаларни видеокамерага ёзиб кейин таҳлил қилса яхши бўлади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

*Григорьев СИ., Гусякова Л.Г., Ельчанинов В.А. и др.* Теория и методология социальной работы.— М.: Наука, 1994.

Методология и технология комплексного социально-педагогического проектирования (региональный уровень): Коллективная монография / Под. Ред. В.И. Загвязинского.- Тюмень: Изд-во ТГУ, 1997.

*Мудрик А. В.* Социальная педагогика: М.: Изд-во МПГУ, 1990.

Основы социальной работы: Учебник / Отв. ред. П.Д. Павленок.— М.: ИНФРА-М, 1997.

Права человека и работа в социальной сфере; Пособие для училищ по подготовке социальных работников и для работников социальной сферы.— Женева: Изд-во Центра по правам человека ООН, 1995.

Справочное пособие по социальной работе / Под ред. А.М.Панова, Е.И. Холостовой.— М.: Юристъ, 1997.

*Фирсов М.В.* Введение в теоретические основы социальной работы (Историко-понятийный аспект).— М.: Изд-во "Институт практической психологии"; Воронеж: НПО "МОДЭК", 1997.

## **17-МАШҒУЛОТ**

### **ИЖТИМОЙ ИШ ВА ПЕДАГОГИКА**

---

“Тарбия санъати шундай хусусиятга эгаки, у ҳаммага таниш ва тушунарлидай кўринади, баъзиларга эса осондай туюлади, у қанчалик тушунарли ва осон кўринса, демак одам ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан у билан шунчалик кам таниш экан”.

К. Д. Ушинский

“Мен педагогика назариясини жуда ҳурмат қиламан, усиз яшай олмайман, педагогика назариясини севаман. Бир аниқлик киритмоқчиман: гап айнан педагогика назарияси тўғрисида бормоқда, кўпинча унинг ўрнига таклиф қилинадиган яхши истаклар тўплами тўғрисида эмас”.

А. С. Макаренко

Педагогика жамиятда инсоннинг ривожланишида объектив қонуниятларини ўрганадиган, инсон хулқ-атворини тушунтириб берадиган ва мазкур қонунларни инсон ҳаёти ва фаолиятининг турли шароитларида қўллаш бўйича тавсиялар таклиф қиладиган фандир. Сиёсатда, маданиятда, спортда, ишлаб чиқариш фаолиятида, оилавий ва интим ҳаётда юз берадиган барча ҳодисалар педагогика нуқтаи назаридан қараб чиқилиши мумкин, чунки у инсон хулқ-атворини белгилайдиган руҳий мурватларни ўрганади. ҳар бир одам биринчи навбатда одам, шундан кейингина у спортчи, сиёсатчи ва ҳ. к. Одамлар бир-бирлари билан мулоқотга киришар эканлар ва бир-бирларига таъсир ўтказар эканлар, барча учун умумий бўлган қонунларга бўйсунди. Мишель Монтен таъбири билан айтганда, император ва этикдўзнинг руҳи бир хил андоза асосида бичилган.

Шундай қилиб, педагогика дунёга қарашнинг бир тури, педагогик тафаккур эса, аста-секин эгалланадиган ва ўрганиш мумкин бўлган алоҳида ва ўзига хос тафаккурдир. Педагогика шундай бир сеҳрли калитки, унинг ёрдамида инсонлар оламидаги барча қулфлар очилиши мумкин.

Ижтимоий иш соҳасида педагогика ўзак вазифасини – ижтимоий ишнинг фаолият негизини ташкил қилади, чунки ахборот вазифалари, жамият, гуруҳлардаги муносабатлар, ижтимоийлашув, шахснинг ўзига ўзи ёрдам кўрсатишга тайёрлигини ривожлантириш тўғрисидаги билимларнинг шаклланиши асосан, педагогик усул ва воситалар ёрдамида ҳал қилинади.

Шу муносабат билан ижтимоий ишнинг педагогик асослари ижтимоий ишнинг тамойиллари, мазмуни, усуллари, йўллари ва воситалари тўғрисидаги педагогик назариянинг элементларини қамраб олиши лозим. Ижтимоий иш таркибида психология билан биргаликда педагогика ҳам тушунтириш функциясини бажаради. Ижтимоий вазифаларнинг ҳал қилиниши кўп жиҳатдан одамларнинг тарбияланганлик даражасига боғлиқ бўлади, шунинг учун ҳам педагогика прогнозлаш функциясини ҳам бажаради. Шахснинг ижтимоий иш субъектлари ва объектлари ривожланишидаги усуллар, йўллар ва воситаларни аниқлашда педагогика етакчи рол ўйнайди.

Ижтимоий ишни одамлар маданиятни ўрганадиган, ижтимоий ҳуқуқ-атвор кўникмаларини эгаллайдиган, моддий ва ижтимоий муносабатларга кўшиладиган ўқув жараёни сифатида тасаввур қилиши мумкин. Шахс ва жамоанинг ижтимоий шаклланиши тасодифий жараён сифатида изоҳланса ҳам, илмий асосланган ижтимоий иш унга мақсадга йўналтирилганлик бахш этади.

Ижтимоий таълим фақатгина ўқув-меҳнат фаолияти дифференциациялашган ва индивидуаллашган шароитлардагина самарали бўлиши мумкин. Ижтимоий хизматчи инструктаж ўтказар экан, технологик хужжатларни ўрганишни ташкил қилар экан, миқдорнинг фаол бўлишига эришиш учун, унинг мустақиллигини рағбатлантириш учун интилади.

Ижронинг назорат қилиш ва текшириш билан бирга қўшилган одамларга ишончнинг педагогик такт билан амалга оширилиши ижтимоий ишдаги инсонпарварлик тамойилининг ифодаси ҳисобланади. Мутахассислар доимо ижобий тажрибага таянишга, персонални тарбиялашда оптимистик гипотезадан келиб чиқишга интилишади. Тарбиявий иш шароити қанчалик мураккаб бўлмасин, ҳар доим ижтимоийлашув, ўзини-ўзи тарбиялаш, қайта тарбиялаш ва ўзини муҳофаза қилиш мурватларининг шаклланишига ёрдам кўрсатадиган одамлар, омиллар, алоҳида инсоний сифатлар топилади.

Ижтимоий ишдаги муҳим педагогик элементлардан бири ҳамкорликка тайёр бўлган, ёрдам қабул қила оладиган ва кўрсата оладиган одамнинг дунёқарашини белгилайдиган гуманистик қадриятларни шакллантиришдир. Педагогика ижтимоий фаолликка йўналиш беради. Бунда ижтимоий иш одамларнинг онглилиги даражасидан мўлжал олади. Чуқур, ҳар томонлама ижтимоий билимлар воқеликда йўл топиш, ўзининг эҳтиёжлари ва қобилиятларини унга мослаштириш имконини беради.

Ижтимоий ишнинг зарурий педагогик элементларидан бири ижтимоий ҳаракатлар, кўникма ва малакалар шакллантириш бўлиб, одамлар уларнинг ёрдамида ўзларига ўзлари ёрдам кўрсатиш усулларини эгаллайдилар.

Ижтимоий иш охир-оқибат шахсни ўзини-ўзи тарбиялашга олиб келиши, ҳаётнинг мақсади ва мазмунини аниқлашга кўмаклашиши, самарали ижтимоий хулқ-атворга эришиш, узлуксиз таълим тизимига қўшилиш воситаларини эгаллашида ёрдам бериши лозим.

Ижтимоий ишнинг педагогик мазмуни одамлар хулқини коррекция қилиш ва қайта тарбиялаш билан белгиланади. Коррекция ҳар қандай фаолиятнинг зарурий элементи ҳисобланади, чунки на ўқишда, на меҳнатда ва на мулоқотда бирданига ижтимоий муҳим бўлган натижаларга эришиш мумкин эмас. Соғлом ва ишга лаёқатли жамоани шакллантириш ижтимоий ишнинг муҳим педагогик жиҳатларидан бири ҳисобланади. Шу йўл билан расмий ва норасмий лидерликнинг уйғунлигига эришилади, бу эса ўз навбатида низоларнинг эҳтимолини пасайтиради, гуруҳдаги ўзаро ёрдамни кучайтиради.

Ишлаб чиқариш разрядини, малакани ошириш, узлуксиз таълим, ўзини-ўзи бошқаришда иштирок этиш – булар шундай босқичларки, улардан ўтиб борар экан, инсон ўзини намоён қилиш ва қарор топтиришнинг янги босқичларига кўтарилади.

Ўқув-меҳнат, спорт, бадий ва бошқа турдаги фаолиятларда ютуқларга эришишни таъминлайдиган усуллар муҳим педагогик хусусиятларга эга. Ижтимоий аҳамиятга молик фаолиятнинг ўзи шахсни юксакликларга кўтаради. Бироқ, кўпинча унга эришиш учун махсус усуллардан, масалан, меҳнатни илмий ташкил қилиш, индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш, психологик жиҳатдан асосланган самарали ёрдам кабилардан фойдаланиш керак бўлади.

Шахснинг ривождаги энг юқори самарага уни ижоднинг турли соҳаларига жалб этиш орқали эришилади. Муаммоли дарслар, кўшимча дарслар, қайта ўқишлар, малакани ошириш жараёнидаги тадқиқотлар тафаккурни ривожлантиради.

Ижтимоий ривожланишга одамлар ўзларининг ривожланиш даражаси, қизиқишларига кўра аъзо бўлиб кирадиган турли ижодий гуруҳлар ва жамоат бирлашмалари анча катта ҳисса қўшадилар.

Ижтимоий хизматчининг маҳорати унинг маданияти, умумий ва касбий маълумотига боғлиқ бўлади. Назарий ва амалий, психологик ва педагогик тайёргарликдан ўтиш айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Фан ва амалий фаолиятнинг бирлиги сифатида кўриладиган ижтимоий иш педагогикаси соҳасининг энг муҳим вазифаси инсонни тарбиялаш мақсадлари, мазмуни, усуллари ва воситаларини, унинг хулқ-атворига, турли минтақавий шароитлардаги ижтимоий ўзаро таъсирларининг кенг доирасига таъсир ўтказиш йўллари аниқлашдир. У аҳолининг, оилаларнинг барча тоифаларига қаратилган бўлиб, ижтимоий ёрдам тизимини шакллантириш, энг яхши муносабат иқлимини яратиш, рухий қулайлик, социомаданий майдонни шакллантириш шахснинг ривожланиши ва ўзини намоён қилишига йўналтирилган бўлади.

Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ижтимоий иш педагогикаси XIX аср охири – XX аср бошларида вужудга келган бўлиб, унинг



шаклланиши америкалик Мэри Ричмонд, Жеймс Адамс ва германиялик Адольф Дистервег ва Паул Наторпларнинг номлари билан боғлиқ.

Ижтимоий ҳимоясизлик, айниқса, болаларнинг, ёшларнинг, қарияларнинг ҳимоясизлиги ижтимоий сиёсатга нисбатан анъанавий ёндашувларни ўзгартириш, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, экологик-валеологик, таълим-маданий ва бошқа имкониятларни (идоралараро асосда) бирлаштиришнинг янги усулларини жамиятнинг асосий хужайраси бўлган оилани қўллаб-қувватлаш, унинг муаммолари олдини олиш мақсадида бирлаштириш йўллари изчиллик билан излаш эҳтиёжини вужудга келтирди.

Ижтимоий иш педагогикасидан беҳабар одам назарида ижтимоий хизматчи фаолияти жуда содда ва ҳар қандай одам бажарса бўладигандай туюлади: давлат томонидан ажратилган нафақаларни, озиқ-овқатларни, буюмларни тарқатиш, муҳтожларнинг очлигини қондириш кабиларнинг ҳеч қандай мураккаблиги йўқдай туюлади. Ижтимоий педагог тўғрисида эса бундан ҳам соддароқ фикр юритилади. Ўқувчи дарсда педагогга халақит бераётган бўлса, вазифаларини бажармаса – мана ижтимоий педагогнинг фаолият майдони: ота-оналарни чақириш, уларга дашном бериш, қарши чоралар кўриш керак. “Ижтимоий иш”, “ижтимоий педагогика” тушунчаларининг нотўғри англаниши қуйидаги нарсалар билан боғлиқ: бутун бошли мактабга бир ижтимоий педагог ва микрорайонга бир ижтимоий хизматчи нима бера олади? Бу касбнинг обрўсини тушириш, ҳозирги ижтимоий сиёсат ғоясини бузишдан бошқа нарса эмас. Инсоннинг ички дунёсига ва уни такомиллаштиришга йўналтирилмас экан, ижтимоий иш қадрсизланади ва ўзининг гуманистик мазмунини йўқотади.

Бугунги кунда тарбия тўғрисида сўз юритилар экан, кўпинча шахснинг чекланган маконда: мактаб, болалар боғчаси, оилада шаклланишини назарда тутишади. Педагогика фанидаги шундай вазият амалиётга ҳам таъсир ўтказмасдан қолмайди. Ҳозирги мактаблар, оила

тўғрисида сўз юритилар экан, болани жазолаш (мақташ)га лаёқатли, мактабни таъминлашда ва байрамни ташкил этишда ёрдам кўрсата оладиган, баъзи-баъзида ота-оналар мажлисига қатнашадиган ота-оналарни тушунишади. Оила ва яқин атроф-муҳит шахснинг шаклланишига энг кучли таъсир ўтказиши, улар шахснинг ижтимоийлашувидаги, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишдаги энг қудратли воситалар экани эсдан чиқиб қолади.

Кўпчилик олимларнинг тарбияга нисбатан тор қарашлардан қониқмаслиги таълим функциялари ва тамойиллари, мақсадларини қайта кўриб чиқиш истаги, илғор технологиялар, ижтимоий-педагогик ишнинг эгилувчан ташкилий шакллари яратишга интилишлари ўз ичига инсоннинг ҳаётий кучларини, унинг атроф-муҳит ва ўзи билан ижодий фаоллик ва муайян социумда ўз ҳаётини ахлоқий жихатдан ўзи ташкил қилишини педагогик уюшган тарзда қўллаб-қувватлашнинг мақсадга йўналтирилган билимлар тизимини қамраб оладиган ғоя ва ёндашувларини уйғотишга туртки берди. Ижтимоий педагогика инсоннинг бутун ҳаёти даврларида ва микромуҳитнинг турли соҳаларида ижтимоий ўзаро таъсирларига педагогик таъсир ўтказишни кўриб чиқади. Шахснинг фаоллиги, унинг ижтимоий етуқлиги ҳам бевосита инсоннинг муҳит билан ўзаро таъсирига бориб тақалади.

Педагогик билимлар ижтимоий ишда ва оилага, қарияларга, ишсизларга, беморларга, ногиронларга, қочқинларга, ёлғизларга, бошпанасизларга, қамалиб чиққанлар ва бошқа кўплаб одамларга ижтимоий ёрдам кўрсатишда зарур экани маълум бўлди. Педагогик билим бугунги кунда умумий маданият ва ижтимоий сиёсатнинг таркибий қисмига айланиб бормоқда. Социумнинг бутун педагогик салоҳиятини ҳар бир шахснинг индивидуал имкониятларини намоён қилиш, ривожланишини рағбатлантириш ва аҳоли билан олиб бориладиган ижтимоий ишнинг барча турларида фойдаланиш зарур.

Ижтимоий ишнинг педагогик компоненти ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларида ижтимоий ташаббусларни, болалар ва катталарнинг ижодий фаоллигини ҳаракатга келтирадиган, оиланинг ҳар бир киши ҳуқуқи ва фаровонлиги тўғрисидаги ғамхўрлигидаги имкониятлардан тўлақонли фойдаланиш йўлида самарали ва педагогик жиҳатдан мақсадга йўналтирилган қарорлар қабул қилиш учун имконият яратади.

Таълим, ижтимоий муҳофаза, реабилитация муассасаларидан ҳар бири, ижтимоий хизматчининг миқдорлар билан ҳар бир учрашуви бугунги кунда микромуҳит тури, вазият, аҳоли эҳтиёжлари ва имкониятларига қараб корректив ўтказишни тақозо қилади. Педагогик фаолият муайян одамларнинг муайян вазиятдаги изланиш ва ижодидир. Ижтимоий педагогика тамойил-

Бир қатор фанлар: математика, физика, биология, география, химия, рус тили, адабиёт, чет тиллар, иқтисод, этика, эстетика ва бошқаларнинг ижтимоий иш билан алоқадорлиги кўриб чиқилмади. Карточкаларга мана шу ва юқорида кўриб чиқилган фанларнинг номини (синфдаги ўқувчилар сонига монанд равишда) ёзиб чиқинг, карточкаларни аралаштириб юборинг, кейин ҳар бир ўқувчи биттадан тортиб олсин. Беш-етти дақиқа давомида “сизнинг” фанингиз ижтимоий ишга қўшадиган ҳиссани исботлайдиган ҳолатларнинг имкони борича кўпроқ/ини ёзиб чиқинг. Масалан, чет тиллар: 1) хорижий мамлакатлардаги ижтимоий иш тажрибаси билан танишиб чиқиш имконини беради, 2) турли мамлакатлардаги ИЖТИМОЙ хизматчилар ўртасида алоқа ўрнатишга кўмаклашади; 3) ижтимоий хизматчи дунёқарашини кенгайтиради. “Аукцион” ташкил қилинг. “Сотиладиган нарса” – ижтимоий иш, “харидорлар” - бошқа фанлар. “Ўзининг” фани ижтимоий ишга энг кўп ҳисса қўшишини исботлай олган вакил ютган ҳисобланади.

лари ва усулларини билиш ва эгаллаш ижтимоий педагоглар, ижтимоий хизматчилар ва давлатнинг ижтимоий сиёсатига таъсир ўтказадиган одамларнинг кенг доираси учун жуда зарур.

---

## Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар

Баъзан шундай дейишади: “Педагогикасиз психология бефойда, психологиясиз педагогика эса беқувват”. Бу иборанинг мазмуни, сизнингча нимадан иборат? Унда қайд этилган фанларнинг шаъни пастга уриладими ёки юксакликка кўтариладими?

Асрлар давомида синалган халқ педагогикаси турганда илмий педагогикага қандай зарурат бор?

Педагог ва ижтимоий хизматчининг функцияларини қиёсланг.

---

## Вазият

*Сашанинг хулқ-атворини қандай изоҳлайсиз? Саша ва унинг тутинган ота-оналари қайси мутахассисларнинг ёрдамига муҳтож? Оила билан олиб бориладиган иш режасини тузинг.*

“Саша К. 10 ёшда. У ҳали 3 ёшга ҳам тўлмаганда онаси бедарак йўқолди. У ёки ўзининг жонига теккан уйдан қочиб кетди, ёки бўлмаса, қандайдир ёвузнинг қўлида ҳалок бўлди, буни ҳозир ҳеч ким билмайди.

Сашани 10 ёшида фарзандликка олишди. У ўзининг оиласи, уйи, отаси ва онаси бўлишини жуда истар эди. Бироқ, фарзандликка олиш расмийлаштириб бўлингандан кейин бола оилада ўзини ўнғайсиз ва ноқулай ҳис қила бошлади. Болалар уйини соғина бошлади. Саша ёлғиз ўзи зерикиб қолмаслиги учун тутинган ота-оналари болалар уйдан яна бир қизчани – 4 ёшли Аняни фарзандликка қабул қилишди.

Бир куни оиладаги арзимас жанжалдан кейин Саша автобус бекатига бориб, тўғри келган автобусга ўтирди ва 40 км масофадаги бошқа шаҳарга кетиб қолди. Уни топишди. Маълум муддатдан кейин у яна қочиб кетди. Бу хол такрорланар эди. Кўнглига нимадир ёқмаса автобусга ўтиради ва боши оққан томонга кетиб қолади.

Болалар психиатри Сашани меъёрдаги, бироқ жамоага кучли эҳтиёж сезаётган бола, деб эътироф қилди.

Саша болалар уйига қайтишни истаб қолди”.

---

## **Амалий топшириқ**

Меҳнат (ўқув) жамоасини ижтимоий педагогик лойиҳалаштиришни амалга ошириш: а) жамоа ривождаги яқин, ўрта, узоқ истиқболни аниқлаш; в) жамоа ривожланишининг мазмуни ва воситаларини аниқлаш; г) жамоанинг ўзини-ўзи бошқариши қандай бўлишини тавсифлаш; д) жамоа фаолияти натижаларини қандай акс эттириш усулини аниқлаш (ахборотлар базасини ташкил қилиш бўйича тавсиялар бериш).

---

## **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

### ***“Кўзгу - 1” машқи***

Бу машқ ўқувчилар-бўлғуси ижтимоий педагогларнинг кузатувчанлиги ва коммуникатив қобилиятларини ривожлантиришга мўлжалланган. Бундай қобилиятларсиз педагогик таъсир ўтказиш мумкин эмас.

Ўйин жуфтликлари ўтказилади. Иштирокчилардан бири кўзгуга айланади. Иккинчи ўйинчи унга қандайдир ҳаракатни кўрсатади, у эса худди кўзгуга ўхшаб ўша заҳотиёқ шу ҳаракатни такрорлаши лозим.

### **“Кўзгу - 2” машқи**

Бу ўйин ҳам жуфтликларда ўтказилади. Иштирокчилардан бири ўз юзида қандайдир эмоцияни (масалан, ғазабни - лаблари қисилган, ковоқлари солинган; хайратни – оғиз бироз очилган, қошининг учлари бироз кўтарилган, кўзлари кенг очилган) ифодалайди, иккинчи ўйинчи эса юзида худди шу туйғуларни ифодалаши ва эмоцияни аниқлаши лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Антология социальной работы: В 5 т. / Сост. М. В. Фирсов. - М.: Сварогъ НПФ СПТ, 1994.

*Арнольдov А.И., Бочарова В.Г., Вульфov Б.З. и др.* Социальная педагогика: вопросы теории и практики: Методические материалы.— М: Изд-во Центра социальной педагогики РАО и АСОПиР РФ, 1994.

*Бадя Л.В.* Прогрессивные идеи социальной педагогики и социальной работы в России: история и современность. –М.: Изд-во АСОПиР, 1995.

*Бочарова В.Г.* Педагогика социальной работы. — М.: SvR-Аргус, 1994.

*Бочарова В.Г.* Задачи и перспективы развития социальной педагогики в современных условиях.— М.: ЦСП РАО, 1996.

*Бочарова В.Г., Филонов Г.Н.* Научный статус социальной педагогики и ее отношение к практике. – М.: Изд-во Центра социальной педагогики РАО, 1994.

*Вульфov Б. З., Иванов В. Д.* Основы педагогики в лекциях, ситуациях, первоисточниках: Учебное пособие. - М.: Изд-во УРАО, 1997.

*Гусякова Л.Г., Кувшинникова В.А., Синцова А.К.* Сборник задач и упражнений по социальной работе.— М.: Наука, 1994.

*Григорьев С.И., Гусякова Л.Г., Ельчанова В.А. и др.* Теория и методология социальной работы.- М.: Наука, 1994.

Закон Российской Федерации “Об образовании”: Федеральный закон “О внесении изменений и дополнений в Закон” Российской Федерации “Об образовании”. – М.: Изд-во Государственной Думы РФ, 1995.

*Мудрик А.В.* Социальная педагогика: М.: Изд-во МПГУ, 1990.

*Никитин В.А.* Начала социальной педагогики: Учебное пособие.- М.: Флинта: Московский психолого-социальный институт, 1998.

О социально-педагогической работе с детьми: Методическое письмо. - М.: Изд-во Минобразования России, 1995.

Социальная педагогика: Теория, методика, опыт исследования.— Свердловск: Изд-во Уральск, ун-та, 1989.

*Филонов Г. Н.* Социальная педагогика. Управляемый потенциал и прикладные функции. – М.: Изд-во Центра социальной педагогики РАО, 1995.

*Фирсов М.В.* Введение в теоретические основы социальной работы (Историко-понятийный аспект).— М.: Изд-во "Институт практической психологии"; Воронеж: НПО "МОДЭК", 1997.

*Яркина Т. Ф.* Интерпретация тезауруса в области социальной педагогики и социальной работы (ФРГ) / Социальная педагогика и социальная работа за рубежом. – Вып. 1. – М., 1991.

## 18-МАШҒУЛОТ

### ИЖТИМОЙ ИШ ФАН СИФАТИДА.

### ИЖТИМОЙ ИШ БЎЙИЧА МУТАХАССИСЛАР

### ТАЙЁРЛАШ

---

“Кўп ҳолларда биз бахт, яъни ёлғон мақсадга эришиб, асл мақсад – бурчни эсдан чиқарамиз”.

Виктор Гюго

Фан ва ўқув фанлари бир хил номланиши мумкин, лекин бу асло уларнинг ўхшашлигини билдирмайди, чунки улар турли вазифаларни бажаради. Фаннинг асосий вазифалари - хали ўрганилмаган ёки тўлиқ ўрганилмаган соҳани билиш, мавжуд ҳолатни ўзгартириш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш. Предмет сифатида ўрганилаётган фаннинг асосий вазифаси - фан томонидан қўлга киритилган билимларни ўқувчилар тайёргарлик даражасига мос ва қулай шаклда етказиш.

Фан ўқув предметида нисбатан мазмуни жиҳатидан ҳар доим кенгрок, бойроқ. Ҳамда у дарсликка нисбатан устунлик билан ривожланади. Бу ҳар бир ижтимоий ходимни фанда юз бераётган ижтимоий соҳа янгиликлари ва изланишларни кузатишга ҳамда илмий ютуқлар асосида ўз фаолияти мазмунини бойитишга мажбур қилади.

Ҳар бир ўқув фани олдида: фан ўтиб бўлингандан кейин ўқувчиларда қандай натижа бўлади? деган савол туради. Кўпроқ мақсадли йўналтириш ўқувчи эга бўлиши ва олиши керак бўлган билим, маҳорат, малака ва сифатлар доирасига бўлган талабларни ичига олиб, бўлғуси мутахассис намунаси сифатида намоён бўлади.



“Ижтимоий ишга кириш” ўқув курсининг мақсади ўқувчиларни аҳолининг яшаш жойи ва корхоналардаги ижтимоий иш илмий-технологик билимлар билан қуроллантириш, уларга ижтимоий ҳимоя ва малакани сингдириш, турли тоифадаги одамлар билан ижтимоий ишни ташкиллаш, амалий маҳорат ва малакасини сингдириш, ўқувчиларда юқори ахлоқий ва инсонийлик сифатларини шакллантиришдан иборат. Бу умумий мақсад ижтимоий соҳадаги хизматчини тайёрлаш борасида амалга ошириладиган соҳа ва мутахассисликка тадбиқан аниқлаштирилади.

Машғулотларда фан ютуқлардан ижодий фойдаланишнинг сўзсиз шарти бу - ўқувчиларнинг илмий-тадқиқот ишларидаги бевосита иштирокидир.

Замонавий ижтимоий ходим - бу юқори юридик тайёргарликка, тиббий-руҳий салоҳиятга, юксак ахлоққа эга бўлган, инсонга муҳаббатли, кузатувчан, эътиборли бўлган ижтимоий инженерия ва технологиясида инсон ҳаётининг фаолиятидаги ҳуқуқий, руҳий, ахлоқий хусусиятларни чуқур таҳлил қила оладиган мутахассисдир.

Бугун ҳеч бир ривожланган мамлакат университет ва махсус ўқув юртларида тайёргарлик кўрмаган ижтимоий ходимларсиз кун кўра олмайди. Ижтимоий ходимлар кундалик ҳаётларида пайдо бўладиган масалаларни ҳал қилишда муҳтожларга биринчи навбатда ижтимоий соҳада ҳимояланмаганлар (қариялар, ногиронлар, оддий оилавий тарбия етишмайдиган болалар, ақли заифлар, ичувчилар, гиёҳвандлар, ОИТСга йўлиққанлар, “хатар гуруҳи” оилалари, девиант феъл-атворли кишилар)га малакали ёрдам берадилар. Улар нафақат ижтимоий кескинликни йўқотишади, балки аҳолининг турли қатламлари манфаатларини ҳимояловчи қонуний ҳужжатларни ишлаб чиқишда қатнашадилар.

XX аср охирида Россияда вужудга келган иқтисодий инқироз, ишсизлик, ижтимоий алоқаларнинг характери ва шаклининг ўзгариши, кўпчилик учун ижтимоий келажакка бўлган ишончнинг йўқотилиши

натижасида ижтимоий низолар, депрессиянинг хавфи ошди. Буларнинг ҳаммаси ижтимоий иш соҳасидаги мутахассисларнинг малакали тайёргарлиги аҳамиятини кескин оширади.

Собиқ Иттифоқ таълим давлат қўмитасининг 1991 йил 7-август 376-сонли буйруғи билан ижтимоий иш мутахассислиги бўйича кундузги, кечки ва сиртки бўлимлар очилди. 1991 йил 25-сентябрда 03.12 - «ижтимоий иш» мутахассислиги бўйича тўрт йиллик ўқув муддати билан «ижтимоий ходим» ихтисосини беришни кўзда тутувчи ўқув режаси тасдиқланди.

Ўқув режасига қуйидаги тўрт йўналиш бўйича дарслар киритилган: умумий гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар (фалсафа, тарих, ҳуқуқ, иқтисодиёт, маданиятшунослик, сиёсатшунослик ва бошқалар); умумий математик ва табиий-илмий фанлар (математика, информатика, ҳисоблаш техникаси, замонавий табиётшунослик концепцияси ва бошқалар); умумкасбий фанлар (ижтимоий иш назарияси, ижтимоий иш технологияси, Россияда ижтимоий иш тарихи, хориждаги ижтимоий иш, психология, амалий психология, психодиагностика, конфликтология, умумий ва ижтимоий педагогика, соғлиқнинг тиббий-ижтимоий асослари, социология, ижтимоий ҳуқуқ, ижтимоий иш этикаси, ижтимоий хизмат иқтисодиёти, ижтимоий иш менежменти); мутахассислик фанлари киритилди.

Ижтимоий таълимнинг ривожланиши умумий стратегиясида ихтисослик тўғрисидаги масала устувор ҳисобланади.

Бугунги кунда ижтимоий ишнинг кенг муҳокама қилинаётган масалаларидан бири - бу ижтимоий иш соҳасидаги мутахассисларнинг ўқитилиш шакли ва тамойили масаласидир. Иккита тамойил кўзга жуда аниқ ташланади: биринчиси - таълим олувчи ўқитувчи томонидан танланган билимларни эгаллайди, кейин ўқитувчи бу билимлар ўқувчилар томонидан эгалланиши жараёнини назорат қилади; иккинчиси - таълим олувчи ўқув жараёнини ташкил қилиш ва амалга ошириш катнашчиси бўлиб қолади. Бу ҳолда назарий ва амалий машғулотларнинг уйғунланишига ижодий ёндошиш

ва мустақил таҳлил қилиш маҳоратини эгаллаш муҳимдир. Бу тамойил ўқувчиларнинг ижтимоий ва билиш фаоллигига қаратилганлиги сабабли жуда истиқболлидир. У ўқитувчилар ва таълим олувчиларнинг ўзаро таъсирини оптималлаштиришга, таълимни ҳаётга яқинлаштиришга имкон беради.

Ижтимоий иш мутахассисларини тайёрлаш предметлар мажмуига асосланади. Бу фанлар мажмуи турли мамлакатларда турлича, лекин кўпчилик мамлакатларда талабалар мажбурий тарзда социология, психология, педагогика, ҳуқуқшунослик, тиббиёт, бошқарувни ўргандилар. Бу фанлардан ташқари, фалсафа, иқтисодий назария, тарих, маданиятшунослик, сиёсатшунослик, чет тиллари, ахборот технологиялари, хизмат нутқи асослари, ижтимоий экология ва бошқаларни ўрганишга алоҳида аҳамият берилади. Бу хусусда шунини таъкидлаш лозимки, ҳар бир фан умумий асосга, яъни ижтимоий ишга унинг турли бўлимлари ва бўлинмаларини чуқурлаштириш ва тўлдириш билан «хизмат қилади».

Мутахассислар тайёрлашнинг асосий вазифалари:

ижтимоий ишга касбий яроқлилигини ташхис қилиш ва бўлғуси мутахассисларни илмий асосланган тарзда саралаш;

саралаш тизими, касбгача тайёргарлик, асосий тайёргарлик, қайта тайёрлаш ва мутахассисларнинг малакасини оширишнинг тузилмавий бирлиги;

таълим мазмунининг ижтимоий фаолликни, касбий ваколатлиликни, кенг дунёқарашни, масъулият туйғуси ва амалий кўникмалар кенг диапазонини таъминлайдиган функциоанл жиҳатдан тўлдирилиши;

мутахассисларнинг илмий, методологик, махсус психологик-педагогик тайёргарликлигининг ўзаро боғлиқлиги;

касбий жиҳатдан ўзини мукамаллаштириш ва ўсиши учун зарур бўлган тафаккур тарзини шакллантириш;

мутахассисларни тайёрлаш сифатини бошқариш.

Россия учун янги ҳисобланган “ижтимоий иш” касбининг оёққа туриши ва ривожланишида касбий малакасизлик туфайли унинг обрўсини тушириб қўйиш хавфи катта. Олий ўқув юртларида ижтимоий хизматчилар ва ижтимоий педагогларни оммавий тайёрлашдаги дастлабки натижалар амалиёт талабларига жавоб бермайди. Шу муносабат билан тайёрлашнинг амалий томонига талабни кучайтириш ва ижтимоий соҳа мутахассисларини тайёрлаш “ўқитувчилар” тайёрлаш намунаси асосида режалаштиришни қайта кўриб чиқиш талаби асослидир. Олий ўқув юртларида ижтимоий педагогларни тайёрлашдаги назария ва амалиётнинг нисбати география ва математика ўқитувчисини тайёрлашдан ҳеч фарқ қилмайди, амалда эса, Россияда ўқитувчилик касби бир неча асрдан буён мавжуд ва у ҳеч бўлмаса бошланғич мактабда таълим олган ҳар бир одамга таниш. Ижтимоий педагог ва ижтимоий хизматчи масаласига келсак, мамлакатимиздаги барча фуқаролар ҳам бу касблардан хабардор деб бўлмайди, уларнинг меҳнати мазмунини кимлар тасаввур қила олиши тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади.

Ижтимоий ишга амалиётда ўқитиш муҳим аҳамиятга эга. Белгия, Англия, АҚШ, Франциядаги ижтимоий иш бўйича бўлғуси мутахассислар ўқув даврининг учдан биридан то 65 % игача вақтни амалиётда ўтказди. Россиядаги олий ўқув юртларида ижтимоий хизматчилар амалиёти ўқув жараёнининг 20 % ини, ижтимоий педагоглар эса, 115 ини ўтказишади. Россияда ижтимоий педагогларни касбий тайёрлашни ташкил этишда олий ўқув юртлари анъанавий “академик” йўлдан боришди, бунда ижтимоий таълимнинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинмади ва натижада, шу кўрсаткич бўйича “охирги ўринга” тушиб қолди.

Мана шунинг учун ҳам Россияда ижтимоий хизматчи ва ижтимоий педагогни умумтаълим мактаби доирасида тайёрлаш жараёнида касбгача ва касбга дастлабки тайёрлаш катта аҳамиятга эга. Бу ўзи учун “ижтимоий карьера” (ижтимоий хизматчи ва ижтимоий педагог касбини Францияда шундай аташади) танлаган ўқувчилар учун жуда яхши “пойдевор” бўлади.

Умумтаълим мактабларида ижтимоий иш бўйича махсус курсни ўтган ўқувчиларнинг бу касбдан ҳафсаласи пир бўлса, ёки унинг талабларига ўзини яроқсиз деб ҳис қилса, кейинчалик модага ёки бошқа сабабларга кўра, бу касбни танлаб ундан кўнгли совишининг

Россия ва хорижда ижтимоий иш мутахассисларини тайёрлаш билан шуғулланадиган ОЎЮлар тўғрисида ахборот тайёрланг (Россияда уларнинг сони 200 га яқин). Хат (телефон, факс, интернет) ёрдамида сизга яқин жойлашган ва пойтахт ОЎЮлари билан боғланинг. Мазкур ОЎЮга ўқишга кириш учун нималар зарурлигини; ундаги таълим бошқа шунга ўхшаш таълим муассасаларидаги таълимлар нимаси билан фарқ қилади; бу ОЎЮга қабул шартлари қандай; ижтимоий-педагогик синфларда таълим олган юқорисифт ўқувчиларига қандай имтиёзлар берилишини билинг. Сизнинг минтақангиздаги олий ўқув юртларини тугатганлар билан алоқа ўрнатишга ҳаракат қилинг, шундай алоқаларни бошқа шаҳарлар ва хориждаги тенгдошларингиз билан ҳам ўрнатишга уриниб кўринг (Россия таълим академиясининг биргина Ижтимоий иш педагогикаси институти Россиянинг 30 минтақасидаги ижтимоий-педагогик синфлар фаолиятига восеълик қилади).

олди олинади, бироқ ҳаётда керак бўладиган фойдали билимлар ва малакаларга эга бўлади.

---

### **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Сиз ижтимоий ходимлар тайёргарлигининг қайси хусусиятларини алоҳида кўрсатар эдингиз?

“Ижтимоий хизматчи” касбининг қайси ихтисослари, турларини биласиз?

Агар сиз ижтимоий иш ўқитувчиси бўлганингизда таълим жараёнини қандай ўзгартирган бўлардингиз?

---

## Вазият

Ижтимоий ходим биринчи навбатда қуйидаги ҳолатда нима қилиши керак? Қайси мутахассисларнинг собиқ хотинга маслаҳати ҳамда ёрдами зарур ва у қай кўринишда бўлиши керак? Ота ўз фарзандини тарбиялашда иштирок этишга ҳақлими?

Қай тарзда ижтимоий ходим унга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ёрдам бериши мумкин?

“Ҳар доим эримни: - уйдан кетсанг, болаларингни йўқотасан! деб огоҳлантирардим. Аввалига у кўрқарди, лекин ўзини хафа қилиб қўймаган ҳолда уйга тонгга яқин хурсанд кириб келарди, маош олиб келиш ёдидан кўтариларди, бироқ якшанба кунларини фарзандлари билан ўтказар эди. Лекин, янги муҳаббат пайдо бўлди ва Виктор ҳамма нарсани эсдан чиқарди. Энди учта бола уни қизиқтирмасди ва уни тўхтата олмасди. Уйдан кета туриб, ҳатто шунчалик пастликка борди-ки, болалари яхши кўриб томоша қиладиган телевизорни ҳам олиб кетди. Ва судда квартира, жиҳозлар ва қайиқни олмасдан фақатгина телевизорни олганини ва қолганини бизларга қолдирганини сурбетларча эътироф этди. Менимча, ўз болаларини севувчи ота уйдан фақатгина битта пайпоқда чиқиб кетиши керак. Судда мен биринчи ва охириги марта: “Болаларни бошқа кўрмайсан! Янгиларини топавер!”- деб айтдим. Сенга ҳеч қандай суд ёрдам бермайди, ҳолбуки, ҳамма мен тарафда, ҳаттоки қайнонам ҳам, қайнонам янги унинг хотини билан сўрашмайди ҳам, мен унга набираларини кўришга рухсат бераман. Бир ҳафтадан сўнг Виктор ҳеч нарса бўлмагандай уйга кириб келди. Мен бўлсам, уйга янги қулф ўрнатдим ва болаларни холамникига олиб бориб қўйдим. Агар она хоҳламаса ҳеч ким уни ташлаб кетган отасига беришга мажбур қила олмайди. Бундай қонунлар йўқ.

---

## **Амалий топшириқлар**

Бошқа мамлакатлардаги ижтимоий иш бўйича таълим олувчилар билан ёзишмалар.

Ижтимоий-педагогик амалиёт объектларига ташриф.

Кутубхоналарда, шу жумладан, Интернет орқали олиб бориладиган ишлар.

Турли даражадаги ижтимоий педагоглар ва ижтимоий ходимларни тайёрлашни амалга оширувчи таълим муассасаларига ташриф буюриш:

касбгача тайёргарлик (умумтаълим муассасалари, қўшимча болалар таълими муассасалари ва бошқалар);

бошланғич касбий таълим (умумтаълим муассасалари, қўшимча таълим берувчи болалар муассасалари, бошланғич касбий таълим муассасалари, ОЎЮгача бўлган тайёргарлики курслари ва бошқалар.);

ўрта касбий таълим (ЎМЎЮлар, ОЎЮларнинг биринчи курслари ва бошқалар.);

олий касбий таълим (институтлар, университетлар, ижтимоий иш мактаблари ва бошқалар);

ОЎЮдан кейинги таълим (малака ошириш институтлари, қайта тайёрлаш курслари, аспирантура, докторантура ва бошқалар).

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

*Андерсон Б.* Образование в сфере социальной работы – некоторые педагогические и организационные проблемы // Социальная политика и социальная дифференциация. – М. – Барнаул, 1994.

*Арнольдov А.И., Бочарова В.Г., Вульфov Б. З. и др.* Социальная педагогика: вопросы теории и практики: Методические материалы.— М: Изд-во Центра социальной педагогики РАО и АСОПиР РФ, 1994.

*Беспалько В. П.* Слагаемые педагогической технологии. – М.:

Педагогика, 1989.

*Бочарова В.Г.* Педагогика социальной работы.— М.: SvR-Аргус, 1994.

*Бочарова В.Г.* Задачи и перспективы развития социальной педагогики в современных условиях.— М.: ЦСП РАО. 1996.

Государственный образовательный стандарт высшего профессионального образования. – М.: Изд-во Госкомитета РФ по высшему образованию, 1995.

*Григорьев С.И., Гусякова Л.Г., Ельчанинов В.А. и др.* Теория и методология социальной работы,— М.: Наука, 1994.

*Гусякова Л.Г., Кувшинникова В.А., Синцова Л.К.* Сборник задач и упражнений по социальной работе. –М.: Наука, 1994.

*Зимняя И. А.* Подготовка социального работника как многоуровневый процесс / Актуальные проблемы состояния и перспектив социальной работы в России // Социальная работа. – Вып. 6. – М., 1992.

*Клименко Н.Ю.* Социально-педагогические условия профессионального становления социального работника (На опыте Заполярья): автореф. дис. ...кан. пед. наук. –М., 1997.

*Кудрявцев Ю.А., Тышкевич Б. И.* Подготовка социального работника: нормативно-правовые аспекты // Социальная работа. – 1992. - № 5.

*Никитина Л.Е. Симонович В.Л.* Практическое обучение социального педагога в вузе. – Березники: “Типография купца Тарасова”, 1999.

Образование в области социальной работы в России. – М.: Изд-во Московской высшей школы социальных и экономических наук, 1996.

Обучение социальной работе: Преемственность и инновации / Под ред. Ш. Рамон, Р. Сарри; пер. с англ. под ред. Ю.Б. Шапиро.— М.: Аспект Пресс, 1996.

Обучение социальной работе: состояние и перспективы. Материалы международных конгрессов Школ социальной работы. – М.: АСОП иР, 1997.



Обучение социальной работе в России, Программы и технологии. Ч.1. Социальная работа: наука и профессия.— М.: АСОПиР, 1997.

Обучение социальной работе в России. Программы и технологии. Ч.2. Педагогика социальной работы.— М.: АСОПиР, 1997.

*Полонский В. М.* Словарь понятий и терминов по законодательству Российской Федерации об образовании. – М.: МИРОС, 1995.

Программы высших учебных заведений для специальности № 03.11.00 “социальная педагогика”: В 4 ч. – М.: Изд-во НИИСО и УК АПН СССР, 1991.

Профессиональная деятельность социального работника: содержание и организация.— М.: Изд-во Института молодежи, 1993.— (Библиотечка социального работника).

*Сорочинская Е. Н.* Теория и практика подготовки социальных педагогов детско-юношеских объединений: Автореф. дисс. ... д-ра пед. Наук: 13.00.08. – М., 1996.

Теория и практика социальной работы: отечественный и зарубежный опыт: В 2 т. / Под ред. Яржиной Т.Ф., Бочаровой В.Г. – М. – Тула: Изд-во Ассоциации социальных педагогов и социальных работников РФ, 1993.

*Топчий Л. В.* Проблемы подготовки кадров социальных работников в Российской Федерации // Социальная работа. – Вып. 2. – М., 1992.

## 19-МАШҒУЛОТ

### ИЖТИМОЙ ПЕДАГОГ ВА ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЧИНИНГ КАСБИЙ МУЛОҚОТИ

---

“Сўз инсоннинг энг буюк қуролларидан биридир. Шундайлигича ўзи ҳеч қандай кучга эга бўлмаса ҳам, ўз вақтида, самимият ва ўрнида ишлатилса, у қудратли ва қайтариб бўлмас кучга айланади. У гапираётган кишининг ўзини ҳам, атрофдагиларни ҳам жозибаси билан эргаштириш ва хайратга солиш қобилиятига эга”.

А. Ф. Кони

“Икки вазиятда сўзлашга кириш: нима демокчи бўлганингни яхши ўйлаб кўрганингда, ёки бирор нарса тўғрисида гапириш зарур бўлганда; чунки фақат мана шу икки ҳолатда гапириш жим туришдан яхшироқдир, бошқа ҳолатларда эса гапиргандан кўра жим турган маъқул”.

Исократ

Мулоқотнинг асосий воситалари тил, мимика, имо-ишора ва ҳаракатлардир. Ижтимоий педагог ва ижтимоий хизматчининг мулоқотдан кўзлаган мақсадлари (О. Я. Гойхманга кўра) ахборотни самарали (қисқа вақт ичида максимал миқдорда) узатиш ва қабул қилиш; суҳбатдошини ишонтириш ва ҳаракатга ундаш; суҳбатдоши тўғрисида (унинг ижтимоий-маданий ривожланиш даражаси, ижтимоий мансублиги, эмоционал ҳолати тўғрисида) кўшимча ахборот олиш; ўзини ижобий тақдим қилиш (ижобий сифатларини намойиш қилиш; суҳбатдошда яхши таассурот қолдира билиш).

Ҳар қандай одам мулоқот жараёнида икки ролдан бирини: гапирувчи ёки тингловчи ролини ўйнайди. Бир қарашда ўз нутқини айниқса, ўзи учун

муҳим бўлган одамлар гуруҳи олдида саводли, ёрқин, ишонарли, қизиқарли қилиб тузиш бировнинг нутқини эшитишдан кўра қийинроқ туйилади. Аслида эса бундай эмас. Тингловчи роли кўпинча қийинроқ бўлади, чунки бу ролга мактаб таълими тизимида тайёрлашмайди. Ҳар биримиз у ёки бу сабабга кўра тинглашимиз лозим бўлган қизиқарсиз маърузаларни эшитишдаги қийинчиликларни енгиб ўтишимизга тўғри келган. Ижтимоий педагог ва ижтимоий хизматчи профессионал даражада тинглаш ва гапириш қобилиятига эга бўлиши, яъни унинг нутқ мулоқоти унинг касбий мажбуриятларини бажаришида зарур қурол бўлиши лозим.

Эшитадиган одамлар бор ва тинглайдиган, яъни оғзаки мулоқот жараёнида фойдали ахборотни ола биладиган одамлар бор. Одамларнинг 10 %дан камроғи суҳбатдошини тинглаш қобилиятига эга, айти пайтда мулоқот ўрнатиш учун тингловчилик ролини билиш жуда муҳим. Оммавий чиқишлар (маърузалар, ваъзлар) жараёнида оддий тингловчи 25 % самарадорликка эришиши мумкин.

Тинглашдаги камчиликлар: фикрламай ва узук-юлуқ идрок қилиш, эшитаётган ахборот ва реал ҳаёт ходисалари ўртасида алоқа ўрната билмаслик; тинглашга тайёрлик ва истакнинг йўқлиги, диққатни бўладиган омиллар (шовқин, кеч қолиб келганлар, сўзлаётган одамнинг гапириши ва маълумотларни тақдим қилишбдаги ғалати хусусиятлар, гапирувчи ёки тингловчининг ноқулай вазият (жой)да экани).

Самарали тинглаш кўникмаларини ривожлантириш учун куйидагиларга (Ж. Кэпп фикрига кўра) амал қилиш лозим: диққатни жамлаш; тингланган ахборотни таҳлил қилиш; танқидий тинглаш; ёрдамчи воситалардан фойдалана билиш.

Диққатни жамлай билиш. Тингловчи нутқни гапирувчидан кўра тезроқ тушуниши мумкин. Вақтдаги ана шу устунликдан нотик нима тўғрисида гапираётганини ўйлаб кўриш, мулоҳаза ва хулоса қилиш учун фойдаланиш мумкин. Агар вақт бошқа нарсалар тўғрисида ўйлашга, хаёл

суриш ва шахсий муаммоларни ҳал қилишга сарфланса, диққатни жамлаш мумкин эмас. Диққатни вақти-вақти билан эмас, муттасил жамлаш лозим.

Диққатни жамлаш фаол ижодий жараён бўлиб, унга эришиш учун анча куч сарф қилиш зарур. Диққатни жамлашга кўмаклашадиган бир нечта маслаҳат:

Мавзунини олдиндан ўйлаб кўринг ва нотик уни қандай ривожлантириши мумкинлигини топинг.

Нотикқа нисбатан холис ва ҳамкорлик мавқеини эгалланг.

У гапираётган нарсага қизиқиш билдиринг.

Нутқнинг асосий мазмунини сизга қандай ёрдам бериши мумкинлигини ўйлаб кўринг.

Кўпроқ ҳис-туйғунини ифодаланг.

Берилаётган ахборотдаги ҳодисаларни олдиндан билишга ҳаракат қилинг.

Гапирилаётган нарсалар тўғрисида сизга нималар маълум эканини эслаб кўринг.

Тинглаганларни таҳлил қилиш кўникмаси. Оммавий нутқларни эшитиш жуда мураккаб. Чунки уларда турфа ғоялар мавжуд бўлиб, улардан бирортасини четда қолдирилса, нутқ бўлаклари ўртасидаги алоқа бузилади. Сухбат вазиятида тинглаш осонроқ, чунки керак бўлганда сухбатдошга савол бериб аниқлик киритиш мумкин. Эшитганларни муваффақиятли таҳлил қилиш учун қуйидагиларни аниқлаш зарур:

нутқнинг мақсади. Нутқнинг мақсади тўғрисида нотикнинг ўзи ҳам кириш қисмида айтиш мумкин. Одатда, мақсадига кўра нутқлар уч турга бўлинади: ишонтирувчи (тегишли далил ва мантиқий мулоҳазани талаб қилади); ахборот (етук мулоҳазалар ва

Ижтимоий хизматчининг фаолиятида телефон орқали сўзлашувлар катта ўрин тутди. Телефон орқали мулоқот қилиш маданияти қуйидаги қоидаларга амал қилишни тақозо этади:

Ижтимоий хизматчига қўнғироқ қилишмоқда:

— мижозга ҳурмат ҳали суҳбат бошланмасдан туриб, яъни иккинчи жириглашдан сўнг ижтимоий хизматчи гўшакни кўтаришидан бошланади (узок кутиш хафа бўлиш ёки жаҳл чиқишига олиб келади);

— гўшакни кўтаргач, жилмайиш зарур (ўшанда овозингиз ёқимли тонга эга бўлади) ва ҳеч қандай паузасиз ўз муассасангиз (фирмангиз) номини айтиш, ўзингизни таништириш ва саломлашиш зарур — шунда таранглик йўқолади ва мижознинг кайфияти яхшиланади;

— телефон орқали сўзлашганда овознинг интонацияси ёқимли, дадил ва ишонч билан ифодаланиши лозим; талаффуз тушунарли бўлиши керак; суръат ўртача ёки бироз секинроқ (шунда суҳбат ҳамкорлик хусусиятига эга бўлади); тўғри ўтириб, юзингиздан кулгу аримаса, интонация ўз-ўзидан тўғриланиб қолади;

— мижознинг тақдим қилинишидан бошлаб (унинг фамилияси ва исмини қайтадан сўраш ёки бўлмаса ундан секин суръатда ҳарфма-ҳарф айтиб беришни илтимос қилиш мумкин) ва бутун суҳбат давомида консепт ёзиш керак, телефонда суҳбатлашиш вақти – иш вақти, шунинг учун унинг натижалари кўзга ташланиб туриши лозим;

— мижозни тинглар экансиз, фақатгина у нимани гапираётганига эмас, балки қандай гапираётгани, нутқидаги хусусиятлар, интеллект ва маданият даражасига ҳам эътибор қаратиш лозим; овозингизнинг тонини мижознинг интонациясига мутаносиб тарзда ўзгартириш лозим: жаҳли чиқиб турган одам билан осойишта, тушунарли оҳангда, уятчан одам билан мулозамат билан, ҳорғин одам билан тетик оҳангда гаплашилади;

— алоқанинг сифати ёмон бўлса, овозни баланд кўтариш, бақариш керак эмас; мижоздан сокин овоз билан “Сиз мени эшитмаяпсизми?” деб сўраш, ва агар у “ха” деб жавоб берса, унга қайта телефон қилиш ёки бўлмаса ўзи унга телефон қилишини таклиф этиш мумкин;

— қўнғироқ қилаётган одам учун зарур бўлган одамнинг телефонга яқин кела олмаслик сабаби одатда айтилмайди, фақатгина қачон қайта қўнғироқ қилиш лозимлиги айтилади.

— суҳбат чўзилиб кетса ва зерикарли бўла бошласа, миждозга қуйидаги саволлар билан ёрдам бериш мумкин: “Мен сизга қандай ёрдам беришим мумкин?”, “Сизни нима қизиқтиради?”, “Сиз бирор нарса сўрашни эсдан чиқармадингизми?”; барча илтимослар, саволлар, эътирозлар, танбеҳлар резюме қилинади; миждозга зурур информацияни узатишда билинар-билимас буйруқ оҳангига ўтиш мумкин; шундан сўнг тезда учрашувга умид билдирилади ва хайрлашув сўзлари айтилади (жавоб сўзлари кутилади), шундан сўнг гўшакни ўрнига қўйилади;

— қўнғироқ қилаётган одам билан суҳбатда қуйидаги типик хатолар учрайди: бефарқ, қуруқ, эринчок, асабий, кескин, менсимаслик, кесатик оҳанги ёки овоздаги ялтоқланиш, илтимос, таранглик, ишончсизлик оҳанглари, суҳбат предметини, одоб қоидаларини билмаслик;

— одатда, суҳбатни биринчи бўлиб қўнғироқ қилган одам тугатади.

Ижтимоий хизматчи қўнғироқ қилганда:

— аввало саломлашиш, алик учун пауза сақлаш, кейин ўзини таништириш (ўзини таништириш нариги томондаги одам учун суҳбатга киришиш жараёнини осонлаштиради, вақтни иқтисод қилади) ва қўнғироқ сабабини қисқа шаклда айтилади. Энди иш бошлаётган ижтимоий хизматчига ўзининг илтимос ва саволларини қўнғироқ қилишдан аввал қоғозга ёзиб олиш тавсия қилинади;

— агар суҳбатнинг узок давом этиши олдиндан маълум бўлса, суҳбатдошдан қуйидагиларни сўраш зарур: унинг вақти етарлими, ҳозир суҳбатлашиш унинг учун қулайми.

Телефон орқали суҳбатларни тўғри олиб боришга фақат амалиётда ўрганиш мумкин. Амалий машғулотларда жуфт бўлиб ишлаш имкониятларидан фойдаланинг. “Мижоз – ижтимоий хизматчи”; “Ижтимоий хизматчи – раҳбар”; “Ижтимоий хизматчи - ҳомий” мавзусидаги сценарийларни тайёрланг, уларни юқорида баён қилинган қоидаларга амал қилган ҳолда ижро қилинг.

аниқ фактлар келтирилади); қўнғил очиш (юмор, ифодали лексикадан иборат бўлади);

асосий мавзу ва уни ёритадиган ғоялар. Мавзу кўпинча нутқ номида ифодаланади ёки нотик уни махсус таъкидлайди. Нотикнинг ғоялари бош мавзунини ривожлантиради;

далил шакллари. қандай далиллар келтириляётганини, уларнинг қандай типларидан ва қай даражада фойдаланиляётганини белгилаш муҳим. Иллюстрация шакллари: мисоллар, қиёслар, статистик маълумотлар, иқтибослар шакллари ҳам аниқлаш керак;

қисқа резюме ва якуний хулоса шакллари. Нотик чиқишнинг якунида ўз ғояларидан қандай хулоса чиқариши ва уни бош мавзу билан қандай боғлашини аниқлаш ҳам муҳим.

Танқидий тинглаш қобилияти қуйидагиларни англатади:

нотик гапираётган нарсаларни ўзининг шахсий тажрибаси билан боғлай билиш. Ана шундай тажриба мавжуд бўлса, нотикнинг баъзи фикрларига қўшилиш ёки аксинча қўшилмаслик мумкин. Мана шу мутаносибликларни ҳисобга олсангиз, конструктив фикр юритишга ўрганасиз;

тингланган нарсаларни резюме қилиш ва тизим ҳолига келтириш. Нотик бош мавзунини қандай ривожлантиришни олдиндан аниқлай билиш ва мулоқот жараёнида фаол иштирок этиши зарур;

тингланган нарсаларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. Нотик баён қилаётган нарсаларга сўзсиз ишониш ҳам, улардан доимо шубҳаланиш ҳам мумкин эмас. Аниқ тинглаш зарур. Нотикнинг фикрларини далилларнинг тўғрилиги ва изоҳларнинг ишонарлигига қараб баҳолаш керак. Маълумотларнинг адекватлигини баҳолаш учун қуйидаги саволларга жавоб бериш зарур: маълумотлар ишончли манбалардан олинганми? Бу маълумотлар нотик баён қилаётган нарсаларни аниқ акс эттирадими? Хулосаларни тасдиқлаш учун маълумотлар етарлими? Изоҳларнинг ишонарлилиги ва далилларнинг салмоғини қуйидаги саволларга бериладиган жавоблар тасдиқлайди: нотикнинг хулосалари унинг асосларидан мантиқий равишда келиб чиқадими? Нотик мантиқий далиллаш қоидаларига амал қилмоқдами?

Нотикнинг ҳақиқий мақсадини аниқлаш учун субъектив ва объектив материални, тарғибот ва фактни, ақидавий фикр ва яхши асосланган далилларни фарқлай билиш зарур. Қандайдир тарғибот техникаси ёки манипуляция сезилаётганини аниқлаш ҳам зарур.

Ёрдамчи воситалардан фойдаланиш кўникмаси конспектлаштириш ёки матнни ёзишда техника воситаларидан (видеотасвир, диктофонга ёзиш ва ҳ.к. дан) фойдаланиш кўникмасини англатади. Оқилона конспект қилиш қоидалари.

Ёзувнинг норасмий тизими: қисқа абзацлар, жумлалар, гап бўлаклари, алоҳида сўзларни қамраб оладиган матнни соддалаштирилган қисмларга бўлиш.

Қисқа ёзувлар: фактик материал, нотиқнинг баёни, ғоялар такрорланиши ва резюмедаги энг зарур ҳолатларни қайд этиш.

Қисқартириш ва тимсоллар: стенография ва тез ёзишдан фойдаланиш, ўзининг шахсий тизими (гап бўлаклари учун тимсоллар, сўзларни қисқартириш учун харфлар) ишлаб чиқиш.

Конспект қилаётган шахснинг ўзи учун тушунарли бўлган ёзувлар.

Муҳим ғояларни белгилаш: муҳим фикрларнинг остига чизиш ёки бўлмаса уларни ажратишнинг бошқа усулларида фойдаланиш.

Оммавий касб эгалари, шу жумладан, ижтимоий хизматчилар аудитория олдида профессионал чиқиш малакаларига ва хусусий суҳбатларда фикрни ишонарли ифодалай олиш қобилиятига эга бўлишлари лозим. Коммуникатив қобилиятлар ва умумий маданий даражадан ташқари, касбий мулоқотнинг муваффақиятли бўлиши учун махсус билимларга ҳам таяниш зарур. Айтилаётган фикр мақсадга йўналтирилган установкага эга бўлиши зарур.

Нутқнинг мақсадлари: ахборот узатиш, ишонтириш ёки кўнгил очиш.

Ахборот узатувчи нутқни тингловчиларнинг интеллектуал қобилиятлари, билишдаги имкониятлари ва мавзуга қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиши лозим. Нотиқ доимо баён предметини диққат марказида тутиши, баённинг қатъий қоидаларига амал қилиши, аудиториянинг реакциясини ҳисобга олиб туриши керак.



Ишонтирувчи нутқ тингловчиларнинг ҳис-туйғу ва эмоцияларига каратилади. Уларнинг иродасига таъсир этади, шунинг учун ҳам у тингловчиларнинг эмоционал қабуллаш ва эмоционал маданияти даражасини, ҳаётӣ тажрибаси ва муайян вазиятни ҳисобга олган ҳолда ташкил қилиниши лозим. Нотӣ руҳӣ жиҳатдан аудиторияга қараб мослашиши, эмоцияларни ифодалашда ортиқча сентименталликдан қочиши зарур.

Кўнгил очувчи нутқ аудиторияга энг кўп даражада йўналтирилган бўлиши, унинг ҳозирги дақиқадаги қизиқишлари ва муайян вазиятни ҳисобга олиши зарур. Бунда нотӣ нутқ шаклларини танлашда анча эркин бўлиб, ифодали лексика, юмор, мақоллар, маталлардан фойдаланиши мумкин. Оғзаки нутқнинг барча турлари кириш, асосий қисм ва хулоса сингари қисмларни назарда тутувчи композиция қонунлари асосида тузилиши лозим.

Кириш. Вазифа: нутқ предметига эътиборни тортиш, мавзу, тингловчи ва нотӣ ўртасида алоқа ўрнатиш. Нутқнинг бошланиши имконият борича ёркин ва мазкур вазият учун ноанъанавий бўлиши керак. Нутқ приёмлари: кўриб чиқиладиган мавзуга ретроспектив назар; мавзуга ҳозирги кун нуқтаи назаридан қараш; мавзунинг асосий тушунчаларига изоҳ бериш; тингловчи учун мавзунинг идрок қилишни енгиллаштирадиган қулай ҳолатларни санаб ўтиш; мавзудаги муаммоларга нисбатан хатолар, хурофотлар, бир томонлама ёндашувларни баён қилиш; маталлар, иқтибослар, латифалар, қиёслардан фойдаланиш; нутқнинг режасини баён қилиш.

Асосий қисм. Вазифа: нутқнинг асосий ғоясини мантиқан бекаму-кўст ва аниқ далиллар ёрдамида очиб бериш. Нутқ приёмлари: индуктив (типик, аниқ, маълум бўлган ҳодисаларни баён қилишда қонуниятлар ва умумлашмаларни аниқлашга ўтиш) ёки дедуктив мулоҳаза юритиш, муаммодан унинг ечимига, сабаб-оқибат алоқадорлигига таяниш, хронология

ёки маконни баён қилиш, таниш нарсани баён қилишдан нотаниш нарсани баён қилишга ўтиш ва ҳ.к.

Хулоса. Вазифа: нутққа яқун яшаш. Нутқ приёмлари: нутқнинг асосий ғоясини тезис шаклида баён қилиш; ўзининг фикрларидан яқуний хулоса чиқариш; нутқ мазмунига ўзининг шахсий муносабатини ифодалаш; ҳали ечилмаган муаммолар мавжудлигини кўрсатиш; тингловчиларга (огоҳлантириш, истак, чақириқ билан) мурожаат қилиш; ўткир ибора; эътибор ва нутқ учун яратилган имконият учун ташаккур билдириш.

Нутқ матнини тўлалигича ёзиб олиш шарт эмас. Нутқнинг кенгайтирилган режа-конспектини тузиш тавсия этилади, у алоҳида жумлалар ва бу жумлалар ўртасидаги боғлиқликларни ифодаловчи ҳарф-рақамли белгилардан ва чекинишлардан (яъни, нутқнинг муайян схемасидан) иборат бўлади.

Нутқ тайёр бўлгандан кейинги муҳим босқич – унинг ижроси, яъни бевосита аудитория олдида уни баён қилиш. Ижронинг турлича вариантлари мавжуд: ёзилган матнни тўлалигича ўқиб бериш, ёдлаб олинган нутқни айтиб бериш, режа-конспектга таяниб сўзлаш ва бошқалар. Энг муваффақиятлиси ёдлаб олинган режа-конспект асосида нутқ сўзлаш ҳисобланади.

Нутқни эшиттириб айтиш орқали машқ қилиш, нотик қайси усулни танлашидан қатъий назар, зарур. Бундай машқ пайтида хотирада фикрларнинг кетма-кетлигини сақлаб қолиш, нутқнинг энг муҳим қисмлари учун жуда ифодали ибораларни топиш муҳим. Машқни реал нутқ шароитига максимал даражада яқинлаштириш тавсия қилинади: кўз олдида доимо аудиторияни сақлаб туриш, нутқни тўлалигича баён қилиш, унинг қисмларини қолдирмаслик, сунъий вазиятларга қарамасдан тўла таранглик билан гапириш ва бошқалар. Машқ жараёнида овознинг жарангдорлиги, оҳанг ва ҳаракатлар устида ишлаш жуда муҳим. Бунда нутқни товушлар ёрдамида шакллантириш асосий тамойилларини, шунингдек, талаффуз меъёрларини билиш зарур.

Оғзаки мулоқотда муҳим рол ўйнайдиган ҳодисалар овоз, оҳанг ва диксиядир.

Овоз одамнинг индивидуал характеристикаси бўлиб, у бармоқ излари сингари уникалдир. Физик маънода овоз деганда, товуш парчаларининг тебраниши натижасида вужудга келадиган товушларнинг баланд-пастлиги, кучи ва тембрига қараб фарқланадиган хусусиятлари йиғиндиси тушунилади. Овоз тембри шундай хусусиятки, уни идрок қилар эканмиз, бу одамнинг овози ёқимли, ёқимсиз, ғирчилловчи, чинқироқ ёки бошқача овоз, деб баҳолаймиз. Одамнинг овози фақат ёшга қараб эмас, балки жисмоний ва руҳий ҳолатга қараб ҳам ўзгаради. Масалан, овозига қараб одамнинг қувноқ ёки хафалигини, хасталиги, ҳорғинлиги ёки соғлом ҳамда кучга тўлалигини аниқлаш мумкин. Шунинг учун ҳам бошловчи нотик ўзининг овози қандай эшитилаётганига - жарангли ёки жарангсиз, ифодали ёки ифодасиз эканига эътибор бериши лозим.

Овозни ривожлантириш услубияти мақсадга йўналтирилган ва мунтазам машғулотлар ўтказишни тақозо қилади ва у асосан театр билим юртларда қўлланади. Бироқ, овознинг сифатини баъзи ўқув қўлланмаларидан фойдаланиб (тавсия қилинаётган адабиётлар рўйхатига қаранг) мустақил равишда яхшилаш ҳам мумкин.

Дикция ёки сўзларни талаффуз қилиш одамнинг ўзлаштирган хусусиятларидан ҳисобланади. Агар болаликда нутқ товушларини нотўғри артикуляция қилишга ўрганиб қолса, одам дудуқланади, сўзларни ямлаб талаффуз қилади. Дикциядаги бундай камчиликлар логопедлар томонидан тuzатилади. Одамларнинг кўпчилиги товушларни тўғри талаффуз қилишса ҳам, уларнинг диксиялари мукамалликдан анча йироқ. Кўпинча товушлар эринчоқлик билан (оғзига талқон солиб олгандай) талаффуз қилиниши, баъзи товушлар, ҳатто бўғинларни ямлаб юбориш оқибатида (бундай ҳолларда масалан. “ассалому алайкум” ўрнига “ассомкум” эшитамиз) нутқни тушуниш қийинлашади. “Ж”лаш (кераксиз ўринларда ҳам “ж” товушини кўшиб

юбориш, масалан “журинг”), уф тортишлар, (талаффуз қилишдан аввал чуқур нафас олиш), лабларни чапиллатиш, урғу тушмайдиган ундошларни чўзиб юбориш ҳам, сўзнинг охиридаги ундошларни бурун орқали талаффуз қилиш диксиядаги камчиликлар жумласига киради.

Яхши дикцияни ривожлантириш ҳам мунтазам ва интенсив машғулот ўтказишни талаб қилади. Дикцияни такомиллаштиришнинг асосий усуллари нутқ аппарати мушакларини мустаҳкамлайдиган машқлар: товуш ва бўғинларни турли интенсивлик ва турли бирикмаларда, оғизнинг ичига тош солиб гапириш, тез айтишлар ҳисобланади.

Интонация товушнинг баланд-пастлиги, интенсивлиги ва чўзиқлигининг (мелодикаси, баландлиги, суръати, мантиқий урғу ва пауза – иборани мазмунан бўлакларга бўлиш натижаси сифатида) комплекс таъсиридан иборат.

Мелодика ибора давомида овоз тони баландлигининг ўзгаришидир. Турли мелодика билан айтилган айнан бир гап тасдиқни, саволни, ундовни, ундашни англантиши мумкин.

Баландлик (иборанинг интенсивлиги) одатда, гап бўлакларининг энг муҳим қисмларини алоҳида ажратиб кўрсатади.

Нутқ сурати (бир минут давомида талаффуз қилинган товуш ва сўзлар миқдори) ҳам энг муҳим сўзлар ва сўз бирикмаларини ажратиш билан боғлиқ бўлади: сўзлаётган шахс нимани муҳим деб ҳисобласа, ўшани секинроқ талаффуз қилади.

Мантиқий урғу (акцент ёки маъноли ажратиш деб ҳам аталади) гапда, одатда, сўзлаётган киши алоҳида ажратиб кўрсатмоқчи бўлган сўзларга тушади.

Мантиқий урғунинг бир сўздан бошқасига ўтиши маънодаги ўзгаришларга олиб келади (Сен вазани синдирдингми? Сен вазани синдирдингми? Сен вазани синдирдингми?).

Пауза (товуш жаранглашидаги узилиш) - гапни маъноли бўлакларга бўлишнинг муҳим воситаси.

Интонациянинг санаб ўтилган таркибий қисмларидан оқилона фойдаланиш оғзаки нутқ ифодалилигини оширади.

Нутқ ифодалилигини ошириш йўлида, аввало, тайёр ёзма матн устида ишлаш зарур. Оҳанг белгилари қуйидаги тартибда қўйилади:

матнда қайси ўринларда пауза қилиш белгиланади, яъни у маъноли бўлакларга бўлинади;

матннинг энг муҳим қисмлари белгиланади ва мантикий урғу тушган сўзларнинг остига чизилади;

ҳар бир ажратилган маъноли гап бўлагиди мелодика ўзгаришини белгиланади (қуйига, юқорига, текис).

Шундан кейин матнни унда қўйилган интонация белгиларига амал қилиб овоз чиқариб ўқилади.

Тилнинг орфоэпик меъёрлари талаффуз ва урғу бериш қоидаларидан иборат. Сўзларни тўғри талаффуз қилиш нутқ маданиятининг асосий мезони ва инсон маълумотлиги даражасининг кўрсаткичи ҳисобланади.

“Портфел” ёки “магазин” сўзларини эшитганда ҳар қандай одамнинг гаши келади ва уларни саводсиз одам талаффуз қиляпти деган туйғу пайдо бўлади.

Рус тилида кўпгина ҳоллар мавжудки, ҳатто юқори маълумотли одамлар ҳам талаффуз ва урғуда хатога йўл қўядилар, чунки улар ўз вақтида тўғри вариантни ўзлаштирмаган бўладилар. Бу табиийки, одам тўғрисидаги тасаввурни бузади, унинг ўзини-ўзи ижобий тақдим қилишига халақит беради.

Изоҳ: машғулотнинг асосий мазмуни “Основы социальной работы: Учебник / Отв. ред. П. Д. Павленок.- М.: ИНФРА-М, 1997” китоби бўлими асосида баён қилинди.

---

## **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Мулоқотнинг асосий воситалари бўлган тил, мимика, имо-ишора, ҳаракатларни изоҳлаб беринг.

Ижтимоий хизматчининг мулоқот жараёнидаги асосий вазифаларини санаб беринг.

Матн устида ишлашнинг пайдар-пайлиги қандай?

Сиз, тинглайдиган одамлар ва эшитадиган одамлар бор, деган иборани қандай тушунаси?

Тинглашда йўл қўйиладиган асосий камчиликларни сананг.

Самарали тинглаш кўникмасини ривожлантириш учун нималар зарур?

---

## **Вазият**

Бу аёл ўзининг ҳатти-ҳаракатларида қандай хатоларга йўл қўйди? Мазкур оиланинг ҳал қилиш мумкин бўлган асосий муаммоларини санаб беринг. Бу оила билан олиб бориладиган ишнинг тактикаси ва тизимини шакллантиринг.

“Мен эримнинг четда маъшуқаси бор эканини биринчи марта билганимда ақлдан озаёздим. Биз бошқалардан анча ихоталанган ҳолда турмуш кечирар эдик ва менинг катта қизимдан бошқа сирлашадиган ҳеч кимим йўқ эди. У дарҳол менинг томонимга ўтди ва ҳатто отаси билан гаплашмай қўйди. Кейин эса эрим яшаш учун маъшуқасиникига кўчиб кетди. Мен унинг олдига болаларим билан бордим ва албатта, ўзимни тута олмасдан, жанжал қилдим, бақирдим, жазавам тутиб депсиндим. Қизим мени зўрға олиб кетди...”

Биз биринчи марта ҳақиқий жанжаллашдик. Қизим хафа бўлди, асабий, одамови бўлиб қолди, мен билан дардлашмай қўйди, тез-тез йиғлайди. У отасига нисбатан ҳам совиб қолди, ахир мен ўзим унга, отанг сотқин, деб уқтирган эдим. Қизимни йўқотаётганимни сезмоқдаман! Бизнинг

ажралишимиз мана шундай қимматга, болаларимнинг кўз ёшлари ва асабийлашиши эвазига юз берди”.

---

## **Амалий топшириқлар**

*“Ҳозирги замон ёшларининг муаммолари” мавзусида беш минутлик нутқ тайёрланг ва ўқиб эшиттиринг.*

*Ҳамкорликдаги ҳаракат: “Жамоа йиғилиши” хизмат ўйини.*

*Музокара олиб бориш ва мунозаралар; жуфтликда ишлаш: “мижоз – ижтимоий хизматчи”; “ижтимоий хизматчи – иш берувчи”; “ижтимоий хизматчи - ҳомий”. Натижа: шартнома тузиш.*

*Интервью олиш кўникмаси: анкета-интервью тузиш.*

*Ўзининг хизматчисини тинглай билиш: ижтимоий-педагогик вазифаларни ҳал қилиш.*

*Мижоз матнини (ариза, илтимоснома, шикоят ва ҳ.к.) талқин қила билиш: матнларни талқин қилиш.*

*Бирор бир нотиқнинг нутқини тингланг (ёки ўқинг) ва у фойдаланган нутқ тактикаларини ажратишга ҳаракат қилиб кўринг.*

---

## **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

Мазкур блокда бўлғуси ижтимоий хизматчи ва ижтимоий педагоглар учун касбий жиҳатдан зарур бўлган коммуникатив кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган ўйинлар келтирилади. Самарали мулоқот олиб боришда ўзга одам тимсолига “киришиб кетиш”, унинг ички дунёсини яхши тушуниш ёрдам беради.

### ***“Кўз уриштириш” машқи***

1-вариант. Барча иштирокчилар бошларини куйи солиб доира атрофида туришади. Олиб борувчининг командаси билан улар бир пайтда бошларини кўтаришади. Уларнинг вазифаси – ким биландир кўз уриштириш. Бунга эришган ўйинчилар жуфтлиги доирадан чиқиб кетади.

2-вариант. Аввалгисига тескари бўлган вазифа - ҳеч ким билан кўз уриштирмаслик топширилади.

### ***“Бир-бирларининг ролидаги мунозара” машқи***

Бошқа кишининг ролини ижро этаётган қатнашчи фақат унинг ўзини тутиши, нутқи, характерининг имо-ишоралари, мимикасининг хусусиятларинигина эмас, балки у ёки бу ларажада қарашлари тизими, қадриятли установакалари, тафаккур тарзини ҳам ифодалаши зарур. Буни амалга ошириш унчалик осон эмас ва унга ҳамма ҳам эришавермайди. Шунга қарамадан, гуруҳнинг кўпгина иштирокчилари учун ўзининг хулқ-атвори белгиларини четдан туриб кузатиш фавқулудда муҳим. “Наҳотки мен шундай қилсам?” – кўпинча ҳайрон бўлади инсон, шериги унинг характерли ҳатти-ҳаракатлари ёки оҳангидаги хусусиятларни қандай намоёиш этаётганини четдан кузатар экан. Тасдиқ жавобини олгач, иштирокчи ўзида янги қиррани кашф этади ва ўзининг жисмоний “мен”и тўғрисидаги тасаввурини бойитади.

1-вариант. Гуруҳ иккига бўлинади. Биринчи ярми мунозара қатнашчиларининг ички доирасини, иккинчи ярми эса, кузатувчиларнинг ташқи доирасини ташкил этади. Мунозаранинг ҳар бир иштирокчиси ички доирада турган гуруҳ аъзоларидан бирининг номи ёзилган карточкани тортади. Кузатувчилардан ҳар бири иштирокчилардан биттасини кузатиб, у кимнинг ролини ўйнаётганини аниқлаши керак.

Олиб борувчи ҳар қандай масалага тааллуқли бўлиши мумкин бўлган мунозара мавзусини таклиф қилади: “Уй ҳайвонлари керакми?”, “Ҳаётда



хақиқий муҳаббат борми?”, “Кўз тегиши ва кинна киришига ишониш мумкинми?”, “Сайловга бориш керакми?”, “Одамлардаги қайси хусусият жирканч ва қайси бири жозибатор?” ва ҳ. к.

Мунозара беш-ўн дақиқа давом этиши мумкин. Унинг якунида сўз кузатувчиларга берилади. Улар ўзлари кузатган одамнинг роли тўғрисидаги тахминни баён қиладилар. Ижрочи бу фикрни тасдиқлаши ёки рад қилишидан аввал гуруҳнинг бошқа аъзолари, шу жумладан, мунозара қатнашчилари ўзларининг тахминларини олға сурадилар ва уларни асослашга ҳаракат қилишади. Мунозара қатнашчилари кимни тасвирлагани аниқлангандан кейин ролини қай даражада аниқ ва муваффақиятли ижро этилгани муҳокама қилинади.

Шундан сўнг мунозара қатнашчилари кузатувчиларга айланишади, улар эса карточкани олгач, бир-бирларининг ролига кириб янги мунозарани бошлашади.

2-вариант. Мунозара иштирокчилари бир-бирларининг эмас, кузатувчиларнинг ролини ўйнашади. Улар эса ўз навбатида “ўзларини” топиш учун барча ўйинчиларни кузатишади.

3-вариант. Агар гуруҳ унчалик катта бўлмаса, уни иккига бўлишнинг зарурати йўқ: ўйинчилар мунозарада бир-бирларининг ролини ўйнашади ва кейин биргаликда ҳар бир кишининг ролини аниқлашга ҳаракат қилишади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Основы социальной работы: Учебник/ Отв. ред. П.Д.Павленок.-М.: ИНФРА-М, 1997.

*Ван Дейк Т. А.* Язык, познание, коммуникация . –М.: Прогресс, 1989.

*Васильева А. Н.* Основы культуры речи. – М., 1990.

Ведение во Храм Слова: книга для чтения с детьми в школе и дома. – М.: Школа-Пресс, 1994.

*Гойхман О. Я., Надеина Т. М.* Основы речевой коммуникации: Учебник.- М.: ИНФРА-М, 1997.

*Гулякова Л.Г., Кувшинникова В.А., Синцова А.К.* Сборник задач и упражнений по социальной работе.— М.: Наука, 1994.

*Иванова С. Ф.* Говори: Уроки развивающей риторики. – М.: Школа-Пресс, 1997.

*Полищук Г. Г.* Русский язык и культура общения: Пойми меня правильно: Научно-популярное издание. – Саратов: Слово, 1998.

Журнал “Социальная работа”.

Газеты: “Собеседник”, “Я - молодой”, “Аргументы и факты”.

## 20-МАШҒУЛОТ

### ЁЗУВ КЎНИКМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

---

“Ёмон ўқийдиганлар хатни ҳам саводсиз ёзадилар”.

В. А. Сухомлинский

Ҳар бир ижтимоий хизматчи таълим жараёнида иш юзасидан ёзишмалар, маърузаларни оз куч ва оз вақт сарфлаб, максимал ижобий самарага эришган ҳолда ёзишни ўрганиши лозим. Бундай ёзишга ўрганиш анча қийин, бироқ мунтазам машқлар ўзининг ижобий натижасини беради.

Ҳар қандай матннинг категорияларига: мавзу – матнда сўз юритилаётган нарса; ғоя – муаллифнинг асосий фикри; муаммо - ҳал қилиниши ёки ёритилиши лозим бўлган масала; жанр – матннинг муайян типи киритилади.

Ёзма матнни тузиш босқичлари:

Ғояни шакллантириш ва зарур материални тўплаш (бу ғояни мустаҳкамлайдиган ёки исботлайдиган тегишли муаммоларни танлаш).  
Техник приёмлар: “ ақллар ҳужуми”, эркин хат, рўйхат, диаграмма ёки матн режасини тузиш.

II. Матн чизгилари (матннинг асосий ғоясини адекват тасдиқлаш мақсадида тафсилотларни, шунингдек, танланган жанрга тегишли сўзлар ва ибораларни ҳам қўшиш ёки олиб ташлаш).

Таҳлил ва корректура қилиш (матннинг қоралама варианты грамматик ва стилистик жиҳатдан тўғри ёзилганини текшириш, ок вариантдаги хатоларни тузатиш).

Тегишли кўникмалар тил устидаги мақсадга йўналтирилган ва мунтазам машғулотлар натижасида вужудга келади.

Ёзилганларни баҳолашнинг мезонлари қуйидагилар:

- бош ғояни аниқ ифодалаш ва уни очадиган материални бир йўналишда келтириш;
- ғояни тасдиқлайдиган аниқ фактларнинг етарли миқдори мавжудлиги;
- композициянинг аниқлиги ва бўлақлар ўртасидаги мантикий алоқа;
- грамматика қоидаларига амал қилиниши, шакл бериш.

Иш ҳужжатларини тузишга қўйиладиган талаблар.

Соддалик, бир (баъзан ўзаро боғлиқ бўлган икки-уч) масалани баён қилиш.

Хатнинг икки қисми: қайд қилувчи (ёзувни тузиш учун асос бўлган фактлар, мотивлар, далиллар баён қилинади) ва ишонтирувчи (хат мақсадига боғлиқ илтимослар, таклифлар, ечимлар, қарорлар ва ҳ.к.).

Тилнинг нейтраллиги (эмоционал – баҳоловчи ва ифодали сўзлар, ибораларни ишлатмаслик).

Шахсиятлиликдан юқорилик характери (“Сиздан илтимос қиламиз”..., “Маъмурият илтимос қилади”... ва ҳ. к.), сўз ва ибораларнинг, унификациялашган ва стандарт атамаларнинг чекланган диапазонидан фойдаланиш.

Нутқ маданияти: тилнинг тўғрилиги ва стилистик жиҳатдан мослиги, иборанинг аниқлиги, баённинг мантикийлиги, равшанлиги, нутқнинг софлиги ва ифодалилиги ва бошқалар.

## ***“Биринчи тақдимот” машқи***

### *Машқ ўтказиладиган вазият*

Етмиш ёшли эр-хотин Ивановлар, Галина Ивановна ва Александр Иванович ҳар куни ижтимоий муҳофаза хизматидан фойдаланишади. Сиз – янги ижтимоий педагог, аввалги педагог Марина Петровна Ковалёва ишдан кетар экан, сизни бу оилага шахсан таништириб улгурмади, бироқ сизнинг уларга хат ёзишингиз, кейин шахсан танишишингизни тайинлади. Сиз бу оила тўғрисида жуда оз ахборотга эгасиз, лекин хизматга берилган аризалар билан танишсиз, жумладан, Александр Владимирович Иванов хотинини икки марта калтаклаган, лекин бу ҳол муҳокама қилинмаган. Ивановнинг ўзи хонадондаги захлик ҳақида шикоят ёзган, Марина Петровна ЖЭКка унинг шикояти бўйича ариза ёзган, бироқ бу ҳақда оилага ахборот бериб улгурилмаган.

10 дақиқа ичида ўзингизнинг тақдимот-хатингизни ёзинг.

Машқнинг мақсади: таълим олувчини ёзувларни таҳлил қилиш ва баҳолашга ўргатиш.

Машқнинг бориши.

Таълим олувчи қисқа ахборот билан танишади ва унинг асосида тақдимот-хат ёзади.

Шундан кейин ўқитувчи бошқа ўқувчилар томонидан ёзилган бешта хатни ўқиб эшиттиради ва улардан ҳар бирининг афзаллик ва камчиликларини муҳокама қилади.

Таълим олувчи ўзининг тақдимот-хатини қайтадан ёзади ва ўқитувчи билан хатнинг биринчи ва тузатилган вариантини муҳокама қилади, бунда тузатишлар сабабларини изоҳлаб беради.

Қуйида келтирилган тақдимот-хатларни муҳокама қилинг.

*Муҳтарам Галина Ивановна!*

*Мен сиз томонга бормоқчиман ва сизнинг олдингизга ҳол-аҳвол сўраш ва хонадонингиздаги захлик тўғрисида суҳбатлашиш учун кирмоқчиман. Агар сизнинг бошқа яна қандайдир муаммоларингиз бўлса, улар тўғрисида ҳам гаплашишни истар эдим.*

*17-куни, сешанба, кундуз соат уч сиз учун қулай вақт бўлади, деб умид қиламан. Сиз билан шу вақтда учрашишга умид қиламан. Бироқ, мени махсус кутиб ўтирманг, сиз бўлмасангиз, кейинроқ кираман.*

*Сизнинг Виктор Михайлович Бурденко.*

*Ҳурматли Галина Ивановна ва Александр Иванович!*

*Мен, Вера Сидорова аввал Марина Петровна Ковалёва ишлаган Энск шаҳри аҳолини ижтимоий муҳофазалаш хизматининг ижтимоий педагогика бўйича амалиётчи-ўқувчисиман. У мендан сизлар билан учрашишни илтимос қилган эди, мен сизларнинг олдингизга 17-куни, кундуз соат учда киришим қулайми?*

*Ҳар иккалангиз билан учрашишга умид қиламан ва сизларга ёрдам бера оламан, деб ўйлайман.*

*Вера Сидорова, ўқувчи-ижтимоий педагог*

*Ҳурматли Галина Ивановна!*

*Марина Петровна Ковалёва Сиз ва эрингиз муаммолари тўғрисида гапириб сизлар билан ёрдам бериш мақсадида боғланишимни сўраган эди.*

*Мен сешанба куни соат 12 дан кейин кекса кишилар билан ишлаш Марказига бораман. Агар сизлар бу масалани муҳокама қилишни хоҳласангиз, бизга тинч хона ажратиб беришади. Истасангиз Марказ ходимларидан бирортаси бизнинг суҳбатимизда иштирок этиши мумкин.*

*Сизлар билан сешанба куни учрашишга умид қиламан.*

*Самимий қўл сиқиб Вика Михайлова,  
ижтимоий педагог (ўқувчи).*

*Хурматли Галина Ивановна ва Александр Владимирович!*

*Мен ҳозир бошқа ишга ўтиб кетган Марина Петровна Ковалёва ишлаган бюрода хизмат қиламан. Таассуфки, ўтган ҳафтада вақти жуда танг бўлгани сабабли, у мени сизларга шахсан таништира олмади.*

*Мен Сизлар баъзи қийинчиликларга дуч келганингиздан хабардорман, шунинг учун олдингизга кириб сиз учун бирор нарса қилишим мумкинлиги тўғрисида ўйлаб кўришни истар эдим. Эҳтимол биз сизларнинг муаммоларингизни муҳокама қилиб, улардан биттасини танлаб олиб охиригача ҳал қилишимиз имкони бўлар. Сизнинг олдингизга 17-ноябр куни кундуз соат учда боришим қулайми ёки йўқлиги тўғрисида менга қўнғироқ қилиб хабар беришингизни сўрайман.*


*Сизнинг Пётр Сергеевич Сидоренко,  
Фёдор Михайлович Попов, амалиёт раҳбари.*

*Хурматли Галина Ивановна ва Александр Владимирович! Ушбу ила сизга маълум қиламизки, туманингиз бандлик хизмати иш жадвалига биноан, 17-ноябр 15-00 да сизнинг уйингизда янги ижтимоий педагог- Анна Марковна Федосеева билан учрашув ўтказилади.*

*Хурмат билан А. М. Федосеева.*

*Хатларни “хат стили” жадвали бўйича таҳлил қилиш мумкин.*

**Хат стили**



Хатларни муҳокама қилиш учун фойдаланиш мумкин бўлган саволлар.

Таълим олувчи кимга хат ёзди: фақат эрига, фақат хотинига, эр-хотиннинг икковига.

Қаерда учрашиш таклиф қилинмоқда: уйда, уйдан ташқарида (баъзи хизматларда фақат офисда учрашиш қабул қилинган, айниқса, шартли жазога ҳукм қилинганлар устидан назорат хизматларида)?

Учрашув куни ва жойи қандай белгиланган? Галина Ивановна ҳар сешанба куни кундузги марказга қатнаса, унда ўқувчи Ивановлар уйига келиб, фақат унинг эри билан учрашади. Эр-хотиндан белгиланган учрашувга ўзларининг рози ёки рози эмасликларини сўраш мумкин. Мижоз учун белгиланган вақт қулайлиги ва уни тасдиқлаш ҳақида илтимос бор ёки йўқлигини билиш лозим. (3-вариант).

Ўқувчи ўзини қандай тақдим қилди? Вазифа шундан иборатки, хатда ўзини иложи борида тушунарли қилиб тақдим қилиш, мижоз у ҳақда дастлабки таассуротни олиши учун қисқача маълумот бериш, хатни ўқиб у “О! У бизга албатта ёрдам беради”. “Талабага хат ёзиб ўтиришнинг фойдаси бўлармикан?” сингари фикрлар ўтиши мумкин. Таълим олувчилар томонидан хизмат кўрсатилишини мижозлар паст даражадаги хизмат, деб қабул қилишлари мумкин.

Таълим олувчи мижозга вазиятни ўзи билиши тўғрисида қай даражада батафсил ахборот бериши керак? Мижоз унинг вазиятдан хабардор



эканини тушунсин, бироқ унинг ўзига бу ҳақда сўзлаб бериш имконини яратиш зарур.

Хатнинг дўстона оҳанги ва баённинг аниқлигини баҳоланг.

---

## **Амалий топширик**

### *Илтимоснома ёзиш*

Вазият: ҳовли байрамини ўтказиш учун муассасангизга совғалар ва мукофотлар керак. Адресат (сизнинг ихтиёрингизча): банк, кондитер фабрикаси, ўйинчоқлар дўкони.

Сизга ёрдам. Сизнинг илтимосномангизда нималарни кўрсатиш зарур:

- сиз тўғрингизда қисқача ахборот: муассаса(ташкилот) нинг номи, ким томонидан, қачон ва нима учун ташкил қилинган;
- сиз шуғулланаётган муаммонинг қисқача;
- ўтмишдаги ютуқларингиз тўғрисида қисқача баёни;
- сизни ким қўллаб-қувватлаши ва қандай маблағлар ҳисобига кун кечиришингиз тўғрисида маълумот;
- бошқалардан нимангиз билан ажралиб турасиз, уникаллингиз;
- сўроқ шаклида ҳамкорлик тўғрисидаги умумий таклифлар;
- аниқ таклифлар.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Основы социальной работы: Учебник / Отв. ред. П. Д. Павленок. – М.: ИНФРА-М, 1997.

Обучение практике социальной работы: международный опыт и перспективы / Под ред. М. Дозла и С. Шадлоу.— М.: Аспект Пресс, 1997.

*Рамзей Р.* Социальная работа: наука-профессия. К развитию концепции. / Социальная педагогика и социальная работа за рубежом,— Социальная работа,— Вып.6.— М., 1991.

**21-МАШҒУЛОТ**

**ИЖТИМОЙ ИШДА ИШ ЮРИТИШ**

---

“Қалам билан ёзилганни болта чопа олмайди”.

Рус мақоли

“Ўқиш кишини билимдонликка, суҳбат топқирликка, ёзиб юриш одати эса аниқликка эриштиради”.

Ф. Бэкон

Иш юритиш - бу ҳужжатлар билан ишлаш. Ҳужжатлар яратилади, қайта ишланади, сақланади, улардан турли мақсадларда фойдаланилади. Маълумки, ҳужжатни қўлда, ёзув машинкасида (бирданига бир неча нусхада), шунингдек, компьютер техникасидан фойдаланиб ёзиш мумкин. Компьютер технологиялари мижоз тўғрисидаги маълумотларни ихчам, тежамли, қулай шаклда тақдим қилиш, ижтимоий хизматлар мижозлари тўғрисидаги тўла маълумотлар банкни тузиш имконини беради. Машинкада ёзиш ва компьютерни билиш ҳужжатларни яратиш бўйича меҳнатни соддалаштиради ва айни пайтда уларнинг сифатини оширади. Жонли нутқни тезда ёзиб олиш учун узоқ вақтлардан буён стенографиядан фойдаланилади.

Сўнгги вақтларда ҳужжатлаштиришнинг аудио- ва видеоёзув сингари хизмат кўрсатиш жараёнини, мижоз ва ижтимоий хизматчининг кузатилаётган хулқ-атворини кўргазмали акс эттирадиган шакллари борган сари кенгроқ тарқалмоқда.

Иш юритиш маъмурий фаолият (бошқарув)нинг ҳужжатлар ва улар билан ишлашга боғлиқ бўлган алоҳида туридир.

Ишни рисоладагидай юритиш учун мамлакатимизда ва ундан ташқарида қандай техника воситалари мавжудлигидан хабардор бўлиш керак.

Ҳужжатларга ҳамма жойда дуч келамиз. Ҳар қандай муассасага: мактабга, уйлар бошқармасига, шифохонага кириб кўринг, у ерларда

хужжатларга кўзингиз тушади. Алоҳида витриналарда, эълон тахталарида турли-туман эълонлар, ташкилот раҳбарининг буйруқлари, уйда истиқомат қилувчиларнинг рўйхати ва бошқаларни учратиш мумкин. Ўн тўрт ёшга тўлганда ҳар бир фуқаро паспорт, ўрта мактабни тугаллагач, умумий ўрта маълумот тўғрисида аттестат олади, ишга жойлашгандан сўнг эса унинг меҳнат дафтарчаси юритила бошлайди. Бу ва бунга ўхшаш ҳужжатларга шунчалик кўникиб қолганмизки ва улар шу қадар кенг тарқалганки, улар бизга ўз-ўзидан бўлиши зарур нарсалардай туюлади..

Ёзув пайдо бўлган вақтдан буён ҳужжатлар ёзиш, қайд қилиш, бошқача қилиб айтганда воқеа, ҳодисаларни ҳужжатлаштиришнинг ишончли воситаси бўлиб қолди. Ҳужжатлар бизга бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида гўё гувоҳлик бергандай бўлади, улар инсоннинг ҳақиқий хотирасидир.

Ҳужжатларга, демакки иш юритишга миллионлаб одамлар алоқадордир. Ҳужжатлардан муассасаларнинг хизматчилари турли мақсадларда фойдаланишади. Уларни у ёки бу топшириқни бериш, у ёки бу фактни унутмаслик мақсадида тузишади, улардан тегишли маълумотларни олишади. Муассасалардаги ҳужжатлар узлуксиз ҳаракатда бўлади, бир кўлдан иккинчисига ўтиб туради. Уларда топшириқлар битилган бўлади, улар нимани ва қачон бажариш кераклигини эслатиб туради.

Ўз миждозларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида суд инстанцияларига мурожаат қилиб турадиган ижтимоий хизматчи, ижтимоий педагог ўзининг барча илтимослари, аризалари, истаклари, турли муассасаларга (айниқса, давлат муассасаларига) мурожаатларини ҳар доим ўз сўзларининг тўғрилигини тасдиқлаш учун тегишли тарзда расмийлаштириши, ҳар бир ҳужжатда визалар (қондириш ёки рад этиш тўғрисидаги) бўлишини таъминлаши лозим.

Хужжатлар ортида тирик одамлар, тирик иш ва ҳаётнинг ўзи туради. Хужжатлар ортида фақат қоғозни, иш юритишда эса фақат бюрократизмни кўриш яхши эмас.

Мижоз ҳақида хужжат юритиш ижтимоий хизматчи фаолиятини ташкил қилиш, миждознинг ҳолатини, унинг муаммолари, хизмат кўрсатиш жараёнини таҳлил қилиш шаклидир. Хужжатларни юритиш янги фикр ва ғояларнинг пайдо бўлиши, демак миждозга нисбатан унинг номидан амалга оширилаётган фаолиятнинг такомиллашувига ёрдам беради. Иш юритиш хатти-ҳаракатларнинг тартибсизлигига, ишдаги тасодифийлик ва ваколатсизликка барҳам беради.

Ижтимоий хизматчи иш юритиш бўйича қандай мажбуриятларга эга ва қандай ишларни бажаришга лаёқатли бўлиши керак?

У мустақил тарзда, раҳбарнинг оғзаки ёки ёзма топшириқларига биноан асосий иш хужжатларини тузиши ва расмийлаштириши лозим. Машинкада ёзиш ва компьютерда ишлашни билар экан, ижтимоий хизматчи у ёки бу иш хужжатини диктовка остида ёки мустақил равишда тўғридан-тўғри машинкада ёки компьютерда ёзиши мумкин, хужжатнинг стенографик баёнини эса кейинчалик машинкада ёзилган хужжат шаклида расмийлаштириб қўйиши мумкин.

Ижтимоий хизматчи ёзувнинг диктофон, магнитофон, видеокамера сингари воситаларидан фойдаланишни билиши лозим.

Кўп хужжатларни бирнеча нусха шаклида кўпайтиришга тўғри келади. Шунинг учун хужжатларнинг нусхасини олиш, кўпайтиришнинг асосий воситалари ва усулларидан хабардор бўлиш лозим, айти пайтда улар юридик жиҳатдан саводли расмийлаштирилган бўлиши ҳам керак.

Ижтимоий хизматчи хужжатларни қайта ишлаш тартибини билиши, улар қачон ва ким томонидан бажарилиши кераклигини эслаб қолиши, ва ижрони назорат қила билиши лозим. У миждозларнинг хатлари, аризалари,

шикоятлари билан ишлаши, уларни тегишли муассаса ва ташкилотларга юбориши лозим.

Ижтимоий хизматлардаги барча ҳужжатлар ҳисобга олинади (қайд қилинади). Бу ҳужжатлар йўқолиб қолмаслиги ва уларни топиш осон бўлиши учун керак. Қайд қилиш - ҳужжатлар ижросини назорат қилиш шаклларида бири. Қайд қилиш картотекалари ва журналларини юритиш шунинг учун ҳам ижтимоий хизматчига юклатилган. Қайд қилишнинг турли усуллари афзалликлари ва камчиликларини билиши, қайд ёзувларини тўғри ва тоза юритиши лозим.

Ҳужжатлар билан олиб бориладиган жорий ишда уларни гуруҳларга бўлиш, тасниф қилиш ва сақлашнинг тўғри тизими муҳим рол ўйнайди. Муассасаларда ҳужжатларни тасниф қилиш учун делолар номенклатураси ва классификатори яратилади. Уларнинг ёрдамида ҳужжатлар делоларга, делолар гуруҳига (масалан, муассасанинг бирор бир бўлими ёки ишидаги бирор йўналиш делолар гуруҳига) жамланади. Ижтимоий хизматчи делолар номенклатураси тузишни, классификатордан фойдаланишни билиши лозим.

Бажариб бўлинган ҳужжатлардан аста-секин архив ташкил топади. У аввало иш юритиш жараёнида вужудга келади, кейин ҳужжатлар сақлаш учун муассаса архивига ўтказилади. Доим сақланадиган ҳужжатлар кейинчалик давлат архивларига топширилади. Ижтимоий хизматчи ҳужжатлар билан ишлаш жараёнидаёқ архивнинг асосларини тўғри ташкил қила билиши керак. Кейин у тайёр бўлган ва яқунланган делоларни муассаса архивига шундай ҳолатда топшириши керакки, кейинчалик уларни қайта ишлашга тўғри келмасин.

Архивни шакллантиришда ҳужжатлар муҳимлиги, қимматига қараб, сақлаш муҳлатлари бўйича гуруҳланади. Бунинг учун улар баҳоланади (экспертиза қилинади). Ижтимоий хизматчи махсус маълумотномалардан фойдаланиб ҳужжатларни уларнинг сақланиши лозим бўлган муҳлатларга қўя билиши керак.

Ҳар бир ҳужжат бир неча таркибий қисмдан иборат. Ҳужжатларни тўғри тузиш, таҳлил қилиш сифатини аниқлаш учун улардан хабардор бўлиш лозим.

Ҳар бир ҳужжат ўз муаллифига эга. Бу муаллиф муассаса (“юридик”) шахс ёки алоҳида (“жисмоний”) шахс. Ҳужжатларнинг муаллифлари якка шахслар ёки жамоалар бўлиши мумкин. Масалан, ариза алоҳида шахс номидан ҳам, жамоа номидан ҳам (унинг номидан ваколатли орган, масалан, касаба уюшмаси, бюро, кенгаш ва ҳ. к.) берилиши мумкин.

Барча ҳужжатлар ўз мазмунига эга, улар ана шу мазмун учун тузилади. Ҳужжат мазмуни (матни) битта масалага тааллуқли бўлиши мумкин. Бундай ҳужжатлар оддий ҳужжат дейилади. Агар ҳужжатда бир неча масала акс этган бўлса, улар мураккаб ҳужжат ҳисобланади.

Ҳар бир ҳужжат муайян вақтда тузилади ва демак, у ўзининг зарурий таркибий қисми сифатида муайян санага эга бўлиши лозим. Амалиёт кўрсатишича, саналарнинг тури кўп, улар ҳужжат тузилган сана, имзо чекилган, олинган, қайд қилинган, эълон қилинган ва ҳ.к. саналар бўлиши мумкин.

Масалан. ариза олти таркибий қисмдан иборат:

- адресатни белгилаш;
- ариза муаллифининг ифодаси;
- ҳужжат турининг номи (“ариза”);
- ариза мазмуни (матни);
- муаллиф имзоси;
- имзо қўйилган сана.

Мазкур таркибий қисмларнинг бари ушбу ҳужжатда ҳам, бошқа ҳар қандай ҳужжатда ҳам бўлиши зарур. Масалан, санани қўймасак, ҳужжат замондан ташқарига чиқиб қолади. Имзоси йўқ аризани ҳам қабул қилишмайди. Мазмунсиз ариза ҳам, табиийки, бўлиши мумкин эмас.

Хужжатдан фойдаланиш қулай бўлиши учун аризанинг барча таркибий қисмлари шундай ажратилиши ва жойлаштирилиши лозимки, уларни дарров топиш ва ўқиш осон бўлсин.

Таржимаи ҳол эса қуйидаги тартибда жойлаштирилган тўрт таркибий қисмдан иборат бўлади:

хужжат турининг номи (“таржимаи ҳол”);

мазмун (матн);

муаллиф имзоси;

имзо қўйилган сана.

Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг кўриниши бошқачароқ, унинг шакли ва мазмуни қонун йўли билан аниқ белгиланган бўлиб, улар намунавий, яъни туғилганлик тўғрисидаги барча гувоҳномалар учун умумий ҳисобланади. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалар олдиндан чоп этилган бланкларга ёзилади. ЗАГСлар (фуқаролик ҳолатларини қайд қилиш бўлимлари)да, яъни фуқароликнинг туғилиш, никоҳ, ўлим сингари ҳолатлари қайд этиладиган муассасаларда фақатгина бланкда белгилаб қўйилган ўринлар тўлдирилади. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома қуйидаги таркибий қисмларга эга:

хужжат турининг номи (“туғилганлик тўғрисида гувоҳнома”);

мазмун ;

қайд қилиш жойи;

берилган сана;

гувоҳноманинг рақами;

мансабдор шахс имзоси;

муҳр.

Бланкдаги баъзи элементлар бўйича қандай маълумотлар ёзилиши тўғрисида олдиндан кўрсатмалар берилган (улар кўпгина нуқталардан иборат бўлган чизиқлар остида майда шрифт билан ёзиб қўйилган). Гувоҳноманинг бутун мазмуни бланкда олдиндан кўзда тутилган. Туғилганлик тўғрисидаги



гувоҳномада тузатишлар, ўчиришларга йўл қўйилмайди. Гувоҳнома шаклини ҳар қандай бузишлар ва нотўғри тўлдириш яроқсиз қилиб қўяди.

Йиғилиш баённомаси қуйидаги таркибий қисмлардан иборат:

ҳужжат турининг номи (“баённома”);

йиғилиш ўтказган ташкилотнинг номи;

йиғилиш санаси;

мажлисда кимлар иштирок этди?;

кун тартиби;

мазмун;

имзолар (ташкилот котиби, йиғилиш раиси ва ҳ.к).

Ҳужжат оригинал ёки нусха шаклида тақдим қилиниши мумкин. Оригинал деб у ёки бу ҳужжатнинг ягона, одатда, биринчи нусхасига айтилади.

Оригиналдан битта ёки бир нечта нусха олиш мумкин. Нусха – оригиналнинг инъикоси. Ҳужжатлар нусхаларининг бир неча тури мавжуд. Масалан, ҳужжат бир бўлагининг нусхаси кўчирма (масалан, баённомадан кўчирма) дейилади. Юборилган ҳужжатнинг нусхаси кўпинча жўнатиш, деб аталади. Оригинал ўрнини босиши лозим бўлган ва оригинал сингари юридик кучга эга бўлган нусха дубликат деб аталади. Дубликатни фақат оригинални берган муассаса бериши мумкин. Масалан, паспортнинг дубликатини фақатгина милиция органлари бериши мумкин. Маълумот тўғрисидаги гувоҳнома дубликатини мактаб, олий ўқув юрти беради.

Гувоҳноманинг хусусиятига, нусханинг оригиналга мослигига қараб нотариал ва оддий нусхалар фарқланади. Нотариал нусхани ўзининг имзоси ва тамғали муҳри билан нусха оригиналга тўла мос келишини тасдиқлайдиган расмий мансабдор шахс – нотариус тасдиқлайди. Оддий нусхаларни (албатта оригинали мазкур муассасада тайёрланган ҳужжатларнинг нусхаларини) мансабдор шахслар тасдиқлайдилар.

Тасдиқланмаган нусхалар бўлиши ҳам мумкин, одатда улар ксерокопия ва фотокопиялар бўлади.

Ҳар бир ҳужжат учун тааллуқли бўлган санаб ўтилган элементлардан ташқари ҳужжатларнинг фақат у ёки бу тури учун хос бўлган элементлар бўлиши ҳам мумкин. Масалан, муассаса томонидан юборилаётган хизмат хатларида улар йўналтирилаётган корреспондент (адресат) кўрсатилади. Хизмат хатлари одатда “бланклар”да, яъни юқори томондаги чап бурчагида ёки юқоридаги хошиясида муассаса номи кўрсатилган қоғозларга ёзилади. Кўпгина ҳужжатларда гриф деб аталадиган алоҳида белгилар: “тезкор”, “авиа”, “махфий” ва бошқалар қўйилади.

Қонун билан белгиланган ёки амалиётда ўрнатилган ҳужжат шаклларидаги зарурий элементлар реквизитлар деб аталади. Ҳужжатларнинг реквизитларини билиш уларни тўғри тузишнинг муҳим шартидир. У ёки бу реквизитлари кўрсатилмаган ҳужжат брак ҳисобланади.

Алоҳида ҳужжатларда алоҳида фактлар, масалалар, воқеалар акс эттирилади ёки ҳужжатлаштирилади. Масалан, мактаб директори ёзма кўрсатмалар-буйруқлар беради. Педагогик кенгаш мажлислари баённомада акс эттирилади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзлаштириши ҳисобини журналда юритади. Ўқувчиларнинг баҳолари уларнинг ҳар бирига бериладиган табелларда ифодаланади. Директор мактабнинг ишлари тўғрисида ҳисобот тайёрлайди ва маҳаллий таълим бошқармасига тақдим қилади. Буларнинг бари ҳужжатлаштиришнинг алоҳида турлари.

Мактабнинг ҳужжатлари муайян тизимни ташкил қилади ва у мактаб ҳаётининг алоҳида жиҳатларини акс эттиради. Масалан, буйруқларда директорнинг кўрсатма бериш фаолияти, баённомаларда педагогик кенгаш иши, журналларда ўқувчиларнинг ўзлаштириши ва ҳ.к изчил ҳужжатлаштирилади. Шунга ўхшаш ҳолатни ҳужжатлари унинг барча фаолиятини муайян тизим бўйича ҳужжатлаштириш натижаси бўлган ҳар қандай муассасада ҳам кузатиш мумкин. Ҳужжатлаштиришнинг бундай

тизимларига иш юритиш номи берилди, улар ўз ичига ҳужжатларни яратиш, улар билан ишлаш ва сақлашни қамраб олади.

Ижтимоий хизматчининг иш юритиши қуйидагилардан ташкил топади: 1) ижтимоий хизмат ёки хусусий амалиётни тартибга солиб турувчи меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар; 2) муассаса ва мутахассис фаолиятини умумий режалаштириш; 3) ёрдамга муҳтож бўлганлар ва ижтимоий хизматчи билан учрашиши лозим бўлганларнинг қўнғироқлари ва мурожаатлари қайд этиладиган умумий дафтарга қабулга келганларни ёзиб бориш; 4) “мижоз – ижтимоий хизматчи – ижтимоий хизмат”нинг ўзаро муносабатларини белгилайдиган шартномалар ва битимлар; 5) учрашув даврида мижоз ўзи тўғрисида берган маълумотларни ёки ижтимоий хизматчи учрашув тугагандан сўнг қисқача қайдлар шаклида ифодаладиган маълумотларни “стенография” қилиш; 6) бажарилган ишнинг таҳлилини шахсий кундаликка ёзиб бориш; 7) мижознинг муаммоларини ҳал қилишда иштирок этаётган муассаса ва ташкилотлар билан ёзишмалардан олинган ҳужжатлар; 8) у ёки бу вақт давомида қилинган, у ёки бу бўлинма иши тўғрисидаги ёки умуман ижтимоий хизматнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи.

Мижоз билан бевосита ишлашдаги иш юритиш ижтимоий хизматчининг бирор шикоят ёки муаммони баён қилувчи шахс билан бевосита учрашувидан бошланади. Ижтимоий хизматчи билан ҳамкорликда ишлашга розилик биргаликдаги қарор билан тасдиқланади. Бу қарор одатда ёзма шартнома, битим, контракт шаклида қайд этилади. Унда ҳамкорликдаги ишнинг мақсадлари, уларни амалга ошириш усуллари, мижознинг ўзи ҳақидаги зарурий ахборотларни баён қилишга тайёрлиги кабилар аниқланади. Иш давомида ижтимоий хизматчи мижознинг розилиги билан ўзаро таъсир тизимини кенгайтириши ва дастлабки битим шартларига тегишли ўзгаришлар киритиши мумкин. Ҳамкорлик шундан бошланади, у томонларнинг масъуллик соҳаларини белгилар экан, ҳужжатлаштиришни мижоз иштироки ва хабарисиз, унинг инсоний ҳуқуқларига зид равишда

ўзига хос “досье”га айлантириш мумкинлигини (ҳар қандай шаклда, жамловчи папка ёки компьютер дискети шаклида бўлмасин) истисно қилади.

Кейинги қадам мижоз тўғрисида, унинг оиласи, ҳаёт шароитлари, муаммолари тўғрисида маълумотлар базасини яратиш бўлади. Бу ахборотлар кейинги қабуллар, уйига боришлар, тегишли ахборотни тақдим қилиш, текшириш, бланклар “шакллар”ни тўлдириш жараёнида бойитиб борилади.

Хизмат кўрсатиш, ёрдамни ташкил қилиш жараёнларини профессионаллар хизматини мувофиқлаштиришга кўмаклашадиган, ижтимоий ўзаро таъсирнинг турли даражасидаги ижрочилар томонидан йўналтириладиган ёрдам ва қўллаб-қувватлаш стратегиясини, қарор қабул қилиш жараёнини, муҳокамалар натижаларини, расмий кўрсатмаларни кўшишни, қарорларнинг амалга оширилишини, ҳамкорликдаги ҳаракатларнинг истиқболи ва тизимини англаш мутахассисларнинг кундаликларида ва ҳисоботларида акс эттирилади.

Эришилган ижобий силжиш тўғрисидаги якуний қайд бажарилган ишларнинг натижалари тўғрисидаги асосий хулосалардан иборат бўлган ва “дело”ни ёпадиган резюмедир. Ижтимоий хизмат марказларидаги асосий тоифани ташкил этувчи одамларнинг улкан миқдори бугун экстремал, стресс, боши берк кўча ҳолатига яқин бўлган вазиятда яшамокда. Иш юритишга бўлган эҳтиёж ижтимоий хизматчи ва мижоз томонидан мутлақо кераксиз, ортиқча иш сифатида қабул қилинади ва у ҳамкорликдаги ҳаракатлар мажмуини шакллантиришда англаб етилмайди. Эҳтимол, шунинг учундир, одамлар ижтимоий хизматларга нисбатан расмиятчи инстанцияларга мурожаат қилгандаги ҳис-туйғуни сезадилар. Қандай бўлганда ҳам ижтимоий иш бунинг натижасида ўзининг доимий мижозлар сингари муҳим таркибий қисмидан, уларга нисбатан ёрдам, ҳалоскорлик стратегияси ва тизими тузиладиган таркибий қисмдан ажралиб қолади.

Иш юритиш - сўздаги тимсолларни қайд қилиш, ибораларни, “тарих”ларни кодлаштириш бўлиш билан бир пайтда ўзининг хулқ-атворини,

мижоз хулқ-атворини тартибга солиш усулига айланиб бормоқда. Хужжатлаштириш тўфайли индивидуал фаолиятни онгли ташкил қилиш вужудга келади. У бир томондан мутахассисни кундалик маъмуриятчилик оқибатларидан сақласа, иккинчи томондан ўз имкониятларининг мустақил соҳаси ва унинг ортидан ижтимоий муҳит ва миждознинг имкониятларини белгилаб беради. Миждозга тааллуқли хужжатларни юритиш барча учун ва айниқса энди иш бошлаётган ижтимоий хизматчилар учун жуда муҳим.

#### Хужжатлар:

миждоз, унинг муаммолари, ижтимоий хизматчи миждоз билан биргаликда уларни ҳал қилиш учун белгилаган мақсадлар тўғрисидаги ўзига хос “эслатма”, “ёдга солиб турувчи” нарсадир. Ҳар томонлама ва батафсил тўпланган хужжатлар муайян вақт давомида муаммоларни ҳал қилиш бўйича нима ишлар қилингани, бу ишда нималарга эришилгани ва эришилмагани, яна нималарни ва нима учун бажариш зарурлигининг далили ва исботи бўлиши мумкин;

муайян натижалар, иш режалари, хизмат кўрсатиш вазифаларига киритиладиган ўзгаришларни қайд этади, демак ҳисобот хужжати ролини бажаради;

ижтимоий хизматчининг мутахассис сифатида ўз ишига сидқидилдан ёндашаётгани ва компетентлигининг исботига айланади;

ижтимоий хизматчининг малака оширишига кўмаклашади, унинг шахсий касбий тажрибаси шаклланганлик даражасини ифодалайди;

мулоқот ва умумлаштиришнинг, фаолиятнинг коммуникатив ва интеллектуал-предметли, идеал ва амалий шаклларининг бирикиши сифатида намоён бўлади. Масалан, ижтимоий хизматчи ёзма қайдларни қоғозга туширар экан миждознинг ҳолатини, у билан бевосита мулоқотни янгидан ҳис қилади ва таҳлил қилади, унда усуллар ва ёндашувларни такомиллаштиришга кўмаклашадиган янги фикрлар ҳосил қилади, тафаккурнинг танқидий услубини мустаҳкамлайди.

Ижтимоий ишдаги иш юритиш жараёнида ҳал қилинадиган вазифалар:

мижоз, унинг муаммолари, у билан ишлаш воситалари ва усуллари ҳақида аниқ маълумот тўплаш;

кўрсатилаётган ёрдам жараёнини унинг самарадорлигини ошириш мақсадида қайд этиш;

фанлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, турли мутахассислар, идоралар, институтлар ҳаракатларини мувофиқлаштириш;

мижознинг муаммолари ҳолати тўғрисидаги маълумотни бошқарув ва ижронинг барча даражаларига узатиш;

у ёки бу усуллар, меъёрлар, таъсир ўтказиш йўлларини схемалар, графиклар, компьютер дастурлари, схемали истиқболли режалаштириш ва бошқалар ёрдамида умумлаштириш;

ёрдамнинг турлари ва шакллари тўғрисидаги маълумотни унга ҳар бир эҳтиёж сезувчи эришишини таъминлаш мақсадида тизимлаштириш;

маълумот хизматларининг ахборот банклари учун мижозлар ва уларга хизмат кўрсатиш шароитларини типларга бўлиш.

Иш юритишнинг ижтимоий ишдаги функциялари:

клиник: баён қилинган ва ташхис қўйилган муаммоларни ҳал қилиш, бартараф қилиш, “даволаш”. Бу ўзига хос “касаллик тарихи” бўлиб унда шикоятлар, аломатлар ва “даволаш”нинг боришидан то бу жараёнда фойдаланган усуллар ва воситаларгача кўрсатиб ўтилади;

касбий: ёрдам воситалари ва манбаларини аниқлаш, ўзаро таъсирнинг бошқа иштирокчилари билан ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш бўлиб, ижтимоий хизматчининг профессионализи ва малакасини ошириш воситаси сифатида хизмат қилади;

ташкилий: ёрдамни ташкил қилиш жараёнини акс эттириш, мутахассисни ташкилий тадбирларнинг муайян тизимига рағбатлантириш;

маъмурий: мижозлар, уларнинг муаммолари, кўрсатилаётган ёрдамнинг тўлалиги, адекватлиги, ҳар томонламалилиги тўғрисида зарурий ахборот билан таъминлаш, ижтимоий хизматни назорат қилиш ва бошқаришнинг таркибий қисми сифатида хизмат қилади;

илмий тадқиқот: ижтимоий иш тажрибасини умумлаштириш, унинг ривожланишини прогнозлаш.

Ижтимоий хизматдаги иш юритишнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, ҳужжатларнинг қисмлари турлича тақдим қилиниши мумкин, улар:

мижознинг сўзларига кўра муаммони дарак шаклида баён қилиш (субъектив ахборот);

таҳлил қилиш, умумлаштириш, хизмат кўрсатишни баҳолаш муносабати билан, томонларнинг хулқ-атворини, расмий шахслар ва ташкилотларнинг ёрдам кўрсатиш жараёнига муносабатини эътиборга олган ҳолда тавсифлаш (таҳлилий ахборот);

анкета сўровлари, турли маълумотлар, гувоҳномалар натижалари (объектив ахборот); ҳаракат режалари ва дастурлари, муайян шаклда тузилган баённомалар, қабул қилинган мажбуриятлар, тавсифномалар, ишончномалар (тактик хизмат ахбороти);

ҳисобот маҳсулотлари (бажарилган иш тўғрисида, олинган пул маблағлари ва бошқалар тўғрисида) комиссия хулосалари, текшириш ҳужжатлари ва бошқалар (натижаларни қайд қилувчи ахборот).

Шундай қилиб, иш юритиш ижтимоий хизматда жуда муҳим рол ўйнайди ва унинг асосларини билиш ҳар бир мутахассис учун зарур.

---

## **Ўзини-ўзи назорат қилиш саволлар**

Иш юритиш нима ва ундан қандай фойдаланишади? Ижтимоий хизматчи учун иш юритиш асосларини билиш нима сабабдан зарур?

Ижтимоий хизматдаги иш юритишнинг функция ва вазифалари нималардан иборат?

Ижтимоий хизматчи учун, сизнинг фикрингизча, энг зарур бўлган ҳужжатлар рўйхатини тузинг. Мазкур рўйхатдаги ҳужжатларни тасниф қилиш йўлини аниқланг.

---

## **Вазият**

*Ўсмирларнинг муаммолари ва уларни асоциал хулқ-атворга олиб борадиган сабаблар тўғрисида нималарни биласиз? Тақдири тўғрисида онаси қуйида сўзлаб берадиган ўсмир билан олиб бориладиган иш режасини тузинг. Она билан олиб бориладиган иш режасини ҳам тузинг.*

“Ҳозир мен танлов олдида турибман: нима қилсам экан? Вақти-вақти билан ўғлимни фақат калтаклаш эмас, ўлдиришга ҳам тайёрман. У 15 ёшга кирди ва у - ўғри, қандайдир мафия гуруҳида кўрсатиб берувчи ҳам. Олдин, баҳорда уни ҳовлидаги болалар қуршаб олишди, пулини олиб кўя бошлашди. У қўшни подъездда ўғирлик қила бошлади (афсуски, мен бундан жуда кеч хабар топдим). Кейин бизнинг оилавий олтинимиз тўлалигича йўқолди (18 йил аввал тўйимизга совға қилинган эди). Биз ўзимиз ҳеч қандай қимматбаҳо нарса сотиб ололганимиз йўқ. Тўрт бола билан истакларингга жуда кўп “эрк бериш” мумкин эмас, бироқ уларнинг барча зарур нарсалари мухайё бўлиши учун ҳаракат қилдик. Ҳеч қачон давлатдан ҳеч нарса, ҳеч қандай моддий ёрдам сўрамадик.

Олтин буюмларнинг йўқолгани тўғрисида милицияга хабар бердик. Ўғри эса менинг ўғлим экани аниқлангандан кейин мени яшин ургандай бўлди. Шунда у ўзидан пул талаб қилаётган болалар тўғрисида сўзлаб беришга мажбур бўлди. Милицияда ҳаммасини текшириб кўришларини



айтишди ва мен ўғрини ёзни ўтказиш учун дала ҳовлига, вақт ўтиши билан ҳаммаси жой-жойига тушади, деган умид билан олиб кетдим.

Бироқ, шаҳарга қайтишимиз билан уни яна маҳаллий болалар қўлга олиш учун уринишди. Мен уларни топдим, орани очиқ қилиб олдик. Умуман ҳеч ким ҳеч кимдан ҳеч нарса қарз эмаслиги тўғрисида келишиб олдик. Бирдан менинг ҳамёнимдан ойлик маошим йўқолди. Йиғладим, сиқтадим, хафа бўлдим, бироқ қўлимдан ҳеч нарса келмади. Уят бўлса ҳам одамлардан қарз сўрашга журъат қилдим. Энди эса яна ҳам ёмонроғи юз берди. Ўғлим энди бошқа бир гуруҳга қўшилиб олиб болаларнинг пулини олаяпти, ўзига ўхшаган болаларга шерикларини рўпара қилаяпти. Нима қилиш керак? Қандай чора кўриш мумкин? Унга қандай ёрдам бериш мумкин? Кайфиятим жуда ёмон, яшагим ҳам келмаяпти. Қалтис ҳаракатдан етти ёшли, тўрт ёшли ва икки ёшли чақалоқларим тўхтатиб турибди. Улар мени ғам-ғуссадан адо бўлганимни сезишларини истамайман, бироқ ҳамма вақт ҳам бу иш қўлимдан келмаяпти. Шунинг учун тунда ҳамма уйқуга кетганда додлаб чиқаман. Менга бирор киши нима қилиш тўғрисида маслаҳат бера олармикан?”.

---

## **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

### ***“Саҳродаги ҳалокат” машқи***

Бу ўйинга бошқа машҳур ўйинлар: “Кема ҳалокати”, “Ойга кўниш” кабилар ўхшашдир. Машқ кенг доирадаги вазифаларни қамраб олади: мунозарада ўзини тутиш малакаларини ишлаб чиқиш, баҳсда иштирок этиш ва уни олиб бориш кўникмасини яратиш, ишонарли гапириш, аниқ мисол ёрдамида гуруҳ баҳси тадрижини ўрганиш, одамлар мунозара жараёнида йўл кўядиган анъанавий хатоларни ўзи учун кашф этиш, бош масалани ажратиш ва “пўстлоқ”ни ташлаш, нарсаларнинг муҳим хусусиятларини кўра билиш

қобилиятини ривожлантириш, стратегик мақсадларни англашга ва тактик қадамларни уларга бўйсундиришга ўрганиш ва ҳ.к.

Ҳар бир иштирокчи махсус бланк олади (ёки уни олиб борувчининг кўрсатмасига биноан ўзи чизади).

Олиб борувчи қуйидагича йўриқнома беради:

ҳозирги дақиқадан бошлаб биз Европадан Марказий Африкага учиб бораётган ҳаво кемасининг йўловчиларимиз. Саҳрои Кабир устидан учиб бораётганда кема бортида тўсатдан ёнғин бошланди, двигателлар ишдан чиқди ва ҳаво кемаси ерга қулаб тушди. Мўъжиза туфайли сиз тирик қолдингиз, бироқ қаерга тушиб қолганингиз аниқ эмас. Фақатгина аҳоли яшайдиган энг яқин жой 300 чақирим масофада экани маълум. Самолёт парчалари остидан ҳалокат пайтида соғ қолган 15 предметни топдингиз.

Сизнинг вазифангиз - сизнинг ҳалос бўлишингиз учун қанчалик муҳим эканига қараб уларнинг тартибини аниқлаш. Бунинг учун энг муҳим предмет номи ёнига 1 рақамини қўйиш, муҳимлиги бўйича 2-ўринда турадиган нарсанинг номи ёнига 2 рақамини қўйиш ва шу тариқа муҳимлиги энг қуйи бўлган нарса номига - 15 гача бўлган рақамларни қўйиб чиқиш. Бланкнинг биринчи услубини рақамлар билан тўлдириш. Ҳар бир иштирокчи 15 дақиқа давомида мустақил ишлайди. Нарсалар рўйхати:

Ов пичоғи.

Чўнтак фонари.

Теварак-атроф харитаси.

Полиэтилен плаш.

Магнитли компас.

Кўчириб юрадиган баллонли газ плитаси

Ўқ-дори захирасига эга бўлган ов милтиғи.

Қизил-оқ рангли парашют.

Бир халта туз.

Ҳар бир кишига 1,5 литрдан сув.

Ейиш мумкин бўлган жониворлар ва ўсимликлар кўрсаткичи.

Ҳар бир киши учун қуёшга қарши кўзойнақлар

Ҳаммага бир литр ароқ.

Ҳар бир киши учун енгил палточалар.

Чўнтакда олиб юрадиган кўзгу.

Якка тартибда топшириқлар бажарилгандан кейин олиб борувчи гуруҳ аъзоларига жуфтликларга бўлиниб мана шу нарсаларни 10 дақиқа давомида, энди шерик билан биргаликда тартибини белгилаб чиқишни таклиф қилади (энди тартиб рақамлари билан нарсалар рўйхати ёзилган бланкнинг иккинчи устунчаси тўлдирилади). Ўйиннинг кейинги босқичи нарсаларни жойлаштириш тартиби ҳақидаги умумий фикрга келиш учун гуруҳнинг барча аъзолари томонидан муҳокама қилиш, бунга камида 30 минут вақт ажратилади.

Иштирокчиларнинг ишини кузатиш мунозарани ташкил қилиш, ўз фаолиятини режалаштириш, муроа қилиш, бир-бирларини тинглаш, ўз нуқтаи назарини далиллар асосида исботлаш жараёнида ўзини тута билиш кўникмалари қай даражада шакллангани кўзга ташланади. Кўпинча кучайиб бораётган қизғин баҳс-мунозара, ҳеч ким бир-бирининг фикрини тинглашни истамаётгани иштирокчиларнинг ўзларига мулоқот даражасида улар қанчалик малакасиз эканликлари ва ўз хулқ-атворларини ўзгартириш зарурлигини аниқ-равшан кўрсатади.

Баҳс якунида олиб борувчи ўйин тугагани ва барчани соғ-омон қутилиб қолгани билан табриклайди ҳамда ўйин натижаларини муҳокама қилишни таклиф этади. Олиб борувчи ҳар бир иштирокчига берадиган биринчи савол қуйидагича: “Ўтказилган муҳокаманинг натижаларидан шахсан сен қониқдингми? Нима учун?”.

Иштирокчиларнинг жавоблари якка тартибда ва ҳамкорликда олиб борилган фаолият жараёнини, усуллари ва натижаларини англашга

йўналтирилган рефлексия билан биргаликда кечади. Бунинг натижасида вужудга келадиган баҳс олиб борувчининг қуйидагига ўхшаш саволлари билан яна ҳам қизитилади:

Сен нима сабабдан қоникдинг (қоникмадинг)? Сенинг фикрингча, мунозара тўғри йўлдан бордимми ёки йўқми?

Вазиятдан қутилишнинг умумий стратегияси ишлаб чиқилдимми? Муҳокамада фаол иштирок этишингга нима халақит берди?

Сен қабул қилинган қарорга қўшилмайсанми? Нима учун ўз фикрингни ҳимоя қила олмадинг?

Гуруҳ қарор қабул қилишига энг кўп таъсирни ким ўтказди, яъни амалда гуруҳни ўз орқасидан олиб кетган етакчи ким бўлди?

Етакчининг хулқ-атворидаги қайси хусусият бошқаларни унга кулоқ тутиш учун мажбур қилди? Етакчи қайси босқичда пайдо бўлди?

Бошқа иштирокчилар ўз фикрларига бошқаларнинг қўшилишига қайси усуллар ёрдамида эришишди?

Умумий ишга қандай хулқ-атворлар халақит берди?

Умумий фикрга келиш ва барча иштирокчиларнинг ҳуқуқларини чекламасликка қайси энг тез усул билан эришиш ва мунозарани қандай ташкил қилиш лозим эди?

Ўйин яқунларининг муҳокамаси гуруҳни мустақил равишда мунозарани ташкил қилишнинг энг яхши усуллари, баҳсда қўпол тўқнашувларнинг қандай қилиб олдини олиш ва бошқаларни ўз фикрига қай усул билан мойил қилиш масалаларини мустақил ҳал қилишга етаклаши лозим. Одатда, муҳокама жараёнида муаммоларнинг жуда кенг спектри тилга олинади: амалда ҳар қандай мунозара босиб ўтадиган босқичлар, етакчи ва унинг сифатлари, самарали мулоқот малакалари, ўзини тақдим қилиш кўникмалари ва ҳ.к. Зарур бўлганда, олиб борувчи иштирокчиларнинг ўзлари топган қонуниятларни аниқ ифодалашига кўмаклашади. Иштирокчилар томонидан ўзларининг хулқ-атворини ўзлари муҳокама қилишлари жуда

катта аҳамиятга эга ва бу гуруҳнинг бошқа аъзолари томонидан қилинган қайтма алоқа туфайли яна ҳам бойитилади. Бу қайтма алоқанинг ўзаро бир-бирларини айблашга айланиб кетмасдан конструктив хусусиятга эга бўлиши ва иштирокчилар томонидан қабул қилиниши олиб борувчига боғлиқ.

Амалда мунозара муаммосига берилган жавобнинг “тўғрилиги” ҳақидаги масала кўндаланг бўлади. Бундай жавоб олиб борувчи томонидан берилади, бироқ бунда бу фикр хорижлик экспертларнинг фикри экани, унга қўшилмаслик ҳам мумкинлиги, бироқ нарсаларнинг муҳимлиги бўйича тартибини белгилашда халос бўлиш стратегиясини танлаш муҳим аҳамиятга эга экани айтиб ўтилади: ё саҳродан одамларга қараб ҳаракат қилиш, ёки қутқарувчиларнинг кўмагини кутиш. Агар гуруҳда муҳокама жараёнида стратегия тўғрисидаги масала кўтарилмаса, унда муҳокаманинг мазкур босқичида иштирокчиларнинг бир қисми ўз ичларида биринчи вариантни, бошқа қисми эса иккинчи вариантни кўзда тутгани маълум бўлади. Бу эса ўзаро бир-бирларини тушунмасликларининг яна бир сабабини аниқлаб беради. Шундай қилиб, жавоблар:

“Қутқарувчиларни кутиш” варианты (айтгандай, экспертлар фикрига кўра, шу афзал вариант).

Ҳар бир кишига 1,5 литрдан сув. Саҳрода чанқоқни кондириш учун зарур.

Чўнтак кўзгуси. Ҳаводан келадиган қутқарувчиларга сигнал бериш учун муҳим.

Ҳар бир кишига енгил палточа. Кундузи қуёшнинг нуридан ва тунда совуқдан ҳимоя қилади.

Чўнтак фонари. У ҳам тунда учувчиларга сигнал бериш воситаси ҳисобланади.

Қизил-оқ рангли парашют. Ҳам қуёшдан сақловчи восита, ҳам қутқарувчиларга бериладиган сигнал воситаси.

Ов пичоғи. Емак топиш қуроли.

Полиэтилен плаш. Ёмғир ва шудринг тўплаш воситаси.

Ўқ-дорили ов милтиғи. Ов қилиш учун ва овозли сигнал бериш учун хизмат қилиши мумкин.

Ҳар бир киши учун қуёшга қарши кўзойнак. Кўзларни қуёш нурларидан тўсишда ёрдам беради.

Кўчма баллонли газ плитаси. Ҳаракат қилиш зарур бўлмагани учун овқат тайёрлашда керак бўлиб қолади.

Магнитли компас. Унчалик катта аҳамиятга эга эмас, чунки ҳаракат йўналишини аниқлаш зарурати йўқ.

Теварак-атрофнинг харитаси. Керак эмас, чунки ўзи турган жойни эмас, кутқарувчилар қаерда эканини билиш муҳимроқ.

Еса бўладиган жониворлар ва ўсимликлар кўрсаткичи. Саҳрода хайвонлар ва ўсимликларнинг тури унчалик кўп эмас.

Барчага бир литр ароқ. Ҳар қандай шикастлар юз берганда антисептик сифатида фойдаланиш мумкин. Бошқа ҳолатларда унчалик қимматга эга эмас, чунки уни ичиш тананинг сувсизланишига олиб келиши мумкин.

Бир халта туз. Амалда ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

“Одамларга қараб ҳаракат қилиш” варианты. Бунда нарсаларни муҳимлигига қараб тартиблаш бирмунча бошқачароқ кўринишга эга бўлади.

Ҳар бир кишига 1,5 литрдан сув.

Бир халта туз.

Магнитли компас.

Теварак-атроф харитаси.

Ҳар бир кишига енгил палточа.

Ҳар бир кишига қуёшга қарши кўзойнак.

Ҳаммага бир литр ароқ.

Чўнтак фонари.

Полиэтилен плаш.

Ов пичоғи.

Ўқ-дорили ов милтиғи.

Чўнтакда олиб юрадиган кўзгу.

Еса бўладиган хайвонлар ва ўсимликлар кўрсаткичи.

Оқ-қизил рангли парашют.

Кўчма баллонли газ плитаси.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

*Гуслякова Л.Г., Кувшинникова В.А., Синцова Л.К.* Сборник задач и упражнений по социальной работе. –М.: Наука, 1994.

*Вартамян А.И., Лившиц Я. З., Митяев К. Г., Цикулин В. А.* Делопроизводство: Учебное пособие . – М.: Просвещение. 1964.

Справочное пособие по социальной работе / Под ред. А.М. Панова, Е.И. Холостовой.— М.: Юристъ, 1997.

## 22-МАШҒУЛОТ

### ХИЗМАТ ЮЗАСИДАН СУҲБАТ ЎТКАЗИШ ВА МУЗОКАРАЛАР ОЛИБ БОРИШ

---

“Инсон онгига ишлов бериб ўрганиб қолганлар учун энг даҳшатли нарса мустақил фикрлашга лаёқатли одамлардир”.

Мег Гринфилд

“Инсон тарбиясидаги энг асосий йўл ишонтиришдир, ишонтиришга эса фақат ишонч ёрдамида эришиш мумкин”.

К. Д. Ушинский

Баҳслашувда кўпинча ҳақиқатни ифодалаётган одам эмас, балки рақиби нутқини тез ва аниқ таҳлил қила оладиган, унга мутаносиб ва самарали тарзда ўз нутқини туза оладиган одам ғолиб чиқади.

Мулоқот стратегияси ўз ичига қуйидагиларни (О.Я. Гойхманга кўра) камраб олади:

умумий вазиятни англаш;



унда мақсадга йўналтирилган таъсир ўтказиш вазифалари ва асосий ғояларини аниқлаб олиш;

қўйилган вазифаларни бажариш учун вазият ривожланишини режалаштириш ва ташкил этиш.

Мулоқот стратегияси нутқ тактикасида, яъни муайян вазиятда белгиланган мақсадларга эришиш имконини берадиган нутқ приёмларидан фойдаланиш орқали эришилади. Масалан, аввалдан ишониш маъносини деярли 30 хил усулда ифодалаш мумкин: “тахмин қилиш”, “юмшатиш”, “бўрттириш”, “силжитиш”, “айбни бошқа бир кишига тўнкаш”, “такрорлаш”, “мисол келтириш” ва бошқалар.

Нутқ тактикасига қуйидагиларни ҳам киритиш мумкин: кутилмаганлик, ифвогарлик, обрўга мурожаат қилиш, прогнозлаш, норасмий элементлар киритиш, юмор ва бошқалар. Ижтимоий ходим учун муайян вазиятга ҳаммадан кўра мосроқ келадиган нутқ тактикаларини танлай билиш кўникмаси жуда муҳим.

30 карточкага турли нутқ тактикалари номларини ёзинг.

Карточкаларни тартибга солинг. Ижтимоий хизматчи ҳаётида юз бериши мумкин бўлган вазиятларни фақат ёзингизга маълум бўлган тактикалар ёрдамида ишлаб чиқинг (бунда “вазиятлар” бўлимидаги мисоллардан фойдаланиш мумкин). Бошқаларнинг вазифаси эса сиз муаммони ҳал қилишда қандай нутқ усулидан фойдаланганингизни аниқлаш. Бу машғулни бироз ёзгартириб, карточкаларга фақат (қўувчилар сонига мутаносиб тарзда) вазиятлар ёзилади ва барчага бир хил нутқ тактикаси таклиф қилинади. Муаммони ечишда ундан ким энг самарали фойдалана оларкин?

Ижтимоий хизматлар учун мижозларнинг турли муаммолари бўйича музокаралар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Музокаралар диалог ёки полилог шаклида мўлжалланган натижаларга эришиш йўлида ўтказиладиган хизмат мулоқоти кўринишидир. Улар асосан ўзаро фикр алмашиш йўли

билан ҳар икки томон манфаатларига мос келадиган битимга эришиш ва барчага манзур бўладиган натижани қўлга киритиш учун ўтказилади. Ютуққа эришиш ва мижоз манфаатини энг яхши тарзда ҳимоя қилиш учун музокара олиб бориш санъатини мукамал эгаллаш лозим. Музокара олиб боришнинг мутахассислар томонидан тажриба асосида ишлаб чиқарилган муайян қоидалари мавжуд.

Музокара олиб бориш қоидалари:

Ўз олдингизга қўйган вазифани назардан қочирманг, нима билан шуғулланаётганингиз ҳақида бериладиган саволга жавоб бериш учун тайёр бўлиб тулинг.

Эътиборли бўлинг ва суҳбатдошингизнинг гапини бўлманг.

Суҳбатдошингизни у етти ухлаб тушига ҳам кирмаган нарсада айбланманг. Бу уни мудофаа мавқеига ўтиб олишга мажбур қилади ва музокараларнинг умумий асабийлиги ва агрессивлигига сабаб бўлади.

Музокара бошиданоқ самимий ва оққўнгил бўлинг. Суҳбатдошингизга ҳурмат билан муносабатда бўлинг, лекин унинг олдида ялтоқланманг.

Мижоз билан мулоқот қилганда

Дастлабки визуал алоқани ўрнатиш жуда ҳам муҳим. “Кўзнинг кўзга тушиши” суҳбатдошни самимий бўлиш ва ҳақиқатни сўзлашга ундайди. Одам ўзида бошқа кишининг нигоҳини қанча узоқ сезса, шунча тез жавоб беради.

Анъанавий сўрашишдан (қўл узатишдан) сўнг мижоз билан шундай жойлашиб ўтириш керакки, орангизда ҳеч қандай тўсиқ (стол, баландлик ва ҳ.к.) бўлмасин. Суҳбатни эркин ҳолатда олиб бориш лозим (оёқ ва қўлларни чалиштириш суҳбатдошни “беркитиб қўяди”). Мижоз ва ижтимоий ходим бир-бирининг қаршисида эмас, ёнида (масалан, диванда) ўтиришганда суҳбат анча очик бўлади.

Ёнма-ён ўтиргач, дарров мижознинг шахсий майдонига (120 см) сурилиш лозим. Бироқ, бунда 45 см гача бўлган масофа интим зона ҳисобланиб, унга “кириш

Суҳбатдошни эшитишни билинг. Унинг ҳақиқий мотивлари ва истакларини тушунишга ҳатти-ҳаракатлари, имо-ишоралари ва сўзлари нималарни ифодалаётганини англашга ҳаракат қилинг.

Суҳбатдошингизни ўз томонингизга “ағдариб олишга”, унинг муаммоларини ўзингиз ҳал қилиб беришга уринманг.

Ўз муаммоингизда ваколатли бўлинг, сизга берилган саволнинг жавобини билмасангиз, уни ичингиздан тўқиб чиқарманг, ва сизга берилмаган саволга жавоб беришга ҳаракат қилманг.

Камбағаллик ва ночорлигингиз билан “мақтанманг”.

Ўтмиш тўғрисида эмас, келажак тўғрисида кўпроқ гапиринг.

“Майда гап” бўлманг ва муҳим бўлмаган масалалар юзасидан тортишманг. Ташаккур билдиринг (ёрдам, ажратилган вақт, масалаҳат ва ҳ. к. учун). Суҳбатдошингизга у билан учрашувингиз сиз учун жуда муҳим бўлганини етказиб қўйинг.

Музокаралар муваффақиятсизлик билан тугашига доимо тайёр турунг.

Мижозларнинг муаммоларини ҳал қилишда ижтимоий хизматчи кўпинча бошқа муассаса, ташкилот ва идораларнинг мутахассисларига ёрдам сўраб муурожаат қилишига тўғри келади. Бир маротабали шахсий мулоқотлар узок муддатли ўзаро мажбуриятларга нисбатан ижтимоий хизматчи учун мураккаброқ бўлади, унинг фаолияти самарадорлигини пасайтиради. “Керакли” одамлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини тўғри

Ҳар бир ўқувчига ижтимоий хизматчининг миожлар муаммоларини ҳал қилиш учун зарур бўлган “ташқи” алоқаларини чизиш топшириш берилади. Гуруҳда бажарилган ишнинг натижаларини муҳокама қилинг. “Ўзаро таъсир”нинг якуний схемасини чизинг. Схепада белгиланган муассаса ва ташкилотларни ўқувчилар ўртасида тақсимланг. Хизмат ўйини давомида ижтимоий ишнинг барча иштирокчилари ўртасида ҳамкорлик муносабатлари “ўрнатишга” ҳаракат қилиб кўринг.

Ҳамкорлик муносабатлари ривожланишига ҳалақит бераётган муаммолар: томонлар манфаатларининг ноаниқлиги ва келиштирилмагани.

Кутилаётган натижалар тўғрисидаги тасаввурларнинг турличалиги.

Ўзаро ахборот алмашишнинг заифлиги.

Муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан шакллантирилмагани.

Молиявий маблағларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш масаласидаги ноаниқлик. Режалаштиришнинг йўқлиги, ким нима учун масъул экани тўғрисида тасаввур шакллантирилмагани.

Ижтимоий хизматчининг фаолиятида вербал ва новербал воситалар ёрдамида амалга ошириладиган, расмий-хизмат доирасида амалга ошириладиган, бевосита мулоқот шакли бўлган суҳбатга катта ўрин ажратилади. Хизмат юзасидан ўтказиладиган суҳбатлар куйидаги хусусиятларга эга:

ҳамкорларнинг ўз мавқеларини аниқ ва ишонарли қилиб баён қила олиш лаёқатлари ва мулоқот мақсадларини ҳисобга олган ҳолда музокара предметига танлаб ёндашиш;

шерикнинг сўзларига муносабат билдиришнинг тезлиги; шериклар фикри ва таклифларига танқидий баҳо бериш;

субъектив ва объектив омилларни ҳисобга олиш ва баҳолашга таҳлилий ёндашув;

мазкур муаммо бўйича мавжуд нуқтаи назарларни танқидий таҳлил қилиш орқали ўзининг аҳамиятини билиш ва шерикларнинг малакаларини ошириш;

муаммони ҳал қилишга алоқадорлиги ва масъуллигини ҳис қилиш.

Хизмат юзасидан суҳбатларни ўтказиш бўйича қуйидаги тавсиялар берилади:

суҳбат режасини олдиндан ёзиб олиш, энг муҳим ибораларни танлаш;

суҳбатдошга суҳбат давомида вақти-вақти билан таъсир ўтказиш тамойилидан фойдаланиш: нохуш моментларни ёқимлилари билан алмаштириб туриш, суҳбатнинг бошида ва охирида ижобий нарсалар тўғрисида гапириш;

суҳбатдошнинг асосий мотивларини доимо ёдда тутиш: унинг кутишлари, шу суҳбат натижасида у қўлга киритмоқчи бўлаётган афзалликлар, унинг мавқелари, ўзини намоён қилиш истаги, адолат туйғуси, ўзини ҳурмат қилиши;

суҳбатга алоқаси бўлмаган чет кишиларнинг ҳозир бўлишидан қочиш;

ҳар қандай вазиятда хушмуомала бўлиш, юксак дидни намоёиш қилиш.

суҳбатдошнинг ижобий жавоб беришига кўмаклашиш;

суҳбатдош “йўқ” деб жавоб бериши мумкин бўлган саволларни четлаб ўтишга интилиш;

агар суҳбатдош сизнинг фикрингизга қўшилмаса, уни батафсил баён қилинг;

суҳбат мавзудан четга чиқмасликка ҳаракат қилиш, йўл-йўлакай чекинишлардан қочиш, фикрни ишонарли қилиб оптимистик кайфиятда ифодалаш.

Шуни ҳам эсда тутиш зарурки, суҳбатдошнинг сўзларини беодоблик билан бўлинганди, унинг ўз фикрини баён қилишига асоссиз йўл кўйилмаганда, унинг далилларини эътиборга олмаганда ёки мазах қилганда, фактлар бузиб кўрсатилганда, асоссиз шубҳалар баён қилинганда ва ҳ. к. суҳбатнинг рисоладагидай ўтишига халақит беради.

Музокаралар олиб боришнинг қуйидагича соддалаштирилган схемаси таклиф қилинади: саломлашиш ва музокаралар мавзунинг дебначиси: мавзу тавсифи ва музокаралар юритиш бўйича таклифлар; томонларнинг ўз мавқеларини баён қилиши; мунозара юритиш; муаммони ҳал қилиш; якуний ҳужжат тайёрлаш ва якунлаш.

Музокаралар муваффақиятли ривожланиши учун, улар бошланиши биланоқ суҳбатдош билан умумий нуқталарни топишга интилиш зарур. Мунозарани мавзунинг энг муҳим жиҳатларидан бошлаш ва асосий масалалар бўйича умумий хулосага интилиш ва шундан кейингина тафсилотларга ўтиш таклиф қилинади. Музокаралар бошланишида мавзунинг мунозарага сабаб бўлмайдиган аниқ жиҳатлари кўриб чиқилади, бу эса мунозарани ривожлантириш учун асос яратишга хизмат қилади. Шундан кейин нисбатан осонроқ ҳал қилиниши мумкин бўлган жиҳатларни кўриб чиқишга ўтилади. Ундан кейин эса батафсил муҳокама талаб қиладиган асосий масалаларни кўриб чиқишга ўтилади. Агар бу масалаларни кўриб чиқишга муҳокама бошидаёқ киришилса, унда музокаралар мутлақо барбод бўлиши мумкин. Агар қарашлардаги тафовутлар жиддий бўлса, уларга урғу бермаслик лозим, акс ҳолда бу музокараларнинг ривожланишига халақит беради.

Мабодо, мураккаб масалаларни кўриб чиқишга аста-секин киришиш тамойилига эришиб бўлмаса, музокаралар иккинчи даражали масалаларда

ўралашиб қолиши, асосий мавзулар бўйича эса томонлар умумий келишувга эриша олмасликлари мумкин. Бундай ҳолатда эришилган битимларни қайд этиш ва улар асосида муҳокама қилиниши лозим бўлган навбатдаги масалаларни белгилаш лозим. Музокаралар муваффақиятли ёки муваффақиятсиз ўтганидан қатъий назар, уларнинг натижаларини батафсил таҳлил қилиш зарур.

Музокараларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан нутқ ифодасига боғлиқ бўлиб, оптимал ҳолатда у расмий-хизмат нутқининг услуби ва тилидан фойдаланишга, психолингвистика, социолингвистика, шунингдек, мулоқот психологияси фанларининг маълумотларига асосланган бўлади.

---

### **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Музокаралар тортишув ва баҳслашувдан нимаси билан фарқ қилади?

Музокаралар олиб боришнинг умумий схемаси ва тамойиллари нималардан иборат?

Дўстона суҳбатларнинг хизмат юзасидан ўтказиладиган суҳбатдан фарқи нимада?

Хизмат юзасидан суҳбат ўтказиш услубияти нимадан иборат?

---

### **Вазият**

Ижтимоий хизматга бир киши мурожаат қилиб “парчаланиб кетаётган” оиласини сақлаб қолишни илтимос қилди. Унинг кўп болали оиласи (унинг ўзи, хотини ва 9 фарзанди) бир подъезддаги икки хонали ва бир хонали хонадонни эгаллайди. Хотини ундан аввал икки марта турмуш курган бўлиб, ҳар биридан учтадан боласи бор. Болаларнинг учтасини эса биргаликдаги никоҳдан топишган. Яқинда хотини ундан ажрашиш ва “ўзи

севган одамга” турмушга чиқиш қарорига келган. У бу эридан ажрашиб янги эрини икки хонали хонадонда рўйхатдан ўтказмоқчи, собиқ эри ва болаларига эса бир хонали хонадонни қолдирмоқчи.

*Бундай вазиятда ижтимоий ходим қандай йўл тутиши лозим?*

*Уч ва ундан ортиқ фарзандга эга бўлган оилалар никоҳини бекор қилишда қандайдир чеклашлар мавжудми?*

*Мазкур муаммони ҳал қилиш учун яна қайси хизматларни жалб этиш лозим?*

---

## **Амалий топшириқлар**

*Ўқишнинг дифференциал алгоритмидан фойдаланиб, газетадаги кичик мақола мазмунининг (жами 1000 га яқин белгидан иборат) қисқа резюмесини тузинг.*

*Ижтимоий хизматчи – маҳаллий маъмурият ходими жуптлигининг “музокаралари” ролли ўйинини қуйидаги мавзулардан танлаганингиз бўйича ўйнанг:*

*мижознинг ҳуқуқлари;*

*ижтимоий хизматчининг ҳуқуқлари;*

*маъмурий ҳудуд ижтимоий ривожланиш дастури;*

*ташаббускор жамоат бирлашмасини қўллаб-қувватлаш;*

*хизмат кўрсатган одам юбилейини байрам қилиш ва бошқалар.*



## Амалий машғулот

“Инсонлар яшамайдиган орол” ўйини (А. С. Прутченковнинг “Коммуникатив малакалар тренинги: машғулотларнинг услубий ишланмаси” китоби бўйича. М.: Новая школа, 1993. – 47 с.).

Синф икки гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳга қуйида кўрсатилган буюмлардан умумий вазни 100 кг дан ошмайдиган юк олиш топшириғи берилади. Бунда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш зарур:

Экипажнинг ҳар бир аъзоси ўз фикрини билдириши мумкин.

Ҳар бир одам фикрларининг миқдори чекланмайди.

Экипажнинг барча аъзолари яқдиллик билан рози бўлганлари тақдирдагина қарор қабул қилинади.

Мабодо, экипаж аъзоларидан бирортаси мазкур қарор қабул қилинишига эътироз билдирса, унда бу қарор қабул қилинмайди ва гуруҳ бошқа йўл топиши керак бўлади.

Қарорлар предметлар ва буюмларнинг умумий рўйхатига нисбатан қабул қилинади.

“Ҳаво шари”.

Арқон – 50 кг.

Дори-дармонлар аптечаси – 5 кг.

Гидравлик компас – 6 кг.

Гўшт ва балиқ консервалари – 20 кг.

Секстант (жойни юлдузларга қараб аниқлайдиган жиҳоз) – 5 кг.

Оптик нишон ва ўқ-дори захирасига эга милтиқ – 25 кг.

Турли конфеталар – 20 кг.

Ухлаш қоплари (экипажнинг ҳар бир аъзосига биттадан) – 10 кг.

Ракеталар мажмуига эга бўлган ракетница – 8 кг.

10 кишилик палатка – 20 кг.

Ичимлик сув солинган канистра – 20 л.

Жуғрофий хариталар – 25 кг.

Резина қайиқча – 25 кг.

Шундан кейин олиб боровчи юқоридаги қоидаларга амал қилган холда гуруҳларга номаълум оролда улар тушиб қолган турли вазиятларни “баён қилади”.

Ҳокимият.

Меҳнат натижаларини тақсимлаш.

Мажбуриятлар.

Ҳуқуқлар.

Ахлоқий-маънавий кодекс.

Белгиланган қоидаларни бузиш учун қўлланадиган санкциялар.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Основы социальной работы: Учебник / Отв. ред. П.Д. Павленок.— М.: ИНФРА-М, 1997.

*Алексеева О.* Третий сектор, или Благотворительность для “чайников”. – М.: Изд-во Благотворительного фонда Би-би-си МПМ Лимитед, 1997.

Теория и методика социальной работы: Краткий курс / Под. Ред. Жукова В. И. – М.: Союз, 1994.

## **23-МАШҒУЛОТ**

### **ИЖТИМОЙ ИШ ВА САНЪАТ**

---

“Одамни дунёдан ҳеч нарса санъат каби ихоталай олмайди, айти пайтда ҳеч нарса одамни дунёга санъат сингари боғлай ҳам олмайди”.

Гёте

Россия жамиятининг маданий ҳаётида аҳолининг маданий кадриятлардан бегоналашув жараёни чуқурлашиб бормоқда. Россия мактабларининг деярли ярмида мусиқа ўқитувчилари, хорлар, театр ва рақс тўгараклари йўқ. Ўртача статистик кўрсаткичларга кўра, болалар фақат олти йилда бир мартагина театрга борадилар. “Жонли” мусиқани эшитмаган, театр санъатига ошно бўлмаган, музейлар, кутубхоналар, клублар нима учун кераклигини тушунмайдиган, ҳиссий, интеллектуал, маънавий жиҳатдан камбағал авлод ўсиб келмоқда. Шу кунгача аҳолининг маданият муассасаларига бемалол киришини кафолатлайдиган, аҳолининг ижтимоий муҳофазаланмаган қатламлари учун маданий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган давлат ҳужжатлари мавжуд эмас.

Ҳозирги “оммавий” маданият ўзини намоён қилиш учун интилишга кучи ва лаёқати бўлмаган шахсни “моделлаштирмоқда”, чунки у томошабиндан ҳеч қандай ақлий ва маънавий фаолиятни талаб қилмайди, аёллардаги сингари инжиқлик ва иродасизликни шакллантиради. Айти пайтда санъатни жонли идрок қилиш томошабинларнинг онгли маданияти ва эҳтиёжларини шакллантириши аниқланган.

Санъатнинг имкониятлари жуда кўп қирралидир. Санъат интеллектуал ва ахлоқий сифатларни шакллантиради. Ижодий қобилиятларни рағбатлантиради, муваффақиятли ижтимоийлашувга кўмаклашади. Санъат даволайди. Санъат ёрдамида даволаш арттерапия (юнонча “арт” - санъат) дейилади. Арттерапияда мавжуд бўлган санъат асарларидан фойдаланилади: Мижозларни мустақил ижод қилишга ундалади; мутахассиснинг ўз ижоди – чизиш, бўяш ва ҳ.клардан мижоз билан ўзаро

таъсирда фойдаланилади. Ижтимоий хизматчи томонидан махсус танланган адабиётларнинг мижоз томонидан ўқилиши, таҳлил қилиш ва баҳоланиши библиотерапия деб аталади. Мусика, театр, рассомлик, кино ҳам даволайди. Қадимги Фивадаги кутубхоналар пештоқиға “руҳни даволайдиган шифохона” деб ёзиб қўйилган эди. Ижтимоий хизмат қабулиға чарчаган, хорғин, боши оғриётган одам келса, у билан суҳбат ўтказиш учун энг яхши фон Бетховеннинг “Пилигримлар хори”дир. Дворжакнинг “Карнавал прелюдияси” депрессия, сиқилишни даволайди. Бетховеннинг “Қувонч” одаси меланхоликлар учун фойдалидир. Театр санъати алоҳида хусусиятға эға. У ўз ичига санъатнинг бир қатор турлари: рақс,

Психологлар баъзи тоифа одамлар учун типик бўлган “ўйин” мавзуларини аниқладилар. Масалан, “андай автомобил яхши?”, “Спорт мусобақаларида ким ғолиб чиқди?” ва шу кабилар “эркакларнинг суҳбатларига” тааллуқлидир. “Аёлларнинг суҳбатлари” эса “олди-сотдилар”, “ошхона”, “гардероб” ва бошқалар тўғрисида бўлади. Ёсмирлар эса кўпинча “севги” ўйинларини ўйнашади, ўрта ёшли одамлар орасида энг кенг тарқалган ўйин эса “Даромадлар ва харажатлар” дир. “Оқсуяклар сафсатабозликлари” эса кўпинча: “Бу қандай бажарилади” (қисқа муддатли авиасаёҳат учун жуда мос тушади); “анчадан?” (ўртача ва ундан пастроқ даромадли одамлар учун кафе ва барларда вақт ўтказишнинг сеvimли тури); “Сиз ...да ҳеч бўлганмисиз?” (“Кўп иш кўрган” одамлар орасида оmmалашган носталгия); “Сиз фалончи билан танишмисиз?” – ёлғиз одамларнинг вақт ўтказиши; “Бизнинг умумий танишимизға нима бўлди?” (молиявий аснода муваффақиятға ёки муваффақиятсизликка учраган одамларнинг ўйини); “Эртасиға наҳорда” (бошнинг оғриши ва унга ниманинг шифо бўлиши) – ёш йигитлар, бошловчи алкогольликларнинг вақт ўтказиши.

руҳиятининг ичкарасиға кириб боришға интилади, очиқлик, бегоналашув комплексларини, ёлғизликни бартараф этишға олиб келади, яхшиликка ишонч уйғотади.

Ҳаётимиз давомида юзлаб ролларни: ота-оналар, болалар, қариндош-уруғлар, дўстлар, маслаҳатчилар, тарбиячилар, тарбияланувчилар, йўловчилар, пиёдалар, харидорлар, ошиқ-мошиқлар, ҳақоратланганлар, хафа қилинганлар, бахтиёрлар... ролларини ўйнашимизға тўғри келади. Бу роллардан ҳар бири ўзининг хусусиятлари ва қоидаларига эға: йўловчи

хушёр бўлиши, пиёда эҳтиёт бўлиши, сотувчи хушмуомала ва ҳалол бўлиши талаб қилинади. Ҳаётдаги ролларни кимдир осонгина, кимдир эса жуда қийинчилик билан ўйнайди. Биз дўстларимиз орасида “ёлғизлар” – дўстлар орасидаги “ўз одами” ролини ўйнай олмаётганларни учратамиз, кўп ота-оналар эса ўз болаларининг “дўсти” ролини ўйнашади, бу эса мунгли оқибатларга олиб келади.

Бироқ, касбий роллар: курувчи, ишчи, милиционер, ўқитувчи, врач, олим сингариларнинг роллари яна ҳам мураккаброқ бўлиб, улардан ҳар бири уникал ва бетакрордир, ўз касбий ролига ўрганиш эса узоқ ва мураккаб жараёндир.

Касбий ролларни ижро этишни ўрганиш мумкин. Бунда ҳар бир инсонда мудраб ётган ақлий ва маънавий қобилиятларни фаоллаштиришга ёрдам берадиган, одамларнинг ўзаро бир-бирига қизиқишларини, бир-бирларини тушунишга интилишларини кучайтирадиган театр санъатининг ёрдами жуда катта. Театр санъати – юксак ақлий маданият, эстетик маданият, яхши одоб-ахлоқ намунасидир. Театр оптимистик кайфиятни вужудга келтиради, жамоада ижобий руҳий иқлимни яратишга кўмаклашади, байрамона ва эркин иқлим яратади. Театр постановкаларида биргаликда қатнашиш шахснинг ўзини-ўзи адекват баҳолай олишга яқинлашиши учун имкон яратади, кечиримли бўлиш, бир-бирларининг хулқ-атворларини тушуниш, майда-чуйда хафагарчиликлардан узоқроқ бўлиш, бир-бирларининг шаъни ва талантларини ҳурматлашга ўргатади. Театр ҳамкорликдаги меҳнат, ижод, дўстлик, муҳаббат учун катта куч-қувват беради. Театр санъати инсон руҳиятининг барча жабҳаларида: интеллект, ҳис-туйғу, ахлоқий сифатлар ва характер хусусиятлари, ҳаётий урф-одатлар, установкалар, йўналишлар, хулқ-атвор ва баҳо мотивларига таъсир ўтказди.

Театр сирларига, бадиҳа ўйин оламига кўмилиш ҳайратланарли даражада самарали бўлади.

Театр санъатида амалий машқларнинг катта миқдори тўпланганки, уларнинг ижтимоий хизматчилар касбий шаклланишида фойдали эканини амалиёт исботлади.

“Менинг таржимаи ҳолим” машқи ўқувчининг ўз ҳаёти тўғрисидаги оғзаки ҳикояси бўлиб, хотирани “эмоционал жиҳатдан

ДИМСИ да қизиқ анъана шаклланди: ҳар бир умумроссия тадбири бадиха усулида қўйилган комедия дел арте – классикларнинг машҳур асарларига, турли даврлар театрларига, стилларига, халқларнинг муболаға қилинган, урғуланган ҳолатларига пародия сифатидаги постановка билан яқунланади. Актёрлар ўзларининг “роллари” (бундай роллар бош қаҳрамонлардан ташқари “стул”, “дарпарда”, “ёмғир”, “кутилмаган ҳодиса” ва бошқалар) ҳақида комедия бошланишидан икки-уч соат олдин маълумот оладилар ва бор материаллар ёрдамида ролларга “киришадилар”, муаллифлар ва постановкачи режиссёр матнини пантомима ёрдамида ифодалядилар. Бундай постановканинг хусусиятлари, унинг оммавийлиги, жамоа ҳар бир аъзоси учун рол топиш имконияти (Илф ва Петровнинг “12 стул” романи асосида ДИМСИ ахборот воситалари Ассамблеясининг 1997 йилда Тула шаҳрида қўйилган постановкаси рекорд кўрсаткичга эга бўлди: спектакл финалидаги сахнада 120 актёр иштирок этган эди). Дел артенинг барча спектакллари ижодий ҳамкорликдан умумий қувонч олиш, театрга ва бир-бирларига мухаббат руҳи билан ажралиб туради.

енгиллатиш” имконини беради, бошқа шахс – унинг шахсиятига белгиловчи таъсир ўтказадиган зарурий омил ҳисобланувчи замондоши таржимаи холига чуқур қизиқиш пайдо бўлиши ва ривожланишига кўмаклашади.

“Ёрқин ҳодиса тўғрисида ҳикоя” машқи ўқувчи томонидан ўзи бошидан кечирган ёки гувоҳ бўлган ҳодисани ўзи танлаб, асослаб тузади ва ҳикоя қилиб беради, бу машқ ҳаётий ҳодисалар мавжудлиги қонунларини, уларнинг инсон тақдирига ўтказадиган таъсиридаги қонунларни очишга ёрдам беради.

“Актёрлик этюди” машқи ички зиддият ва кураш мавжуд бўлган эпизодни сахна тили билан яратишни назарда тутади; ўқувчиларга ўзларидаги ва атроф-муҳитдаги янги нарсаларни очишни ўргатади, инсон шахсиятидаги ахлоқий қадриятларни очишга кўмаклашади. “Воқеа жойи”ни

педагог белгилаб беради (ресторан, том, вагон купеси ва ҳ. к.), “саҳна типи номини” ҳам педагог белгилайди, ўқувчи эса уни саҳнада ифодалайди.

“Ишониб бўлмас ҳодисалар” машқи буюмларнинг жонланиши, хайвонларнинг суҳбатлари, одамлар қиёфасининг ўзгариши ва бошқаларни назарда тутиб, инсон фантазияси тасаввурининг ривожланишига ёрдам беради.

XX аср охирига келиб инсониятнинг катта қисми китобларсиз, санъатсиз ҳаёт кечира бошлади. Телевидение “саводхонлик”нинг ягона манбаига айланди, у шахс маданиятига енгил-елпи, ўткинчи лаззатларни қарши қўя бошлади.

Ахлоқий идеалларнинг, ахлоқий кадриятларнинг йўқолиб бориши, шафқатсизлик ва агрессия, бойлик тўплашга интилиш, индивидуализм ҳозирги куннинг воқелигига айланди. Бугунги кунда Чеховона “яхши турмушни соғиниш” ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолди. Американинг жангари фильмлари ва субмаданияти рус маданиятини, ундаги маънавиятни сиқиб чиқармоқда. “Янги тўлқин”даги сохта санъат шафқатсизлик, жинсий эркинлик ва патологияга сиғинади.

Яхшилик, ҳис-туйғу ва ахлоқий идеаллар тақчиллиги шароитида санъат мукамал ахлоқий идеал намунасини кўрсатишга қодир. Юксак маданият - адабиёт, рассомлик, мусиқа, театр асарлари ҳақиқатни, ҳаёт ва ижод мазмунини излашга доимий интилиш билан характерланади.

---

## **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Ижтимоий хизматчи ўз фаолиятида арттерапиядан қандай фойдаланиши мумкин?

Ижтимоий хизматчининг қандай касбий ролларини биласиз?

Ижтимоий ходимни тайёрлашда актёрлик маҳоратини ривожлантирадиган қайси машқлардан фойдаланилади?

---

## **Вазият**

Хонадонларнинг ноқонуний хусусийлаштириб олиниши ҳоллари жуда кўп учрайдиган ҳодиса бўлиб, аслида улар болалар ва ҳарбий хизмат ёки озодликдан маҳрум қилиш жойлари (қамоқхоналар, колониялар ва бошқалар)да бўлган фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклашдир.

Отаси, онаси ва синглиси билан яшайдиган Андрей Г., ўсмирлик даврида қаттиқ тартибдаги колонияга тушиб қолди. У колонияда эканида ота-оналари хонадонни хусусийлаштириши ва сотиб юборишларига (албатта ўғилларининг иштирокисиз) тўғри келиб қолди. Хусусийлаштириш вақтида ёш қонунбузар ҳали хонадондаги рўйхатдан ўтказилмаган эди. Бир йилдан кейин Андрей колониядан қайтиб келди. У аввал эгаллаб турган турар жойга бўлган ҳуқуқини сақлаб қоладими ёки йўқми? Агар қариндошлари қарши бўлишса, у янги турар жойда рўйхатдан ўта оладими? Мазкур вазиятни қайси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ёрдамида ҳал қилиш мумкин?

---

## **Амалий топшириқлар**

Ўйин терапияси машғулотига иштирок этиш.

Новербал мулоқот воситалари. Мимика, тана ҳолатлари, ҳатти-ҳаракатлар тили.

Оталиққа олинган муассаса ёки ташкилотдаги театр постановкаси.



Театрлаштирилган сахна сценарийсини тайёрланг, ролларни тақсимланг, тегишли миқдордаги репетицияларни ўтказинг ва постановкани етим болалар, ногиронлар ёки қарияларга совға қилинг.

*Дел арте комедиясини ёзинг ва ўз гуруҳингиз аъзолари учун сахналаштиринг.*

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Театральные проблемы теоретической и практической апробации системы педагогических воздействий: межвузовский сборник научных трудов. – Тамбов: ТГУ, 1996.

Основы социальной работы: Учебник/ Отв. ред. П.Д.Павленок.-М.: ИНФРА-М, 1997.

Журналы: «Дидакт», «Десткая литература».

Газета “Искусство” (приложение к газете Первое сентября“).

Очень славно жить в ДИМСИ: Сборник творческих работ.- М.: АCADEMIA, 2000.

**РОССИЯДА ИЖТИМОЙ ИШ ТАРИХИ**  
**ОЧЕРКЛАРИ: ШЎРОЛАР РОССИЯСИ**

---

”Бўлганни бўлмаганга айлантириб  
бўлмайди”.

Г. Гегел

Шўролар даврида расмий муассасалар ва жамоат ташкилотларининг фаолияти кўпинча бир томондан “соҳа” характерига эга бўлса, иккинчи томондан, “мозаика” тарзида ва узук-юлуқ бўларди.

*12 ёшли Серёжа ва 2 ёшли Катя ота-оналаридан ажраб қолишди. Серёжа болалар уйидан бирига, Катя эса мактабгача ёшдагилар учун мўлжалланган бошқа болалар уйига жойлаштирилди. Улар улгайишди. Мактабни тугатгандан сўнг Серёжа болалар уйидан тўғри ҳарбий хизматга кетди, Катя эса бошқа шаҳарда яшайди, улар ўртасидаги қариндошлик алоқалари узилиб қолган. Катя ўзининг ота-оналари тўғрисида фақат узук-юлуқ хотираларга эга. Серёжа ҳарбий хизматдан қайтиб келди, у Катяни болалар уйидан олиб кетмоқчи, бироқ яшайдиган хонадони йўқ. Мамлакатда турар жойларнинг сурункали етишмаслиги муаммони яна ҳам кучайтириб юборди.*

Турли ижтимоий муассасалар ва жамоат ташкилотларининг фаолиятлари мувофиқлаштирилмас эди. Ижтимоий таъминотга дахлдор бошқарув органлари эса ранг-баранг бўлиб бораётган ижтимоий муаммоларни ҳал қила олмас эдилар.

Шўролар ҳокимияти даврида оила “жамиятнинг ҳужайраси” ҳисобланарди, унга тўла ишониш мумкин эмас, чунки у уруғнинг ҳам бирлиги, у ўзининг ижтимоий-ирсий хотирасида ҳукмрон коммунистик мафкура билан келиштириб бўлмайдиган “ўтмиш сарқитлари”ни сақлаб келади, деб ҳисобланарди. Шунинг учун тарбиянинг шундай давлат тизими

тузилдики, унда оилага иккинчи даражали ўрин ажратилди. Давлат болага караш бўйича оиланинг кўпгина функцияларини (қараб туриш, ҳордиқни ташкил қилиш, ҳаёт ва саломатликни муҳофазалаш, озиқ-овқат, моддий таъминот ва ҳ.к.)ни ўз зиммасига олар экан, оилавий тарбиянинг мазмуни ва сифати устидан назорат ҳуқуқини ҳам қўлга киритган эди. Шунинг учун ҳам бир неча авлод оилалар ўсиб келаётган авлоднинг ижтимоийлашув институти сифатида инқирозга учраган эдилар. Ҳозирги кунда эса, давлат томонидан мутлақо унутилган оила том маънодаги яшаш учун кураш биринчи ўринга чиққан вазиятга тушиб қолди.

XX асрнинг 90-йилларида Россияда “ижтимоий иш” касбининг киритилиши учун пойдевор сифатида бошқа мутахассисликлар: тарбиячилар, психологлар, маданият, соғлиқни сақлаш ва спорт, ижтимоий таъминот ва тартибни муҳофаза қилиш органлари вакилларининг ишланмаларидан фойдаланилди, уларда одамларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг турли моделлари, амалий ижтимоий иш шакллари ва усуллари, илмий тадқиқотлар натижалари мужассамлашган эди.

Россияда ижтимоий иш шаклланишининг ўзига хослиги айнан мана шунда, ўзининг давлат сифатида “туғилиш” даврида бу иш анча етук ҳолатда, бой салоҳиятга, чуқур тарихий илдизларга, меҳрибонлик анъаналари ва жамоавийлик руҳига, ҳамкорлик, ижтимоий ғамхўрлик ва ўзаро ёрдам тажрибасига эга эди.

Мамлакатда ижтимоий ишнинг пайдо бўлишидан то ҳозирги кунгача ижтимоий педагогиканинг етакчилик роли хос бўлиб, бу ҳолат Россиянинг ижтимоий иш бўйича бошқа мамлакатлардан орқада қолиши тафовутини қисқартиришга, шунингдек, ҳозирги кунда кўпчилик мамлакатлардаги ижтимоий иш моделларида етишмаётган ва жаҳон амалиёти ва “ижтимоий иш” интегратив фани учун ташвишли ҳол бўлган “ижтимоий-педагогик урғу” беришга имкон яратди.

Бизнинг мамлакатимизда “ижтимоий иш” касбига дастлабки йўлни очган мутахассислар ижтимоий педагоглар эди. Бу, аввало, шунинг учун ҳам табиийки, ҳар қандай ижтимоий хизматчи касбий ваколатлилиги асосини ахлоқий, психологик, педагогик хусусиятлар ташкил этади. Мамлакатда ХХ асрдаги ижтимоий иш тараққиётида (В.Г. Бочаровага кўра) уч босқич фарқланади: 1) 60-йиллар; 2) 70-80-йиллар; 3) 80-йиллар - ҳозирги давр.

1-босқич – 60-йиллар тажриба тўплаш, изланиш, ижтимоий-педагогик амалиётда социумдаги тарбиявий ишни ташкил этишга махсус йўналтирилган хизматчилар тоифаси (мактабда синфдан ташқари ва мактабдан ташқари иш ташкилотчиси, мактабдан ташқари муассасалар хизматчиларининг турли тоифалари, бошқа идоралар: маданият, спорт, уй-жой коммунал ва ижтимоий таъминот, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, касба уюшмалари тизимида, ётоқхоналарда ва бошқа муассасаларда ишлайдиган) ташкилотчи-педагог ва тарбиячилар шаклланиши даври эди.

2-босқич – 70-80-йиллар давомида ижтимоий эҳтиёж, ижтимоий иш, ижтимоий тарбиядаги илғор тажрибалар муаммони ечиш мумкин бўлган янги сифат босқичига олиб чиқди. Мамлакатда турли мажмуалар: ижтимоий-педагогик, таълимий-маданий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш, қишлоқ мактаб-мажмуалари ва бошқалар тармоғи ривожлана бошлади. Педагогика фанида бу давр тадқиқотчиларнинг ижтимоий педагогика муаммоларига бўлган эътиборининг кучайиши билан характерланади.

Бироқ, ижтимоий ишнинг ривожига унинг ташкилий, кадрлар, моддий-техник ва илмий-педагогик томондан етарли таъминланмагани тўсиқлик қилиб турарди. Бу жараён яна ижтимоий сиёсат, ижтимоий фаолиятнинг турли соҳалари (таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт, ижтимоий таъминот ва бошқалар)ни тақдим қиладиган институтлар фаолиятининг ўзаро боғланмагани ва функционал пала-партишликлар туфайли; иккинчи томондан, энг устувор ва мураккаб соҳа – оилавий-маиший муҳитдаги, катта

ёшлилар ва болалар турар жойидаги ижтимоий иш тўғрисида шакланган анънавий тасаввурлар, “жэк” педагогикаси туфайли қийинлашиб борарди. Ижтимоий хизматларнинг махсус тайёрланган мутахассислар билан таъминланмаганлиги бошқа бир катор касблар (айниқса, мактаблардаги педагогик кадрларнинг) ўзига хос бўлмаган функциялар билан шуғулланишига олиб келди. Бу ижтимоий ишнинг самарадорлиги, таълим муассасаларининг педагогик функцияларини бажаришдаги ва айнақса, болаларнинг мулоқот ва катталар билан муносабатлар муҳити бўлган оила педагогик таълимида салбий из қолдирди.

Социумдаги иш оилани ижтимоий фаолиятдан, ижтимоий тарбиядан бегоналаштириш, унинг функцияларини турли давлат тузилмаларига олиб беришга интилиш, бу соҳага мактаб усулларини кўчиришга уринишлар туфайли чекланар эди. Тадбирлар педагогикаси“га айланиб қолган мактаб усуллари очик муҳитдаги болалар ва уларнинг микроижтимоий иқлими интилишлари, эҳтиёжлари, имкониятларини етарли даражада ҳисобга олмас; ижтимоий ёрдам мазмуни шакллари ва усулларининг муайян адрессизлиги, бу шакл ва усулларнинг кўпинча тасодифий омиллар билан белгиланиши шахсга йўналтирилмаган эди.

Тиббий ижтимоий ходимларнинг йўқлиги туфайли соғлиқни сақлаш тизимида ҳам мураккаб вазият вужудга келди, уларнинг вазифаларини қисман ва нокасбий даражада одамларни даволаши лозим бўлган мутахассис-врачлар бажариша бошлади.

Девиант (ноижтимоий) хулқ-атворли ўсмирлар ва “хатар гуруҳи”га мансуб оилалар билан ижтимоий иш масалалари мутахассис ижтимоий хизматчилар йўқлиги туфайли узоқ давр давомида милиция органлари зиммасига юкланди.

Ногиронлар, қариялар, ижтимоий муҳофазага қаттиқ муҳтож бўлган одамларнинг бошқа тоифалари билан олиб бориладиган ижтимоий иш тизими тўлиқ эмас эди.

Бироқ, қийинчиликлар ва зиддиятларга қарамасдан, бу босқич ижтимоий-педагогик амалиёт ва ижтимоий иш соҳасининг бошқа тармоқлари интенсив ривожланиши билан характерланади. Турли идоралар фаолиятини интеграциялаш, идоралараро асосда ижтимоий иш мазмунини мувофиқлаштириш, турли идораларга тегишли муассасалар ўзаро таъсири хусусиятларини ўзгартириш сингари тамойиллар кўзга ташлана бошлади.

Жамиятдаги чуқур инқироз оилалар, аҳоли гуруҳлари катта қисмининг ижтимоий қашшоқлигини очиб қўйди ва кескин кучайтирди, ҳар бир шахс манфаатлари ва ҳуқуқларининг кафолати бўлган жамиятни иқтисодий ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан тубдан соғломлаштириш йўллари излаб топишни биринчи масала қилиб қўйди.

3-босқич – 80-йиллар охирига келиб, мамлакатда ижтимоий иш муаммоларини давлат даражасида ҳал қилишга ўтиш, ижтимоий хизматларнинг кенг инфратузилмага эга бўлган ягона тизимини яратиш, уни ретроспектив илмий таҳлил қилиш, ижтимоий иш соҳасидаги жаҳон назарияси ва амалиёти ривожининг етакчи тамойилларини англаш асосида кадрлар билан таъминлашга ўтиш учун барча шарт-шароитлар етилди. Ижтимоий ишнинг ўз ичига кўплаб минтақаларга йўналтирилган, муайян миллий-минтақавий ва маҳаллий шароитларда умумий ёндашувларни амалга ошириш усуллари ва воситаларига кўра фарқланадиган вариантларни қамраб оладиган концепцияси шаклланди. Ижтимоий ишга турли хайрия ташкилотлари, кўнгиллилар жамиятлари, уюшмалар, жамғармалар, ижодий союзлар, Черков фаол қўшилди.

Ҳозирги кунда ижтимоий ишнинг соф давлат тизимидан жамоат ҳомийлигини ҳам қамраб оладиган тизимга ўтиш юз бермоқда. Қайсидир даражада биз ҳомийликнинг инқилобгача бўлган мурватларига қайтмоқдамиз, айти пайтда шўролар даврида вужудга келган баъзи элементларни сақлаб қолмоқдамиз.

Россия ҳомийлиги тизимини қайта яратиш йўлида зиддиятлар ва кийинчиликлар бўлиши муқаррар. Хатоларни четлаб ўтишда фақат ҳозирги хориж тажрибасинигина эмас, балки ўз Ватанамиз тарихий тажрибасини ўрганиш ҳам ёрдам беради. Уни ўрганиш қуйидагилардан гувоҳлик беради: муҳтожларга бериладиган кўмак уни кенг жамоатчиликни жалб этиб номарказлаштирилганда самаралироқ бўлади; унинг индивидуал хусусиятини сақлаб қолиш лозим; жараёнда иштирок этаётган барча томонлар – хайрия, хусусий, жамоат ташкилотлари, Черков ва давлатнинг ёрдамга муҳтож бўлганлар тўғрисида ахборот олишда ҳам, уларга ёрдам беришда ҳам ўзаро таъсирини сақлаб қолиш зарур.

Давлат ўз зиммасига хайрия муассасалари фаолияти, улардан баъзилари ишининг қисман молиялаштириш, энг муҳими муҳтожларга имтиёзлар, рағбатлар тизими орқали ёрдам кўрсатиш бўйича қонунларнинг ягона тизимини, меъерий асосини яратиш бўйича функцияларни олиши зарур.

Ҳомийлик ишларига оммавий ахборот воситалари томонидан доимий эътибор қаратиш ва жамоатчилик томонидан назорат қилиш зарур.

---

## **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

XX асрнинг 60-йилларидан то бизнинг кунларимизгача бўлган Россиянинг ижтимоий иш ривожининг уч асосий босқичини тавсифлаб беринг.

---

## **Вазият**

*Янги иқтисодий вазият ёзги соғломлаштириш марказлари миқдорининг кескин камайишига олиб келди. Қолган-қутган лагерлар хизмат сифатини шу даражада пасайтириб юборишдики, уларнинг ўсиб келаётган авлодга “аксил соғломлаштириш” таъсири тўғрисида сўз юритиш мумкин.*

*Қўйида келтириладиган ҳикоя ва унга мутахассисларнинг шарҳларини муҳокама қилинг. Сизнинг минтақангизда фаолият юритаётган соғломлаштириш марказлари рўйхатини тузинг. Улар педагогика ва санитария талабларига жавоб берадими? Уларда қандай мутахассислар ишляпти? Улар қайси қўшимча хизмат турларини таклиф қилишмоқда? Ота-оналар ва болаларнинг биргаликдаги лагерларини тузиш гоёсига қандай муносабатдасиз? “Ақлий итурм” усули ёрдамида ёзги болалар соғломлаштириш маркази фаолиятининг замонавий дастурини тузинг. Уни мутахассислар, ота-оналар, болалар билан муҳокама қилинг. Минтақангиз маъмурияти ёрдамида ижтимоий волонтерларнинг ёзги сменасини ўтказишни режаслаштиринг.*

“Азов денгидаги болалар соғломлаштириш лагерида синглим захарланиб, ичи сурилиб, юзидаги тошмалар ва қаттиқ шамоллаш билан кайтиб келди. Лагернинг реклама проспектида ваъда қилинган “денгиз соҳилида кўплаб қувноқ ўйинлар, қулай чодирлар, ширин таомлар ва бошқалар билан ўтказиладиган болаларнинг соғлом дам олиши” ана шундай яқунланди.

Амалда ҳаммаси бошқача бўлиб чиқди. “Тўрт ўринли қулай чодирларга” олтитадан болани тикиб қўйишди. Тунлари кроватларга сувараклар ва чумолиларнинг армияси ҳужум бошлар эди. Бинодаги туалет биринчи кундан бошлаб ишламади. Болалар тунда ҳам, кундузи ҳам кўчадаги ифлос, ҳеч ким тозаламайдиган, полида учта тешик бўлган, минглаб кирқоёқлар, ўргимчаклар ва қуртлар ўрмалаб юрадиган бетон будкага ҳожатга қатнашлари керак эди. Кранларда иссиқ сув йўқ эди, ҳатто ҳаммом кунларида ҳам иссиқ сув фақат дастлабки ўн дақиқага етарди, қолган вақтда совуқ сув билан ювинишга тўғри келарди.

Рекламада ваъда қилинган “янги узилган мевалар” амалда кўм-кўк ва нордон ўриклар ва олхўрилар бўлиб чиқди. Шунинг учун тарвуз олиб келишганда болалар чексиз хурсанд бўлишди. Бунинг натижаси эса, тўрт



боланинг ўрта оғирликдаги захарланиши ва бир нечта енгил захарланишлар бўлди. “Ўртача оғирликдагилар” орасида менинг синглим ҳам бор эди, танловда ғолиб чиққани учун унга мукофот тариқасида ўша лаънати тарвузни беришган экан.

“Амаки бадминтон ёки тўпчангизни бериб туринг”, - зерикишдан юраклари сиқилиб кетган болалар физрукка ана шу сўзлар билан ялинишар эди. Физрук эса, “уларни “қувноқ стартлар”да оласизлар”, - деб гапни чўрт кесарди. Лагерда бўёқ, қалам ва қоғозлар ҳам умуман йўқ эди. Рекламада ваъда қилинган тўгараклар бундан бир неча йил аввал тугаб битган эди. Кутубхонадан эса украин тилидаги бир тўп китоб қолган эди, холос.

Тўғри, болаларни бир кунда икки марта ўлган қуртлар тўлиб ётадиган пляжга олиб чиқишар эди, бироқ сувда беш дақиқадан ортиқ туриш мумкин эмас эди. Ҳа, айтгандай, пляждаги ўлик балиқларни маъмурият ҳар ҳолда йиғиштириб қўйди. Уларни тўплаб, замбарларга солишди ва лагер ҳудудига кўмиб қўйишди. Пашшалар сони эса икки баравар кўпайди.

Бир неча кундан кейин болаларни охири вагонда қўлларига икки кишига бир комплект чойшаб бериб, уйларига кузатишди. Ота-оналар чойшаб учун берган пулларнинг қолган қисми қаёққа кетган экан, тушуниб бўлмапти”.

Ҳуқуқшунос (истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Жамияти ҳуқуқшуноси С. Завидов) маслаҳатлари:

Ота-оналар лагер маъмурияти устидан судга ариза бериш ҳоллари жуда кам учрайди. Кўпчилик судда бу ишни ютиб чиқишга ишонмайди ва бекор вақт йўқотишни хоҳламайди. Аслида эса, шартномани саводли тузиш керак ва сиз оладиган компенсация миқдори йўлланма қийматидан анча юқори бўлиши мумкин. Бунинг учун турфирма ёки лагер маъмурияти билан тузилган шартномада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши лозим:

лагер қандай жойда жойлашган (ўрмон, шаҳар, сув ҳавзалари);

яшаш бинолари қандай кўринишда (мустаҳкам бино, чодир ва бошқалар);

бир хонада нечта бола яшайди.

болаларни бир кунда неча марта овқатлантиришади. Намунавий менюни сўраб олинг ва нусхасини кўчиринг.

албатта тиббий суғуртани талаб қилинг. Болангиз лагергача нима билан касаллангани ва лагерда нималар орттиргани тўғрисида саволлар туғилмаслиги учун, жўнаш олдидан тиббий кўрикдан ўтинг.

шартномада ишлайдиган ванна ва ҳожатхонани эсдан чиқарманг. Врач (Москва вилояти санэпидемиология бўлими бош шифокори Э. Коваленко) маслаҳатлари:

1998 йил ёзида болаларнинг ёзги лагерларида ўткир юқумли хасталиклар сони ҳақиқатдан ҳам анча ўсди. Бунинг биринчи сабаби – болалар маъмурияти лагерларининг кечириб бўлмас беғамлиги. Хизматчилар кўпинча кўчадан ёки қариндош-уруғлар ёки таниш-билишлар орасидан танлаб олинган. Баъзан бўлғуси тарбиячилар, ошпазлар мажбурий тиббий кўрикдан ўтишмаган. Ҳатто, баъзи врачлар педиатр мутахассислигига эга эмас эди. Техник жиҳозлар санитария талабларига жавоб бермайди.

Лагерлар очилишидан олдин санэпидемиологлар, ўт ўчирувчилар, маҳаллий маъмурият вакилларида иборат комиссия томонидан албатта текширилиши лозим. Бироқ, ҳамма лагерлар ҳам бу қоидага амал қилавермайди. Шунинг учун келажакда болани дам олишга юборишдан аввал соғломлаштириш муассасаси жойлашган туман СЭС ёки ёшлар ишлари бўйича комитетга телефон қилиб кўринг.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Антология социальной работы: В 5 т. / Сост. М.В. Фирсов.— М: Сварогъ НПФ СПТ, 1994.

- Бочарова В.Г.* Педагогика социальной работы.— М.: SvR-Аргус, 1994.
- Вульфов Б. З., Иванов В. Д.* Основы педагогики в лекциях, ситуациях, первоисточниках: Учебное пособие. - М.: Изд-во УРАО, 1997.
- Григорьев С.И., Гусякова Л.Г., Ельчанинова В.А. и др.* Теория и методология социальной работы.- М.: Наука, 1994.
- Исторический опыт социальной работы в России: Учебное пособие. / Под ред. Л.В.Бадя – М.: Изд-во ЦСП РАО, 1994.
- Основы социальной работы: Учебник / Отв. ред. П.Д. Павленок.— М.: ИНФРА-М, 1997.
- Справочное пособие по социальной работе / Под ред. А.М. Панова, Е.И. Холостовой.— М.: Юристъ, 1997.
- Теория и методика социальной работы: в 2 ч. / Под ред. И Г. Зайнышева.— М.: МГСУ, 1994.
- Теория и методика социальной работы: Краткий курс / Под ред. В.И. Жукова — М.: Союз, 1994.
- Теория и методика социальной работы / Под ред. П.Д. Павленка,— М.: ГАСБУ, 1993, 1995. Вып.1 — 2.
- Теория и практика социальной работы: отечественный и зарубежный опыт: В 2 т. / Под ред. Ярковой Т.Ф., Бочаровой В.Г.— М.— Тула: Изд-во Ассоциации социальных педагогов и социальных работников РФ, 1993.

## 25-МАШҒУЛОТ

### ИЖТИМОЙ ИШ СОҲАСИДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

“Ватанга бўлган муҳаббатим мenden хорижликлар хизматига кўз юмишни талаб этмайди. Аксинча, Ватанни қанчалик севсам, мамлакатимни ташқаридан келтирилган бойликлар билан шунчалик кўпроқ тўлдиришга ҳаракат қиламан”.

Волтер

Россиядаги ижтимоий ишни ривожлантиришда дунё мамлакатларида тўпланган тажрибани ўрганиш, уни англаш ва ундан фойдаланиш улкан аҳамият касб этади.

Ижтимоий иш турларини гуруҳларга бўлиш универсал ҳодиса эмас ва у турли мамлакатларда турли хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Масалан, Германияда ижтимоий ишнинг асосий турларини кейинги йилларда анъанавий тарзда қуйидаги йўналишлар бўйича гуруҳларга бўлинади: а) ижтимоий суғурта; б) ижтимоий таъминот; в) ижтимоий ёрдам.

АҚШда ижтимоий ишнинг турларини гуруҳларга бўлиш учун шу иш йўналтирилган объект асос вазифасини бажаради. АҚШда: а) индивид билан олиб бориладиган ижтимоий иш; б) ўхшаш вазиятларга тушиб қолган одамлар гуруҳи билан олиб бориладиган ижтимоий иш; в) жамоа билан олиб бориладиган ижтимоий иш.

Касбий фаолият сифатидаги ижтимоий иш турларининг келиб чиқиши кўп жиҳатдан мамлакатлар тараққиётидаги маданий ва миллий хусусиятлар, турли ижтимоий институтлар ўртасидаги ўзаро таъсир хусусиятлари, ижтимоий онг, маданият, фан, таълимнинг ривожланиш даражаси билан белгиланади.

Ҳар бир мамлакатдаги давлатнинг ижтимоий кўмак бериш тизими шу ердаги тарихий шарт-шароитлардан келиб чиқиб шакллантирилган бўлиб, бажарилаётган вазифаларнинг ўхшашлиги ва бир хиллилигига қарамасдан улардаги ёндашувлар, услублар ва ташкилий шаклларда тафовут мавжуд. Бу тафовутлар ижтимоий ишдаги Европа ва Америка моделларини қиёслаганда кўзга айниқса яққол ташланади.

Европа қитъасида ижтимоий таъминот тизимининг ривожланиши узоқроқ тарихга эга. У жамоалар ўртасидаги (жамоалараро) алоқалар узилишига боғлиқ тарзда шаклланди. Европанинг кўпчилик мамлакатларида ижтимоий сиёсат ва ижтимоий таъминот дастурларини амалга ошириш, турли ижтимоий гуруҳларни қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланган расмий тузилмаларнинг яратилишида давлат ташаббускор бўлди. Америкага кўчиб борганлар учун хос белги эса ўзининг кучига, шахсий ташаббусга ва давлат тузилмаларининг таъсирини максимал даражада камайтиришга интилиш бўлди. Бундай индивидуалистик ёндашув ҳозирги кунгача аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда унчалик катта рол ўйнамайдиган АҚШ давлат ижтимоий сиёсатининг шаклланишига ўз таъсирини ўтказди. АҚШдаги аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг характерли хусусияти ва Европа моделларидан асосий фарқи унинг номарказлаштирилганидир. У

федерал қонунчилик, ёки штат қонунчилиги, ёки бўлмаса федерал давлат органлари ва штатларнинг бошқарув органлари томонидан тартибга солинадиган турли ижтимоий дастурлардан иборат. Бундан ташқари, алоҳида дастурлар маҳаллий ҳокимиятлар томонидан ҳам қабул қилинади. Бундай ёндашув муайян минтақада ижтимоий кўмакка бўлган эҳтиёжни етарлича тўла ва тезкор аниқлаш имконини беради.

АҚШдаги ижтимоий таъминот давлат тизими икки шаклга асосланади: ижтимоий суғурта ва давлат томонидан кўрсатиладиган кўмак, улар ўзаро молиялаштириш манбалари билан фарқланади. Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар меҳнаткашлардан ҳам, тадбиркорлардан ҳам олиннадиган ижтимоий суғурта солиғи шакллантирадиган суғурта жамғармалари ҳисобига амалга оширилади. Давлат томонидан бериладиган кўмак федерал бюджет маблағлари, штатлар бюджети ёки маҳаллий ҳокимият органлари бюджетлари маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

АҚШнинг ижтимоий суғурта ҳақидаги (1935 йил) қонунига кўра ижтимоий суғуртанинг икки тури: қарилик нафақаси ва ишсизларга тўланадиган ёрдам пули белгиланган. Қонунда камбағалларнинг баъзи тоифалари, биринчи навбатда ногиронлар ва етимларга ёрдам бериш ҳам кўзда тутилган. Вақт ўтиб бориши билан ижтимоий суғуртанинг янги шакллари тадбиқ этиш кўзда тутилган кўплаб тузатишлар киритиб борилди: боқувчисини йўқотганда бериладиган нафақа; ишлаб чиқаришда шикастланиш билан боғлиқ бўлмаган меҳнат қобилиятини йўқотиш туфайли бериладиган нафақа; 65 ва ундан катта ёшлиларга бериладиган тиббий суғурта ҳуқуқи ва бошқалар.

1935 йилда қабул қилинган қонун ва унинг қўшимчаларида кўзда тутиладиган ижтимоий суғуртанинг барча турларини Умумий федерал дастур номи билан аташ қабул қилинган. Умумий федерал дастур доирасидаги барча пенсия ва нафақалар ижтимоий суғурта солиғи ҳисобига молиялаштирилади. Меҳнаткашлар учун солиқ ставкаси иш ҳақиға нисбатан

фоиз ҳисобида, тадбиркорларга нисбатан эса тўланган иш ҳақиға нисбатан фоиз ҳисобида белгиланади.

АҚШ штатлари даражасида ишлаб чиқаришда шикастланиш ёки касбий хасталиклар учун мўлжалланган суғурта дастурлари мавжуд. Қонун томонидан ишчига ишлаб чиқаришда етказилган шикаст учун масъулият тадбиркорлар зиммасига юкланган, тўланадиган бадалнинг даражаси ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик учун бериладиган тўловларнинг давомийлиги ёки ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса натижасида ҳалок бўлганлар оиласига бериладиган тўловлар миқдори белгилаб қўйилган. Тўловлар даражаси ойлик иш ҳақиға нисбатан фоиз ҳисобида аниқланади ва унинг умумий ҳажмига нисбатан 2/3 ни ташкил қилиши мумкин. Пул тўловларининг асосий қисми хусусий суғурта компаниялари томонидан тўланади, чунки тадбиркорларнинг кўпчилиги ана шундай ҳолатлардан суғурта қилинган бўлади. Баъзи штатларда тадбиркорлардан олинадиган солиқ ҳисобига махсус суғурта жамғармалари ташкил этилган бўлиб, штатларнинг ҳокимиятлари ишлаб чиқаришда юз берган шикастлар учун суғурта маблағларини ана шу жамғармалар ҳисобидан амалга оширишади.

Ижтимоий муҳофазанинг Америка давлат тизимидаги яна бир таркибий қисм камбағалларга бериладиган кўмақдир. Бу тизим 60-йиллардан бошлаб кенг ривож топди. Ижтимоий суғуртадан фарқли ўлароқ, ижтимоий кўмақ тизимида ёрдам олиш учун олдиндан махсус тўланадиган бадаллар талаб қилинмайди. Уни олиш учун асосий мезон - муҳтожлик.

Кўмақ бериш тизимининг асосий вазифалари қуйидагилар: кафолатланган даромадни таъминлаш, ёрдамга муҳтож болали оилаларни кўллаб-қувватлаш, озиқ-овқат, турар жой ва тиббий ёрдам кўрсатиш.

Кафолатланган даромадни таъминлаш дастури кексайиб қолганлар ва ногиронларни қамраб олади. Аҳолининг бу тоифасига федерал ҳукумат улар учун кафолатланган даромад деб аталадиган яшаш воситаларининг минимумини таъминлаш мақсадида пул маблағлари тўлайди. Бу маблағлар

“қашшоқлик чегараси” га тўғри келадиган сумманинг тахминан 60 % ини ташкил қилади. Штатларга ана шу нафақалар миқдорини ўзларининг бюджет воситалари ҳисобига ошириш ҳуқуқи берилган.

Болали оилаларга ёрдам дастури кам даромад оладиган, оила бошлиғи, эридан ажралган ёки ёлғиз бева бўлган кўп болали оилаларга ёрдам кўрсатишни назарда тутди. Бир қатор штатларда мазкур дастур бўйича нафақалар бошлиғи ишсиз бўлган оилаларга ҳам берилади.

Озиқ-овқат ёрдами доирасида муҳтожларга озиқ-овқат талонлари бериш жуда кенг тарқалди. Улар бепул ёки арзонлаштирилган нархларда берилади. Бошқа озиқ-овқат дастурлари – мактаб нонушталари, бир ёшгача боласи бор оналарга бериладиган ёрдам ва бошқалар. Турар жой субсидиялари кам даромадли оилаларга берилади. Ижтимоий суғуртанинг хусусий тизимлари давлат тизимини тўлдириб туради ва улар муайян мурватлар ёрдамида давлат томонидан тартибга солинади. АҚШда хусусий суғуртанинг икки тури – иш жойидаги жамоавий ва индивидуал турлари мавжуд. Етакчи шакл жамоавий шакл ҳисобланади. Касаба уюшмалари ва тадбиркорлар ўртасидаги жамоавий шартномалар одатда, муайян ижтимоий тўловлар ва кафолатларни кўзда тутди. Суғуртанинг шунга ўхшаш турлари касаба уюшмалари бўлмаган кўпгина соҳалар ва фирмаларда ҳам мавжуд.

Меҳнаткашларнинг катта қисми учун хусусий нафақалар муҳим аҳамиятга эга. Жамғармаларнинг сезиларли ўсишига қарамасдан хусусий нафақа тизими давлат тизимига қараганда уч марта камроқ шахсларни қамраб олади. Гап шундаки, давлат пенсиялари миқдорини ҳисоблаганда иш жойидан қатъий назар, умумий стаж ҳисобга олинади, хусусий нафақага эга бўлиш учун эса ишчи ёки хизматчи битта фирмада одатда, камида 10 йил узлуксиз иш стажига эга бўлиши лозим. “Корпорация” махсус федерал агентлиги хусусий пенсияларнинг кафолати сифатида амалдаги пенсия жамғармаларининг тўлов қобилиятини кузатиб боради ва компаниялар



банкротликка учрагани тақдирда, уларнинг қатнашчиларига бериладиган тўлов миқдори ва тартибини белгилайди.

Урушдан кейинги даврда хусусий суғурта тизимида кўшимча тўловлар деб аталадиган тўловлар кенг тарқалди. Улар таътиллар ва касаллик варақалари, ишсизлик бўйича кўшимча нафақа, таълимни давом эттириш ва юридик хизматлар учун харажатларни субсидия қилишни қамраб олиши мумкин. Кўшимча тўловларнинг миқдори, шакли, ҳажми турли компаниялардан берилиш усулига қараб кенг доира ичида тебраниб туриши мумкин.

Кейинги йилларда индивидуал нафақа ҳисоб рақамлари кескин ўсиб кетди. Хусусий пенсия таъминоти тўғрисидаги 1974 йилда қабул қилинган қонун хусусий пенсия бериш тизими билан қамраб олинмаган ёлланма ишчиларга ҳар йили солиқ олинмайдиган 1,5 минг долларни банкдаги алоҳида ҳисоб рақамига жамлаш ҳуқуқини берди. Бунинг оқибатида индивидуал нафақа ҳисоб рақамлари сони сезиларли даражада ўсди.

Европа мамлакатларининг ижтимоий қонунчилиги Америка қонунчилигидан давлатнинг ижтимоий сиёсат йўналишларини белгилаш, режалаштириш, молиялаштириш ва ҳаётга тадбиқ этишдаги иштирокининг юқори даражаси билан фарқланади. Бунда ижтимоий хизматларни кўрсатишдаги маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг муҳим роли ҳамда аҳолининг кўпроқ қисмини ижтимоий хизматлар ва ёрдам турлари билан қамраб олинишини таъкидлаш лозим. Финляндия тажрибаси характерлидир. Бу мамлакатда қишлоқ жамоаси ва черков қавмлари ҳозирги кунда ижтимоий таъминот органлари фаолияти доирасига кирадиган кўпгина функцияларни ўтмишда бажарган эдилар.

Ижтимоий сиёсатни давлат ва коммуналар ишлаб чиқади ва ҳаётга тадбиқ қилади. Энг муҳим ўринни муниципал ҳокимият органлари эгаллайди. Коммуналар катта мустақилликка эга бўлар экан, ўз ҳудудида яшайдиган аҳолидан ва шу ерда жойлашган корхоналардан маҳаллий

солиқлар олиш ҳуқуқига таяниб ўз ҳудудларида ижтимоий хизматларни ташкил қилиш масаласини ўзлари ҳал қиладилар ва уларнинг фаолияти учун масъулдирлар. Масалан, аҳолига дастлабки ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатиш Финляндияда муниципал шифохоналар ва поликлиникалар, болалар боғчалари, интернатлар, қариялар уйлари, наркология хизматлари ва бошқалар томонидан тўла таъминланади.

Коммуналар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, болалар тарбияси ва ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, турар жойлар қулайлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берадилар, маҳаллий режаларни, лойиҳаларни тузиш ва хизматларни ташкил этишга жамоатчилик ҳаракатларини жалб этадилар.

Ҳозирги даврда Финляндиянинг ижтимоий сиёсати номарказлаштиришнинг учинчи босқичини бошдан кечирмоқда. Биринчи босқичда уни амалга ошириш ҳуқуқи давлатдан минтакалар ва коммуналарга, иккинчи босқичда коммуналардан кичик туманлар ва жамоаларга олиб берилган бўлса, учинчи босқичда бошқарув функциялари фуқаролар жамоалари ва ҳатто алоҳида шахсларга ўтказилмоқда.

Масалан, Давлат кенгаши соғлиқни сақлашни ривожлантиришнинг беш йиллик режасини ишаб чиқади, унда бажарилаётган ишнинг асосий мақсадлари ва йўналишлари, шунингдек, уларни амалга ошириш учун зарур бўлган капитал маблағлар миқдори кўрсатилган бўлади. Режа ҳар йили қайта кўриб чиқилади, янгиланади ва тўлдирилади. Муниципалитетлар марказ субсидияларини ҳисобга олган ҳолда ўзларининг режасини тузади, бу режалар губерния бошқаруви томонидан тасдиқланади. Ниҳоят, фуқаролар жамоалари ўзларининг режаларини тузиш, ўз кичик туманлари, кўчалари ва ҳ.к. ҳудудида соғлиқни сақлашнинг у ёки бу соҳасини ривожлантириш ҳақидаги ташаббуслари билан чиқишлари мумкин ва улар муниципал ҳокимликлар томонидан ҳисобга олинади ва молиялаштирилади.

Европа анъанадорлигининг яна бир характерли мисоли сифатида Швецияда аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш моделини келтириш мумкин. Бу мамлакатда ҳар йили ижтимоий соҳа бўйича тайёрланаётган олий маълумотли мутахассислар (социономлар) миқдори 1000 кишини ташкил қилади. Ижтимоий хизмат соҳасида банд бўлган профессионал социономлар миқдори 18 минг кишини ташкил этади. Шуниси қизиқки, бу мамлакатдаги ижтимоий иш соҳасида олий маълумотга эга бўлмаган юз минглаб одамлар: қарияларга қарайдиган хонадон ёрдамчилари, энагалар, ногиронлар ва ақлий заифларга ёрдам берувчилар ҳам банд бўлиб уларнинг бари ижтимоий иш бўйича фақат бошланғич назарий тайёргарликка эга.

Швециядаги ижтимоий хизматлар фаолияти амалдаги қонунлар асосига қурилади. Бу қонунларда ижтимоий хизматнинг алоҳида соҳаларига (иқтисодий ёрдам, болалар, ёлғиз оналар ва бошқаларга бағишланган) аввалгиларидан фарқли ўлароқ, фаолият соҳаси бўлган ижтимоий хизматга интегратив ёндашув амалга оширилганки, унда ижтимоий хизматлар, муниципалитет ва губерния ҳокимиятлари, оилалар ва алоҳида фуқаролар ўзларини ўраб турган вазият омилларини ҳисобга олган ҳолда ўзаро таъсир кўрсатадилар.

Муниципал ҳокимиятлар фуқароларга қонун томонидан кафолатланган ижтимоий хизматни уларнинг шахсий эҳтиёжлари ва шарт-шароитларига мос тарзда кўрсатишга мажбурдир. Фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш мажбурияти муниципалитетларга юкланган. Бунда улардан ҳар бирига муниципал ҳокимиятлар томонидан ижтимоий кўмак ва хизмат кўрсатиш ҳуқуқи ҳатто муваққат яшаш жойларида ҳам берилиши назарда тутилган.

Ҳар бир муниципалитетда ижтимоий хизмат кўрсатиш учун ижтимоий ёрдам қўмитаси масъул бўлиб, у ўзига амалдаги қонунлар томонидан бериладиган ваколатлар доирасида фаолият юритади. У, жумладан, мақсадга мувофиқ деб ҳисобласа, туман қўмиталарини тузиши

хам мумкин. Муниципал ва туман кўмиталарининг иши куйидаги асосий йўналишларда олиб борилади: коммунал хизмат; аҳоли муайян гуруҳлари (болалар, қариялар, ёлғизлар, ногиронлар ва ҳ.к.)нинг ижтимоий шароитларини яхшилаш; алоҳида шахслар ва оилалар билан муайян муаммолар (иқтисодий ёрдам, болалар ва ўсмирлар тўғрисида ғамхўрлик, алкоголиклар ва гиёҳвандлар билан ишлаш, меъёрий оилавий муносабатларни йўлга қўйишда ёрдам бериш ва ҳ.к) бўйича индивидуал иш олиб бориш.

Швециядаги ижтимоий таъминот тизими ҳар бир фукарога инсонларга хос турмуш кечириш ва ижтимоий кўмакка ишончни кафолатлайди. Агар одам ўзи олаётган ижтимоий ёрдамдан қониқмаса, қонун бўйича у вилоят маъмурий судига мурожаат қилиши мумкин. Умуман олганда, қонун томонидан таъминлаш, тузилма, ташкил қилиш ва молиялаштириш нуқтаи назаридан Швециядаги ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳаси атрофлича ўйлаб тузилган бўлиб, ““Фаровонлик” давлатининг швед моделидаги” муҳим элементлардан биридир.

---

### **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Нима учун Россияда ижтимоий ишни ташкил қилиш ва ривожлантиришда хориж тажрибасига таяниш муҳим аҳамиятга эга?

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича Америка ва Ғарбий Европа моделлари ўртасидаги асосий фарқлар нимада?

Сизнинг фикрингизча, ижтимоий ишнинг қайси модели Россия учун кўпроқ мос келади?

Хорижий мамлакатлардан бирида аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишнинг ташкил қилиниши тўғрисида маъруза тайёрланг.

---

## Вазият

“Москвалик А.П. турмушга чиқди ва эрининг Сибирдаги қишлоғига бориб яшай бошлади. Эри уни кўп урарди ва бир куни унга пичоқ кўтарганда у тун бўлишига қарамай, эмизикли чақалоғини қўлга олиб, ички кўйлақда кўчага қочиб чиқди ва 35 даражали совуқда қўшни қишлоққача бир соат юрди”.

Россияда ҳар йили 12 минг аёл эрлари томонидан ўлдирилади ва бу Россиядаги барча қотилликларнинг деярли 1/3 қисмини ташкил этади. Оналарининг калтакланишига болалар гувоҳ бўлишади ва статистикага кўра, ана шундай гувоҳчаларнинг 90 % и келажакда ўзларининг хотинларини калтаклайди. РФ Жиноят Кодексида калтаклаш ва зўрлаш ҳақида аниқ моддалар бўлса ҳам амалда аёл киши уни айнан эри калтаклагани ва бунда ўзи айбдор эмаслигини исботлаши зарур. Кўпинча хотин ёки қўшнилар томонидан эрнинг қутуриши туфайли чақирилган милиция ходимлари бу ходисани “оиланинг ички иши” деб ҳисоблайди ва қонунбузарликни рўйхатга ҳам олмайди. Шунинг учун жабрланувчиларнинг кўпчилиги тишини тишига қўйиб охиригача чидайди.

АҚШда аёл киши ўзига таҳдид қилинаётганини айтса ёки бу ҳақда полицияга қўшнилар ёки мактабдаги боласининг ўқитувчиси қўнғироқ қилса, суриштирув муддатига эрни хонадондан чиқариб юборишади. Унинг қаерда яшаши ҳеч кимни қизиқтирмайди. Сўнгги йилларда жабрланувчиларнинг сони АҚШда тўрт марта қисқарди.

1999 йилда Москвада оиладаги зўрлашдан жабрланган аёллар учун тузилган танглик марказлари уюшмасининг халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда Россия, МДХ мамлакатлари ва Шарқий Европадаги 30 марказнинг вакиллари қатнашди. Марказлар бирлашса, кучли жамоат ташкилоти сифатида ҳокимиятни мазкур муаммонинг жиддийлигига

ишонтириши ва мамлакат қонунчилигини зудлик билан ўзгартиришга кўндириши мумкин.

---

## **Амалий топшириқлар**

Интернетда ишлаш (ижтимоий иш бўйича халқаро ҳужжатлар билан танишиш).

Вақтли матбуот ва ОАВ билан ишлаш (Халқаро жамоат ва хайрия ташкилотлари (Қизил хож, ҳалоскорлик армияси, ижтимоий хизматчиларнинг халқаро федерацияси, ижтимоий иш мактабларининг халқаро уюшмаси) Россиядаги филиаллари фаолияти тўғрисида ахборот тайёрлаш).

Халқаро жамоат ва хайрия ташкилотларининг филиаллари (ваколатхоналари, бўлинмалари)га бориш.

---

## **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

### ***“Шахсий тамга ва шиор” машқи***

Ўрта асрлар атрибутикаси – тамғалар ва уруғ шиорларидан фойдаланиш ғояси одамларни қизиқтириб келади ва ўзларининг жозибаси туфайли бир қатор психологик жараёнларда мужассамлашади. Қуйида ана шу ғоя амалга оширилиши ҳақидаги машқ келтирилади. Шиор ва тамга шундай тимсолларки, улар инсонга жуда қисқа шаклда ўзларининг ҳаёт фалсафаси ва бош ғояларини ифодалаш имконини беради. Бу одамни ўйлашга мажбур қилиш, ўзининг дунёқарашидаги энг муҳим негизларни баён қилиш ва бошқаларга тақдим этишнинг усулларида бири.

Машқ кўпчиликка яхши маълум бўлган “Мен кимман?” услубиятини бажаришдан бошланади (бу услубият психологияга оид адабиётларда баён қилинган ва афтидан, уни батафсил баён қилишга ҳожат йўқ; фақатгина йўриқномага биноан, одам ўзига берилган саволга 10 та сўз ёки сўз бирикмаси билан жавоб бериши лозим). Бу топшириқ гуруҳ иштирокчилари томонидан махсус карточкаларда бажарилади, кейин улар кўкракка қадалади. Ҳозир бўлганлар хонада эркин ҳаракат қилиш ва гуруҳнинг бошқа аъзолари жавоблари битилган карточкаларни ўқиш имконига эга бўладилар. Машқнинг бу босқичи муҳим руҳий самарага эга – одамлар бир-бирлари билан ва ўзини тақдим қилишнинг усуллари билан танишадилар ва ҳар доим ўзлари учун қандайдир янгиликни кашф этадилар.

Танишиш жараёни тугагач, олиб борувчи услубиятнинг талқинини баён қилиши мумкин, шу асосда иштирокчилар ўзларига ўзлари ташхис кўядилар (талқиннинг батафсил баёни билан қуйидаги китобда танишишингиз мумкин: Прихожан А. М. Психологический справочник для неудачника...). Бизнинг фикримизча, буни амалга ошириш унчалик шарт эмас. Бизнингча, машғулот бошланишидаги психологик ташхис жараёни тегишли кайфиятга халақит бериши ва гуруҳ тамойилларини амалга оширишга тўсиқлик қилиши мумкин: чунки, психодиагностнинг “тўғри жавоблар бўлиши мумкин эмас”, дейишига қарамасдан мижозлар “яхши” кўрсаткичларга эга бўлиш учун интиладилар. Бу эса ўз навбатида машқнинг давомини ўзига хос тестлар ва уларни “тўғрилиқ-нотўғрилиқ” нуқтаи назаридан талқин қилишга интилиш сифатида идрок этилишига олиб келиши мумкин. Бундай ёндашув олиб борувчини барқарор “юқори” мавқега кўтаради ва ўзаро ишонч, табиийлик ва очиклик кайфияти яратилишига халақит беради.

Шундай қилиб, иштирокчиларнинг ўзларини тақдим қилувчи карточкалари ёрдамида танишиш жараёни тугаши билан олиб борувчи машқнинг кейинги босқичига ўтиши мумкин.

Ҳозиргина сиз “мен кимман?” саволига бериладиган жавоблар жуда хилма-хил эканига ишонч ҳосил қилдингиз. Кимдир биринчи пунктда ўзининг инсоният тури – “гомо сапиенс”га мансуб эканлиги тўғрисида шунчаки маълумот беради. Кимдир ўзининг ижтимоий тавсифномаси – “талаба”, “бошлиқ”, “ўқитувчи”, “она” эканини тақдим этади. Кимдир ўзидаги энг юқори қадрланадиган сифатларни таъкидлайди – “интеллектуал”, “сахий кўнгил”. Дастлабки уч жавоб бизнинг МЕН тимсолимиздаги ташқи юзаки қатламнинг акс этишидир. Келинг, ҳозирча ўзимизнинг МЕН – тимсолимиз дастлабки қарашда нимадан иборат эканини ўзимиз ва бошқалар учун аниқлаш мақсадида ана шу юзаки қатлам билан ишлаб кўрайлик.

Шундай қилиб, “мен кимман?” саволига берган дастлабки учта жавобимизнинг остига чизамиз. Бу жавоблардан ҳар бири шахсиятингиздаги муайян томонни акс эттиради. Мен сиздан айнан шу томон нуқтаи назаридан биринчи бандда кўрсатилган тавсифга мос равишда шиорингиз қандай бўлиши мумкинлиги тўғрисида ўйлаб кўришингизни сўрайман. Шиор сифатида исталган нарса – машҳур афоризм, мақол, кўшиқдан бир мисра ёки сизнинг ўз иборангиз келтирилиши мумкин. Муҳими, у сизнинг ўзингизга берган тавсифингиз моҳиятини имкон қадар аниқроқ ифодалаши лозим, Уни алоҳида қоғозга ёзиб қўйинг... Энди иккинчи ва учинчи бандларга мурожаат қилинг. Уларга шиорларни ўйлаб топинг ва уларни ҳам алоҳида варақларга ёзинг... Яхши, кейинги топшириқ -ҳар бир бандга қандайдир тимсол топиш керакки, улар ўзингизга берилган тавсифнинг ички мазмунини белги шаклида ифодаласин.

Шиор ва тимсол топиш бўйича олиб борилган бу ишлар машқнинг асосий босқичи учун тайёргарлик бўлиб, энди иштирокчилар ўзларининг ҳаётдаги бош шиор ва тимсолларини белгилайдилар.

Тугатдикми? Раҳмат. Шиорларни ўқиш ва тимсолларни кўрсатиш ҳозирча зарур эмас. Мен сизга ҳозир айтадиган нарса кутилмагандай



туйилиши мумкин. Орангизда қон томирларида қадимги оқсуяклар қони оқадиган одамлар борми?

Савол ҳақиқатан ҳам кутилмаган ва одамларни кейинги ишга қизиқтириш учун мўлжалланган. Гуруҳда ҳақиқатан ҳам қадимги рус зодагон оилаларига мансуб бўлган одамлар топилиши мумкин. Жуда яхши! Улар сизга мана шу ўйинда ёрдам беришади.

Келинг энди бироз хаёл сурайлик. Ўзимизни қадимги машхур оилаларга мансуб ва ўрта аср қирол қасридаги балга таклиф қилиндик, деб тасаввур этайлик. Эшикларига уларнинг зодагонлар авлодига мансублигини тасдиқлайдиган чиройли тамға ва шиорлар битилган, тилла суви югуртирилган кареталарда олижаноб рицарлар ва гўзал хонимлар қаср дарвозаларига яқинлашмоқда. Булар қандай герблар ва улар қандай шиорлар билан таъминланган? Ҳақиқий ўрта аср дворянларига унчалик қийин бўлмаган – уларнинг аجدодларидан кимдир буюк хизматлар кўрсатган, бу унга шуҳрат келтирган ва унинг тамғаси ва шиорида акс этган. Унинг авлодлари ана шу гералдика атрибутларини мерос қилиб олган ва ўзларининг шахсий тамғалари ва шиорлари қандай бўлиши тўғрисида бош қотириб ҳам кўришмаган. Биз эса ўзимизнинг гералдик белгиларимиз устида меҳнат қилишимизга тўғри келади.

Катта қоғоз варағида бўёқ ёки фломастер ёрдамида сиз ўзингизнинг шахсий шиорингиз битилган тамғангизни тасвирлашингиз лозим. Уни яратиш учун материал кўлингизда бор. Бироқ, сиз ундан ҳам кўра қизиқроқ ва сизнинг ҳаётдаги интилишларингиз, мавқеингиз ва ўзингизни англашингизни аниқроқ ифодалайдиган нарсани ўйлаб топишингиз ҳам мумкин. Шундай қилингики, сизнинг тамғангиз ва шиорингиз билан танишган одам ким билан дуч келганини аниқ тушунсин.

Мана тамғаннинг тахминий шакли.

Контур бир неча бўлақларга бўлинган. Тамғадаги ҳар бир бўлақ нимага аталганини ҳисобга олиб, тегишли ахборотни тимсоллар ёрдамида беришга ҳаракат қилинг.

Чап қисм - ҳаётдаги менинг бош ютуқларим. Ўртаси – мен ўзимни қандай идрок қилишим. Ўнг қисм – менинг ҳаётдаги бош мақсадим. Қуйи қисм - ҳаётдаги менинг бош шиорим.

Бу иш учун камида ярим соат вақт ажратиш лозим. Чизиш давомида сокин медитатив мусиқа эшитилиб турса ёмон бўлмайди. Ишни яқунлагач, гуруҳ қатнашчилари ўзларининг тамғалари ва шиорларини тақдим қилишади. Олиб борувчи ҳар бир иштирокчи ўзининг тамғаси ва шиорига ўхшаш герби ва шиори бор одамларни қайд қилиши лозимлигини уқтиради. Тақдимот давомида иштирокчилар бир-бирларига аниқлаш учун саволлар бериши мумкин. Шундан кейин иштирокчиларга ўзининг тамғаси ва шиорига энг яқин тамға ва шиор эгасининг олдига келиш таклиф қилинади. Танловлар ҳар доим ҳам бир-бирига мос тушмаганлиги сабабли жуфтликлар ҳам, кўпгина кичик гуруҳлар ҳам ҳосил бўлиши мумкин.

Энди гўзал хонимлар ва муҳтарам жаноблар, ўз доирангизда тамғаларингиз ва шиорларингиздаги битилган нарсалар нима учун ўхшаш кўринганини ва улар орасида энг муҳими нима эканини муҳокама қилиб кўринг. 15 дақиқадан сўнг ҳар бир кичик гуруҳ қолган бошқа барчаларга фақат ўзининг хулосаларинигина эмас, балки бутун кичик гуруҳ учун умумий бўлган тимсол ва уларни бирлаштирувчи шиорни тақдим қилиши лозим. Эътиборингизни шунга қаратмоқчиманки, умумий тамғани чизиш шарт эмас, сизлар учун умумий бўлган битта тимсолни кўрсатишингиз kifоя.

Сўнгги таъкид, тамға эмас тимсол эканини айтиш шунинг учун ҳам муҳимки, кўпинча тамғада ҳамма учун умумий сифатларни ифодалаш жуда қийин бўлади, чунки унинг қисмлари (ютуқлар, ўзи тўғрисидаги тасаввурлар, мақсадлар) турли одамларда жуда турлича бўлиб, уларни бир-бирига боғлаш

кийин. Лекин, умумий тамғани яратиш варианты мутлақо инкор қилинмайди. Бу анча қийин, лекин бажарса бўладиган топшириқ. Бунинг учун ҳар бир алоҳида иштирокчи тимсолларидан юқорироқдаги мавҳумликка кўтарилиш керак бўлади. Масалан, бир кишининг ютуғи – олий маълумот, бошқасиники – инглиз тилини эгаллаш бўлса, уларни билим олиш тизими ёки ялқовлик устидан ғалаба сифатида бириктириш мумкин.

Ҳар бир кичик гуруҳ томонидан ўзларининг тамғалари ва шиорлари тўғрисидаги умумий хулосалар ва янги жамоавий тимсоллар ва шиорларни тақдим қилинганидан кейин умуман машқ ва унинг босқичлари муҳокама этилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Антология социальной работы: В 5 т. / Сост. М.В. Фирсов.— М: Сварогъ НПФ СПТ, 1994.

*Арнольдov А.И., Бочарова В.Г., Вульфov Б-З. и др.* Социальная педагогика: вопросы теории и практики: Методические материалы.— М: Изд-во Центра социальной педагогики РАО и АСОПиР РФ, 1994.

*Бадя А.В.* Прогрессивные идеи социальной педагогики и социальной работы в России: история и современность.— М.: Изд-во АСОПиР, 1995.

*Битинас Б.П.* Краткий словарь терминов по социальной работе (США) / Социальная педагогика и социальная работа за рубежом.— Вып.1.— М, 1991.

*Бочарова В.Г.* Педагогика социальной работы.— М.: SvR-Аргус, 1994.

*Григорьев С.И., Гусякова Л.Г., Ельчанинов В.А. и др.* Теория и методология социальной работы,— М.: Наука, 1994.

Обучение практике социальной работы: Международный опыт и перспективы / Под ред. М. Дозла и С. Шадлоу.— М.: Аспект Пресс, 1997.

Обучение социальной работе: Преемственность и инновации / Под ред. Ш. Рамон, Р. Сарри; пер. с англ. под ред. Ю.Б. Шапиро.— М.: Аспект Пресс, 1996.

Обучение социальной работе: состояние и перспективы. Материалы Международных конгрессов Школ социальной работы,— М.: АСОПиР, 1997.

Обучение социальной работе в России, Программы и технологии. Ч.1. Социальная работа: наука и профессия.— М.: АСОПиР, 1997.

Обучение социальной работе в России. Программы и технологии. Ч.2. Педагогика социальной работы.— М.: АСОПиР, 1997.

Права человека и работа в социальной сфере: Пособие для училищ по подготовке социальных работников и для работников социальной сферы.— Женева: Изд-во Центра по правам человека ООН, 1995.

*Рамзей Р.* Социальная работа: наука-профессия. К развитию концепции. / Социальная педагогика и социальная работа за рубежом,— Социальная работа,— Вып.6.— М., 1991.

Социальная педагогика: Теория, методика, опыт исследования.— Свердловск: Изд-во Уральск, ун-та, 1989.

Социальная работа: журнал АСОПиР и РАО. № 1 — 8.— 1992-1998.

Справочное пособие по социальной работе / Под ред. А.М. Панова, Е.И. Холостовой.— М.: Юристь, 1997.

Теория и методика социальной работы: в 2 ч. / Под ред. И. Г. Зайнышева.— М.: МГСУ, 1994.

Теория и методика социальной работы: Краткий курс / Под ред. В.И. Жукова — М.: Союз, 1994.

Теория и методика социальной работы / Под ред. П.Д. Павленка,— М.: ГАСБУ, 1993, 1995. Вып.1 — 2.

Теория и практика социальной работы: отечественный и зарубежный опыт: В 2 т. / Под ред. Ярковой Т.Ф., Бочаровой В.Г.— М.— Тула: Изд-во Ассоциации социальных педагогов и социальных работников РФ, 1993.

Энциклопедия социальной работы: В 3 т./ Пер. с англ.— М.: Центр общечеловеческих ценностей, 1993.— 1994.

*Юнссон Н.* Из опыта подготовки социальных работников в Гетеборгском университете / Социальная работа.— Вып.1 — М.,1992.

## 26-МАШҒУЛОТ

### ИЖТИМОЙ СОҶА МУТАХАССИСЛАРИНИ КАСБИЙ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

---

“Ўзингизникилардан узоклашманг, арзиса,  
ўзгалардан ҳам ўрганинг”.

Т. Г. Шевченко

Хорижий мамлакатларда ижтимоий иш мутахассисларини тайёрлаш бўйича ўрганса арзигулик тажриба мавжуд.

Иккинчи жаҳон уруши тугаши арафасида ижтимоий иш бўйича концепциялар орасида америкача ёндашувлар устуворлик қиларди. АҚШ янги демократиялар ва собиқ мустамлакачиларга ижтимоий иш бўйича касбий таълим тизимини яратишда кўмак берар эди. АҚШ билим юртларида дунёдаги турли мамлакатлардан келган талабалар махсус дастурлар бўйича таълим олар эдилар. Шундай фаолият туфайли ижтимоий иш бўйича Америка таълим тизими бутун дунёда кенг тарқалди.

Американинг ижтимоий йўналишдаги ўқув юртларида амалий таълим олиш, ўқитиш ва ўқишнинг экспериментал шакли мавжуд бўлиб, унда талаба куйидаги ҳолатларда ўзи олган билимларни онгли равишда қўллашга ўрганади: дастлабки амалиёт жараёнида касбий кўникмаларни шакллантириш; ижтимоий ишнинг касбий этикети ва қадриятларини қабул қилиш; касбий муҳим шахсий сифатларни ва касбий фаолиятдаги индивидуал услубни шакллантириш. Б.У. Шифор ва Л.Э. Женкинслар ижтимоий хизматчиларни амалий тайёрлаш жараёнини аниқ мақсади академик таълим ва амалий машғулотлар ўртасида янги ижтимоий хизматчи муайян билимни ва махсус тамойилларга риоя қилинишини талаб этадиган фаолиятни амалга ошира оладиган мутахассис бўлишини таъминлайдиган

мураккаб, кўп қатламли жараён сифатида баҳолайдилар. Айнан мана шу алоқадорликнинг мавжудлиги устоз –мураббийни мутахассис бўлмаган, ammo яхши ният билан маслаҳатлар бераётган одамдан фарқлашда ёрдам беради.

АҚШдаги ижтимоий соҳа хизматчиларини ўқитиш дастурлари орасида қуйидагилар устувор ҳисобланади: Ижтимоий таъминот соҳасидаги сиёсат ва хизматлар, инсон хулқ-атвори ва ижтимоий муҳит, “инсон табиатининг турфалиги”, ижтимоий хизмат кўрсатиш амалиёти, ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадқиқотчилик ишлари ва амалий таълим бериш.

Бироқ, сўнгги йилларда профессионаллар оламида ижтимоий соҳа хизматчиларини касбий тайёрлашдаги Америка моделининг универсал самарадорлигига нисбатан шубҳалар билдирилмоқда. Нью-Йоркдаги Хантер университети етакчи мутахассиси профессор Ч. Казетта ўзининг ижтимоий иш мактаблари XVII Халқаро конгресси (Амстердам, 1994 й.) да “Америка модели инқирози” деб номланган маърузасида ишонарли далиллар келтирар экан, ижтимоий соҳа бўйича Америка ўқув режаларининг яккахокимлигини қайд этди. Ижтимоий ишга ўқитишнинг Америкача модели инқирози умумий, бирлаштирувчи омилнинг, касбий интизомнинг, университет муаммоларига мойилликнинг йўқотилиши натижасида юз берди. Ижтимоий ишга ўқитиш мазмунида умумийлик ва хусусийлик орасидаги зарур меъёр бузилган эди. Ч. Казеттанинг хулосаси қуйидагича: бир вақтлар ҳукмронлик қилган Америка модели энди фақатгина кўп моделлардан бири бўлиши мумкин ва у ўзининг маҳаллий ва умумжаҳон муаммоларига мутаносиблигига қараб баҳоланиши лозим.

Мутахассисларга ижтимоий иш соҳасида амалий таълим беришнинг Европача модели Америка моделидан жиддий фарқ қилиб, бундай тафовут мавжуд анъаналар ва бой тажриба (ижтимоий соҳа хизматчиларини касбий тайёрлашнинг дастлабки дастурлари аввал Амстердамда, кейин Берлинда ва

Лондонда пайдо бўлган эди; ижтимоий иш соҳасида черковнинг етакчилик роли; ўнлаб йиллар давомида фаолият кўрсатаётган турли хил филантроплар ташкилотларининг мавжудлиги; кўхна университетлар таркибида касбий тайёрлаш тизимининг мавжудлиги; тарихий тараққиётнинг ўзига хос ижтимоий-сиёсий контексти) билан белгиланади.

Буюк Британияда ҳам ижтимоий ишни худди АҚШдаги сингари икки даражада: коллежлар ва агентликлар (аудитория машғулотлари ва амалий машғулотлар) даражасида ўрганишади. Кейинги йилларда агентликлардаги таълим аввалгига қараганда анча муҳимроқ роль ўйнай бошлади. Агентликларнинг талабалар билан ишлашга ихтисослашган хизматчиларини ўқитиб ва қўллаб-қувватлашга нисбатан катта эътибор берилди бошлади. Уларни амалиёт раҳбари деб аташади. Уларнинг асосий вазифаси — таълим олаётган жойидан қатъий назар, касбий малакаларини мукамаллаштириш. Йирик агентликлардаги улардан баъзилари мижозлар билан ишлашдан тўла овоз қилинади ва уч ёки ундан ортиқроқ талабага бириктириб қўйилади.

Агентликлардаги амалиёт талабанинг ўқишга сарфлаган вақти ҳажмининг ярмичасини ташкил қилади, амалиётнинг якунланиш босқичига эса одатда саксон кун ажратилади.

Ижтимоий иш мутахассисларига амалий таълим бериш бўйича асосий моделлар Ш. Рамон ва Р. Сарри томонидан қуйидагича тасниф қилинади:

Таълим моделларида амалиётнинг терапевтик моделларини қўллашга асосланган шахсий ўсиш ва ривожланиш модели. Талаба супервизорнинг гўёки “мижозига” айланади. Шахсий ўсиш касбий ўсишнинг асоси сифатида кўрилади. Таълим асосан индивидуал тарзда олиб борилади. Талабанинг мижоз билан бевосита ишлаши одатда сир тутилади. Супервизор учун таълим жараёнининг ўзи натижага қараганда кўпроқ аҳамиятга эга. Психологик назарияларга таяниб иш юритилади.



Ўқувчилар тажрибали мутахассислар (“Нелли”)нинг тўқув дастгоҳларидаги ишини кузатишга асосланадиган саноатдаги таълим моделига ўхшатиб олинган, баъзан “Нелли билан ёнма-ён” деб аталадиган “ўқувчилик” модели. Талабанинг касбий ўсиши супервизорлик андозалари асосида баҳоланади. Таълим талабанинг супервизор амалий ишини кузатиши, иш усуллари ва моделларидан андоза олиши сингари реал фаолиятда юз беради. Супервизор учун амалиёт жараёни ҳам, натижалари ҳам бирдай муҳим. Хулқ-атвор назарияларига таяниб иш тутилади.

Талабага муносабат агентликнинг ҳар қандай хизматчисига нисбатан муносабатдан фарқланмайдиган, амалиёт раҳбарининг асосий функцияси амалиёт жараёнини бошқариш ҳисобланадиган бошқарув модели. Бу ёндашув кўпроқ амалий кўникмалар ҳосил қилишга йўналтирилган, бунда амалиёт натижаларини баҳолаш мезони агентлик сиёсатига боғлиқ, бунда энг муҳими талабанинг мижозлар билан олиб борган иши натижалари, қоидалар, йўриқномалар, режим ва бошқаларга қатъий амал қилиш талаб этилади, талабанинг меҳнат ва касбий интизомига эътибор берилади, чунки энг муҳими мижозларни ҳимоя қилиш ва агентлик фаолиятининг сифати. Бунда бошқарув назарияларига таянилади.

Таълимнинг ўқув режасини бирлик блоклари билан биргаликдаги модул кўринишига асосланадиган тузилмалаштирилган модели. Бунда дарс беришнинг турли усуллари, айниқса имитацияли ва фаолиятли (“команда”да) таълим бериш қўлланилади. Амалиёт жараёни ҳам, унинг натижалари ҳам устувор ҳисобланмайди, кўникмаларни эгаллаш ҳам, талабалар ишининг қадриятли асосларини эгаллаш ҳам бирдай муҳим, шунингдек, баҳолашда компетентлик мезонларига асосланишга алоҳида талаб қўйилади. Талаба амалиёт раҳбарининг бевосита кузатуви ва назорати остида ишлайди. Катталар таълими назарияларига таянилади.

Сўнгги йилларда тузилмалаштирилган таълим модели энг кўп самара ваъда қилувчи модел сифатида кенг тарқалмоқда.

Буюк Британияда ижтимоий иш бўйича амалий таълим беришдаги марказий фигура — амалиёт раҳбари. Касбий ҳамжамиятда унга алоҳида эътибор берилади. Буюк Британиядаги амалиёт раҳбарлари ўзларининг агентликларида аккредитация олишлари зарур, кейинги истиқболда эса “Амалиёт ўқитувчиси” унвонини олишади. Бу унвонга имтиҳон кенгашига ўзининг ютуқлари тўғрисида ахборот топширган номзодлар сазовор бўлади.

Францияда ижтимоий соҳа учун мутахассислар тайёрлашнинг дифференциялашган кўп даражали тизими мавжуд. Бу тизимнинг асосида ўз вақтида касбга йўналтириш ва умумтаълим мактабларида амалга ошириладиган касбгача тайёрлаш ётади. Францияда эрта ихтисослаштиришга интилмайдилар. Ундан кўра дифференциялашган ва чуқур умумтаълим тайёргарлигини афзал кўрадилар. Кейинги ихтисослашувнинг асоси сифатида умумтаълим тайёргарлигини аста-секин кенгайтириш ва чуқурлаштириш кўзга ташланмоқда.

Ижтимоий соҳа хизматчиларини тайёрлашнинг мавжуд типлари ва турлари ўзаро ворислик иплари билан боғланган, профессионал тасниф даражалари номенклатураси билан узвий боғлиқ. Бу эса бандлик муаммосини, мутахассислар меҳнатини тарификация қилиш ва унга ҳақ тўлашни, айти пайтда мазкур соҳа хизматчиларига нисбатан вужудга келаётган талаб ва янги шартларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш имконини беради.

Ижтимоий иш соҳаси бўйича мутахассислик олиш учун киришишнинг муҳим шартларидан бири — махсус имтиҳонда намоёиш этиладиган муайян шахсий сифатлар, мотивация, ҳаёт тажрибаси, тегишли йўналиш бўйича бакалавр дипломи ёки унга эквивалент бўлган касбий маълумот дипломи тасдиқлайдиган тўлиқ ўрта маълумотнинг мавжудлиги. Бундан юқорироқ даражадаги мутахассислар тайёрлаш учун касбий фаолият бўйича икки ёки уч йиллик тажриба борлиги ва ёлловчи ташкилотнинг

мажбурий аттестацияси ҳам тақозо қилинади. Буларнинг барчаси ижтимоий соҳани жамият учун қимматга тушадиган касбий нокомпетентликдан ҳимоя қилишга қаратилган.

Ижтимоий хизматчиларни тайёрлаш ўз ичига фан асосларини, билимнинг кенг соҳаларини, умумий услубиятларни ва амалиёт, стажировкалар, тренинглар ўтказиш, реал муаммоларни ҳал қилиш, муайян вазиятларда қандай ҳатти-ҳаракатлар қилиш асосларини ташкил этувчи тайёргарликнинг турли жиҳатларини аниқлаштирувчи ўзгарувчан қисмни ҳам қамраб олади. Мутахассислар тайёрлашнинг анчагина қисми ижтимоий иш учун персонал тайёрлайдиган минтақавий марказларда, институтларда, ихтисослашган мактабларда жамланган. Бу билим юртлари мазкур минтақада ижтимоий амалиёт бўйича кўп йиллик тажрибани тўплайди, фаолиятнинг турли моделлари ва шаклларини синовдан ўтказди, ижтимоий соҳа хизматчиларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш бўйича мавжуд салоҳиятни ўзида жамлайди.

Ижтимоий соҳа хизматчиларини тайёрлаш Францияда давомий бўлиб, таълимнинг узлуксизлиги тамойилига асосланган. У боши берк вариантларни ҳам, модернизациялаш ва тез ўзгариб бораётган жамият талабларига мослаб ўзгартириш қийин бўлган узоқ муддатли тайёргарликни ҳам мустасно қилади. Тайёрлаш алмашувчан таълим тамойилига асосланган бўлиб, унда билим юртидаги назарий таълим мақсадли амалиёт, турли хизматлар, ташкилотлар, муассасалардаги стажировка билан алмашилиб туради. Шунини таъкидлаш муҳимки, таълимнинг у қисми ҳам, бу қисми ҳам ягона ўқув дастури асосида олиб борилади, бир мақсадни кўзлайди ва ҳар иккиси ҳам аниқ белгиланган мезонлар асосида баҳоланади. Бу эса муайян муҳитда ўтказиладиган амалиётдан касбий кўникмаларни шакллантириш ва турли вазиятларда ҳаракатланиш бўйича тажриба орттириш учун оптимал фойдаланиш имконини беради.

Францияда ижтимоий педагоглар ва ижтимоий соҳа хизматчилари кескин фарқланмайди. Мавжуд касб алоҳида одам шахсини назарда тутар экан, тарбиялаш ва ёрдам бериш функцияларини ўзида узвий боғлайди. Ижтимоий фаолият соҳасини қамраб оладиган касблар бирнечта бўлиб, булар мазкур гуруҳга фаолиятлар ва мақсадлар умумийлигига ва касбий компетентлик белгиларига кўра жамланадиган “ижтимоий карьера” касблари гуруҳидир.

Ижтимоий карьера касбларининг таянч хусусияти шундаки, улар ўзларининг йўналиши ва ихтисосларидан қатъий назар, бир томондан шахс, оила, иккинчи томондан давлат ва унинг тузилмалари ўртасида воситачилик вазифасини бажаради; шахс ва социум, болалар ва катталар, оила ва жамият ўртасида ҳамкор, боғловчи занжир вазифасини ўтайди. Энг муҳим хусусият - ташаббуснинг пайдо бўлиши ва намоён бўлишига, мижознинг фаол, субъект мавқеи шаклланишига кўмаклашиб норасмий мулоқот юрита олиш; у билан тенг асосдаги мунозара йўли билан муносабатлар ўрнатиш; мижознинг муаммоларини ҳал қилишда унга ҳамдард ва шерик бўла олиш қобилиятидир.

Буларнинг бари касб фаолиятини олиб бориш учун зарур бўлган шахсий сифатларнинг шубҳасиз устуворлигини кўрсатади. Ижтимоий педагог ва хизматчиларнинг фаолияти одамлар орасида уларнинг бир-бирларини тушунишлари ва мулоқот қилишларига кўмаклашувчи ўзаро ишонч майдони бўлгани учун бу касб вакиллари фақат мижозга эмас, балки унинг атрофидагиларга, гуруҳий мулоқотга, социумдаги вазиятга таъсир ўтказа олиш кўникмаларига эга бўлишлари керак. Психологияда билимдонлик, ривожланган одоб туйғуси, мулоқотмандлик ва ташкилотчилик қобилиятлари, юқори даражадаги маънавий ва умумий маданият, ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қила билиш, ижтимоий ҳаётдаги ўзининг ўрни ва ролини кўра билиш, аниқ ахлоқий тамойиллар зарурий сифатлар ҳисобланади.

Ижтимоий карьера гуруҳига қуйидагилар киради: ижтимоий хизмат ассистенти, ижтимоий ва оилавий иқтисод бўйича маслаҳатчи, ихтисослашган тарбиячи, чақалоқлар тарбиячиси, ёшларнинг ҳуқуқларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тарбиячи, ижтимоий-маданий фаолият аниматори.

Бу касблар учун умумий бўлган хусусият шундаки, уларнинг барчаси тугалланган ўрта маълумот ва касбий тайёргарликнинг турли йўналиши ва даражаларини тақозо қилади. Ўрта таълимнинг иккинчи босқичини Францияда ташкил қилиш қоидалари бўйича лицейларни битирувчилар шу касблар бўйича касбгача тайёргарликни ўрта мактабнинг юқори синфларида ўқиётган пайтларидаёқ оладилар.

Францияда ўрта мактабнинг юқори синфлари (лицейлар) ихтисосга йўналтирилган бўлиб, ўрта маълумот-бакалавриатнинг турли типларини беради. Бакалаврлик учун икки босқичли имтиҳонлар тизимини муваффақиятли топширишгина олий мактабда таълимни давом эттириш имконини беради. Бу эса Франция бакалавриатини таянч олий маълумот тўғрисидаги диплом бериладиган Америка бакалавриатидан фарқлаб туради.

Ижтимоий хизматчилар университетларда ҳам тайёрланади.. Масалан, университет томонидан ижтимоий карьералар технологияси бўйича бериладиган диплом уч ихтисосликни назарда тутаяди: ижтимоий социомаданий анимация, ижтимоий муҳофаза ва ихтисослашган тарбия. Бўш вақтни инсонпарварлаштирадиган анимация ғояси барча ривожланган мамлакатларда тараққий этди; айнан Францияда урушдан кейинги йилларда ижтимоий-маданий анимация тушунчаси илк бор пайдо бўлди. Бу тушунча Европа Иттифоқи ва ЮНЕСКО ташкилотлари орқали аста-секин тарқала бошлади.

Аниматор касби ҳозир (айниқса, ижтимоий-маданий фаолият тўғрисидаги Конвенция имзолангандан кейин) фаол ривожланмоқда, хизматчилар сони кейинги ўн йилликда муттасил ўсиб бормоқда (ҳозирги

кунда Европада 30000 доимий ва 140000 муваққат аниматорлар, 45000 ташкилотлар фаолият юритмоқда). Айни пайтда, ишга жойлашиш тиришқоқлик ва ташаббусни талаб қилади, чунки иш ўринлари ҳозирча чекланган.

“Аниматор” ихтисослиги бўйича касбий тайёргарлик икки даражада амалга оширилади: анимация нокасбий дипломи учун тайёрлаш ва анимация бўйича касбий диплом учун тайёрлаш.

Нокасбийларга қуйидагилар киради:

таътил ва ҳордиқ марказларида ишлашга лаёқатлилиги ҳақидаги сертификат; бу тайёргарлик анимацияга кириш сифатида кўрилиши мумкин ва у таътил марказларида кадрлар билан ишлашга ижозат берадиган, раҳбарлик лавозимида (BASD) лаёқатлилиги ҳақидаги дипломга тайёрлаш билан тўлдирилиши мумкин;

— ёшлар ёки катталар гуруҳлари аниматорлари, фаоллар ва волонтерларга бериладиган социомаданий фаолиятга лаёқатлилиги тўғрисидаги сертификат; номзодлар ёши 19 дан кам бўлмаслиги, доимий характердаги социотарбиявий фаолият бўйича камида икки йиллик иш стажига ва ёлловчи ёки масъул ташкилотнинг аттестациясига эга бўлиши лозим.

Анимация бўйича дипломлар турли даражадаги тайёргарликни яқунлайди. Бу, масалан, халқ мураббийлиги бўйича Давлат техник-аниматори сертификати (ВЕАТЕР) бўлиши мумкинки, у анимация усуллари ва технологияларидан фойдалана билишни таъминлайди. Номзоддан бакалавр дипломи ва икки йиллик касбий тажриба талаб қилинади. Таълим уч йил давом этади ва 630 соатдан иборат уч назарий тайёргарлик блокини ва икки ойлик амалиётни камраб олади. Учта ихтисослик мавжуд: илмий-техник фаолият, маданий фаолият ва ифодалилик, ижтимоий фаолият ва маҳаллий ҳаёт. Яқинда “атроф-муҳит” ихтисослиги ҳам қўшилди.

Яна бир диплом – анимацияга алоқадор (DEFA) тарбия соҳасида ҳам, ижтимоий соҳада ҳам, жамоани ташкил қилиш бўйича ҳам фаолият юритиш имконини беради. Таълим олиш имконияти бакалаврлик даражаси ва уч йиллик иш тажрибаси борлигига боғлиқ бўлиб, уларни махсус имтиҳон тўлдирди. Таълим 1040 соатлик тузилмаларга бўлинган назарий тайёргарлик ва 16 ойлик амалиётни қамраб олади. Диссертация ёзиш ва уни ҳимоя қилиш кўзда тутилади.

Анимация соҳасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган юқорирок даражадаги профессионалларни тайёрлаш шакли анимация соҳасида олий маълумот тўғрисидаги диплом – (DESA) га тайёрлаш ҳисобланади. Таълим ёшлар ва халқ тарбияси Миллий институтида амалга оширилади. Ижтимоий иш ва анимация соҳасидаги дипломли мутахассисларнинг анчагина қисмини университетларда тайёрланади, уларда тайёргарликнинг уч цикли мавжуд бўлиб, ҳар бир цикл турли ихтисосликлар бўйича тегишли университет ёки давлат дипломлари билан яқунланади.

Шунингдек, фаолият соҳаси жисмоний ёки рухий камчиликларга ёки номақбул хулқ-атворга эга, ёки носоз социомаданий муҳитга тушиб қолган болаларга, ўсмирларга ва катталарга таъсир ўтказишни қамраб оладиган “ихтисослашган тарбиячилар”ни тайёрлаш тажрибаси ҳам диққатга сазовор. Ихтисослашган мураббийнинг фаолияти мижозлар ва муҳит хусусиятига мутаносиб турли-туман иш шакллари ва услублари билан характерланади. Бу ерда ўқитишга танлов жуда қатъий. Мураббий ўзининг ҳаракатларини тарбия жараёнида иштирок этаётган оилалар, врачлар, педагоглар, ижтимоий хизматчилар билан интеграциялайди. Амалда бу мутахассис Россияда ижтимоий педагог деб аталадиган мутахассиснинг ўзидир.

Шундай қилиб, Францияда кўп профилли касбга йўналтириш ва умумтаълим мактабларида касбгача тайёргарликдан бошлаб ва таълимнинг олдинги барча даражаларини қамраб оладиган ва жумладан, жиддий амалий

тажрибага эга бўлган назарий-олимларни ва бошқа ижтимоий соҳа мутахассисларини тайёрлаш тизими мавжуд.

Ижтимоий соҳа хизматчиларини тайёрлаш бўйича Франция тизими дунёдаги энг самарали тизимлардан ҳисобланади. Айти пайтда у энг кўхна ва шу билан бирга энг динамик тарзда ривожланадиган, янгиланадиган, ислох қилинадиган тизимлардан бири ҳамдир.

Франциядаги ижтимоий иш жуда узун ва қизиқ тарихга эга. Бу соҳа мазкур мамлакатда давлат ва жамиятнинг тараққий этиши билан узвий боғлиқ. Бу даврда тўпланган тажриба шубҳасиз, ҳеч бўлмаганда Россия ва Францияни жуда қадим замонлардан буён боғлаб турадиган маданий анъаналар умумийлиги туфайли ҳам фойдалидир.

Турли мамлакатларда ижтимоий иш бўйича ҳозирги кунда касбий таълим ҳақидаги энг тўлиқ ахборотни ижтимоий хизматчиларни ўқитиш бўйича жаҳон тизими ҳақидаги маълумотнома-қўлланмадан топиш мумкин. (World Guide to Social Work Education), у ижтимоий хизматчилар халқаро ассоциацияси (IASSW) томонидан 1984 йилда (иккинчи нашри) чоп этилган. У ўз ичига жаҳоннинг 61 мамлакатидagi 74 ўқув юртида ижтимоий хизматчиларни тайёрлайдиган таълим тизимининг батафсил баёнини қамраб олади. Халқаро қўлланмага киритилган мамлакатлар ичида АҚШ, Англия, Германия, Франция ва бошқалар билан бир қаторда Кения, Уругвай, Танзания ва Зимбабвелар ҳам бор, бироқ аввал социалистик деб юритилган мамлакатлардан фақатгина Польша ва Югославия тўғрисида маълумотлар келтирилган.

IASSW ҳозирги кунда ижтимоий хизматчиларни ўқитишдаги ва амалиётидаги малаканинг ягона омили ва мақсадларини ўрганиш билан банд.

Ижтимоий ишга ўқитиш бўйича ваколатли халқаро ташкилот йўқ. Халқаро уюшманинг фикрича, халқаро умумий таълим ўз мамлакатиди оладиган таълимга нисбатан афзалликларга эга бўлиши мумкин. Турли мамлакатларда ижтимоий ишга ўқитиш моделлари орасида кўп тафовутлар



мавжуд. Бироқ, ижтимоий хизматчиларни тайёрлаш тизимига умумий ёндашувлар ҳам мавжуд, жумладан: талабаларни академик андозаларга нисбатан муайян талаблар асосида ва даъвогарнинг ижтимоий ишга яроқлилигига қараб танлаш; ижтимоий ишга амалиётда ўргатиш бўйича янги технологияларни излаб топиш ва уларнинг ролини ошириш.

---

## **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Хорижий мамлакатларда ижтимоий хизматчиларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятларини сўзлаб беринг.

Россиядаги ижтимоий хизматчиларни тайёрлаш тизими хорижий мамлакатлардагидан нимаси билан фарқ қилади?

Россиядаги ижтимоий хизматчиларни тайёрлаш тизимига хориждагилардан нималарни қабул қилиш зарур, деб ҳисоблайсиз?

---

## **Вазият**

1971 йилда Москвадаги Бутирская қамоқхонасида музей ташкил этилган эди. 28 йил давомида бу музейга фақат қамоқхона хизматчилари ва ИИВ вакиллари кириши мумкин эди. 1999 йилдан бошлаб ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари Бутирская музейига соат 15-00 дан 17-00 гача хоҳлаган киши кириши мумкин. Марказий ўтиш жойидан бошлаб офицер ҳамроҳлигида 20 кишидан иборат гуруҳ иккинчи қаватга кўтарилади, у ерда панжаралар орасидан, кўпгина назорат-ўтказиш пунктларидан тергов блокига ўтилади, ундан нарироқда эса музей кассаси жойлашган. Бу ерда маҳбуслар кўли билан тайёрланган сувенирлар таклиф қилинади. Бир киши учун кириш баҳоси – 50 рубл. Гуруҳ экскурсовод билан бирга подвалга тушади, у ерда

шифтнинг остида Россиядаги энг қадимги қамоқхонанинг тарихи ҳақида хикоя қиладиган маҳбуслар чизган суратлар қўйилган, ундан пастрокдаги деворда фотосуратлар ва матнлар, яна ҳам қўйиқроқда кишанлар, металдан ясалган бўйинтуруқлар, наручниклар, қулфлар, тинтув вақтида олиб қўйилган маҳбуслар ясаган тақиқланган нарсалар: ўйин карталари, татуировка учун мосламалар, тўқмоқлар ва бошқалар қўйилган. Музейдан сўнг турманинг ўзини: тергов бўлими ва терговдагилар сақланадиган тергов изоляторини кўрсатишади.

*Ҳозирги Россиядаги маҳбуслар ва тергов қилинаётганларнинг муаммолари тўғрисида нималарни биласиз? Сизнинг минтақангизда ҳам қамоқхоналар, колония ва СИЗОлар борми? Уларда одамларнинг яшаш шароитини ким назорат қилади? 1997 йилдан бошлаб ёш маҳбусларга ахлоқий, руҳий ва ҳуқуқий кўмак беришни, уларга ўзларининг ижодий ишларини “Зона” газетасида эълон қилиш имкониятини беришни мўлжаллайдиган “панжараларсиз ёшлик” ДИМСИ дастури амалга оширилмоқда. Бу дастур доирасида ДИМСИ аъзолари Москва, Рязань, Псков, Перм вилоятларидаги ахлоқ тузатиш муассасалари устидан оталиқ қиладилар, ижодий интеллигенция вакиллари концертлар берадилар, хайрия тадбирлари ўз асарларининг тақдимотини ўтказадилар.*

*Ахлоқ тузатиш муассасалари маъмуриятининг ёрдамида “панжараларсиз ёшлик” номли ўз дастурингизни тузинг, тузалиш йўлига ўтган ёш маҳбуслар билан ёзишма ташкил қилинг. Ўз ташкилотингизда кўнгиллилар ёрдамида “Маҳбусга совға” тадбирини ташкил қилинг.*

---

## **Амалий машғулот**

Ў й и н: “Ким аслида ким?” (Этник стереотиплар) (“Ижтимоий педагогика ва ижтимоий иш” ўқув қўлланмаси материалларидан фойдаланилди. Тузувчи – А.В. Пьяненко)

М а қ с а д: Ўқувчиларнинг этник стереотипларини аниқлаш.

Ў й и н н и н г б о р и ш и: Ўқувчилар (вазиятга қараб, ихтиёрий ёки “қуръа ташлаш” тамойилига кўра, гуруҳларга бўлинадилар). Ҳар бир гуруҳга бирор бир миллатни (масалан, инглизларни, америкаликларни, французларни, немисларни, японларни) тавсифлаб бериш топширилади. Гуруҳларнинг чиқишларидан кейин уларга карточкалар тарқатилади. Муҳокама ўтказилади.

Вариант: ҳар бир гуруҳга миллий хусусиятлар тўплами ёзилган карточкалар таклиф қилинади. Бу миллат ким эканини топиш зарур.

Ў й и н м а т е р и а л л а р и: карточкалар

### *Инглизлар*

(“Ўзингни қўлда тутишни бил”).

Барқарорлик, доимийлик, конформизм, ўзини-ўзи назорат қилиш ва белгиланган тартиб қоидалардан чиқмаслик, ўзини тута билиш, босиқлик, мулозамат, темперамент, хусусий ҳаётни эъзозлаш, тартибга берилиш, қулайликни эъзозлаш, ақлий фаолиятга интилиш, ўзгалар фикрига нисбатан тоқатлилик, бутунлик, шуҳратпарастлик, виқор, ўзгаларга ҳурмат, қатъийлик, назокат, одоб туйғуси.

### *Америкаликлар*

(“Энг муҳими - эркинлик”)

Ватанпарварлик, ғайрат, келажакка ишонч, мустақиллик, тадбиркорлик, меҳнатсеварлик, ўзгаларга ишонч, ҳалоллик, қувноқлик, тўғри сўзлик, ишонтира олиш қобилияти, қонунга итоат қилиш.

### *Французлар*

(“Меъёрдан ортиқ нарсалар арзимасдир”)

Эгоцентризм, мулоқотга лаёқат, ўзгаларга ҳурмат, оқ кўнгиллилик, шошма-шошарлик, енгилтаклик, қизиқувчанлик, мослашиш қобилияти, хайратланиш, назокат, топқирлик, шубҳаланиш, ҳисоб-китоблилик, айёрлик, бетакаллуфлик, ғайрат, ҳиссиётга берилувчанлик.

### ***Немислар***

(“Нордик характер”)

Ҳалоллик, келажакни кўра билиш, консерватизм, юқори даражадаги мослашувчанлик, тиришқоқлик, покизалик, тежамкорлик, мулоҳазалилик, чидам, камтарлик, тақлидга мойиллик, педантлик, сабр, софдиллик, матонат, меҳмондўстликнинг камлиги, қуруқ муомала, кўполлик, ҳамкорликни эъзозлаш, ишга қобилиятлилик, тозалик, жониворларни, мусиқани, гулларни севиш.

### ***Японлар***

(“Ҳар қандай жанжалда иккала томон ҳам айбдор”)

Меҳнатсеварлик, орасталик, тежамкорлик, хушмуомалалик, интизомлилик, бурч туйғуси, анъаналарга мойиллик, обрўга садоқат, ўзини тута билиш, қизиқувчанлик, кучли ривожланган эстетик туйғу, бир-бирига боғлиқликка интилиш, юқори даражада ташкил этилганлик, ўзини-ўзи танқид қилиш, аниқликка интилишнинг йўқлиги, ҳалоллик, матонат, интилишларга садоқат, масофа ва ёлғизликдан кўрқиш.

Ташхис учун материал: “Инсон ва миллат”.

Жамоада бир миллат вакиллари ўз тилларида сўзлашса, бошқалар уларни тушунмаса, бу сизнинг жиғингизга тегадими?

а) Ҳа, одамлар хоҳлаган жойларида ва хоҳлаган вақтларида ўз тилларида сўзлашиш ҳуқуқига эга, деб ҳисобласам ҳам, бу ҳол менинг жиғимга тегади;

в) Йўқ, бу менинг жиғимга тегмайди, бу ҳолни табиий деб ҳисоблайман;

г) Менга бунинг фарқи йўқ.

Ўз миллий: а) эртақларингиз; б) қўшиқларингиз; в) рақсларингиз, г) ривоятларингиз, афсоналарингиз, осори-атиқаларингизни санаб беринг.

Сизга қандай қўшиқ кўпроқ ёқади:

а) ўз миллий; б) МДХ; в) хорижий.

Сизнинг фикрингизча, никоҳдан ўтиш учун ота-оналарнинг розилигини олиш шартми?

- а) ҳа, шарт;
- б) унчалик шарт эмас;
- в) йўқ, шарт эмас;
- г) жавоб беришга қийналаман.

Сиз ўзингизнинг яқин қариндошларингиздан бирортаси бошқа миллат вакили билан турмуш қурса, бунга қандай муносабатда бўлар эдингиз?

- а) хоҳламасдим;
- б) ўз миллатим вакилини афзал кўрсам ҳам, эътироз билдирмасдим;
- в) агар эр-хотин менинг халқим урф-одатларига амал қилса миллатнинг аҳамияти йўқ;
- г) никоҳдан ўтишда миллатнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ;
- д) айтиш қийин.

Одамнинг қайси миллатга мансублигини белгилашда нима биринчи даражали аҳамиятга эга (1 белги):

- а) отанинг миллати;
- б) онанинг миллати;
- в) оилада қабул қилинган тил;
- г) ўз ихтиёри;
- д) яшаш жойи ёки республикаси;
- е) бошқа белгилар (кўрсатиб ўтинг).

Турли миллат вакиллари бир-бирларидан нима билан фарқланадилар, деб ҳисоблайсиз? (3 тагача белги сананг).

---

## **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

### ***“Ижтимоий иш муаммолари бўйича умумжаҳон анжумани”***

#### ***машқи***

(1-мажлис)

Синф 4-5 гуруҳга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ мамлакатлардан бири (Германия, Франция, АҚШ, Россия, Англия ва ҳ.к. - қуръа ташлаш йўли билан аниқланади) нинг вакили ҳисобланади. Биринчи босқичда ҳар бир мамлакат “делегациясидан” бир киши ўз мамлакатада ижтимоий соҳа хизматчиларини касбий тайёрлаш қандай амалга оширилиши тўғрисида маъруза қилади. Иккинчи босқичда ҳар бир делегация бошқа делегацияларнинг ҳар бирига биттадан савол беради (саволлар аниқлаш учун, синаш учун, тузоққа тушириш учун берилиши мумкин). Ўқитувчи эксперт сифатида саволларни ҳам, жавобларни ҳам 3 балли тизимга кўра баҳолайди. “Мажлис”нинг охирида якун ясалади ва қайси делегация энг кўп балл олгани аниқланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Антология социальной работы: В 5 т. / Сост. М.В. Фирсов.— М: Сварогъ НПФ СПТ, 1994.

*Арнольдov А.И., Бочарова В.Г., Вульфov Б-З. и др.* Социальная педагогика: вопросы теории и практики: Методические материалы.— М: Изд-во Центра социальной педагогики РАО и АСОПиР РФ, 1994.

*Бадя А.В.* Прогрессивные идеи социальной педагогики и социальной работы в России: история и современность.— М.: Изд-во АСОПиР, 1995.

*Битинас Б.П.* Краткий словарь терминов по социальной работе (США) / Социальная педагогика и социальная работа за рубежом.— Вып.1.— М, 1991.

*Бочарова В.Г.* Педагогика социальной работы.— М.: SvR-Аргус, 1994.

*Григорьев С.И., Гусякова Л.Г., Ельчанинов В.А. и др.* Теория и методология социальной работы,— М.: Наука, 1994.

*Куличенко Р.М.* Социальная работа и подготовка социальных работников в современной России.— Тамбов: Изд-во ТГУ, 1997.

Обучение практике социальной работы: Международный опыт и перспективы / Под ред. М. Дозла и С. Шадлоу.— М.: Аспект Пресс, 1997.

Обучение социальной работе: Преемственность и инновации / Под ред. Ш. Рамон, Р. Сарри; пер. с англ. под ред. Ю.Б. Шапиро.— М.: Аспект Пресс, 1996.

Обучение социальной работе: состояние и перспективы. Материалы Международных конгрессов Школ социальной работы,— М.: АСОПиР, 1997.

Обучение социальной работе в России, Программы и технологии. Ч.1. Социальная работа: наука и профессия.— М.: АСОПиР, 1997.

Обучение социальной работе в России. Программы и технологии. Ч.2. Педагогика социальной работы.— М.: АСОПиР, 1997.

Права человека и работа в социальной сфере: Пособие для училищ по подготовке социальных работников и для работников социальной сферы.— Женева: Изд-во Центра по правам человека ООН, 1995.

*Рамзей Р.* Социальная работа: наука-профессия. К развитию концепции. / Социальная педагогика и социальная работа за рубежом,— Социальная работа,— Вып.6.— М., 1991.

Социальная педагогика: Теория, методика, опыт исследования.— Свердловск: Изд-во Уральск, ун-та, 1989.

Социальная работа: журнал АСОПиР и РАО. № 1 — 8.— 1992-1998.

Справочное пособие по социальной работе / Под ред. А.М. Панова, Е.И. Холостовой.— М.: Юристъ, 1997.

Теория и методика социальной работы: в 2 ч. / Под ред. И. Г. Зайнышева.— М.: МГСУ, 1994.

Теория и методика социальной работы: Краткий курс / Под ред. В.И. Жукова — М.: Союз, 1994.

Теория и методика социальной работы / Под ред. П.Д. Павленка,— М.: ГАСБУ, 1993, 1995. Вып.1 — 2.

Теория и практика социальной работы: отечественный и зарубежный опыт: В 2 т. / Под ред. Ярковой Т.Ф., Бочаровой В.Г.— М.— Тула: Изд-во Ассоциации социальных педагогов и социальных работников РФ, 1993.

Энциклопедия социальной работы: В 3 т./ Пер. с англ.— М.: Центр общечеловеческих ценностей, 1993.— 1994.

*Юнссон Н.* Из опыта подготовки социальных работников в Гетеборгском университете / Социальная работа.— Вып.1 — М.,1992.



## 27-МАШҒУЛОТ

### ИЖТИМОЙ ИШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ХУЖЖАТЛАР

“Миллий кўпайтириш жадвали бўлмагани сингари миллий фан ҳам йўк”.

А. П. Чехов

Халқаро ҳамкорлик барча мамлакатлар томонидан турли даражада: сиёсий, ҳарбий-техник, ноҳукумат ва бошқа даражаларда амалга оширилади. Бунда ҳар бир томон ўзининг муайян манфаатларини, масалан, у ёки бу масала ёки муаммо бўйича иш тажрибаси алмашиш, биргаликда лойиҳалар ва дастурларни бажариш, мулоқот ва алоқалар ўрнатиш, ўзга маданиятлар ва ютуқлар билан танишиш, ҳокимият тузилмаларини биргаликда ишонтиришга уриниш, алоҳида мамлакатларнинг ички ва ташқи сиёсатидаги турли масалалар бўйича биргаликдаги ҳужжатлар ва қарорлар қабул қилиш ва бошқалар сингариларни кўзда тутишлари ўз-ўзидан тушунарли.

Бунда ҳамкорлик қилаётган томонлар олдин эришилган битимлар, қарорлар, режалар, баённомалар, шартномалар ва бошқаларга таянишади. Масалан, глобал миқёсдаги ва алоҳида мамлакатлар ўртасидаги халқаро ҳамкорлик тарихи жуда узоқ ва бой тарихга эга. Ўзини ижтимоий ишга ёки “одам-одам” тизимидаги ҳар қандай касбга бағишлаган одам шахсни, миллий жамият, жаҳон ҳамжамиятини баҳолашга замонавий ёндашувларни белгилаб берадиган асосий халқаро ҳужжатларни билиши зарур.

*Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1945 йилдаги Низоми*

Иккинчи жаҳон уруши тугаши биланоқ ташкил этилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўзида халқаро ҳамжамиятнинг тинчликни таъминлаш

ва қўллаб-қувватлаш мақсадида янги шартномалар ишлаб чиқишга бўлган катъияти тимсоли эди. Илк бор алоҳида давлатларнинг мустақиллигини чеклайдиган халқаро ҳамкорлик тизимини яратиш истаги тўғрисида эълон қилинди. Халқаро ҳамжамият алоҳида шахслар, гуруҳ ёки жамоалар муҳофазасини таъминлайдиган инсон ҳуқуқлари кафолатларини яратиш мажбуриятини олди. Бу муҳим соҳалардаги ички қонунлар улардан устувор бўлган халқаро меъёрлар билан мутаносибликка келтирилиши лозим эди.

*Инсон ҳуқуқларининг 1948 йилдаги Умумжаҳон декларацияси*

Умумжаҳон декларациясининг асосий қоидалари инсониятнинг энг эзгу орзуларини акс эттиради. У сиёсий тилда битилмаган ва дунёдаги ҳар бир одам ишонса бўладиган муносабат шаклларини ўрнатади. Бу ҳужжатда илк бор кўпчилик сиёсий, маданий ва диний анъаналар учун умумий бўлган ғоялар бир бутун қилиб жамланди.

Умумжаҳон декларацияси ўзининг 30 моддасида барча одамларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини белгилар экан, фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни қамраб олади. Бирок, Декларация ўз-ўзидан юридик кучга эга эмас. У ахлоқий меъёрлар йиғиндисидан иборат. Ана шу ахлоқий меъёрларнинг аҳамияти ва таъсири тўғрисида уларнинг дунёдаги кўпчилик мамлакатлар томонидан эътироф этилиши ва қонунчиликларга киритилиши гувоҳлик беради.

*Ирқий дискриминациянинг ҳар қандай шаклларини йўқ қилиш тўғрисидаги 1965 йил Халқаро конвенцияси*

Конвенция ҳар одам учун тенглик ва дискриминация қилмаслик тамойилининг тўла амалга оширилишини кафолатлайди. Ҳужжат ирқий дискриминациянинг барча шакл ва кўринишларини йўқ қилишда, ирқчилик назариялари ва уларни амалга оширишнинг олдини олиш ва бутунлай

тугатишга, ирқий сегрегация ва ирқий дискриминациянинг барча шаклларида озод бўлган халқаро ҳамжамият яратишга йўналтирилган.

*Инсон ҳуқуқлари бўйича 1966 йил Халқаро пактлари*

Умумжаҳон декларацияси асосида ишлаб чиқилган икки Пакт (улардан бири фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга тааллуқли, иккинчиси эса иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга алоқадор) халқаро миқёсда эътироф этилган меъёрларни ўрнатади, улар ёрдамида инсон ҳуқуқларининг бузилиш ҳолатлари суд орқали чиқилади.

Пактлар уч умумий таркибий қисмга эга: а) ўзини-ўзи белгилаш ҳуқуқи, бу ҳуқуқнинг амалга оширилиши мустамлакаларнинг тугатилиши ва кўплаб давлатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзоси бўлишига олиб келди; б) эркаклар ва аёллар тенглиги ва жинс, ирқ ёки дин белгилари бўйича дискриминация қилмаслик тамойили; в) бўлинмаслик, яъни фуқаролик ва сиёсий эркинликларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлар билан ўзаро боғлиқлиги тамойили.

*Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги 1966 йил Халқаро пакти*

Бу пактда қуйидаги ҳуқуқлар мустаҳкамлаб қўйилган: яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик; қийноқлар ва инсон шаънини хўрлайдиган ғайри-инсоний муносабат ва жазога тортилмаслик; куллиқни таъқиқлаш; ўзибўларчилик асосида ҳибсга олиниш ва ушлашларга йўл қўймаслик; сўз, дин, йиғилишлар ва уюшмалар, шу жумладан, касаба уюшмаларидаги аъзолик; ҳаракатланиш эркинлиги ва яшаш жойини танлаш эркинлиги; умумий сайлов ҳуқуқи тизими асосида овоз бериш; одил судлов; озчиликларнинг ҳимояси.

*1969 йилги ижтимоий прогресс ва тараққиёт Декларацияси*

Декларация ижтимоий ҳамкорликнинг комплекс дастуридир. У ўзида одамнинг ижтимоий мавқеига янгича муносабат ва ижтимоий доктриналар қадриятини акс эттиради. Унда ижтимоий прогресснинг асосий тамойиллари ифодаланган бўлиб, уларнинг асосийси “барча халқлар ва одамлар, уларнинг ирки, терисининг ранги, жинси, тили, диний эътиқоди, миллати, этник келиб чиқиши, оилавий ва ижтимоий ҳолати ёки сиёсий эътиқодларидан қатъий назар, инсон шаънига мос эркинлик шароитида яшаш ва ижтимоий тараққиёт медаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга ва ўз навбатида унга кўмаклашишлари лозим”.

Декларацияда жамиятнинг асосий ҳужайраси бўлган оилага ва унинг барча аъзолари фаровонлиги учун, айниқса, болалар ва ёшлар учун зарур бўлган табиий муҳитга муҳим ўрин ажратилади. Декларацияда белгиланганидек, ҳар бир давлатнинг фаолияти миллий даромад ва бойликни мунтазам ўстириб боришга ва улар жамиятнинг барча аъзолари ўртасида адолатли тақсимланишига йўналтирилиши лозим.

*Ҳуқуқбузарларни ушлаш ва улар билан муомала қилишга алоқадор қоидалар*

1955 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича биринчи Конгресси маҳбуслар билан муомала қилиш ва пенитенциар муассасаларни бошқаришнинг минимал стандартларини қабул қилди. 1971 йилда Бош Ассамблея пенитенциар ва ахлоқ тузатиш муассасаларини бошқариш бўйича ана шу қоидаларни самарали қўллашни таъминлаш ва уларни миллий қонунчиликларга киритиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш тўғрисида тавсиялар берди.

*Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳит тўғрисидаги 1972 йилги дастури*

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсонни ўраб турувчи муҳит муаммоларига бағишланган, 1972 йилда Стокгольм шаҳрида ўтказилган конференцияси ҳар бир инсон соғлом атроф-муҳит ҳуқуқига эгаллиги ва атроф-муҳитни келгуси авлодлар учун сақлаш ва яхшилаш бўйича масъуллигини эълон қилди.

Кейинроқ Бош Ассамблея Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атроф-муҳит ҳолатини кузатиш ва экологик хавфсиз фаолиятни рағбатлантириш бўйича Дастурини таъсис этди. 1989 йилда хавфли чиқиндиларни чегаралар орқали ташиш ва йўқ қилиш тўғрисида Базел конвенцияси ишлаб чиқилди. Атроф-муҳитни сақлаш бўйича муҳим халқаро шартномалар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1992 йилда атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича конференциясида қабул қилинди, улар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим ўзгариши тўғрисидаги конвенцияси ва биологик турли-туманлик тўғрисидаги Конвенциясидир.

*Аёлларга нисбатан дискриминациянинг ҳар қандай шакллари йўқ қилиш тўғрисидаги 1979 йил конвенцияси*

Конвенциянинг 1-моддасида аёлларга нисбатан дискриминация тушунчасига қуйидагича таъриф берилади: “Аёллар томонидан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, фуқаролик ёки бошқа ҳар қандай соҳадаги инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан фойдаланишини ёки амалга оширилишини заифлаштириш ёки йўққа чиқаришга йўналтирилган ҳар қандай фарқлаш, истисно қилиш ва чекловлар”.

Бу конвенцияга аъзо давлатлар тегишли барча усуллар ёрдамида аёлларга нисбатан дискриминацияни йўқ қилишга қаратилган сиёсатни зудлик билан амалга оширишга розилик билдирадилар ва шу мақсадда қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

а) эркаклар ва аёллар тенг ҳуқуқлиги тамойилини, агар киритилмаган бўлса, ўзларининг миллий конституциялари ёки бошқа тегишли қонунларига

киритиш, қонун ва бошқа тегишли воситалар ёрдамида бу тамойилнинг амалга ошишини таъминлаш;

б) аёлларга нисбатан ҳар қандай дискриминацияни маън қиладиган тегишли қонунлар ва тадбирларни, шу жумладан, санкцияларни ҳам зарур бўлган ҳолатларда қабул қилиш;

в) аёллар ҳуқуқини эркаклар билан тенг асосда юридик ҳимоя қилишни белгилаш ва уни ваколатли миллий судлар ва бошқа давлат муассасалари ёрдамида аёлларни ҳар қандай дискриминация қилувчи ҳолатлардан муҳофаза қилиш;

г) ҳар қандай шахс, ташкилот ёки корхона томонидан аёлларга нисбатан дискриминацияларни тугатиш учун тегишли чоралар кўриш;

д) аёлларга нисбатан дискриминация қилиш ифодаланган барча қонунлар, қарорлар, урф-одатлар ва амалиётни тегишли тартибда ўзгартириш ёки бекор қилиш.

#### *1982 йилда қабул қилинган тиббий этика тамойиллари*

1976 йилда Бош Ассамблея Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига қўлга олиш ёки қамоқхонага қамашнинг ҳар қандай шаклига дуч келиши мумкин бўлган шахсларни муҳофаза қилиш мақсадида тиббий этика кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишни топширди. Бош Ассамблея 1982 йилда ЖССТ, халқаро илмий тиббий ташкилотлар Кенгаши ва Умумжаҳон тиббиёт ассамблеяси ёрдамида соғлиқни сақлаш ходимлари, айниқса врачлар учун маҳбуслар ёки қўлга олинганларни қийноқлар ва бошқа шафқатсиз, ғайринсоний ёки шахс шаънини пастга урадиган муносабатлар ва жазодан ҳимоя қилишдаги ролига тааллуқли тиббий этика тамойилларини қабул қилди. 1983 йилда Бош Ассамблея барча ҳукуматларни тиббий ходимлар томонидан ва функцияси қўлга олиш ва қамаш бўлган муассасалар ходимлари томонидан ана шу тамойилларга амал қилиниши учун кўмаклашишга чақирди.

*Шафқатсиз, ғайри-инсоний ёки инсон шаънини пастга урадиган муомала ёки жазо турларига қарши 1984 йилда қабул қилинган конвенция*

Мазкур Конвенция миллий қонунчилик доирасида қийноққа солишни маън этишни кўзда тутибгина қолмай, юқори лавозимли бошлиқнинг ҳеч қандай буйруғи ва ҳеч қандай истисноли ҳолатлар қийноққа солиш ёки бошқа шафқатсиз, ғайри-инсоний ёки инсон шаънини ҳақоратлайдиган муносабат ёки жазоларни оқлай олмаслигини аниқ-равшан кўрсатиб ўтади. Конвенцияда, қийноқларни қўллаган ҳар қандай шахс БМТга аъзо бўлган ҳар қандай давлат ҳудудида суд томонидан таъқиб қилинади, бирор бир давлат ҳудудида қийноқларни мунтазам қўллаш ҳақида аниқ маълумот бўлгани тақдирида конвенция халқаро суриштирув ўтказишни назарда тутади. Конвенцияга аъзо давлатлар, шунингдек, ўзларининг юрисдикцияси остида бўлган ҳар қандай ҳудудда қийноқларнинг олдини олишга йўналтирилган самарали қонуний, маъмурий, суд ёки бошқа чораларни кўриш мажбуриятини оладилар. Ҳеч қандай истисноли шароитлар, улар уруш шароити бўладими, ички сиёсий беқарорлик ёки ҳар қандай фавқулодда ҳолат бўладими, қийноқларни оқлай олмайди.

*Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг балоғатга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга тааллуқли 1985 йилда қабул қилган Қоидаларининг минимал андозалари*

Бу қоидалар жиноий жавобгарликнинг минимал ёши, балоғатга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга ошириш мақсадлари, балоғатга етмаганларни одил судлашнинг самарали, адолатли ва инсонпарварлик хусусиятлари ва инсон ҳуқуқлари соҳасида қўллаш лозим бўлган тамойиллари сингари масалаларга тегишлидир. Улар, шунингдек, балоғатга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни тергов қилиш, судда кўриб чиқиш, шунингдек, судгача ҳибсда тутиб туриш сингари масалаларни

камраб олади. Умуман уларда балоғатга етмаганларни ахлоқ тузатиш муассасаларига қамаш билан боғлиқ бўлган тадбирларни минимал даражада қўллаш кераклиги тўғрисида тавсия берилади. Улар, шунингдек, ахлоқ тузатиш муассасаларига олиб келинган балоғатга етмаган қонунбузарларнинг муҳофазаси тўғрисидаги қоидаларни ҳам камраб олади.

*Болаларнинг ҳуқуқлари тўғрисида 1989 йилда қабул қилинган конвенция*

Конвенциянинг асосий мақсади боланинг манфаатларини максимал ҳимоя қилишдан иборат, бунда у ўзини ратификация қилган давлатларни болаларнинг ўз мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ҳаётларида фаол ва ижодий катнашишлари учун тегишли шароитлар яратишга чақиради. Конвенцияга кўра, 18 га тўлмаган ҳар қандай шахс бола ҳисобланади, агар миллий қонунчилик балоғат ёшини эртароқ қилиб белгиламаган бўлса. Фуқаролик, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларнинг бутун мажмуини камраб олар экан, конвенция бир ҳуқуқнинг рўёбга чиқарилиши бошқа ҳуқуқларнинг рўёбга чиқарилиши билан узвий боғлиқлигини эътироф этади. Унда боланинг интеллектуал, ахлоқий ва маънавий қобилиятлари ривожланиши учун зурур бўлган эркинлик бошқа нарсалардан ташқари, соғлом ва хавфсиз атроф муҳит, соғлиқни сақлаш тизимига кириш эркинлиги, озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошпана билан минимал даражада таъминланганлигига боғлиқлиги ҳам кўрсатиб ўтилади. Болалар ўзларининг ҳуқуқларидан ирқи, терисининг рангги, жинси, тили, келиб чиқиши, моддий аҳволи, саломатлиги ҳолати ва унинг ёки ота-оналарининг ёки бўлмаса восийларининг туғилишдаги вазиятлардан, ва бошқа ҳар қандай ҳолатлардан қатъий назар, эркин фойдаланишлари лозим. Конвенция болаларни эксплуатациянинг ҳар қандай шаклидан ҳимоя қилади, миллий озчиликлар вакилларининг ва туб жой аҳоли гуруҳлари болаларига тааллуқли масалаларни, шунингдек, гиёҳванд моддаларни суиистеъмол қилиш ва болалар тўғрисида



ғамхўрликнинг йўқлиги муаммоларини ҳам кўриб чиқади. У жинойт фаолиятга тортилган болаларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича аниқ коидаларга эга. Конвенция болалар тўғрисида ғамхўрлик қилиш ва уларни ҳимоялашда оила ва ота-оналарнинг биринчи даражали ролини, шунингдек, давлатнинг уларга кўмаклашиш бўйича мажбуриятларини эътироф этади.

*Барча меҳнаткаш-мигрантлар ва улар оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича 1990 йилда қабул қилинган Халқаро конвенция*

Бу Конвенция барча меҳнаткаш-мигрантлар ва уларнинг оила аъзоларига жинси, ирқи, терисининг ранги, тили, дини ва эътиқодлари, сиёсий ва бошқа қарашлари, миллий, этник ёки ижтимоий келиб чиқиши, фуқаролиги, ёши, иқтисодий, мулкӣ, оилавий ва табақавий ҳолати ва бошқа ҳар қандай белгисидан қатъий назар қўлланади. Конвенция Пактларда эълон қилинган бошқа ҳуқуқларнинг кенг доирасини ҳам қамраб олади.

---

## **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Одамларни ижтимоий муҳофазалаш бўйича энг муҳим халқаро ҳужжатларни таҳлил қилинг.

Сизнинг фикрингизча, қабул қилинган қарорлар ижросини халқаро ташкилотлар томонидан назорат қилиш мурвати нимадан иборат?

Халқаро ҳужжатларнинг Россияда тўла амалга ошиши учун нималар зарур?

---

## **Вазиятлар**

“Таълим тўғрисида”, “РФнинг “Таълим муассасаси тўғрисида”ги Қонунидан, РФ бош санитария врачининг “Умумтаълим муассасаларининг санитария меъёрлари тўғрисида”ги Фармойиши, шунингдек, сизнинг минтақангиз таълим тизимига тааллуқли бўлган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиб ота-оналар ва ўқувчиларнинг қуйидаги саволларига жавоб беринг:

Қўриқлаш учун пул беришга мажбурмизми?

Мактабдаги бепул овқат барчага тегишлими?

Мактабдаги тушликдан воз кечиш мумкинми?

Мактабимизда икки кишига битта тарих дарслиги берилади. Шуниси ҳам борки, унинг мазмуни, юмшоқ қилиб айтсак, кишини ажаблантиради. Бу вазиятни биз қандай тузатишимиз мумкин?

Менинг болам мана икки йилдирки, мактабда ўқимади. У бор-йўғи олти синфни тугатган. Уни мактабга олишмаяпти, район таълим бошқармасининг бошлиғи эса “директорга ҳавола!” – дейди. Сиздан илтимос қиламан, боламни мактабга жойлашда ёрдам беринг.

Гимназия ва лицей гуруҳлари нечанчи синфдан очилади?

Бизнинг директор мактаб формаси учун барчани пул тўлашга мажбур қилиш учун уринмоқда. Шу қонунийми?

Менинг иккинчи синфда ўқийдиган қизим ритмика ва аэробикага қатнаши шартми?

Ўғлимнинг синф раҳбари болаларга тазйиқ ўтказди, ҳатто қўл кўтариш ҳоллари ҳам бўлган. Биз қандай чора кўришимиз керак.

Синфимизда 31 ўқувчи бор. Шу тўғрими?

Иккинчи сменани очиш ва олти кунлик ўқишга ўтиш тўғрисидаги қарорни ким қабул қилади? Ота-оналар ана шу қарорларга таъсир ўтказиши мумкинми?

Таълим муассасасидаги ижтимоий педагог ва ижтимоий хизматчининг лавозим вазифаларини ким белгилайди? Мактабдаги бу мутахассислар, сизнинг фикрингизча, қайси функцияларни бажариши лозим?

---

### **Амалий топшириқ**

Халқаро жамғарма ёки халқаро ташкилотга ижтимоий лойиҳани молиялаштириш тўғрисида талабнома тайёрлаш.

---

### **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

*“Ижтимоий иш муаммолари бўйича Умумжаҳон конференцияси” машқи*

(2-мажлис)

Бундан аввалги машғулотда бошланган хизмат ўйини давом эттирилади. Ҳар бир “делегацияга” “ижтимоий иш тамойиллари Декларацияси”ни ишлаб чиқиш топширилади. 10-15-20 дақиқадан сўнг “делегациялар” бу ҳужжат бўйича ўзлари тайёрлаган вариантларни тақдим қиладилар. Оппонентларнинг саволларига жавоб берар экан, улар айнан ўзларининг “Декларацияси” афзалликларини ишонарли қилиб исботлаб беришлари керак. Мажлиснинг сўнгги босқичида барча “делегациялар” вакилларидадан иборат экспертлар комиссияси тузилади ва унга “Декларациялар”нинг барча вариантларидаги энг яхши тамойиллар ва ғояларни қўшиб ҳужжатни “охирига етказиш” топширилади. Комиссия ишининг натижалари кейинги мажлисда муҳокама қилинади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Антология социальной работы: В 5 т. / Сост. М.В. Фирсов.— М: Сварогъ НПФ СПТ, 1994.

*Арнольдov А.И., Бочарова В.Г., Вульфoв Б-З. и др.* Социальная педагогика: вопросы теории и практики: Методические материалы.— М: Изд-во Центра социальной педагогики РАО и АСОПиР РФ, 1994.

*Бадя А.В.* Прогрессивные идеи социальной педагогики и социальной работы в России: история и современность.— М.: Изд-во АСОПиР, 1995.

*Битинас Б.П.* Краткий словарь терминов по социальной работе (США) / Социальная педагогика и социальная работа за рубежом.— Вып.1.— М, 1991.

*Бочарова В.Г.* Педагогика социальной работы.— М.: SvR-Аргус, 1994.

*Григорьев С.И., Гусякова Л.Г., Ельчанинов В.А. и др.* Теория и методология социальной работы,— М.: Наука, 1994.

*Куличенко Р.М.* Социальная работа и подготовка социальных работников в современной России.— Тамбов: Изд-во ТГУ, 1997.

Обучение практике социальной работы: международный опыт и перспективы / Под ред. М. Дозла и С. Шадлоу.— М.: Аспект Пресс, 1997.

Обучение социальной работе: Преемственность и инновации / Под ред. Ш. Рамон, Р. Сарри; пер. с англ. под ред. Ю.Б. Шапиро.— М.: Аспект Пресс, 1996.

Обучение социальной работе: состояние и перспективы. Материалы Международных конгрессов Школ социальной работы,— М.: АСОПиР, 1997.

Обучение социальной работе в России, Программы и технологии. Ч.1. Социальная работа: наука и профессия.— М.: АСОПиР, 1997.

Обучение социальной работе в России. Программы и технологии. Ч.2. Педагогика социальной работы.— М.: АСОПиР, 1997.

Права человека и работа в социальной сфере: Пособие для училищ по подготовке социальных работников и для работников социальной сферы.— Женева: Изд-во Центра по правам человека ООН, 1995.

*Рамзей Р.* Социальная работа: наука-профессия. К развитию концепции. / Социальная педагогика и социальная работа за рубежом,— Социальная работа,— Вып.6.— М., 1991.

Социальная педагогика: Теория, методика, опыт исследования.— Свердловск: Изд-во Уральск, ун-та, 1989.

Социальная работа: журнал АСОПиР и РАО. № 1 — 8.— 1992-1998. Справочное пособие по социальной работе / Под ред. А.М. Панова, Е.И. Холостовой.— М.: Юристъ, 1997.

Теория и методика социальной работы: в 2 ч. / Под ред. И Г. Зайнышева.— М.: МГСУ, 1994.

Теория и методика социальной работы: Краткий курс / Под ред. В.И. Жукова — М.: Союз, 1994.

Теория и методика социальной работы / Под ред. П.Д. Павленка,— М.: ГАСБУ, 1993, 1995. Вып.1 — 2.

Теория и практика социальной работы: отечественный и зарубежный опыт: В 2 т. / Под ред. Ярковой Т.Ф., Бочаровой В.Г.— М.— Тула: Изд-во Ассоциации социальных педагогов и социальных работников РФ, 1993.

Энциклопедия социальной работы: В 3 т./ Пер. с англ.— М.: Центр общечеловеческих ценностей, 1993.— 1994.

*Юнссон Н.* Из опыта подготовки социальных работников в Гетеборгском университете / Социальная работа.— Вып.1 — М.,1992.

## 28-МАШҒУЛОТ

### ИЖТИМОИЙ СОҶА БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР

---

“Бир ҳалол одамни калтаклашаётганда, бошқа ҳалол одамлар, ҳам оғрик, ҳам ғазаб, ҳам инсон шаъни топталишидан азоб ҳис қилишлари керак”.

Л. Н. Андреев

Хорижда қабул қилинган таснифга кўра, ижтимоий соҳада халқаро, ҳукумат ва ноҳукумат (НХТ, инглизча вариантида NGO-nongovernmental organization) ташкилотлар фарқланади.

Европа Кенгаши, Европа Иттифоқи (ЕИ), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ), Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ), Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ва унинг агентликлари (БМТ ривожланиш дастури, ЮНЕСКО ва ЮНИСЕФ), Жаҳон Банки ва бошқалар ижтимоий соҳада энг йирик ва таъсир доираси кенг халқаро ташкилотлар ҳисобланади. Ўзининг асоси ва аъзолик миқёсларига кўра, халқаро ташкилотлар катта ресурслар ва техник тажрибага эга. Халқаро ташкилотлар билан шериклик биргаликдаги жиддий молиялаштириш, профессионализм, қонунийлик, ҳукумат ва ҳомийлар томонидан эътироф этилишни таъминлаши мумкин. Халқаро ташкилотлар билан алоқалар ахборотлар алмашиши бўйича қимматли натижалар бериши мумкин. Улардан ҳужжатлар, техник ҳисоботлар ва лойиҳа режаларини сўраб олиш мумкин.

Ноҳукумат ташкилотлар бир-биридан ўзларининг вазифалари, мавқеи, келиб чиқиши, тузилмаси ва молиялаштириш тизими бўйича фарқланиши мумкин. Халқаро НХТлар кўп мамлакатларда бўлимларга эга.

Масалан, “Халқаро амнистия” (Amnesty International), Католик ёрдам кўрсатиш хизмати (Catholic Relief Services), “Халқаро ҳалоскорлик комитети” (International Rescue Committee), “Чегарасиз врачлар” (Medicins Sans Frontieres), “Болаларни қутқаринг” (Save the Children) ва бошқалар. Халқаро НХТларнинг кўпчилиги хусусий гуманитар ташкилотлар бўлиб, улар қуролли низолар, фуқаролик тартибсизликлари ёки табиий офатлардан жабрланганларга тезкор ёрдам кўрсатишади. Улар шунингдек, камбағал мамлакатлар ёки минтақаларни тиклаш, уларга ёрдам кўрсатиш таркибий қисми бўлган иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга оширишади. НХТлар хусусий тарзда бошқарилади, молиявий маблағларнинг бир қисмини ҳукуматлардан, халқаро ташкилотлар ва жамғармалардан олишади.

Шунингдек, умумий ҳунар, касб ёки саноат сектори манфаатларини ҳимоя қилиш учун бирлашган одамлар гуруҳидан иборат касбий ташкилот ва уюшмаларни ҳам кўрсатиш мумкин. Ўқитувчилар, ноширлар, ҳуқуқшунослар, илмий ходимлар, ёзувчилар, журналистлар, врачлар, фермерлар, ижтимоий хизматчилар ва бошқаларнинг уюшмалари бунга мисол бўла олади.

*Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси*

Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия 56 аъзо давлат вакилларидан иборат бўлиб, улар уч йил муддатга сайланадилар, комиссия сессиялари ҳар йили олти ҳафта давомида ўтказилади. Комиссия тадқиқотлар ўтказди, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар учун тавсиялар ва лойиҳалар тайёрлайди.

Ўзининг ҳар йилги сессияларида инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссия, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш ва Бош Ассамблея инсон ҳуқуқларини кўпол тарзда ва мунтазам бузишлар билан боғлиқ бўлган вазиятлар ва амалиётни муҳокама қилади. Қандайдир муайян мамлакатдаги аҳвол ёки

кандайдир аниқ амалиёт алоҳида ташвиш туғдирса, мазкур органлар мустақил ва объектив экспертлар гуруҳи (ишчи гуруҳ) ёки алоҳида шахс (махсус маърузачи) томонидан суриштирув ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин. Бу махсус органларга Комиссия ва Бош Ассамблеяга маърузалар тақдим қилиш ва тавсиялар ишлаб чиқишдан ташқари жамоанинг, алоҳида шахс ёки гуруҳнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда чора кўриш ваколати ҳам берилган.

### *Ижтимоий фаровонлик бўйича халқаро Кенгаш (ICSW)*

Мазкур Кенгаш (аввал у ижтимоий иш бўйича конференция деб аталар эди) 1928 йилда асосланган ва ҳозирги кунда у ижтимоий ходимларнинг Халқаро Федерацияси ва Ижтимоий иш Мактабларининг Халқаро Уюшмаси сингари ижтимоий фаровонлик, ижтимоий адолат ва ижтимоий ривожланиш муаммоларини ҳал қилиш билан шуғулланадиган учта энг йирик ноҳуқумат ташкилотларининг биридир.

Минтақавий бўлимларда миллий ижтимоий, давлат органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларини, ижтимоий соҳа ва соғлиқни сақлаш тизимида ишлайдиган илмий тадқиқот институтларини бирлаштирадиган мамлакатларнинг миллий комитетлари жамоавий аъзолар ҳисобланишади.

Ўз фаолияти концепциясига биноан, Кенгаш ҳаёт, озиқ-овқат, бошпана, таълим, саломатлик, ғамхўрлик ва хавфсизликка бўлган асосий ҳуқуқларни ҳимоя қилар экан, уларни озодлик, адолат ва тинчликнинг пойдевори ҳисоблайди.

Ижтимоий фаровонлик бўйича Халқаро Кенгаш камбағаллик, муҳтожлик, инсоннинг заифлиги даражасини камайтиришга; ўзини ифода қилиш эркинлиги ва ижтимоий неъматларга одамларнинг тенг дахлдорлигини таъминлаш, одамлар турмуш даражаси ўртасидаги тафовутни



пасайтиришга, ижтимоий бошпанасиз қолганлар миқдорини озайтириш, оммавий миграция ва ирқий низолар ва бошқаларни йўқ қилишга кўмаклашади.

Бу вазифаларни бажариш учун Кенгашнинг тузилмавий бўлинмалари ахборот тўплаш ва тарқатиш, тадқиқотлар ўтказиш ва уларни таҳлил қилиш, семинар ва конференциялар тайёрлаш ва ўтказиш билан шуғулланишади, ноҳукумат ташкилотларни мустаҳкамлашга қаратилган чоралар кўришади. Кенгаш жамоа ва давлат ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, улар фаолиятини мувофиқлаштиришга катта эътибор беради.

*Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси  
(ЮНИСЕФ)*

Бош Ассамблеянинг 1946 йилдаги биринчи сессиясида урушдан кейинги Европа ва Хитойдаги болаларнинг озиқ-овқат, дори-дармон ва кийим-кечакка бўлган энг зарур эҳтиёжларини қондириш мақсадида таъсис этилган. Бош Ассамблея қабул қилган қарорга кўра, Жамғарма фаолиятининг асосий йўналиши қилиб ривожланаётган мамлакатларда болалар манфаатлари йўлидаги дастурларни амалга ошириш белгиланган.

Гуманитар ёрдам кўрсатиш ва тараққиётга кўмаклашиш билан бир қаторда ЮНИСЕФ дунёдаги ҳар бир болага болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда эълон қилинган ўзининг таянч ҳуқуқ ва имтиёзларини рўёбга чиқариш имкониятларини таъминлаши ҳам керак.

ЮНИСЕФ бола ҳуқуқлари масалалари билан шуғуллананадиган, Конвенциянинг бажарилишини назорат қиладиган, Конвенцияни ратификация қилган ёки унга қўшилган давлатларга ўз мажбуриятларини бажаришда ёрдам берадиган бола ҳуқуқлари бўйича Комитет билан ҳамкорлик қилади. ЮНИСЕФ ўз фаолиятида 1990 йил сентябрида Нью-Йоркда болалар манфаати йўлида ўтказилган олий даражадаги Умумжаҳон

учрашувида қабул қилинган 90-йилларда болаларнинг яшаши, муҳофазаси ва ривожланишини таъминлаш тўғрисидаги Умумжаҳон Декларациясини амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режасига асосланади.

### *Ижтимоий ҳамкорлик бўйича халқаро марказлар*

Марказлар Иккинчи жаҳон урушидан кейин БМТ ташаббуси билан инсоннинг ижтимоий ҳуқуқлари ҳолатини мувофиқлаштириш, ўзаро ҳамкорлик дастурлари ва болалар, ёшлар, ногиронлар, оилалар сингари гуруҳларга нисбатан ижтимоий ёрдам лойиҳаларини тайёрлаш мақсадида вужудга келди. Ижтимоий фаровонлик бўйича сиёсат ва тадқиқотлар Европа Маркази 1974 йилда ижтимоий ривожланиш ва мутахассислар тайёрлаш масалалари бўйича халқаро ва ноҳукумат тадқиқот органи сифатида ташкил топди.

Марказ болалик ижтимоий феномен сифатида; бўлғуси ижтимоий сиёсат оқибатлари; ижтимоий сектордаги ўзгаришлар; қарияларга ёрдам кўрсатиш сиёсатидаги инновациялар; хусусийлаштиришнинг муқобили бўлган ижтимоий таъминот хизматлари тизимидаги ширкатлар сингари ижтимоий ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

### *Ижтимоий хизматчиларнинг Халқаро Федерацияси (ИХХФ- IFSW)*

Бу ташкилотнинг салафи 1928 йилда еттига миллий Уюшмалар ташаббуси билан ташкил этилган халқаро мувофиқлаштирувчи орган – ижтимоий хизматчиларнинг Доимий котибияти бўлиб, 1956 йилда у энг қудратли ноҳукумат ташкилотларидан бирига айланди. Ҳозирги кунда ИХХТ 70 миллий уюшмани, 400 минг аъзони бирлаштиради. Федерациянинг асосий ҳужжатлари Низом, ижтимоий хизматчи касбидагилар этикасининг Халқаро Кодекси ва Ижтимоий соҳада ахлоқий тамойиллар Декларацияси ҳисобланади. ИХХТ концепциясига кўра “Ижтимоий иш гуманистик

идеалларга таянади ва у инсон эҳтиёжларини қондиришга, шахс ижодий салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган”.

Қуйидагилар энг муҳим мақсадлар сифатида эълон қилинган: ижтимоий ишни касб сифатида такомиллаштириш; ижтимоий режалаштириш, ижтимоий сиёсатни шакллантириш масалаларида миллий уюшмаларни қўллаб-қувватлаш; бутун дунё ижтимоий хизматчиларининг тажриба алмашиши, ўзаро мулоқотларини кенгайтириш; ижтимоий хизматчи этикаси Кодексига риоя қилиш ва уни такомиллаштириш.

Касбий уюшма: ахборотни ва аъзолар таркибига қаратилган циркуляр мактубларни ташкилот бюллетени орқали таркатади; касб муаммоларини муҳокама қилади; аъзолари орасида маблағлар тўплайди; талабалар ва энди иш бошлаётган вакилларни ишга жойлашиш ва малака ошириш имкониятлари тўғрисида хабардор қилади.

---

## **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Ижтимоий соҳадаги қайси халқаро ташкилотларни биласиз?  
Ижтимоий соҳадаги ташкилотлардан бири тўғрисида ахборот тайёрланг.

---

## **Вазият**

*Болаларни гиёҳванд моддалар истеъмол қилишдан қандай қилиб сақлаш мумкин? Гиёҳвандлик ва алкоголизмнинг олдини олиш бўйича сизнинг минтақангиз, шаҳрингиз, туманингизда қандай дастурлар амал қилмоқда? Сизнинг ҳудудингизда қанча гиёҳванд болалар рўйхатдан ўтказилган? Гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқараётган, тарқатаётган ва истеъмол қилаётган одамларга нисбатан қандай жиноий жазо чоралари кўриши мумкин? “Гиёҳвандликка йўл йўқ” мавзусидаги расмлар ва плакатларга*

*танлов эълон қилинг. Улардан кўчма кўрғазма ташкил қилинг, ҳудудингиздаги таълим ва тиббиёт муассасаларида унинг тақдимотини ўтказинг.*

Гиёҳвандликдан соғайиш амалда мумкин эмас. Бу ОИТСдан даволанишга ўхшайди. Ҳозирча врачлар фақатгина узоқ муддатли ремиссияга – бутун ҳаёт бўйи давом этиши мумкин бўлган ўзини тутишга эришишди. ЖССТ (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти) “соғайганлар” тўғрисида қуйидаги ўртача рақамларни келтиради: гиёҳвандлар орасида бир йилгача давом этган ремиссия 5-7 %. XX аср сўнггида гиёҳвандларнинг ўртача ёши 14 ёшни ташкил қилди, героин истеъмол қиладиган гиёҳвандлар орасида 11 ёшлилар, токсикоманлар орасида эса, 5-6 ёшлилар ҳам учрайди. Гиёҳвандлар В ва С гепатити ва ОИТС вирусининг асосий ташувчилари ҳисобланади. Олимларнинг прогнозларига кўра, 2005 йилга келиб, томирга инъекция оладиган гиёҳвандларнинг 90 %и ўзига ОИТС вируси юқтиради.

---

## **Амалий топшириқ**

### *Мижоз шахсияти тавсифномасини тузиш*

Кўпгина тадқиқотлар кўрсатишича, ижтимоий педагоглар ва ижтимоий хизматчиларнинг психологик-педагогик билимларни такомиллаштиришни ҳоҳламаслиги улар томонидан миждозни “оддий турмуш” психологияси даражасида тушунишга олиб келади. Одатда, мутахассислар миждоз шахсияти тимсолини унинг тозаллиги, ташқи жозибаси асосида тузишади. Шунинг учун улар томонидан тузилган тавсифномалар чала, психологик жиҳатдан эса етарли даражадаги саводхонликка эга эмас. Бундай мутахассислар миждоз ҳаётидаги алоҳида сифат ва фактларни уларнинг шахсиятидан алоҳида ҳолда идрок этишади, уларнинг алоҳида ҳатти-ҳаракатларидаги ният ва мақсадларни аниқлашади, шахснинг барқарор етакчи ниятларини эса тушунишмайди. Миждозларга шахсиятсиз ёндашув,

уларнинг талабларига, манфаатларига етарли эътибор бермаслик ўзаро тушунмаслик, ишончсизлик конфронтацияга олиб келади.

Саводли тузилган тавсифнома – мижознинг яширин заҳираларига кириб бориш, унинг характери ва қобиятларидаги кучли жиҳатларга таяниш ва шу туфайли максимал даражадаги педагогик самарага эришиш.

Мазкур услубият ижтимоий хизматчи томонидан асосий психологик-педагогик ва ижтимоий-педагогик билимлар ва кўникмаларни эгаллаш даражасини аниқлашдан ташқари касбий маҳоратни эгаллашда кўмаклашадиган асосий сифатларнинг ривожланиш даражаси тўғрисида дастлабки хулоса қилишга ҳам имкон беради:

- одамлар билан ишлашга барқарор қизиқиш ва майл;
- кузатувчанлик ва сабр-тоқат;
- таҳлил қилиш, тизимлаштириш ва умумлаштириш қобилияти;
- ижодий тасаввур;
- педагогик такт.

**Йўриқнома:** ҳар бир ўқувчи олдиндан келишилган муддатда кучли, ўртача ва заиф билимлар ва кўникмалар даражасига эга гуруҳлардаги биттадан ўқувчига индивидуал тавсифнома тақдим қилади. Тавсифноманинг тузилиши, мазмуни, шакли, ҳажми ва бошқа параметрлари ҳар бир ўқувчи томонидан мустақил белгиланади. Тавсифноманинг тақдим қилинаётган тахминий режаси тавсия хусусиятига эга. Мазкур тавсифномалар ҳақидаги хулоса (зарур бўлган тақдирда) бола, унинг ота-оналари ва педагоглари билан суҳбат ўтказилгандан кейин ўқитувчи ёки психолог томонидан чиқарилади.

### **Ўқувчининг индивидуал тавсифномаси режаси**

№ т/р	Бўлим	Бўлим мазмуни
		ФИО, туғилган йили, мактаб ва синф рақами,

1.	Умумий маълумотлар	жамоанинг номланиши...
2.	Саломатлик ва жисмоний ривожланиш даражаси	Соғлом, жисмонан ривожланган, тез-тез касал бўлганми ва касаллиги қандай ўтади, фаолиятнинг алоҳида турларига нисбатан қарши кўрсатма борми
3.	Оила тавсифи	Таркиби, ҳар бир оила аъзосининг ижтимоий аҳволи, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, танланган касбга ота-оналарнинг муносабати, ота-оналарнинг жамоа фаолиятидаги иштироки
4.	Шахснинг педагогик-касбий йўналтирилганлиги	Касб танлаш мотивлари, педагогик ва ташкилотчилик қобилиятлари, ижтимоий-педагогик ва бошқа фаолиятлардаги иштироки
5.	Ўқув фаолияти	Ўқув машғулотларига муносабати, қизиқишлари, қобилиятлари; кўпроқ оладиган баҳолари, қайси фанларни яхшироқ ўзлаштиради, қайсиларини ёмонроқ; ўқув материални оқилона ўзлаштира ва мулоқот қила билладими, ҳ.к.; ўқув фаолияти давомида, педагоглар ва муассаса маъмурияти томонидан берилган баҳоларга кўра шахснинг бошқа хусусиятлари
6.	Меҳнат фаолияти	Меҳнат фаолиятининг қайси турларини афзал кўради, меҳнатга муносабати, меҳнат жараёнида шахснинг қайси сифатлари намоён бўлади
7.	Жамоатчилик иши	Муассасада қандай жамоат ишини бажарган, муассаса жамоат ташкилоти раҳбари ўқувчининг топшириқларга муносабатига берган баҳоси; жамоат ишида намоён бўладиган шахснинг қизиқишлари-ю қобилиятлари ва бошқа хусусиятлари; ижтимоий-педагогик ва социал-педагогик фаолияти: оталиқ иши, ўқитувчига, синф мураббийсига ва бошқаларга ёрдами, уларга муносабати ва намоён бўладиган шахсий сифатлари
8.	Мактабда ва унинг ташқарисидаги синфдан ташқари машғулотлар ва фаолият турлари	Машғулотлар характери, бу ишга қанчалик эътибор беради. Унга муносабати. ўқишдан ташқари фаолиятда намоён бўладиган қизиқишлари. қобилиятлари
9.	Шахс йўналтирилганлигининг умумий тавсифи ва махсус қобилияти	Эҳтиёжлар, ўзига, одамларга, жамоага, жамиятга муносабати; эътиқодлари; мусиқага, расм чизиш ва бошқаларга қобилияти

10.	Аклий фаолияти хусусиятлари	Фикр юритиш ва ҳаракатларидаги мустақиллик, топқирлик; мулоқотга лаёқати, диққатни ўзгартиришдаги хусусиятлари, унинг барқарорлиги, ўзгарувчанлиги; хотира хусусиятлари
11.	Нутқ фаолиятидаги ўзига хосликлар	Оғзаки ва ёзма нутқ кўникмалари, ифодалилик, жозибадорлик
12.	Ирода сифатлари	Мақсадга йўналтирилганлик, тиришқоқлик, чидам, ўзини тутиш ва бошқалар
13.	Ҳис-туйғуларнинг намоён бўлиши	Ҳиссий кўзғалувчанлик, туйғуларнинг барқарорлиги, кўпроқ намоён бўладиган кайфияти
14.	Темперамент ва характер хусусиятлари	Ҳаракатчанлик, мулоқотмандлик, меҳнатсеварлик, хушфёъллик, камтарлик, хушмуомалалик ва бошқалар
15.	Жамоадаги мавқеи	Ўртоқлари билан ўзаро муносабатлари, уларнинг барқарорлиги, жамоадаги обрўси ва бошқалар.
16.	Ўқувчининг бундан кейинги шахсий ва касбий ўсиши бўйича педагог тавсиялари	Фаолиятнинг турли кўринишларига қизиқишлари, майллари, интилишлари, қобилиятлари тўғрисида гувоҳлик берадиган хусусиятлари

## **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

### ***“Ижтимоий иш муаммолари бўйича Умумжаҳон конференцияси” машқи***

(3-мажлис)

Хизмат ўйини мана шу машғулот билан яқунланади. Экспертлар комиссияси “Ижтимоий иш тамойиллари Декларацияси”нинг охириги вариантини тақдим қилади. Муҳокамадан сўнг мазкур хужжат “конференция”да қабул қилинади. Олиб борувчи (ўқитувчи) “конференция катнашчилари”га ижтимоий хизматчилар ва ижтимоий педагогларнинг халқаро уюшмасини тузиш тўғрисида таклиф киритади. “Делегациялар”га 10-15 дақиқа давомида ана шу уюшманинг ташкилий тузилмасини ижтимоий соҳада реал мавжуд бўлган халқаро ташкилотлар тузилмалари тўғрисида олган билимлари асосида ишлаб чиқиш ва таклиф қилиш топширилади. Ташкил қилинган ҳар бир тузилма ватман варағида схема тарзида

тасвирланади ва муҳокама қилинади. Улардан биттаси танлаб олинади ва янги уюшманинг раҳбар органлари сайлови бўлиб ўтади (бунинг учун махсус социометрик усуллардан фойдаланиш мумкин). Олиб борувчи “қатнашчилар”ни “конференция” яқунлангани билан табриклайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Антология социальной работы: В 5 т. / Сост. М.В. Фирсов.— М: Сварогъ НПФ СПТ, 1994.

*Арнольдov А.И., Бочарова В.Г., Вульфov Б-З. и др.* Социальная педагогика: вопросы теории и практики: Методические материалы.— М: Изд-во Центра социальной педагогики РАО и АСОПиР РФ, 1994.

*Бадя А.В.* Прогрессивные идеи социальной педагогики и социальной работы в России: история и современность.— М.: Изд-во АСОПиР, 1995.

*Битинас Б.П.* Краткий словарь терминов по социальной работе (США) / Социальная педагогика и социальная работа за рубежом.— Вып.1.— М, 1991.

*Бочарова В.Г.* Педагогика социальной работы.— М.: SvR-Аргус, 1994.

*Григорьев С.И., Гусякова Л.Г., Ельчанинов В.А. и др.* Теория и методология социальной работы,— М.: Наука, 1994.

*Куличенко Р.М.* Социальная работа и подготовка социальных работников в современной России.— Тамбов: Изд-во ТГУ, 1997.

Обучение практике социальной работы: Международный опыт и перспективы / Под ред. М. Дозла и С. Шадлоу.— М.: Аспект Пресс, 1997.

Обучение социальной работе: Преемственность и инновации / Под ред. Ш. Рамон, Р. Сарри; пер. с англ. под ред. Ю.Б. Шапиро.— М.: Аспект Пресс, 1996.



Обучение социальной работе: состояние и перспективы. Материалы Международных конгрессов Школ социальной работы,— М.: АСОПиР, 1997.

Обучение социальной работе в России, Программы и технологии. Ч.1. Социальная работа: наука и профессия.— М.: АСОПиР, 1997.

Обучение социальной работе в России. Программы и технологии. Ч.2. Педагогика социальной работы.— М.: АСОПиР, 1997.

Права человека и работа в социальной сфере: Пособие для училищ по подготовке социальных работников и для работников социальной сферы.— Женева: Изд-во Центра по правам человека ООН, 1995.

*Рамзей Р.* Социальная работа: наука-профессия. К развитию концепции. / Социальная педагогика и социальная работа за рубежом,— Социальная работа,— Вып.6.— М., 1991.

Социальная педагогика: Теория, методика, опыт исследования.— Свердловск: Изд-во Уральск, ун-та, 1989.

Социальная работа: журнал АСОПиР и РАО. № 1 — 8.— 1992-1998.

Справочное пособие по социальной работе / Под ред. А.М. Панова, Е.И. Холостовой.— М.: Юристъ, 1997.

Теория и методика социальной работы: в 2 ч. / Под ред. И. Г. Зайнышева.— М.: МГСУ, 1994.

Теория и методика социальной работы: Краткий курс / Под ред. В.И. Жукова — М.: Союз, 1994.

Теория и методика социальной работы / Под ред. П.Д. Павленка,— М.: ГАСБУ, 1993, 1995. Вып.1 — 2.

Теория и практика социальной работы: отечественный и зарубежный опыт: В 2 т. / Под ред. Ярковой Т.Ф., Бочаровой В.Г.— М.— Тула: Изд-во Ассоциации социальных педагогов и социальных работников РФ, 1993.

Энциклопедия социальной работы: В 3 т./ Пер. с англ.— М.: Центр общечеловеческих ценностей, 1993.— 1994.

*Юнссон Н.* Из опыта подготовки социальных работников в Гетеборгском университете / Социальная работа.— Вып.1 — М.,1992.

## **29-МАШҒУЛОТ**

### **ЁШЛАР, ҚАРИЯЛАР, НОГИРОНЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ВА ОИЛАНИ МУСТАҲҚАМЛАШ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК**

---

“Ўтмишда табиати энг сахий мамлакатлар энг бой мамлакатлар эди; ҳозирги кунда энг бой мамлакатлар одамлари энг фаол бўлган ўлкалардир”.

Г. Бокл

Ёшларнинг ижтимоий ҳуқуқлари ва муаммолари, уларнинг жамиятга бирикиш имкониятлари бутун жаҳон ҳамжамиятини қизиқтириб келади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасида ҳозирги жамиятда ёшлар мавқеининг ўзига хослиги эътироф этилган, давлат ва жамоат ташкилотларининг ёшлар манфаатларини ижтимоий ҳимоя қилишдаги асосий йўналишлари аниқланган, унинг ҳуқуқлари ишлаб чиқилган ва имкониятлари баҳоланган.

Ёшларнинг асосий ҳуқуқларини, унинг ижтимоий ҳуқуқлари институтининг ривожига давлат ва жамоат ташкилотлари ролини аниқлаштириш 1985 йилда БМТ ташаббуси билан Халқаро ёшлар йилини ўтказишда амалга оширилган. Шу муносабат билан қабул қилинган ҳужжат “ёшларга нисбатан кейинги режалаштириш ва амалга ошириладиган ҳаракатларнинг асосий тамойиллари” дастури бўлиб, у қуйидаги тавсияларни қамраб олади:

ёшларга мўлжалланган инновацион сиёсат ва дастурларни миллий тараққиёт режасининг таркибий қисми сифатида, айниқса кадрлар тайёрлаш ва таълим соҳасида, уй-жой қурилиши ва атроф-муҳит, ижтимоий хизматлар ва соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширишга кўмаклашиш, ривожлантириш ва инновацион сиёсатни рўёбга чиқариш;

ёшлар дастурлари ва сиёсатини амалга ошириш учун адекват молиявий ва моддий заҳираларни сафарбар қилиш;

ёшларнинг ижтимоий жиҳатдан заиф гуруҳлари: мигрантлар, ишсизлар, ногиронларга алоҳида эътибор қаратиш.

БМТ ва ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорликда қуйидаги тадбирларни амалга ошириш тавсия қилинган:

тараққиёт жараёнининг фаол иштирокчилари бўлган, унга ўз ҳиссасини қўшаётган ва унинг медаларидан фойдаланаётган ёшларни ижтимоий ҳаётга жалб қилиш, улар турмуш сифатини яхшилашга йўналтирилган давлат сиёсатини ишлаб чиқишни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

ер, кредит, касбий тайёрлаш ва малакасини ошириш хизматлари, шунингдек, бозорлар сингари унумдор меҳнат учун зарур бўлган воситаларга ёшларнинг самарали эришиши учун кўмаклашиш; даромад келтирадиган фаолият дастурларининг янги тизимини яратишга ёрдам бериш, бунда мустақил фаолият, шу жумладан, кўнгиллилар ташкилотлари ва ширкатларига алоҳида эътибор қаратиш;

Ўқув режалари ва таълим тизимлари ҳозирги иқтисодий тамойиллар ва маданий воқеликларни ақс эттиришини таъминлаш, бунда БМТ Бош Ассамблеясининг тегишли резолюциялари асосида инсон ҳуқуқлари масаласига кўпроқ эътибор бериш;

оиланинг таълим, тарбия ва ёшларни ижтимоий ҳаётга жалб қилиш ролини муваффақиятли бажаришида ёрдам кўрсатишнинг самарали тадбирларини қабул қилиш; ёшлар орасида гиёҳвандликка, алкоголизмга ва ОИТСга қарши кураш ҳаракатларини фаоллаштириш, шунингдек, ОИТС юқтирган шахсларни профилактика ва реабилитация қилиш хизматларини яратиш ва мустаҳкамлаш.

Кейинги йилларда жаҳон ҳамжамияти олдида кўндаланг бўлган жиддий ижтимоий муаммо аҳолининг кексайиши муаммосидир. БМТ прогнозларига кўра, 2000 йилда жаҳонда 60 ёшдан ошган одамлар сони 610 млн кишини, 2025 йилга бориб эса бир миллиарддан ортиқ кишини ташкил қилади, бу эса сайёрамиз аҳолисининг тахминан 15% ига баробар.

Шу муносабат билан БМТга аъзо давлатлар 1982 йилда Вена шаҳрида ўтказилган кексайиш муаммоларига бағишланган Умумжаҳон ассамблеясида Халқаро тадбирлар режаси қабул қилиндики, унинг мақсади “кекса одамларнинг ишлаб чиқариш ва тараққиёт жараёнидаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг жамият иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётига фаол интеграциялашувига кўмаклашиш; кекса одамлар муаммоларининг муҳим гуманитар хусусиятларини тушунишни чуқурлаштириш; кексаларнинг ижтимоий кафолатларини таъминлашга йўналтирилган дастур ва тадбирларни ривожлантириш ва рағбатлантириш; ижтимоий таъминот органлари ва кексалар учун мўлжалланган махсус тиббий муассасаларда ишлайдиган хизматчиларни касбий тайёрлаш бўйича дастурларни рағбатлантириш ва ривожлантириш” қилиб белгиланди.

БМТ йўли билан 1990 йилда БМТ ижтимоий тараққиёт Комиссиясининг кексайиш муаммолари ва улар билан боғлиқ тадбирларни

амалга ошириш бўйича халқаро ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди. Унда, жумладан, барча ҳукуматларга кексайиш соҳасидаги 2001 йилга мўлжалланган аниқ миллий мақсадларни белгилаш тавсия қилинган. Резолюциянинг Иловасида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг кекса одамларга нисбатан тамойиллари мавжуд бўлиб, улар қарилик ёшидаги одамларнинг ҳаётини тўлақонли қилиш заруратидан келиб чиқади, чунки улар орасида (ва бу бутун дунё учун хос) яхши соғлиққа эга бўлган шахслар сони муттасил ўсиб бормоқда. Ўтказилаётган илмий тадқиқотлар ёш ўтиши билан саломатликнинг ёмонлашувини қайтариб бўлмаслиги тўғрисида авваллари мавжуд бўлган назарияларни тасдиқламапти.

Кейинги 15 йил давомида қабул қилинган Халқаро меҳнат ташкилоти, Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва БМТнинг бошқа муассасалари қабул қилган конвенциялар, тавсиялар ва резолюцияларда Бош Ассамблея барча ҳукуматларни ўзларининг миллий дастурларига кекса одамлар қуйидаги имкониятларга эга бўлишлари лозимлигини ифодаловчи БМТ Тамойилларини киритишга чақирди:

тегишли озиқ-овқат, ичимлик сув, турар жой, кийим-кечак ва тиббий хизматга уларнинг оила, жамоат ва ўзаро ёрдам томонидан таъминланадиган даромадлар ёрдамида эришишини таъминлаш;

ишлаш ёки фаолиятнинг даромад келтирадиган бошқа турлари билан шуғулланиш; меҳнат фаолияти тўхтатиладиган муддатларни ва усулларни белгилашда иштирок этиш;

таълим ва касбий тайёргарликнинг тегишли дастурларида иштирок этиш;

хавфсиз ва шахсий майлларни ҳисобга олган ҳолда мослаштириш мумкин бўлган шароитда яшаш;

имконият борича уйда яшаш;

жамият ҳаётига жалб этилиш, ўзларининг турмуш даражасига бевосита алоқадор бўлган сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда фаол

иштирок этиш, ўзларининг билимлари ва тажрибаларини ёш авлод вакиллари билан ўртоқлашиш;

жамоатга хизмат қилиш, ўзларининг манфаатлари ва имкониятларига мос келадиган ишни қўнгиллилик асосида бажариш;

кекса одамлар ҳаракатлари ёки уюшмаларини тузиш;

мазкур жамият маънавий қадриятлари тизимига мос равишда оила ва жамоат томонидан қаров ва ҳимояни таъминлаш;

ўзларининг жисмоний, руҳий ва ҳиссий ҳолатларининг оптимал даражасини ушлаб турадиган ёки тиклайдиган тиббий хизматнинг очиклиги, хасталикнинг бошланишини тўхтатиш ёки олдини олиш;

уларнинг мустақиллигини ошириш, муҳофазасини кучайтириш ва қаровни яхшилаш мақсадида ижтимоий ва ҳуқуқий хизматларни таъминлаш;

ҳар қандай муассасада бўлар экан, бошпана, қаров ва даволашни, шу жумладан, уларнинг шаъни, эътиқодлари, шахсий ҳаёти ва эҳтиёжларини, шунингдек, уларга қаров ва уларнинг турмуш сифати тўғрисида қарор қабул қилишда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларидан фойдаланишлари;

таълим, маданият, маънавий ҳаёт ва ҳордиққа эришишлари;

шахсига муносиб ва хавфсиз турмуш тарзи кечериш ҳамда жисмоний ёки руҳий зўрликка, эксплуатацияга йўл қўймаслик;

ёши, жинси, ирқий ва этник мансублигидан, ногиронлиги ва бошқа мавқеидан қатъий назар, адолатли муносабатда бўлиш ва иқтисодий ҳиссалари даражасига қарамасдан қадрланишлари лозим.

Мана шу қоидалардан келиб чиқиб, 1990 йилда БМТ Бош Ассамблеяси Халқаро 1 октябрни қариялар куни деб эълон қилди. Биринчи марта бу сана 1991 йилда нишонланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига биноан, 1999 йил Халқаро қариялар йили деб эълон қилинди. Бу қарорлари билан БМТ кекса одамларнинг амалдаги ва салоҳиятдаги ҳиссаларини эътироф этди, шунингдек, янги демографик ҳодиса бўлган аҳолининг кексайиши ва “кексайиш даври”га эътибор қаратди.

Ҳозирги кунда дунёда 500 000 000 дан ортиқ ногиронлар бор. Уларнинг муаммолари билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1950 йилда шуғуллана бошлади, - ўшанда БМТнинг Иқтисодий-Ижтимоий Кенгаши (ЭКОСОС) “Жисмоний камчилиги борларни ижтимоий реадaptация қилиш” резолюциясини қабул қилди, унда ногиронларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммоси биринчи марта глобал вазифа сифатида олға сурилди. 1965 йилда ЭКОСОС “Ногиронларнинг меҳнат лаёқатини тиклаш”, 1971 йилда эса ақлий қолоқ шахсларнинг ҳуқуқлари Декларациясини қабул қилди, бу ҳужжатларда уларнинг тегишли тиббий хизмат ва даволанишга, таълим, ўқиш, меҳнат лаёқатини тиклаш ва ҳомийликка бўлган ҳуқуқлари кўрсатиб ўтилди.

1975 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг XXX сессиясида ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Декларация тасдиқланди. Унинг асосий қоидалари.

“Ногирон” ибораси мустақил равишда ўзининг меъерий шахсий ва ижтимоий ҳаётга бўлган эҳтиёжларини тўлалигича ёки қисман жисмоний ва ақлий қобилиятларидаги (туғма ёки туғма бўлмаган) камчиликлар туфайли таъминлай олмайдиган ҳар қандай шахсни англатади.

Ногиронлар фойдаланадиган ҳуқуқлар ҳеч қандай истисноларсиз ирқий белгиси, терисининг рангги, жинси, тили, эътиқоди, сиёсий ёки бошқа карашлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, туғилиши ёки бошқа ҳар қандай омил, ногиронлик фақат унинг ўзига ёки оиласига оидлигидан қатъий назар, фарқлаш ва дискриминацияларсиз барча ногиронларга тааллуқли деб эътироф этилиши лозим.

Ногиронлар тиббий, руҳий ёки функционал даволанишга, шу жумладан, протез ва ортопедик жиҳозларга, соғлиги ва жамиятдаги мавқеини тиклашга, таълимга, касбий тайёргарликка, меҳнат лаёқатини тиклашга, ёрдамга, маслаҳатларга, меҳнатга жойлашиш бўйича хизматларга ва улар ўзларининг имкониятлари ва лаёқатларини максимал даражада намоён

қилиш ва ижтимоий интеграция ва реинтеграция жараёнларини тезлатишга кўмаклашадиган барча хизмат турларини олиш ҳуқуқига эга.

Ногиронлар ўз оилалари шароитида ёки уларнинг ўрнини босадиган шароитда яшаш, ижод қилиш ёки ҳордиқ чиқариш билан боғлиқ бўлган ижтимоий фаолиятнинг барча турларида иштирок этиш ҳуқуқига эга. Ногироннинг махсус муассасада туриш зарурати бўлса, у ердаги муҳит ва ҳаёт шароитлари унинг ёшидаги шахслар меъёрий ҳаёти шароитларига имкон борича кўпроқ мос келиши лозим.

Ногиронлар ўз шахси ва мулкини ҳимоя қилиш учун малакали ҳуқуқий ёрдам олиш имконига эга бўлишлари лозим.

1982 йилда ногиронликнинг олдини олиш мақсадларидаги тадбирларга самарали кўмаклашадиган, ногиронларнинг меҳнат лаёқатини тиклашга ва ижтимоий ҳаёт ва тараққиётда адолат ва тенг иштирок этиш тамойилини амалга оширишга йўналтирилган ногиронларга нисбатан Умумжаҳон дастурини қабул қилди.

Ногиронликнинг олдини олиш жисмоний, ақлий ва сенсор камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини мутлақо йўқ қилишга ёки камчиликнинг барқарор функционал чекловга ўтиши олдини олишга йўналтирилган тадбирларни англатади.

Адолат тамойилининг ёки тенг имкониятлар тамойилининг амалга оширилиши жисмоний ва маданий муҳит, турмуш шароити ва нақлиёт, ижтимоий хизматлар ва соғлиқни сақлаш хизматлари, таълим, иш, маданий ва ижтимоий ҳаётга, шу жумладан, спорт ва ҳордиқ олиш шароитларини олишни яратишга кўмаклашадиган жамиятнинг умумий тизимлари барча учун баравар очиқ қилинадиган жараённи англатади.

Умумжаҳон ҳаракатлар дастурида ногиронларнинг барча даражадаги қарорларни қабул қилишда иштирок этиш, ўзларининг манфаатларини ифода этадиган ташкилотлар тузиш имкониятлари бўлиши лозимлиги таъкидланади.



XX аср сўнггида яна бир глобал ижтимоий муаммо – оиланинг емирилиши ва трансформацияси муаммоси вужудга келди. Бу муаммони тадқиқ қилиш, ҳозирги жамиятда оила ҳуқуқлари масалаларида халқаро ижтимоий ҳамкорликни йўлга қўйиш ташаббускори бўлиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти майдонга чиқди.

БМТ ҳужжатларида оиланинг роли жуда юқори баҳоланади. Оила жамиятнинг асосий хужайраси бўлар экан, одамни ҳиссий, молиявий ва моддий қўллаб-қувватлаш учун табиий муҳитни таъминлайди, маданий қадриятларни сақлаш ва узатиш муҳити тарбиянинг асосий муҳити ҳисобланади.

Ҳозирги оилалар олдида турган муаммолар қуйидагилар: қашшоқлик, ишсизлик, миграция, маиший турмушдаги зўрлашлар, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилиш, ОИТС хасталиги, турмуш даражасининг пастлиги, жинслар тенгсизлиги натижасида аёллар ва қизларга нисбатан дискриминация, этник озчиликка мансуб бўлган оилалар аъзоларига нисбатан дискриминация ва бошқалар.

БМТ ҳукуматларга қуйидагиларни тавсия қилади: биринчидан, миллий сиёсатни шакллантиришда оила муаммомоларини ҳисобга олиш; иккинчидан, оилаларга сиёсатнинг тегишли соҳалари бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш имконини бериш; учинчидан, оила масалалари бўйича халқаро ҳамкорлик ва фикр алмашишни ҳар томонлама ривожлантириш; тўртинчидан, оилага йўналтирилган ва қуйидаги масалаларни қамраб оладиган дастурлар ишлаб чиқиш: инсон ҳуқуқлари, соғлиқни сақлаш, таълим, уй-жой қурилиши, қишлоқларни ривожлантириш, озиқ-овқат билан таъминлаш; ишчи кучи, жинслар тенглиги, болалар, ёшлар, қариялар, ногиронлар, жинойатчиликнинг олдини олиш ва бошқаларни қамраб оладиган масалалар; бешинчидан, бошқа мамлакатлардаги болаларни фарзандликка олишнинг халқаро масалаларини ҳал қилишга қаратилган мурватларни ишлаб чиқиш, никоҳ ва ажралишларни, мигрантларнинг ўз

оилалари билан бирикиши, қочқинларнинг ёки қуролли низолар натижасида чегаранинг икки томонида бўлиб қолганларнинг ҳолатини эътироф этиш ҳақидаги халқаро битимни ишлаб чиқиш.

Тавсияларда, шунингдек, оилаларга тааллуқли барча тадбирларда ноҳукумат ташкилотлар ва оилаларнинг ўзини фаол жалб этиш; ҳар йилнинг 15 майини Халқаро оила куни деб эълон қилиш таклиф этилди.

---

## **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Ёшларнинг асосий муаммоларини санаб ўтинг. Нима учун аҳолининг айнан мана шу гуруҳига халқаро ташкилотлар алоҳида эътибор беришади?

Россия ёшларининг қайси муаммоларини сиз энг долзарб, деб ҳисоблайсиз? Уларни ҳал қилишнинг қандай йўлларини таклиф қила оласиз?

Қариялар ва ногиронларнинг асосий муаммоларини санаб ўтинг. Уларга халқаро ташкилотларнинг эътибори нима сабабдан қаратилмоқда? Бу муаммолар Россияда қандай ҳал қилинмоқда?

Нима учун оилани мустаҳкамлаш муаммоси халқаро ташкилотлар эътиборининг объекти бўлиб қолди?

БМТ нинг оила муаммоларига тааллуқли тавсияларини амалда қандай қилиб рўёбга чиқариш мумкин?

---

## **Вазиятлар**

*Мамлакатда бола туғилиши кескин пасайиши шароитида оналарнинг бола кўриш истаги ҳурматга лойиқ ва у давлат томонидан турли йўллар билан тақдирланиши лозим. Бироқ, афсуски, янги туғилган чақалоқлар баъзан болаларни ёки болаларнинг тана аъзоларини олди-сотди қиладиган, қаллоблик билан шугулланадиган жиноий элементлар учун луқмага айланиб қолмоқда. Туғруқхоналарнинг санитария ҳолати ҳам кишиларни маънос фикрларга чулғайди. Бола туғилишини кутаётган оилаларни қўллаб-қувватлаида ижтимоий хизматчининг роли нимадан иборат? Мутахассис тиббиёт муассасаси фаолиятини назорат қилишга ҳақлими? Туғилиши муаммоларига жамоатчилик эътиборини қандай қилиб тортиши мумкин? Сиз боланинг туғилиши жараёнини видеотасвирга тушириши, туғилиши жараёнида эрнинг ҳозир бўлиши сингари янгиликларга қандай қарайсиз?*

Бу ходиса Украинанинг Черновци областидаги туман туғруқхоналаридан бирида юз берди. Туғруқ бўлими мудирини туғиш оғир кечгани сабабли она узоқ вақт хушсиз ётганидан фойдаланиб, янги туғилган кизчани фарзандсиз аёлга 20 долларга сотиб юборди. Кўзи ёрган аёл ўзига келганда унга бола ўлди, деб айтишди ва буни сохта ҳужжатлар билан тасдиқлашди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари чақалоқни сотиб олган аёлнинг хонадонидан тантаналар авжига минган пайтда – чақалоқнинг чўқинтирилишини нишонлашаётган пайтда уни олиб кетишди.

Ўзининг туғиш жараёни тўғрисидаги видеофильмларни ёш оналар Люберецк шаҳри туғруқхонасидан чиқишда ола бошлашди. Туғруқхона хизматчиларининг сўзларига кўра, энг муҳими, албатта оила ҳаётида энг қувончли бўлган ходисани абадийлаштириб қўйишдир. Бундан ташқари, “шажара” видеокассетаси яна битта меросхўр кўриш иштиёқи пайдо бўлган аёллар учун ўзига хос ўқув қўлланмаси вазифасини бажаради. Кўзи ёраётган аёл йўл қўйган хатолар телеэкранда кўзга яхши ташланади ва кейинги туғишда аёл уларни албатта четлаб ўтади.

## Амалий топширик

Болаларнинг шовкин-сурони, ҳамма нарсдан хабардор кампирларнинг шивир-шивири, нур ва қувончга тўлган кичик ҳудуд ўз аҳолисини бириктирар ва жипслаштирар эди. Ёшликда, ҳовлидаги кумхоналарда, ҳалинчақларда туғилган дўстлик энг мустаҳкам ҳисобланади ва бутун умр сақланиб қолади. Ҳамма вақтларда ҳам ҳовли шу атрофдаги уйларда яшаётган ўғил болалар ва қизлар учун ғурурланиш предмети бўлиб келган. Ҳовлилар ҳовлилар билан дўстлашар, бирга ўйнашар ва ҳовлилар ҳовлилар билан жанжаллашар эди. Ҳовлиларда ҳаёт мактаби алифбосини ўрганишар, биринчи учрашувни ҳам ҳовлиларда белгилашар эди. Ўз ҳовлиларини севишар ва у билан мағрурланар эдилар.

Ўша пайтлардаги ҳовлилардан ҳозирги кунда қолган нарсалар кишида ғамгин ва маюс фикрлар келтириб чиқаради. Ахлат тўпламлари, кўҳна скамейкалар, кўпгина гаражлар, қариялар ва болаларнинг қувончсиз юзлари. Усиз ҳам муаммолар кўп, бунинг устига кадрдон ҳовлинг кўзингни қувонтирмайди. Ҳамма нарса жуда хира ва аянчли.

1996 йилда “Уйингиз тинч бўлсин” минтақалараро жамоат ташкилотининг ташаббускорлари болалар ва спорт-ўйин майдончаларини ободонлаштириш ва қайта тиклаш бўйича “Кичик Москва” хайрия дастурини ишлаб чиқишди.

Энди Москвадаги кўпгина ҳовлиларда болаларнинг чиройли мини-шаҳарчалари қад ростлаб турибди. Замонавий экологик материаллардан тайёрланган бу мажмуалар болалар учун фақатгина жозибали ва хавфсиз бўлиб қолмай, жуда манзарали ҳамдир. Болалар мазза қилиб ва ҳеч чарчамасдан “тўсиқлар ҳудудига” бирин-кетин қайта ва қайта киришар экан, вақтни умуман унутишади. Рангсиз, ғамгин ҳовли қурилиш тугаллангандан

сўнг бетакрор қиёфа касб этди, унда ҳаракатлар, қувончлар, ўйинларнинг байрамона ёрқин “оролчаси” пайдо бўлди.

Барча ишлар шу ерда яшовчилар билан ҳамкорликда ва фақатгина ҳомийлар маблағлари эвазига амалга оширилди. Шуниси ҳам муҳимки, болалар майдончаларини қуриш бўйича хайрия тадбирлари олижаноб мақсадлар - ўсмирларнинг бандлиги, ташаббуснинг ривожланиши, ватанпарварлик туйғуларини тарбиялашга хизмат қилади. Ўзининг қўллари билан ободонлаштирилган ўзининг ҳовлисида ваҳшийлик қилиш кимнинг ҳам хаёлига келади дейсиз.

1997 йилда бу дастур Россиядаги бошқа минтақаларга ҳам “қадам ташлади”. Америкадаги Форд хайрия жамғармасининг дастлабки молиявий ёрдами туфайли лойиҳа “Россия ҳовличаси” номини олди. Ярославл областида ҳам иккита болалар майдончаси қуриб битказилди. Махачкалада лойиҳа ишлари олиб борилмоқда. Твер, Нижний Новгород, Томск, Омск, Брянск ва Россиянинг бошқа бир қатор минтақаларидан ҳам талабномалар тушди.

*Ўзингизнинг туманингизда “Россия ҳовличаси” лойиҳаси бўйича ташаббус гуруҳи тузинг. Турли даражадаги (туман, шаҳар, вилоят, республика) маъмуриятлар билан биргаликда ҳомийларни рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқинг. манфаатдор ташкилотлар ва муассасалар билан боғланинг, маҳаллий ОАВ да лойиҳа рекламасини эълон қилинг.*

---

## **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

### ***“Бир-бирларининг ролларидаги мунозара” машқи***

(иккинчи қисм)

Гуруҳ иккига бўлинади. Унинг биринчи ярми мунозара қатнашчиларининг ички доирасини, қолган ярми эса кузатувчиларнинг

ташқи доирасини ташкил этади. Мунозара қатнашчиларидан ҳар бири ички доирада ўтирган гуруҳ аъзоларидан бирининг номи битилган карточкалардан биттасини тортади. Бу машқда ҳеч ким ўзининг номи битилган карточкани олмаслигини назорат қилиши лозим, акс ҳолда ўйин самарадорлиги анча пасаяди.

Кузатувчилардан ҳар бири мунозара қатнашчиларидан бири кимнинг ролини ўйнаётганини аниқлаш учун кузатади.

Олиб боровчи ижтимоий иш соҳасидаги ҳар қандай масалага тааллуқли бўлган мунозара мавзусини эълон қилади: “Кекса одамлар ва ногиронларга ёрдамни қандай ташкил қилиш лозим?”, “Гиёҳванд моддалар савдосига рухсат бериш керакми ёки маън қилиш?”, “Одамлар ёрдамни рад этишса нима қилиш керак?” ва ҳ.к.

Мунозара 5-10 дақиқа давом этиши мумкин. У тугагандан сўнг сўз кузатувчиларга берилади. Улар ўзлари кузатган одамларнинг роллари тўғрисидаги тахминларини баён қиладилар. Ижрочининг ўзи бу фикрни тасдиқлаши ёки инкор қилишидан аввал гуруҳнинг бошқа аъзолари, шу жумладан, мунозара қатнашчилари, ўзларининг тахминларини олға сурадилар ва асослайдилар. Мунозара қатнашчилари ўзлари кимни тасвирлаганларини очиқ айтганларидан сўнг ролларни қай даражада муваффақиятли ва аниқ ўйналгани муҳокама этилади.

Шундан сўнг мунозара қатнашчилари кузатувчиларга айланишади, улар эса қўлга карточкаларни олиб бир-бирларининг ролида янги мунозарани бошлашади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Антология социальной работы: В 5 т. / Сост. М.В. Фирсов.— М: Сварогъ НПФ СПТ, 1994.

*Арнольдov А.И., Бочарова В.Г., Вульфoв Б-З. и др.* Социальная педагогика: вопросы теории и практики: Методические материалы.— М: Изд-во Центра социальной педагогики РАО и АСОПиР РФ, 1994.

*Бадя А.В.* Прогрессивные идеи социальной педагогики и социальной работы в России: история и современность.— М.: Изд-во АСОПиР, 1995.

*Битинас Б.П.* Краткий словарь терминов по социальной работе (США) / Социальная педагогика и социальная работа за рубежом.— Вып.1.— М, 1991.

*Бочарова В.Г.* Педагогика социальной работы.— М.: SvR-Аргус, 1994.

*Григорьев С.И., Гусякова Л.Г., Ельчанинов В.А. и др.* Теория и методология социальной работы,— М.: Наука, 1994.

*Куличенко Р.М.* Социальная работа и подготовка социальных работников в современной России.— Тамбов: Изд-во ТГУ, 1997.

Обучение практике социальной работы: Международный опыт и перспективы / Под ред. М. Дозла и С. Шадлоу.— М.: Аспект Пресс, 1997.

Обучение социальной работе: Преемственность и инновации / Под ред. Ш. Рамон, Р. Сарри; пер. с англ. под ред. Ю.Б. Шапиро.— М.: Аспект Пресс, 1996.

Обучение социальной работе: состояние и перспективы. Материалы Международных конгрессов Школ социальной работы,— М.: АСОПиР, 1997.

Обучение социальной работе в России, Программы и технологии. Ч.1. Социальная работа: наука и профессия.— М.: АСОПиР, 1997.

Обучение социальной работе в России. Программы и технологии. Ч.2. Педагогика социальной работы.— М.: АСОПиР, 1997.

Основы социальной работы: Учебник / Отв. ред. П.Д.Павленок.- М.: ИНФРА-М, 1997.

Права человека и работа в социальной сфере: Пособие для училищ по подготовке социальных работников и для работников социальной сферы.— Женева: Изд-во Центра по правам человека ООН, 1995.

*Рамзей Р.* Социальная работа: наука-профессия. К развитию концепции. / Социальная педагогика и социальная работа за рубежом,— Социальная работа,— Вып.6.— М., 1991.

Социальная педагогика: Теория, методика, опыт исследования.— Свердловск: Изд-во Уральск, ун-та, 1989.

Социальная работа: журнал АСОПиР и РАО. № 1 — 8.— 1992-1998.

Справочное пособие по социальной работе / Под ред. А.М. Панова, Е.И. Холостовой.— М.: Юристъ, 1997.

Теория и методика социальной работы: в 2 ч. / Под ред. И Г. Зайнышева.— М.: МГСУ, 1994.

Теория и методика социальной работы: Краткий курс / Под ред. В.И. Жукова — М.: Союз, 1994.

Теория и методика социальной работы / Под ред. П.Д. Павленка,— М.: ГАСБУ, 1993, 1995. Вып.1 — 2.

Теория и практика социальной работы: отечественный и зарубежный опыт: В 2 т. / Под ред. Ярковой Т.Ф., Бочаровой В.Г.— М.— Тула: Изд-во Ассоциации социальных педагогов и социальных работников РФ, 1993.

Энциклопедия социальной работы: В 3 т./ Пер. с англ.— М.: Центр общечеловеческих ценностей, 1993.— 1994.

*Юнссон Н.* Из опыта подготовки социальных работников в Гетеборгском университете / Социальная работа.— Вып.1 — М.,1992.



## **30-МАШҒУЛОТ**

### **ОИЛА – ИЖТИМОЙ ИШНИНГ БОШ ОБЪЕКТИ**

---

“Оила – жамиятнинг мўъжаз инъикоси, улкан кишилик жамиятининг хавфсизлиги унинг бутунлигига боғлиқ”.

Ф. Адлер

XXI асрда кимлар ва қандай яшаши, қандай ишлаши ҳозирги замон оиласининг ўзини қандай ижтимоий ҳис қилишига, у қандай болаларни дунёга келтиришига ва уларга қандай маънавий ва жисмоний тарбия беришига боғлиқ.

Оила - никоҳ ёки қариндошликка асосланган кичик ижтимоий гуруҳ бўлиб, унинг аъзолари умумий рўзғор, ўзаро мажбуриятлар ва ҳиссий яқинлик билан бир-бирларига боғланган бўлади. Никоҳ жамият томонидан рухсат берилган ва бошқариладиган эркак ва аёл муносабатлари шакли бўлиб, у ўзаро мажбуриятлар ва болаларга нисбатан масъулият ҳиссини вужудга келтиради.

Оилани ижтимоий иш объекти сифатида қабул қилар ва уни мураккаб ижтимоий тизим сифатида кўрар эканмиз, у билан мулоқотга киришганда қуйидагиларни ҳисобга олиш зарур: унинг тузилмаси, муҳити, функцияларини бажариши ва ривожланиш тарихи.

Оила ижтимоий тузилма бўлиб, жамиятнинг ҳам бир аниқ-тарихий типларида ўзига хос хусусиятларга; ҳар бир миллий маданиятда ўз анъаналарига эга бўлади.

Оила деб нимани ҳисоблаш, биринчи қарашда туйилганидай осон иш эмас. Ердаги турли мамлакатларда оиланинг турли-туман типлари мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари узок ўтмишга бориб тақаладиган муносабат шакллари сақлаб турувчи анча экзотик типлардир. Шунинг ҳам айтиш зарурки, оила-никоҳ анъаналари ва урф-одатлари анча консерватив хусусиятга эга бўлиб, кўпгина архаик хусусиятларни ўзида сақлаб келади. Айни пайтда, ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида ҳозирги замон ишлаб чиқаришлари ва ҳозирги замон шахарлашган услубларнинг тарқалиши билан бирга оиланинг унча кўп бўлмаган, бир-бирига ўхшаш моделлари қарор топмоқда.

Энг кенг тарқалган тип нуклеар (лотинча нуклерус - негиз) оила бўлиб, у болали ёки боласиз ота-оналар жуфтлигидан иборат бўлади. Бундай оилалар Россия Федерацияси аҳолиси таркибида 2/3 қисми ташкил этади. Сон жиҳатидан иккинчи ўринни тўлиқсиз оилалар – ота-оналардан бири ва болалар ташкил этади. Бундай оилалар тахминан 12 % ни ташкил этади. Бундай оила ёки ажралиш, ёки бева қолиш, ёки бўлмаса ёлғиз аёлнинг бола

туғиши натижасида вужудга келади. Бир хонадонда уч авлод: аждодлар жуфтлиги (ёки улардан биттаси), катта ёшлилар, болалар ва неваралар яшаса, унда гап мураккаб (кўп авлодли) оила тўғрисида бораётган бўлади. Мураккаб ва тўлиқсиз оила комбинацияси бўлиши ҳам мумкин.

Нуклеар оилаларнинг устуворлиги аҳоли сафарбарлигининг ортиши ва оммавий шаҳарлашиш, уй-жой қурилишининг кенг қулоч ёйиши ва катта ёшли болаларнинг ота-она анъанавий ҳукмидан эмансипациялашуви натижасида пайдо бўлади. Бундай иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар ота-оналардан алоҳида турмуш кечиришга қаратилган барқарор психологик установканинг шаклланишига олиб келди, лекин ота-оналарнинг ёрдамими катта ёшли болалар маънавий эътирозсиз қабул қилишади ва жуда маъқуллашади. Бу ўринда оиладаги болалар сони билан бавосита алоқа мавжуд: анъанавий мураккаб оилада кекса она кичик болаларга қарар ва уй хўжалигини юритар эди, бувисиз оилада эса ишлаётган она одатда, бир нечта бола туғиш имконига эга эмас.

### *Оиланинг асосий функциялари*

Оиланинг генератив функцияси инсон авлодини давом эттириш зарурати билан боғлиқ бўлиб, у фақат биологик эҳтиёж эмас, балки улкан иқтисодий аҳамиятга молик популяциянинг сақланиб қолишидир. Эртанги куннинг меҳнат потенциали – бугунги чақалоқлар ва ёш болалар, болалар ва ўсмирлар. Жамият ҳар бир авлоднинг ўзидан олдингисидан ҳеч бўлмаганда кам бўлмаслигидан манфаатдор. Айти пайтда, оила бола кўришдан манфаатдор. Шуниси ҳам борки, бугунги кунда бу фақат иқтисодий (болалар – ота-оналари қариганда таъминлаш кафолати) эмас, балки ахлоқий-эмоционал эҳтиёждир.

Фарзандсиз оила маънавий жиҳатдан тўлақонли бўлмайди. Ўзларини болаларида давом эттирмаган катта ёшлилар камчилик, бўшлиқ туйғусини ҳис этадилар. Айти пайтда, Россиядаги оилаларнинг учдан бир қисми

балоғатга етмаган болаларга эга эмас. Бу ҳол нари борса, болаларини ўстириб бўлган, ёмонроқ вариантда эса бола кўрмаган ва кўришни истамаётганлардан иборат бўлади. Бола туғиш ёшидаги эр-хотинлар орасида бола кўрмасликка бўлган установка бир томондан, ўсиб бораётган моддий-иқтисодий қийинчиликлар, боланинг ижтимоий “зийнат предмети” га айланиб бориши, иккинчи томондан эса, ҳозирги жамиятни эгаллаб олган маънавий-ахлоқий танглик натижаси бўлиб, унинг кадриятлари тизимида машина, уй, зотдор кучуклар сингари урф бўлган буюмларга катта ўрин ажратилади, болага эса ўрин йўқ. Экспертларнинг баҳоларига кўра, катта ёшли аҳолининг 10-15 % и ноқулай экологик таъсирлар, нотўғри турмуш тарзи, хасталиклар, ёмон овқатланиш ва ҳ.к туфайли саломатлиги ёмонлашгани сабабли бола кўриш қобилиятига эга эмас. Уларнинг баъзиларига замонавий тиббиёт ёрдам кўрсатиши мумкин, бироқ бундай даволаниш учун ҳамманинг ҳам ҳамёни йўл қўявермайди.

Болаларнинг дастлабки ижтимоийлашуви функцияси шундан иборатки, дунёга келган инсон боласи ўзида “ақлли одам”нинг фақатгина куртаклари, салоҳиятига эга бўлади холос. Чақалоқ жамиятга аста-секин олиб кирилиши ва “инсоний дастур” бўйича ривожланиши лозим. Акс ҳолда, ундаги инсонийлик куртаклари ривожланмай қолиши, қобилиятларнинг асослари абадий ўчиши мумкин.

Оиланинг ҳозирги танглиги унинг педагогик салоҳияти пасайишида – оилавий тарбия мазмуни ва сифатининг ёмонлашувида намоён бўлади. Маълумки, оила ижтимоийлашувнинг қудратли воситасидир. Шунинг учун оиланинг ижтимоий хасталикларини “даволаш”, унинг ижтимоий-педагогик функцияларини тиклаш ҳозирги куннинг муҳим вазифасидир. Ижтимоий ишнинг марказий функцияси - одамларнинг муносабатларига таъсир ўтказиш, уларнинг ўзаро ва атрофдагилар билан муносабатини реал воқеликни ўзгартириш орқали такомиллаштириш ва коррекция қилишдан иборат. Демак, оила билан олиб бориладиган ижтимоий ишнинг мақсади ва

интегратив натижаси шахсни ижтимоий кутишлар, ижтимоий буюртмага биноан ижтимоийлаштирувдир.

Кўплаб болалар инсониятга ҳар йили тиббиёт ва болалар муассасаларида, болалар уйларида ошно бўладилар. Бу ҳол кўпинча бахтсиз ходиса туфайли эмас, балки ижтимоий фалокат натижасида юз беради. Туғилиши исталмаган болалар ота-оналарига керак бўлмай қолади. Ёки бўлмаса, она болани тарбиялаш учун воситалар ва шарт-шароитга эга бўлмагани сабабли ундан қачонлардир, ҳаёт яхшиланиб ўз изига тушганда қайтиб олиш тўғрисидаги ғира-шира умид билан “тилхат бериб” воз кечади. Ҳаттоки, бу болалар етарли озиқ-овқат, ғамхўрлик, тегишли тиббий хизмат олганлари тақдирда ҳам уларнинг ривожланиши госпитализм синдроми – коммуникатив -ҳиссий алоқаларнинг етарли эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлар туфайли хираланган бўлади, бундай болалар одатда, фақат интеллектуал жиҳатдан эмас, балки жисмоний ривожланишда ҳам орқада қоладилар, уларнинг тили кечроқ чиқади, кейинроқ уларда мулоқотга киришишдаги қийинчиликлар намоён бўла бошлайди, бу қийинчиликларни ҳар доим ҳам, ҳатто юқори малакали тиббий-педагогик коррекция ёрдамида ҳам бартараф этиб бўлмайди.

Болалар уйларида ўсаётган каттароқ болалар эса бу уй деворларидан ташқаридаги ҳаётга яхши мослашмаган бўлишади, мустақил ҳаёт кечиришга қийинчилик билан мослашишади. Шунинг учун ҳам болалар уйида тарбияланиб чиққанларнинг кўпчилиги ҳаёт сценарийси деярли ярим ҳолатларда судланиш билан боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, ўзининг тарбиясидаги камчиликларни улар болалигида оилали-ролли хулқ-атвор сабоқларини олмаганлари сабабли, ўзларининг оилаларига ҳам олиб киришади. Одамлар, меҳнат жамоаси билан мулоқот қилишда улар кўпинча низоли йўл тутишади.

Оила болаларнинг ижтимоийлашувига фақатгина ўзининг мавжудлиги билан эмас, балки қулай ахлоқий-руҳий иқлими, барча аъзолари ўртасидаги соғлом муносабатлар орқали таъсир ўтказади.

Оила тарихан жамиятнинг асосий хўжалик хужайраси бўлган. Овчилик ва ғаллачилик, касб-ҳунар ва савдо фақатгина оила таъминлайдиган функциялар тақсимотига асосланибгина мавжуд бўлиши мумкин эди. Саноатлашган ишлаб чиқариш вужудга келиши, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши билан шаҳардаги оилаларнинг кўпгина функциялари ташқарида қолди. Томорқа хўжалигига эга бўлган қишлоқ оилаларида эса у анчагина сақланиб қолди.

Оиланинг бойиш, бойлик тўплаш ва уни мерос қолдириш бўйича иқтисодий роли аста-секин заифлаша бошлади. Одамлар ҳаётининг уларга овқат тайёрлаш, кийим-кечак тикиш, кир ювиш, уйни тозалаш сингари қадимдан оила билан боғлиқ бўлган кўпгина қирралари энди бутунича ёки бўлмаса қисман маиший саноат “елкаларига” юкланди.

Одатда, одамлардаги умумбиологик жинсий эҳтиёжлар ва уларни худди овқатга, турар жойга бўлган эҳтиёжларни қондириш сингари қондириш зарурлиги соғлом секс деб аталадиган гедонистик функция билан боғлиқ. Кўп асрлар давомида черков ва дунёвий ахлоқ жисмоний муҳаббатни қоралаб келдилар, уни фақат инсоннинг гуноҳкор табиатига ён бериш сифатида баҳолаб унинг фақат жисмоний эмас, балки маънавий лаззат манбаи ҳам эканини инкор этиб келдилар. Ҳозирги кунда демократик жамиятларнинг кўпчилигида жинсий эҳтиёжларнинг қондирилмаслиги шахсни оғир кечинмалар ва саломатликнинг издан чиқишига олиб келиши эътироф этилади.. Меъёрий жинсий ҳаёт, мунтазам жинсий яқинликлар соғлом турмуш тарзининг асосларидан бири сифатида тан олинади. Бугунги кунда никоҳда бўла туриб жинсий эҳтиёжларни бостириш билан боғлиқ бўлган невротик реакциялар кўплаб учрайди. Ёлғизлик сингари “ижтимоий хасталик”нинг кенг тарқалиши катта ёшли одамларнинг кўпчилигида бу

эхтиёжларнинг қондирилмаслигига олиб келмоқда. “Икки юзлама ахлоқ” эркакларнинг никоҳдан ташқари алоқаларини қораламаган ҳолда, аёлларнинг бундай алоқаларини кескин қоралайди. Ажрашган аёллар ажрашган эркакларга нисбатан оғирроқ аҳволга тушиб қоладилар. 20 ва 40 ёш орасида содир этиладиган худкушликнинг катта қисми ёлғизлик муаммолари билан боғлиқдир.

Айни пайтда, жисмоний яқинликликка юзаки муносабатда бўлиш, аввалгига нисбатан енгил-елпи муносабатларнинг кўплаб учраши одамларни бахтли қила олмайди. Тасодифий жинсий шериклар билан номунтазам муносабатлар руҳий бойлик ва чуқурликка эга бўлмайди, улар хавотир ва ёлғонлик ҳиссини уйғотади, ўз ортидан жинсий ёки салбий тиббий оқибатларни олиб келади. Жамиятнинг маънавий жихатдан емирилиши, “эркин секс” ва уни барча воситалар, шу жумладан, оммавий ахборот воситалари ёрдамида очиқ тарғиб қилиш жинсий йўл билан ўтадиган касалликларнинг кенг тарқалишига қонуний равишда олиб келади. Айни пайтда, мустаҳкам ва соғлом, бахтли ва жипс оилалар тимсолини яратиш кўп мамлакатларда доимий ва ишончли шерик билан амалга ошириладиган “соғлом секс қувончлари” ОИТСга қарши курашда энг яхши восита ҳисобланади.

Оиланинг рекреацион ва психотерапевтик функциялари унинг мутлақ ҳимояланганлик, одамни унинг талантлари, ҳаётдаги ютуқлари, молиявий аҳволидан қатъий назар, тўла қабул қилиши билан боғлиқдир. “Менинг уйим – менинг қалъам” ибораси соғлом, низосиз оила – энг яхши таянч, энг яхши бошпана ва унда одам ташқи дунёнинг ғайри дўстона хуружларидан ҳимояловчи, ўзининг салбий ҳиссиётларидан қутулиши мумкин бўлган макон эканини ифодаловчи фикрни яхши ифодалайди. Инсон меҳнат жараёнида сарф қилган жисмоний кучлар дам олиш вақтида тўлдирилади. Кузатишлар кўрсатишича, бу кучлар оилада, яқинлар, болалар билан мулоқот жараёнида тўлароқ тикланар экан.

Шундай қилиб, одамнинг мавжудлиги ҳозирги кунда оилавий ҳаёт тарзида ташкил этилган.

Ижтимоий иш масалаларида оила давлат ва жамият вакиллари билан жуда кам ҳолатларда мулоқотга киришади, қонун йўли билан белгиланган ёки таклиф қилинаётган ёрдам моддий характерда бўлиши (нафақа, тўловлар ва бошқалар) бундан истисно.

Ижтимоий хизматчи минимумни максималлаштириш тамойилидан (ижтимоий кўмакнинг минимал заҳираларини максимал кенгайтиришга интилишдан) келиб чиқар экан, оилага ҳомийларнинг маблағларини жалб этиш ёки давлатнинг кўмагини адолатли тақсимлашни кузатибгина қолмай, оилаларни ўз-ўзига ва бир-бирларига ёрдам беришга ҳам ўргатиши лозимки, бундай ёрдам энг сахий нафақаларга нисбатан ҳам кўпроқ самара беради. Шунини унутмаслик керакки, ахлоқий жиҳатдан ўзи ишлаб топган маблағ ижтимоий боқимандаликдан анча юқоридир. Кичик ва ўрта оилавий бизнесни ривожлантириш дастури, бу ишда муниципал органларнинг кўмаги Россиядаги кўпчилик оилаларнинг ўзларини-ўзлари таъминлаши ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун имконият яратади.

Оиланинг муҳим ва зиддиятли муаммоларидан бири масъулиятли ота-оналик муаммосидир. Масъулиятли ота-оналик деганда, ижтимоий, руҳий, тиббий ва бошқа шарт-шароитлар тушуниладиги, улар оилага қанча бола кўришни истаса, шунча кўриш; фақатгина туғилиши исталган болаларни туғиш ва туғилиши исталмаган болаларни эса ҳаёт учун хавфли бўлмаган маданиятли воситалар ёрдамида туғишдан сақланиш имконини берадиган тадбирлар мажмуаси тушунилади.

Минг йилликлар давомида зарурат бола туғишни биологик маҳсулдорлик даражасида ушлаб туришга мажбур этди: дунёга қанча туғилиши мумкин бўлса, шунча бола келар эди. Урушлар, эпидемиялар, болалар ўлимининг даҳшатли даражаси натижасида туғилган болаларнинг оз қисми тирик қолар эди, лекин барибир улар аҳолининг унча тез бўлмаса ҳам



барқарор ўсишини таъминлар эди. Ижтимоий-иқтисодий, психологик ва илмий ютуқлар ҳамда XX асрда юз берган ўзгаришлар хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этди. Чақалоқларнинг кўпчилиги ҳаётини сақлаб қолиш имконияти таъминланди, ривожланган мамлакатларда оилаларнинг демографик устновкалари ўзгарди. Тиббиёт фанининг ютуқлари туфайли оилани онгли равишда режалаштириш имкониятлари вужудга келибгина қолмай, у кўпчилик учун эришиш мумкин бўлган жараёнга айланди.

Афсуски, бизнинг жамиятимизда, аҳолининг тиббий маданияти етарли бўлмагани, жинсий ахлоқнинг нодемократлиги сабабли оилани режалаштиришнинг энг ваҳший усули – аборт қарор топди. Маданиятли дунё учун хос бўлмаган бундай манипуляциялар миқдори бўйича Россия хурматга сазовор бўлмайдиган биринчи ўринни мутлақ жиҳатдан ҳам, ҳар мингта аёлга ҳисоблаганда ҳам, эгаллаб турибди. Тиббий муассаса шароитларида ҳам аёлларга ёмон оқибатлар, ҳатто ҳалокат таҳдид солади, экспертларнинг баҳоларига кўра эса, абортларнинг учдан бир қисмигачаси шифохонадан ташқарида амалга оширилади. Аборт – келгусидаги наслсизлик имконияти, ички танглик ва ташқи қоралаш билан боғлиқ аёл учун оғир ахлоқий-руҳий силкиниш.

Балоғатга етмаган оналарнинг бола туғиши алоҳида суҳбат мавзуи. Физиология нуқтаи назаридан ҳам бу ҳол жуда эрта - қиз боланинг ҳали шаклланиб улгурмаган танаси ҳомиладорлик юкини зўрға кўтаради, ижтимоий нуқтаи назардан эса она бўлган қизча улкан мураккабликларни бошдан кечиради: унинг мавқеи кўплаб муаммоларни вужудга келтиради. Ота-оналар, атрофдагилар, мактаб кўпинча жуда шафқатсиз муносабат билдиради, ҳатто ҳайдаб юборади. Айни пайтда, ижтимоий ва ахлоқий вазият бундан буён балоғатга етмаганларнинг фоҳишалигини ҳам, тасодифий жинсий алоқаларининг ҳам кўплаб бўлишига олиб келади. Мактаб учун ҳам, оиланинг маслаҳатчиси бўлган ижтимоий хизматчи учун ҳам тиббий-

ижтимоий билимларни кенг тарқатиш, контрацепциянинг ҳозирги хавфсиз воситаларини ҳар томонлама тарғиб қилиш биринчи даражали аҳамиятга молик ҳодиса деб ҳисобланиши лозим.

Оилавий низолар ва оиладаги зўрлашлар, ҳиссий келишмовчиликлар, оилавий ролларнинг номуносиблиги ва оиладаги мажбуриятларнинг адолатсиз тақсимланиши, ичкиликбозлик ва кўпгина бошқа муаммолар - буларнинг барини ҳал қилиш ижтимоий хизматчининг вазифасидир. Шунинг ёнда тутиш зарурки, мижозларнинг оилавий муаммоларини ижтимоий хизматчи ҳал қилиб бермайди, балки оиланинг ўзи ижтимоий хизматчи кўмагида ўзининг муаммоларини англаб етади ва уларни ҳал қилиш учун ўзида куч топади.

---

### **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Оила нима ва унинг ижтимоий аҳамияти қандай?

Ҳозирги оилаларнинг асосий функциялари, муаммолари ва истикболлари нимада?

Ҳозирги оилаларнинг асосий типлари қайсилар?

“Оила танглиги” нима? Оиланинг “экспериментал” моделлари пайдо бўлишининг мазмуни нимада?

Ҳозирги оилаларнинг асосий ижтимоий муаммолари нималардан иборат?

Оила терапевти бўлган ижтимоий хизматчининг асосий вазифалари нималардан иборат?

---

## Вазият

*Қуйида келтириладиган икки оила муаммоларининг умумийлиги нимада? Бу оилаларнинг ҳар бири билан мулоқотга киришиар экан, ижтимоий хизматчи қандай иш усуллари ва шаклларидан фойдаланиши лозим? Бу оилалар билан ишлаш учун ўз вариантларингизни таклиф қилинг.*

а) “Менинг эрим билан турмушим иккинчи турмуш ва ҳозирча умумий болаларимиз йўқ. Менга унинг ўғли ва менинг қизимни ҳар иккимиз бир хил севадигандек туюларди. Бироқ, у ўзининг ўғли қилса кечирадиган нарсаларни қизим қилса кечирмаётганини сеза бошлаганимдан кейин ахвол бундай эмаслигини тушундим. Энди иккаламиз ўртамизда тирноқ остидан кир излаш бўйича мусобақа бошланди. Биз ажралишни истамаймиз, бироқ болаларга шикаст етказиш ҳам мумкин эмас”.

б) “20 ёшимда севган одамимга турмушга чиқдим. Бир йилдан кейин ўғлимиз туғилди. Эрим ёмон эмасди, фақат ортиқча ялқов ва ичкиликка мойил эди. Бу мойиллик бора-бора унинг ҳаёти мазмунига айланди. Мени ўғлим билан уриб кўчага ҳайдаб чиқарадиган одат пайдо бўлди. Бир неча йил тишимни-тишимга қўйиб чидаганимдан кейин охири ажралиш тўғрисида ариза бердим. Менга ҳаёт тугагандай туюлди. Бироқ, маълум вақтдан кейин бир ажойиб одамни учратдим, у фақат мени эмас, ўғлимни ҳам яхши кўрарди. Шу ҳолат тақдиримизни ҳал қилди – биз турмуш қурдик. Дастлабки бир ярим йил давомида мен чиндан ҳам бахтли эдим: бирорта ҳам жанжал бўлмади, у доим менга кўмаклашарди, биргаликда тоғларга саёҳатга борардик. Бунинг устига иккинчи ўғлим туғилди! Бу ҳамма нарсага нуқта қўйиши ҳаёлимга ҳам келмаган эди. Эрим катта ўғлимизга очикчасига совуқ муносабатда бўла бошлади, барча ғамхўрлиги ва севгисини чақалоққа қаратди. Энди муносабатлар қарама-қаршилиқлар асосига қурила бошлади: биринчисини ўпади, иккинчисига эса бақиради ва шапалоқ туширади. Қўлимдан келганича ўғлимнинг ёнини олишга ҳаракат қилдим. Бунга

жавобан эса борган сари кўпроқ: “Уни қаерга хоҳласанг олиб кет. У менга керак эмас. Ўзинг ҳам у билан бирга йўқол. Менинг ўғлимни эса ташлаб кет!” – деган гапларни эшита бошладим. Шундай қилиб оиламизда даҳшатли муҳит вужудга келди: эрим имкон бўлиши билан катта ўғлимни хафа қиларди, икир-чикирларга ҳам эътибор берар, ҳақорат қилар, баъзан эса урарди. Қўполлик, адолатсизлик ва сурбетлик билан бизни уйдан сиқиб чиқармоқда. Ўғлим 8 ёшга кираяпти. У авваллари ҳам ювош, гапга кирадиган бола эди. Энди эса кўрқоқ, маънос бўлиб қолди. У ҳеч кимга кўринмаслик, ўзининг алоҳида дунёсига яшириниб олишни истайди. У қоронғу тушгунча кўчада ўртоқлари билан қолиб кетади. Ўртоқлари эса уни жуда яхши кўришади. Уйда эса отасидан лақаблар эшитади, уларнинг энг силлиғи – “тентак” ва “хайвон”. Эрим эркак киши қаттиққўл бўлиши керак деб ишонади. Нима қилсам экан, маслаҳат беринг!”

---

## **Амалий топшириқлар**

Оилавий муносабатларга ташхис қуйиш ва уларни баҳолаш усуллари.

Нотинч оилаларга психологик ёрдам кўрсатиш (милиция болалар хонасига, наркологик диспансерга, коррекция синфларига бориш).

Оила билан ишлаш технологияси:

шахс ва унинг муҳити рухий-тиббий-педагогик хусусиятларини, турмуш шароитларини, қизиқиш ва эҳтиёжларини, қийинчилик ва муаммоларини, низоли вазиятларни, хулқ-атворидаги оғишларни ўрганиш.

Оилага тавсифнома бериш (моддий ва турмуш шароитлари; таркиби; ахлоқий-рухий иқлим (аъзолари ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятлари, мавжуд анъаналар ва бошқалар); меҳнат, ҳаёт тажрибаси, катта ёшлиларнинг маданий-маълумот даражаси).

мазкур оила билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик иш вазифалари, шакллари, усуллари, шахсий ва ижтимоий муаммоларни ҳал

қилиш йўлларини аниқлаш. Амалиёт мазмуни кундалиқларда акс этади, унинг асосий натижалари эса оиланинг ижтимоий-педагогик паспортида кўрсатилади.

### ***Амалий топшириқни бажариш бўйича маслаҳатлар***

Оиланинг уйига бориш ижтимоий хизматчига унинг аъзолари билан танишиш, уларни одатий бемалол вазиятда кўриш, оила ҳаётининг усулини, унинг уклади (оила қандай нафас олаётгани, унинг ижтимоий установкалари, ахлоқий-маънавий кадриятлари, атрофдаги одамлар билан ва ўзаро муносабатлари, оилавий анъаналар, ота-оналарнинг педагогик маълумоти, боланинг ёши ва тарбияси мақсадларига монанд равишда унинг оиладаги ҳаёти ва фаолиятини ташкил қила билиш)ни яқиндан ўрганишга ёрдам беради.

Ижтимоий хизматчини нималар қизиқтириши лозим?

Уйдаги тартиб ва тозалик. Уйдаги вазифалар (доимий ва муваққат) қандай тақсимланган (иш ва дам олиш кунларида). Катта ёшлилар ва болалар қандай ишларни биргаликда қилишади. Уйдан ташқаридаги вазифалар (дўкондан харид қилиш, дала-боғча ва томорқадаги ишлар ва бошқалар) қандай тақсимланган. Оила аъзолари ўзларининг фаолияти ва ижтимоий фаолиятни қандай баҳолашади.

Уйдаги китоблар, журналлар, газеталар. Оиланинг ўз кутубхонаси борми. Китобларнинг сақланиши ва тўлдириб турилиши билан ким шуғулланади. Китобларнинг қандай улуши болаларга аталган. Ота-оналар кейинги вақтларда уларга ўқиш учун қайси китобларни тавсия этишган. Уйдан ташқаридаги кутубхоналарга бориш. Болалар китобларни сақлай билладими. Ўқилган китоблар оилада муҳокама қилинадими, қанча ва қай тарзда. Оила қайси даврий нашрларга обуна бўлган. Болалар учун махсус нималарга обуна бўлинган. Ўзларининг газета ва журналларини мунтазам

ўқиб туришадими. Ўқилган нарсалардан қайси бири биргаликда муҳокама қилинган.

Телевидение, муסיқа, радио. Қандай радио эшиттириш ва телекўрсатувлар бутун оила билан мунтазам эшитиб (кўриб) борилади. Кўрсатувлар тўғрисида фикр алмашиладими. Уйда муסיқали ёзувларнинг қандай коллекцияси мавжуд. Уларнинг қай улуши болалар учун мўлжалланган. Оила аъзолари бир-бирларининг севадиган муסיқаларини маъқуллашадими.

Оиланинг катта аъзолари иши тўғрисида болалар нималарни билишади. Улар ютуқлар, қийинчиликлардан хабардорми. Ота-оналар ўзларининг иши тўғрисида сўзлаб беришадими.

Катталар ва болаларнинг табиат кўйнига биргаликдаги сафарлари уюштириладими. Болалар билан биргаликдаги охирги сафарлар қачон ва қаерга қилинган (кинога, театрға, музейға, кўрғазмага ва ҳ.к.). Ота-оналар таътилларини болалар билан биргаликда ўтказишни афзал кўришадими.

Оиладаги қизиқишлар. Оиланинг катта аъзолари нималарга қизиқади. Бу қизиқишларға болалар ҳам жалб этилганми. Ота-оналар боланинг қизиқишлари, уюшганлиги, тиришқоқлиги, меҳнатсеварлигини унинг қизиқишларидан фойдаланиб қандай шакллантиришади. Улар ўғиллари (қизлари)нинг қизиқишлари ўқишға ва ривожланишға ёрдам (халақит) беради деб ҳисоблашадими. Бу фикрларини улар қандай асослашади. Оилавий байрамлар.

Оиладаги рағбатлантириш ва жазолаш. Ота-оналар боланинг ўқиш ва тарбиядаги муваффақиятларини қандай рағбатлантиришади. Улар берилган иш учун боладаги масъулият ҳиссини (уйда ва ундан ташқарида) қай тарзда ривожлантириладилар. Ўғиллари (қизлари) улар билан ўзларининг уйдан ташқаридаги ютуқлари ва муваффақиятсизликлари билан ўртоқлашадиларми. Оилада болаларининг дўстлари ва уларнинг ота-оналарини билишадими. Улар қанчалик тез-тез учрашиб туришади ва қандай

муаммоларни муҳокама қилишади. Ота-оналар болаларининг уйига ўз дўстларини олиб келишларига ижозат беришадими, улар нима билан шуғулланишади. Уйда боланинг ютуқлари қандай нишонланади. Оилада боланинг қийинчиликларию муаммолари, ютуқларига ҳурмат билан карашадими. Бу нималарда намоён бўлади.

Оиладаги ўзаро муносабатлар. Оила аъзолари бир-бирларига қандай муносабат (муҳаббат, ҳурмат, бефарқ, қўполлик) билдиришади. Катталарни ҳурмат қилишга болаларини ота-оналар қай тарзда ўргатишади. Уларнинг фикрича, болаларга отаси, онаси, оиланинг бошқа аъзоларидаги нималар қизиқ. Ота ва она ўзининг ўғли (қизи) олдидаги ҳурматини қандай йўллар билан мустаҳкамлашади. Улар болалар олдида қандай муаммоларни муҳокама қилиш мумкин эмас, деб ҳисоблашади. Уларни одоб-ахлоққа қандай ўргатишади.

Оила аъзоларини кузатиш. Улар билан суҳбатлашиш уларнинг ўзаро муносабатлари характери ва умумий оилавий иқлимни аниқлаш имконини беради:

Ота-оналарнинг ўзаро муносабатлари:

инсонийлик йўналиши асосида:

а) мувофиқ ижобий,

б) номувофиқ,

в) мувофиқ салбий;

муҳаббат туйғуси асосида:

а) мувофиқ ижобий (ўзаро муҳаббат),

б) номувофиқ (бир томонлама севги),

в) ўзаро салбий (ўзаро бефарқлик, ҳафсаланинг пир бўлиши, нафрат);

эр-хотинлар характерлари хусусиятлари асосида:

а) мувофиқ (ўзаро ҳурмат, мураса),

б) тобеълик, тенгсизлик,

в) низоилик, номувофиқлик;

тарбияга қарашлар асосида:

- а) мувофиқ тўғри,
- б) номувофиқ, ўзаро зиддиятли,
- в) мувофиқ нотўғри.

Ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатлар:

тенг ҳуқуқли (оқилона севги, ҳурмат ва талабчанлик),  
авторитар (болаларни эзиш, уларнинг иродасини букиш),  
болаларни талтайтириш, талабчанликнинг йўқлиги,  
болаларга мутлақо бефарқлик.

Бола тарбиясига қарашлар асосидаги оила ва яқинларининг ўзаро муносабатлари:

- а) номувофиқ тўғри,
- б) номувофиқ,
- в) мувофиқ нотўғри.

Оиладаги умумий иқлим:

хушмуомалалик, оптимизм, хотиржамлик, вазминлик,  
гина-кудурат, асабийлик, эзилиш, хўрланиш,  
беқарорлик, ўзгарувчанлик, енгилтаклик.

Оила тарбиявий фаоллигининг мезонлари:

тарбия мақсадларини тушуниш;

тарбиянинг аниқ вазифалари мавжудлиги;

оилада катталарнинг болаларга кўядиган талабларининг бирлиги ва ўзаро мувофиқлиги;

болалар билан ҳар куни мулоқот қилиш, бола ҳаёти (қизиқишлари, ишлари, ютуқлари, муваффақиятсизликлари, ҳовлидаги компания ва мактаб жамоаси ҳаёти, жамоат иши, муаммолари, дўстлари ва бошқалар)дан тўла хабардорлик;

педагоглар, ижтимоий хизматчи, психолог билан барқарор мулоқот ва ҳамкорлик;



оиладаги тарбия самарадорлигини оширадиган педагогик тавсиялар,  
маслаҳатларни излаш;  
психологик-педагогик билимларни онгли равишда эгаллаш.

---

## **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

### ***“Оилага ижтимоий ёрдам кўрсатиш” машқи***

Ўқувчилар 4-5 кишидан иборат гуруҳларга бўлинишади. Ҳар бир гуруҳ ижтимоий хизматчининг ёрдами талаб қилинадиган оилавий вазиятни ўйлаб топади (ёки реал мавжуд вазиятдан фойдаланади). Бу вазият кўшни гуруҳ учун батафсил баён қилинади. Шундай тарзда вазиятлар доира бўйича “узатилади”. Ҳар 10-15 дақиқадан сўнг ҳар бир гуруҳ мазкур оила билан олиб бориладиган ижтимоий ишнинг аниқ дастурини таклиф қилиши лозим. Бундай дастур баён қилинганидан сўнг бошқа гуруҳ аъзолари сўзлаётган команда аъзоларига биттадан савол бериш ҳуқуқига эга.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

*Бочарова В.Г.* Педагогика социальной работы.— М.: SvR-Аргус, 1994.

Государственная система социальной помощи семье и детям: официальные документы и материалы. – М., 1991. – Вып. 1.

*Гуслякова Л.Г., Кувшинникова В.А., Синцова Л.К.* Сборник задач и упражнений по социальной работе. – М.: Наука, 1994.

*Дружинин В. Н.* Психология семьи. – М.: КСП, 196.

*Лодкина Т. В.* Семейный социальный педагог: Теория и практика. – М.-Вологда: Русь, 1997.

Методология и технология комплексного социально-педагогического проектирования (региональный уровень): Коллективная монография / Под ред. В.И. Загвязинского.— Тюмень: Изд-во ТГУ, 1997.

Основы социальной работы: Учебник / Отв. ред. П.Д. Павленок.— М.: ИНФРА-М, 1997.

О социально-педагогической работе с детьми: Методическое письмо. – М.: Изд-во Минобразования России, 1995.

Семья в России: Научный общественно-политический журнал НИИ семьи Минсоцзащиты России. – 1995-1997.

Социальная работа: журнал АСОПиР и РАО. № 1 — 8.— 1992-1998.

Справочное пособие по социальной работе / Под ред. А.М. Панова, Е.И. Холостовой.— М.: Юристъ, 1997.

Теория и методика социальной работы: в 2 ч. / Под ред. И. Г. Зайнышева.— М.: МГСУ, 1994.

Теория и методика социальной работы: Краткий курс / Под ред. В.И. Жукова — М.: Союз, 1994.

Теория и методика социальной работы / Под ред. П.Д. Павленка,— М.: ГАСБУ, 1993, 1995. Вып.1 — 2.

Теория и практика социальной работы: отечественный и зарубежный опыт: В 2 т. / Под ред. Яркиной Т.Ф., Бочаровой В.Г.— М.— Тула: Изд-во Ассоциации социальных педагогов и социальных работников РФ, 1993.

*Торохтий В.С.* Психология социальной работы с семьей.— М.: Изд-во ЦСП РАО, 1996.

*Шуман С.Г., Шуман В. П.* Семейные конфликты причины и пути устранения.- Брест: Лаборатория психологической психологии и педагогики, 1992.

Энциклопедия социальной работы: В 3 т./ Пер. с англ.— М.: Центр общечеловеческих ценностей, 1993.— 1994.

Яркина Т. Ф. Человек как объект социальной педагогики и социальной работы: теоретико-методологический аспект (в контексте мирового опыта). - Соликамск: Соликамская типография, 1996.

## 31-МАШҒУЛОТ

### **“ХАТАР ГУРУҲЛАРИ” БИЛАН ИЖТИМОЙ ИШ ОЛИБ БОРИШ**

---

“Маълумот ва маданиятимиз даражаси қанчалик юқори бўлса, биз одамга шунчалик кўпроқ яқинлашамиз”.

Вильгельм фон Гумбольдт

“Бизнинг фаровон дунёмизда ягона тақчил нарса инсонларнинг ҳамдардлигидир”.

Хеллен Хейз

“Хатар гуруҳлари” - шундай тоифа одамларки, уларнинг ижтимоий ахволи у ёки бу мезонларга кўра, барқарорликка эга эмас, улар ўзлари ёлғиз ҳаётда вужудга келган ва уларнинг ижтимоий мавқеи, маънавияти, ахлоқий қиёфаси йўқолишига, биологик ҳалокатига олиб келиши мумкин бўлган

кийинчиликларни амалда енгиб ўта олмайдилар. “Хатар гурухлари”га куйидаги тоифаларни киритишади: ногиронлар, етим болалар, оғаётган (асоциал, девиант) хулқли болалар, ёлғиз оналар, тўлиқсиз оилалар, кексалар, ёлғизлар, қартайиб қолган ва ақли заиф одамлар, қочқинлар, зўрликка учраган одамлар, алкоголиклар, гиёҳвандлар, уй-жойи йўқлар, экологик фалокатлардан жабрланганлар, сексуал озчиликлар, жиноятчилар, ОИТСга йўлиққанлар, фоҳишалик билан шуғулланувчилар. Худди мана шу гурухга жуда қобилятли, лекин бошқалар билан мулоқот қилишга қийналаётган ва шу туфайли бошқалар учун “муомала қилиш қийин” одамга айланганлар.

Бу одамлар тушиб қолган танглик ҳолати, руҳий стресслар, молиявий қийинчиликлар, кўпинча эса қашшоқлик, ҳаёт кечиреш учун ҳеч қандай восита йўқлиги, ижтимоий ҳаёт даражасининг пастлиги ижтимоий ишнинг фақатгина санаб ўтилган миқдорлари учун эмас, балки билвосита, баъзан эса бевосита жамиятдаги муҳит ва тамаддун даражасига таъсир ўтказди. Аҳолининг бу тоифасини ижтимоий жиҳатдан муҳофазалаш куйидаги асосий йўналишлар бўйича олиб борилади: нафақа таъминоти, ижтимоий хизмат ва ижтимоий кўмак.

### *Ногиронлар билан ижтимоий иш олиб бориш*

Ногиронлар билан ижтимоий иш олиб боришнинг бош натижаси унинг соғлом одамга хос бўлган ижтимоий функцияларни бажаришга лаёқатли ҳолатга келишидир. Ижтимоий функция деганда, (уларни ижтимоий кўникмалар, деб ҳам аташади) меҳнат фаолияти, таълим, ўқиш, ёзиш, ҳаракатланиш ва коммуникатив лаёқатлар ва ҳ.к. Бошқа одамлар ижтимоий кўникмаларни минимал расмий таълим натижасида эгаллашлари мумкин бўлгани ҳолда ногиронлар бу кўникмаларни батафсил ва мунтазам ўргатишга муҳтож бўладилар. Бош мақсад - ногиронни болаликдан ҳаракатга ва ижтимоий кўникмаларга саводхонлик асослари ва ҳисобга (масалан,

кийиниш, ювиниш, ошхона жиҳозларидан фойдаланиш, пул билан муомала қила билиш, савдо-сотик қилиш ва овқат тайёрлаш, телефондан, транспорт воситаларидан фойдаланишга ва ҳ.к.) ўргатишдир. Мактаб ёшидаги ногирон болалар тиббий-ижтимоий реабилитация воситасида академик фанларни ўрганиш ва меҳнат қилиш имкониятига эга бўладилар.

Ногиронлар билан ижтимоий иш олиб бориш ва уларни реабилитация қилиш ижтимоий сиёсатда муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги даврда реабилитация тадбирлари мажмуини амалга ошириш ва ҳордиқ чиқариш учун барча шароитлар мавжуд бўлган кундузги стационарлар ташкил этилган.

Ногиронларнинг тиббий-ижтимоий реабилитациясини амалга оширувчи ижтимоий хизматлар қуйидаги асосий тамойилларга амал қилади: реабилитация тадбирларини имкон бориша эртароқ ўтказиш; уларни ўтказишнинг узлуксизлиги ва босқичма-босқичлилиги; реабилитация дастурларининг комплекслиги, яъни тиббий, педагогик, психологик, касбий, ижтимоий-маиший, техник жиҳатларнинг уйғунликда олиб борилиши; реабилитация тадбирлари ҳажми, характери ва йўналишини аниқлашда индивидуал ёндашув. Бунга муассасаларда турли касб эгалари (врачлар, педагоглар, психиатрлар, ижтимоий ходимлар, логопедлар, меҳнат терапевтлари, протезлаш бўйича техниклар, касбий таълим бўйича мутахассислар ва бошқалар)ни жамлаш, шунингдек, тегишли жиҳозларни таъминлаш орқали эришилади.

Касбий таълим бериш ёки қайта таълим бериш мақсадида турли минтақаларда касбий реабилитация ёки бўлмаса реабилитация марказларида тегишли йўналишдаги бўлинмалар ташкил этилган. Ишга жойлаш учун эса махсус корхоналар ёки енгиллаштирилган режимдаги, касаначилик меҳнатини қўллайдиган махсус жиҳозланган цехлардан фойдаланилади.

Тиббий-ижтимоий реабилитация қилишда ногиронни фақатгина ижтимоий муассаса, амбулатория, санатория шароитидагина эмас, балки

турар жойида ҳам ногирон болалар тарбияланаётган оилаларга ёрдам кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга. Бундай оилаларда кўплаб муаммолар, жумладан, тиббий, иқтисодий, болани тарбиялаш ва унга қараш билан боғлиқ бўлган муаммолар, боланинг оғир хасталиги ва у билан тегишли мулоқот ўрнатишга оид муаммолар, махсус жиҳозлар сотиб олиш, ижтимоий-касбий муаммолар (ногирон бола манфаатларидан келиб чиқиб иш жойи ва меҳнат характерини ўзгартириш, оилада тегишли турмуш тарзини шакллантириш), руҳий муаммолар ва бошқалар вужудга келади.

### *Қочқинлар билан ижтимоий иш олиб бориш*

Собиқ Иттифоқ парчалангани, минтақаларнинг мустақиллашуви, янги давлатларнинг пайдо бўлиши ва мустақамланиши оқибатида аҳолининг миграция сафарбарлиги ўсиб кетди.

1998 йилдан бошлаб миграция ҳаракатида “қочқинлар” тоифаси алоҳида ўрин тута бошлади, шунга мутаносиб тарзда мана шу характердаги “хатар гуруҳлари” пайдо бўла бошлади.

Моддий аҳволнинг ёмонлашуви, яшаш жойини алмаштириш, экологик-иқлимий ўзгаришлар яшаш жойи ва ижтимоий аснодаги қийинчиликлар қочқинларнинг соғлиги кўрсаткичлари ёмонлашувига олиб келади.

Қочқинларнинг кўпчилиги - оилали одамлар (масалан, Москвада 54,3 % га яқин. Ставрополь ўлкасида 73,6 % га яқин). Яшаш жойини мажбуран ўзгартириш натижасида келиб чиқадиган ҳаётий муҳим муаммоларни ҳал қилишга уриниб ота-оналар фарзандлари кечираётган руҳий шикастга унчалик катта эътибор бермайдилар. Болалар ота-оналардан бирини ёки ҳар иккисини йўқотган тақдирда вужудга келган вазият жиддий ижтимоий оқибатларсиз ўтмайди.

Қочқинларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун бошпана, вақтинчалик озиқ-овқат, тиббий ёрдам ташкил этилади. Ижтимоий муҳофаза мутахассислари “шикаст”, “йўқотиш”, “бешафқат йўқотиш” сингари ходисаларнинг оқибатларини енгиллатишади ёки йўқотишга ҳаракат қилишади. Бундай стресс вазиятлари қочқинларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатади, узоқ давом этадиган жиддий оқибатларни келтириб чиқаради. Қочқинлар билан олиб бориладиган ижтимоий ишнинг асосий вазифаси – уларда қийинчиликларни мустақил енгиб ўтиш қобилиятини ривожлантириш.

Қочқинларнинг болалари ўз ота-оналари ўлдирилишига кўпинча гувоҳ бўлар эканлар, руҳий шикастга учрайдилар. Шикастловчи ходисаларга реакция, болалар стресс ҳолатларида ўзини тутишининг одатдаги шакллари, болаларнинг ривожланиш босқичига, шунингдек, ўзларини қутқариш учун турли воситалардан фойдалана билишларига боғлиқ.

Масалан, мактаб ёшидаги, ота-оналарига жуда боғланиб қолган болалар шикастли вазиятларда ўзларининг хулқ-атворларида уларга жуда боғланиб қолганини намоён қилишади. Кичик мактаб ёшидаги болалар стресс вазиятини бошдан кечиргач, асабий, кўпол бўлиб қоладилар, уларда ўзини ёмон ҳис қилишдан шикоятлар пайдо бўлади. Бошдан кечирган ходисалардан кейин уларнинг мактабдаги ўзлаштириши кескин пасайиб кетади.

“Йўқотиш” ҳодисаси қочқинлар мавқеининг характерли белгиси ҳисобланади. Бунда болалар ўзларининг уйларидан, одатий нарсаларидан, дўстларидан, кўпинча ота-оналаридан ва яқинларидан ажраладилар. Кўпчилик болалар учун ота-онадан ажралиш тўла фалокат бўлиб, у шундай руҳий бузилишларга олиб келади-ки, унинг оқибатлари бутун ҳаёт давомида ўзини намоён қилиб туради. Бундай болалар учун неврозлар, депрессиялар, ақлий қобилиятларнинг ёмонлашуви, фаолликнинг пасайиши хосдир. Улар учун жиноятчилар орасига тушиб қолиш ҳам истисно эмас.

Қочқинларнинг болалари озиқ-овқат, сув етишмаслигидан, тиббий хизмат, тегишли бошпана йўқлигидан қаттиқ азобланадилар, бу эса тананинг жисмонан ёмонлашувига олиб келади. Бунинг оқибатида боланинг ривожланиши секинлашади, эмоционал салоҳияти пасаяди. Боланинг ҳаёти хавф остида қоладиган ёки социомаданий деб аталадиган хатарга учрайдиган вазиятлар ҳам бўладики, улар ҳаётини зарур ижтимоий ва руҳий шарт-шароитдан жудо бўладилар. Улардан бирининг кучайиши руҳий хасталиклар, хулқ-атвор бузилишларига олиб келади ва бу кўпинча алкоголь ва гиёҳванд моддаларга берилишда намоён бўлади. Бундай вазиятлар болани жиноятчи қилиб қўйиши ёки ўзини ўлдиришга йўналтириши мумкин.

Қочқин болаларнинг аҳволи мактабда уларнинг ўзларини намоён қилишларига халақит беради. Масалан, ўзлари жойлашган мамлакат тили ва маданиятини билмаслик уларнинг ўзларини ноқулай сезишларига мактаб предметларини ўзлаштиришда бошқа ўқувчилардан орқада қолишларига олиб келади. Ўзларининг айнанлигини сақлаб қолишга, олдинги кадриятларга мойиллик эса боланинг мактабдаги муаммоларини яна ҳам қийинлаштиради.

Қочқинлар қийинчиликларини профилактика қилиш тадбирларидан бири - улар кўчирилмоқчи бўлган минтақаларни олдиндан ўрганиш, ижтимоий ҳимоя инфратузилмасининг (бошпана, нақлиёт, тиббий хизмат, социомаданий соҳа ва ҳ.к.) мавжудлигидир.

### *Зўравонлик қурбонлари билан ижтимоий иш олиб бориш*

Ижтимоий тараққиёт натижасида доимо ўзгариб турадиган вазиятлар зўравонлик муаммосини келтириб чиқаради.

Зўравонликнинг қуйидаги ижтимоий шакллари мавжуд:

Жисмоний зўравонлик, тан жароҳати етказиш ҳам шу жумлага киради.



Ҳиссий ёки руҳий зўравонлик: у ҳақоратли сўзлар, доимий агрессив хуружлар, қасддан қилинадиган террор воситасида амалга оширилади.

Жинсий зўравонлик ёшлар гуруҳи ичида ҳам, четдан аралашаётган катта ёшлилар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Алоҳида шахс ёки муайян ижтимоий гуруҳ таркибидаги ёшларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларига менсимасдан, бефарқ, қасддан безътибор муносабатда бўлиш.

Агрессия ва зўравонлик кўринишларидан ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари орасида ижтимоий назорат муҳим ўрин тутди.

Аҳолининг барча тоифалари: болалар, ёшлар, аёллар, кексалар, эркаклар, иммигрантлар, мигрантлар, чет элликлар ва бошқалар ҳам зўравонликка учраши мумкин. Вояга етмаганларни жинсий ишга жалб этиб амалга ошириладиган қонунбузарликларнинг ўсиши давом этмоқда. 1995 йилда уларнинг миқдори 1990 йилга нисбатан 3 баравар ўсди.

АҚШ ва Буюк Британияда ўтказилган тадқиқотлар кўрсатишича, катта ёшли аёлларнинг 20 дан 30 % игача ва 10 % эркаклар болаликларида жинсий ҳақоратланишларга учраганлар. Бу ҳақоратларни асосан, қариндошлари ёки танишларидан бири амалга оширган. Фақат 25 % ҳолатларда жинсий шикастни нотаниш одамлар етказган. Бундай зўравонликларнинг 90 % ини эркаклар содир этган. Қиз болалар ўғил болаларга нисбатан ана шундай зўравонликларга 3 баравар кўпроқ қурбон бўладилар. Бироқ, ўғил болалар устидан содир этиладиган зўравонлик кўпинча оғир шаклларда юз беради. Жинсий зўравонлик ҳодисалари жамиятдаги барча ижтимоий қатламлар вакиллари орасида учрайди. Бироқ, зўравон ролини кўпинча интеллектли паст одамлар, алкоголиклар, психопатлар, руҳий хасталикка учраганлар бажарадилар.

Зўравонликка дуч келган бола одатда, қаттиқ қўрқинч ёки қўзғолиш ҳолатида бўлади. У катталар томонидан бериладиган кўмакка ва

тинчлантиришга муҳтож бўлади. Энг яхшиси уни тезликда оиласидаги одатий ҳаётга қайтаришдир.

Педагоглар қурбон бўлган болани синфдагиларнинг ортиқча кизиқишлари ёки истехзоли муносабатларидан ихоталаши лозим. Атрофдагиларнинг беодоб ва давомий аралашувлари юз берган ҳолларда, энг яхшиси, мактабни ёки турар жойни ўзгартиришдир. Ота-оналарнинг кўпчилиги ўз боласи устидан содир этилган зўравонликни яширадилар. Бироқ, зўравоннинг ҳатти-ҳаракатларини олдиндан билиб бўлмайди ва у бошқа болаларга йўналтирилиши мумкин. Шунинг учун ҳам тезлик ва катъият билан муҳофаза чораларини кўриш, милиция ва судгача мурожаат қилиш зарур.

Болаларнинг жинсий зўравонликларга учраши эҳтимолини пасайтиришга уларни тегишли тарзда тайёрлаш ва катталар томонидан назоратнинг мавжудлиги кўмаклашади. В. Е. Каган масалаҳат беришича, болаларга оддий ҳақиқатларни тушунтириш лозим: одамлар ҳар хил бўладилар, баъзиларнинг миясида ёмон мақсадлар бўлади; одамлардан кўрқиш керак эмас, бироқ зарур бўлиб қолганда сени ҳеч ким ҳимоя қила олмайдиган жойга бориш, ёт одамлардан ширинлик ва совғалар олиш, улар билан сайр қилиш керак эмас.

Россияда зўравонлик қурбонлари учун ижтимоий меҳмонхоналар ва танглик марказлари очилган; уйдаги зўравонлик қурбонларига телефонда ёки юзма-юз маслаҳатлар берилади; ишонч телефонлари, руҳий енгиллаш бўлимлари, ижтимоий хизматларда маслаҳат бўлимлари ташкил қилинади;

*Бошпанасиз одамлар билан ижтимоий иш олиб бориш*

С. И. Ожеговнинг “Рус тили луғати” да бошпанасизларга куйидагича таъриф берилади: “Уй-жойи, бошпанаси йўқ одам”. Бошпанасизлик ижтимоий ҳодиса сифатида инсониятнинг бутун тарихи мобайнида мавжуд

бўлиб келади. Одатда, унинг кескинлашуви ёки “портлаши” ижтимоий силкинишлар: урушлар, очлик, чекланган экологик фалокатлар, zilzilalar, тошқинлар, турлича танглик жараёнлари ва бошқаларда юз беради.

Россияда бошпанасизлик муаммосининг кескинлашувига ҳозирги кунда сабаб бўлаётган омиллар қуйидагилар:

етарли миқдорда уй-жойнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, унинг баҳоси юқори эканлиги; турар жойга ҳақ тўлаш учун маблағнинг етмаслигига олиб келадиган ишсизлик;

кўпчилик oilalar ва aloҳида фуқаролар даромадларининг пастлиги; жамиятнинг ижтимоий носоғломлиги (руҳий хасталар, хулқ-атвори меъёрдан оғаетган шахслар, гиёҳвандлар, алкоголиклар улуши; oilадаги носоғлом муносабатлар; камоқхонадан чиққан одамларнинг аҳволи).

Россия Федерацияси ва умуман МДХ мамлакатларида бошпанасизлар миқдори ўсишига олиб келаетган омиллар қуйидагилар: собиқ Иттифоқнинг парчаланиб кетиши; янги ташкил топган давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг беқарорлиги; миллатлараро ва этнослараро низолар; бозор иқтисодиёти оқибатлари; яшаш жойларида рўйхатдан ўтишнинг чеклаб қўйилиши.

Бошпанасизлар тавсифининг асосий белгилари: ижтимоий aloқаларини йўқотган собиқ махбуслар; расмий идоралар ёки хусусий шахслардан яшириниб юрганлар; чердаклар ва ертўлалар аҳолиси; бузиб ташланиши лозим бўлган ётоқхоналар, уйларда яшаётганлар; кўчиб юрувчи лўлилар; Россияда ўқиган ёки ишлаган чет элликлар; қаровсиз қолган болалар; кўчага чиқариб қўйилган ногиронлар, алкоголиклар, гиёҳвандлар. Бироқ, ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра, уй-жойидан ажралган одамлар: қочқинлар; мажбуран кўчирилганлар; ҳарбий қўшини дислокацияси ўрнини алмаштирган ҳарбий хизматчилар; мигрантларга aloҳида эътибор қаратиш зарур..

Бошпанасизлар билан олиб борадиган ижтимоий ишнинг шакл ва усуллари турли-туман: тун ўтказиладиган очик уйлар, тунаш жойлари; бомжлар ва дайдилар учун ташкил қилинаётган “ишонч телефонлари”; ошхона, душ ва кир ювиш хоналари мавжуд бўлган тунаш жойлари; ижтимоий марказлар ва ҳ.к. 1992 йилда қочқинларга ёрдам берадиган “Ватандошлар” Россия жамғармаси тузилган бўлиб, унинг бўлинмалари мамлакатдаги 20 минтақада фаолият олиб бормоқда. Қочқинларга комплекс ёрдам кўрсатаётган уй-жой қурилиш ширкатлари ва фермер хўжаликлари уюшмаларини тузиш мисоллари ҳам бор.

Бошпанасизлар билан ишлашда қуйидагиларга алоҳида ёндашув зарур: пастга урмаслик ва ўзидан итармаслик, инсоний муносабатни сезиш имконини бериш. Элементар хизматлар (тунаш жойи, овқат, тиббий ёрдам) ўзининг аҳволидан афсусланиш ва хафалик туйғусини уйғотмаслиги, аксинча, муаммони ўз кучи ёрдамида ҳам, ижтимоий муҳофаза органлари кўмагида ҳам ҳал қилиш мукинлигига ишонч уйғотиши лозим. Тўғри, бу ўринда меҳрибонликнинг ўзи кифоя қилмайди, бу шундай вазият-ки, уни ечиш тўлалигича молиявий масалага бориб тақалади. Турар жой муаммосини ҳал қилиш учун Россиялик иқтисодчилар турар жой учун ҳақ тўлашнинг янгича дифференциялашган тизимини жорий қилиш, УМШ (уй-жой мулкдорлари ширкатлари)ни кенгайтириш, якка тартибда уй-жой қурилишига моддий кўмак бериш кабиларни таклиф қилмоқдалар.

#### *Хулқ-атвори оғаётган болалар билан ижтимоий иш олиб бориш*

“Хулқ-атвори меъёрдагидан оғаётган” дейиш тўғрироқ бўлади. Меъёрдан оғиш ва меъёрнинг ўзи кўпинча тест ёки экспериментал усуллар ёрдамида аниқланади. Бироқ, оғаётган хулқ-атворнинг барча кўрсаткичларини назарий жиҳатдан талқин қилиш ва ўлчаш имкони йўқ. Шундай ҳолларда симптоматик кузатиш амалга оширилади.

Оғаётган (асоциал, девиант) деб ижтимоий меъёрлардан четга чиқиш холлари мунтазам кузатилаётган хулқ-атворга айтилади:

- ғаразли йўналтирилганлик (моддий, пул, мол-мулк манфаатини кўзлаб содир этилган ҳатти-ҳаракат ва ҳуқуқбузарликлар: ўғирликлар, ўзлаштиришлар, чайқовчилик, протекция ва ҳ.к.);

- агрессив йўналишдаги (шахсга қарши йўналтирилган ҳатти-ҳаракатлар: ҳақорат қилиш, безорилик, калтаклаш, зўравонлик қилиш, қотиллик);

- ижтимоий-пассив йўналишдаги (фаол ижтимоий ҳаётдан четга чиқишга интилиш, ўз мажбуриятлари ва бурчини бажаришдан қочиш, ўзининг шахсий ва ижтимоий муаммоларини ҳал қилишни истамаслик: ишлаш ва ўқишни хоҳламаслик, дайдилик, алкоғолли ва гиёҳванд моддалар, токсик воситалар истеъмол қилиш, ўзини-ўзи ўлдириш, суицид).

Оғаётган (девиант) хулқ-атворни икки даражага бўлиш мумкин: делинквент ёки криминаллашувгача бўлган даража, унда шахс ҳали жиноят ва тергов, суд органлари томонидан таъқиб қилинмайдиган ва жиддий ижтимоий хавф туғдирмайдиган жиноий ҳатти-ҳаракатлар субъектига айланиб улгурмаган бўлади.

Ўсмирлик ёшида хулқ-атвор бузилиши кўринишларини куйидагича тасниф қилиш мумкин: 1) дарсларга қатнашмаслик (баъзи дарсларга ёки баъзи кунлари мактабга бормаслик); 2) уйдан қочиб кетиш; 3) ўғирлик; 4) босқинчилик (тахдид ёки куч ишлатиш йўли билан); 5) муштлашишларда қатнашиш; 6) тез-тез низоларга киришиш (синф раҳбари билан, баъзи ўқитувчилар, мактаб маъмурияти, оила аъзолари, синфдошлар, тенгдошлар, муқобил жинс вакиллари ва бошқалар билан); 7) алкоғолли ичимликлар, гиёҳванд моддалар, уйқуни келтирувчи ва транквилизаторларга, чекишга берилиш (симуляция, сигареталарни ўйнаш, енгиллаш воситаси, обрўни кўтариш, одат); 8) сексуал хулқ-атвордаги девиациялар (мастурбация, петинг, эрта жинсий ҳаётни бошлаш ва ҳ.к.); 9) суицид хулқ-атвор; 10) кўрқишлар

(қоронғуликдан, ёлғизликдан, яқин қариндошлар ва яқин одамлардан ажралиб қолишдан ва ҳ.к.); 11) ўрганиб қолишлар, ҳатти-ҳаракат ва ритуаллар (кўз қисишлар, пешона ва бурунни тириштиришлар, елкани учириш, бармоқни сўриш, тирноқни тишлаш, омадсизлик ва ёмон фикрлардан асрашга қаратилган ритуаллар); 12) сўқинишлар; 13) девиант хулқ-атвор белгилари (манмансираш, фаолларга салбий муносабат, қиморга берилиш, совуқ қурол (пичоқ, кастет ва бошқалар) олиб юриш; татуировка; кийимдаги ўзига хос белгилар ва бошқалар).

Ҳозирги кунгача “ҳеч кимники бўлмаган” болалар тоифаси мавжуд бўлиб келмоқда-ки, унинг миқёси анча катта. Улар ота-оналари билан бир хонадонда турмуш кечирсалар ҳам, оилавий алоқалар жуда заифлашган ёки мутлақо барбод бўлган. Тегишли қаров ва парваришнинг йўқлиги, ривожланиб келаётган шахс эҳтиёжлари ва манфаатларига бепарволик, ота-оналар томонидан шафқатсиз муносабатда бўлиш қаровсиз боланинг психофизик ривожланишига, ахлоқий тараққиётига жиддий таҳдид туғдиради. Мактаб ана шундай болаларни ижтимоий муҳофаза ва реабилитация қилиш муаммосини тўла ҳал этиш имкониятига эга эмас. Бундай болалар кўпинча қаровсиз болалар гуруҳига ўтиб қолади. Улар вокзалларда тунашади, кўпинча оч-наҳор юришади, ривожланишда эса аномалияларга эга.

Баъзи мактаб ўқувчилари томонидан спиртли ичимликларга ружу қўйиш муаммоси айниқса хавфлидир. Бунинг сабаблари: 1) қизиқувчанлик (алкогол менга қандай таъсир қилар экан?) – бундай ҳодисага йўл қўймаслик учун ота-оналар ўз фарзандларининг хулқ-атворларини мунтазам назоратда тутишлари, алкогольнинг инсон танаси, айниқса бола танаси учун қанчалик зарар келтиришини тушунтириб боришлари лозим; 2) мақсади спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддаларни қай йўл билан бўлса ҳам топиш ва биргаликда истеъмол қилиш бўлган ёшлар гуруҳига қўшилиб қолиш, бундай ўсмирлар кўпинча паст руҳий тараққиёт даражасига эга бўлишади, фойдали

жамоавий фаолиятда ва кўнгили очишларда иштирок этишмайди, ўзларига ишончлари йўқ ва пассив бўлишади. Бундай ўқувчиларни спиртли ичимликларга ружу қўйишнинг ҳалокатли оқибатларидан ихоталаш учун уларни маънавий ривожланишлари ва ўзларини намоён қилишларига ёрдам берадиган соғлом тенгдошлари жамоаси фаолиятига жалб қилиш лозим.

Ичкиликбозликка ружу қўйишнинг сабабларидан яна бири баъзи ўқувчиларнинг криминал гуруҳларга кириб қолиши билан боғлиқ. Бундай ҳолларнинг ташаббускори барча кўнгили очиш ва ҳордиқ чиқаришнинг зарурий шarti алкоголь ва гиёҳванд моддалар, деб ҳисоблайдиган ёшлар бўлишади. Уларга иродаси заифроқ ва қатъияти йўқ болалар эргашади. Бу ҳол бирдамлик туйғуси юзасидан амалга оширилади. Бундай ўқувчилар учун маст бўлиш ўз-ўзидан эмас, балки ўзини катта ва мустақил одам сифатида намоён қилиш учун зарур. Бундай ўқувчиларга ҳозирги замон шахсининг ҳақиқий қимматли сифатларини тушунтириш, ана шуларга эргashiш истагини пайдо қилиш, фойдали иш ёрдамида ўз характерини шакллантириш, қобилиятларни ривожлантириш, ўзлигини намоён қилишга ўргатиш лозим.

Қизларнинг ичкиликбозликка берилиши шахсининг жиддий деформацияга учраганидан далолат беради. Бундай ҳолларда ҳордиқ чиқариш устидан ҳар томонлама назорат ўрнатиш ва уларда ҳақиқий ахлоқий установкалар ва қадриятларни тиклаш учун тинимсиз ва давомий иш олиб бориш зарур бўлади.

Ўсмирлик ёшида сурункали алкогольизм ҳоллари учрайди. Ижтимоий соҳа ходими ўсмирларни маст қилиб қўйишга қарши муайян ҳуқуқий меъёрлар мавжудлигини билиши лозим. Масалан, уларга спиртли ичимликлар сотиш ва ичиш маън қилинади. Ўқувчиларнинг маст ҳолда пайдо бўлиши уларнинг ота-оналарига жарима солишни келтириб чиқаради. Балоғатга етмаганларга спиртли ичимлик ичириш маъмурий жавобгарликка олиб келади, шундай ҳол хизмат юзасидан боғлиқлик шароитида амалга

оширилса, унда жиноий жазо чоралари кўрилади. Ўсмирларга мунтазам тарзда спиртли ичимликлар ичириш ҳам худди шундай чоралар қўллашга сабаб бўлади.

Ёшлар томонидан спиртли ичимликларга ружу қўйиш ҳолларига қарши курашни ҳеч қачон маън қилиш ёки қоралаш, четдан бўлаётган таъсирни бартараф этиш шакллари билан чеклаб бўлмайди, бунинг учун ўқувчилар ахлоқини ривожлантириш, уларнинг қизиқишларини кенгайтириш йўлида катта иш бажариш лозим.

14 ёшгача бўлган болалар томонидан ҳуқуқнинг бузилиши уларни жиноий жавобгарликка тортиш учун сабаб бўла олмайди. Болалар учун ота-оналари ёки мураббийлари жавоб беради. 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўқувчилар фақатгина жуда оғир жиноят содир этганликлари учун суд орқали жазоланадилар, бунда уларга нисбатан қўлланадиган жазо чоралари катталарга нисбатан қўлланадиган жазо чораларига нисбатан анча юмшоқ бўлади.

Ана шундай болаларга ёрдам кўрсатиш мақсадида оилавий алоқаларни йўқотган, интернатда яшашни истамаётган, қаровсиз, доимий турар жойсиз, яшаш воситаларисиз қолган болаларни ижтимоий реабилитация қилиш махсус марказлари тузилган.

#### *Қаровсиз қолган болалар билан ижтимоий иш олиб бориш*

Фуқаролар уруши, Улуғ Ватан уруши ва урушдан кейинги йилларда бўлгани сингари охириги ўн йилликда ҳам қаровсиз болалар муаммоси пайдо бўлди. Баъзи маълумотларга кўра, ҳозирги Россияда 2 миллиондан ортиқ қаровсиз болалар бор. Болаларни уйдан қочиб кетишга баъзан хаёлпарастлик ва кучли таассуротлар олишга интилиш ундайди. Бироқ, оилавий беқарорликни чуқурлаштириб юборадиган ижтимоий беқарорлик даврларида



болаларнинг уйдан кетиб қолиши унчалик оз учрайдиган ҳодиса эмас ва у ижтимоий-иқтисодий ҳамда ижтимоий-педагогик сабабларга эга.

Етти ёшгача бўлган болалар амалда уйдан кетиб қолишмайди. 7-9 ёшларда эса бу ҳол одатда, ота-оналарнинг педагогик лаёқатсизлиги, баъзан эса болаларнинг ортиқча мулоқотмандликка интилиши сабабли юз беради. Болаларнинг уйдан қочиб кетиш ҳоллари 10-13 ёшларда жуда кўп юз беради. Бунинг сабаблари эса улар ҳақида ота-оналарнинг етарли ғамхўрлик қилмасликлари, уларни тез-тез сўқиш, арзимас сабаблар туфайли жазолаш бўлиши мумкин.

Қочиб кетишга ундайдиган асосий нарсалар қуйидагилар: ижтимоий нотинч оилаларга мансублик, ота-оналар учун уялиш (масалан, алкоголиклар, атрофдагилар билан ўзини нотўғри тутадиган ота-оналар учун ва ҳ.к.); ота-оналарнинг ўз болалари мактабда учраган қийинчиликларга бефарқлиги. Мана шундай вазиятлардан чиқишнинг тўғри йўли кўпинча ўқитувчилар ва ижтимоий ходимлар томонидан амалга оширилади. Уларнинг бурчи боланинг хулқ-атворидаги номаъқулчиликларни сезгандан кейин мактабда унинг атрофида, мулоқотнинг норасмий муҳитида (турли кампанияларда, ҳовлидаги ёшлар бирлашмаларида ва бошқа жойларда) юз бераётган ҳодисаларни чуқур таҳлил қилишдан иборат. Ижтимоий ходим ҳар қандай низо шароитида бола ва унинг оиласи тарафини олиши, уларни қатъий қўллаб-қувватлаши зарур.

Болаларнинг уйдан қочиб кетиши дўстлари таъсирида юз бериши мумкин. Бундай ҳолларда ўсмирнинг дайдилик турмуш тарзига чек қўйишдан ташқари оилада, ўқувчилар жамоасида, жамоат ташкилотида иштирок этишнинг жозибали бўлишини таъминлашдан иборат. Ижтимоий ходим боланинг ҳовлидаги дўстлари орқали у қатнаётган жойларни ўрганиши, у ерда яшаётган дайди болалар билан алоқа ўрнатиши мумкин.

Ўсмирлар қадрдон уйини ота-оналарнинг ортиқча назорати ва авторитар услуби туфайли ташлаб кетиши мумкин. Бунга саёҳатларга бўлган

интилиш ҳам қўшилади. Бундай ҳолларда ўсмир қочиб кетиш маршрутини олдиндан ўйлаб қўяди, зарур нарсалар ва баъзи озиқ-овқатлар тайёрлаб қўйилади, шериклар изланади. Кўпинча уйдан юқори фаол хулқ-атворга эга бўлган болалар қочиб кетишади. Бундай ҳол боланинг ҳаддан ташқари ҳаракатчанлиги ва ғайрати катталарнинг салбий реакциясига сабаб бўлади ва низога олиб келади. Бундан ташқари, дайдилик уларнинг фаоллиги ва ташаббускорлиги учун кенг имконият очиб беради. Бундай болалар уйдан қочиб кетишининг олдини олиш учун уларни ижтимоий фойдали, қизиқарли ва фаоллик талаб қиладиган тадбирларга жалб этиш лозимки, улар ўзларининг ғайрати, тиришқоқлиги, топқирлигини фойдали ишларда намоён қила билсин.

Ўқув предметлари бўйича яхши улгурмаётган болаларнинг қочиб юриши узокроқ давом этади. Уятчан, камсуқум ўқувчиларнинг уйдан кетиб қолиши кўпинча каттароқ ёшдаги ва тажрибали дўстлари таъсирида юз беради.

Россияда сўнгги йилларда ўсмир-бомжларнинг анчагина миқдори пайдо бўлди. Кўпинча улар жиноятчи ташкилотлар томонидан ўғирлаб кетилади, улардан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги қулларча меҳнатда, стихияли бозорларда фойдаланилади, улар болалар фоҳишалигига ва гиёҳвандликка тортилади, бу эса ОИТС эпидемияси тарқалиши эҳтимолини ошириб юборади. Россиядаги ҳар бир шаҳарда қаровсиз болалардан фойдаланадиган мафия тузилмалари мавжуд. Яна бир хавф - бир бурда нон илинжида амалга оширилган безорилик, майда ўғирлик, босқинчилик ва қаллоблиқдир. Ижтимоий ходим мактабдан четда қолган болаларни назардан қочирмаслиги, уларга ўз вақтида ёрдам кўрсатиши зарур.

Қаровсиз болалар учун қабул қилиш-тақсимлаш муассасалари ташкил этилиб, уларнинг бош вазифаларидан бири қаровсизлик ва болалар ўртасидаги қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олишдир. Қабул қилиш-тақсимлаш муассасаси ташлаб кетилган; адашиб қолган, ота-онаси

ёки уларнинг ўрнини босадиган шахслар оталиғисиз қолган; балоғатга етмаганларнинг иши бўйича комиссияларнинг қарорига кўра юборилган; оилаларни ташлаб кетган; болалар уйлари, мактаб-интернатлар, махсус мактаблар ва касб-хунар билим юртлиридан ўзбошимчалик билан кетиб қолган болалар билан шуғулланади.

Етим болалар, кам таъминланган ва тўлиқсиз оилаларнинг болалари, ногирон болалар билан олиб бориладиган ишнинг инновацион технологияларини кўриб чиқишда Американинг “катта биродарлар/ катта опа-сингиллар” дастури асосида ишлаб чиқилган “Индивидуалликлар диалоги” дастури – ДИМСИ ката қизиқиш уй<sup>1</sup>/<sub>4</sub>отади. Дастурнинг вазифаси – бола ижтимоий муҳитини уй<sup>1</sup>/<sub>4</sub>унлаштириш; оилавий тарбияга кўмаклашиш; бир-бирларини ижтимоий ходим ёрдамида топган бола ва катталарнинг ўзаро фаолиятини ташкил қилиш; ижтимоий муаммоларни ечиш, ижтимоий ва фуқаролик фаоллигини ривожлантириш. Дастур тўрт томонлама намунавий шартнома тузилишини тақозо қилади, у ижтимоий ходим (кичик ва катта акалар ва опалар биргаликдаги фаолиятини назорат қилувчи ва маслаҳатчи), боланинг ота-оналари (восийлар), бола (кичик ука/сингил) ва волонтер (катта ака/опа) иштирокида тузилади. Кўп ҳолларда волонтерлар – олий ўқув юрталарининг (18 ёшдан кам бўлмаган) талабалари, педагоглари, ўз боласи бўлмаган 35 ёшгача бўлган ёшлар. Кичик-катталар ўзаро мулоқот қилишади, муаммоларни биргаликда ҳал қилишади, уй вазифаларини бирга бажаришади, концертлар, кўргазмалар, бошқа томошаларга бирга боришади, спорт билан шу<sup>1</sup>/<sub>4</sub>улланишади, бошқа шаҳарларга экскурсиялар уюштиришади. Бу ишдаги Россияга хос бўлган хусусиятлардан яна бири ана шундай бир неча жуфтликнинг биргаликдаги ижодий ишлари, тадқиқот услубиятларини биргаликда қўллаши, ижтимоий-педагогик кундаликларда олиб борилаётган ишларни қайд этиш ва албатта умумлаштириш ҳамда таҳлил қилишдир.

қилиш-тақсимлаш хоналарида болаларнинг бўлиш муддати сабабларига қараб турлича бўлиши, бироқ 60 суткадан ошмаслиги лозим. Афсуски, маълумотсиз, касбий тайёргарликсиз, бошпанасиз қолган болалар қабул қилиш-тақсимлаш муассасаларидан чиққач, тергов изолятори ва қамоқхонага тушиб қолмоқдалар.

Россияда ўнлаб жамоат ташкилотлари ва жамғармалар фаолият юритмоқдаки, уларнинг фаолияти болалар қаровсизлиги олдини олишга қаратилган. Махсус ижтимоий хизматлар, ижтимоий тез ёрдам хизмати, бошпаналар (бир йилгача муддатда яшаганидан кейин оиласига қайтарадиган бошпана – пансионлар ва оиласида яшаши мумкин бўлмаган болалар узоқ муддат яшаши учун мўлжалланган бошпана - жамоалар) фаолият юритмоқда.

Ижтимоий ходимнинг бош вазифаси - оиланинг муаммоларига кириб бориш, бола қаровсиз бўлиб қолгунига қадар унга ёрдам кўрсатиш; болани оилада ушлаб туриш, унинг кетиб қолишига йўл қўймаслик, чунки бу нарса бола кўчага кетиб қолгандан кейин уни излаш, даволаш, реабилитация қилиш ва қайта тарбиялашга сарф қилинадиган харажатларга нисбатан минглаб марта арзонроқдир.

*Суицидал хулқ-атворли одамлар билан ижтимоий иш олиб бориш*

Ўзини ўлдириш, суицид (лот. Sui-ўзини ва caedere-ўлдириш сўзларидан олинган), суицидал хулқ-атвор - олдиндан ўйланган ҳолда ўзини ўлдиришдир. Ўзини ўлдириш деганда қуйидагилар тушунилади: 1) муайян шахс томонидан ўзини ўлдиришдан иборат индивидуал хулқ-атвор; 2) муайян миқдордаги одамларнинг ўз ихтиёрига кўра ҳаётдан кўз юмиши. Тор, тиббий-ҳуқуқий маънода эса, ўзини ўлдириш, сабабларини кўрсатган ҳолда ўз жонига қасд қилишдир. Кенг маънода эса суицид - ўзини барбод қилишга қаратилган ҳатти-ҳаракат бўлиб, унинг таркибига ичкиликбозлик, тамаки чекиш, гиёҳванд моддалар истеъмол қилиш, ортиқча кўп овқат ейиш (мечкайлик), альпинизм, мотопойгалар ва ҳ.к.лар ҳам киради.

Суицидал хулқ-атвор суицидал фаолликнинг барча кўринишлари - фикрлар, ниятлар, гаплар, таҳдидлар, жонига қасд қилиш учун уринишларни ҳам қамраб олади. У уч асосий кўринишга эга бўлиб, улар қуйидагилар:

- демонстратив суицидал хулқ-атвор (аслида ўзини ўлдириш нияти йўқ, бироқ ўзини ўлдириш сахнасини ўйнаш, баъзан эса ўз вақтида қутқариб қолишларини мўлжаллаб қилинган ҳаракатлар) амалга оширилади. Унинг мақсади эса йўқотилган эътиборни қайта тиклаш, ачиниш, шафқат, ҳамдардлик ҳисларини уйғотиш, туғилаётган таҳдидлардан қутилиш, хафа қилгувчини унга қарши атрофдагиларнинг ҳис-туйғуларини уйғотиш орқали жазолаш ёки бўлмаса, унга жиддий хафагарчиликларни ташкил қилишдан иборатдир. Бундай сахналар ўйналаётган жой у кимга йўналтирилганидан

гувоҳлик беради: уйда бўлса - ота-она ёки қариндошларга қарши, тенгдошлар даврасида - шу гуруҳ аъзоларидан бирига, қўлга олиш пайтида эса - милиция ходимларига қарши ва ҳ.к. Қиз болалар кўпинча ўзларини захарлашга, ўғил болалар ўзларини осишга, веналарини кесишга ёки захарли бўлмаган моддалар билан ўзларини захарлашга ҳаракат қиладилар;

- аффектив суицидал хулқ-атвор- аффект (кучли ва нисбатан қисқа муддатли эмоционал хис-туйғу) таъсирида содир этиладиган ҳатти-ҳаракатлар бўлиб, бирнеча дақиқа давом этиши, баъзан эса таранг вазият натижасида бирнеча соат ёки суткалаб давом этиши мумкин. Бундай ҳатти-ҳаракатлар жараёнидаги бирнеча дақиқаларда ростдан ҳам ўзини ўлдириш фикри туғилиши мумкин, бунинг эҳтимоли ҳақиқатдан йироқ эмас. Бироқ, бу ўринда ҳам кўпинча рол ўйнаш ҳолати мавжуд. Унинг намоён бўлиш кўрсаткичларига қараб психологлар қуйидаги турларни фарқлайдилар: аффектив намоёишкорлик, “ўзини кўрсатиш” мақсадидаги аффектив намоёишкорлик, аффектив реакция чўққисида эса ҳақиқатан ҳам ўзини ўлдиришга интилиш. Бундай ҳатти-ҳаракатларнинг 27 % маст ҳолда содир этилади. Кўринишига кўра эса, улар кўпинча ўзини осишга ёки захарлашга ҳаракат, камроқ ҳолларда эса венани кесишга ҳаракат шаклида намоён бўлади.

Россияда сўнгги йилларда ўзини ўлдиришнинг улуши ёшлар орасида ортиб кетди. Ўзини ўлдираётганларнинг ўртача ёши пасайиб бормоқда, бугун ўсмирлар суицидининг кўтарилиб бораётган тўлқини ҳақида сўз юритилмоқда. Ўсмирлар учун хос бўлган муаммолар орасида ота-оналар билан муносабат масаласи биринчи ўринда туради (70 %), иккинчи ўринда – мактаб билан боғлиқ қийинчиликлар, учинчи ўринда эса дўстлари билан ўзаро муносабатлардаги муаммолар туради.

Ўсмирнинг ўзини-ўзи ўлдириши унинг атрофдаги одамларга таъсир ўтказиш усулидир: ўзининг аҳволини намоёиш қилиш; ёмон муносабатдан кутулиш; севги-муҳаббатни намоёиш қилиш; бошқа одамга таъсир ўтказиш;

ёрдамга чақириш. Ўз жонига қасд қилар экан, ўзининг катталар билан тортишувдаги сўнги далилга - унинг фикрича, эшитмасликнинг иложи бўлмаган далилга мурожаат қилади. Ҳаёт билан ўлим ўртасидаги чегарани аниқ тасаввур қила олмас экан, бола ўлим тўғрисида ибтидоси ва интиҳоси мавжуд бўлган ҳолат, деган тасаввурда бўлади. Ўзи учун чидашнинг иложи бўлмаган вазиятда ўлишни самимий истар экан, у аслида “яшашни кўзда тутди”. Бу ўринда катта ёшлилардаги сингари шантаж қилишга уриниш ва аниқ ҳисоб-китоб юритиш йўқ, бироқ соддадил ишонч борки, унга кўра, боланинг ўлими ҳеч бўлмаса, ота-оналарнинг кўзини очиб кўяди, барча мушкулликлар тугагандан кейин, улар яна омонлик ва аҳилликда турмуш кечиришади (Н. Фарбероу)..

Суицидал хулқ-атворнинг содир этилишига ёлғизлик, айниқса кексаликдаги ёлғизлик сингарилар таъсир ўтказди; оилавий низолар ҳам суицидал омиллар жумласига киради. Мавсумий қонуният ҳам аниқланган: ўзини ўлдиришларнинг максимуми баҳор-ёз ойлари (март-июль)га тўғри келса, минимуми кузги-қишки (сентябр-декабр) ойларига тўғри келади. Суицидал ҳатти-ҳаракатлар миқдори тугалланган ўзини-ўзи ўлдиришларга нисбатан 5-10 баравар кам.

Суицидал хулқ-атворли кишилар учун суицидология хизматлари, ижтимоий-психологик ёрдам хизматлари, ишонч телефонлари ташкил этилган бўлиб, хайрия жамиятлари ҳам фаолият юритади. Болалар билан профилактик иш олиб бориш ҳам, характерни, ҳаётий оптимизмни, барқарор ҳаёт туйғусини шакллантириш ҳам жуда муҳим.

*Алкоголизм ва гиёҳвандликка мубтало бўлганлар билан ижтимоий иш олиб бориш*

Алкоголизм ва гиёҳвандлик миллат генофондини жисмоний мажруҳлик ва деградация томон етаклайди, шунингдек, у жамиятнинг ижтимоий саломатлигини бузади.

ЖССТ баҳосига кўра, алкогольли ичимликларни истеъмол қилиш умумий ўлимлар миқдорининг учдан бир қисмини ташкил этади. Ажралишларнинг 25-30 фоизи эр-хотинлардан бирининг ичкиликбозлиги туфайли юз беради.

Гиёҳванд моддалар ўзини кўрсатиш, ёки бўлмаса ўзига ўхшашлар орасига сингиб кетиш имкониятидир. Маън қилинган нарса ширин бўлади: хаттоки, ОИТС юқтириш хавфи ҳам баъзан қаҳрамонлик сифатида қабул қилинади. Катта миқдордаги пулларни сарфлаб, ўзини кўрсатиш ҳам, даҳшатли ва оғриқли (хатто, юридик) оқибатларга олиб келса ҳам, ғурур ҳисобланади. Гиёҳванд моддалар ҳозирги ёшлар орасидаги суҳбатларнинг асосий мавзуларидан биридир.

Кўпчилик одамлар (турли тадқиқотчиларнинг фикрларига кўра, 50 % дан 70 % гача) умрида ҳеч бўлмаса бир марта гиёҳванд моддани тотиб кўрган. Кўп ҳолларда истеъмол қилишнинг сабаби ё қизиқувчанлик, ёки бўлмаса лаззат олиш (ёки оғриқдан қутулиш) истаги.

Гиёҳванд моддаларнинг зарарлари: “синиш” – охириги натижа; саломатликнинг ёмонлашуви; ақлий қобилиятларнинг пасайиши; ОИТС билан зарарланган “хатар гуруҳига” тушиб қолиш; келажакнинг йўқлиги.

Ижтимоий иш шартли равишда “алкоголик”, “наркоман” деб аталадиган босқичлардан олиб чиқишни ва унинг жамиятга мослашуви жараёнида кўмак беришни назарда тутади.

Алкоголизм ва гиёҳвандликка гирифтор бўлганлар учун махсус даволаш марказлари ташкил этилади.

Гиёҳвандлар тўпланадиган жойларни аниқлаш учун махсус кўча патруллари ва бригадалар фаолият юритади.

Алкоголизм ва гиёҳвандликка гирифтор бўлганлар учун ҳозирги кунда “Хушёрлик ва оила”, “Алкоголизмга – йўқ!”, наркологик реабилитация марказлари ташкил этилмоқда, бундай беморлар тезроқ шифо топишлари учун махсус услубиятлар яратилмоқда. Россия ёшлар Иттифоқининг ўқувчи



ёшлар Уюшмаси томонидан ташкил этилган, педагоглар, ота-оналар ва болаларнинг ўзлари томонидан фойдаланиладиган профилактик тадбирлар комплексини қамраб оладиган “Раҳмат, йўқ” дастури эътиборга сазовордир.

### *Сексуал озчиликлар билан ижтимоий иш олиб бориш*

Ҳамжинсбозлик (гомосексуаллик) - фақатгина ёки бўлмаса, асосан ўз жинси вакилларига жинсий майл сезиш, улар билан эмоционал ва жисмоний яқинлик қилишга интилишдир. Ҳамжинсбозлик эркакларники (педерастия) аёлларники (лесбианизм) фаол (шериги билан аёллардай муомала қилувчи “эркак” хулқ-атвори) ва пассив (ўз шериги билан эркаклар биландай муносабатда бўлувчи “аёллар”) кўринишларида мавжуд.

Агар ҳамжинс алоқа муқобил жинс вакиллари билан алоқа қилишнинг иложи йўқлиги (қамоқхона, армия, ихоталанган бир жинсли жамоа) ёки руҳий касаллик билан боғлиқ бўлса, у ҳамжинсбозлик ҳисобланмайди. Транзитор ўсмирлар гомосексуал жинсий интилиши ўз жинси вакилларига йўналтирилган оғишни англатади. Ўсмирларда бундай хулқ-атвор жинсий майлнинг аниқ дифференциялашмагани ёки уни табиий йўл билан қондириш иложи бўлмагани туфайли вужудга келади. Ёш ўтиши билан сексуалликдаги бундай бузилиш ҳам ўтиб кетади. Эркакларнинг 30 фоизи ва 20 фоиз аёллар ҳаётларининг қайсидир бир даврларида ўз жинси вакиллари билан жинсий алоқада бўлганлари маълум, бироқ бундан уларнинг майллари ўзгариб қолмайди.

Бизнинг мамлакатимизда гомосексуал майлларни ўрганишга бўлган индамай таъқиқлаш мавжуд эди, бу мавзудаги адабиётлар порнография ёки мафкуравий зарарли адабиётлар ҳисобланарди, совет тузумида эркаклар ўртасидаги жинсий алоқалар жиноий жавобгарликка олиб келарди. 1993 йилда Россияда жиноят кодексининг бу моддаси бекор қилинди.

Дунёдаги турли мамлакатларда ҳамжинсбозлик тарқалишининг барқарор кўрсаткичи мавжуд бўлиб, у эркаклар орасида 3-4%, аёллар

орасида 1-2 % ни ташкил қилади. Ҳамжинсбозлик кўпинча туғма майл натижасида вужудга келадиган шахс моҳиятининг ифодасидир.

Дунёда “сексуал озчиликлар” ҳуқуқларини тан олиш, бундай алоқаларни жамият томонидан қораламасдан, очиқ амалга ошириш учун кураш бормоқда. Махсус тест тадқиқотлари ҳамжинсбозлар шахсиятида бошқаларга нисбатан оғишлар йўқлигини, уларнинг кўпчилиги ижтимоий жиҳатдан яхши мослашганини кўрсатмоқда. Шунга қарамастан, уларнинг кўпчилиги руҳий қўллаб-қувватлаш, мутахассислар маслаҳатига муҳтожлик сезади.

Ўзини нотипик майлли ўсмир, йигитча сифатида ҳис қилиш шахсий тангликка, депрессияларга, асабий ҳолатларга, алкоголизмга, ноўрин дори воситаларини кўп миқдорда қабул қилишга олиб келади.

Ўзининг гомосексуаллигини у ёки бу шаклда англайдиган, бироқ буни бошқалардан яширадиган одамларда ҳаётнинг сексуал ва носексуал аснолари орасидаги мувозанат бузилади. Шахс кадриятлари иерархиясида сексуал қизиқишлар жуда юқори ўрин тутаяди. Ўзининг ташқи кўриниши, хатти-ҳаракатлари, бошқаларнинг муносабатлари, жозибадорлик даражаси тўғрисидаги кўплаб марта такрорланиб турувчи туйғулар сексуал шерик топиш ҳақидаги тинч қўймас фикрлар билан қўшилиб кетади. Янги бетартиб ва тез-тез бўлиб турадиган жинсий алоқаларда ўзини намоён қилиш, ўзининг жозибадорлигини тасдиқлаш, ҳақиқий ва сохта ёлғизликдан қочишга интилиш намоён бўлади, бу эса боши берк вазият туйғусини яна ҳам кучайтиради.

16-18 ёшли ҳамжинсбозлар орасида ўзини-ўзи ўлдириш гетеросексуал шахслар орасидагига нисбатан 5-7 баравар ортиқ.

Гетеросексуал оила стереотипи ва ундаги ролларнинг тақсимланиш характери ҳамжинс жуфтлар орасида барқарор шериклик муносабатлари шаклланишига тўсиқлик қилади, муқаррар низоларга олиб келади. Ўрта ва катта ёшдаги одамлар шериклик муносабатларини шакллантира олмаган,

жозибасини йўқотган, рухий осойишталикка эга бўлмаганлар ўзларининг ёлғизлигини ва кераксизлигини кескинроқ ҳис қиладилар ва жинсий алоқаларга кўпинча ўсмирлар ва ёш йигитларни жалб қиладилар ёки бўлмаса, бундай вазиятдан чиқишнинг йўлини катта миқдордаги дори воситалари, алкогольли ичимликлар, гиёҳванд моддалар истеъмол қилишдан излайдилар, уларнинг орасида ўзини ўлдириш ҳоллари ҳам кўпроқ учрайди.

Сексуал озчиликлар гуруҳига гомосексуал шахслар билан бир қаторда транссексуалларни, яъни ўзини муқобил жинснинг вакили сифатида ҳис қиладиган ва жинсини ўзгартиришга интиладиган одамларни ҳам киритишади. Бундай одамлар ўзларининг жисмоний қобикларини инкор қиладилар, улар ўзларини, масалан, аёл сифатида ҳис қилганлари ҳолда, уларга эркеклар сингари муносабатда бўлишларидан азобланадилар. Жаҳон статистикасига кўра, эркеклар орасида транссексуаллар 100 000 дан битгани ва аёллар орасида 300 000 дан битгани ташкил қилади. Ҳозирги кунда бундай одамларга тиббий текширувдан ўтиш, жарроҳлик операцияси қилиш ва янги ном билан паспорт олиш имкони берилган. Шундай оилалар бор-ки, улардаги эр-хотинлардан бири ўзининг жинсини ўзгартирган. Тадқиқотлар кўрсатишича, транссексуалларнинг кўпчилиги гомосексуал майлли шахсларга салбий муносабатда бўладилар ва ўзларини улар қаторига қўшмайдилар.

Сексуал озчиликлар олдидаги муаммолардан бири гомофобия бўлиб, у гомоэротик туйғулар ва истакларга, гомосексуал майллик одамларга нисбатан душманлик ва улардан кўрқишни билдиради. Гомофобия турли шаклларда намоён бўлади: муаммони назар-писанд қилмаслик ёки инкор қилиш, турли шаклларда уларни сиқиш, хурофотлар, буларнинг бари бир жинсли ҳаёт тарзини қоралашга, ҳимоянинг йўқлигига, ишда, рўйхатдан ўтишда, бирга турмуш кечиришда, мерос масаласида, болаларни тарбиялашда турли хил дискриминацияларга олиб келади.

Кўпинча болалар ва ўсмирлар алдаш ёки зўравонлик йўли билан гомосексуал муносабатларга тортилади. Бундай ҳолларда балоғатга етмаганларни бузиб қўйиш тўғрисида гап боради-ки, бу ҳатти-ҳаракатлар дунёдаги барча мамлакатларда қонун йўли билан қаттиқ жазоланади.

Болаларни йўлдан уриш ва бузиб қўйиш ҳаракатлари турлича: болаларни яланғоч қилиб ечинтириш, болаларга жинсий аъзоларини кўрсатиш ёки уларнинг ўзларини шундай қилишга ундаш, сексуал ўйинлар, порнографик откриткаларни кўрсатиш, жинсий алоқа таклиф қилиш ва бошқалардир. Бундай ҳатти-ҳаракатлар фақат руҳий хасталар ёки жиноятчилар томонидан эмас, балки ўз тенгдошлари билан сексуал муносабатларни йўлга қўя олмаётган ёки бўлмаса, ўзининг жинсий қобилятларидан шубҳаланаётган ёшлар томонидан ҳам содир этилиш мумкин.

Сексуал озчиликларнинг юсак фаолликлари туфайли ҳозирги кунда гомосексуал субмаданият тез ривожланмоқда. Гомосексуал дискотекалар, кўргазмалар, концертлар, фестиваллар мунтазам ўтказилмоқда. Сексуал озчиликларга ёрдам кўрсатиш Жамғармаси, ишонч телефонлари ишлаб турибди, психологик ва психотерапевтик ёрдам кўрсатилмоқда. Бундай фаолиятнинг доимий йўналишларидан бири ОИТС профилактикаси, вирус ташувчилар ва беморларга, репрессияга учраганларга, мухтожларга ёрдам кўрсатишдир. Ижтимоий ходим сексуал озчилик вакилларида ўз-ўзини англашни, ўзига ҳурматни, масъулиятни тақозо қиладиган, ўз ҳуқуқларини, қарашларини, турмуш тарзини ҳимоя қилишга эҳтиёжни шакллантириш; жамоатчилик фикрида гомосексуализмга нисбатан тўғри реакцияни шакллантириши зарур.

### *Ижтимоий иш ва фоҳишалик*

Фоҳишалик деганда, ҳақ эвазига мунтазам равишда жинсий хизмат кўрсатиш тушунилади. Фоҳишалик билан шуғулланаётганлар ва банд аҳоли ўртасидаги ўртача иш ҳақи миқдорида фоҳишалар фойдасига мавжуд бўлган қатта фарқ унга кўпчиликлари жалб этиш учун кучли рағбат ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Россияда ҳар бир минтақадаги ички ишлар бошқармалари таркибида фоҳишалик ва порнография устидан назорат қилувчи махсус бўлимлар тузилган. Бироқ, фоҳишалик билан боғлиқ фаолиятга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий ва жиноий-ҳуқуқий санкциялар деярли қўлланилмайди.

Россия қонунчилигига биноан, фоҳишалик билан шуғулланиш маъмурий ва жиноий ҳуқуқларни бузиш ҳисобланиб, унга ва қўшмачилик қилиш, балоғатга етмаганларни фоҳишаликка тортиш учун тегишли жавобгарлик кўзда тутилади.

Фоҳишаликнинг бир нечта шакллари мавжуд: “меҳмонхона” фоҳишалиги – сексуал тижоратнинг ташкилий шакли бўлиб, турли жиноий гуруҳлар томонидан назорат қилинади; “хусусий” фоҳишалик – махсус хизматларни (клублар, сауналар, салонлар, косметика ва уқалаш кабинетлари, танишиш бюрolari ва марказлари) таклиф қилувчи кўплаб “агентликлар” томонидан ташкил қилинади, газеталарда кенг реклама қилинади; “Хонадон” фоҳишалиги – бир ёки бир нечта фоҳишалар томонидан ташкил этилган мижозлар тармоғи; “кўча” фоҳишалиги; “вокзал” фоҳишалиги; “синдириш” фоҳишалиги – мижозларни ресторанларда, барларда, кафеларда топиб, олдиндан уларнинг пулини олиш ва улардан кутилишнинг йўлларини олдиндан ўйлаб қўйиш; “балоғатга етмаганлар” фоҳишалиги; “хорижий мамлакатлар” фоҳишалиги-мафия тузилмалари томонидан энди фоҳишалик йўлига кирган, тажрибасиз, қуйи ижтимоий мавқега эга бўлган қизлар ва болаларни чет элларга сотиб юбориш.

Қизлар ва болалар ўртасидаги фоҳишаликнинг асосий сабабларидан бири, пул ишлаб топиш ва унга “гўзал ҳаёт сари” интилишнинг кўшилиб кетишидир, ундан кейинги ўринда эса умумижтимоий характерга эга бўлган маданият даражасининг, жумладан, жинсий маданият даражасининг пастлиги, оиладаги нотинчлик ва бузукликлар туради.

Ижтимоий ходим фоҳишалик билан шуғулланаётган одамлар турмуш тарзининг ҳақиқий манзарасини, уларнинг “гўзал ҳаёти” афсона эканини ҳаётдаги аниқ мисолларга, мумтоз адабиётга ва кинематографияга мурожаат қилиб ишончли тарзда кўрсатиб бериши зарур.

### ***Иқтидорли болалар билан ижтимоий иш олиб бориш***

Ижтимоий ходимнинг инсонлардаги талантларни очиш ва қўллаб-қувватлаш лаёқати кўп жиҳатдан уларнинг ҳаётдаги муваффақиятларга эришишида кўмаклашади, “қийин” болаларнинг оғаётган хулқ-атворини психокоррекция қилиш вазифасини жиддий енгиллаштиради.

Хорижий тадқиқотларда иқтидорли деганда, бир қатор соҳаларда: академик, бадий, мулоқот (лидерлик)да ёки психомоторикадаги юқори даражада ривожланган қобилиятлар тушунилади.

Ҳар бир кишининг ҳаётдаги ўрнини топиш зарурати ва шу асосда келиб чиқадиган рақобат туфайли кўпчилик иқтидорли одамнинг фаол ва муваффақиятли ўсишига хавотир ва ҳасад билан қарайди. Худди мана шу сабаб туфайли иқтидорли болалар ўз синфдошлари томонидан намойиш этилаётган кўролмаслик ва ҳатто, таъқибларга дуч келадилар. Низони ҳал қилиш кўп жиҳатдан педагогга боғлиқ: агар у ўқувчиларнинг шахсий ташаббуси ва ижодини қўллаб-қувватласа, ҳар бир кишида қобилиятлар борлиги ва уларни ривожлантириш зарурлиги тўғрисида гапирса, унда синфнинг фаоллиги сезиларли даражада ўсади ва иқтидорли ўқувчининг ҳолати яхши томонга ўзгаради.

Кўпинча иқтидорли бола унга педагогларнинг нотўғри муносабати туфайли “қийин” ўқувчилар тоифасига ўтиб қолади. Баъзи педагогларга иқтидорли ўқувчилар ўзларининг фаоллиги туфайли ёқмайдилар, бу фаолликни улар беҳаёлик, манманлик, сурбетлик, ўжарлик, интизомсизлик сифатида баҳолайдилар. Бошқа ўқитувчилар эса иқтидорли ўқувчиларнинг ўз фикрларини айтишга, ниманидир исботлаш ва аниқлашга бўлган интилишларини педагог обрўси ва билимларига нисбатан ҳурматсизлик, унинг билимсизлигини кўрсатишга интилиш деб биладилар. Ниҳоят, етарли даражада тайёргарликка эга бўлмаган ўқитувчилар иқтидорли болани ғалати ёки тентак деб ҳисоблайдилар, ўрни келиб қолса, унинг “ғалати” ғояларини роҳатланиб танқид қиладилар.

М. Карне иқтидорли болалар билан ишлайдиган ўқитувчига кўйиладиган талабларни қуйидагича шакллантиради: сезгир ва эзгулик истовчи бўлиш; иқтидорли болалар психологиясини билиш; мактабдаги иш тажрибасига, юқори интеллект даражасига, кенг доирадаги қизиқишлар ва билимларга, жонли ва фаол характерга, юмор ҳиссига (истехзосиз), ижодий тафаккурга, яхши соғликка ва ҳаётий барқарорликка эга бўлиш, шундай болалар билан ишлаш учун махсус тайёргарликдан ўтган бўлиши.

М. Карне, С. Линнемайер, С. Дентон – Айдлар ижодий фаолликни рағбатлантиришнинг қуйидаги умумий усулларини тавсия қиладилар: ўқитувчи томонидан хушфёълликнинг таъминланиши; атроф-муҳитни интеллект ва қизиқувчанликни ривожлантирувчи янги предмет – стимуллар билан бойитиш; оригинал ғояларни рағбатлантириш; машқ қилиш ва амалиёт учун имкониятлар яратиш; муаммоларни ҳал қилишга ижодий ёндашувда шахсий намуна кўрсатиш; ўқувчиларнинг фаол савол беришлари учун имкон яратиш.

Қобилиятли бола кўпинча ота-оналар билан муносабатда қийинчиликларга дучор бўлади, чунки уларнинг кўпчилиги ўз фарзандларининг психологияси тўғрисида ҳеч нарса билмайдилар.

Фарзандларининг билишдаги юқори фаоллиги, унинг барча нарсани бузиб кўришга ва тадқиқ қилишга интилиши, кўплаб турли-туман саволлар бериши, кўпинча бир ўқув предметига қизиқиб кетиб, бошқалари билан шуғулланмаслиги баъзи ота-оналарнинг ғашига тегади. Бошқа ота-оналарни боланинг ўқишга берилиб кетиши қониқтирмайди. Улар уни “китобга тушган курт”, деб ҳисоблашади. Учинчилари эса, аксинча, уни уйдаги ҳар қандай мажбуриятлардан озод қилиб, мактаб ва кўкларга кўтариб талтайтириб юборадилар. Ота-оналар шуни ёдда тутишлари керак-ки, иқтидорли болаларда атрофдаги одамлар билан тафовутдан кўра, умумийликлар кўпроқ. Шунинг учун ҳам улар бола шахсининг умумий ривожланиши ва ахлоқий тарбияси тўғрисида қайғуришлари лозим. Айна пайтда, боладаги ўзликни ҳурмат қилиш, унга ўзларининг манфаатлари ва интилишларини кўчирмаслик лозим. Акс ҳолда, унинг қобилиятлари ривожини жиддий тўсиб қўйиш мумкин. Боланинг ривожланиш даражасини тўғри баҳолаш ва ундаги ўзгаришларни ўз вақтида илғаб олиш тавсия қилинади.

Етим болалар, ёлғиз оналар, нотўлиқ оилалар, ориялар, ёлғизлар, кекса одамлар, ақли заифлар, жиноятчилар, ОИТСга йўлланганлар, экологик ва ижтимоий фалокатларнинг оғирларини, оғир хонадан чиққанлар, тиланчилар ва бошқа баъзи тоифалар мазкур машғулоти доирасидан ташқарида олади. Иқтидорли болаларнинг муаммолари ана шу камчиликни тўлдирди.

Иқтидорли болалар муаммоларини ҳал қилишда ота-оналарнинг мактаб билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўя билишлари муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда иқтидорли болалар учун Россияда махсус таълим муассасалари ташкил этилган, қўшимча таълим берувчи кўплаб муассасалар улар учун ўз эшикларини очиб қўйган. Ижтимоий ходим биография усулида, интеллектни ўлчашнинг стандартлаштирилган усуллари ёрдамида, ижтимоий ривожланишни баҳолаш тестлари, ютуқлар тестлари ва бошқа услубиятлар



ёрдамида иқтидорли бола шахсиятини ҳаётнинг илк босқичларидан бошлаб ўрганиши ва унинг ютуқларини дастурлаши лозим.

---

### **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Одамларнинг қандай гуруҳлари “хатар гуруҳлари“ ҳисобланади?

“Хатар гуруҳлари” пайдо бўлишининг асосий сабабларини кўрсатинг.

Якка тартибда ижтимоий иш олиб боришда “хатар гуруҳи”га аъзо одамнинг қайси шахсий хусусиятларини биринчи навбатда ҳисобга олиш зарур?

Болаларга нотинч оилалар кўрсатадиган таъсирнинг олдини қандай олиш мумкин ёки улар қандай бартараф этилади?

Ўқувчининг мактабга салбий муносабати нима сабабдан вужудга келади? “Тарбияси қийин” ўқувчиларни ўз тенгдошлари жамоасида қайта тарбиялашнинг тамойил ва усуллари қайсилар? Бундай жамоани қандай шакллантирилади?

Ўқувчиларнинг оиладан қочиб кетиши нима учун юз беради? Бундай ҳодисалар билан қандай кураш олиб бориш мумкин?

Ўсмирлар, юқори синф ўқувчилари ва катта ёшли одамлар томонидан спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддалар истеъмол қилиниши сабабларини кўрсатинг. Бундай салбий ҳодисаларнинг олдини олиш ва йўқ қилиш тадбирлари нималардан иборат?

Ўсмирлар ва юқори синф ўқувчиларининг агрессивлиги нималарда намоён бўлади? Ана шундай ўқувчиларга тарбиявий таъсир ўтказиш усуллари қайсилар?

-----  
**Вазиятлар**

*Ижтимоий хизмат муассасаларида жинсий зўрлаш қурбонлари билан иш олиб бориш қандай ташкил этилган? Улар қандай мутахассислар кўмагига муҳтожлик сезадилар? Шунга ўхшаш вазиятларга тушиб қолишларининг олдини олиш учун болалар ва ўсмирларни мактабда ва оилада қандай хавфсизлик қоидаларига ўргатиш лозим?*

Олга П.: “Бир куни уйга кеч қайтаётган эдим. Очиқ майдонда менга қандайдир шахс ташланди. Бу жуда кутилмаганда ва тез юз берди. Бир дақиқадан сўнг, мен у билан қандайдир буталар орасида ётардим. Орқада вайрона бинонинг девори, олдинда эса у. “Тезлик билан ечин, бўлмаса ёмон бўлади!” – деди у. Мен ҳам худди шуни истаётгандай аста-секин ечина бошладим, у эса сумкасидан қандайдир темир буюмни ола бошлади. Шунда мен бор кучим билан унинг оёқлари орасига пошнам билан тепдим. Буталар орасидан сакраб чиқдим ва ярим-яланғоч эканимга қарамасдан уйга қараб югурдим. Шу воқеадан кейин даҳшатли истерика ҳам бўлиб ўтди. Энди ана шундай жойларни четлаб ўтаман, тез югуришни ўрганаёпман, чўнтагимда эса доим газ баллончасини сақлайман”.

Наташа Б.: “Ўшанда мен олтинчи синфда ўқир эдим. Мактабимизда қандайдир байрам бўлиб ўтди ва чамаси соат бешларда уйга қайтдим. Кайфиятим баланд, янги кийимлар кийиб олганман, кўнглимда хурсандчилик эди. Кейинги воқеалар худди ёмон кинолардаги сингари юз берди. Подъездга менинг орқамдан қандайдир йигит кирди. Ҳозиргача унинг соқол босган кенг юзини эслайман. Эсдан чиқаришга ҳаракат қиламан. Аммо бу иш қўлимдан

келмаяпти. У ҳам мен билан лифтга чиқди. Ўшанда мен, нотаниш одам билан лифтга чиқмаслик керак эди, деган фикрни хаёлимдан ўтказдим. Аммо кайфиятим жуда баланд эди ва мен “яхши йигитга ўхшайди, у менга ҳеч қандай ёмонлик қилмайди, дунё қандай гўзал”, деб ўйладим. У жуда хушмуомалалик билан қайси қаватга кўтариласиз, деб сўради. Бироқ, ҳеч қанча кўтарилиб улгурмаган ҳам эдик-ки, у “стоп” тугмачасини босди. Мендан, 50 тийинингиз йўқми, деб сўради. Шу дақиқада худди ёмон тушдаги сингари ичимда нимадир узилиб кетди. Ёнимда пулим йўқ эди. Мен унга шуни айтдим. У эса гўё менга ишонмагандай бўлди ва қўллари билан юбкамини пайпаслай бошлади: “Чўнтакларинг қаерда?” (ўзи эса қалтираб турарди). Мен бир томонга ташландим, нимадир деб бақирмоқчи бўлдим, бироқ томоғимдан ҳеч қандай овоз чиқмади. У эса менга пичоғини қадаб: “Бақираман деб кўрма!” деди. Пичоқ эса менга яқинлашиб келарди. Шу пайт кимдир лифтни чақириб қолди. У жуда тез ўзгарди, юзида шундай кўриниш пайдо бўлдики, унақасини мен мультфильмлардаги ёвузларнинг юзида кўрганман. У лифтни тўхтатиб, эшикдан чиқди, пичоғини беркитиб, қочиб кетди. Мен талвасага тушиб қолган, ҳеч кимга ҳеч нарса дея олмас эдим”.

Сиктивкарда 13 ёшли болани бузуқ ишларга ундамоқчи бўлган 9-синф ўқувчиси қўлга олинди. Шаҳар ИИБсида айтишларича, қуриб битказилмаган бинонинг ойнасидан ташқарига сакраган ярим-яланғоч ўсмир диққатни тортади. Бола уни дўсти билан ит етаклаган бир йигит тўхтатиб, унинг яна бир итини ўғирлаб кетишганини, излаб топишга ёрдам беришса, 40 рубл беришини айтади. Болалар қурилаётган бинонинг ёнига келишганда нотаниш йигит улардан бирини кўчада қолдиради ва иккинчиси билан тўртинчи қаватга кўтарилиб, ҳозир ечин, бўлмаса овчаркага талатаман, дейди. Бечора бола кийимларини еча бошлайди, бироқ ёрдамга чақиришга улгуради. Унинг чақириғини пастдаги дўсти эшитади ва зўрлик қилмоқчи бўлган йигит унинг саволига жавоб бергунча бола қочиб кетади. Шуни ҳам

айтиш керак-ки, кўлга олинган ўсмир яна бир бола билан бузуқлик қилганини тан олади. Ўшанда зўравонни топиша олмаган эди.

## **Амалий топшириқ**

*Мактабгача ёшдаги ва кичик мактаб ёшидаги болалар билан “Оиланг (жамоанг) суратини чиз” тест методикасини ўтказиш*

“Оиланг (жамоанг) суратини чиз” тест методикаси боланинг оилада, гуруҳда ўзининг ўрнини қандай идрок қилишини, ҳис-туйғуларини, оилага, жамоага ва унинг алоҳида аъзоларига муносабатини ифодалайдиган жараёндин. Бу методика тест ўтказишда пайдо бўладиган бир қатор муаммолар ва қийинчиликларни четлаб ўтиш имконини беради: график фаолият (сурат чизиш) бола учун табиий ҳол, у ёқимли машғулот бўлиб, боладан ирода ва интеллект таранглигини талаб қилмайди, ўйин тариқасида бажарилади ва хавотирли ҳис-туйғулар уйғотмайди.

### ***Йўриқнома***

Болага стандарт ҳажмдаги оқ қоғоз, рангли қаламлар мажмуи, ўчирғич берилади. Оддий ёзув қоғози берса ҳам бўлади, бироқ сурат чизиш учун махсус тайёрланган қалинроқ қоғоз афзалдин. Қаламлар албатта юмшоқ, энг яхшиси М ва 2М маркали бўлгани маъқул; эскириб кетмаган рангли фломастерлардан фойдаланса ҳам бўлади.

Боладан ўз оиласи (жамоаси, гуруҳи, синфи ва ҳ.к. лардан бирини овоз чиқариб айтилади), “яхшироқ қилиб” чизиш сўралади. “Оила (жамоа)” нинг моҳияти нимада экани тўғрисида ҳеч нарса дейилмайди, акс ҳолда тадқиқотнинг моҳияти бузилади. Агар бола нимани чизай, деб сўраса, йўриқнома яна бир марта такрорланади. Бола топшириққа кўнмаса, уни иш натижалари билан қизиқтиришга ҳаракат қилиб кўрилади (бунда техник тафсилотларни муҳокама қилинмайди). Муҳими, болага у чизган суратни

бошқаларники билан солиштириш ниятингиз йўқлигини тушунтириш.. Сурат чизиш жараёнида изоҳ бериш мумкин эмас. Топширикни бажариш муддати чекланмайди (одатда, у ярим соатдан ортиқ давом этмайди). Топширик бажарилаётганда чизишдаги кетма-кетлик, 15 секунддан ортиқ давом этган паузалар; тафсилотларни ўчириш; боланинг беихтиёр берган изоҳлари; эмоционал реакциялар ва уларнинг чизилаётган нарса билан алоқаси қайд этиб борилади (бу қайдлар битилган қоғоз суратнинг бир четига ёпиштириб қўйилади). Бола сурат чизишни тугатмаса, уни мақташ, тетиклантириш зарур (бунда суратдаги муайян тафсилотлар тўғрисида гап юритилмайди). Мабодо, сизга сурат тугалланмагандай туюлса, бола эса уни тугалланган деб ҳисоблаётган бўлса, ундан суратни тўлдиришни талаб қилмаслик лозим. Амалиёт кўрсатишича, мабодо сиз у ёки бу деталлар нима учун йўқлигини суриштирсангиз, ёки бўлмаса, баъзи тўлдиришларни таклиф қилсангиз, бола суратни жон деб “мукаммалаштиради”, лекин бу натижанинг мутлақо бузилишга олиб келади.

Сурат чизиш якунлангандан сўнг бола билан суҳбат ўтказилади, унда суратдаги ўзига хосликлар ва ноаниқ деталлар аниқлаштирилади. Одатда, кўйидаги саволлар берилади: 1. Айт-чи, бу сурат кимники? 2. Улар қаерда туришибди? 3. Улар нима қилишяпти? Буни ким ўйлаб топди? 4. Улар хурсандми ёки хафами? Нима учун? 5. Сурати чизилган одамлардан янги бахтлиси ким? Нима учун? 6. Улардан қайси бири энг бахтсизи? Нима учун? (Жавоблар алоҳида қоғозга ёзилиб, суратнинг бурчагига ёпиштирилиб қўйилади). Охирги икки савол ҳис-туйғуларни очиқ муҳокама қилишга ундайди, бироқ ҳар қандай бола ҳам бунга лаёқатли бўла олмайди. Суҳбат давомида бола чизган нарсаларнинг мазмунини: оила, жамоанинг алоҳида аъзоларига нисбатан ҳис-туйғулари; бола нима учун оила ёки жамоада айнан мана шу аъзонинг сурати чизилгани; суратдаги алоҳида тафсилотлар бола учун нимани аниқлаштириши аниқланади. Бунда тўғридан-тўғри саволлардан,

жавоб олишга ортиқча ҳаракат қилишдан эҳтиёт бўлиш керак, чунки булар хавотир ва муҳофаза реакцияларини келтириб чиқариши мумкин.

Тестни якка тартибда ўтказган маъқулроқ. Мактабгача ёшдаги болалар учун эса фақат якка тартибда ўтказиш лозим.

“Жамоанг суратини чиз” тестининг талқинлари

Уч қисм:

Сурат тузилмаси.

Жамоа аъзоларини график тақдим қилишдаги ўзига хосликлар.

Чизиш жараёни таҳлили.

Оила (жамоа)да ҳиссий қулайлик сезадиган бола жамоанинг тўла таркибини чизади. Жамоанинг реал таркибини бузиш ёки ўзгартиришни жиддий ўрганиш зарур, чунки унинг ортида эмоционал низо, мавжуд вазиятдан норозилик ётади. Қуйидаги чизилган суратлар энг оғир вариантлар: а) одамлар умуман тасвирланмаган; б) жамоага мутлақо алоқаси бўлмаган одамлар тасвирланган. Берилган топшириқни бундай четлаб ўтиш болаларда жуда кам учрайди. Уларнинг ортида эса қуйидагилар яшириниб ётган бўлиши мумкин: а) жамоа билан боғлиқ рухий шикастлар; б) ташланганлик, рад этилганлик туйғуси; в) аутизм; г) юқори даражадаги хавотирлик; д) ўрганилаётган бола билан нотўғри мулоқот.

Амалиётда болалар ўзлари учун эмоционал жиҳатдан унчалик жозибали бўлмаган, ўзаро низоли муносабатлар пайдо бўлган жамоа аъзолари суратини чизишни “унутиб қўйиш” ҳоллари анча кўп учрайди. Бола уларнинг суратини чизмасдан ўзи учун маъқул бўлмаган эмоционал кайфиятни, салбий реакцияларни четлаб ўтади.

Баъзи ҳолларда бола жамоадаги реал аъзолар ўрнига кичкина махлуқлар, қушлар суратини чизиб қўяди. Доимо уларни бола ким билан айнанлаштираётганини аниқлаш лозим. Бола ўзининг суратини ёки бўлмаса жамоа ўрнига фақатгина ўзини тасвирлаган суратлар катта қизиқиш уйғотади. Ҳар икки ҳолда ҳам расм чизувчи ўзини жамоа тартибига

кўшмайди, бу эса жамоа билан бирдамлик ҳиссининг йўқлигидан гувоҳлик беради. Жамоа аъзолари миқдорининг кўпайтириб юборилиши ҳам муайян маълумот беради. Одатда, бу ҳол қондирилмаган руҳий эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлади.

Ота-оналарга, педагогларга қўшимча тарзда (ёки уларнинг ўрнига) чизилган, жамоанинг аъзоси бўлмаган катталар суратининг чизилиши гуруҳга интеграциялашмаганлик, ўзининг яқин эмоционал туйғуларини қондиришга қодир бўлган одамни излаётгани тўғрисида маълумот беради.

Жамоа аъзоларининг суратда бир-бирига мутаносиб жойлаштирилиши унинг ичидаги ўзаро муносабатларнинг баъзи психологик хусусиятларига ишора қилади. Жамоа барча аъзоларининг ўзаро қўл ушлашиб туриши, умумий фаолиятга бирикиши психологик қулайлик, жамоага қўшилганлик кўрсаткичи ҳисобланади. Бунинг аксича бўлган тавсифлар (жамоа аъзоларининг тарқоқлиги) ҳиссий алоқалар даражасининг қуйи даражада эканини кўрсатиши мумкин. Суратда жамоа аъзоларини гуруҳ-гуруҳ қилиб тасвирлаш руҳий микротузилмалар, коалицияларни фарқлашда кўмак бериши мумкин.

Сурати чизилган ҳар бир шахснинг индивидуал хусусиятлари боланинг жамоадаги ҳар бир кишига бўлган муносабатидан гувоҳлик беради. Одатда, жамоа аъзосига нисбатан ижобий ҳиссий муносабат унинг суратига кўпроқ эътибор қаратилиши, танасидаги деталларни кўпроқ тасвирлаш, турли ранглардан фойдаланишда намоён бўлади. Ва бунинг аксича, шахсга нисбатан салбий муносабат уни график тақдим қилишда кўпроқ схематизмга мурожаат қилишда намоён бўлади.

Жамоа аъзоларининг ролларини бола қандай идрок қилаётгани тўғрисида уларни қандай ҳажмда чизилаётганига қараб хулоса чиқариш мумкин, чунки сурат ҳажмининг катта-кичиклиги унинг бола учун қанчалик муҳимлигини ифодалаш воситасидир.

Сурат чизиш жараёнини талқин қилиш, одатда, субъектив ва тест ўтказаетган мутахассиснинг амалий тажрибасига таянади.

Огоҳлантириш: мазкур усулдан фойдаланиш ва баён қилинган талқин натижалари шахс ва шахслараро муносабатларнинг баъзи тамойилларини муайян эҳтимоллик даражасида баҳолаш имконини беради, лекин психологик ташхис учун ягона восита бўла олмайди.

---

## **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

### ***“Хатар гуруҳлари” билан ижтимоий иш олиб бориш” машқи***

Ўқувчилар 4-5 кишидан иборат гуруҳларга бўлинадилар. Ҳар бир гуруҳ 15 дақиқадан сўнг Афсонавий Қиролликдаги “хатар гуруҳлари” билан олиб бориладиган ижтимоий иш усулларини сахнада тасвирлаб берадилар. Қуръа ташлаш йўли билан қайси гуруҳга қандай эртак тўғри келиши аниқланади. Қуйидаги номлар битилган карточкаларни олдиндан тайёрлаб қўйишлари мумкин: “Қизил шапкача”, “Бўри ва етти улоқча”, “Уч чўчкача”, “Золушка” ва бошқалар. Қайси ролни ижро этишларини ўқувчиларнинг ўзлари танлаб олишади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

*Арнольдov А.И., Бочарова В.Г., Вульфov Б-З. и др.* Социальная педагогика: вопросы теории и практики: Методические материалы.— М: Изд-во Центра социальной педагогики РАО и АСОПир РФ, 1994.

*Бадя А.В.* Прогрессивные идеи социальной педагогики и социальной работы в России: история и современность.— М.: Изд-во АСОПир, 1995.

*Беличева С.А.* Основы превентивной психологии.- М.: Редакционно-издательский центр Консорциума «Социальное здоровье России», 1994.



*Бочарова В.Г.* Педагогика социальной работы.— М.: SvR-Аргус, 1994.

*Валеев М.* На краю. – М., 1998.

*Григорьев С.И., Гусякова Л.Г., Ельчанинов В.А. и др.* Теория и методология социальной работы,— М.: Наука, 1994.

*Гусякова Л.Г., Кувшинникова В.А., Синцова Л.К.* Сборник задач и упражнений по социальной работе. –М.: Наука, 1994.

Одаренные дети: Сборник переводов с английского / Под ред. В.М. Слуцкого. – М.: Прогресс, 1991.

Основы социальной работы: Учебник / Отв. ред. П.Д.Павленок.- М.: ИНФРА-М, 1997.

Петербург начала 90-х: безумный, холодный, жестокий. – СПб: Целевой благотворительный фонд «Наочлежка», 1994.

*Сергеев С.* Оглянись. – М., 1989.

*Сладков Л.А.* Плюс-минус жизнь. – М., 1990.

Справочное пособие по социальной работе / Под ред. А.М. Панова, Е.И. Холостовой.— М.: Юристъ, 1997.

Теория и методика социальной работы: в 2 ч. / Под ред. И Г. Зайнышева.— М.: МГСУ, 1994.

Теория и методика социальной работы: Краткий курс / Под ред. В.И. Жукова — М.: Союз, 1994.

Теория и методика социальной работы / Под ред. П.Д. Павленка,— М.: ГАСБУ, 1993, 1995. Вып.1 — 2.

Теория и практика социальной работы: отечественный и зарубежный опыт: В 2 т. / Под ред. Яркиной Т.Ф., Бочаровой В.Г.— М.— Тула: Изд-во Ассоциации социальных педагогов и социальных работников РФ, 1993.

Журналы и газеты:”Мегаполис-экспресс”, “Птюч”, “Ровесник”.

## 32-МАШҒУЛОТ

### ТУРЛИ СОҲАЛАРДАГИ ИЖТИМОЙ ИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

---

“Аниқ билим йўқ жойда тахминлар пайдо бўлади,  
тахминларнинг эса ўнтадан тўққизтаси хатодир”.

М. Горький

Аҳолини ижтимоий муҳофазалаш тизимида, соғлиқни сақлаш, таълим, ёшлар сиёсати, милиция ва бошқа идоралардаги ижтимоий иш, аввало мақсадлари, вазифалари, воситалари, шакллари билан белгиланадиган ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Тиббиёт ва таълим тизимида ташкил қилинадиган ижтимоий иш хусусиятлари айниқса қизикдир.

Россияда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тизимини қайта тузилар экан, давлат секторининг ваколатлари ва масъулияти улуши камайди, хусусий амалиёт, суғурта тиббиёти, хусусий, давлат ва ҳиссадорлик шаклида тиббий хизматни ташкил этишнинг роли ортди, бу эса кўпчилик фуқаролар учун юқори сифатли илғор тиббий хизматга эришиш йўлини тўсиб қўйди.

Россия шароитида тиббиёт муассасаларида ишлайдиган ижтимоий ходим ҳозирча камёб ходиса, гарчи беморларнинг турли гуруҳлари ва соғлиқни сақлаш ходимлари ижтимоий кўмакка эҳтиёж сезсалар ҳам.

Ижтимоий ходимнинг тиббиёт муассасаларидаги амалиёти ва тадқиқотчилик ишлари фақатгина врачларнинг ташхислари, лаборатория экспертизаси натижаларигагина эмас, балки психологик-социологик тадқиқотлар натижаларига, бемор ва унинг яқинлари ижтимоий аҳволи ва руҳий ҳолати бўйича ўтказилган тегишли экспертизалар, шунингдек, улар оилаларидаги вазият таҳлилига таянади. Сухбатлар ёрдамида бемор ва унинг қариндошлари хасталикка қандай муносабатда экани, бу ҳақдаги

жамоатчилик фикри, беморга ким энг самарали моддий ва рухий, маънавий кўмак бера олиши аниқланади. Беморлар билан иш олиб боришда уларнинг турли вазиятлардаги хулқ-атвори, шунингдек, ижтимоий мавқеи, турмуш тарзи, касби, оилавий шароити каби маълумотлардан фойдаланилади. Тиббиёт муассасасининг имкониятлар мажмуи, касбий-малака жиҳатидан, техник ва технологик таъминланганлиги ҳисобга олинади.

Ижтимоий ходим ўз фаолиятининг назарий асосларини танлашда, бемор ва унинг ҳолати, оиласи, яқинлари ҳақида қўшимча маълумотлар тўплашда, шунингдек, қўшимча социологик ва психологик ахборотларни жалб этишда эркин ҳаракат қилади. Бироқ, уларнинг бари соғлиқни сақлаш тизимидаги ижтимоий ходим олдида турган қуйидаги вазифаларнинг ахборот таъминотидан иборат:

беморнинг ўз атрофидаги ижтимоий муҳит билан оптимал алоқаларини таъминлаш;

танглик вазиятида беморнинг ўзига ўзи ва яқинлари томонидан кўрсатиладиган кўмакни оптималлаштириш;

тиббий муассаса ходимларининг бемор оиласи ва яқинлари билан алоқаларини таъминлаш;

мижоз хасталиги фожиавий тугаган ҳолатда унинг қариндошлари ва яқинларига кўмак бериш;

аҳолига тиббий-ижтимоий-психологик жиҳатдан маълумотлар бериш.

Таълим тизимидаги ижтимоий ходимларнинг энг муҳим вазифалари — ўқитувчилар, ходимлар ва таълим олаётганлар орасида кўмакка муҳтож бўлганларни муҳофазалаш. Ўқув юртлари маъмурияти томонидан ўқув юртида таълим олаётган ва ишлаётганлар орасида кўмакка муҳтож бўлганларни қўллаб-қувватлашни тартибга соладиган қонун ҳужжатлари бажарилиши назоратга олинади. Бундан ташқари, унинг вазифалари жумласига ўқув юрти жамоаси орасида танглик ҳолатига, мушкул вазиятга

(бахтсиз ходиса, ҳамкасблар билан, қариндошлар билан, маъмурият билан низолар, хасталик ва бошқалар) ҳолатига тушиб қолганларга ёрдам кўрсатиш ҳам киради.

Таълим тизимидаги ижтимоий ходим таълимнинг ижтимоий тизим сифатида ривожланишидаги ўзига хосликлар, шунингдек, мазкур ўқув юрти жамоаси аъзоларининг аҳволи, муаммолари, уларнинг ижтимоий ёрдамга бўлган ҳуқуқлари тўғрисида маълумотлар тўплайди. Бунда ўқув юртлари ходимлари ва ўқувчилари орасидаги турли гуруҳларнинг ижтимоий фикрларини ўрганиш натижалари, моддий ва маънавий кўмакка, ижтимоий-психологик енгиллаш хоналаридаги хизматларга муҳтож бўлганлар тўғрисидаги маълумотлардан самарали фойдаланилади.

Мактабдаги ижтимоий педагог ҳозирги кунда ноёб ходиса эмас. Уни ҳаёт тақозо қилади, чунки мактабда ёки бошқа таълим муассасасида ўқув-тарбиявий жараён доирасидан четга чиқадиган кўплаб муаммолар пайдо бўлади. Масалан, иккинчи синф ўқувчисининг ягона қариндоши вафот этди; кўплаб ўқувчилар нақлиётдаги имтиёзли чипталарга эҳтиёж сезадилар; мактабда қочқинлар ва мигрантлар, кам таъминланган оилалар болалари кўп; гиёҳванд моддаларни тарқатувчилар мактабни “кўз остига олишди”; 7-8 синф ўқувчилари орасида ноижтимоий хулқ-атворли гуруҳ пайдо бўлди; мактаб ҳудуди кечкурун алкоголиклар ва бомжлар тўпланадиган жойга айланиб қолди; майда ўғирлик ёки миллатчилик ва ирқчилик кўринишлари эпидемияси бошланди ва бошқалар. Бунга ўхшаш муаммоларни ҳал қилишга махсус тайёргарликдан ўтмаган ва ўқув жараёнида банд бўлган ўқитувчиларнинг кучи билангина ҳал қилиб бўлмайди, бунинг устига улар худди тоғдан туошаётган кўчки сингари миқдор ва сифат жиҳатидан кескин ўсиш хусусиятига эга. Ота-оналар ва ўқувчилар ҳамжамияти фақат ёрдамчилар бўлиши мумкин, улар бу ва бошқа мураккаб муаммоларни профессионал даражада ҳал қила олмайдилар. Мана шунинг учун ҳам энг кучли мактаблар ўзларининг ижтимоий-психологик-педагогик хизматларини



---

## Вазият

“Бизнинг ўн ёшли ёлғиз фарзандимиз ўқийдиган мактаб ҳудудида тарнсформатор будкаси бор. Унинг эшиги очик экан ва ўғлимиз Рома болалар билан бекинмачоқ ўйнаётиб унинг ичига кириб яширинмоқчи бўлди. Шунда фожиа юз берди: ўғлимизнинг иккала қўлини юқори кучланишли шит ўзига тортиб олди. Натижа аянчли: Романинг икки қўли ва ўнг оёғидаги тўрт бармоғини кесиб ташлашди. Биз у билан вилоят шифохонасида узоқ вақт ётдик. Шифокоримиз ўғлимни протезлаш учун чет элга юборишга кўп ҳаракат қилди. Америкадан чакирувни кутаяпмиз. Ўғлимнинг келажаги эрим билан мени жуда ташвишлантиради. Бу келажак қандай бўларкин?”

Мана шундай вазиятга тушиб қолган одамларга ёрдам кўрсатадиган ижтимоий хизматлар борми?

Мазкур оилага қайси жамғармалар ёрдам кўрсатиши мумкин?

Бундай вазиятда ижтимоий педагог ва ижтимоий ходим қандай ёрдам кўрсатиши мумкин?

---

## Амалий топширик

Ижтимоий ишнинг идоралараро хусусияти

Бу амалиёт натижасида таълим олувчининг қўйидаги кўникмалари текширилади:

- Ижтимоий идоралараро лойиҳалаштириш, дастурлаштириш ва моделлаштириш асосларини билиши;
- Ўз меҳнатини ташкил қилиш, компьютерда ахборотларни тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш асосларини билиши;
- Жамоада ишлаш, ижрочилар меҳнатини педагогика, психология, конфликтология ва бошқа ўрганилган фанлар асосларидан фойдаланиб ташкил қилиш.

### Вазифалар:

ижтимоий ишнинг фанлараро ва идоралараро хусусиятини амалиётда ўз-ўзига ёрдам, рағбатлантириш концепцияларини амалга оширишдаги турли технологиялардан фойдаланиб кўрсатиш;

ўқувчиларнинг ихтиёри бўйича ижтимоий лойиҳалаштириш, моделлаштириш ва бошқалар;

муассаса жамоасини (танлов бўйича) психологик-педагогик ташхисдаг ўтказиш.

### Натижалар:

амалиёт ўташнинг индивидуал режаси;

мижоз тавсифи;

ижтимоий-педагогик амалиёт кундалиги;

муассаса иш режаси;

муассаса ходимларига тавсиялар;

деворий фотогазета.

---

## **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

### ***”Жим турувчи ва гапирувчи кўзгу” машқи***

Таклиф қилинаётган бу машқ бўлғуси ижтимоий ходим ва ижтимоий педагогларнинг новербал мулоқот лаёқатлари ривожланишига кўмаклашади ва улар бошқа одамларни қандай идрок қилаётганларини тушунишга имкон беради.

Бу машқ одатда, гуруҳ қатнашчиларига жуда ёқади ва қувноқ тарзда ўтади. Ёшлар гуруҳларида деярли барча ўзларининг имкон қадар кўп “кўзгу”лардаги “инъикос”ларини кўришга интиладилар. Ўйиннинг моҳияти

нимада? Ўйин етакчиси доира ўртасига “кўзгуга қарамоқчи бўлган” кўнгиллини таклиф қилади.

— Сенинг вазифанг фақат кўзгуга, аниқроғи икки кўзгуга қараб гуруҳ аъзоларидан қайси бири сенга орқадан яқинлашганини аниқлаш. Бу икки кўзгу, албатта тирик кўзгулар. Улардан бири жим туради: у сенинг орқангда ким турганини фақат мимика ва ҳаракатлар ёрдамида тушунтириши мумкин. Иккинчиси эса — гапирувчи кўзгу. У сенинг орқангдаги одам исми ким эканини унинг исмини айтмасдан тушунтириб бериши лозим. Гуруҳда жим турувчи ва гапирувчи кўзгу кимлар бўлишини танла.

Ўйинчи танловни амалга оширгандан кейин етакчи “кўзгуларга” батафсил йўриқнома беради:

— “Кўзгулар” девор олдида ёнма-ён турадилар. Асосий ўйинчи эса — уларнинг олдида. Гуруҳнинг бошқа иштирокчилари унинг орқасида туришади ва биттадан шовқинсиз унга яқинлашади. “Кўзгулардаги” инъикос навбат билан “кўринади”. Аввал “жим турадиган кўзгу” иш бошлайди. Асосий ўйинчи ўз ортида турган одамнинг кимлигини аниқлай олмаса, “гапирувчи кўзгу” ишга тушади ва битта, фақат битта иборани айтиши мумкин холос. Агар ўйинчи яна топа олмаса, унда “жим турувчи кўзгу” иш бошлайди ва ҳ.к. Ўйинчининг вазифаси — ўз ортида турган одамни имкон борича тезроқ аниқлаш.

“Кўзгу”лар учун муайян шартлар бор. “Жим турувчи кўзгу” асосий ўйинчининг ортида турган одамни “акс эттиришда” амалда ҳеч қандай чекловларга қарамайди. Бироқ, одамларнинг фақатгина ташқи белгиларини ифодалашга урғу бериш, айниқса унинг қандайдир жисмоний белгиларини таъкидлашга уриниш унчалик тўғри эмас.

Мана шундай огоҳлантиришни ишнинг дастлабки босқичларида, айниқса ўсмирлар ва ёшлар гуруҳларида қилиш зарур. Тинейжерлар кўпинча бир-бирини аяшмайди ва бошқаларнинг жисмоний камчиликларини



бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилишади, бу эса оғриқли реакцияларга ва бузғунчи низоларга олиб келиши мумкин. Шунинг ҳам айтиб қўйиш керакки, олиб борувчи ўсмирлар томонидан ўзларининг жисмоний “МЕН”ларини муҳокама қилишни келтириб чиқариш учун шундай йўл тутиш мумкин. Бироқ, бу “бошқа ашула” бўлиб машқнинг мазмуни ҳам ўзгариб кетиши мумкин.

“Гапирувчи кўзгуга” бир қатор аниқ чекловлар қўйилади. Биринчидан, табиийки, асосий ўйинчининг ортида турган одам исмини айтиш маън қилинади. Иккинчидан, бу одамни тавсифлар экан, унинг иштироки билан бўлган ҳодисаларга муурожаат қилиш маън қилинади. Учинчидан, ташқи кўринишнинг оддий тавсифини беришдан қочиш зарур. Бунга фақатгина учинчи иборада рухсат берилади. Бошладик!

Бир неча минут ўтгандан кейин олиб борувчи асосий ўйинчини алмаштиришни таклиф қилади, у эса “кўзгулар”ни алмаштириш ҳуқуқига эга бўлади. Ўйиннинг мазмунига тушуниб қолган иштирокчилар кўпинча асосий ўйинчи бўлиш ва ўзларининг “кўзгулар” ахборотини тушуна олиш қобилиятини синаб кўриш учун рақобат қиладилар. Ўйин суръатини йўқотиб қўймаслик учун 3-4 цикл кифоя қилади. Яқунланган ўйинни рефлексия қилиш шарт. Қўйидагича саволларни муҳокама қилиш мумкин:

Қайси ўйинчи ўз ортида турган одамнинг кимлигини аниқлаши учун энг кам “инъикос” зарур бўлди?

Бундай зийракликнинг сири нимада?

Гуруҳ иштирокчиларидан қайси бири энг қобилиятли кўзгу экан?  
Бунда унга нима кўмак берди

Иштирокчилардан қайси бири ўзининг “кўзгулар”даги аксидан таажжубланди?

Сиз ўзингизнинг аксингизни кўрганда қандай туйғулар сездингиз?

Муҳокама даврида иштироокчилар бир-бирларига кўпинча қуйидагига ўхшаш саволларни беришади:

— Миша, мени тасвирлаётганингда қилган мана бу ҳаракатинг нимани билдирар эди?

— Стас, мени акс эттираётганингда нима учун “совға қилишни энг яхши биладиган одам” дединг? Сен буни қаердан олдинг? ва ҳ.к.

Мана шундай машқлар натижасида вужудга келадиган қайтма алоқалар бойлигининг аҳамиятини айтиш қийин. Ҳаттоки, у ёки бу сабабга кўра, гуруҳдаги муҳокама учун объект бўла олмаган материал ҳам иштирокчи учун ҳеч қандай “Кодак” ҳам амалга ошира олмайдиган “сирли суръат” бўлиб қолади. Фотоаппарат одамнинг фақатгина “объектив” суръатини қайд қилади. Бундай “кўзгулар” эса субъектив портретни таклиф қилдиларки, уни ҳеч қандай асбоб билан яратиш мумкин эмас.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

*Бочарова В. Г.* Педагогика социальной работы. – М.:SvR-Аргус, 1994.

*Григорьев С.И., Гусякова Л.Г., Ельчанова В.А. и др.* Теория и методология социальной работы.- М.: Наука, 1994.

*Гусякова Л.Г., Кувшинникова В.А., Синцова Л.К.* Сборник задач и упражнений по социальной работе. – М.: Наука, 1994.

*Мудрик А.В.* Социальная педагогика: М.: Изд-во МПГУ, 1990.

*Никитин В.А.* Начала социальной педагогики: Учебное пособие.- М.: Флинта: Московский психолого-социальный институт, 1998.

*Куличенко Р.М.* Социальная работа и подготовка социальных работников в современной России.- Тамбов: Изд-во ТГУ, 1997.

Основы социальной работы: Учебник / Отв. ред. П.Д.Павленок. - М.: ИНФРА-М, 1997.

Социальная работа: журнал АСОПиР и РАО. № 1-8.- 1992-1998.

## **33-МАШҒУЛОТ**

### **РОССИЯДАГИ ИЖТИМОЙ ИШ ЖАРАЁНИДА МАМЛАКАТ ВА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИШ, УНДАН ФОЙДАЛАНИШ**

---

“Китобларга мурожаат одамларга мурожаат учун тайёргарликдир. Уларнинг ҳар иккиси ҳам бирдай зарур”.

Н. Н. Карамзин

Ижтимоий соҳада юзлаб йиллар давомида тарихий анъаналарни ўрганиш — фақатгина илмий ёки академик қизиқишларни қондириш эмас, балки ижтимоий иш ва ижтимоий педагогикани меҳрибонликнинг миллий, минтақавий илдизлари билан, маҳаллий аҳолининг психологик хусусиятлари билан, ижтимоий муаммоларнинг ўзига хослиги, уларни ечишдаги самарадор йўллар билан бойитиш ҳамдир.

Тадқиқотчи меҳнатининг услубияти ва техникасини эгаллаш ижодий жараёнга кенг йўл очади, узоқ ўтмишдошлар ижтимоий иш соҳасида тўплаган натижаларни ўрганиш ва улардан фойдаланишга кўмаклашади.

Халқ хотирасига муҳрланиб қолган ўтмиш тажрибаси юксак ахлоқий салоҳиятга эга. Ижтимоий ҳаётнинг танглик даврларида тарихга қизиқишнинг кучайиши бежиз эмас. Тарихий хотира ахлоқий янгиланиш, маънавий қувват, халқнинг ижтимоий қудрати учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Тарихий тадқиқотни ташкил қилиш қуйидагиларни қамраб олади:

Мавзу танлаш. Тадқиқот мавзусини тўғри танлаш, мақсад ва вазифаларни аниқ белгилаш ва шакллантириш кўп жихатдан унинг муваффақиятини таъминлайди. Мавзу танлашда жамият ҳаётида юз бераётган реал ўзгаришларни кўра билиш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тараққиётдаги тамойилларни туйиш муҳимдир. Тадқиқотчилар, шунингдек, тажрибаси бизнинг кунларимизда ҳам фойдаланса бўладиган хайрия муассасалари ва ташкилотларининг тарихига ҳам мурожаат қилиши мумкин.

Мавзу танлаш кўп жихатдан тадқиқотчининг қизиқишлари ва майлларига ҳам боғлиқ. Тадқиқот мавзусини танлар экансиз, сизнинг ишингиз ҳал қилишга кўмаклашиши мумкин бўлган муаммолар доирасини ҳам кўриш лозим.

Россиядаги ижтимоий меҳрибонлик, хайрия ва ҳомийлик тарихи билан боғлиқ муаммоларнинг амалий хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш: давлат ва табақа — ваколатли муассасалар ҳамда жамоат ташкилотларининг тарихи бўйича асарлар, тиббиёт, педагогика, ижтимоий-маиший турмуш, меҳрибонлик бўйича умумлаштирувчи монографияларни, эълон қилинган манбалар ва архив материалларини ва ҳ.к.

Тарихчи, одатда, бир пайтнинг ўзида ҳам умумий, ҳам махсус адабиётларни ўқийди, ҳали ўзининг кутубхонадаги қидиришларини яқунламай туриб кўпинча архивлар ва музейларга боради.

Тадқиқот режасини тузиш. Тарихий тадқиқот режасини тузиш мавзу бўйича олиб бориладиган бутун иш давомида шаклланади ва такомиллашади. Умумий ва махсус адабиёт билан танишгандан сўнг йўналиш бериш вазифасини бажарувчи режанинг биринчи варианты тузилади. Фактик материалларни жамлаш, мавзунинг назарий жиҳатдан англаш давомида режа муттасил ўзгариб туради. Охириги вариант эса, ишнинг яқунланиш босқичида вужудга келади.

Ўз ичига муаммони белгилаш, тадқиқотнинг вазифаларини аниқлаш, манбаларнинг сифатлари ва таҳлил усулларини аниқлаш, тадқиқотнинг махсус усулларини (агар улар қўлланиладиган бўлса), қамраб оладиган тадқиқотнинг кириш қисми

Библиография тузиш. Кутубхоналар каталогларини ўрганишдан бошланади. Ҳар бир кутубхонада адабиётларнинг маълумотнома аппарати – алфавитли ва тизимли (предметли) каталоглар мавжуд бўлади. Алфавитли каталогдан агар бирор муаллифнинг ишини ёки мазкур китобнинг шифрини топиш керак бўлганда фойдаланилади. Кўпинча тадқиқотчи тизимли каталоглардан фойдаланади, улар билан ишлаш умумтарихий тайёргарлик ва кутубхона таснифининг асосларидан хабардор бўлишни тақозо этади. Жорий библиография ҳам катта роль ўйнайди.

Манбалар ва адабиётлар рўйхатини тузиш. Илмий иш учун асос бўлган барча манбалар ва адабиёт рўйхатга муайян тартибда тиркалади:

Манбалар.

#### 1.1. Эълон қилинганлари.

Ҳужжатли ва статистик публикациялар (алфавит тартибида).

Даврий матбуот (аввал марказий, кейин маҳаллий газеталар, журналлар, агар улар махсус тадқиқот объекти бўлса).

Мемуарлар (муаллифлар фамилияларининг алфавит бўйича тартибида).

Асарлар рўйхати (агар тадқиқот ижодий шахсга бағишланган бўлса).

1.2. Эълон қилинмаган ишлар (ўрганилган фондлар, рўйхатлар, ишларнинг, марказий ва маҳаллий архивлардаги делоларнинг тартиб рақамлари кўрсатилади).

Адабиётлар:

2.1. Монографиялар.

2.2. Мақолалар.

2.3. Библиографик ва ўқув қўлланмалари.

2.4. Справочниклар ва луғатлар.

Қўлланмани саводли шакллантириш тадқиқотчилар тўплаган билимлар ва тажрибанинг натижаси бўлиб унинг тадқиқотчилик маданиятидан гувоҳлик беради, илмий ишни муваффақиятли ёзиб тугатишга кўмаклашади. Агар рўйхат ҳажми унчалик катта бўлмаса, уни нашрлар турига қарамасдан тузиш мумкин.

Ижтимоий иш тажрибасини ўрганишда тадқиқотнинг амалий усуллари ҳам муҳим аҳамиятга эга (К.Соудон) :

аппаратурали: аудио, видео, слайдлар, кино, компьютер, Гезелл кўзгуси, интернет;

ёзма: кундаликлар, ҳодисалар баёни, ҳодисалар таҳлили, шартномалар, хатлар, ҳисоботлар, баённомалар, резюме, сўровномалар, кузатиш натижалари;

тажриба: машқлар, имитация, драматиклаштириш, моделлаштириш, ролли ўйин, мунозаралар, мажлислар, шифохоналарга, судларга бориш; дастурлар ишлаб чиқиш;

график: расмлар, схемалар, жадваллар, диаграммалар, фотосуратлар;

босма: матнлар, китоблар, журналлар, мақолалар, маъруза матнлари, расмий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, йўриқномалар.

Ижтимоий иш соҳасида хориж тажрибасини ўрганиш бир қатор усуллардан фойдаланишни тақозо қилади. Улар орасида умумий (тарихий, тизимли таҳлил, қиёслаш ва ҳ.к.) шунингдек, хусусий (сўров, кузатиш, ҳужжатларни таҳлил қилиш ва ҳ.к.) усулларини кўрсатиш мумкин.

Тарихий усул у ёки бу мамлакатларда хайрия ишларининг пайдо бўлиш ва ривожланиш жараёнларини, касбий ижтимоий иш қандай қилиб пайдо бўлгани ва тараққий топганини ўрганиш ва қиёслаш имконини беради.

Қиёсий усул қиёслаш объектлари, шу жумладан, ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасига қараб мамлакатларни ҳам фарқлаш имконини беради. Шу белгига кўра, капиталистик ва нокапиталистик мамлакатлар (охиргилари: ХХР, Вьетнам, КХДР, Куба, шунингдек бизнинг мамлакатимиз ва бошқа мамлакатларда ижтимоий иш ривожигаги социалистик давр) ларни ажратиш кўрсатиш мумкин.

Хориждаги ижтимоий иш тажрибасини ўрганиш мамлакатларни, шунингдек, таркиб топган ижтимоий иш тизимига, жумладан, давлатнинг аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этишдаги ролига қараб тасниф қилишни тақозо этади. Айнан мана шу белгига қараб Америкача (ижтимоий заиф қатламларни қўллаб-қувватлашда нодавлат шакллари устивор бўлган) ва Европача (аҳолини қўллаб-қувватлашда давлат шакллари устивор бўлган) тизимлар фарқланади.

Ижтимоий ишни қиёслаш, шунингдек, хўжалик юритишдаги бозор ва режа шакллари устуворлигига қараб ҳам амалга оширилиши мумкин. Бу ҳолатда ҳам ҳозир мавжуд бўлган ва собиқ социалистик мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳим, уларда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда бепул таълимни, медицина хизматини, дам олиш ва бошқаларни кўзда тутадиган ижтимоий истеъмол жамғармалари анча муҳим рол ўйнаган эди. Тизимли усул ижтимоий ишдаги хориж тажрибасини ўз ичига объектлар

ва субъектлар, мазмун, воситалар, бошқарув, ижтимоий иш функциялари ва мақсадлари сингари таркибий қисмларни қамраб оладиган яхлит тизим сифатида ўрганиш имконини беради. Бу ҳолатда ҳам алоҳида гуруҳлар ёки мамлакатларни, ёки уларнинг энг муҳим таркибий қисмларини қиёсий ўрганиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган ижтимоий ишдаги хориж тажрибасини ўрганишнинг умумий усуллари билан бир қаторда хусусий усуллар (кузатиш, ҳужжатлар таҳлили ва ҳ.к.) ҳам албатта қўлланади.

Хориж тажрибасини ўрганишда халқаро анжуманлар, коллоквиумлар ва семинарлар, “давра суҳбатлари”, сафарлар, хорижий мамлакатларнинг ижтимоий билим юртлари ва ижтимоий хизматларида ўқиш ва ишлаш сингари шакллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган методологик ва услубий жиҳатлар алоҳида мамлакатларда ёки Россиянинг турли минтақаларида тўпланган ижодий иш тажрибасини ўрганиш учун жуда муҳимдир. Бу тажрибани билиш зарур, чунки уни ўрганиш, англаш ва оқилона мослаштириш ҳар қандай мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

---

## **Ўзини-ўзи назорат қилиш учун саволлар**

Ўз мамлакатингиздаги ижтимоий ишнинг тарихий тажрибасини ўрганишни қандай ташкил қилиш мумкин? У хориж тажрибасидан нимаси билан фарқ қилади?

Сиз қайси тадқиқот усулларини биласиз?

Тадқиқот материални қандай қилиб тўғри шакллантириш мумкин?



---

## Вазиятлар

*Қайси ижтимоий-педагогик иш воситалари ёрдамида қуйида баён қилинадиган вазиятларни четлаб ўтиш мумкин? Спорт мутаассиблари (фанатлари)нинг гайратини қандай қилиб ижобий томонга йўналтириш мумкин? Улар билан олиб бориладиган иш шаклларининг қайсилари энг истиқболли деб ҳисоблайсиз? Сизнинг спорт клубларингиз мухлисларини педагогик назоратдан ўтказиш ва улар билан ўзаро таъсир тизими мавжудми? Сизнинг фикрингизча, мутаассибларнинг қонунга қарши ҳатти-ҳаракатлари учун масъулият кимнинг зиммасига юкланиши керак?*

XX аср 80-йиллари охирида Франция терма жамоасининг афсонавий капитани Мишель Платини, мен Брюсселдаги ур-йиқитлардан кейин майдонга яна чиқиш учун ўзимни мажбур қилишим қийин, деган эди. Платини умрининг охиригача ўзи билан бирга Брюсселга отаси ҳамкорлигида ўзининг севимли жамоаси “Ювентус”ни Ливерпулга қарши матчда кўллаб-қувватлаш учун келган ва ақлдан озган тўда томонидан майдондан минбарни ажратиб турадиган панжарага ёпиштириб ташланган итальян болани умрининг охиригача унута олмайман, деган эди. Платини яна Англиялик безорилар томонидан ўлдирилган содиқ мутаассибларнинг жасадларини самолётдан туширишаётганда италияликларнинг юзида кўринган ифодаларни ҳам унута олмайман, деган эди.

90-йилларнинг охирида Москва яқинидаги Раменскда “Спартак” ва “Сатурн” ўртасида бўлиб ўтган матч ҳам қонли ур-йиқитга айланиб кетган эди. Соат 17-00 чамасида Гурьев кўчасидаги “Сатурн” стадионига томон кетаётган, қизишиб олган мухлислар тўдаси “Терем” дўконини вайрон қила бошлади. Катта-катта тошлар ишга тушди. Ойнаванд витриналар ҳам, кириш эшиклари ҳам соғ қолмади. Воқеа жойига етиб келган милиционерлар 9

кишини кўлга олишди. Дўконга келтирилган зарар 30 минг сўмни ташкил қилди.

Биринчи тайм бошида “қизил-оқ”лар томонидан рақиб дарвозасига тўп киритилгач спартак мутаассиблари шу даражада қизишиб кетишдики, майдонга кўзни ёшлантирадиган тутун шашкалари ва портловчи халталарни ота бошлашди. Москваликлар учун алоҳида ажратилган минбардаги 3 минг кишининг бари қувончларидан ўрнидан туриб сакрай бошлашди. Кимдир йиқилди. Бу эса занжир реакциясини юзага келтирди ва юқори қатордагиларнинг бари пастки қатордагилар устига думалаб тушишди. Улкан думалоқ масса вужудга келди.

Омончилар трибунага ташланишди. Мутаассиблар эса буни ўзларига чақирик сифатида қабул қилди. Эс-хушини йўқотган мухлислар ўриндикларнинг ёғочларини суғуриб олиб улар билан жанг қилишга бошлашди. Ур-йиқит 15 минут давом этди. Шу даврда матч тўхтатилди. Ўйин трибунада жимлик ўрнатилгандан кейингина давом эттирилди. Жуда кутуриб кетган 40 мутаассибни маҳаллий ИИБ га олиб кетишди. Милиция ходимларидан 12 кишига эса ёрилган қовоқларини тикиб, оқаётган қонни тўхтатиб тиббий ёрдам беришга тўғри келди.

Раменск ИИБсидагилар ҳисоблашича, спартакнинг ашаддий мухлислари айбдор экани шубҳасиз. “Спартак” ўйинчиларига келсак, улар ўз мухлисларига айб тўнкашга шошилмаяптилар. Ўша ур-йиқитга сабабчи бўлган тўпнинг муаллифи Егор Титов эса, мен ўз мухлисларим ҳақида бирор бир ножўя гап айтишга тилим бормади, дейди: “Йигитлар ҳар доим бизни кўллаб-қувватлаб туришади, биз билан деярли барча матчларга боришади, мен уларга айб тўнкашим мумкинми. Афсуски, улардан кўпчилиги ҳозир азият чекишди”.

*Амалий машгулотлардан бирида шахрингиздаги (қишлоғингиздаги) спорт мутаассибларининг етакчилари билан, спорт клублари, стадионлар, спорт мажмуалари раҳбарлари билан, қонунни муҳофаза қилувчи органлар,*

*оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ижодий учрашув ташиқил қилинг.*

---

## **Игор Викторович Вачковнинг психологик ўйинлари ва машқлари**

Машғулот якунловчи бўлгани учун шундай қилинги, охириги психологик ўйинлар эмоционал кўтаринкиликка ёрдамлашсин ва ўқувчилар учун ёқимли бўлсин.

### ***“Энг-энг” машқи***

Олиб борувчининг буйруғига кўра, қатнашчилар энг . . . (қувноқ, мулоқотманд, сахий, камтар, интилувчан ва ҳ.к.)нинг елкасига қўлини қўйишсин. Энг кўп қатнашчининг танловига сазовор бўлган ўқувчини эса олиб борувчи “энг истикболли ижтимоий ходимга” махсус медали билан мукофотлаши мумкин.

### ***“Бир-бирига бериладиган совға” машқи***

Барча қатнашчилар доира бўйлаб туришади. Олиб борувчи қатнашчиларга — бўлғуси ижтимоий ходим ва ижтимоий педагогларга ўзи совға қилмоқчи бўлган совғани новербал тарзда узатади, улардан ҳар бири бу совғани ўнг тарафидаги қўшнисига “узатади”. У эса совғани “қабул қилади” ва уни бошқа бир совға-предметга айлантириб навбатдаги қатнашчига узатади. Шундай қилиб, ҳар бир ўқувчи совға олади ва совға беради.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

*Бадя Л.В.* Прогрессивные идеи социальной педагогики и социальной работы в России: история и современность. –М.: Изд-во АСОПиР, 1995.

*Григорьев С.И., Гусякова Л.Г., Ельчанинова В.А. и др.* Теория и методология социальной работы.- М.: Наука, 1994.

Исторический опыт социальной работы в России: Учебное пособие. / Под ред. Л.В.Бадя – М.: Изд-во ЦСП РАО, 1994.

Методология и технология комплексного социально-педагогического проектирования (региональный уровень): Коллективная монография / Под ред. В.И. загвязинского.- Тюмень: Изд-во ТГУ, 1997.

*Никитина Л.Е. Симонович В.Л.* Практическое обучение социальных педагогов в высшем учебном заведении: Методическое пособие. – М., 1998.

Обучение социальной работе: состояние и перспективы. Материалы международных конгрессов Школ социальной работы. – М.: АСОП иР, 1997.

Права человека и работа в социальной сфере: Пособие для училищ по подготовке социальных работников и для работников социальной сферы.- Женева: Изд-во Центра по правам человека ООН, 1995.

Справочное пособие по социальной работе / Под ред. А.М.Панова, Е.И.Холостовой. – М.: Юристъ, 1997.

Теория и методика социальной работы: краткий курс / под ред. В.И Жукова – М.: Союз, 1994.

Теория и практика социальной работы: отечественный и зарубежный опыт: В 2 т. / Под ред. Яркиной Т.Ф., Бочаровой В.Г. – М. – Тула: Изд-во Ассоциации социальных педагогов и социальных работников РФ, 1993.

## **ИЛОВА**

**ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТНИ**

**ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР**

---

“Беғамликка берилманг, ўзингизни гафлатга қўйманг! Ҳали ёш экансиз, кучингиз, ғайратингиз бор экан яхшилик қилиб чарчаманг”.

А. П. Чехов

(Қўлланманинг мазкур бўлими В. Л. Симонович ва Л. Е. Никитиналар ишланмаларига асосланиб тайёрланган).

Ушбу қўлланманинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг амалиётга йўналтирилганидир. Ижтимоий педагог ва ижтимоий соҳа мутахассисини таълим муассасаси деворлари ичида ўтириб тайёрлаш мумкин эмас. Қўлланманинг кўпчилик машғулоти сўнггида амалий вазифалар келтирилган, чунки ижтимоий соҳа ходимининг профессионал ваколатлигининг муҳим белгиси ўз билимларини амалий фаолият мақсадлари, шарт-шароитлари ва усулларига мослаб қўллай билишидир. Ижтимоий педагог, ижтимоий соҳа ходими касбини фақатгина индивидуал-шахсий даражада эгаллаш мумкин, шунинг учун ҳам мутахассислар тайёрлашни унинг шахсини шакллантиришга йўналтириш лозим. Ижтимоий соҳа ходимларини тайёрлаш дастурларида амалиётга муҳим ўрин ажратилади, бу жараёнда улар мутахассиснинг реал фаолиятига дохил бўладилар, мижозлар билан, ижтимоий соҳа муассасалари ҳал қиладиган муаммолар билан; жамоат бирлашмалари, давлат ва тижорат тузилмалари билан; ўзлари ишлайдиган иш шароитлари билан танишадилар. Улар, шунингдек, амалиётда ўзларининг билим ва кўникмаларини синаб кўриш, ташкилотнинг расмий ва норасмий тузилмалари билан танишиш, ўзларининг кучли ва заиф томонларини англаш имкониятига эга бўладилар.

Амалиёт ўқув юртида олинган билимларни синаш, уларни бир бутун тизимга жамлаш имконини беради. Амалиёт, шунингдек, мана шу тизимдаги энг муҳим бўғинларни ажратиш имконини ҳам беради.

Амалиётнинг мақсадлари :

жамият ва мижозларнинг ижтимоий муаммолари моҳияти, таснифи, хусусиятлари ҳамда уларни давлат ва шахсият даражасида ҳал қилиш усуллари тўғрисида билимларга эга бўлиш;

мижозлар билан ижтимоий-педагогик иш олиб боришнинг касбий билим ва кўникмаларини эгаллаш;

танлаган касбга руҳий жиҳатдан мослашиш;

бўлғуси профессионалнинг ўзини-ўзи тарбиялаши;

низом мақсадлари ижтимоий-педагогик хусусиятларга эга бўлган жамоат бирлашмаларининг фаолиятларида волонтер сифатида иштирок этиш;

турли генезислар туфайли келиб чиқадиган қийинчиликларни умумлаштириш, ўқув-тарбия жараёнини коррекция қилишга йўналтирилган таклифлар киритиш билан қўшилиб кетадиган ўз-ўзини рефлексиялаш.

Мураббий-педагоглар муҳим касбий кўникма ва малакаларни: коммуникатив (мижоз билан мулоқотга киришиш ва бу мулоқотни давом эттириш лаёқати); инструментал (мижоз манфаатларини ҳимоя қилишнинг ёзма ва оғзаки усуллари) ва таҳлилий (энг муҳим нарсани ажрата билиш, муаммони кўндаланг қўйиш, гипотезани олға суриш, тегишли ахборотни тўплаш, ҳаракат режасини ишлаб чиқиш, уни амалга ошириш ва натижаларини баҳолаш) лаёқатини шакллантиришга кўмаклашадилар.

Талабалар ижтимоий хизмат фаолияти билан, ходимларнинг ички тартиби ва хизмат вазифалари билан; мижозлар: оилалар, мактаблар, ижтимоий таъминот муассасалари, руҳий шифохоналар ва ҳ.к. билан танишиш имкониятига эга бўлишлари лозим. Ўқувчилар, шунингдек, мижозлар тушиб қоладиган турли вазиятлар билан танишадилар, уларни бир бутун ҳолда идрок қилишга ўрганадилар; улар мижозлар билан бевосита ишлашни кўришлари, тажрибали мутахассислар фаолиятини кузатишлари ва кўрганларини ўзларининг педагог-мураббийлари билан муҳокама

қилишлари, ишга фаол киришишлари, ўзлари орттираётган тажрибани таҳлил қилишлари ва умумлаштиришлари, бу жараёнда амалиёт вакилларининг ёрдамидан фойдаланишлари; фақатгина ўзларининг педагог-мураббийларидангина эмас, балки уларнинг ҳамкасабаларидан ҳам ўрганишлари лозим.

Назария ва амалиётнинг, таълим вазифалари ва муайян фаолият турига тайёрлашнинг вазифаларини ўзаро мувофиқлаштириш мақсадлар, ёндашувлар ва баҳо мезонлари турлича бўлгани учун доимо қийин кечади. Ижтимоий соҳа муассасалари ўзларига керак бўлгандай мутахассисларни тайёрламаётгани учун ўқув юртларига эътироз билдирадилар. Ўқув юртлари эса, ўз навбатида амалиётчи-талабалардан мақсадли фойдаланилмаяпти, деб ҳисоблайдилар. Ижтимоий ишда назария ва амалиёт ўртасидаги тафовут бошқа ҳар қандай соҳадагига нисбатан кучлироқ сезилади ва кўпинча бу ҳолат мазкур касбий фаолиятнинг институционал тузилмаси хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Мазкур тафовутни назария ва амалиётни интеграциялаш, касбий таълимни амалиёт талабларига мослаштириш нуктаи назаридан бартараф этиш йўллари кенг муҳокама қилинмоқда.

Ижтимоий ходимларга амалий таълим бериш фақатгина барча иштирокчилар мазкур жараёнда ўзларининг ролларини самарали ижро этганлари тақдирдагина муваффақиятли амалга ошади. Мана шу муҳим шахслар томонидан ўз вазифаларига виждонан ёндашмаслик, улар томонидан етарли кўмак берилмаслиги ёки уларда тегишли қобилиятларнинг йўқлиги амалий таълим учун жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.

*Ижтимоий муассаса.* Ижтимоий муассаса ўзининг янги тайёрланган мутахассисга ўз хизмат мажбуриятларига ўрганиши учун имконият яратиб бериш вазифасини миждозларга малакали хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятлари билан мувофиқлаштириши лозим. Ижтимоий муассаса раҳбари амалиёт ўқитувчиси (супервизор)га амалиётчи-талабани ўргатиш бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун вақт ажратиб бериши,

шунингдек, хизмат кўрсатувчи персонал томонидан қўлланишини таъминлаши, масъул амалий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган транспорт хизмати ва жиҳозларни етказиб бериши зарур. Амалий таълимда иштирок этиш ҳар доим ҳам рентабел бўлавермайди. Бироқ, бу харажатлар аҳоли билан ижтимоий-педагогик иш олиб бориш соҳасидаги таълим йўналишлари билан бевосита танишишнинг афзалликлари, янги ходимлар олиш, ижтимоий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, ёрдамчи-волонтёрларга эга бўлиш сингари жиҳатлари билан ўзини оқлайди.

*Амалиёт координатори.* Амалиёт координатори ҳам амалий таълим ишига ўзининг жиддий ҳиссасини қўшиши лозим. Гарчи ижтимоий муассаса мана шу таълим фаолияти учун вақт ва кадрларни таъминлаши кўзда тутилса ҳам, айнан раҳбар (амалиёт координатори) ўқув юртлирини танлаш, ўқувчиларнинг ишларини текшириш, ўқув юртида ўтказилаётган турли хил тадбирларда иштирок этади. Кўпинча унинг ишига баҳо беришда у ўқув жадвалида кўрсатилмаган ўқувчилар билан амалиёт ўтказилаётган муассаса ходимлари ўртасида, шунингдек, улар ва ўқитувчилар ўртасида шахсий муносабатларни ўрнатиш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган, кенг қўламли иши ҳисобга олинмайди. Бундан ташқари, таълим олаётганларнинг индивидуал эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнини тақсимлаш учун масъулият ҳам охир-оқибат амалиёт координатори зиммасига тушади. Шундай қилиб, ўқув жараёнига баҳо бера олиш қобилиятига, шунингдек, дарс бериш санъатига эга бўлиш учун малакали ўқитувчи бўлиш зарур.

*Амалиётчи-талаба.* Амалий таълим жараёнида амалиётчи-талаба пассив тингловчи мавқеини эгаллаши мумкин эмас. Амалий таълим ундан ўқув жараёнида уни ўз эҳтиёжларига яқинлаштириш учун фаол иштирок этишини тақозо қилади. Ўқув материални саралаш ўқув юрти томонидан ишлаб чиқилган ўқув жараёни вазифалари, шунингдек ўқув юртининг вазифалари ва йўналиши билан белгиланса ҳам, ўқувчига ўзининг индивидуал режасини муҳокама қилиш учун жиддий имкониятлар берилган.



Кўпинча бундай муҳокамалар ижтимоий хизматларда амалиёт ўтиш режасини тузиш жараёнида координатор билан муҳокама қилинади, кейинроқ эса ҳар куни ўқувчиларга кундалик топшириқларни бериш жараёнида супервизор билан муҳокама этилади. Амалий таълим кўпинча ўқувчини катталардек онгли тингловчи экани, ўз зиммасига ўқув жараёни натижалари учун масъулият олишни истайдиган ва олиш лаёқатига эга шахс деб биладиган тахминлар ва кутишларга асосланади. Кўп ўқувчилар учун бу янги талабдай туюладики, улар ҳали унга жавоб бериш учун тайёр эмаслар. Шунинг учун ҳам амалий таълим улардан бошқаларнинг бахти йўлида бажарилаётган ижтимоий хизмат кўрсатиш жараёнида ўзлари учун янги бўлган масъулият туйғусини шакллантиришни тақозо қилади.

*Мижоз.* Амалиётчи-талабалар томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизматнинг сифати пасайиб кетмаслиги учун барча томонлардан батафсил режалаштириш тақозо қилинади. Ижтимоий хизматларда баъзан бир ўқувчидан бошқасига ўтказиб қўйиладиган мижозлар гуруҳини ажратиш тажрибаси ҳам мавжуд. Мижозлар янги ижтимоий хизмат ходимларини йўналтиришда иштирок этганлари билан ғурурланиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқлаб олингандан кейин ҳам амалий таълим жараёнида томонларнинг ўзаро таъсир ва алоқаларини кўллаб туриш учун жиддий ишлар олиб бориш талаб этилади. Бу жараён давомида доимий эътиборни талаб қиладиган масалалар кўндаланг бўлиши ҳам мумкин. Бундай муаммоларни ҳал қилишда қуйидаги шартнома (келишувлар) ёрдам бериши мумкин:

*Ўқув юрти — ижтимоий муассаса.* Шартномада томонлар масъул бўлган соҳалар аниқ кўрсатилиши лозим. Кўпинча, супервизорни танлаш, маслаҳатчи ёки ўқув юрти вакили ваколатларини аниқлаш, амалий таълимда қўлландиган ўқув вазифалари доирасини белгилаш сингари

масалаларни ҳал қилишда ваколат доираларини чегаралаб олиш зарур бўлади.

*Ижтимоий муассаса — миждоз.* Кўмак сўраб ижтимоий муассасага мурожаат қилар экан, миждоз малакали хизмат кўрсатилишини кутишга ҳақли. Мабодо амалиётчи-талаба сифатсиз хизмат кўрсатса, ижтимоий муассаса ўзининг обрўси ва миждозлар билан муносабатларига путур етказиши мумкин.

Амалий таълимни ташкил қилишда пайдо бўладиган саволлар, одатда, таълим олаётганлар ишини тегишли назорат қилиш, сифатни текшириш мурватлари, хизмат кўрсатишдан бош тортиш ҳуқуқи, конфиденциаллик ва ҳ.к. билан боғлиқ бўлади.

*Супервизор — ўқув юрти.* Булар ўртасидаги ўзаро муносабатларга доир саволлар ўз ичига таълим жараёнида супервизорнинг ролини аниқлашга қаратилган ўқув юрти саволлари; ўқув юрти томонидан бериладиган маслаҳатлар характери ва ҳажмига оид масалаларни; режалаштирилаётган топшириқларнинг характери ва изоҳларига оид; ўз зиммасига ўқитувчилик масъулиятини олган одамларни мукофотлаш ва уларга имтиёзлар бериш; меҳнатга ҳақ тўлаш; шунингдек, ўқув юрти бошқарув органида иштирок этишга оид масалаларни қамраб олади.

*Супервизор — ижтимоий муассаса.* Амалий таълим жараёнида супервизор кўпинча ўқув юрти ва ижтимоий хизмат ўртасидаги оралик вазиятда қолади. Ижтимоий хизматга мансублиги туфайли супервизор ўзига амалиётчи-талабаларга таълим беришдаги иштирокига муносиб ҳақ тўлашлари ва ўқув жараёни учун зарур вақт ажратишлари заруратида дуч келади.

*Таълим олувчи — ижтимоий муассаса.* Таълим олувчи ижтимоий хизмат ходимлари томонидан ўзини бепул ишчи кучи манбаи сифатида ишлатишга уринишларга доим дуч келиб туради. Жумладан,

касбий малака талаб қилмайдиган зерикарли ишларни бажаришга, шунингдек ўқув юрти ёки бошқа тузилмалар ичидаги “жосус” сифатида фойдаланишга уринишларга. Бундан ташқари у мутахассислар бюрократик тузилмаларда дуч келадиган муаммолар (масалан, бюрократик талабларга қаршилик кўрсатиш, бюрократик андозаларни рад этиш, бюрократик раҳбарларга бўйсуннишдан бош тортиш, ўз ташкилотига шартли садоқат). Амалиётчи талабанинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўқув юрти ва ижтимоий муассаса раҳбарлари томонидан имзоланган махсус йўриқномада мустаҳкамлаб қўйиш зарур.

Энг умумий тарзда амалиёт натижаларини баҳолашнинг мезонларини куйидагича ифодалаш мумкин :

ўқувчи томонидан амалиёт вазифаларининг аниқ тушунилиши, мақсадли установкани мустақил шакллантириш, амалиёт натижаларига кўра тақдим қилинадиган ҳисоботлар шаклларини аниқлаб олиш;

амалиётни ўтиш жараёнида амалий кўникмаларни шакллантиришда ва мутахассислар билан яхши хизмат муносабатлари ўрнатишда фаоллик кўрсатиш;

ўзининг шаклланиб бўлган касбий “дидлари” ва “интилишлари”ни, касбий йўналишларга майлларини аниқлаб олиши;

шахслараро ва коммуникатив кўникмаларнинг умуман шаклланилиши;

кузатувчанлик ва ўз-ўзини танқид;

касбий кўникмалар (масалан, тавсифнома, йўлланма, маълумотнома, ҳисобот тузиш), мутахассиснинг шахсий сифатлари шаклланиб бўлгани;

ишга қизиқиш, ташаббускорлик;

ўзига ишонч;

ўзи билан бир босқичда таълим олаётганларга нисбатан ўзининг муваффақиятлироқ билим олаётганини аниқлаш.

Ижтимоий хизматчи ёрдамчисининг касбий фаолияти муваффақиятли бўлишини таъминлайдиган шароитлар:

Юқори сифатли назарий тайёргарлик;

Касбий мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун етарли ҳажмда касбий лаёқат, кўникма, инструментарий, технологиялар ва ҳ.к.ни эгаллаганлик.

Шахсининг касбий зарур сифатлари шаклланганлиги;

Ўқиш жойи, иш ва касб йўналишини тўғри танлай билиш;

Ўқиш ва иш учун яхши шарт-шароитлар, бирга таълим олаётганлар ва маъмуриятнинг қўллаб қувватлаши.

Амалиёт раҳбари қўллайдиган *усуллар рўйхати*:

кундалик дафтар юритиш;

аудио-, видеоёзувлар қилиш ва улардан фойдаланиш;

ролли ва хизмат ўйинлари;

муҳим муаммоларни ҳал қилишда “ақллар ҳужуми” ўтказиш;

гуруҳий йўриқномалар бериш;

тажриба алмашиш бўйича “давра суҳбатлари” ва анжуманларнинг

бошқа турларини ўтказиш;

якка тартибдаги маслаҳатлар ва бошқалар.

Амалиёт раҳбари таълим олаётганларнинг амалиёт ўтказиш жойи бўлган ёки келажакда шундай жой бўлиш эҳтимоли бор муассасалар тўғрисидаги маълумотларни жамлайди ва тўплаб боради.

Баъзи амалиёт раҳбарлари ўқувчилар учун амалиёт ўтказиш бўйича эслатмалар тузишадикки, бу уларга амалиётнинг мақсади ва мазмуни тўғрисида, амалиёт натижасида оладиган билимлари, амалий кўникмаларнинг ҳажми тўғрисида тушунча ҳосил қилишларига ёрдамлашади.

Амалиётчи-талаба бутун амалиёт даврида ўзига берилган барча топшириқ ва вазифаларнинг қисқача рўйхатини тузиши лозим. Бундай

рўйхат амалиётни аниқ ташкил қилишга кўмаклашади; иш тўғрисидаги “мулоҳазалар кундалиги”ни юритиш ўзининг касбий қобилиятлари қандай ўсаётганини кузатишга имкон беради. Кундалик, шунингдек, амалиётни режалаштиришга ҳам ёрдам беради. Кундаликдаги ёзувлар яна шунинг учун ҳам қимматлики, уларда амалиётчи-талаба миждознинг муаммоларидаги тафсилотларни ва улар тўғрисидаги ўзининг фикрларини ёзиб боради, бу эса ўз навбатида раҳбар билан биргаликда иш характерини муҳокама қилиш, аниқлаш, зарур бўлса ўзгартиришга кўмаклашади. Буларнинг бари биргаликда амалиётчи-талабанинг ишни таҳлил қилишга бўлган лаёқатларини ривожлантиради, шунингдек, муаммони ечишнинг усулларига танқидий ёндашувга ўргатади.

Амалиётчи-талаба мажлисларда қатнашиш, баённомалар юритиш имкониятига эга бўлиши жуда муҳим, чунки бу унинг касбий ишни эгаллашига ёрдам беради.

Амалиётни ўтиш натижалари ижтимоий-педагогик кундаликда ўз аксини топади, кундалик қуйидагича тузилади:

Титул варағи (муаллифнинг исми, отасининг исми ва насаби, ўқиш жойи, уй манзили, телефон рақами, кундалик бошланган ва тугалланган давр кўрсатилади; амалиёт раҳбари, координатор, илмий консультант, етакчи ижтимоий-педагогнинг ҳам фамилия ва исмлари, телефон рақамлари, амалиёт ўтиш даври ҳам ифодаланади);

Амалиёт ўтиш жойининг тавсифи (моддий жиҳатдан ва кадрлар билан таъминлангани (муассаса, район, ижтимоий муҳит, ходимлар таркиби) тавсифи); муассаса (ташкилот)нинг тўла номи; юқори ташкилот (агар бўлса); ташкил топган санаси; рўйхатдан ўтказилган сана ва жой; муассислар; фаолият ҳудуди (низом ёки қоидага кўра); тўла манзили (индекси, телефон, факс рақамлари билан) фаолият мақсади (низомга кўра); фаолият йўналишлари; ишнинг асосий шакллари; молиялаштириш манбалари; миждозлар билан ишлаш: реклама, қабул қоидалари, кўрсатиладиган

хизматлар, миқдори ва ёши; ходимларга бериладиган имтиёзлар; муассаса (бирлашма) тўғрисидаги энг муҳим публикациялар; раҳбарларнинг координаталари).

Тадқиқ этилаётган муаммога кириш (бу бўлим бутун таълим жараёни давомида тўлдириб борилади):

ижтимоий педагогик амалиёт мавзуси долзарблигини асослаш (қандай қийинчиликлар, зиддиятлар тадқиқотга ундаганини очиш, муаммонинг моҳияти нимада экани, бу муаммо бўйича нималар маълум, нималар маълум эмаслиги).

Тадқиқот объекти ва предмети;

Тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари (ташхис қўйиш, назарий моделлаштириш, услубий ва амалий);

тадқиқот ўтказиш учун негиз сифатида олинган асосий назарий (социологик, психологик-педагогик, валеологик ва бошқа қоида (аксиома) лар);

асосий ғоялар ва гипотеза (қўйилган масалалар ва уларнинг оптимал ечимлари бўйича таклифлар);

натижаларни баҳолаш мезонларини танлаш ва асослаш;

хатар омилларини, уларни профилактика қилиш чоралари ёки янгиликларнинг салбий натижаларини компенсация қилиш бўйича тадбирларни асослаш;

тадқиқотнинг асосий босқичларини: ташкилий, диагностик, қайта ўзгартирувчи, якуний (апробация, натижаларни тарқатиш, баён қилиш) босқичларини асослаш (режалаштириш). Ҳар бир босқични ўтказиш бўйича ва кўзда тутилаётган натижалар характери бўйича усулларни саралаш ва асослаш;

муассаса фаолиятини кўзда тутилаётган ўзгартиришлар бўйича моддий, кадрлар ва ташкилий жиҳатдан таъминлаш (нималар қуриш, қайта

қуриш, сотиб олиш, тайёрлаш, чоп этиш, қандай воситалар зарур, молиялаштириш ва таъминлаш манбалари, вазифаларни тақсимлаш; ходимларни ўқитиш, рағбатлантириш тартиби ва бошқалар).

Ишнинг баёни (жадвал вариантыдан фойдаланиш мумкин):

т/р №	Сана, вақти	Мақсад ва вазифалар	Бир кунлик иш режаси	Ишнинг мазмуни	Эришилган натижалар	Мураббийнинг танбехлари
-------	-------------	---------------------	----------------------	----------------	---------------------	-------------------------

### **Ижтимоий-педагогик амалиётнинг эҳтимолий объектлари**

Мавзу	Ўтиш жойи	Ихтисослик
Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни ташкил этиш.	Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимининг бошқарув органлари; турли даражадаги қонун чиқарувчи ва ижро ҳокмиятининг тузилмалари; оммавий ахборот воситалари.	Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг ташкилотчиси.
Аҳолини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш.	Оила ва болаларга ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатиш ҳудудий марказларининг бўлинмалари; аҳолига комплекс ижтимоий хизмат кўрсатиш марказлари (тез ижтимоий ёрдам хизматлари), меҳрибонлик уйлари ва ижтимоий хизмат тизимларининг бошқа муассасалари; ижтимоий бирлашмалар, жамғармалар;	Ижтимоий хизмат иқтисодчиси.
Аҳолини ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш.	Ижтимоий хизмат кўрсатиш марказларининг тез ижтимоий ёрдам хизматлари; оила ва болаларга ижтимоий-иқтисодий ёрдам кўрсатиш ҳудудий марказларининг дастлабки қабул, ахборот, таҳлил ва прогнозлаштириш; балоғатга етмаганларни ижтимоий реабилитация қилиш марказларининг ижтимоий реабилитация дастурларини амалга ошириш бўлинмалари; болалар ва ўсмирлар ижтимоий бошпаналарининг ижтимоий-ҳуқуқий бўлинмалари; ота-оналар қарамоғисиз қолган болаларга ёрдам кўрсатиш марказлари; тунаш уйлари; судлар, адвокатуралар;	Ижтимоий хизмат ҳуқуқшуноси; ижтимоий ҳуқуқшунос.
Аҳоли билан тиббий-ижтимоий иш олиб	Оила ва болаларни ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳудудий марказларининг тиббий-ижтимоий ёрдам марказлари; тиббий муассасалар.	Тиббий-ижтимоий ходим.

<p>бориш.</p> <p>Имконияти чекланган болаларни ижтимоий реабилитация қилиш.</p> <p>Имконияти чекланган катталарни ижтимоий реабилитация қилиш.</p> <p>Имконияти чекланган шахсларнинг меҳнат терапияси</p> <p>Аҳоли билан рухий-ижтимоий иш олиб бориш</p> <p>Оилалар ва болалар билан ижтимоий-педагогик иш олиб бориш</p> <p>Мактабгача ёшдаги болалар билан ижтимоий иш олиб бориш асослари</p> <p>Мактаб ёшидаги болалар билан ижтимоий иш олиб бориш асослари</p> <p>Асоциал болалар билан ижтимоий иш</p>	<p>Оила ва болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳудудий марказларининг тиббий-ижтимоий бўлинмалари; имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун реабилитация марказлари.</p> <p>Оила ва болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳудудий марказларининг тиббий-ижтимоий бўлинмалари; имконияти чекланган катта ёшли фуқароларни реабилитация қилиш марказлари;</p> <p>Аввалги икки ихтисосликдаги сингари, шунингдек, уй-интернатларда, жумладан, ногиронлар яшайдиган болалар уй-интернатларида</p> <p>Ижтимоий хизмат кўрсатиш марказларининг тез ижтимоий ёрдам хизматлари; оила ва болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳудудий марказларининг рухий-педагогик ёрдам бўлинмалари; ижтимоий реабилитацияга муҳтож балоғатга етмаганлар учун ихтисослашган муассасалар; аҳолига рухий ёрдам кўрсатиш муассасалари; имконияти чекланган болалар ва ўсмирлар учун реабилитация марказлари;</p> <p>Ижтимоий реабилитацияга муҳтож балоғатга етмаганлар учун ихтисослашган муассасалар; таълим муассасалари</p> <p>Мактабгача таълим муассасалари</p> <p>Умумтаълим муассасалари, қўшимча таълим муассасалари, жамоат бирлашмалари, аҳоли бандлиги хизматлари</p> <p>Оила ва болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳудудий марказларининг болалар ва ўсмирлар қаровсизлиги профилактика қилиш бўлинмалари</p>	<p>Имконияти чекланган болаларни ижтимоий реабилитация қилиш бўйича мутахассис.</p> <p>Имконияти чекланган одамларни ижтимоий реабилитация қилиш бўйича мутахассис</p> <p>Меҳнат терапевти</p> <p>Ижтимоий хизмат психологи; ижтимоий психолог</p> <p>Ижтимоий педагог</p> <p>Кичик тарбиячи</p>
---	---	--



<p>олиб бориш</p> <p>Қариялар билан ижтимоий иш олиб бориш асослари</p>	<p>Мижознинг уйида</p>	<p>Ижтимоий педагог</p> <p>Ижтимоий педагог</p> <p>Ижтимоий ходим-геронтолог</p>
---	------------------------	--

\*Жадвал кенгайтирилиши ва тўлдирилиши, маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олиб ўзгартирилиши мумкин.

Муҳими шундаки, амалиёт ўтказар экан, ўқувчилар ижтимоий иш ва унга яқин соҳалар ҳақида имкони борича кўпроқ билим олишлари керак. Бундай натижага турли усуллар ўрдамида эришиш мумкин: а) таълим ва ижтимоий хизмат кўрсатиш ва таълим муассасаларининг турли тадбирларида катнашиш орқали; б) махсус адабиётларни ўрганиш ва маърузалар қилиш орқали; в) амалий ва умумлаштирувчи семинарларда долзарб мавзуларни муҳокама қилиш орқали.

Амалиёт даври тугагач ўқувчилар ўзларининг касбий соҳалари бўлган ижтимоий ишнинг турли усулларини эгаллашлари, шунингдек, лойиҳа мавзуси бўйича тадқиқот материалларининг зарурий миқдорига эга бўлишлари, ўзлари танлаган касбларида собит бўлишлари лозим.

Амалиёт вазифаларини муваффақиятли бажаришга кўмаклашадиган баъзи мулоқот шаклларини тавсифлаш лозим.

**Режали суҳбатлар.** Бундай суҳбатлар вақтдан максимал даражада муваффақиятли фойдаланиш учун яхши тайёрланган бўлишлари ва сокин вазиятда ўтказилиши лозим. Суҳбатлардан қонунчилик ва амалиёт, пайдо

бўладиган қийинчиликлар, шунингдек, амалиёт бўйича ҳисоботнинг махсус бўлимлари сингари муҳим масалалар бўйича фойдаланиш лозим. Амалиётчи-талаба бундай суҳбатлар давомида кузатишлар ва иш жараёнига бағишланган рефератлар тайёрлаш, ёки миждоз муаммоларини батафсил ёзиб олиш бўйича маслаҳатлар олади. Суҳбат учун ажратилган вақт икки мақсадни кўзлайди: биринчидан, амалиётчи-талаба ўзининг саволларини аниқ ифодалашга ўрганади, иккинчидан, мустақилроқ ишлашга ҳам ўрганади.

*Амалиётни баҳолаш* амалиётчи-талаба учун ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришда лаёқати ва билимлари сифатини, мавқеининг тўғрилигини англашга кўмаклашади. Шу туфайли амалиётчи-талаба ўзининг имкониятларини аниқроқ баҳолаши мумкин ва назарий билимлар ва амалий иш соҳасидаги заиф жойларини ҳам билиб олиб, кейинчалик уларни бартараф қилишга асосий эътиборни қаратиши мумкин.

*Ўқув амалий ва йўриқ машғулотлари* уйкаш ва қизиқарли фаолият соҳалари тўғрисида ахборот олиш учун амалиётчи-талаба бундай машғулотларга қатнашиши лозим. Машғулотларга қатнашиш масъулияти амалиёт раҳбарига ҳам, амалиётчи-талабага ҳам баравар тааллуқли. Машғулотларга қатнашиш ижобий натижа бериши учун амалиётчи-талаба унга яхши тайёрланган бўлиши лозим: вазифалар аниқ ифодаланган, батафсил тавсифланган, айтилик, мавзу бўйича ўқиб чиқилган адабиётга кўра, бўлиши лозим. Шунингдек, ўзи жавоб топмоқчи бўлган саволларни ҳам атрофлича ўйлаб кўриши лозим.

Амалиётда йўриқнома беришнинг мақсади англаб етилган амалий фаолият ва касбий ролни “синаб кўриш” сингари натижага эга бўлиш учун билимлар ва амалий фаолиятни интеграциялашга эришишдир. Амалиётдаги йўриқлар амалий фаолият орқали таълим бериш, ўзининг амалий фаолияти устида мулоҳаза юритиш ва англаш, тўлақонли амалиётнинг билиш асосларини ишлаб чиқишга қаратилади.

*Амалий семинарлар.* Амалиётни назорат қилиш ва баҳолашда назария ва амалиётни интеграциялаш омили бўлган амалий семинарларга катта рол ажратилади.

*Амалиётни яқунлаганлик тўғрисида гувоҳнома.* Амалиёт тугагандан сўнг ҳар бир ўқувчи амалиётни тўла ўтиб бўлганлиги тўғрисида ихтиёрий шаклдаги гувоҳнома сўраши керак. Бу гувоҳнома (маълумотнома) амалиёт раҳбарига амалиёт тўғрисидаги батафсил ҳисобот билан бирга топширилади, ҳисоботни ўқувчи ўзи мустақил тайёрлайди. Бундай гувоҳнома мураббий ва амалиёт ўтган муассаса раҳбари томонидан имзоланиши керак. Унинг мазмуни ўқувчи томонидан амалиёт даврини баҳолашга таъсир кўрсатади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

Государственный образовательный стандарт высшего профессионального образования. — М.: Изд-во Госкомитета РФ по высшему образованию, 1995.

*Никитина Л.Е., Симонович В.Л.* Практическая обучение социальных педагогов в высшем учебном заведении: Методическое пособие.— М., 1999.

Обучение практике социальной работы: международный опыт и перспективы / Под ред. М. Доэла и С. Шадлоу. — М.,: Аспект Пресс, 1997.

*Тетерский С.В. (автор, редактор и составитель), Адушкина И.П., Арнольд А. И. и др.* Допрофессиональная подготовка и начальное профессиональное образование социальных педагогов и социальных работников: Научно-методическое пособие. — Березники: Издательский дом «Типография купца Тарасова», 1997.

*Шапкин В.В.* Концепция петербургского стандарта начального профессионального образования.— СПб.: Изд-во УМЦ Комитета по образованию Мэрии. СПб., 1996.

## МУНДАРИЖА

---

Сўзбоши.....  
.....5

Қўлланма билан қандай ишлаш керак?.....  
9

### 1-МАШҒУЛОТ

Ижтимоий иш касб  
сифатида..... 20

### 2-МАШҒУЛОТ

Ижтимоий хизматчининг  
ахлоқий ва касбий  
кодекси..... 38

### 3-МАШҒУЛОТ

Ижтимоий ишнинг нокасбий даражаси.....  
54

### 4-МАШҒУЛОТ

Ижтимоий иш илмий билим соҳаси сифатида..... 71

### 5-МАШҒУЛОТ

Ижтимоий иш  
тамойиллари..... 84

### 6-МАШҒУЛОТ

Ижтимоий иш назарияларининг ривожланиш тарихи..... 95

### 7-МАШҒУЛОТ

Ижтимоий иш усуллари ва технологиялари..... 102

### 8-МАШҒУЛОТ

Ижтимоий иш ва  
сиёсат..... 123

### 9-МАШҒУЛОТ

Ижтимоий иш ва

дин.....	137	
<b>10-МАШҒУЛОТ</b>		
Ижтимоий иш ва фалсафа.....		
145		
<b>11-МАШҒУЛОТ</b>		
Ижтимоий	иш	ва
тарих.....	152	
<b>12-МАШҒУЛОТ</b>		
Ижтимоий иш ва		
социология.....	157	
<b>13-МАШҒУЛОТ</b>		
Ижтимоий	иш	ва
психология.....	169	
<b>14-МАШҒУЛОТ</b>		
Ижтимоий иш ва		
валеология.....	177	
<b>15-МАШҒУЛОТ</b>		
Ижтимоий иш ва конфликтология.....		
188		
<b>16-МАШҒУЛОТ</b>		
Ижтимоий иш ва ижтимоий информатика.....	196	
<b>17-МАШҒУЛОТ</b>		
Ижтимоий иш ва педагогика.....		
		204
<b>18-МАШҒУЛОТ</b>		
Ижтимоий иш фан сифатида.		
Ижтимоий иш бўйича мутахассисларни тайёрлаш.....	216	
<b>19-МАШҒУЛОТ</b>		
Ижтимоий педагог ва ижтимоий		
хизматчининг касбий		
мулоқоти.....	227	
<b>20-МАШҒУЛОТ</b>		

Ёзув кўникмаларини такомиллаштириш..... 245

## **21-МАШҒУЛОТ**

Ижтимоий ишда иш

юритиш..... 253

## **22-МАШҒУЛОТ**

Хизмат юзасидан суҳбат ўтказиш

ва музокаралар олиб бориш.....

276

## **23-МАШҒУЛОТ**

Ижтимоий

иш

ва

санъат..... 287

## **24-МАШҒУЛОТ**

Россияда ижтимоий иш тарихи очерклари:

шўролар

Россияси..... 294

## **25-МАШҒУЛОТ**

Ижтимоий иш соҳасида хориж тажрибаси..... 305

## **26-МАШҒУЛОТ**

Ижтимоий иш соҳа мутахассисларини касбий тайёрлаш

бўйича хориж тажрибаси.....

324

## **27-МАШҒУЛОТ**

Ижтимоий иш бўйича халқаро ҳужжатлар..... 345

## **28-МАШҒУЛОТ**

Ижтимоий соҳа бўйича халқаро ташкилотлар..... 359

## **29-МАШҒУЛОТ**

Ёшлар, қариялар, ногиронларнинг ижтимоий

муаммоларини ҳал қилиш ва оилани мустаҳкамлаш

бўйича халқаро

ҳамкорлик..... 372

## **30-МАШҒУЛОТ**

Оила – ижтимоий ишнинг бош объекти.....

388

### **31-МАШҒУЛОТ**

“Хатар гуруҳлари” билан ижтимоий

иш

олиб

бориш.....

407

### **32-МАШҒУЛОТ**

Турли соҳалардаги ижтимоий ишнинг ўзига

хос

хусусиятлари.....

. 448

### **33-МАШҒУЛОТ**

Россиядаги ижтимоий иш жараёнида

мамлакат ва хориж тажрибасини ўрганиш,

ундан

фойдаланиш.....

458

### **ИЛОВА**

Ижтимоий-педагогик амалиётни ўтказиш

бўйича

тавсиялар.....

468